821
Т-51
Т51

Ю. Тынянов

Пушкин

821.2
T51.

Ю. Тинянов

Пушкин

57103

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

CHIRCHIQ SHAHAR IJTIMOIY-IQTISODIYOT KOLLEJI
AXBOROT RESURS MARKAZI

f 2

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

Р
Т 93

СУРАЙЁ ТЎРАХОНОВА таржимаси

Тинянов Ю.
Пушкин: Роман. С. Тўрахонова таржимаси.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978С.—536 б.

«Пушкин» романи шоирнинг болалик, ўсмирлик ва ёшлик даврларини акс эттиради. Истеъдодли тадқиқотчи ва адиб, Пушкин даврининг билимдони Тинянов шоирнинг жонли сиймосини яратган, шунинг билан бирга унинг оиласидаги, лицей даги шароитни, XIX аср бошларидаги ҳаётнинг, адабий муҳитнинг характерли белгиларини жонли бўёқларда чизиб берган.

Тинянов Ю. Пушкин. Роман.

Т 70302—226
352(06)—78 88—78

Р2

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й. (Тарж.)

Биринчи ҚИСМ

БОЛАЛИК

БИРИНЧИ БОБ

1

Майор хасис эди. У бир хўрсиниб қўйиб, хонасини ичкаридан қулфлаб олди-да, пулларини қайта санаб чиқди.

Ҳали гвардияда хизмат қилиб юрган пайтлари бир ўртоғи бир юз йигирма сўм қарз олиб бермай кетган эди. Ҳозир шу эсига тушиб, сал диққати ошди. Бемаврид сайрай бошлаган канарейкага «Учир-е!» деб қўйди. Кейин уст-бошини алмаштириб, ўзини кўзгуга солди, у ёқ-бу ёғини тортиб текислаган бўлди, сўнг ҳассасини олди-да, даҳлизга югуриб чиқди.

— Отлан,— деди у ерда ўтирган казак болага совуқ назар ташлаб.— Фақат тезароқ энгил кийиб ол.

Шундан сўнг майор йўрғалиб бориб ён эшикни қия очди-да, навозиш билан:

— Мен борай, жонгинам,— деб қўйди.

Жавоб бўлмади. Майор оёғининг учида кўча эшигига қараб кетди, эшикни ғижиллатмасликка ҳаракат қилиб, оҳистагина очди. Казак бола қути кўтариб, унинг ортидан борарди.

Иморат ҳовлининг ўртасида, иморатнинг орқаси боғ эди. Гулзор, арғувон дарахти, йўлкаларга қум сепиб қўйилган. Казак бола қўни-қўшниларнинг товуқларини у ердан ҳайдаб, ўз хўжайинининг буйруғини қойиллатиб бажарар эди.

Ҳовлидаги ит қадам товушларини эшитиб, уйқу аралаш ғингшиб қўйди. Майор лип этиб ўзини кўча эшигига урди. У ташқарига чиққандан кейин сал бемалолроқ кетди, лекин чақириб қолишмасайди, деб ҳадиксираётгани ҳам кўриниб турарди.

У кўча ёқалаб кетди. Узундан-узун Немис кўчаси зерикарли. деворлари кўп йиллик ёмғирлардан кулранг бўлиб кетган, дарвозалардаги бутларнинг ранги ўчган, бошдан-оёқ лой эди. Ёмғир кўпдан бери ёғмаган бўлса ҳам ҳамон палахса-палахса лой, йўл илон изи бўлиб кетганди. Аллақандай немис мастеровойлари ўтиб

борар, бир хотин ғоз кўтариб кетар эди. Майор уларга қайрилиб ҳам қарамади. У кўчама-кўча юра-юра — Разгуляй[1]га чиқиб олди. Илгари бу кўчада ажойиб бир майхона бўларди. Кўчанинг номи шундан қолган эди. Бу ерда майор афти бағоят заҳил бўлиб кетгунча извошчи билан тортиша-тортиша арава ёллади. Покровский дарвозасигача борасан, деб тайинлади извошчига. Қирчанғи йўртиб кетди, орқада эса казак бола қутиси билан югуриб келарди. Покровский дарвозаси тагида майор извошдан хиёбонга сакраб тушди.

Хиёбонда у бошқача бўлиб кетди.

Кўзларига монанд мовий галстукда, енгил асога таяниб у атрофга кўз қирини ташлаб борар ва шоҳи рўмолча билан елпиниб, хиёбон шабадасини ютмоқчи бўлгандай, оғзини ним очиб шошмасдан кетиб борарди. Ҳадемай у бир қизалоқдан гулдаста сотиб олди. Июль ойи бўлиб қуёш ҳам аёвсиз қизитмоқда эди. Казак бола унга етолмай, орқада қолиб кетаётган эди.

Шу зайл у Қассоблар қопқасидан ўтиб, Овчилар растаси[2]га етиб олди. У ҳадеб ўткинчи аёлларга қараб, ташвишларини унутиб, хиёл-хиёл диконглаб кетиб борарди. Казак бола терини енгги билан арта-арта унинг кетидан гандираклаб келарди. Майор майхона ертўласига тушди. Ҳали барвақт бўлишига қарамай, бу ерда бургон ва лафит шаробларининг фазилатлари хусусида баҳслашиб, икки шинаванда йигит ўтирар эди. У дурустроқ ва арзонроқ шароб олиш пайида анчагача шиша ёрлиқларини синчиклаб кўздан кечирди. Битта Сен-Пере ва икки лафит танлаб, пулини бепарвогина тўлади-да, казак болага, буларни ол, деб қўйди. Кейин мулойимлик билан атрофдагилар эшитадиган қилиб, танбеҳ ҳам бериб қўйди.

— Адрес эсингда турибдими ишқилиб, жиннивой? Шунақасан, эсингдан чиқади дарров. Қани такрорла-чи: графиня Головкинанинг уйи ёнида, гвардия майори Пуш-кин-нинг уйи, у ерда кимдан сўрасанг, айтиб беради. Йўқ, сен аҳмоқ, эслаб қололмайсан. Яхшиси, ёзиб бера қолай, сен дўкончидан сўрагин.

Шундан кейин у ҳиринглаб, кичик бир қоғозга хат ёзиб берди.

Казак бола унга ҳиссиз бақрайиб туриб, хатни илма-тешик чўнтагига солиб қўйди.

2

Мана бир йилдирки, гвардия майори ёки тўғрироғи, капитан-поручик истеъфода бўлиб, кригс-комиссариатда хизмат ўтарди,

[1] Разгуляй — кайфу сафо маъносини билдиради. *(Ред.)*

[2] Қассоблар қопқаси (Мясницкие ворота), Овчилар растаси (Охотний ряд) — рус кўчаларининг номлари.

шунга кўра формаси ҳам гвардияча эмас эди, лекин ҳануз ўзини гвардия майори Пушкин деб юритарди. Одамларнинг айтишича, император Павелнинг номини тезроқ эсдан чиқариш мақсадида бу даврда «совуқ» муомалалар бошланган, номдор кишилар учун «борей» ёки «норд» шамоли эса бошлаган эди.

Шу боисдан майор ўзини кригс-комиссариат кийимидаги гвардиячи деб атаганда, гўё истеъфо сабабларига ва унинг муваққатлигига ишора қилгандай бўларди. Аслида эса у худди акаси Василий Львович сингари истеъфога чиқишга мажбур бўлган, негаки гвардиячилар сингари ҳаёт кечириш учун маблағ етишмас, кригс-комиссариат эса маош берар эди.

Нижегород ўлкасида унга, онасига, акасига ва сингилларига қарашли ерлари бор эди. Болдино қишлоғи расмана бояр амлоки бўлиб, у ерда уч минг жон истиқомат қилар, бутун бало шунда эдики, тўққиз йил бурун, қуриб кетгур тақсим чоғида отасининг биринчи никоҳдан бўлган ўғли ҳам иштирок этган ва у ер билан жонларнинг кўпроқ қисмини ўзи ва онасига талашмоқда эди.

Ўша пайтдан то ҳозиргача Сергей Львович қариндош-уруғларидан хавотир олиб юрар, туғишган акасини эса хотиридан ўчириб ташлаган эди.

Сергей Львович ер-мулкига сира қадам ранжида қилмас, борди-ю, онаси нега бормайсан, деб ачитиб сўраб қолса, ғижиниб афтини буриштирар эди. У оз эмас, кўп эмас, ҳисобда минг жон борлигини, анҳорда тегирмон ишлашини, ғазна у ерда қовоқхона очганини, бутун атроф қалин ўрмонлигини билар эди. Аммо ўрмонда нималар бор,— мевалар ўсадими, бўрилар кўпми,— аниқ билмас эди. Даромад олаётганда эса доим бир хазина очгандай ёки катта бойлик топиб олгандай суюниб кетар, бир зумда ўзини бадавлат одам деб ҳис қила бошлар эди. Ҳадеганда қўлига пул тушмай, даромаддан дарак бўлмай қолса, кўнгли хавотирга тушиб, сиқила бошларди. Гвардиялик рўзғори эса кемтик бўлиб, ҳамён қуруқлигина эди.

Шу асно Сергей Львович, гвардиячи ёш ва таъсирчан йигит эмасми, устига-устак ойимқизлар айтганидай, б е л ь э с п р и[1] бўлгани учун муттасил муваффақият қозониб келар эди.

У французча гаплашишга чечан эди, русча гаплашганда бенхтиёр ҳушт-ҳуштлаб, пинғиллаб юборарди. Жамики француз романсларини билгани ҳолда, она тили санъатига ҳам қизиқар эди. Адабиётчиларнинг эркинлиги ва одамохунлигидан қаноат ҳосил қиларди. Кишининг юраги қаерда ором олиши мумкин?— Адиблар даврасида. Сергей Львович улар орасида ҳордиқ чиқарар ва нафосат оламининг пайғамбарлари бўлмиш Николай Михайлович

[1] Аскиячи (франц. bel esprit дан).

Карамзинни зиёрат қилиш фурсатини ҳеч қачон канда қилмас эди. Эндиликда бу ёзувчи бирмунча ҳовуридан тушиб, совиб бўлган, анча маънилироқ бўлиб қолган, лекин илгари ҳам, ҳозир ҳам — ҳамиша кўнгли очиқ ва хушмуомала, донишманд эди. Сергей Львович учун у бамисоли йўлчи юлдуздай гап эди. У ўша аввалгидек Тверь кўчасида, Плешчеевнинг уйида истиқомат қиларди.

Икки ярим йил бурун Сергей Львович уйланди. Унинг хотини фавқулодда ажойиб нарса эди. Петербург гвардиячилари уни «соҳибжамол дурагай» ва «соҳибжамол африкалик» деб аташар, унинг ноизларидан безор бўлган ўз одамлари эса уни орқаворатдан араб дейишарди.

У араб, генерал-аншеф, илгарилари эса Улуғ Пётрнинг дўсти ва камердинери бўлган машҳур Абрам Петровичнинг набираси эди. Золим ота уни онаси билан энг норасида палласида ташлаб кетган ва у худди сағирдай ўсган эди. Дарвоқе, унинг тақдиридан амакилари, ажойиб Суйда амлокининг эгаси бўлмиш генерал-цейхместер Аннибалу Псков округида истиқомат қилгувчи генерал-майор Аннибаллар бохабар бўлиб турдилар. Ака-ука Пушкинлар гоҳо-гоҳо генерал-цейхместерникида меҳмон бўлиб туришар, назмчи Василий Львович бўлса, Суйдани ва унинг соҳибини ҳатто мадҳ ҳам этган эди. Аннибалларнинг араб отаси аслида камердинер ҳам эмас, балки император Пётрнинг яқин дўсти, яқин дўсти бўлганда ҳам ҳар қалай генерал-аншеф унвонини қозонган одам эди. Аннибал мағрур ном эди. Бундан ташқари, Надежда Осиповна жуда келишган қиз эди. Сергей Львович унга ошиқ бўлиб қолган олий тоифадагиларнинг барча расм-русмларига амал қилди-ю, лекин ҳали уйланишдан умидвор эмас эди. Бироқ тез орада ҳалиям уйланишдан умидвор бўлмаса ҳам қизнинг қўлини сўради ва кутилмаганда соҳибжамолнинг розилигини олди.

Оилавий аҳволнинг мураккаблигига қарамасдан амакилари Надежда Осиповнага Псков губерниясидаги кичикроқ бир қишлоқни тақдим қилишди; шунингдек, қочоқ отаси вафот этгандан сўнг қиз қўшни қишлоқни ҳам олиши мумкинлигига шама қилишди. Қизнинг отаси эса, асл маънода золим бўлмаса-да, бағоят енгил табиатли киши эди — у тирик хотинининг устига яна уйланиб қўйган эди. Кичик хотини псковлик бир нозанин бўлиб, эрини роса шилди; яна нафақат уни, балки оиласини ҳам, ҳатто акасининг ҳам бор-будини совурди. Енгилтак эр пул совуришга ажаб уста, пулнинг душмани эди ва бамисоли тўхташга вақти бўлмай нуқул қияликдан пастга қараб учиб тушаётган одамларга ўхшар эди. Қўлига пул тушди дегунча дарҳол гўзал хотинига олтин ва кумуш сервизлар оларди. Қўшхотин можароси умрининг заволи бўлди. Катта хотин кичигини, кичиги каттасини ёвуз шум кампир деб атарди. Қиз эрга чиқаётган пайтда тортишув ҳамон давом этаётган

эди. Катта хотин Осип Абрамович билан гоҳ тотишиб, гоҳ уни ташлаб кетиб қолар ва иккала ҳолда ҳам кичик хотин сингари ундан пул талаб қилаверарди. Мишмишларга қараганда, энди Осип Абрамович кучдан қолган ва Михайловск қишлоғида бир амаллаб кун кечирмоқда эди. Африкалик келин боланинг сепи бўлмиш Кобрино қишлоғи Михайловск қишлоғи билан ёнма-ён эди.

Император хотин Екатерина қазо қилди. Гвардияча шўхликлар барҳам топди. Ёшлар қиз кўриб, отини Ольга қўйишди. Петербургдан оналари Марья Алексеевна меҳмон бўлиб келди. Сергей Львович ўзини уй-жойли кўриб, истеъфога чиқди. У йигирма тўққиз ёшда эди. Оила учун мўлжалланган уй Сергей Львович тасаввурида оппоқ мармар устунли (ҳеч бўлмаганда, ёғоч устунли) ва бу устунлар карнайгул билан ўралган бўлиши керак эди. Шунинг учун ҳам ўз ҳаётидан унчалик кўнгли тўлмас — уй танлаш ва ўз бахтини яратишнинг уддасидан чиқолмаётган эди. У турган уй ижарага олинган ва тасодифий эди, турмуш-турмуши омонатга ўхшаб кўринарди. Лоақал чорбоғ ҳам эмас, Москва ҳам эмас, аллақандай чекка жой — иморат ҳам сонли эмас, инглиз савдогарлари идорага мўлжаллаб қўл учида қуриб кетишган омонатгина уй. Ҳозирги подшоҳнинг феъли ёмон, инглизларни хуш кўрмасди, шунинг учун инглизлар ўз уйларини бир мансабдорга сотиб кетиб қолган эдилар. Сергей Львович оворагарчилик деган нарсани ёмон кўрарди. У дарров уйни ижарага олди, хайриятки, арзон-гаров эди.

Бўйдоқлик давридан — биттаси тўтиқушли, яна бири канарейкали икки қафас олди, лекин ҳаёт тарзи кескин ўзгариб кетди. Бир ой бурун у ўғил кўрди ва ўз бобоси хотирасига Александр деб ном қўйди.

Энди чўқинтириш маросимидан кейин у, гвардиячилар таъбири билан айтганда, куртаг[1] ўтказмоқчи эди, ҳозир у, кўнгилга яқин кишилар билан камтарона ўтириш тараддудидаман, деган бўлар эди.

3

Марья Алексеевнанинг эрталабдан жони ҳалак эди. Меҳмонларни ва куёвининг қариндошларини кутиб олишга ҳозирланаркан, у қош қўяман деб кўз чиқаришдан хавотирланарди. Пойтахтдан янгича одамлар келишади, у эса нозик муомала қилишни билмайди. Зални саранжом қилишар, мерос шамдонларни бўр билан ишқалашар, даҳлизлардан ахлатни супуриб чиқаришарди. Ахлат ҳам кўп эди.

Ич-ичида у «қўним топган жойим», «ҳаётимнинг таянчи» деб

[1] Куртаг (нем. Courtage) — қабул. Бу ерда туғилган ўғил шарафига зиёфат маъносида.

Липецк шаҳрини билар, унинг яқинида отасининг уй-жойлари бўлиб, қизлигида у ўша ерларда яшаган эди. Шаҳар озода, катта кўчаларига эман ва арғувон дарахтлари ўтқазилган эди. Ноку олчалар тоғ-тоғ. Қизлар каштали кўйлак ва нимча кийишарди. Арғувон дарахтлари айни шу маҳалларда гуллагувчи эди; улардан қуюқ хуш ис таралиб турарди. Липецкнинг лойқа, лекин шифобахш сувларида чўмилгани ёзда пойтахтлардан юқори мартабали олифта ва башанг кишилар келишарди. Пойтахтдан артиллерия бўйича топшириқлар билан энг яхши ва ўткир офицерларни чўян заводларига жўнатиб туришар эди. У турмушга чиқаётганда ҳаммаҳаттоки, арабга тегяпти, деб кулиб ҳам юришган эди. Араб денгиз артиллериясининг офицери эди. У ҳаддан ташқари сертавозе, доим ҳужумга шай, жўшқин, қайлиғи учун ҳеч нарсадан тоймайдиган киши бўлган эди. Бироқ золим бўлиб чиқди.

Марья Алексеевна қўлида гўдак қизи билан молсиз-дунёсиз, шўппайиб, қишлоққа, ота-онасиникига кетди; лекин отаси кучдан қолган, оилани хонавайрон қилган ёвуз араб туфайли унинг ҳам дард-дунёси қоронғи бўлиб кетган эди, тез орада у фалаж бўлиб қазо қилди. Шу тариқа араб икки карра золим бўлиб қолди.

Отасининг вафотидан сўнг Марья Алексеевна онаси ва кичкина қизалоғи билан қаттол қашшоқликда кун ўтказди. Гоҳи маҳаллар уйда бир бурда қоқ нонга ҳам зор бўлиб қолишарди. Қароллар очлик ажали билан ўлиб кетишдан қўрқиб, улардан қочардилар.

Тул бўлиб тул эмас, эрлик бўлиб сонда йўқ Марья Алексеевна кейинроқ қизи билан араб қайнотасининг қўлига қараб, Петербург канорасидаги Суйда қишлоғида ҳам, Петербургда ҳам, мана энди Москвада ҳам яшади, аммо у бу жойларнинг ҳаммасини беқарор ва бепанд деб топар, бу ерларда кўп ўтирмас эди. У қўнимсизликка ўрганиб қолган эди. Араб қайнотасиникида. Суйдада у болохонада яшади. Петербургда Преображенский полкида унинг шахсий уйи бор эди. Кейин у бу уйни сотиб юборди-да, Надежда билан Измайловский полкига кўчиб ўтди. Марья Алексеевнанинг акаукалари офицер эди, эри ҳам золим бўлса-да, ҳар қалай денгиз артиллериячиси эди, шунга кўра Марья Алексеевна ўзини ҳарбий хоним деб ҳис этар, доим ўзини шай тутарди, занг урилдими — туриш керак, горн чалиндими — овқатланиш керак. Улар турган уйнинг деразалари тагида қиличлар шақирлар, шпорлар жаранглар эди. Она-бола кеч туришарди ва ўтган-кетганларни томоша қилгани деразалар тагига ўтириб олишарди.

Надежданинг бўйи етиб қолди. Ўша ерда Измайловский полкида унга қуда томондан қариндошлиги бўлган гвардиячи капитан-поручик одам қўйди. Марья Алексеевнанинг ўзи аслида Пушкина бўлиб, Сергей Львович унга амакивачча эди. Суриштириб

кўришса, у ўзига тинч киши бўлиб чиқди. Таклиф қабул қилинди албатта. Ёшлар Москвага кўчиб ўтишди. Энди Марья Алексеевна Надеждаларникига оналик вазифасини ўтагани меҳмонга келган эди. Шундай қилиб, бир маҳаллар қайнотасиникидаги сингари энди набираси Ольга билан яна болохонага чиқиб қолди.

Марья Алексеевна одамларнинг кўпини кўрди, қўшхотинлик жиноятқор эри билан оғир-енгил кунларида бирга ишлаган мансабдорларни эсини жойига келтириб, танобини тортиб қўйишни, бошпана ва ширин сўзини аямайдиган одамларни қадрлашни ўрганди, анча пайтгача маломат қилишмасайди, қашшоқ деб санашмасайди, деб ҳадиксираб юрди. Эндиликда маълумотларнинг чуқурлиги, оқсуякларча билимдонлик расм бўлиб, ҳамма нарса ўзгариб кетди.

Липецк қандай турган бўлса, ўшандай турибди, дейишади.

Энди куёвининг кичик, лекин оғир, бутун бошли рўзғори унинг қўлида эди. Қароллар сони кўп эмас, лекин талтайиб ўзбошимча бўлиб кетишган. Ошпаз Николашка — пиянисга ва золим. Одамларнинг ҳаммаси пашша сингари ялқов, қўллари ишга бормайди. Ҳаммаси ёлғончи. Хайриятки, қароллардан баъзи бирларини — синалган онахон ва энага Иришкани унинг ўзи ола келди. Бу йилларда аксига олиб, даромад ҳам камайиб кетди. Марья Алексеевна ихлоси қайтиб кетганини яширмас эди; Сергей Львович бадавлатми ёки камбағалми, тагига етишнинг сира иложи йўқ. Минг жон-а, айтишга осонми! Уйда бўлса шакар йўқ, дўкондан ҳам қарз бўлиб қолишди. Бутун ташвиш ёлғиз унинг гарданида, Сергей Львович уйдан «ғип» этиб жўнаб қолишни билади. Надежданинг туриш-турмуши эса унга маъқул эмас, унинг ўз ҳаётини фаровон қила олишига ҳам кўзи етмайди. Марья Алексеевна қизида ўзига хос бўлмаган хислатларни неча марта пайқаган, қизининг афт-ангори ҳам, кафтларининг айни пайтда қора ва сариқлиги ҳам араб отасига тортган. Табиати липецкликлар табиатига ўхшамайди: совуқлиги, лоқайдлиги, эринчоқлиги бор; уззукун тирноғини тишлаб, ивирсиб юради-юради-да, кейин бирдан худди ари чақиб олгандай, югургилаб ҳамма ёқни остин-устун қилиб ташлайди. Одамларга ҳой-ҳойлаб, анжомларнинг ўрнини алмаштирадими-е, тақсимча-ликопчаларни синдириб, расмлар осадими-е...

Липецк эса илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, дейишади.

— Аришка, чоп, ошхонага бориб кел! Николашка, чўчқачани қовурдингми? Шампанни сувга сол, тентак!

4

Биринчи галда яқин қариндошлар бўлмиш Пушкинлар келишди. Катта синглиси Лизанька эри билан ва кичик синглиси Аннет бир ўзи ташриф буюрдилар. Марья Алексеевна уларни хуш кўр-

мас, сингиллари гап сотиб ўтиришганда, у ўрнидан туриб кетарди. Лизанька унинг наздида енгилтак ва ҳавойи эди. Ўзидан анчамунча ёш эрга теккан эди. Марья Алексеевна беихтиёр Сонцев билан Сергей Львовичларни қиёслаб қолар ва Сонцев яхшироқ бўлиб чиқар эди. Уларнинг майоридан кўра у бақалоқроқ, кўнгилчанроқ, оғир-босиқроқ — ҳовлида югуриб юрмайди. Олифта эмас, аммо ёқимтой — сочини жингала қилиб юради. Дарҳақиқат, Матвей Михайлович Сонцев сочини а-ля Каракалла модасида жингала қилдирган эди, Аннетни — Анна Львовнани эса Марья Алексеевна сохтагарчилиги учун ёмон кўрарди. Анна Львовнанинг ёши ўттизга бориб қолган (ўттиздан ўтиб кетган, дерди Марья Алексеевна), у бўлса ҳалиям бирор куёв чиқиб қолишидан умидвор бўлиб, ўзига оро берар ва нозланиб оҳанжама қилиб гапирарди. Марья Алексеевна Сергей Львовичдан завқланарди, уни оқсуяклар сафига қўшиш учун ўлиб-тирилар, ўзингни эҳтиёт қил, деб ёлворарди. Надежда Осиповнага эса, доим совға-салом ташир, Марья Алексеевнанинг фикрича, булар арзимаган нарсалар эди. Ахир патчалар, тўқачалар совға қилса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку...

Яқинда Анна Львовна ниҳоят ниятига етгандек бўлди: Сергей Львовичнинг айтишига қараганда, кўзга кўринган киши бўлмиш Петербург шоири ва ҳақиқий статс маслаҳатчиси Иван Иванович Дмитриев Анна Львовнага оғиз солибди. Марья Алексеевна таббриклади, лекин ичида ишонмади. Опа-сингиллар меҳмонга келган кезларда у юмушлар билан, аслида эса нафасини ростлаб олгани ташқарига тез-тез чиқиб турарди.

— Бекор гап,— дер эди у секин ва қайтиб кирарди.

Василий Львович хотини билан лакланган, ваҳимали жаранглигини яхши биларди. Ёнида эса унинг шоирлик унвони, шажараси, извошидан ҳам улуғроқ аёл — фусункор бир зот, хотини Капитолина Михайловна ўтирарди. Улар йўлга чиқишганда бу бир-бирига муносиб эр-хотинга қарамаган одам қолмади.

Буни ҳис қилган ҳолда Василий Львович то Басманнаянинг охиригача сирли ва лоқайд алфозда бўлди. Эски уйлар қатори бошланиб, кўзга илса арзигулик одамлар сепсилгандан кейингина у атрофга бир-икки аланглаб қўйишни ўзига эп кўрди-ю, одамлар унга эмас, хотинига қараётганини пайқади.

— Mon ange[1], mon ange[1],— у ғижиниб, аммо айни пайтда ғурурланиб гулдиради,— елкаларингизни ёпиб олинг, шабада эсиб турибди...

Сўнг шу елкаларга рўмолни ўзи ёпиб қўйди.

Капитолина Михайловна билан учрашганда Марья Алексеевна Петербургда бундан ўттиз йил бурун нозлангани сингари кўзларини сузиб жилмайиб турарди.

Капитолина Михайловна борасида ҳар хил гап-сўзлар юрар, гвардиячилар уни «Цирцея», дейишарди, лекин Марья Алексеевна барча эркакларни золим ёки золимликка мойил деб ҳисоблагани учун аёлларнинг енгилтаклигини унчалик айбламас эди. «Ёшлик — бебошлик!»— дерди у ва лабларини ғолибона қимтиб қўярди.

Марья Алексеевна билан Сергей Львович меҳмонларни залда қарши олишди.

— Надежда ҳозир чиқади,— деди Марья Алексеевна, шунда опа-сингиллар ранжиб қолишди. Бирининг қўлида совғалари бор эди. Ака-укалар овоз чиқармай бир воқеа ҳақида гап сотишарди: ўтган ҳафтада машҳур қаҳвахона эгаси, ўзининг хунуклиги билан ном чиқарган мадам Шнюнинг ўнг кўзи шилғай бўлиб қолибди. Неелов унга экспромт ёзибди.

Экспромт кулгили бўлиб, эркакларга мўлжалланган эди. Ака-укаларнинг овози чиқа бошлади. Ўтган ҳафта Марфин деган жойда — граф Салтиковларнинг уйида Николай Павлович ўз водевилида, интермедиясида, прологида, шахсан ўзи ёзган пьесасида ўзи қўшиқ айтибди боплаб — граф унинг ҳамма гапига кираркан, ўшандан бир кун олдин унинг бир оғиз сўзи билан декорацияларни алмаштиришни буюрибди. Очиғини айтганда, ёзган нарсаси анчагина жўн экан: қишлоқ муҳаббати, ривалите[2] сўнг армиядан қайтган соддадил эр — графнинг ўзи чиққанда, ҳамма қарсак чалиб юборди — ошиқ-маъшуқларни қовуштириб қўйди. Лекин ҳаммасининг бирам ифодаси келтирилганки! Шеърлари, оҳанги! Петербургда овоза бўлиб кетди. Рақсларни енгил-елпи либосли қизлар қотириб ижро этишибди. Ўн минг кетибди. Акаси укасининг, укаси акасининг жим бўлишини тоқатсизланиб кутар, гапиргувчини лаб ҳаракатига тақлид қилган кўйи унинг тезроқ тугатишига ёрдам бергандай бўларди.

Шахсан ўзи Марфинга борган ва шу боисдан спектаклнинг барча тафсилотларидан хийла дурустроқ воқиф бўлган Василий Львовичга Сергей Львович сезиларли халал бермоқда эди. Василий Львович Николай Михайлович пьесасининг номини айтмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт Сергей Львович унинг гапини бўлди. Номи

---

[1] Фаришта м (*французча*).
[2] Рақобат (*франц.* rivalité).

«Фақат Марфин учун» эди. Василий Львович алам қилиб Сергей Львовичга бош ирғади, кейин эса теварагини кўздан кечириб, ўтирганлар ичида бегона одам йўқлигини кўрди. У эснади.

Хиромон юриб Надежда Осиповна кирди, аёллар билан ўпишди. Қўлларида бир рўмолчани ғижимлар эди; кафтларию бармоқлари «зотига тортган»— офтобда қолгандек сарғайиб кетган,— бу африкалик бобосидан нишона эди.

У Василий Львовичга қараб жилмайди. Шунда бу жилвадан ҳамма ёқ яшнаб кетгандек бўлди.

Назмчи Василий Львовичнинг ҳам кўнгли суст кетди: унинг шинаванда нигоҳи ўз Цирцеясининг оппоқ елкаларидан келининиг қорамағиз елкаларига кўчди.

У хушомад гап айтмоқчи бўлиб ўтириб-ўтириб, ниҳоят айтди ҳам. Ўз шеърларида у мантиққа интилар ва шу боисдан табиат кўринишларидан қочарди; ўзининг асосий фазилати — ҳазилкашлик да деб биларди. Лекин соҳибжамолларга кўзи тушди дегунча у ийиб кетарди-ю, аллакимларнинг шеърларини, номсиз мадригаллари, парчаларни, балким ҳатто ўз шеърларини эсга оларди. Шеърларда ҳам, ҳаётда ҳам у беқарор эди.

Шу асно одамлар боғнинг ўртасига — нимжонгина арғувон тагида дастурхон тузардилар.

Икки нуфузли кишига: Николай Михайлович Карамзин билан французз Монфорга кўз тутилмоқда эди. Монфор, ёки ўзини-ўзи атаганидек граф Монфор ҳали ёш, мудом хушчақчақ, рассом ва музикачи эди; таги Бордо шаҳридан бўлиб, қатл этилган француз қиролининг укаси Людовик билан бирга Митавада истиқомат қилган герцог Бордосский шотирлари сафида расмий ҳисобда бўлиб, Москвага яқинда келган эди. Париж ва Франциядан қувғин этилган ҳолда улар Россияда истиқомат қилар, император Павелнинг меҳмондўстлигидан фойдаланар ёки ҳарбийлар тили билан айтганда, унга қарам эдилар.

Француз диконглаб ва атрофга заҳарханда нигоҳ ташлаб кириб келганда, иккала опа-сингил зулфларини сал-сал тўзғитиб, жилмайиб қўйишди. Анна Львовна кўзларини сузиб ва худди бир нима деб шивирлаётгандай ёки ширинлик сўраётгандай лабларини хиёл чўччайтириб, алланечук кулимсирарди. Кейин у Марья Алексеевнага алланималар деб қўйди. Унинг айтишига қараганда, бу французлардан ёмон бегонасирармиш, негаки улар билан пачакилашиш хавфли эмиш, дарров лабетка[1] қилиб кетишармиш. Марья Алексеевнага унинг кулимсираши ибосиз бўлиб туюлди. У эшик ташқарисига чиқди-да, зарда билан овозини чиқармай:

— Бачканалар!— деди-ю, қайтиб кирди.

[1] Аҳмоқ (*франц.* bête).

Николай Михайлович маъюс ҳам содда кийинган эди.

— Олифтагарчиликнинг ҳозир бирам бозори касод,— деди у секин, — мен сизларникига шундоққина келавердим.

Николай Михайлович келди дегунча ҳамма жуфт-жуфт бўлиб боққа ўтди. Сергей Львович бирдан ғойиб бўлиб қолди: у кабинетига қайтиб кирди-да, қутичани очди; охирги бир даста пулни олиб, санамасдан камердинер Никитани чақирди.

— Никишка,— деди у шошилиб,— вино кам, ўзинг билган қоноқхонага югур, бир-икки шиша боргос виносиданми, бургон виносиданми, нима топилса келтир. Дарров бўл! Сертук[1]ни ифлос қилиб келма тағин.

У ғамхўрлик қилиб, Никитанинг эгнидаги тўр манжетларни тортиб қўйди.

— Балладани эсингдан чиқармадингми? Ҳаммаси эсингдами?

— Эсимда,— жавоб берди камердинер Никита,— ўз асаримку, бировники эмас-ку.

Камердинер Никита ижодкор эди; яқинда Сергей Львович Никитанинг узун шеърий қисса ёзганини ифшо этиб қолди. Сочларининг оройиши ва янги сертуги унга ёпишмай турарди. У ўрта бўйли, чўтирроқ, сариқдан келган. Унинг вазминлиги ажабтовур эди. Бугун Сергей Львович Никитани кўз-кўз қилмоққа бел боғлаган эди. Никишканинг булбул қароқчи ва Еруслан Лазеревич ҳақидаги шеърий қиссаси мароқли эди. Сергей Львович уни баллада деб атади-ю, текстни Никита эсидан чиқариб қўймадимми, деб хавотирланиб турди.

5

Йиғин яхши уюштирилган, истаган киши файз ва дилкушо суҳбатдан баҳраманд бўла олар эди. Ҳамма чорбоғда, арғувон тагида қишлоқ хилватгоҳида ўтиргандай ўзини бутунлай эркин ва бемалол ҳис қилиши мумкин эди.

Боғ чоққина, унинг фазилати ҳам шу эди. Ер-жойларнинг катталиги бемалол яшашга халақит берар, равон-равон боғлар ортиқ ҳавас уйғотмас эди. Юмалоқ столда қишлоқ гулдастаси турарди. Ўн йил бурун бундай гулдастани ҳеч ким столга қўймаган бўларди.

Вақт нотинч ва нобоп эди. Ҳар ким энди қишлоқча сокинлик ва тор даврага интилиб қолган, негаки кенг доирада ҳеч кимга ишониб бўлмас эди. Полиз, ҳамиша тароватли май турпи, эчкилар, бир стакан қуюқ сариқ қаймоқ, хушбўй хўжағат, четан дарахтининг одмигина мевалари, ёмғирдан ивиган қишлоқ манзаралари — мана

[1] Сертук — сюртук демоқчи (*камзул*).

шулар ўтиб кетган болаликдай бирдан ҳаммасининг эсига тушди. Одамлар табиатнинг борлигини худди ҳозир кашф этаётганга ўхшашарди. Майда савдогарнинг ёки майда ҳунармандниинг қисмати ҳам уларга қутлуғ кўриниб кетди. Бир парча ер, уй саҳнидаги мевазор боғча, дераза токчасидаги пўстлоқ саватчада пуштиранг хинагул — бундай турмушнинг бутун нашъасини эски шоирлар нега пайқашмаган экан-а! Улар урушга, табиатнинг ёнишига, ялпи зилзилаларга ишқибоз бўлиб кетишди. Бу мўъжаз уйлар эса сайроқи қушларнинг покиза қафасларига ўхшаб кетади. Лекин инсон бахтининг ўзи шундай-ку, ахир.

Оқсуяклик расм бўляпти, аёлларнинг либосларида нозик ранглар асосий ўринни эгаллайди, негаки, қўпол бўёқлар одамлар хоҳламаган нарсаларни эсга солади. Ҳатто ҳашамат ҳам ҳамманинг кўнглига тегди. Ҳамма тажрибада унинг фонийлигини кўриб бўлди. Елғиз ғуссагина ҳузур бахш этарди. Шунинг учун ҳаммага қишда камин олдидаги бурчак қандай ёқса, ёзда боғдаги гўша ҳам ёқимли жой бўлиб қолди. Бу жойлар олий табақа даврасининг ўрнини босарди. ieux de société[1]— вақтичоғлик ўйинлари урф бўлди. Шарадалар, буремелар, акростихалар ўйналар, бу ўйинлар, одамларда ҳатто байтпарастлик истеъдодини ўстирар эди. Сарой ишлари хусусида секингина, ўз ишлари хусусида хўрсиниб сўз юритардилар.

Сергей Львовичнинг назарида, алланима тайёрлашни, харид қилишни эсдан чиқаришганга ўхшарди. Марья Алексеевнага ишониб бўлмайди, Nadineдан умид чатоқ. У шу фикрлар билан шундай овора бўлиб қолдики, кумушнинг чинданам тозаланмаганини, икки графиндан бири — чатнагани қўйилганини пайқамай қолди.

Лекин Надежда Осиповна ҳаммага табассум қилар ва оппоқ тишларини бир текисда очиб, жилмайиб ўтирарди.

Унинг кўнгли тинчиди.

«Дурга ўхшар қатор тишлари», деб ўйлади Василий Львович кимнингдир шеърини эслаб,— Капаники майдароқ, чўри қиз Анушканики эса ҳаммасиникидан соз.

Василий Львович француз билан сўзлашиб ўтирарди. Муомала эркинлиги, ҳар нарсага шайлиги ва тез-тез гапиришлари айни пайтда аёл тоифасига нисбатан камоли риоя,— буларнинг ҳаммасини у вужуд-вужуди билан ҳис этар, буларнинг ҳаммаси фақат унинг ўзигагина хос хусусият эди. Бундан йигирма йилча муқаддам Москвада ҳам, Петербургда ҳам французлар кўп эди, лекин улар қанақа французлар эди денг! Мода дўконларининг бекалари, камердинерлари les outchiteli. Уларнинг бир хиллари жуда алоомат бўларди. Тўнтариш шарофати билан жон сақлаб олиҳиммат

[1] Салон ўйинлари *(франц.)*

кишилар келиб қолишди, улар қашшоқ ва танг аҳволда кун кечирар эдилар, бу ердагилар еттн йил мобайнида уларга оз-оз ўргапиб, бора-бора улардан ийманмайдиган бўлиб кетдилар. Ҳатто зоти шаҳзодалардан бўлганларни ҳам қистай-қистай ахири знёфатга чақириш мумкин эди. Эндиликда санклюлотлар билан уруш борар, улар яна модага кирган эдилар.

Дарвоқе, графнинг камзули титилиб кетган, ўзи ҳам бир аҳволда, ишлари эса чигаллашган эди. Подшо сўнгги вақтларда хасис ва қайсар бўлиб кетган, унинг маиятида ҳам, қиролнинг ўзида ҳамён қуруқ эди. Граф, хусусан, зерикканда сал кўнгил ёзиш мақсадида француз тилидан, мабодо тўғри келиб қолса, тасвирий санъат ёки балким музикадан ҳам дарс бермоқчи бўлар эди. Баъзи бир аломатлардан Сергей Львович граф қарз сўрайди, деб хулоса чиқарди ва ҳалитдан кўнглида пули йўқлиги учун узрини айтиб қўйди.

Бу ердаги бош шахс граф эмасди, албатта. Николай Михайлович Карамзин йиғилганлар ичида ёши энг каттаси эди. У ўттиз тўрт ёшда — сўлиш ёшида эди.

Ёқиш фасли ўтди бесамар,
Ёқтирсангу ёқа билмасанг,
Шайдо бўлсанг, шайдо қилмасанг,
Борми бундай бўлмагур ҳунар[1].

Чўзинчоқ оппоқ юзида ҳали ажин бўлмаса ҳам совуқ ифода пайдо бўлган эди. Ҳазилкашлигига қарамай, тегажак қизларга ширин муомала қилишига қарамай, кўпни кўрган киши эканлиги яққол сезилиб турарди. Дунё вайрон бўлиб бормоқда эди: Россиянинг қай ёғига қараманг — гоҳи пайтларда француз ёвузликларидан ҳам ошиб тушадиган бемаъниликларни кўрасиз. Етар инсоният бахт-саодатини орзу қилишлар! Унинг қалбини бир гўзал аёл жароҳатлаган, у эндиликда шу аёлнинг дўсти эди. Европа бўйлаб саёҳатидан кейин у дўстларига совиброқ қолди. «Рус сайёҳининг мактублари» фозил нутқ ва қалблар учун қонун бўлиб қолди. Аёллар унинг устида кўз ёши тўкардилар.

Энди у «Аглая» деган аёл номи билан аталган, аёллар берилиб ўқиётган ва даромад ҳам келтира бошлаган альманахни нашр этмоқда эди. Ҳаммаси — арзимаган нарсалар, бўлак ҳеч нима эмас. Император Павел унга яхшилик тилаган дўстларнинг умидларини оқламади. У ўзбилармон, жоҳил бўлиб, файласуфлар эмас, балки нафосатнинг маънисига қилча етмайдиган гатчиналик капраллар қуршовида юрарди.

Николай Михайлович Карамзиннинг ҳазинлиги ҳам ҳамма ер-

[1] Шеърларни Барот Бойқобилов таржима қилган.

да тартиб ва расамад ўрнатарди. Унинг кўнглини жойига тушириш учун у билан танишмоқчи бўлардилар.

Пушкинларни у менинг нижегородлик дўстларим деб атарди, Нижегород губерниясида унинг ер-мулклари бор эди. Чекка ўлкалардаги ёки қишлоқлардаги ҳаёт, мулкдорлик турмуши пойтахтларда истиқомат қилгувчи кишиларни яқинлаштириб турарди.

Шу тобда унинг фикрлари тарқоқ эди. Бекага бир қараб қўйиб, Сонцевга юзланиб, дилбар аёллар қандай қилиб жўнликдан нафосат яратишлари, тақлид қилиб ўзлигича қолишлари мумкинлиги тўғрисида гапириб қолди. Надежда Осиповна модага кўра бели баланд тикилган, ленталари турмакланган енги оқ кўйлак кийиб олган эди. Модада французларга тақлид қилиш ман этилган: ҳали яқиндагина кўча-кўйларда юмалоқ шляпаларни (á la jacobin[1]) ва фракларни эркаклар устидан юлқиб ташлардилар, лекин аёллар омон қолишди ҳамда баланд бел энгиллар эркин француз аёлларидан ўзлаштирилди. Император ҳар йўл билан рағбатлантираётган сарой қошидаги хонимлар кийиб юрган шу шубҳали оғир-оғир либослар аёл сертукларидан кўра кўпроқ расм бўлган эди.

Ниҳоят, у неча кундан бери юрагида юрган бир илинж, яъни Карльсбат ва Пирмонт сафаридан гап очди. Унинг тоби йўқ эди, бетоб кишига эса шифо олгани жўнашни тақиқламайдилар. Москва иқлими унинг жонига тегиб кетган эди. Лекин у Пирмонт ва Карльсбад тўғрисида гапириб бермади.

— Е раббий,— деди у,— Хили, Перу, Муқаддас Елена, Бурбон, Филиппин ороллариниг қутлуғ иқлимини, ўша абадий гуллаб турувчи, абадий мева берувчи дарахтларни тасаввур қиляпману шу ерда, Москвада иссиқдан бўғилиб ўлишга ҳам розиман.

Ҳамма бу гапларга қойил қолиб, шу муҳим ва роҳатбахш ғуссада иштирок этгандай бўлиб, энтикиб қўйди. Марья Алексеевна бўлса, дарров қарол Петькага чанқоқ босди ичимлик келтиришни буюрди.

Карамзин одамларнинг бу қадимий соддадиллигига кулимсираб қўйди ва яшнаб очилиб кетгандай кўринди. Тушлик кўнгилдагидан зиёд яхши ўтди. Сергей Львович овқатдан бош кўтармас эди. Илвасин пастети меъёрида мурчланган эди. Қароқчи Николашка инглиз клубидагидан ҳам яхши овқат тайёрларди. Агар Николашка учун ўн ёки ўн беш минг таклиф қилинган тақдирда ҳам — Сергей Львович сотмаган бўларди: борди-ю, сотиб юборса, пушаймон бўлиб юрарди. У шошмасдан, берилиб ва қойилматиб овқатланар эди.

Тушликдан кейин ҳаммани эринчоқлик тутди. Одамлар кечки чойгача вақтни бекор ўтказмаслик учун бирин-кетин меҳмонхонага

[1] Якобинларга ўхшаб *(франц.)*.

ўтишди. Нимқоронғи залдан билинар-билинмас зах иси келиб турар, лекин Карамзин завқланиб атрофга кўз ташлади-да, бу уй ҳар гал унга Лондонни эслатишини айтди.

Уйга сира кўника олмай юрган Сергей Львович энди унинг қадрига етгандай бўлди.

Petits jeux[1] ташкил этилди, буриме, яъни фалон қофия билан ким яхши шеър ёзишга ўйнадилар: nouveauté — répéter[2] avis — esprit[3] қофиялари танланди.

Карамзин, турган гап, Василий Львовичга қараганда нозикроқ ва моҳирроқ. Монфорга қараганда эса бирмунча ақллироқ ёзди.

Ҳамма бенхтиёр унинг катрен[4]ига қарсак чалиб юборди.

Монфор Сонцевга ўхшаган жингала соч кўркам йигитларни қўлида ўқ-ёйи билан суратини солганига ўзича хурсанд бўлиб ўтирарди. Ҳамма ундан ўз санъатини кўрсатишни илтимос қилди ва у бажонидил Надежда Осиповнанинг альбомига қўл-оёқларининг дўнг жойларини бўрттириб, сочларини майда жингала қилиб ва юзидаги чуқурчаларни белгилаб, кўр Купидон — севги худосининг расмини чизиб берди.

Василий Львович Купидоннинг расмини чизишни бежиз сўрамаган эди. У бундай расмларга ёзилган шеърларни эшитган эди: бир гўзал аёлникига меҳмонга борганида Карамзин уй соҳибасининг ижозати билан хонада турган мармар Амурининг бошидан-оёғигача қалам билан шеър ёзиб ташлаган эди. Василий Львович жилмайиб, шеърларни эслашга рози бўлди ва Монфорнинг Амури теварагига ҳар тарафга қаратиб шеър ёзиб ташлади: бошига —

Қайдаки, бош ишлаб турса нақд,
Унда қалбга оз эрур меҳнат:
Унда севги бўлмайди ҳеч вақт,
Унда қуруқ сўздир муҳаббат,—

кўз боғичига —

Рўшнолигидан кўрдир севги
Ҳамда ўзи кўзлаган
Энг бебаҳо нарсадан ҳеч
Бошқасини кўрмаган,—

[1] Ўйинлар *(франц.)*.
[2] Янгилик — такрорламоқ *(франц.)*.
[3] Фикр — онг *(франц.)*.
[4] Катрен — тўртлик, тўрт мисрадан иборат банд.

Центральная БИБЛИОТЕКА г. Чирчик
CHIRCHIQ SHAHAR IQTISODIY VA MOLIYAVIY KASB-HUNAR KOLLEJI KUTUBXONASI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

ва ниҳоят, Амур ўқталиб турган бармоққа —

Камтарликка мукофот тайёр;
Бахтли бўл-да — сўз очма зиҳор!

Василий Львович роҳатдан селкиллаб кетди. Бу одамшаванда-
далик, бу киборлик уни қойил қолдирар ва унга ёқар эди. Ўз
Цирцеясига бир назар ташлаганда завқ ва қўрқувдан титраб-
қақшаб тургани ҳолда Василий Львович, айни пайтда крепостной
қизлар орасида, шунингдек, кўзга ташланмайдиган жойларда,
масалан, машҳур қўшмачи Панкратьевнаникида шўхликлар қилиб
турар, у муҳаббатда авомча муомалани ёқтирар, лекин шуларнинг
ҳаммаси билан бир қаторда энг қатъий махфият сақлашга интилар
ва камсуқум эди. Укасининг хонасида мармар Амур йўқлиги унга
алам қилаётган эди: унинг эсида ҳали яна Амурнинг қўлига, қа-
нотига, оёғига, яғринига битилган бир неча экспромтлар ҳам бор
эди. Альбом вараги эса, аллақачон бошдан-оёқ тўлиб қолган
эди.

Дмитриевнинг қайлиғи, Марья Алексеевнанинг синглиси Ан-
нетга «куёв»нинг шу кунларда оғизга тушган қўшиғини зўрлаб
айттиришди:

Уксинади кулранг кабутар...

Анна Львовнанинг овози ингичка эди, ингичка ва ўткир овоз-
лар эса расм бўлган эди. Марья Алексеевна чой чақиртиришга
чиқди-ю, эшикнинг орқасида:

— Овози чингиллаган,— деб қўйди.

Надежда Осиповнани ҳам қўшиқ айтишга мажбур қилишди,
у ҳам: «Сузавер, Сильфида[1], баҳор кўкида» деб куйлаб берди.
У паст товушда куйлар эди. Овози дўриллаган, намиққан, «р»-
ни титратиб талаффуз қилар эди. Сергей Львович бир нуқтага
тикилиб, алланималарни тасаввур қилиб, ғамгинлигини яширол-
май тингларди. Унинг нақ қаршисида келинининг елкалари турар,
у қўшиқнинг сўзларини такрорлагандай бўлиб, айни вақтда гвар-
дияда ҳамманинг ҳавасини келтирадиган шу елкалардан ўпган-
дай бўларди. Василий Львовичга Надежда Осиповнанинг хони-
қорамағиз фиръавн қизларининг ашуласини эслатарди, лекин ҳар
ҳолай унга жуда ёқди.

Сузавер, Сильфида, баҳор кўкида,
Гуллардан гулларга учавер қувнаб!

[1] Сильфида — кельт ва герман мифологиясида ҳаво фаришталари.

Николай Михайловичнинг кўнгли бузилиб, кўзларига ёш ке-
либ кетди. Романснинг сўзлари хотиралар билан боғлиқ эди.

— Қунтсизлиги бўлмаганда борми, музикачи бўлиб кетар-
ди,— деди Марья Алексеевна.

Ҳамманинг кайфияти яхши эди. Бундай кайфият одатда бе-
жиз учрашмаган, бир-бирининг қадрига ета биладиган кишилар
ўртасида бўлади.

Деразадан мўралаётган қуюқ жигарранг шафақ ҳавонинг қуруқ
бўлишидан дарак берарди.

— Худди Оссианнинг ўзи-я!— деди Аннет.

Карамзин жажжи бир қизчага қарагандай, унга қараб жил-
майиб қўйди.

Дастурхонга винолар тортилиши билан у, кўзларида илҳом
нишонаси бўлиб келган туман, намлик ва ҳароратни ҳис қилиб,
инглизча қадаҳ ёки спич эмас, қалбини лиммо-лим тўлдириб тур-
ган гапни айтди: ўзи таваллуд топган, норасида палласини ке-
чирган юрти Симбирск губернияси ва дўстлари — симбирсклик
шоирлар учун ичишни таклиф қилди. «Симбирсклик шоирлар» де-
гани — Дмитриев эди.

Карамзин шоирдан мактуб олганди, шоир истеъфога чиқишга,
рутубатли Петербургни тарк этишга ҳозирланмоқда ва Москва-
да яшамоқчи эди. Аллақачон Қизил дарвоза ёнидаги бир уй ҳам
кўз остига олиниб қўйилганди, уй атрофи боғ — Филемоннинг бах-
ти учун ҳамма нарса муҳайё, ёлғиз Бавкида йўқ, холос.

Ҳамма келишиб олгандай Аннет билан қадаҳ уриштира бош-
лади, Аннетнинг тирноқларигача қип-қизариб кетди.

— Дўстлар,— деди Карамзин,— Гораций Тиволини шоп-
шуҳратга кўмган бўлса, мен Қизил дарвоза билан Самара тоғи
учун ичаман!

Москва яқинидаги, Коломенский қаршисидаги, Перерва бў-
йидаги Самара тоғини у айниқса севар, «Бечора Лиза» ва «Ната-
лья»ни у ўша ерда ўйлаб пиширган ва мабодо чет элга кетишнинг
иложи бўлмаса, Жан-Жакнинг етимхонаси қабилида инсониятнинг
барча дўстлари учун, ҳақиқий донишмандларнинг ҳаммаси учун
очиқ ўз масканини шу ерда қуришга қатъий қарор қилиб қўйган
эди. Шундай қилиб, бу енгил-елпи гуссалардан сўнг кўнгил содда-
дилликка мойиллашди.

Никитани, хонадон шоирини кўрсатишнинг ва унинг мароқли
балладасини эшитишнинг айни мавриди эди. Никитанинг муваф-
фақияти тўла-тўкис бўлди. Карамзин яйраб кулди, кейин ўйга
толиб қолди-да, жиддият билан янги Ломоносовлар ҳақида гапир-
ди. Императорнинг фармони билан Ломоносовнинг қариндошлари
киши бошига тўланадиган маошдан маҳрум қилинган эди. Энди
эсдан чиқиб кетган шоирни яна эслашди. Аммо бу гал камоли

эҳтиром билан унинг қадим замонлардаги, албатта, ҳаммага хос ёввойи таъбини кечириб эслашди. Кичикларнинг тили ечилиб кетди. Эскича ҳамма нарса кулгили эди. Державин ҳақида гап очилди.

Державин билан Николай Михайловичнинг дипломатик йўсиндаги дўстлиги бор — чол унга нашр этиш учун ўз шеърларини юборар, Карамзин бўлса тишини-тишига қўйиб чоп этарди-да, кулиб юрарди. Василий Львович дарров бундан тўрт йил муқаддам қазо қилган қария Бецкийнинг вафотига бағишланган одадан Державиннинг икки бандини айтиб берди:

Сўндинг, чор атрофга сен
Таратиб хуш бўй...

Державин қария Бецкийни исчироқнинг муаттар алангаси билан қиёс этган, лекин исчироқ тилга олинмаса, шеър иккиламчи маъно касб этар, ҳатто ахлоқсиз бўлиб қоларди. Василий Львович бу гапларнинг ҳаммасини қув бир алфозда ғўлдирарди. Ҳамма кулимсирай бошлади, аёллар бўлса ҳазилнинг мағзини чақишга улгура олмадилар ёки истамадилар.

— Бизнинг Гаврило Романович бухўр тутунини яхши кўрар экан-да,— Василий Львовичнинг аёллар олдида дадилланиб кетганига кулимсираб нозик гап қотди Карамзин.

У, Василий Львовичга бармоғини ўқталиб қўйди.

— Сиз эски бриган, галера[1]нинг қароқчисисиз,— деди унга.

Василий Львович хуш ёққанидан ҳатто яшнаб кетди. «Галера» сўзи Петербургда шўх, ҳаддан ташқари шўх жамиятга нисбатан айтилар эди. Галера ва унинг аъзолари тўғрисида эл оғзида турли ажойиботлар юрарди. Василий Львович галеранинг асосий аъзоларидан бири бўлиб, унинг ўша Петербургдаги шуҳратини Москвада ҳам жуда қадрлардилар. Ҳамма унинг кетидан ҳатто Василий Львовичнинг қўлидан келмайдиган шўхликларни унга тиркаб юрарди. Соҳибжамол Капитолина Михайловна эса асосан ўша шуҳратга учган эди.

Шу аснода Карамзин Василий Львовичнинг альманахини эслатган кўйи, уни шоирлар учун энг лазиз бўлган гуноҳда — ялқовликда айблаб қолди. Василий Львович энтикиб, тупугини майдалаб соча кетди: унинг арзийдиган ҳеч нимаси йўқ... дарвоқе, бор, анча бор... ҳар хил арзимаган нарсалар...

Сергей Львовичнинг ҳам бир ўзини кўрсатиб қўйгиси келиб тураради-ю, юраги дов бермасди. Унинг жавонида қаёқдаги қўпол ва уят маҳкама гаплари эмас, эркин шеърлар тахланиб тураради,—

[1] Галера — кўп эшкакли қадимги кема.

буларни у фақат ноёблиги учун асраб юрарди,— бу шеърлар фикрлари ўраб-чирмаб тасвирланган, энг жўшқин жойлари эса «Оҳ» ва камроқ «Воҳ» сингари ундовлар билан безалган енгил-елпи мисралардан иборат эди. Бошқа шеърларда эса фақат Эрот ёки аёллар эмас, шунингдек, мартабали кишилар ҳам кулги қилинган эди. Сергей Львович мумкин эмас, деб ғижиниб ўтирарди. Ҳозир бегуноҳ парсаларни ҳам гуноҳга айлантириб юборишади, яъни гапнинг пўскалласини айтганда, Исонинг ёнига қўшиб боғлашади-да.... терингни шилиб олишади.

Никита билан Петька кечки шамларни ёққандан кейин, ҳамма чойга ўтирганда, у тинчланиб, яйраб кетди.

Карамзин гилос мураббосини мақтаб қўйди.

— Бу мураббони мен чинакамига маза қилиб тановул қиляпман.

Шу пайтда аллақандай извош тарақлаб, қўнғироғи бир чалинди-ю, худди дарвозанинг тагида тўхтади.

Сергей Львовичнинг ранги жиндек оқариб кетди.

Шом пайти келиб тўхтаётган извошнинг шовқини гарчанд беозор чой ичиб ўтирган одамлар учун бўлса-да, кўнгилсиз нарса. Одатда фельдъегерлар шундай бостириб келишади. Даҳлизда кимлардир хириллаб ва сўкиниб гапираётгани эшитилди, кейин ранги ўчган Никита эшикни очиб, Сергей Львовичнинг кўзларига қўрқа-писа термилиб ахборот берди:

— Генерал-майор Пётр Абрамич Аннибал жаноб олийлари.

6

У паст бўйли, боши кичикроқ, сариқ қўлли, хипчабел эди, пешонаси дўнг, тутам-тутам оқ сочли. Эгнида алмисоқдан қолган бичимдаги тўқ яшил сертук, ўзи эса товонини ерга теккизмасдан енгил ҳаракатланарди. Шу зайл у икки қадам босди-ю, тўхтаб қолди.

У таъзим қилди-да, энтикиб, пойма-пой гапира бошлади:

— Биродарим... Иван Абрамичдан... хушхабар келтирдим....— У меҳмонларга бирма-бир кўз югуртирди.— Шу ерларга йўлим тушгани учун сизни, сингил хоним,— у Марья Алексеевнага таъзим қилди,— сизни ҳам, муҳтарам афандим,— у Сергей Львовичга сал менсимайроқ қараб қўйди,— табриклаб қўйишни ҳам фарз, ҳам қарзим деб билдим.. набирамни эса... бир кўриб ўтиш ва бобосидан унга бир хоч қолдирай деб...

У тин олди-да:

— У қаерда ҳозир? Набирачам?— деб сўради.

Пётр Абрамич Надежда Осиповнага туғишган амаки бў-

ларди ва Аннибалларнинг ҳаммаси сингари артиллерия соҳасидан кетган эди. Унинг биродари Осип Абрамич псковлик фоҳиша билан алоқа боғлаб, оиласини қаровсиз ташлаб кетганида Пётр Абрамич хоҳласа-хоҳламаса шарафли ва бемаҳсул васийлик заҳматини зиммасига олишга мажбур бўлган эди. Жиянига ва унинг тақдирига ҳамдард бўлса ҳам васийликка мутлақо яроқсиз бўлиб чиқди, Васийликни у ўзича тушунди: жиноятқор укасига таъна қилгани унинг қошига бориб, аҳён-аҳёнда Марья Алексеевнага узун-узун мактублар ёзиб турди, лекин уни сингил хоним деб атаса ҳам пул масаласида ундан садо чиқмади. Бунинг сабаби шу эдики, пул масаласида унинг бели бақувват эмас эди, қандайдир артиллерия тўпларининг камомади туфайли умрининг ярмини тергов остида ўтказди. Биродари Иван Абрамич бир амаллаб бу жанжалли ишни босди-босди қилиб юборди. Ҳозирги пайтда Пётр Абрамич истеъфога чиққан, васий бўлгани ҳолда хотини билан ажрашган, ўзи истиқомат қилгувчи Псковдан ўз қишлоғи Ельцига бир уддабурон қиз билан қочган эди, ўша ердан туриб хотинини тинчитиш учун унга талоқ хати юборди. Жиноятқор биродарга панд-насиҳат қилгани борганида, уларнинг дунёқарашлари ва кўпгина таянч нуқталари бир бўлиб чиқди.

Бу хабар олишлар ака-укаларнинг бир ҳафта ва ундан ҳам кўпроқ чўзиладиган умумий ишрати билан якунланарди. Ҳademай Пётр Абрамовични ҳам қари маккора пул борасида оғир аҳволга солиб қўйди: Пётр Абрамович укасининг тилхатларига ишониб, жононга кўп пул бериб қўйди ва ўзининг ҳам хонавайрон бўлишига сал қолди. Истеъфода, лекин ҳали билагида куч бор чоғида у жиноятқор биродарига яқин қўшни бўлиб, бутунлай кўчиб келди. Биродарининг ахлоқсизларча дабдаба билан яшаши унга ҳам таъсир ўтказди. У ўзининг уддабурон аёли билан қўшхотинли укаси истиқомат қилгувчи Михайловское қишлоғининг ёнидаги кичик Петровское қишлоғида яшарди. Мишмишларга қараганда, у ерда шод-хуррам кун кечирар, лекин ҳеч кимни яқинига йўлатмас, буни эшитган қон-қариндошлар уни йўқлаб боришмасди. Агар бирор ёққа чиқадиган бўлса, фақат хотини ва ўғли билан чигаллашиб кетган ажрим ишларини олиб бориш учунгина чиқар эди. Москвага у шу тариқа келиб қолган эди.

Ҳамманинг боши қотиб қолди.

Сергей Львович учун бу учрашув, хусусан, Карамзиннинг шу ердалиги туфайли кўнгилсиз эди. Уни куёв қилган Аннибаллар ҳаддан ташқари обрўли кишилар эди, Аннибал деган фамилия ибтидосидан бошлаб ҳаммага ва ҳатто ўз ҳолича мўътабар ҳам эди. Лекин кекса араблар йўғида, оғизда шундай эди. Уларни кўрмаган кишилар арабларнинг афт-ангори нечоғли сариқ ва қоралигини билишмас эди. Шу боисдан Сергей Львович барча петербурглик

гвардиячи ёшлар қатори Иван Абрамовичга эҳтиром кўрсатганида, истеҳзоли ва такаббурона назар билан разм солиб қарар, ҳаргиз саёқ қайнотасини кўришга тоқат қилолмас, хусусан, хотининнинг қариндошларидан ўзини йироқ олиб юрар, ўз яқинларининг фикрларини қадрлар эди. La belle créole[1] келишган аёл, тақдири ҳам қизиқиш уйғотади, лекин араб амакисининг зоҳир бўлиши ўринсиз эди. Унинг афти мутлақо арабча, бегона шахсларнинг унга нисбатан қўққисдан қизиқиши одобга тўғри келмас эди. Сергей Львович аслида, шу бугунги куртакни шу чақалоқнинг туғилиши муносабати билан уюштирган эди, аммо кекса арабнинг чақалоққа қизиқиши ҳаммани довдиратиб қўйди. Бир-бирлари билан, воқеалар билан, ўйинлар билан, қалб хотиралари ва шеърлар билан бўлиб, меҳмонлар шу тобгача болани эслашга вақт ҳам, баҳона ҳам топмаган эдилар. Худди атайлаб қилгандек бола ҳам миқ этмай ётарди. Ҳа-я, бола ҳозир қаерда? Болохонада ухлаётган бўлиши керак.

Арабнинг ўзи ҳам нима қилишини билмай турарди. У меҳмонларнинг устидан чиқаман, деб кутмаганди. Унинг кичкина юзи сержажин, мижиқ, чақноқ қўй кўзлари қаҳва рангини эслатар, оқи худди сариқ касалларники сингари тўқ сариқ эди. Француз қизиқсиниб унга тикилиб турарди. Чол бирдан маймуннинг кўзларига ўхшаш кўзларини Сергей Львовичга қадаб, хириллаб сўради:

— Балким мен халақит бергандирман?

Бирдан Марья Алексеевна ўзини босиб, одоб билан жавоб қилди:

— Майли, ўтира қол, Пётр Абрамич.

Араб жилмайиб қўйган эди, оппоқ тишлари чақнаб кетди, шунда унинг олма қоқига ўхшаган афтига бирдан болаларча севинч ифодаси югурди.

— Қуллуқ, сингил хоним,— деди у назокат билан. Аёллар қари арабнинг ширинсуханлиги ва ёқимтойлигини кўришди.

Надежда Осиповна амакисининг ёнига борди.

— Қандай бўлиб кетибсан-а,— у хушомад гап айтиб, жиянининг пешонасидан ўпиб қўйди.— Кейин Сергей Львовичга ўгирилди:— Қайнотангиз чорлаётибди, қайнотангиз сизни, муҳтарам афандим, хотинингиз билан таклиф қиляпти. Езда биз тарафларга мева-чева тотингани меҳмонга чақиряпти.

Таклиф Сергей Львович томонидан илтифот билан қабул этилди. Ҳаммаси у ўйлаганидан кўра анча ёқимли ва ўринли бўлиб чиқди: кекса араб отасининг таклифини келтирибди.

Балки қайнотаси сепдан гап-сўз ҳам очиб қолар. Ундан кейин ёзда табиат сўлим бўлади. Қайнотасиникида мевахўрлик қилиш

[1] Соҳибжамол креолка *(франц.)*.

унга хуш ёқиб кетди. Сергей Львович мевага ўч эди. Марья Алексеевна бўлса уйда болалар билан қолаверади.

Марья Алексеевна эшик орқасига чиқиб:

— Элчи бўлиб келган эмиш,— деди-да, яна қайтиб кирди.

Пётр Абрамович вино ичиб ўтирмади, дарҳол ароқ сўради. Марья Алексеевна аллақаердан эрманли ароқ топиб келди.

Пётр Абрамович ароқ ҳўплади, тили ва лабларини оҳиста қимирлатиб, ҳаммани кўздан кечириб чиқди.

Марья Алексеевна ҳамон унга олисдан қараб ўтирарди. Пётр Абрамович ароқнинг таъмига етди.

— Мен, сингил хоним,— деди у Марья Алексеевнага,— унчамунча ароқни ичмайман, мен олдин ичадиган арағимни роса ишлайман, қувватини маълум даражага етказаман. Ароқ бўлгандан кейин аччиғи ҳам, олчаси ҳам жойида бўлсин, оғзингдан боғнинг таъми келиб турсин.

Шу пайт унинг кўзи Капитолина Михайловнага тушиб қолди-ю, кайфи чоғ бўлиб кетди. Дастурхон атрофида ёш-ёш жувонлар бир талай эди. У бир қадаҳни аёллар учун ичди.

Соҳибжамол Капитолина Михайловна унга эҳтиром билан бош иғаб қўйди: қари арабнинг эътибори унга хуш ёққан эди. У елкаларини қимирлатиб қўйди.

Пётр Абрамович хўмрайиб хонани кўздан кечирди:

— Флигель иссиқми ўзи?— сўради у ва жавоб кутмасдан флигелни хаёлидан чиқариб, яна болани эслаб қолди:— Номини нима қўйдиларинг?

У гапдан-гапга тез кўчар эди.

Сергей Львовичнинг қовоғи тушиб кетди: буни қаранглару, араб амаки уйни флигель деб ўтирибди. Уй, албатта, флигель эди, лекин қайта қилинган, қуриб битказилган ва соф инглизча кўринишга эга эди.

Чақалоқнинг Александр деб аталганини эшитиб, амаки чапак чалиб юборди.

— Қойилмақом ном,— деди у.— Саркардаларнинг энг улуғлари, сингил хоним, иккита — серсавлат Аннибал ва Александр. Кейин яна Александр Васильич Суворов ҳам бор. Табриклайман, сингил хоним! Жуда қойилмақом ном танлабсизлар.

— Номни боболаримиз хотирасига қўйдик,— истар-истамас гапирди Сергей Львович,— бобосининг отаси Александр Петрович эди, оиламизнинг фароғатини ўша киши таъминлаган. Суворов эсимизда ҳам йўқ эди,— дея назокат билан илова қилди у ва Карамзинга кўз қирини ташлаб қўйди.

Суворовни фақат қариялар эҳтиром билан тилга олишарди. Унда фликсена ёки миянинг юмшаши бошланиб келаётган эди. Бу

аниқ гап. Санкюлотлар билан урушнинг шу қадар ёмон боришн ҳам шундан эди.

Пётр Абрамович унга хўмрайиб қараб қўйди ва ярим қадаҳ арағни ичиб юборди.

— Бобонгизни эслолмай турибман, тақсир,— деди у,— билмас эканман.

У аёллар билан хушмуомала бўлса ҳам эркаклар билан бир оз кескин ва илтифотсиз гаплашарди.

— Э, йўқ,— деди у бирдан хирқираб,— бобонгиз ҳам эсимда экан. Отам раҳматликнинг Александр Петровични гапириб берганлари эсимда экан. Сингил хоним, ўша кишининг хотинини сўйиб кетишганмиди?

Сергей Львович бошини орқасига ташлади, унинг кўзлари қисилиб кетди. Василий Львович қотирма ёқасини тўғрилаб қуйди.

Мабодо амаки ўзи ғалати киши бўлмаганида, бундай узуқ-узуқ қилиб ва қўққисдан гапирмаганида эди — унинг гапларини қатъиян ҳақорат деб ўйлаш мумкин бўларди.

Дарҳақиқат, бир вақтлар Александр Петровичнинг хотини, ўша момо туғаётганида сўйиб ўлдирилган эди, лекин уни биров эмас, унинг эри — Александр Петровичнинг ўзи сўйган эди. Чақалоқ эса ўшанинг номи билан аталибди. Александр Петрович хотинини рашкдан, ақли кирди-чиқди бўлиб турган пайтда чавақлаб қўйган ва қолган умрини шунинг учун терговда ўтказган эди. Буни эслаб ўтиришнинг пайти ҳам эмас, одобдан ҳам эмас эди.

Бироқ қари арабнинг ҳушим келди табиатига қараганда, бу шунчаки бир ногаҳоний кўҳна хотира эди чоғи. Айтганча, генерал-майор эрманли ароқдан олдин ҳам бугун ичиб келгани кўриниб турарди.

Карамзин гапга аралашди.

У анчадан бери арабга қизиқсиниб қараб-қараб қўяр эди, энди одатдагидек аста ва салобат билан генерал-майордан, ҳеч узоқ сафарга чиққанмисиз, деб сўраб қолди.

Чиндан ҳам чолнинг тийрак қаҳваранг кўзларини, қотмалигини, жиккаклигини кўрган одам, уни псковлик зодагон эмас, ҳозир инглиз романларида тасвирини келтиришни яхши кўриб қолишган аллақандай жаҳонгашта Африка сайёҳи деб ўйлаши мумкин эди.

Синчков нигоҳлар остида у тинч ўтирар, унга бу — одат бўлиб кетгани аён эди.

— Мен, тақсирим, умрим бўйи артиллерия соҳасида подшо хизматида бўлдим,— деб қадрини билиб гапирди у,— кўп юришга юрганману, лекин саёҳатчи бўлмаганман. Энди бўлса олис ерларда бировлар ҳисобига, уруш очилганда, ўша ерларга боришга рухсат сўрайман... Чолларсиз ҳеч нима қилишолмайди.

Карамзин аразлаб қолиши мумкин эди, чунки у «Рус саёҳатчи-

синиинг мактублари»йинг муаллифи эди, ахир. Мабодо генерал-майор нафис адабиётни ўқиган деб фараз қилиш мумкин бўлганда эди, унинг жавобида андишасизлик бор деб ҳисоблаш мумкин бўларди. Лекин кўпни кўрган Карамзин қари араб «саёҳат» деган сўзнинг ўзидан хафа бўлди, деб қарор қилди. Бу унга қизиқ хусусият бўлиб кўринди.

Марья Алексеевна қайноғасига кўз қирини ташлаб қўйди.

— Қўмсаб қолдингми,— деб сўради у,— олис ўлкаларни-я? Уйдан кетиб бўпсан. Қўйиб юборишармикан сени?

Марья Алексеевна генерал-майорни онласидан айнитиб олган псковлик жононга шама қиларди. У қорасини кўрмасдан ҳам уни ҳатто ўзининг кундошидан ҳам баттар ёмон кўрарди.

— Мен, сингил хоним,— бирдан секин ва мулойим гапирди генерал-майор,— дадамдан қолган жойларни ахтариб топмоқчиман. Уйдан шунга кетяпман.

У Марья Алексеевнага эҳтиром ва тўзим билан кўзларини кўтармасдан муомала қиларди. У билан ёшликда шундай гаплашар эди.

— Қанақа жойларни?— гумонини ошкора қилиб яна сўради Марья Алексеевна.

— Араб жойларини айтаман-да,— сабр-тоқат билан жавоб қайтарди генерал-майор ва Карамзинга кўз ташлаб қўйди,— Эфиопия юртида, Ҳабашистонда Арабистон вилояти бор, ана ўша ерда дадамга қарашли ерлар бўлиши керак. Дадамнинг отаси, менинг бобом Африка князи эди.

Карамзин билинар-билинмас жилмайиб қўйди.

— Бунақа губернаторни эшитмаганман,— деди Марья Алексеевна,— ундай бўлса, Петинька, нега илгарилари, умринг бўйи ўша князликни топмадинг, оғаларинг ҳам?

— Мен, сингил хоним, банд бўлганман,— деди Пётр Абрамович, ҳамон ўша мулойимлиги билан чертиб-чертиб,— давлат хизматида банд бўлганман,— дея ўзи қулоқ солган ва ўз-ўзини ишонтирган кўйи такрорлади у.— Оғаларим ҳам шу.

Марья Алексеевна бошини чайқаб қўйди, лекин шу ерда яна Карамзин гапга аралашди. Адиблиги билинди. Арабнинг тақдири жуда мароқли эди.

— Отангизнинг ҳаёти жуда ғаройиб,— деди у тавозе билан,— у киши қоғозми, мактубми ва бошқа ҳужжатларми қолдирмабмиди? Буларнинг бари тарих учун қиммат баҳо бўлур эди.

Чол ҳурпайиб олди. Карамзин қоғозлар ҳақида сўрагани учун гумонсираб қолди.

— Менда, тақсир, ҳеч нима йўқ,— ҳайиқиброқ деди у.— Отамнинг ҳам қоғоз-поғозга тоқати йўқ эди. Оғамда, Иван Абрамовичда балким бирор нима бўлса бордир.

Тўпларининг камомади, энди эса терговлар генерал-майорни қоғозлардан қўрқишга ўргатиб қўйган эди.

Карамзин чолни ўз ҳолига қўйишга қарор қилди. У даракчи деб ном чиқарган Сонцевдан сўради:

— Кутайсовнинг кетаётгани рост гапми?

«Кетаётгани» деган сўз «илтифотсизликка учради» деган маънони билдирарди.

Кутайсов бир туркнинг асири бўлиб, русларга тортиқ этилган сартарош эди, энди эса давлатнинг жамики отларини назорат қилар, граф ва кавалер эди. У ҳамманинг оғзида достон эди.

— Аксинча,— ҳузур қилиб жавоб берди Сонцев,—«Александр Невский»[1] кавалери.

Унинг герольдияда ошналари бор, фармон тайёрламоқда эди.

Генерал-майор бирдан Карамзинга бақрайиб қаради.

Унинг бурни жийирилиб кетганди.

— Кутайсов,— деди у хириллаб,— камердинер ва ҳамхоналиги орқасидан орденга эга. У этик мойлайди. Менинг отам эса хизматлари эвазига нишондор бўлган. Менинг Пётр номи билан аталганимнинг ҳам боиси шу.

Зотан, Карамзиннинг фикр оқими ҳам шундай эди ўзи: унга шавкатли арабнинг император Пётрга камердинер ёки деншчик бўлгани маълум эди. Кутайсовни ҳам шу боисдан эсга олган эди.

У хижолат чекиб қолди.

— Менинг отамнинг ўзи ҳам князь эди,— деди жирракилик қилиб чол,— фақат Африкадаги князь эди, холос. Намуна учун, фортификацияни ўргатсин учун чақиртирилган. Қора бўлса ҳам юзлари чиройли эди, ундан қандай улуғ эр етишиб чиққани қоралигига қараганда кўпроқ эсда қолган. Мана, тақсир, ўша бойқуш.

Бармоғини букиб, у қора муҳрли узугини кўрсатди.

У энди стакан кетидан стаканлаб узлуксиз ичмоқда ва зирапи ароқнинг шишаси бўшаб қолган эди.

— Бу гапларимни тасдиқлайдиган ҳужжат бор, немислар берган. Фақат мен уни сизга бермайман, тақсир.

У маст бўла бошлади.

— Қизғанчиқ,— деди Марья Алексеевна.

Чол яна бош эгди.

— Ишонинг, сингил хоним, доим то абад каминангизман,— деди у келинига,— дадамнинг афти хунуклигига келсак, қалбан-чи, қалбан — асл Аннибал эди. Аннибал сўзимни бераман.

Марья Алексеевна бирдан хўрсинди:

— Юраги ҳам қора эди, юзи ҳам хунук эди, ҳалиги куртуа-

[1] «Александр Невский» — рус нишонларидан бири, орден.

зини[1] бўлса, сиздан кўпроқ ўрнига қўяр эди, Петинька. У жилмайишни биларди,— деди у маънодор қилиб.

Пётр Абрамович келинига қараб қолди.

— Оббо, олтин қалб-эй,— деди у ва бирдан оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди.

— Яхшироқ эди, яхшироқ, тишлари ҳам оппоқроқ эди,— дея қўлини силкитди Марья Алексеевна.

Сергей Львович, Карамзин ранжиб қолмадими, деб хавотирланиб ўтирарди.

Дарҳақиқат, Карамзиннинг чеҳрасида зерикиш аломатлари кўринар эди. У, чолнинг заҳарханда нутқининг маъносини унчалик чақолмади. Ҳолбуки, Пётр Абрамич топиб сўзлагунча кўп ҳалак бўлган эди. У терлаб-пишиб кетган ва рўмолчаси билан пешонасини артарди.

У ростдан ҳам оғаси Иван Абрамичда ўзи айтган ҳужжатни кўрган эди. Отаси, Ревельда юзининг қоралиги учун немис майорлари кулги қилишганда, кейинроқ бир ишончли немисга ўз рефутациясини тузишни топширган эди. Ўғиллар чолнинг амри билан, тўп бўлиб, зўр машаққатлар билан бир немис аптекачисининг таниши кўмагида шу ҳужжатни ўқиб, кўнгилларига маҳкам тугиб олган эдилар.

Ҳужжат дворянлик олиш мақсадида тузилган эди. Пётр замони серташвиш бўлиб ва қари араб фақат Елизавета даврига бориб, ҳамма бир-биридан ўтиб, ўз насабининг киборлигини исбот қилиб қолган пайтда дворянлик олиш тўғрисида ўйлаб қолган эди. Энди Пётр Абрамович, кўз-кўз қилаётган герб: денгиз дурбини узра чалиштирилган байроқлар, буларнинг устида эса фозиллик ва донишмандлик рамзи бойқуш дворянликка қўшиб унга худди ўша пайти инъом этилган эди. Герб Пётр Абрамовичнинг узук тамғачасига ўйилган эди.

«Император Пётр,— дейилган эди рефутацияда,— бутун аъёнларга намуна бўлсин учун яхши салоҳиятлари бўлган араб боласини топишга ҳаракат қилди. Neger[2], Mohren[3]— арабваччаларни — ҳамма саройлар қул сифатида ишлатган,— деб ёзган эди немис,— Пётр бўлса илмлар бериш орқали қунт билан уларни тарбияламоқ мумкинлигини исбот этишни ихтиёр қилди. Қора танли киши намуна учун танланганлиги туфайли — бу нарса тахмин қилган эди императорга — Пётрга қаршилик ва ялқовлик қилаётган Ritterschaft und Abel[4], бутун аъёнларнинг эсида яхшироқ қолади. «Арабистон вилояти» хусусида у ерда гап йўқ эди, лекин жуда кекса бир арабнинг гапига қараганда, Иброҳим — ёким Авраам — Ҳабашистондан

[1] Тавозе (французча: courtoisie.).
[2] Негрларни *(Нем.)*.
[3] Маврларни *(нем.)*.
[4] Рицарларнинг ва дворянларнинг *(нем.)*.

эканлиги ва унинг князь авлодлари қўлида учта шаҳар бўлганлиги айтилган эди. Пётр Абрамович қисқача қилиб бу нарсаларнинг ҳаммасини гапириб берганига ишончи комил эди.

У Карамзиннинг мутлақо ихлосини қайтариб юборди.

Машҳур араб императорнинг креатураси[1] эди, бу эса ҳаддан ташқари шошқалоқ подшоҳнинг кулгили ва айни чоқда қимматбаҳо хусусияти эди.

Ривоятларга қараганда, императорнинг улкан ва митти одамларга, арабларга қизиқиши жуда бўлакча бўлган. Унинг инсон табиатига оид ёввойи тушунчалари Лафатернинг шогирди Карамзин учун мароқли эди.

Энди генерал-майорнинг кайфи тарақ эди.

— Отинг нима?— деб дабдурустдан сўради у Никитадан.

— Никита, тақсир.

— Сен, Никишка, мазанг йўқ экан,— деди генерал-майор,— мана, менинг Гришкам эса гусли чалувчи билан бирга қўшиқ айтади — айтганда ҳам жуда қотириб ташлайди. Эшитсанг, титраб кетасан! Йиғлаб юборасан! Юраги олтин! Сен бўлсанг, манқаланиб айтаркансан. Мазанг йўқ сенинг.

Карамзин хайр-маъзур қила бошлади. Знёфатга пашша тушган эди.

Самара тоғи, фикрдош дўстлар маскани, Москвани эслатувчи инглизча home[2], қишлоққа хос ёлғизлик — ҳаммаси бираўла пучга чиқди.

Арабнинг келиб қолиши, унинг қўполлиги ва назокати, ўзини тутиши,— у ўзи африкалик денгиз сайёҳими ё пияниста зодагонми,— ширин хаёлларни барбод қилди.

Сергей Львович ўзи билмаган Болдино ҳақида гапирар, француз эса йўқ бўлиб кетган саройнинг аъёни эди, Карамзин шуларни ўйлаганда, келажаги қоронғи кўриниб кетди.

Карамзин билан бирга француз ҳам кетди. У кетаётиб, Аннет қизга сочини баланд турмаклашни маслаҳат қилди, аммо қарз сўрашга улгура олмади.

Сергей Львович меҳмонларни кузатиб қайтиб кирганида қовоғидан қор ёғарди. Шунча пул сарфлагани бекор кетди, Карамзин ҳам дили сиёҳ бўлиб кетди. Карамзинсиз хоналардан файз кўтарилиб ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Умри бўйи эл қатори бўлай, ҳамма нарсам ҳамма қатори бўлсин деб ҳалак бўлди-ю, ҳеч ниманинг уддасидан чиқмади-чиқмади-да. Карамзиннинг таъби кўтармаган қари амакининг бюрлекс-

[1] Креатура — шоҳнинг вакили.
[2] Уй *(инглизча)*.

ча[1] қилиқлари унинг ҳам ғазабини келтирган, лекин у ўз қаҳрини ифода этишга ожиз эди.

Қари араб ўрнидан туриб, дабдурустдан зина томонга — болохонага қараб йўл олди.

— Набирани бир кўрсам бўлгани,— ғўлдирарди у,— бўлак ишим йўқ. Набира қаерда ўзи?

Марья Алексеевна унинг йўлини тўсди.

— Киритмайман,— у даҳшатга тушиб зарда билан гапирди.— Бола ухлаяпти. Йўргаклари ёйилиб ётибди.

Араб орқасига қайтди.

Келинига қараган кўзлари хиралашиб кетди.

— Бобосини-я?— хириллади у.— Амакисини-я? Хоч олиб келгандим-ку! Бобосидан.

У чўнтагидан кичкина олтин хочни олиб, қисимлади ва муштини ўқталиб қўйди.

Надежда Осиповна ғалати бир хотиржамлик билан амакисидан кўз узмай ўтирарди. У отасини болалигида атиги икки марта кўрган ва биринчи маротабаси иккинчисидан кўра яхшироқ ва яққолроқ эсда қолган эди. Страза тугмалик камзулидаги гуллар, ялтироқ бант, нам бўсаси-ю, ҳайратомуз енгил рафтори ҳали-ҳали унинг эсида турибди — у кичкина Надядан худди коптокка ўхшаб сакраб нари кетган эди. Шундан кейин қиз бутун умри асносида, то ҳозирги йигирма уч ёшигача онасининг офати шу кишилигини билиб юрган, хотиридан чиқармаган эди. Энди эса Надежда Осиповна кўзларини катта-катта очиб амакисига қарарди.

Бўйнини олдинга чўзиб, ваҳимали қатъият билан, калта-калта чаққон оёқчаларида чайқалган кўйи амаки болохона сари борарди. Унинг оқара бошлаган сочлари диккайиб турарди.

Надежда Осиповна ўрнидан туриб, амакиси орқасидан кетди.

Шунда Марья Алексеевна чекинди.

У камин ёнига ўтирди-да, кўзларини олиб қочди.

— Набирамнинг бобоси топилиб қолганини қаранглар-у...— деди у.

Шундан кейин у ёшлик даврида баттол зулм ўтказган пайтларида йиғлагани сингари ҳозир ҳам кўзларидан мўлт-мўлт ёшларини оқизиб, унсизгина йиғлай бошлади.

7

Меҳмонлар қолишларини ҳам, кетишларини ҳам билмай ҳайрон эдилар. Василий Львович кўзларини пирпиратиб ҳадеб пишиллар-ди, мушкул ҳолларда унинг аҳволи доим шу эди. Опа-сингиллар кўзларини сузишар ва Марья Алексеевнанинг юзидаги ўзгаришларни кузатган кўйи билдирмай бир-бирларининг қўлларини қисиб-қисиб қўйишарди.

Сонцевнинг дили сиёҳ бўлган эди. У яхши овқатланган ва содир бўлган аллақандай мубҳам табаддул унинг ҳазм қилишига халал бермоқда эди. У хафа бўлиб, сомсанинг қолган қисмини чайнаб ўтирарди.

Елғиз Капитолина Михайловна гўзал аёл сифатида қари арабдан хавотирланиб ёки аччиқланиб жонини койитмасди. Устига-устак, қари араб, наздида, унинг фусунларига бефарқ қолмади.

Аслини олганда, баҳснинг ҳам, жанжалнинг ҳам дараги йўқ ва афтидан, ҳали-бери жанжаллашгудай ҳеч гап йўқ эди. Ҳаммомда одам атрофида буғ бурқираб тургани каби доимо Аннибаллар атрофида Марья Алексеевна учун мужмал ғалва, тўполон, жиззакилик бинога келаверарди.

Сергей Львович ҳамманинг кетидан зарда билан бедана юриш қилиб, зинадан юқорига чиқди.

— Ташвиш қилманг, айланай Марья Алексеевна,— деди Елизавета Львовна,— ташвишланишга арзимайди, ўргилай!

Марья Алексеевна кўзу бурнини рўмолча билан артди-да, опа-сингилларга ҳатто қиё боқмасдан болохонага кетди.

Аннет билдирмай опасининг қўлини қисиб қўйди. Иккалови ҳарислик билан қулоқ сола бошладилар.

8

Қурими тозаланмаган шамчироқ липиллаб турарди. Деразаларга парда тутилмаган, улардан ой мўралаб турар, деворлар шипшийдам эди. Бурчакда кир-чир уюлиб ётарди; печ ёнидаги арқонда йўргаклар қуриpди; хонанинг қоқ ўртасида буғланиб тоғора турарди, араб унга қоқилиб кетди. Одамни ҳайратга соладиган бесаранжомлик ҳукм сурар эди. Ёлқин липиллаб турар, болалар хонаси омонат қурилганга ўхшарди. Бу хонага бегоналар киритилмайди деб мўлжалланган эди. Пушкинларнинг уйи ҳар доим қуп-қуруқ бўларди.

Кичкина қизча арабнинг қаршисида чўнқайди.

— Бу ким?— сўради араб оғзи очилиб.

— Ольга Сергеевна, отахоним,— деди таъзим қилиб энага.— Ассалому алайкум, отахоним Пётр Абрамович.

Энаганинг кўзлари чақнаб турар, ўзиям чечангина, чаққонгина эди.

— Ваалайкум ассалом,— деди араб,— отинг нима?

— Аришка, отахоним, кобриноликлардан бўламан, Аннибалларникидан.

Арина чўзиб гапирарди. У Аннибалнинг отамерос мулкидан бўлиб, қизлигида Марья Алексеевна қўлига ўтиб қолган эди. У

[1] Масхарабозлик (*франц.* burlesque).

Пётр Абрамовичга етти букилиб таъзим қилиб турарди. Аннибалларникида қароллар гаҳ деса қўлга қўнарди.

— Бу ернинг руҳи чатоқ, Аришка, сен бойваччага кўз-қулоқ бўлиб юр.

Сергей Львович келиб қолди.

Араб бола тепасига энгашди.

— Секинроқ, mon oncle[1],— дея бўғиқ гапирди Надежда Осиповна,— ухлаяпти.

— Ухламаяпти,— деди араб.

Бола чинданам ухламаётган эди. Она қорнидан тушгандан бери ҳали назари қотмаган мовий кўзларини очиб индамай ётарди.

Араб унга тикилиб қаради.

— Оқиш бўлса ҳам жингалак соч бўлибди,— деди у.

У яна бир марта қаради.

— Йўқ, сарғишроқ.

Бола ҳеч кимни илғамасдан юқори қараганча қимирлай бошлади.

— Ўзим айланай!— бақириб юборди араб.— Чин Аннибал сўзим, арслон, арабвачча! Жоним! Кетворган Аннибал бўпти! Бобосига тортибди! Қарашлари-чи! Бизнинг зот, деб тан оламан! Вино беринглар!

Сергей Львович олдинга чиқди. Маст араб унинг хонадонида ўз мулкида юргандек хўжайинлик қиляпти. У хотинини севса ҳам унга уйланиб, Аннибалларни ўз даражасига кўтариб, уларнинг обрўсини бирмунча ошириб юбордим, деб ҳисоблаб юрарди. У болаликдан бери аллақандай аъённинг Петербург бўйлаб айланиб юришларини, туманни, фонусни, «Мук туш!»— деган ҳайқириқни ва қайлиқ билан бирга извошда уқалик қизил либос кийиб ўтирган арабни эслаб қолган эди. Москва энди эски зодагонларни қадрлай бошлаган эди. Турк Кутайсовдан ҳамма нафратланар эди.

Қари араб ҳамма меҳмонларни сескантириб қўйди ва унинг ўғлини Аннибал деб, сал бўлмаса, арабвачча деб эълон қилди.

— Муҳтарам афандим,— хўрсиниб ўзини тутиб гапирди Сергей Львович,— сизни йўл қоқиб қўйгандир, бир оз дам олсангиз қандай бўларкин? Яна бунинг устига отахонимни... отахонимга... Менинг ўғлим... арслон эмас... арабвачча ҳам эмас, балки мен сингари Пушкин, деб ўйлашга журъат этаман... Мен сизнинг зотингизни севаман ва иззат қиламан,— айниқса яхши пайтларида,— жиддий илова қилиб қўйди у,— лекин менинг ўғлим... отасидай, яъни мендай... эканлигига сиз ҳам қўшиларсиз деб ўйлайман.

Шу пайт араб қўққисдан болани даст кўтариб олди-да, у билан шамчироқ ёнига югуриб борди-ю, уни чўлпиллатиб ўпиб олди.

[1] Амаки (*Франц.*).

Бир қўли билан болани тутган кўйи у нариги қўли билан йўргакбоғининг ичига хочни тиқиб қўйди.

Марья Алексеевна зарда билан болани тортқилади.

— Йиқитиб юборасан,— дерди у қўли билан чолни итариб,— боладан қўлингни тор, малъун.

У ахири йиғлаб юборган болани тебрата бошлади.

Араб Сергей Львовичга ўгирилиб қаради. У бир чаққонлик кўрсатди — шартта белбоғидан қиличини суғурмоқчи бўлди. Аммо қилич йўқ, чолнинг истеъфога чиққанига анча бўлган эди.

— Мен сингари... сен сингари!— деб хириллади у. Инсон кекирдагида қалдираган нам товушлар шунчалиги кишини таажжубга солар эди.— Сен ўзи ким эдинг? Сен, тақсир, ҳўйт!— ҳуштак чалиб қўйди у.— Ҳуштакбозсан! Мен бўлсам — Аннибалман! Мана, менинг зотим!

Унинг кўзлари нам тортган, хира, ўзи эса маст эди.

Сергей Львовичнинг ранги оқариб кетди.

— Бақирманг, mon oncle,— деди Надежда Осиповна бўғилиб, унинг афтига доғ тошиб кетди.— Бола ухлаяпти. Мен бақиришга йўл қўймайман.

— Ўз чўрингга бақир,— оҳангдор, олисдан келаётган овози билан чулдирарди Марья Алексеевна.

Араб орқасига тисарилди.

Унинг лаблари пир-пир учар ва гап тополмас эди.

— Пушкинларни... кўнглимдан чиқариб ташлайман!— муштумларини қисиб бақирди у.— Кулини кўкка совураман!— У қаршисида турган курсини бир тепиб, зинадан югуриб тушиб кетди.

Унинг залдан дупурлаб ўтгани ва чопиб даҳлизга чиққани эшитилиб турди.

Марья Алексеевна болани беланчакка ётқизди-да, бирдан ғужанак бўлиб олди, бир бурдагина ориқ, сўррайган бурунли кампирга айланди-қўйди. У бурнини бир тортди-ю, бошини силкитиб аллақаёққа ўтиб кетди.

Ҳамон ранги ўчган Сергей Львович кўкрагини кериб, хонани айланиб юрарди. Шармандагарчиликдан у ҳеч нарсани кўрмас, қулоғи батанг бўлиб қолган эди. Ниҳоят, у оҳиста эшикни очиб, пастга кўз ташлади. Меҳмонлар йўқ эди.

Марья Алексеевна дераза ёнига омонат қўнди.

— Элчи келиб қолганини қара-я,— деди у паст овоз билан,— бобо эмиш-а.

У қийналиб нафас оларди. Боши айланарди.

Генерал-майор шиддат билан лапанглаб ҳовлидан ўтиб борарди. Араваси унга мунтазир эди.

— Бобо эмиш-а,— деди Марья Алексеевна,— ўзи оёғини зўрға судраб юрибди-ю. Пешонамнинг шўри қурсин!

Сергей Львович бўлса, яна аллақачалгача мингиллади. У ҳамон болалар хонасида ликиллаб юрар ва полда сочилиб ётган латта-путталарни тепиб-тепиб ташлар эди. У бу аҳмоқона баҳснинг қандай бошлангани, нимадан чиққани ва нима билан тугаганини фаҳм этишга уринарди.

— Мен хотиржамлик учун ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёрман,— дерди у, қўлини кўксига қўйиб,— ҳамма нарсага чидашга тайёрман, мен унақа бадфеъл одам эмасман, азизим... Аммо менинг уйимда менинг ғашимга тегадиган бўлсангиз, унда ўзингиздан кўринг! Мен, жонгинам, бу... vieux faifort[1] билан ортиқ учрашишни истамайман.

Шунда у Надежда Осиповнага назар ташлади-ю, данг қотиб қолди.

У Аришканинг каравотида оёғи билан беланчакни тебратиб, унга қарамасдан, қулоқ солмасдан ўтирарди. Унинг кўзлари очиқ, у киприк қоқмай йиглар: кўзларидан йирик-йирик лойқа ёшлар оқиб тушарди. Буни ўзи ҳам пайқамасди. Кейин у болага бегона-сираб қараб қўйди. Тўсатдан у Сергей Львовични, унинг юришини, учаётган елкаларини, бутун олижаноб қаҳру ғазабини пайқади-ю, ганларига қулоқ сола бошлади.

— Даф бўлинг,— деди Надежда Осиповна бўғилиб.

Сергей Львович ҳанг-манг бўлганча елкаларини қисиб, хонадан чиқиб кетди.

Хотини уни биринчи марта ҳайдаши эди. Сергей Львович ҳато нимагалигини тузукроқ англаб ҳам етмади.

— Амакисини ҳайдашди-я,— дея шивирлади, қароллар бўлмасида Арина,— бошқа келмаса керак. Ҳадеб: биз Аннибаллармиз, деб бақирди. Мени таниди. Йигирма йилдан бери кўрмаган бўлса ҳам таниди: уларнинг кўзи ўткир — бало!

— Маст бўлиб келди-да,— изоҳ берарди Никита,— уларнинг феъли оғирроқ. Гаплари ҳам қўпол. Катта кўчада юргандай юришади. Тағин генерал-а!

ИККИНЧИ БОБ

1

Оила кемаси Москванинг Елоховосидан тез ва ногоҳ қўзғалди: болохонадан чакка ўта бошлади, кўчиб ўтгудай жой эса йўқ эди. Марья Алексеевна Петербургга — Измайловск полкидаги ўз уйини сотгани тараддудланиб қолди (қароллар ҳамма нарсани йўқ қила-

[1] Қари аблаҳ (*франц.*).

ди, биламан уларни). Сергей Львовичнинг эса у ёқ-бу ёқни кўргиси келиб қолди. Кўчишга чаққонлик унинг қонида бор эди: рессорлик извош ёки ҳатто мерос кўтак аравага миниб, у барча мушкулотлардан биратўла қутулишни яхши кўрарди. Шунда у ҳамма нарсани хаёлидан чиқарарди. Булутлар ва далаларни кўрганда, унинг нигоҳида ноаниқ қатъият пайдо бўлар, у йўлни севар эди.

Гилдиракларнинг гичиллашидан ва тасодифий учрашувлардан унинг миясида кўплаб қутлуғ ва шошқин фикрлар туғилар, фикрсизлик пайтларида эса у ширин мудроққа кетарди.

Пушкинлар кўп бош қотириб ўтирмасдан онла-понласи билан Петербургга кўчиб ўтишди, Сергей Львович бўлса, қайнотасининг таклифини эслаб, янги жойда ўрнашишни хотини ва қайнонасига хавола қилиб, уникига — Михайловское қишлоғига равона бўлди.

Қайнота билан учрашув уни мулзам қилиб қўйди. У қариндошларча қучоқлашишлар, кўз ёшлар, афсус-надоматлар, хотираларни кутган ва хаёлан узр саҳнасини кўз олдига келтирар эди. Қайнотасини хотинининг, қолаверса, Марья Алексеевнанинг номидан ва ўз номидан афв этиб келаётган эди.

Қаёқда дейсиз?

Кекса арабни чуқур лоқайдлик қуршаб олган эди. Куёвининг қўлини у лоқайд қисиб қўйди, бепарво ҳол сўраган бўлди ва бир дақиқа ўтгандан кейин нурсиз узоқ табассум билан илжайиб қўйди. Кейин улар ёмғирлардан қорайиб кетган скамейкада ўтиришди, барча йўлкаларда сариқ барглар ётар, араб ҳам чурқ этмасди. Қип-қизил юзлари ёқасигача салқиб тушган, кўзлари эса қизариб кетган,— қайнота бўлмиш эрталабдан ароқ отиб олган эди.

У индамас, лабларини қимирлатиб йўлга, япроқларга, дарахтларга термиларди. У одамга эмас, ҳамма тарк этган, ёнғиндан қорайиб кетган қурилмага ўхшарди. Марья Алексеевна ҳам, Аришка ҳам, хуллас, ҳамма эслаб юрадиган «доим ишга шайлиги», чаққонлиги қани? У ҳамма нарсани, ҳатто ҳамсуҳбатини ҳам унутган, қимтилган лабларини қимирлатиб ўтирарди. Фақат муюлишда қўлларида сават тутган гулдор сарафанли деҳқон қизлари кўриниб, йўргалаб яқин орадаги ўрмонга қўзиқоринга сузиб ўтиб кетишганда, араб тамшанишдан тўхтади. У қизларнинг орқасидан қараб қолди ва куёвига мурожаат қилди; унинг қарашлари равшан тортди.

— Бирам келишган-е,— деб қўйди у куёвига ва ҳамма Аннибаллар сингари тишининг оқини кўрсатиб қўйди.

Кейин уни яна мудроқ босди: у кўзи очиқ ҳолда мудраётганда ҳам оғзи қимирлаб турар, қорни бир меъёрда кўтарилиб тушар эди. Унинг страза тугмачалик қимматбаҳо шоҳи камзули шўралаб кетган эди.

Охирги куни у куёвини сайрга олиб чиқди. Оғир асога таяниб, ўрмонни, ўз мулклари чегарасини кўрсатди, қўрғоннинг дарвозаси бўлиб, тепаликда уч ёш арғувон ўсарди. Ҳамма ёқда вайроналик ва қаровсизлик излари, скамейка чириб кетган, шийпон қийшайиб қолган, экинзорларни шумғия босиб ётарди. Кейин улар пастга тушишди. Ўнгу сўлда кўллар кўринарди. Кўл юзидаги мавжлар кампирларнинг ажинларини эслатарди; кейин мавжлар йўқолди, сув яна ёшариб кетди. Сергей Львович бир томондан, бу ёппа таназзулдан ғаш бўлар, лекин иккинчи томондан, қайнотасининг мулклардаги сукунатидан роҳатланар эди.

У кўлга қараб ўтираркан:

— Худди денгизга ўхшайди,— деб қўйди қайнотасига.

Денгизни у ҳеч қачон кўрмаган эди. Араб унга ҳайрон бўлиб қараб қўйди. У таёққа суянганича узоқ туриб қолди, куёви ҳам уни ортиқ безовта қилмади. Кейин у куёвига кўз ташлади-да, унинг кўнглидаги гапларни пайқагандай кўлга, арғувонларга, ўрмонларга таёғи билан ишора қилди:

— Ҳаммасини сизларга қолдириб кетяпман.

Қайнотасининг мулклари Сергей Львовичга сирлигича қолди. Марья Алексеевнанинг ҳикояларига қараганда, аъёнлар уйи деб аталмиш бу данғиллама ва муҳташам уйнинг томига похол ёпилган, иморат узун, тахтадан қилинган бўлиб, худди омборхонага ўхшар эди. Ёнида ҳаммом, ўнгда хизмат бўлимлари, уй қаршисида яна битта гул ўстириладиган иморат, бу ҳам похол томли! Лекин кекса арабнинг ишораси беписанд эди, кўл серсув эди. Сергей Львович қайнотасининг нам ва бепарво бўсасидан гангиганча жўнаб кетди. Икки ёнда кўз ўнгидан йўғон рангсиз зиғирпоялар ўтар, бечора Сергей Львович извошда буларни буғдой деб ўйлаб борарди.

— Бу йилги ҳосил мўл,— деди у ҳузур қилиб аравакашга, Анибалларнинг қийшиқ Фомкасига.

Йўлда у ўзини сал ўнглаб олди, яқин бекатда шу ерлик икки помешчик билан гаплашиб қолди ва қайтиб келгач, хотини ва қайнонасига қайнотасининг манзиратини узоқ мақтади, қайнотанинг мункайиб қолгани ва афтидан, сўниб бораётгани, қўрғон эса қаровсиз ётганини тагдор қилиб гапириб берди.

Энди қиш кирган, ҳаммалари турай деса туролмай, кетай деса кетолмай Петербургда яшардилар. Пойтахтда ҳамманинг кайфияти мужмал, ҳеч ким пухтароқ бирор ишга қўл уришга ботинмас, ҳамма вақтни ҳисоблашда бир ой олдинга ўтиб кетар эди. Императорнинг аҳволи шундай эдики, ҳамма нарса ҳар куни ўзгариб турарди. Сергей Львович шошмасдан, у ёқ-бу ёққа қараб иш тутишга, лекин Петербургда ўтроқ бўлиб қолмасликка қарор қилди. Шошишнинг нима кераги бор, аҳволга қараб турайлик-чи, бир гап бўлар.

Улар сайилларда ва эндиликда императорники бўлиб қолган

бош кўчаларда ҳадеб кўринавермасликка ҳаракат қилиб, Измайловск полкида шу зайл кун ўтказиб турардилар.

Марья Алексеевна ҳарбийларнинг энг паккасида яшар, уларникига юз-хотир қилиб кириб турувчи таниш офицерлар турли-турли, қизиқ-қизиқ гапларни гапириб беришарди.

2

Энага Арина бойларнинг чақалоғини ўраб-чирмаб ва бошига мўйна қулоқчин кийгизиб Биринчи рота, Иккинчи ротадан ўтиб, тор кўчадан йўрғалаб борар ва болага жамики дуч келаётган нарсаларни қўшиқ қилиб айтар эди. Фақат энагалару ибтидоий одамларгина шундай куйлай оладилар.

— Анави солдатнинг кетишини. Сиз унга бир қаранг-а, отахоним Александр Сергеич, қанақа солдат... Қалпоқчаси мисдан... офтобда ялтирашини қаранг... тунукасининг тагида бўлса хоч ёниб турибди. Ана қалпоқчаю мана қалпоқча. Ўсиб катта бўлсангиз, ўзингиз ҳам шунақасини кийиб юрасиз.

Ҳамма ёқни солдат босиб кетган эди. Кўчада кетаётган преображенск солдатларининг бошида мальта хочли жез қалпоқ бор эди.

— Мана булар бўлса замбаракчалар, отахоним Александр Сергеич. Қанақалигини кўринг, мана, улар гумбирлаяпти, ана, гувиллаяпти. Нақ қўнғироқнинг ўзи. Қалпоққинани ахир қулоғингизгача қаттиқроқ бостириб кийиб олинг, совуқ, бунақа кийиш бўлмайди, музлаб қоласиз. Замбаракчалар. Ҳа.

Арина артиллерия казармаси ёнидан йўрғалаб борарди. Дарвозалар ланг очиқ, солдатлар замбаракларни юргизишар, иккита киши эса чўнқайиб уларни тозаларди.

Солдатлардан бири энага ўтиб кетаётганини кўриб:

— Холагинам,— деди секингина,— бойвачча билан қўзиқорин тергани чиқибсан-да?! Замбарак тозалашга тобинг қалай?

— Сизларга ўхшаган миянғ-миянғларсиз ҳам куним ўтади,— босиқ жавоб қилди Арина.

У бош Измайлов кўчасига йўрғалаб ўтди. Болани қўлидан етаклаб олган эди. Бола ҳамма нарсага диққат билан бақрайиб қараб борарди.

— Бай-бай, қандай отчалар: попукли эгарчалар, қизил-қизил чакмонлар, бинафшаранг чолворлар,— куйларди Арина,— бухороча қалпоқлар, пахмоқ ўйинқароқлар...

Булар император Петербургда асраб ётган Урал юзлигининг казаклари эди. Улар Измайлов кўчаси бўйлаб шошмасдан келишарди. Кўча ҳувиллаб ётарди.

— Бай-бай, қандай генерал амаки келяптилар-а. Шундайми, отахоним? Ўзлари муштдаккина, мундирлари кўккина, қайишлари

оппоқ, ёнларида қўнғироқ, жиловларини тортиб-тортиб қўядилар.

Дарҳақиқат, кичкина генерал тизгинини тортар ва от унинг остида пишқириб, ўтириб қолаётган эди.

— Амакининг аччиғи чиқиб қолди, ёмон аччиғи тез экан-а!

Энага қоққан қозиқдай таққа тўхтаб қолди. Генерал тизгинини ғазаб билан тортиб, отни унинг устига бурди-да, уни бостириб юборишига сал қолди. У кулранг ваҳшиёна кўзларини энагага қадаб изғиринда оғир-оғир нафас оларди. Тизгинни тутамлаб турган қўллари ва кенг юзи аёзда қип-қизариб кетган эди.

— Қалпоқ бошдан олинсин!— деди у хириллаб ва кичкина қўлини силтаб қўйди.

Шу аснода яна минг чандон башангроқ кийинган генераллар бостириб келишди.

— Оёғига йиқил!

— Тиз чўк!

— Қулоқчинни бошидан ол! Аҳмоқ!

Фақат шундан кейингина Арина тиз чўкди-да, бойваччанинг бошидан қулоқчинни юлқиб олди.

Кичкина генерал боланинг зиғирранг жингала бошига қараб қўйди. У кутилмаганда ҳиқиллаб кулиб юборди. Отлиқлар ўтиб кетишди.

Отларнинг тақир-туқурига тақлид қилган кўйи бола уларнинг орқасидан қараб қолди.

Сергей Львович бўлган воқеани эшитиб, ранги ўчиб кетди.

— Аҳмо-о-оқ!— иккала қўлини кўксига босиб қичқирди у.— Император-ку, у ахир! Аҳмоқ!

— Вой, мен ўлай,— деди Арина,— ўшанинг ўзи.

Сергей Львович бўлган воқеадан бўғилиб кетди. Дастлаб у, подшо одамлари бизни ахтариб келиб қолса керак, деб ўйлаб, зудлик билан Москвага от солмоқчи бўлди. Кечга бориб ўзини босиб олди. Ошнаси барон Боде ҳузурига бориб эҳтиётлик билан воқеани тасвирлаб берди. Барон қойил қолганини кўриб, Сергей Львовичга сал жон кирди.

У ҳеч кимга айтмаслик шарти билан воқеанинг бутун тафсилотларини, императорнинг:

— Қулоқчинни еч! Мен сенларни!— деб ҳайбат билан бақириб, нақ Александрнинг боши тепасида отини гижинглатгани-ю, артиллерия казармалари томон чоптириб ўтиб кетганларини сўзлаб беришга мажбур бўлди.

— Ўғлимнинг суверен[1] билан биринчи учрашуви,— деб Сергей Львович таъзим қилди ва қўлларини ёзди.

[1] Суверен — олий ҳокимият эгаси.

Бир ҳафта ўтгач, у Петербургда қолиш хатарли, Москвага кўчиб ўтиш керак, деб узил-кесил қарор қилди. Россияда унинг учун яшаш мумкин бўлган иккитагина шаҳар мавжуд эди, холос: Петербург билан Москва.

3

Сергей Львович оиласи билан жон қутқариб Москвага қочганидан бир ой ўтгандан кейин у хизматга қатнаган ҳолда ёлғиз бир нарсани: кўзга ташланмасликни истаб юрган кезларида император Павел қазо қилиб қолди.

Қазо ҳақидаги хабар Москвага фавқулодда зудлик билан қарийб ўша куниёқ, энг тез почтадан ҳам шитоброқ етиб келди. Кейин ўлим тафсилотлари кела бошлади, ҳамма ёқ жонланиб кетди. Император ўлдирилган эди, дворянлик имтиёзлари янгиланди. Французча юмалоқ шляналару панталонларга рухсат берилди. Сергей Львович бужуд-вужуди билан сарой аҳлидан қўрқар ва шу боисдан ўзини оппозицияда деб ҳис қиларди. У Кутайсовнинг ишдан ҳайдалиб, биргина ички кийимда кўчама-кўча чопиб юрганини кўрганда ҳамма қатори қувонди. Роса қиёмат бўлдими-а! Обершталмейстер-а! Москва бир-икки кун ичида улуғ Павел рўзасининг ўрнини қоплашга интилар эди. Бу йили кўча-кўйлару хонадонларда илгариги уч йилнинг жамидан кўра кўпроқ гап сотилди. Уст-устига базмлар бўлиб турди.

Надежда Осиповна кўчага чиқадиган бўлса, бутун уй остин-устин бўлиб кетарди. У эринчоқ эди, ҳеч қачон вақтида кийинмасди. Лекин айни жўнаш олдидан тоғоралардан қайноқ сув сачратиб, ҳамма ёқни буғ қилиб, дазмолланган шоҳиларни шилдиллатиб уйма-уй чўри қизлар сочиб-ёйиб, зир югуриб қолишарди. Надежда Осиповна ўз хонасида бақириб-чақириб ўтирарди. Тўкилган сувнинг шалоплаши, шапалоқларнинг тарсиллаши эшитилиб турарди. Чўрилар юзлари шишиб, қип-қизариб югуриб-елишар, уларнинг йиғлашга ҳам вақти бўлмас эди. Надежда Осиповна ярим яланғоч ҳолда қўшни хонага ғизиллаб ўтар ва зинғиллаганича орқасига учиб ўтарди. Сергей Львович нашъа аралаш кўзларини қисиб оларди. Марья Алексеевна норози бўлиб ўз хонасига кириб кетарди.

— Эшагига яраша тушови.

Кейин Надежда Осиповна хиромон юриб, виқор билан хонасидан оҳиста чиқиб келар, Сергей Львович ҳам кўзларини сузиб илк бор кўраётгандай уни кўздан кечирарди. Улар ҳамма ёқни ивирситиб жўнаб кетардилар.

Базмларда ҳамма ўзини энди бемалол тутар, ҳатто қариялар ҳам тетик тортиб ёшармоқчи бўлиб қолган эди.

Гоҳида тунда болалар уйғониб кетиб, ота-она жанжаллашаётганини эшитиб қоларди. Чошгоҳдан наригача ухланарди.

Шу икки ой асносида ҳамма ўзини кун қаҳрамони деб, кўзга кўринган деб ҳис қилиб қолган, эски аслзодалару, майдароқ одамлару — ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган эди. Ҳамманинг нимадандир илинжи бор эди. Янги француз рассоми — Виже-Лебрен хоним энди ҳар куни машҳур нозанинларнинг портретларини чизар, икки ўтиришда жуда кўҳлик, гажакдор, Надежда Осиповнанинг жимитгина суратини солиб берди. Сергей Львовичнинг хотинининг қирғийбурун чиқиб қолганидан кўнгли тўлмаган, лекин буни айтишга қўрқиб, мақтар эди.

Дворянлик имтиёзлари юмушлардан фориғ қилади, деган ўйда Сергей Львович хизматга бормай қўйди. Бусиз ҳам унинг ҳеч бўш вақти бўлмас эди. У ҳатто ҳамма рўзғор ишларини ҳам бажариб улгурмасди. Болаларни юзларидан наридан-бери сийпалаб қўйиб, у Овчилар растасига равона бўларди. Таниқли шинавандалар дўконлар олдида тўпланиб туришар, кўк кафтан кийган қориндор сотувчилар уларга таъзим қилишарди. Ҳамма пичирлаб гапирарди. Диркиллаган балиқлар уюм-уюм бўлиб ётарди. Жабраларига, кўзлари сузукми, деб кўзларига, оқмикин, қизилмикин, деб қанотларига қарашар, ҳидлаб-ҳидлаб кўришар, фикр ва янгилик алмашишарди. Шу ернинг ўзида маҳтал бўлиб қароллар туришарди. Сергей Львович камдан-кам балиқ сотиб олар, гоҳо умуман балиққа қарамай кетган пайтлари ҳам бўларди. Бу ер инглиз клуби қабилидаги ошна-оғайнилар учрашиб турадиган бир жой эди. Оламда улфатчилик қилиб, хуфия шўхликларга берилишдан ҳам дилкушороқ ҳеч нима йўқ эди! Булар олдида ёрқин ва баланд мартабалар ип эшолмасди! Сергей Львович эса ҳеч қачон баланд мартабаларни орзу ҳам қилмаган эди.

Хизмат вақти шу асно ўтиб борарди. Икки ё уч ой шундай аҳвол давом этди. Кейин Москва сал тинчиган бўлди-ю, ҳамма ўзини ўнглаб жой-жойини эгаллади. Сергей Львович бирдан вақт-вақти билан хафа бўлиб кетарди: ҳамма нарса содир бўлишига ва янги, Александр асри бошланишига бир ой қолди деганда, бутун оиласи билан Москвага кўчиб ўтирса-я. Петербургда энди лавозиму мартабалар чин донишманд кишиларга тарқатилмоқда эди: дарвоқе, шу ерда, Москвада туриб ҳам Николай Михайлович Карамзин бир неча кун ичида фавқулодда нуфуз касб этди ва иккита бриллиант кўзли узук олди. Сергей Львовичга эса янги подшоҳлик нечундир тегмай ўтди. Сергей Львович комиссариат штатида ишлар, лекин у ерга ҳам бормай қўйган, хотини эса яна оғироёқ эди.

Надежда Осиповна ҳақиқатан ҳам иккиқат эди, кўп ўтмай ўғил туғилди, уни Николай деб атадилар.

Сергей Львович аёлманд ота бўлиб қолганини кўриб таажжубланди. Бу борада унда аниқ фикрлар йўқ ва истиқбол унга беқарор бўлиб кўрина бошлади, бирин-сирин турли воқеалар рўй берар, у эса ҳар гал ғафлатда қолар эди. Умуман, ҳаётдаги ҳамма нарса шиддат билан ўтиб борар ва киши эс-ҳушини йиғиб улгурмас эди. Масалан, ҳамма сингилча Аннетнинг яқинда эрга чиқмоқчи бўлиб юрганлигини эсидан чиқариб юборди. Шоир Иван Иванович Дмитриев Москвадан уй ҳам, чорбоғ ҳам сотиб олди-ю, лекин Аннетга уйланмади. Марья Алексеевна ўзига-ўзи:

— У уйланишни хаёлига ҳам келтирмаган. Аннет туш кўриб юрибди,— деб қўярди.

Сингил Аннетнинг ранги сарғайиб кетди, қора либослар киядиган бўлиб қолди. Сочларини илгаригидек ҳурпайтириб юрса ҳам черковга ҳафсала билан қатнай бошлади. У ўзини ва акаларини қурбон деб ҳисобларди: на Надежда Осиповна, на Капитолина Михайловна ўша бахтни таъмин эта биладиганлар хилидан эмас эди. Сергей Львовичнинг ҳам кўнглидаги гаплар шу эди. Хотини соҳибжамол дурагайлардан, ҳамма унга ҳавас билан боқар эди. Базмларда у битта-яримта новча бўйли гвардиячи билан рақс қилиб қолгудай бўлса, Сергей Львович қаҳру ғазабдан бўзариб кетарди. Ўшанда у ўзининг паканалигидан эзиларди. Бунинг устига устак хотини ҳомиладор бўлиб қолгач, уйда Сергей Львовичнинг устидан назорат ўрнатган, бу нарса Сергей Львовичга тобора малол кела бошлаган эди. Надежда Осиповна Сергей Львовични назардан қочирмасликка интиларди. Сергей Львович ҳатто буткул беозор шўхликка — оқсоч қизнинг юзини чимчилашга ҳам ботинмас эди.

Шундай мужмал аҳволда қолгани сабабли у ҳар хил баҳоналар билан уйдан даф бўлар — Бутурлинларникидан Сушковларникига, Сушковларникидан Дашковларникига, хуллас, борса айб саналмайдиган ёри биродарлариникига мехмонга кетиб қолишга интиларди. Сешанба кунлари у Дворянлар клубига борарди. У мириқиб ёзилишни истар, гўё бой берган вақтини қувар ёки унутиб қолдирган нарсасини ахтарар эди. Ҳаммадан ҳам кўра янги воқеалар дўст-биродар ва танишларни йироқлаштириб юбормасайди ва таниш-тунишлар ҳаволаниб кетмасайди, деган ҳадикда юрадиган бўлиб қолди. Бир қур Дашковнинг менсимай қилган таъзими унинг жон-жонидан ўтиб кетди. Унинг ҳовлидан жуфтакни ростлаётганига қараб, Марья Алексеевна астагина эски қўшиқни хиргойи қилиб қўярди:

Жоним ҳалак, ёш бошимга
Тополмайман ҳеч ердан паноҳ.

Мабодо уйда тамадди қилмаган бўлса — хонаки таомлар хийла маза-матрасизгина бўларди — у қайтага пешин ё оқшомга бориб,

хуш бир лоқаслик ҳис этар, эснаб, кун бўйи bon mots[1], нохос воқеаларни хотирлар эди. Надежда Осиповна ўйга ва шубҳаларга ботиб унга қараб-қараб қўяр, Сергей Львович ҳам гумонларни пайқаб ёлғон-яшиқ гапира бошларди. У Сергей Львовичнинг ҳамма гапига ҳам ишонавермас ва ҳақ эди ҳам. Кичиклигидан бери Марья Алексеевнанинг эркакларнинг писмиқлиги ва ҳийла-найранглари ҳақидаги ҳикояларини эшитавериб, қулоғи пишиб кетган, шунинг учун ҳам у Сергей Львович бирор қиз билан ўйнашиб юрса керак, деб гумон қиларди. Бундай эр билан қурилган турмуш омонат эди. Зотан, Сергей Львович ҳадеб кибор доирада айланишавермас, сўнгги пайтларда у ҳамон ўша лаънати комиссариат штатидаги ёш жиҳатидан ҳали ўсмир, лекин ўзига нисбатан ихлоси зўр ёш ҳамкасабалари билан дўстлашиб қолган эди. У улар билан махфий равишда карта ўйнарди. Бу даврада бостон, вентэнь, макао деган кибор ўйинлар ва янги расм бўлган штос, учу уч ўйинлари уюштирилар эди. Сергей Львович бутун борлиғи билан ўйинга берилар, картани очаётганда эҳтиросдан титраб-қақшаб кетарди. Ютган кезларида унинг бутун оламни қучиб олгиси келиб кетар ва ютқизган ўйинчи ютқазганини эсидан чиқариб қўймасайди, деб хавфсираб ўтирарди. Уйда у нимадан вақтичоғ бўлаётганини сабот билан сир тутарди. Лекин ютиб қолса, тилини тийиб туриш ва ҳамма гапни Надежда Осиповнага айтиб қўймаслик кўп машаққат бўларди. У чўнтагидаги тангаларни жингирлатиб-жингирлатиб лабларини тишларди. Кейин ўз уйида уни тушунмаётганлари учун хўрсиниб қўярди.

4

Ойда бир марта Сергей Львович ташвишли алфозга кириб, оиласи билан бирга Овчилар слободасида истиқомат қилгувчи волидаси Ольга Васильевнадан хабар оларди. Ольга Васильевнанинг уйи катта, совуқ, ўзи ҳеч қаерга чиқмас эди. У дабдабали ҳаёт кечирганидан энди бир тўп кампирлару учта шилпиқ қаролни бошқармоқда эди. Аҳён-аҳёнда ўғилларининг ҳаётини бошқаришга қурби етмаётганидан зорланиб қўярди. Қизлари унинг камоли измида эдилар.

Уйда эски-тускилар қалашиб кетиб, омборхонага айланиб қолган бир хона бўлиб, у ерга бош тиқиб бўлмасди. Ўғиллар келганда болаликда одат бўлиб қолган қўрқоқлик билан берк эшикка кўз қирини ташлаб қўярдилар: оталари сўнгги йилларини шу хонада кечирган эди. Худди гапсиз-сўзсиз келишиб олгандай на Ольга Васильевна, на ўғиллар Лев Александровични эсга олардилар. Фақат шилпиқ қаролларгина гоҳо-гоҳо кечқурун ё кечаси уйқу қочганда уни гапириб қолардилар. Лев Александрович жоҳил ва золим одам бўлиб, биринчи хотинини хонадонга олинган итальян ўқитувчидан рашк қилавериб нобуд қилган эди. Хотини уйда қамалиб ўтирарди, ертўлада, похол устида, занжирбанд бир аҳволда жон берди. Итальянни эса Лев Александрович шундай бир калтаклатдики, у ўша ернинг ўзида ўлиб қолди.

Ольга Васильевна унинг иккинчи хотини эди. У омон қолди. Пировардида эр ёввойилашиб кетди. Унга ён хона ажратиб берилди-ю, рўзғор ва болаларни Ольга Васильевна бошқара бошлади. Айни мавриди ҳам эди. Лев Александрович император Пётр III қазосидан кейинок қирқ ёшида истеъфога чиққан эди; у Екатеринани император деб тан олишни истамади ва шунинг учун икки йил қалъада ўтириб чиқди. Қалъадан чиққач, ўзигами ёки яна бошқа бировгами ўчакишиб жон-жаҳди билан бисотини совура бошлади. У от чоптиришнинг ишқибози бўлиб, умри бўйи бир отхона қимматбаҳо отларнинг уруғини қуритди. Йўловчилар Пушкинининг от дупурини эшитганда зовурларга бурилишарди. Ольга Васильевна ҳисоб-китоб ва гаров хатларни қўлга олганда таги бўшлигини сезиб қолди: бисот ҳар ёқдан ўпирилиб кетмоқда эди. У бунга барҳам берди, судхўрни тинчитди, қолган-қутган нарсаларни жамғариб, болаларни одам қилди. Ўн йил бурун Лев Александрович қазо қилди. Буни кўп вақтдан бери кутиб юрган бўлса ҳам шундан кейин у ҳафсаласиз ва руҳсиз бўлиб қолди. Уйдан чиқмай қўйди ва барибир ҳеч кимни қутқариб бўлмайди, ҳеч нарсани тўхтатиб бўлмайди, ҳожати ҳам йўқ, деган фикрга келди.

Эри хароблашганидан бери Ольга Васильевна Екатеринани ва айниқса Орловларни ёмонлашдан тинмасди:

— Графлар эмиш! Булар ғирт отбоқарларнинг ўзи, бия боқиб, муштлашиб юраверишса ҳам бўлади.

Қонуний подшо деб у фақат Пётр Учинчини ҳисоблар ва у борида ихлосмандликдан Екатеринани онахон деб аташса, у:

— Онахон ҳам, отахон ҳам!— деб тўнғиллаб қўярди.

Умри бўйи эрининг тутқаноқлари ва ғалати қилиқларидан қўрқиб келган бўлса-да, у ўғилларининг унга тортмаганини, хашакилигини ранж билан кўриб турарди. Уларни қаттиққўллик билан тергагани билан улар айш-ишратга берилиб, тўполон кўтариб ёки бемаъни ишлар қилиб қўйишса, у, балки ўзи ҳам кутмаган ҳолда қувонган бўлармиди. Йўқ! Буларнинг ҳаммаси тамом бўлди. Ўғиллар — ношуд.

Кампир бўса учун Сергей Львовичга япалоқ мумдай қўлини узатар ва ўткир кўзларини тутуриқсиз ўғлидан узолмасди. Иккала ўғлини ҳам исрофгар ва лапашанг деб гумон қилар эди. У васиятни икки бор қайта ўзгартирган эди. Лекин Василийни, Васень-

[1] Аския (*франц.*).

кани, у ҳар қалай оиланинг тўнғичи сифатида иззатлар, унинг муваффақиятсизликларини толеи йўқлигидан деб кечирар эди. Сергей Львовични эса тез орада бутунлай хонавайрон бўлади, деб ўйларди. Келинига ҳайиқиб қарар ва «Сергейнинг мартабаси очилмагани»ни ундан кўрар эди. Болаларни у юзларидан авайлаб сийпалар, кўзларига термилар ва ўзини хўрсинишдан тийиб, уларни ўйнаб келгани чиқариб юборарди:

— Уйни бошига кўтариб нима қилишади!

Сергей Львович онасининг ҳузурига кирганда худди комиссариатда ишига келгандек ўзгариб кетарди. Унинг сиёқи вазмин бўларди. У кампирга Петербург ва сарой янгиликларидан сўзлаб берар ва чет эл воқеаларини гапириб хавотирга соларди: французларнинг ғалабаларини, Бонапартни ва консулнинг хотини дурагай Жозефинани гапирарди. Сергей Львович энг олий мартабали Петербург кишиларининг номларини, улар билан худди боягина хўшлашгандай айтиб ташлаганда онаси анграйиб қоларди. Баъзида Сергей Львович мартабали кишиларни койиб ҳам қўйган ҳоллар бўларди:

— Ce coquin de[1] Кочубей,— дерди у.

Бир куни у иқтидорли князь Адам Чарторижскийни сўкиб, онасининг ўтакасини ёриб юборди.

— Унинг киборлиги қалбаки,— деди у,— ўзи бўлса батард[2], биламиз ўша сарой аҳлларининг кибру ҳаволарини. Унинг онаси игвогар ва суюқоёқ поляк хотин бўлган, французларга сотилган — вассалом.

Ольга Васильевнанинг таъби тирриқ бўлиб кетди. Бу ўғил нақ отасининг ўзи, қалъага тушадиган сиёқи бор. Масалага келсак, қурғур исёнчилар ҳам зўр бўлиб кетишибди. Минг қилганда ҳам французлар французлар-да! Ўғли энди унга ортиқ ёлғончи бўлиб туюлмасди: Москвада вақтлар нобоп, подшо ёшлигини ҳамма биларди. Пётр билан Павел бирор янги ҳақиқатдан гап очиб қолар, деб кутар эди. Энди чоллар қулаб ёшлар кўтарилаётган замон эди. Мана ўғли, пешонасида бир тутам сочини ҳурпайтириб, араб хотини билан ўтирибди, кейин эса қарабсанки, иззат-ҳурматда.

Кампир унга кўзларини қисиб қарарди. У енгилган эди.

Кечқурун энг семиз чўри қиз иситиб берган ўрнида ётаркан, Ольга Васильевна ўзининг ишонгани шилпиқ Ульяшкага:

— Араб хотинлар энди жуда зўр бўлиб кетишди,— дер эди.— Парижда энг каттасининг — оти нимайди эсимда йўқ, хотини ҳам араб эмиш.

---

[1] Бу қаллоб *(франц.)*.

[2] Ҳароми *(франц.)*.

Ульяшка эса унинг гапини маъқулларди:

— Ҳаммаси бир гўр, кўнгли янгисини, ёшроғини тусаб қолган.

5

Улар энди дурустгина ёғоч уйда, Юсуповникида, князнинг, жуда катта кузурнинг иморати ёнида истиқомат қилардилар. Сергей Львович бундай қўшничиликдан мамнун эди. Князь, дарвоқе, Москвада кам кўринарди. Атиги бир марта Сергей Львович унинг келганини, камердинернинг ҳовлиқиб юрганини, деразаларни очаётганларини, нарсалар ташиётганларини ва шунинг кетидан дўрдоқ лабли, маъюс ғайри рус кўзли вазмин одам атрофига қарамасдан уйига кириб кетганини кўрган эди. Кейин бир сафар князнинг кўзи Надежда Осиповнага тушиб қолди-ю, унга ёпилиб, осиёчами ёки энг европачами йўсинда таъзим қилди. Шунинг кетидан у ўзининг иш бошқарувчисидан болалар унинг боғида истаган маҳал сайр қилишлари мумкин, деб Пушкинларга айттириб юборди. Князь номи чиққан хотинбоз бўлиб, Надежда Осиповнага унинг эътибори манзур эди. Кўп ўтмай жўнаб кетди.

Иш бошқарувчи эса ижарадорлардан безор эди.

«Ўрта уйдаги майор жаноб Пушкин,— деб ёзган эди у князга берган ҳисоботида,— май ойида бир ойга пул тўлаганидан бери, мана ярим йил ўтса ҳамки, ҳеч нима тўламайди, тўлаб қўйишни сўраб мен уч марта кирдим ҳам, уйда йўқ дейишни буюришади. Мен сиз зоти олийларидан майор Пушкин билан қай йўсинда гаплашишимга кўрсатма юборишингизни илтимос қиламан. Ё бутунлай уйни олиб қўяйми?»

Бу ўртада Сергей Львовичнинг бошига кулфат тушди: онаси Ольга Васильевна қазо қилди. Тоби қочиб, у ўғилларини чақиртирди ва уларга узоқ тикилиб қолди-да, иккаласига ҳам бармоқ ўқталиб жон берди. Онасини дафн этиб бўлиб, Сергей Львович дарҳол яқин орадаги дурустроқ ва анча кенгроқ уйга кўчиб ўтди.

Надежда Осиповнанинг кўзлари порлаб кетган: у кўчишларни яхши кўрарди. Аравакашларнинг жиҳоз ва анжомларни юклашига иш бошқарувчининг ўзи қарашиб турди. Князнинг рухсатидан фойдаланиб, болаларни аввалгидек энагаси Арина билан Юсупов боғига сайрга юбориб туришар эди.

6

Боғ шоҳона эди. Юсуповда карнайгул, тароват ва фавворалларга татарча ўчлик бор эди. Лекин парижликлар сингари бир текис йўлкалар, ўрмон оралиқлари ва ҳовузларга ҳам ишқибоз эди. Ўзи узоқ вақт Венеция ва Неаполда элчилик қилган, у ердан кетлари

осилган, тиззалари қорайиб кетган ҳайкаллар келтирган эди. Ҳамма шарқликлар сингари орзу-ҳавас борасида ҳеч нарсани аямасди. Шу зайл Москвада, Огородники ёнидаги Харитоньяда саҳни ўн ботмондан ҳам ошиқ чиқадиган шу боғ бунёд бўлиб қолди.

Князь ёри биродарлари ва ёқтирган кишиларига боғда юришга рухсат берарди; боққа болаларни камдан-кам қўярди. Боғда одамлар бўлмаса, албатта, бешикаст сақланиши мумкин, лекин хурофий одам учун ҳувиллаган боғдан кўнгилсизроқ нарса йўқ. Князнинг танищ-билишлари ўзлари билмаган ҳолда манзарага жон киритардилар. Ғарб таъсирига берилган москвалик татар Версалга зинапоядан чиқар (бу зинапояни ўқиган китоби ёки эшитган гаплари асосида қурдирган эди), юрганида рафтори ҳам ўзгариб кетарди. Уни қўриқчи ҳайкаллар қарши оларди. У олға юрар ва бир меъёрдаги хиёбонларга қизиқиб, юмалоқлигидан ҳатто ичидаги суви ҳам қабариқ кўриниб турган юм-юмалоқ сарҳовуз теварагида алоҳида виқорли одимлар билан айлана бошлар ва бир соатдан кейин ҳамон ўшандай юриб, ўзиникига, Огородникига тушгач, бирпас ўзини кўркам йигит деб хаёл қилар, фақат кейинроқ «Пироглар! Пироглар!»— деган бақириқни эшитгандан ёки танишини учратгандан кейингина бу ерда бир сир борлигини, Версалнинг Версал эмаслигини, ўзининг эса француз эмаслигини фаҳмлаб қоларди.

Ана шу боғ энага Арина билан бойваччалар учун очиқ эди.

Арина зинадан дадил чиқиб борар, бойваччалар ва ойимқиз Ольга Сергеевна бирор безак ёки ҳашамни тушириб юбориб, синдириб қўймасин, деб қаттиқ назорат қилиб турарди. Унинг сиёқи ташвишли бўларди. Ҳайкаллардан кўзини олиб қочиб, у бутун диққат-эътиборини ҳовузга қаратарди.

— Лоақал қилт этиб қўймайди-я, — деди у, — бундай сувда, отахоним, балиқ ҳам зерикади. Қорни тўқлигига бир қара.

Бойвачча балиққа қарашни истамас, хўмрайиб Дианага тикиларди. Диана ҳақида у баъзи бир гапларни эшитганди. Иш бошқарувчи бир куни унга бу — Диана, бошқа сафар эса, бу — маъбуда, деб эди. Уйда у отасидан, Диана деган ким, деб сўради. Сергей Львович узоқ кулди, кейин эса маънодор қилиб бу Олимп маъбудаларидан бири, ҳур қиз, деди. Маъбуда парвойи фалак бир алфозда бошини орқага ташлаб, учли эмчакларини ва ингичка тиззаларини офтобда иситарди. Оёгининг бош бармоғи учиб кетган эди.

— Туф-е!— хафа бўларди Арина ва астагина туфлаб қўярди.— Ҳовузнинг олдида ўйнай қолсангиз бўлмайдими, отахоним.

Улар сайҳон майдончага, қалин ўт билан қопланган майсазорга ўтардилар. Йўлкага сариқ нам қум тўкилган эди. Майдончанинг

қоқ ўртасида Румо фавввораси турар, тош косага шаффоф сув оқиб тушарди.

— Сенинг тегирмонингдай, — жилмайиб дерди Арина. У бу жойни яхши кўрарди. Фаввора жуда мароқли бўлиб туюларди.

— Бой татарлар, отахоним Александр Сергеевич, — дерди у сирли қилиб, — доимо боғда мана шундай сув оқиб туришини яхши кўришади.

У қочиб кетарди. Энага қумда ивирсиётган Ольга Сергеевна билан овора бўлар ва Николай Сергеевичнинг бурнини артиб қўярди.

У узоқ-узоқларга, бир текис хиёбонлардан нарига қочиб кетар ва ён йўлкалардан оппоқ чеҳралар ва тош қорнилар олдидан ўтиб то адашиб қолмагунча кетаверарди. У олисда туриб, овозларни, энаганинг чақирганини эшитар, лекин буларга қилча ҳам парво қилмас эди. Уни қидиришарди. У янаям ичкарироққа қочиб кетарди. Бу ерлар илвасинга бой, татарларга хос хилват жойлар эди, бир текис янги боғ тамом бўлиб, эски боғ бошланарди. Дарахт таналари кул сингари йўсин билан қопланган: ҳайкаллар атрофида шох-шабба ётарди. Ҳайкалларнинг мастона кўзлари, очиқ оғизлари, эринчоқ ҳолатлари унга ёқарди. Шунда тагига етиб бўлмайдиган, мужмал сўзлар худди тушдагидай элас-элас унинг хаёлига келарди. У ўзи ҳам билмасдан анчагача маъносиз кулимсираб қолар ва оппоқ ифлос тиззаларга суйкалар эди. Ҳайкалларнинг оёқлари ёмон совуқ эди. У эриниб, хомуш тортиб, ҳовуз ёнига, энагаси Аринанинг олдига судралиб қайтарди.

Ёз дим келди: Москва худди Самарқанддай жазирадан жизғанак бўлиб ётарди. Ҳолсиз осилиб қолган баргларни чанг босарди. Сергей Львовичга Болдино оқсоқоли дон куйиб кетди, деб хабар берди. Надежда Осиповна биргина ички кўйлакда нимқоронғи хоналарда тентираб юрар: кундузлари дарчалар берк турарди.

Кузакда ер анча вақтгача совимади. Болалар бутун-бутун кунларни Юсупов боғида ўтказишарди. Бир текис майсазор ва ариқлар ҳамма нарсани, ҳатто иссиқнинг ўзини ҳам мўътадиллаштириб юборар эди.

Кундуз соат иккилар, ухлайдиган вақт эди. Арина скамейкада оғзини ярим очиб мудрамоқда эди. Дабдурустдан кишига уничалик сезилмайдиган шамол турди, дарахтларда япроқлар қимирлай бошлади. У нозиккина тош бадан худди унга томон сурилгандай бўлиб икки марта чайқалганини кўриб қолди. Унинг юраги орқага тортиб кетди. Николай билан Ольга йиғлаб юборишди. Арина уйғониб кетди. Александр болаларча қувлик ишлатиб, ўзини энага олдида доим ҳовузга қараб ўтирганга солди.

Улар уйга кетдилар. Фақат кечга бориб даракчилар бу кун Москвада ер қимирлаганини элга маълум қилдилар. Кечқурун

ҳамма ёқни қуюқ туман қоплади. Тунда у ухламай атрофга қулоқ солиб ётди. Худди куйлагандай қилиб, чўзиб, чуқур-чуқур нафас олиб Арина ётарди. Кейин эшик орқасида яланг оёқлар товуши эшитилди, бир баҳайбат ҳайвон юрганга ўхшарди: аслида онаси хонама-хона гандираклаб юрарди. Кейин онаси бир стаканни жиринглатиб сув ичди ва ҳарсиллади. Отаси бир нима дедими ёки уни нарироқдан чақирдими, онасининг кулгани эшитилди. Кейин яланг, салмоқли қадамлар яна хоналарда садо бера кетди. У ухлаб қолди.

Москвадаги қуюқ туман беш кунгача тарқамади, одамлар ҳам бир-бирларига тўқниниб юришди. Чор атрофда ҳамманинг оғзида зилзиладан бошқа гап йўқ эди. Бир ертўланинг девори ёрилиб кетибди, одамлар диққатга сазовор нарса сингари бу ёриқни кўргани боришибди. Трубада эни бир аршин келадиган ернинг оғзи очилиб қолибди. Бувиси Марья Алексеевна ернинг силкинаётганини ўзим сездим, деб таъкидларди.

— Эндигина Николашкага, пастет пишир, деб турган эдим, ўтирдим, қарасам, стол худди жон киргандай юриб кетяпти, — дерди у ўз гапидан ўзи ҳам шубҳаланиб.

Пушкинларнинг уйидаги бирдан-бир мустаҳкам эътиқод — ирим ва фолларга ишонишдан иборат эди. Марья Алексеевна бўш челак кўтарган хотинни учратиб қолгудай бўлса, дарров уйга қайтарди. Надежда Осиповна кўзикишдан қўрқарди. Қизлигида у ҳайитларда шам ёқиб ва ўзига қирра бурунли қайлиқ учрармикин, деб фол очиб ўтирар эди. Ҳатто Сергей Львович ҳам попни учратганда қўлини чўнтагига яшириб, икки бармоқ орасидан бошмалдоғини чиқариб қўярди[1]. Марья Алексеевна тўғри чиққан ажойиб иримлар тўғрисида шошилмай гапириб юрарди.

Энди уйдаги ҳамма нарса совуқ маъно касб этди: бу зилзила яхшиликка олиб бормайди. Карамзиннинг ўзи махсус мақола ёзиб, Москва аҳлига зилзиланинг физик дунё ҳодисаси эканлигини уқтириши лозим эди. Лекин унинг ўзининг ҳам маънавий торлари таранг бўлиб турарди. У, Москванинг ёзги момақалдироғи сингари жаҳоннинг кўпгина ерларида кун ора зилзила бўлиб туришини таъкидлаб, ҳаммани Антиль оролларининг, Филиппин, Архипелаг ва Сицилиянинг аҳолиси сингари бемалол яшайверишга чақирса ҳам бутун гаплари беҳуда кетаётган эди. Шу ернинг ўзида у Қора Василий даврида Москва зилзиладан таг-тугигача ёниб кетганини бемаврид тилга олган эди.

Физик изоҳи эса Марья Алексеевна билан Надежда Осиповнани яна баттар қўрқитиб юборди: ер қаъридаги олов ҳаво массаларини қисиб қўйган эмиш ва ҳаво массалари беҳудуд шиддат билан ташқарига йўл ахтарармиш. Москва зилзиласи — бошқа зилзиланинг акс садоси эмиш, зарбалар ҳамиша бир марказга эга бўларкан, ерда бир-бири билан алоқадор бўлиб, ичида оташ ҳаво қутуриб ётган бўшлиқлар бўлармиш. Дунёнинг икки қисми бир пайтнинг ўзида қимирлаши мумкин эмиш! Ер юзидаги жамики шаҳарлар, жумладан, Москва ҳам, Неглинная ва Яузаси билан шундай жойлашган эмиш. Бирдан-бир юпанч шу эдики, Николай Михайловичнинг тахминича, янги зилзилагача Қора Василийдан бери ўтгани каби уч ярим аср ҳам ўтиб кетиши мумкин эмиш ва бинобарин уларнинг умрига етиб ортар эмиш.

Надежда Осиповна тунлари ўз даҳлизларига ўхшаш бўш йўлаклардан олов юришини тасаввур қилар ва Сергей Львовичнинг биқинига туртар эди. У одамлар албатта уйимизга ўт қўйиб юборишади, бугун Николашка денгиз қароқчисига ўхшаб қараб қўйган эди, бўш-баёв бойларнинг қароллари ўзи доим қароқчи бўлади, деб зорланарди. Сергей Львович жон-жаҳди билан пишиллаб ухлаб қолар эди.

Учинчи куни ошпаз Николашка маст бўлиб олиб, қаролхонада консул Наполеоннинг саломатлиги учун ичиб юборди. Сергей Львович уни калтаклашни буюрди ва шахсан ўзи таблада жазони бошқариб турди.

Кейин туман тарқади, ҳамма нарса ўз жой-жойида қолиб, зилзила ҳам унут бўлиб кетди.

УЧИНЧИ БОБ

1

Сингилча Аннет турмушга чиқмади, онахони қазо қилди, зилзила юз берди ва орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг ўзида Василий Львовичнинг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетди. Уни хотини ташлаб кетиб қолди-ю, улар ажралишди.

Сингилча Аннет ўзининг лаёқатига яраша иш топиб олди. У билан Елизавета Львозна изтиробга тушиб, ҳадеб Василий Львовичникидан Сергей Львовичникига қатнаб қолдилар ва ҳатто бир Москва ромчисига фол очиргани бориб келдилар.

Василий Львович довдираб пешонасини ишқаларди.

Икки марта бегоналар олдида у ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди; одамлар унга парвона бўлишар ва у дарров ўзига келиб узоқ сув симирар, сўнгра эса ҳасрат ва талвасада қўлини силтарди.

Ҳаммаси барбод бўлаётган эди.

---

[1] Русларда бировнинг кўзига говмучча чиққанда унга икки бармоқ орасидан бошмалдоқ кўрсатилса, говмуччаси ёрилиб кетади, деган бир ирим бор. Яъни бу бировга ёмонлик тилаш иримидир.

— Ҳаётимда биринчи марта бундай кўйга тушишим, — дерди у соддадиллик билан.

Сергей Львович билан сингилча Аннет катта аканинг шаънини оилада қаттиққўллик билан ҳимоя қилишга киришдилар. Капитолина Михайловнанинг номи унутилиб, кўнгилдан чиқариб ташланди; у ёсуман деб аталарди. У ҳақда гап очилганда, Анна Львовна ҳайҳайлаб қолар ва болаларни ташқарига чиқариб юборар, Сергей Львович бўлса, маънодор қилиб кўзларини сузарди.

Василий Львовичнинг изоҳлари, оҳ-воҳлари, қўл силташлари, хитоблари ва ғўлдирашларидан ҳеч нимани уқиб бўлмасди. Дарвоқе, қолган ҳамма нарсада у ўша-ўша: кўп ер, сочларини жингала қилар эди, ҳатто у бир марта йиғлаб туриб экспромт ҳам айтиб юборди.

— Жоним, жонгинам Basile, бир эсла, нимадан бошланди ўзи,— деб ялинарди унга сингляси Анна Львовна.

Василий Львович ҳаммасини хотирлади. Даставвал кавалергард князь В. — Василий Львович худди шундай деб айтди,— князь В., prince Double W. серқатнов бўлиб қолди. Ўшанда унинг кўнглида шубҳа туғилди, пўписа қилди, пўписа қилиб юрди-ю, бир куни хотинини уйдан тополмади. Уйдан қочишни, у тупук сачратиб, хиёнатдан бўлак ҳеч нима билан изоҳлаёлмасди. Хотини, унинг фикрича, ҳатто бошқа эрга тегмоқчи эмиш. Бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап эди. Эри тирик бўла туриб, хотин эрга тегмоқчи-я!

Сергей Львович шартта деди:

— Номи?

У йўлдан урган кишининг номини талаб этмоқда эди.

Василий Львовичнинг номи нега керак, деган саволига Сергей Львович совуқ жавоб қилди:

— Дуэлга.

Василий Львович укасининг кўзларига қарашдан қочиб, номини айтишдан бош тортди.

Ўша кишининг князь В. лиги аниқми-йўқми, бир нарса дейиш қийин, деб жавоб берди у. Князь В. фақат кўзни чалғитиш учун атайин қўйилган сохта шахс бўлиши мумкин. Тўғри, у бир куни Капитолина Михайловнани сенсираган эди. Капитолина Михайловнага, фақат сен борсан, қолгани эса номаълум, деган эди.

— У хотинингни сенсираганмиди?— секин сўради Анна Львовна, — сенинг олдингда-я?

— Ҳа, лекин у холаваччаси бўлади, — бежо қараб деди Василий Львович.

— Le cousinage est un dangereux voisinage[1],— лабларини қимтиб инграчка овоз билан хониш қилди Анна Львовна. Афти башараси билан у шу тобда нақ католик роҳибига ўхшарди.

[1] Қариндошлик — хатарли қўшниликлар (*франц.*).

— У-ку, балки хотинингни бор-йўғи сенсирагандир, лекин хотининг-чи, эслаб кўр, жонгинам, хотининг ноз-карашма қилиб ўтирмаганмиди?

Василий Львовичнинг олдида акасининг ҳурматини қилиб, Анна Львовна кеннойисини ёсуман, деб ҳеч атамас, ва шунчаки хотининг деб гапирарди.

Умуман, бу ерда қандайдир сир бор эди. Оқсоч Аннушка ёки Анна Львовна атаганидек Анка, кўзлари қизариб, янги чиройли тўғнағич қадаб писибгина юрарди. У, бугун ҳам кўҳлик, оппоқ ва дуркун эди. Анна Львовна уни ташқарига чиқариб юборди. Василий Львович бўлса, кўзларини пирпиратиб, бурнини алланечук тортиб қўйди.

Тўсатдан Василий Львович ҳеч кимнинг кўзига қарамасдан, лекин анча равшан қилиб, хотинига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтди; у аслида нима бўлганини билмайди, фақат бир нарсани: хотинининг қайтиб келишини истайди, хотини билан ажрашишга хохиши йўқ; бунинг устига келгусида хотини билан ҳамиша бирга бўлишни истайди; у — эр, христиан ва ҳар нарсага тайёр.

Сергей Львозичнинг кўнгли бузилиб кетди.

— Фаришtам, — деди Аннет.

Василий Львович қатъий овоз билан ўзининг энг аввало эр ва христианлигини такрорлади. У ҳарна дадилланиб қолди ва дарров янги кўк фрак кийиб, атирлар сепиб, синоатдан сўнг биринчи марта хиёбонларда айлангани кетди.

Сергей Львович ўзининг дуэль ҳақидаги қарорини бекор қилди. Ўзбошимча хотин билан музокара бошлашга аҳд қилинди. Жиноятчи билан кўришиб уни гапга киргизишга Надежда Осиповна мутассадди этилди.

Надежда Осиповна умидларга хилоф равишда юзи тошдек қотиб қайтди ва қуруққина қилиб, ҳатто аллақандай заҳархандалик билан айтдики, Капитолина Михайловна минбаъд қайтмайди, у монастирда, похолда ўлиб қўя қолишга, аредларни ейишга ҳам рози...

— Акридларни дегин,— тузатиб қўйди Сергей Львович.

— ... бу уйга қайтгандан кўра.

Кейин Надежда Осиповна сингилча Аннет билан шивир-шивир қилди ва сингилча Аннет чапак чалиб юборди.

— Сизки, Nadine, ёсуманнинг гапларига ишониб ўтирганингиздан кейин, — деди у, — ўзингиздан қўрқинг!

Кейин ака-сингил дарҳол Василий Львовичникига жўнашди.

Улар Василий Львовичда бу оқшом ажабтовур табаддул бўлаётгани устидан чиқиб қолдилар: у яна тушкунликка тушиб, инграб,

хонама-хона югурар эди. Анна Львовна у ўзини нобуд қилиб қўймасайди, деб ўринга ётқизиб қўйди. Афтидан, уни безгак тутаётган эди. Василий Львович заиф овоз билан оқсоч Аннушкани чақиртирди. Сергей Львовичнинг қаршилигига қарамасдан, Аннушкани бошлаб келишди. Анна Львовна ҳатто Аннушкани беморнинг ўрин-тўшаги ёнига ҳамшира қилиб ўтқазиб қўйди. Докторга одам юборилди.

Доктор, Василий Львовичнинг ҳаёти хавф-хатар остида эмас, деб эълон қилди. Касали безгак эмас деб топилди, лекин Василий Львович шомга бориб, синглисига хароб бўлдим, деб айтди.

У ўзининг ёнига Капитолина Михайловнадан ёки эҳтимол, киязь В. дан — буни у билишни ҳам истамайди — элчи келиб, ундан зўрлаб тилхат олиб кетганини сўзлаб берди. Хатни тилга олгач, Василий Львович ўз ўрнида яна бесаранжом бўла бошлади. Анна Львовна унга сув пуркади. Сал ўзига келиб, Василий Львович мактубда ҳаммасини ўз имзоси билан мустаҳкамлаб, ўзига даҳшатли туҳмат қилганини ва ўз шаънига мутлақо бўҳтон гапларни ёғдириб олганини эътироф этди.

— Аннушка, чиқ, — жиддий деди Анна Львовна. — Лекин, айланай, жонгинам Базиль, бундай гапларни ёзиб беришга қандай қўлингиз борди?

— Камоли беҳушликда, — қўлларини ёйиб деди Василий Львович.

Шу ерда у тўшакдан сакраб туриб кетди-да, одатдан ташқари жонланиб синглисига деди:

— Талоқ йўқ, бўлмайди ҳам,— жазоси шу,— суддан қўрқмайман, муҳтарама хоним, кўрамиз ҳали!

2

Капитолина Михайловна ҳузурига музокара учун Сонцев юборилди. Матвей Михайлович пишиллаб қайтиб келди-да, ўз кўзларига ўзи ишона олмай турганини айтди: унга бир тилхатни кўрсатишибди — хатда Василий Львовичнинг қўли билан икки йилу бир ойдан бери ўз крепостной чўриси билан қонунга хилоф алоқаси бўлгани важҳидан рафиқасининг ўзи билан ажралишига инсоф юзасидан қаршилик қила олмаслиги, хоҳлаган нарсасини қилиши ва ҳатто маъқул кўрган кишисига турмушга ҳам чиқиш ихтиёри тўла ўзига берилгани аниқ ёзилган эмиш.

Василий Львович афтини бурштириб деди:

— Эсимда йўқ. Буткул фаромушлик ва беҳушлик. Ҳақиқатга ҳам ўхшамаяпти сира. Ҳеч нима эсимда йўқ.

У инграган бўлди, лекин энди биринчи галгидан анча енгилроқ

ингради, кейин тезда ўзининг асл феъли устун келди — эртасигаёқ у пинагини бузмай сайрга кетди ҳамда театрларга ҳам қатнай бошлади.

Бироқ омманинг синчковлиги ёмон қўзиб қолган эди. Василий Львович ҳақиқатан ҳам бир Анка деган оқсоч билан бирга яшармиш, деган миш-миш гаплар тарқалиб кетди.

Василий Львович ҳақида гап кетганида, ҳатто хўппасемиз Сонцев ҳам бир кун кечқурун оила даврасида сингил Аннетнинг ёнида ўтириб, кўзларини қисиб олди, қорнини селкиллатиб қўйиб, Василий Львовичда ўзи доим рус халқ тантилиги ва тўпорилиги бўлган, Василий Львович аёл соддалигини яхши кўриб юрган бўлиши керак, деб қолди. Сингилча Аннет шу замон унинг жим бўлишини сўради.

Василий Львовичнинг кунига деярли беш марта ўз ошна-оғайниларига сира айбим йўқ, деб онт ичишига тўғри келар, лекин улфатлари тилёғламалик қилиб, уни селадон, фоблаз, деб аташар ва мийиқларида кулиб қўйишарди.

Василий Львович ўзининг илгариги — салмоқдан холи бўлмаган, ўзига тинч назмчи кишининг хуш обрўйи зил кетаётганини сезиб, даҳшатга тушарди. Уни бирдан менсимай қўйишди — ҳаргиз яқин бўлмаган кишилар унга сен деб, бемалол сенсираб гапира бошладилар.

Галерадан чиққан Петербург бригаданинг шуҳрати Москвада ўтмиш бўлиб қолди. Василий Львовичнинг обрўйи тушиб кетди. Ҳолбуки, гоҳо-гоҳо камергерлик калитини қўлга киритгандек бўларди; аллақандай фоблаз деган унвонга унинг тоби йўқ эди ҳам, қолаверса, унинг сўзларига қараганда, ҳақиқатан, гуноҳи унчалик катта эмас эди. Ҳамма айб шум тасодифларда.

У можародан сўнг ўзига таҳдид солиб қолган ўша қоқвошлар билан қалинлик қилишни ҳеч истамасди. У ҳақда шивир-шивир қилиб, унга бармоқ ўқталардилар.

У можародан сўнг ўзига таҳдид солиб қолган ўша қоқвошлар зардаси қайнаб, Василий Львович шахсан қайнотасига мурожаат этди. Қайнотаси кекса таржимон, ўзича мўътабар, лекин эҳни суст ва таъсири камроқ киши бўлиб, Василий Львовичдан тили қисиқ эди: бундан бир йилгина бурун Василий Львович қайнотасининг «Динга назр» деган нашри учун: «О, мени қорнида олиб юрган сен» ҳамда «Гуноҳлар юкидан замбил рафиқа» сарлавҳали иккита туппа-тузук шеър ёзиб берган эди. Иккинчи шеър таъсирли бўлиб, саёқ хотиннинг тавсифи билан бошланар:

Гуноҳлар юкидан замбил рафиқа,
Соҳиби қошига елар рангпар, хижолатда,—

ва унинг тўла афв этилиши билан тугалланарди.

Василий Львович қайнотаси билан суҳбатлашганда, шу шеърни Капитолина Михайловнага тегизиб айтишни кўнглига тугиб қўйди.

Лекин аҳмоқ қайнота уни қабул этмади.

Унинг салобатли қиёфага киришга ва қоқвошларнинг хира синчковлигини ўзидан соқит этишга қилган барча уринишлари зое кетди: салобатли юриш-туришга Василий Львович ярим соатдан ортиқ дош беролмас, қоқвошлар эса иноқсираб, баттарроқ сурлик қилиб келишарди.

Ахири оқибат у ўзининг бутун шаҳарга достон бўлиб қолганини кўрди.

Бу ўртада Капитолина Михайловна талоқ ҳақида судга арзнома берди.

Василий Львович буни кутмаган эди. У бир амаллаб тушунтириш хати ва пул билан қутулиб кетди, лекин Москвада тирикчилик қилиш унинг учун кун сайин мушкуллашиб бормоқда эди. Ҳатто синглиси Аннет, қариқизгина ҳам маккорадан ғазабланган ҳолда зимдан Василий Львовичга ҳам тўнғиллайдиган бўлиб қолган, Сергей Львович эса қатъиян ўзини четга олган эди; ундан акаси ҳақида сўраб қолганларида, у елкасини қисиб қўяр ёки ўзини тушунмаганга олиб, гапни чалғитар, акаси билан гаплашганда эса қўрслик қилар эди.

Бир кун театрдан уйига қайтиб келгач, Василий Львович чўнтагидан текис ҳуснихат билан Грекурнинг оқсоч ҳақидаги маълум шеъри номаълум таржимада ёзилган қоғозни топиб олди:

Саройларда кўриб нозанин,
Майли, ҳамма кўзини сузсин.
Менинг таъбим эса бўлакча:
Тонготардан тонготаргача
Тун ёғинин унутиб қўйиб,
Оқсоч қизни ўпсайдим тўйиб.

Василий Львович данг қотиб қолди.

Таржима мутлақо расво, тутуруқсиз, хатолари меъёрдан ортиқ эди. Шу шаксиз ўша ўзининг пинжига кириб юрган ёш лаънатиларнинг қўлидан келган иш, шубҳа туғдирмаслик учун эса улар шеърларни болакайга кўчиртиришибди. Нечоғли ғазабланмасин, Василий Львович шу ернинг ўзида охирги саводсизларча бандини анча дурустроқ бошқасига: «Эҳтиросли оқсоч қизни сўрмоқ нашъали» деб тузатди-да, сўнг қоғозни парча-парча қилиб йиртиб ташлади.

Энг ёмони шу эдики, москвалик гўр ўспиринларга унинг яқин оғайниси, ёшлик ўртоғи ва Петербург «галераси» бўйича ҳамтовоғи, қариндоши ва фамилиядоши Алексей Михайлович Пушкин ҳам қўшилиб олди. Алексей Михайлович ғаройиб зот эди. Унинг отаси билан амакиси қалбаки пул ясовчилар сифатида судга тушиб, бадном қилинган ва Сибирга сургун этилган, ўзларини эса «собиқ Пушкинлар» деб аташ буюрилган эди. Собиқ Пушкинининг ўғли бегона одамлар қўлида тарбия кўрган ва феъл-атворининг субутсизлиги билан отасини эслатарди. Устига-устак, бу субутсизликни у қонун ва қоида қилиб олди. Меҳмонхоналарда у ҳаётдаги ҳамма нарса хом хаёл, туман, ортиқ ҳеч нима эмас, деб афензмни тарғиб қилиб юрарди. Москвада у узил-кесил муваффақият қозонди ва тез орада ўйин ва спектаклларда ўрни билинадиган бўлиб қолди. У заҳар ва жоҳил, лекин унинг жоҳиллигида аломат бир нима бор эди.

Театр ва кибор доирада учрашганда у Василий Львовични шама ва аскиялар билан безор қилар, шу билан бирга ўз муҳаббати ва дўстлигини ўта жўшқин ифода этишни ҳам одат қилган эди. У, Василий Львовични қучоқлар, бағрига босар, қаттиқ-қаттиқ ўпар, кейин эса гарангсиб қолган Василий Львовичнинг кўзларига жиддий тикиларди-да, бир сесканиб:

— Оббо, ўша-ўшасан-а! Такасалтанг! Хуштор! — дерди ва шу заҳоти ундан бир нима юқиб қоладигандай, уни нари итариб ташлар эди.

Василий Львовичнинг қайнотаси учун тайёрлаган диний шеърлари Алексей Михайловичнинг энг беодоб шўхлигини қўзитди. Бутурлинларникидаги гавжум базмда Василий Львовичнинг ёнида туриб ва шеърлар хусусида қизғин олқишлар айтиб, фикр билдириб қўйиб, у дабдурустдан четга қараб, á parte:

— Тартюф! — деб пишиллаб қолса бўладими.

Василий Львович амакиваччаси билан ҳар қандай мулоқотларга қатъиян чап бериб юрарди, лекин ўзининг талоғи овоза бўлгач, афсист — амакиваччаси унга кун бермай қўйди. Давраларда Василий Львовичга кўзи тушганда у қаттиқ-қаттиқ хўрсинар ва унга беўхшов бармоқ ўқталиб қўярди. Василий Львович, шеърлар амакиваччасининг кўмаги билан юборилган экан-да, деган гумонга бора бошлади.

Сергавғо шуҳрат унинг меъдасига тегди. Унинг нафсонияти қонiб бўлган эди.

3

Василий Львович ҳаммага Парижга жўнаб кетяпман, деб эълон қилди.

Ошна-оғайнилардан бир хиллари ишонар, бир хиллари ишонмас эди; Сергей Львович эса, кўнглида ишонмасди. Москвада ҳамманинг оғзидаги гап Василий Львовичнинг сафари ҳақида эди. Ёш

такасалтанг дўстлари уни деб мўмайгина пуллардан гаров боғлашарди: борадими ё қоладими?

Бир базмда Василий Львович кекса князь Долгоруковнинг ҳамсуҳбатига айтаётган гапини эшитган эди:

— Ҳалиги Парижга кетаётган Пушкин қайси, кўрсатиб қўй, азизим?

Василий Львович ўзини эшитмаганга солди, юраги орзиқиб, ўзининг таноби қочиб кетди — нима деганда ҳам бу шуҳрат эди.

— Бечора,— деди князь,— Парижга бориб нима қиларди?

Шу-шу Василий Львович чинданам Парижни ўша ерлик машҳур ҳакимлардан шифо олиш мақсадида зиёрат қилиш рухсатномасининг ҳаракатини қилишга мажбур бўлиб қолди. Кутилмаганда рухсатнома қўлга тегди.

Василий Львович ўзгариб кетди. У бирдан бир вақтдагидан оғир-босиқроқ бўлиб қолди, гўё аллақачон Темирчилар кўпригидан эмас, балки Елисей далаларидан одимлаётгандай Парижда юзи шувут бўлиб қолмаслик учун Кузнецк кўпригидаги француз дўконларидан у ҳар куни бирор нима сотиб оларди — жимжимадор пўлат занжирчалар, дастрўмоллар, ҳассачаларнинг бир дунёсини харид қилиб ташларди. Ким билан учрашмасин, ҳамма ундан эҳтиром ва ҳасад билан ҳол сўрарди:

— Ҳалиям шу ердамидингиз? Биз бўлсак, сизни аллақачон Парижда деб ўйлаб юрибмиз.

Энди нафақат ёш такасалтанглар, балки эски ёр-биродарлар ҳам унга қайтадан қизиқиб қолишди. Карамзин унга Парижга борган замон пайсалга солмай, хат ёзинг, хатларингизни матбуотда эълон қиламиз, деб тайинларди.

— Мен ҳамма нарса тўғрисида албатта ёзиб тураман, — қатъий ваъда берди Василий Львович.

Ниҳоят, жўнаш муддати муқим бўлди. Тадориклардаги умум иштироки Василий Львович учун бир ойлик азобли тутқаноқлар эвазига сийлов бўлди.

Жўнашдан уч кун илгари Иван Иванович Дмитриев Василий Львовичнинг сафари бошлана қолмаётгани жиғига тегиб кетиб: N. N.нинг Париж ва Лондонга саёҳати: «Дўстлар! Опа-сингиллар! Мен Париждаман!» — деган поэма ёзди.

Поэма ведомостлардан ҳам тез қўлма-қўл бўлиб кетди. Шеърлар шоирнинг нуфузли йўриғида ёзган барча нарсаларидан дурустроқ чиққан эди, улар мутлақо янги, жонли, вайсақи йўсинда эди. Шу зайл Василий Львовичнинг шеърлари тугул, саргузаштларининг ўзи ҳам шеъриятга янги жон киргизиб юборган эди.

Ёш такасалтангларнинг бири бу шунчаки арзимаган нарса деб у қилиб-бу қилиб, ишқилиб, Василий Львовичнинг чўнтагига янги бир поэма солиб юборди.

Василий Львович шошилиб тургани учун уни эсдан чиқариб қўйди. Кечқурун дераза тагига ўтириб олиб, кўчанинг доимий манзарасига боқиб, элегия ёзмоқчи бўлди, лекин элегия юришмади. У ҳақиқатда маъюсланиб қолган, маъюс пайтларида эса, элегия ёзмас эди.

Шунда эрталаб ошнаси берган арзимаган нарса унинг эсига тушиб кетди. Дастлабки сатрларданоқ у муаллиф кимни нишонга олаётганини фаҳмлади: бу — Василий Львовичнинг ўзининг хаёлий саёҳати эди. Ўша N. N. дегани Василий Львович эди. У кулимсираб қўйди. Бу шуҳрат эди.

Биламан, хиёбон барча сўқмоғин,
Модалар дўконин барча-барчасин...

Иккинчи қисми уни бирмунча хафа қилди: Василий Львович гўё Парижда олтинчи қаватда яшаган эмиш.

— Ана, Парижда бўлмаганим кўриниб қолди, — деди мийиғида кулиб Василий Львович,— у ерда олти қаватлик уйнинг ўзини ҳадеб учратавермайсан-ку, чордоқларда эса умрим бино бўлиб турмаганман.

Сўнгра ёқимли қилиб бўлса ҳам унинг заиф томонлари қаламга олинган эди:

Мен, масалан, севаман албат,
Лапарларим ўқишни ҳар вақт,—
Тингласанг ҳам, тингламасанг ҳам...

— Лапарлар ёзмайман,— деди секин Василий Львович, нурсиз табассум билан,— элегиялар... ёки масаллар бошқа гап... сиз қатори ёзиб тураман, Иван Иванович.

Севаман, либосим эрса-да галат,
Модада олифта бўлсам, бас, фақат...

— Ҳамма французлар қатори, — янада секинроқ деди Василий Львович.

Ажойиб фраклар ва панталонлар!
Ҳаммасига янги, қойил фасонлар...

— Қофияси... қийин эмас,— кўзларини қисиб деди Василий Львович.

Айб кимда — маълум эмасу, лекин Василий Львовичнинг довруғи ортган сайин тобора фанфаронликни эслатиб борар, бу довруқда ҳурмат деган нарса йўқ эди.

У эзилиб, атрофга аланглаб турган эди. Аннушкани кўриб қолди, Аннушка ҳамишагидек оппоқ, дилбар ва дуркун бўлиб, ҳозир Василий Львовичга раҳми келиб, термилиб турарди. Василий Львович қучоқлади-да, овунди.

— Назмчи ўзи доим назарга тушган шахс бўлади!— деди у Аннушкага. Аннушка оғироёқ эди.

Жўнаш куни Василий Львовични ваҳм босди. Шунчалик олисга илк бор жўнаб кетиши эди. Сергей Львович, сингилча Аннет ва қариндош-уруғларнинг барчаси уни кузатгани келиб, кўнглини кўтариб туришди.

Сергей Львович маънавий изтироб ва ҳасад билан боғланган анжомларга қараб қўярди. Аннушка аёлларга хос йирик-йирик кўз ёшларини оқизиб, секингина йиғлар ва бойнинг кифтини ўпиб қўяр эди. Василий Львович ҳам энди чет эл сайёҳи ҳуқуқида чўлпиллатиб ундан бўса олди-да, биринчи марта уни Анна Николаевна деб атади. Ҳамма дўст-ёрлар Василий Львовични заставагача кузатиб борди, у ерда унинг шаънига бир шиша вино ичилди, Василий Львович ҳаммани қучоқлаб чиқди, бир энтикиб қўйди, жойлашиб ўтирди, дастрўмоли ва ҳассасини силкитиб қўйди-да, Парижга равона бўлди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Олти ёшига бориб у оғир, тепса-тебранмас бола бўлди, зиғирранг жингалалари қорая бошлади. Унинг нигоҳларида ноаниқ бир диққат, ҳаракатларида сустлик бор эди. Онаси ва энагаси уни ўйнаб келгин, деб қисташар, лекин барча ўйинлар унинг учун мутлақо ёт эди. У ўйинчоқларни камоли лоқайдлик билан туширib юборарди. У, бирга ўйнаётган ўртоқларини, болаларни эслаб қололмас, ҳар қалай, учрашганда қувонганини, ажрашганда эса маъюс тортганини билдирмас эди. У аллақандай оғир, машаққатли иш билан бандга ўхшаб кўринар, лекин нима билан бандлигини атрофдагиларга айтишни хоҳламас ёки айта олмас эди. У камсухан эди. Гоҳида уни ўйинга ўхшаган иш устида топардилар: у қисиқ кўзларига бармоқларини тутиб, нарсалар ва улар орасини ўлчаб, бу ўлчовларни муқояса қилардики, бу — ҳаргиз кибор фарзандининг эмас, геометрнинг ўйини бўлиши мумкин эди. У истар-истамас ғаши келиб садо бераради. Унда расво қилиқлар пайдо бўла бошлади — у рўмолчаларини туширib юрарди, бир-икки марта эса она унинг тирноқларини ғажиётгани устидан чиқиб қолди.

Дарвоқе, бу қилиқни у шак-шубҳасиз онасининг ўзидан ўрганган эди.

Она ўғлига узоқ-узоқ тикилиб қолар, буни у пайқаб қолса, кўзини кўзидан олиб қочарди. Пётр Абрамович амаки ҳақ, ўғли қуйиб қўйгандай бобоси Осип Абраничга ўхшайди: она ўз отасини эсламас эди ва болалигидан отасининг номидан қўрқиб юрарди; Марья Алексеевнадан отасини суриштирмас, лекин боласи ўшанга тортганини бутун вужуди билан фаҳмлаб турар ва сезар эди. У ўғли туширib қўйган рўмолчани тўғнағич билан яна кўкрагига қадаб қўяр эди. Бу рўмолчага қўл артиш ноқулай бўлганидан, бола ҳам рўмолчани ишлатмай қўя қолди. Бола тирноқларини ғажимасин, деб она унинг қўлларини белбоғига боғлаб қўядиган бўлди. Ўз бобосига ўхшаган бу боланинг расво ва ғалати қилиқлари қандай қилиб ва қай томондан юз кўрсатиши номаълум эди. Бола йиғламас, дўрдоқ лаблари титраб кетар, у онасини кузатиб тураверарди.

Умуман, у одамови бўладиганга ўхшарди. Аммаси Анна Львовна буни пайқаб қолди. Анна Львовна энди уларникига бот-бот келиб турарди. Акаси Василий вақтинча бўлса ҳам гап-сўздан қутулди, ҳозир Парижда, энди акаси Сергейни қутқариши лозим. Анна Львовна Надинага ҳеч нима демасди, лекин теварак-атрофдаги ҳамма нарсани, тартибсизликларнинг ҳаммасини дарров сезарди. Борди-ю, дастурхонга чатнаган стакан келтиришса:

— Вой, стакан пачоқ экан! — дер эди у.

Бир марта Никита Сергей Львовичга сирка қуйишни эсидан чиқарганда, Анна Львовна унга:

— Сирка, горчица ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳаммасини олиб кел, — деди совуққина қилиб.

У борида Надежда Осиповна қайнаб чиқаётган ғазабини босиш учун атайлаб косаларни туширib юбораверарди.

Лекин улар — Аннет ҳам, Надина ҳам, Александрнинг тарбияси яхши эмас, деган фикрда эдилар; у илтифот деган нарсани билмайди. Бунинг учун онаси айбдор, деб гумон қиларди амма бўлмиш.

— Александр, ўрнингиздан туринг,— дерди у.

— Сашка, ота-онангга ташаккур айт.

Отаси билан онаси меҳрлари товланиб кетган кезларда уни Сашка деб аташарди. Лекин амма бўлмиш бу номни жаҳл аралаш айтганда, ёш Александрнинг тоқатида тоқат қолмасди. Шарт ўрнидан туриб кетарди. Ота-онасига ташаккур айтарди. Бир куни у аммасига қараб, бирдан кулиб юборди. Амма аңграйиб қолди: болакайнинг табассуми томдан тараша тушгандай ножўя ва қўрс эди.

— Нимага тишингни оқини кўрсатиб куляпсан? — сўради у хавотирланиб. — Хўш, менинг нимам кулгили экан?

— Сашка, бор йўқол, — буюрди Сергей Львович.

Александр ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Эшик тагида у Аринага тўқиниб кетди. Арина унга раҳми келиб термилганча қўлига ширин кулча тутқазди-да, йўл-йўлакай кенг, илиқ бағрига босди.

У ота уйида бўри боласидай ўзига ёв нарсаларни оралаб, ёнчасига писиб юрар, ҳаддан ташқари бесўнақай бўлганидан кўп идиш синдирарди, ҳар қалай, Сергей Львовичга шундай бўлиб туюлар эди. Сергей Львович бу боланинг қўлидан тушиб кетган стаканларнинг нархини алам қилиб ҳисоблаб ўтирарди. Сергей Львович аслида атрофдаги нарсаларни пайқамаса ҳам, уларнинг қадрига етмаса ҳам, йўқолган пичоқнинг сопи олтин деганларидек, синган пайтда уларга ачиниб қоларди. Нарсаларнинг сепсилиши ва бузилиши — бу Пушкинлар оиласининг асосий даҳшати эди. Бирор рўмолча-пўмолча йўқолгани важидан Сергей Львовични ғам босар, янги француз китобчасини жойидан тополмаса, аччиқланганидан тоби қочиб қолар эди. Шу китобсиз ҳаёт тўлақонли эмасдай, аянчли туюларди. У ҳамма нарсада болаларни айбларди. Китобча топилар, у лоқайдлик билан уни четга улоқтириб ташларди ҳам. Унга нарсаларнинг ўрни тўлмайдигандай, нобуд бўлган нарсаларнинг тўлови йўқдай туюларди. Ҳар бир стакан албатта синадиганга ўхшаб кўринар эди.

Надежда Осиповна барча Аннибаллар сингари нўноқ боланинг юзларига қуролларни ургандай қарсиллатиб, қулочкашлаб шапалоқ тортиб юборарди. Ота-онаси стаканларнинг синиғи устида энгашардилар. Сергей Львович стаканнинг даставвалги кўринишини тиклашга уринар, чораси йўқлигини кўриб, ноилож қўл силтаб қўярди. Александр чил-чил синдираверарди. Надежда Осиповна ўз қаҳру ғазабини қизлар бўлмасига сочарди: у ердан ҳарсиллаб узук-юлуқ гапириб, лекин ҳолдан тойиб қайтиб чиқарди. Қизлар бўлмасидан пиқ-пиқ йиғи садоси эшитилар — савалаган қиз улиётган бўларди.

Бора-бора ўғлига кўпроқ қараб туриш зарурияти туғилса, отанинг феъли айнийдиган бўлиб қолди. Бу илтифотсиз, ҳамма умидларга панд берган бола, Сергей Львовичнинг назарида, ота даргоҳини ҳеч қачон обод қилмас эди.

Орадан кўп ўтмай учинчи ўғил туғилди-ю, унинг отини Лев қўйишди. Лев жингалак соч, қувноқ, юм-юмалоқ бола эди. Сергей Львович илк бор ўзини ота деб ҳис қилди. У ийиб кетиб, Надежда Осиповнани меҳр билан ўпиб қўйди. Унинг юзларидан ёш оқарди. Надежда Осиповна ҳам ўғлини севиб қолди, дарров, қўққисдан, телбаларча. Қолган болалар энди унинг учун йўқ эдилар. Бир ҳафтадан сўнг ҳаммаси ўз йўриғи билан кетди.

Аҳён-аҳёнда ўз ўй-хаёллари билан бўлиб юрган Сергей Львович таажжуб билан нохос тўнғич ўғлини кўриб қоларди. Унинг боши қотиб қолар, дили хуфтон бўлиб кетарди. Чор атрофдаги болалар чиндан ҳам болага ўхшар эди. Унинг ўғли бирор ваҳшийнинг ўғлини, аллақандай Шатобриан натчезини эслатарди. У Шатобрианни бажонидил ўқир, ўзининг Надежда Осиповна билан никоҳи ҳамманинг кўзига тушганлиги унга хуш ёқарди. Лекин маъшуқа бошқа гап, хотин бошқа гап, ўғил бошқа гап экан. Ўз қадрини билган кишиларнинг иши қандай бўлса, сенинг ишинг ҳам шундай бўлсин, қанчалик ўлиб-тирилмагин, барибир бўлмаса бўлмас экан-да, ишинг орқага кетаверар экан! Сергей Львович ўзининг онлавий ҳаётий борасида ўйлаб, ўйинга етолмасди. Улар худони берган йили турар жойларини алмаштиришарди. Сергей Львович турар жойдаги кабинетни ва каминга яқин жойни эгалларди. Кабинетнинг ярмида ёзув столи турар, устида ҳамиша бир варақ тоза қоғоз ётарди. Сергей Львович шу столда мактублар ёзарди. У деразага қараб ўтирар, кимда-ким ошхона ва қаролхонага югуриб ўтса, ким қаёққа ва нимага юборилганини суриштирар, унидарров тўхтатарди. Мактубларни у кам ёзарди. Тоза қоғоз ҳафталаб столда қолиб кетарди. Кўз олдини тутун қоплаб, лабларни қимирлаб жилмаярди. Сергей Львович хаёлий аскиябозликка берилларди: у тасаввуридаги рақибларини кутилмаган эпиграммалари билан мулзам қилиб қўярди. Қўпол тирикчилик ишр-чикирлари унинг кабинетидан холи бўлар, чунки уй ичидагилар унинг машғулотларини ҳурмат қилардилар. Гоҳида у махсус калитча билан стол ғаладонини очар ва табаррук дафтарларини олар эди. Бу дафтарлар яшил босма муқовали, муқова рахларига зарҳал нақшлар солинган эди. У дафтарларини очиб, кўзларини сузганча, шошилмай ўқий бошларди. Қўллари хиёл титраб турарди. Расмлари тушь билан, пушти ва қизил бўёқлар билан, омилкор ва дадил қўл билан солинган эди. Пироннинг ҳаммаси, Бьевриана, Дорнинг таланган парчалари, кейин эса Парнаснинг номсиз майда-чуйда ифлос нарсалари бор эдики, буларни кўздан кечирганда Сергей Львовичнинг кўзлари живирлаб кетарди. Рус авторлари ҳам бор эди, лекин Барков қўпол ва французлар олдида ип эшолмасди. Французлар яланғоч одамларнинг расмини ҳам мароқли қилиб ёзардилар.

Хоналарнинг тартибини ва жиҳозларнинг ўрнини ҳадеб бошқача қилаверадиган ва йўлидаги ҳамма нарсани ўзгартирган кўйи лўлидек хонама-хона югуриб юрадиган Надежда Осиповнанинг унинг машғулотларини бузишга ҳадди сиғмасди. Дарвоқе, унинг куни ётоқхонада қолган: ўша ерда у ташқарига чиқмасдан, ювин-

маган ва таранмаган ҳолда узукун ўтиргани ўтирган, меҳмонлар йўғида эса тирноқларини ғажигани ғажиган эди. Қўққис унда болаларни тарбиялаш майли туғилиб қоларди. Бўлмасам, бир ойдан бери кечқурун силласи қуриган Сергей Львович хотинини айлантиргани олиб чиқиши зарур бўлиб қоларди. Кейин она яна ҳувиллаган ётоғига гумдон бўларди.

Сергей Львович меҳмонлар олдида бирон ўн ёшга ёшариб кетарди, негаки меҳмонлардан ўзга ҳеч ким уни етарли даражада қадрлай билмас эди. У одамлар орасида бўлсагина кун кўрганга ўхшарди. Эрталаб меҳмонхонадаги кўзгу олдида айланаркан, у ҳатто меҳмонлар келганда ўзини қандай тутишини бирпас репетиция қилиб олган ҳоллар бўларди: енгиллик билан қарийб билинтирмасдан бош эгар, кейин дарров орқага ташларди. Александр отаси лабларини қимирлатаётганини ва жилмаётганини, унинг нигоҳи илтифотли ва оқим бўлиб қолганини кўриб турарди. Александрга кўзи тушса, унинг афти буришиб кетар, зерикарли қиёфага кириб оларди. Унга халақит беришди.

Александр меҳмонларни яхши кўрарди. Шамлар ёқилар, онасининг овози худди каптарларнинг баҳорги ғув-ғувисимон оҳангдор бўлиб қоларди. Отаси креслода доим омонатгина ўтирса ҳам меҳмонлар келганда анча бемалол ўтирарди. У оилабошидек туюлар, суҳбатни бошқариб борарди: она мутелик билан уни тинглар, ҳеч гап қайтармас эди. Бу бошқа оила, ёшроқ ва яхшироқ, бошқа нотаниш одамлар бўларди. Меҳмонлар олдида онаси унга ҳам кулиб боқар, у бундай қилиб фақат баъзида Лёвушкага жилмайгувчи эди. Болаларнинг олдида болаларни меҳмонларга узундан-узоқ мақташар, Александр ота-онасининг гапларини ҳайрон қолиб эшитар, болаларни мулойимлик билан mon Sachka, mon Lolka деб аташганда ўзича ҳадиксирарди.

Айниқса, бу ҳол қув, сусткаш ва вазмин Карамзин ҳузурида тез-тез рўй берарди. Карамзин бошқаларга ўхшамаслигини Александр тез фаҳмлаган эди. У борида Александрни ухлагани жўнатишни унутиб қўйишарди.

Бир куни ҳақиқий байрам бўлиб кетди. Ўшанда Сергей Львовични нижгородлик бир қўшниси йўқлаб келган эди. Сергей Львович Нижнегороддаги мулкида бирон марта ҳам бўлмаган эди. Сергей Львович ўшанда бу қўшнига жуда нозик гапирган, ҳўжаликка оид барча саволларга маънодор сукутлар билан уни ҳайратга қўйган, асосий мулклари, Сергей Львович сўзларига қараганда, Псков губерниясида эди, шундай қилиб, у ўзини ишнинг кўзини билган соҳиб қилиб кўрсатган эди. Меҳмонни кўздан кечириб, бир хўрсиниб қўйган ва ўз бобоси Александр Петровични икки бор тилга олган эди. Бесўнақай меҳмон маҳлиё бўлиб қолган ва Надежда Осиповнани бир мўъжизадай томоша қилган эди. Кеч

йинчалик ота-она бу содда одамнинг ўзини тутишларини кула-кула узоқ эслаб юрган эдилар.

Меҳмонлар жўнаб кетиши билан она оғзини катта очиб эснар, доим қисиб турган белбоғини ечиб ташлар эди. Уйидаги жиҳозлар ўртамиёна, оҳори тўкилган эди.

Лекин меҳмонлар тобора камнамо бўлиб борарди: Марья Алексеевна минг жонини жабборга бермасин, Пушкинларникида сариёғ могорлаб қолган, тухум палагда бўлар эди. Карамзин муҳим иш ва фикрлар билан банд эди. Сергей Львовичнинг унга қизиги қолмаётган эди.

2

Агар Сергей Львович бирон сабабга кўра уйда қолган бўлса, доим аланг-жаланг бўлиб юрарди — лип этиб чиқиб кетсамикан? Кейин тақдирга тан берар, камзулини кияр ва камин олдидаги жойни эгалларди. Шундай оқшомларда шу ерда у ўз собиқ гвардиячи ўртоқларининг фаолиятлари хусусидаги хабарларни кўздан кечиришни яхши кўрарди. Бири генерал, бошқаси полкка қўмондонлик қилар, учинчиси Голицин қошида эди. Янги подшоҳлик маъмурияти унинг ўртоқларини юқори мартабаларга миндириб юборди. Хизмат хусусидаги фикрнинг ўзи эриш туюларди: дворянлик эркию вақтихушликни у бирдан-бир қадрли нарса деб биларди. У ҳамиша шу фикрида туриб келгану, лекин барибир хафа бўлиб юрарди.

Камин уни чўғлар жилваси ва ҳарорати билан жалб қиларди. Акаси Василийнинг каминга атаб қутлуғ нома ёзгани бежиз эмас. Энди у Парижда нафақат камин ва фақат чўғлар жилвасининг гаштини суряпти. Николай Михайлович унинг Париждан ёзган хатларини ўз журналида босиб чиқаряпти. Париж театрларини айтмайсизми! Ё раббий! Хатолар шу зайл бахтга восил қилиб турса-я! У акасига, асосан эса унинг хатоларига пинҳона ва чуқур ҳасад қилиб юрарди. Ундан акасини тез-тез сўраб туришар, Сергей Львовичнинг ҳам бирда кўнгли кўтарилиб, бирда чўкиб қоларди: Василий Львович укасига бирон марта хат ёзмади. Москва Василий Львовични унутмас эди: одамлар унинг қоматини Елисей далаларида, Бонапартнинг ёки мадам Жанлиснинг ён-веридa тасаввур қилиб завқланишар эди. Монфор расм солди: Василий Львович анқайиб, қиррабурун Буонапарт қошида турибди, қўлидан тушиб кетган шляпаси эса шу ернинг ўзида, ерда ётибди.

Сергей Львович бўлса Москвада, камин олдида ўтирибди. Бу

ерда у гоҳо-гоҳо Мольернинг ролларини ўқирди, ўқиганда ҳам янги майдон мактаби[1]нинг бақириб-чақиришларига ўхшатмай, ўзича олижаноб тарзда ўқирди. Хусусан, Гарпагон ва Тартюф роллари яхши чиқарди. Сергей Львович Гарпагоннинг қутича ҳақидаги афсус-надоматларини ўткир қилиб ва Тартюфнинг олижаноб разолатини нозик қилиб ифодалар эди.

Надежда Осиповна унинг декламацияларини ёқтирмасди. Балким унга эрининг актёрлик иззат-нафси кулгили туюлармиди ё ўқиши зериктириб юборармиди: у театрларнинг саҳнасидан бўлак ҳамма нарсасини яхши кўрарди. Шу декламация асносида ғалати бир тарзда эрининг заиф табиати юзага чиқиб қолаётган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бироқ Сергей Львович тингловчини ўғли тимсолида топиб олди. У камин олдида Александр пайдо бўлганида, уни хавотирланиб кузатар эди; сўнгра бепарво хўрсиниб қўярди-да, секингина олди-қочди нарсаларни хиргойи қила бошларди.

Александр тингларди. Отаси унинг шу ердалигини гўё пайқамас эди. Шунда Александр тутила-тутила отасидан Мольерни ўқиб беришни илтимос қиларди. Сергей Львович ҳайрон бўлганини яширмасди.

— Сиз ўқиб беришимни хоҳлайсизми?— дер эди у истар-истамас.— Менинг сира вақтим йўқ-ку. Ҳа, майли, марҳамат.

Фақат ўғлининг бирон марта маъқулламагани, завқини билдирмагани унинг иззат-нафсига тегарди: дарвоқе, унинг тинглашидаги диққат-эътибори манзур эди.

Сергей Львович бадиий ўқиш устаси бўлиб, буни ўзи ҳам биларди. У Мольер шеърларига жон киргизиб юборар ва ҳамиша туроқларга тўла риоя қиларди: Мольернинг пауза ва танаффусларини эса жуда ўрнига қўярди.

«Эрлар мактаби»да шулари беқиёс чиқарди:

Il me semble
Ma foi . . . . . .

У тингловчи ўтирган креслоларга уни пайқамагандай бўлиб қарар ва тегишли жойида кириб келгувчи Эльмирага таъзим қилар эди. Сўзлар ва камин олдидаги бўшлиқ, ҳаттоки унинг сертугининг ўзи ҳам одатдан ташқари салобат касб этиб кетарди. Эшикни

[1] Янги майдон мактаби — кўчаларда томошалар кўрсатувчи оқим назарда тутилган.

[2] Назаримда . . . . . .
Чин сўзим . . . . . (франц.)

очиб қолишса, ҳақоратлангандай жим бўлиб қоларди. Айниқса, у шеър ўқиётганда, Марья Алексеевнани кўришга кўзи йўқ эди, дарров дағал тортиб, ижирғаниб, кесатиб гапирадиган бўлиб қоларди.

Томошани тамомлаганда, у тингловчига раҳм солар ва мамнун қоларди.

— Ҳамма нарсага Мольернинг балодай ақли етган,— ўзини катта олиб дерди у.

Яна бир карра ўғлининг чеҳрасига кўз қирини ташлаб қўйиб, чапак чаларди:

— Петрушка! Шамларни тозала!

У Мольерни ҳам, ўғлини ҳам унутиб, кундалик ҳаётга қайтар эди.

3

Болалар хонасига у бош тиқмас, буни ўзи учун кулгили ва ноқулай, кераксиз нарса деб ҳисобларди. Фақат бир марта у болалар хонасида бир соат ва ундан ортиқроқ ўтирган эди. Болалар отасини қизиқиб кузатишган, у ошкора бировдан қочиб ўтирган эди. Дамини чиқармасликларини уларга таъкидлаб қўйиб, жондили билан онанинг меҳмонхонадаги аллакимга айтаётган гапларига қулоқ соларди. Бир-икки дафъа у эшик сопини тортиб қўйди, чиқмоқчи бўлди, лекин ўзини тийди. Ниҳоят, меҳмонхона жимжит бўлиб қолди. Болаларга парво қилмасдан ва алланечук ғалати пишқириб, ота болалар бўлмасидан отилиб чиқиб кетди. Лекин ўтирган пайтда лом-мим демади, гўё хонада уларнинг қораси ҳам йўқдай.

Сергей Львович болалар хонасида судхўрдан бекиниб ўтирган эди.

У нозиктаъб эди: ўз хонасидан болаларнинг бирорта тушиб қолган нарсасини топиб олса, икки бармоғининг учида энг чеккадаги бир бурчакка элтиб ташларди. Надежда Осиповнага у танбеҳ бермас, танбеҳ беришдан чиқиб кетганига кўп замонлар бўлган, Аришкани ҳам чақириб ўтирмас, у боланинг нарсасини шунчаки жирканиб қўлининг бир учида элтиб ташлайверарди. Бу болалар нарсалари тобора кўпайиб борарди.

Кўп ўтмай Сергей Львович дилсиёҳликка, кўзда тутилмаган ҳолга дуч келди: тўнғич ўғил ундан пул сўраб қолди. Александр пулни болаларнинг бўлар-бўлмас нарсалари учун сўраган эди; ўғлининг қаршисида туриб қолиб ва бир мири ҳам бермасликка аҳд қилиб, Сергей Львович бирдан болаларнинг ўша бўлар-бўлмас нарсалари — копток ва ҳоказоларни яққол кўз олдига келтирди-ю, пул бериб юборганини ўзи ҳам билмай қолди, лекин кейин бунга

афсус еб қолди. У ўғли улғаяётганини сезиб қолди. Сергей Львович ўғил дегани муҳим нарса эканлигини, тўнғич ўғлига эса пул ҳали кўп марта зарур бўлиб қолишини хуфия хавотир билан ҳис қилди.

Кунлардан бир кун болалар хонаси ёнидан ўтиб кетаётганда, Сергей Львовичнинг қулоғига гангир-гунгур гап чалиниб, у тўхтаб қолди. Аришка гапирмоқда эди. У қулоқ солиб турди.

Аришка тўнғич бойваччага бир эртак айтиб бераётган эди. Аришканинг шошмасдан, баъзида эснаб, ҳикояни узиб қўйиб-узиб қўйиб гапиришига қараганда пайпоқ тўқиётгани аён эди. Сергей Львович жилмайиб қулоқ солди. Ҳадемай Сергей Львовичнинг қизоғи осилиб кетди: энағанинг ҳикояси бемаъни, бўлмағур руҳда эди. У эшикни қия очди. Энага пайпоқ тўқир, Сашка бўлса курсичада ўтирар ва оғзини ярим очиб, унга анқайиб қарар эди. Сергей Львович ота сифатида, Мольердан ўқиб берувчи артист сифатида ўзини камситилгандек ҳис қилди. У ҳеч нарса демасдан жўнаб қолди. Нуқул французча гапирадиган, сиёҳидан, аллақачон Расин тилининг фаҳмига етиб қолган бола қаролларни берилиб тинглаб ўтирибди-я!

У ўша куни кечқурун нингичка, чинқироқ овоз билан Надежда Осиповнага, агар кейинчалик Сашка нодон одам бўлмасин десак, уни Аришкадан айириб олишимиз керак, деди. Сашкага мадама қараши зарур. Мадама зарур; бу бўлар-бўлмас нутқли ислиқи энагалар уни чарчатиб қўйишади.

Сергей Львович шундай гапирардики, ҳар доим эътироз билдиришга ўрганиб кетган Надежда Осиповна бу гал индамай қўя қолди. Ҳозир чинакам қадр-қиммат французча назокатни қай даражада ўрнига қўйишга қараб билинарди. Надежда Осиповна Петербург аёллари ичида биринчилар қатори аҳмоқона эски таъзимлар ўрнига асл француз хонимлари сингари хотинларнинг икки юзидан ўпиб кўриша бошлаган эди. Надежда Осиповнадаги бу илғовчанлик Сергей Львовични қойил қолдирган эди. Уларнинг уйини бекаму кўст француз уйи деса бўларди: французча китоблар ҳам, янгиликлар ҳам, тил ҳам, Василий Львовичнинг Париждалиги ҳам шуни кўрсатиб турарди. Гоҳи маҳаллар Сергей Львович бир ҳафта мобайнида казак болага «шамни тозала», «овқатни келтир» сингари буйруқларни русча айтмаганини завқланиб қайд этиб қоларди. Русчалаб у фақат хизматкорлар билан феъли айниб турган пайтларидагина гапирарди, холос. Сергей Львович ҳатто Никитанинг ҳам французча саводини чиқармоқчи бўлди-ю, аммо бундан натижа чиқмади. Хуллас, бола тарбияси учун мадама бағоят зарур бўлиб қолган эди. Лекин мадама топиш мушкул гап, буни чўнтак ҳам кўтармас эди. Ҳақиқий мадамаларнинг нархи баланд бўлиб, улар қўлма-қўл бўлиб кетган эди.

4

Сергей Львович доим ишга тез киришар, негаки у ҳамма нарсани дарров тасаввур қила қоларди. У болаларни мадамага бериб юбораман, деб ўйлади, мадама эса болаларга француз тили ва манзиратини ўргатади. Шу боисдан сингил Аннетнинг маслаҳати билан Анна Ивановна деган кампирни, бемалол французчалаб гапирадиган ва гарчанд ўзи асл маънодаги мадама бўлмаса ҳамки, меҳмонлар олдида француз хоним ўрнига ўтиши мумкин бўлган қашшоқ, лекин олижаноб хонимни олдилар. Уйда қирра бурунли кампир пайдо бўлди, болаларни тарбиялай бошлади, шўхликларини тийди, французча минғирлаб, уларни ўйнатиб юрадиган бўлди. Марья Алексеевнанинг уни кўраргa кўзи йўқ эди. У Арина билан тил бириктириб олди-да, боёқишини тинимсиз таъқиб эта бошлади. Қарабсизки, икковлон ҳадемай кампирни ёмонотлиқ қилиб қўйишди: дастурхондан бекитиқча қанд ўғирлаб ебди, ўйнаб юришганда ўзи адашиб қолиб, бутун айбни болаларга тўнкабди. Тутқич бермай қочиб кетишган эмиш. «Шуям тарбиячи бўлди-ю..» деди Марья Алексеевна. Хуллас, ҳар тарафлама тазйиқ остида қолган кампирнинг қаҳри келди-ю, русчалаб тўнғиллай бошлади. Арина ҳатто кампирнинг гўё ўзича, ҳанузгача арабларникида яшаб кўрмаганман, деганини эшитиб қолган эмиш. Ўша куниёқ шарманда қилиб, уни жойидан маҳрум этдилар.

Унинг ўрнини босган мадам Лорж бир йилдан ортиқ чидаш берди. У сочлари жингала, овози хушчақчақ, қадди-басти забардаст, чинданам мадама эди ва ҳатто модадаги тумоқларни ясашни ҳам биларди — Надежда Осиповнани у билан шу нарса муросага келтирди. У бутун уйларни бошига кўтариб юрарди, уйдаги нолафиғонлар тинди. Унинг қўллари бақувват, ҳаракатлари тез, расмана французлар каби бўлар-бўлмасга ташвиш чекавермас эди. Эрталабдан қўшиқ хиргойи қилар, юбкаларини шитирлатиб, кулаверарди, бу фақат француз аёлларининг қўлидан келарди, холос. Болаларга у кам эътибор қиларди. Сергей Львович бахтиёр, тарбиячи билан у бажонидил суҳбатлашарди.

Уни биттада Надежда Осиповнанинг ўзи қўққисдан бўшатиб юборди. Бунга француз тарбиячисининг бақувват кифтларига ҳаддан ташқари суқланиб назар сола бошлаган Сергей Львовичнинг ўзи сабабчи бўлиб қолди.

Биргина шундай қарашнинг ўзи кифоя қилди: мадам Лорж даф бўлди. Энди бу уйга мураббийлар олинмайдиган бўлди.

5

Василий Львович сон минг майда-чуйда Париж нарсалари билан, қандайдир нозик исли атир сепилган дастрўмоллар билан, á la

Souvorov этигида, чўччайган соч қўйиб, ўзига оро бериб ва бутунлай паришонхотир бўлиб келди. У яна баттар ғилмаяр, ўзининг эски таниш-тунишларини танимас ва кўп куларди. Ҳамма унга қизиқарди. Ҳаттоки Цирцея ўз ёстиқдоши ёнига қайтмоқчи бўлиб юрибди ҳам дейишарди. Ҳар қалай, бу мишмишлар ёлғон бўлиб чиқди: Цирцея турмушга чиқаётганди, лекин Василий Львович бунга парво ҳам қилмади. У Аннушкага қисман бўлса-да, Париж жононларини эслатиб турсин учун баланд тўр-тўр тумоқ олиб келди. Мадам Рекамье хусусида Василий Львович менсимай фикр билдирарди.

— Сарвқомат, лекин афти хунук.

Унинг саройини мақтарди:

— Ойна, ойна, яна ойна. Ҳамма ёқ ойнабанд.

У Бонапартни қандай таърифлашни узоқ вақт ўйлаб юрарди. Афт-ангорини батафсил тасвирлаб бериши керак-ку, ахир. Бонапартнинг бўйи пастлигига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

Василий Львович чўнқаярди-да, консулнинг бўйини кўрсатиш учун кифтининг қиррасини пешонасига тутарди. Кейин ўринли равишда ифтихор билан бошини хотин-халажга ҳидлатар эди.

Бонапартга тақлид қилиб, у Парижда Тальмадан улуғвор антик соддалик билан декламация қилишни ўрганган, хиёл ўгирилиб турриб, кимки уни тинглашни хоҳласа, ҳаммасига Расинни деклямация қилиб берарди. Қийшиқ қорин унга ҳеч ҳам монелик қилмасди.

Париж балети ҳақида у жуда юксак фикрда, Париж операсига салобат билан баҳо берарди.

— «Цивиль сартароши»нинг мисли йўқ.

M-lle Жорж билан m-lle Дюшенуаларнинг рақобати ҳақида кўп гапирарди.

— Жоржнинг имо-ишоралари, қўллари зўр! — дерди у иккила қўлини чўзиб.

— Лекин Дюшенуанинг оёқлари кетворган,— дерди ва у панталонларини силтаб қўярди, — ё раббий! Шунақанги оёқларки!

Ён-верида хонимлар йўқлигида болаларга парво қилмасди, уларни ҳеч ким пайқамасди, улар эса ҳамма гапни эшитишарди. У энтика-энтика қаҳвахоналар ва қаҳвахоналарнинг аёлларидан гапириб берарди. Кейин нафасини ростлар ва рўмолча билан елпинарди, рўмолча ҳалиям Париж исларини уфуриб турарди.

Эрталаб у Тверь хиёбонида махсус тонгги либосда айланиб юрарди, унинг рафтори ўзгариб кетди; у панталонларини силтаб силтаб юрарди. Аёллар унга ўгирилиб қарардилар. Илгарилари Овчилар растасини ёқтирмаса ҳам энди бу кўча унинг доимий маскани бўлиб қолди. Ўша ерда у Пале-Роялдаги машҳур Шеветнинг дўкони ҳақида ҳикоя қиларди. Шеветникида совуқ пастет,

Тулузадан келтирилган ўрдак жигари ва ёғлиқ селли устрицалар бўлар экан. Шинавандалар тамшанишар, Василий Львович эса таомларнинг билимдони сифатида донг чиқарди. Энди унинг ўзи ўз ошхонасида Париждагиларнинг ўрнини босиши лозим бўлган таомларни кашф этадиган ва татиб кўриш ишқибозларини муқаллаф этадиган бўлди. Баъзи таомларни ишқибозлар мақташарди, лекин иккинчи марта оғизга олишмасди. Ўзининг ошпази Власни у ҳозирдан эътиборан Блэз деб атай бошлади. Амалда эса унинг энг яхши кўрган таоми қора буғдой бўтқаси эди.

Пушкинларни унута бошлаган Карамзин унга илтифотли муносабатда бўлди. Василий Львович яна сонга қўшилиб, обрўли кишилар рўйхатига кирди. Карамзин, Дмитриев, Пушкин; у шу кунларнинг қаҳрамони — l'homme du jour бўлиб қолди. Суҳбат пайтида Карамзин урушдан бўлак дарди бўлмаган Бонапартнинг ҳалокатли обрўталаблигидан ғазабланиб қолганида, Василий Львович чуқур хўрсиниб қўярди:

— Бонапарт хатарли одам! Жуда хатарли! — дерди у ва шу заҳотиёқ Парижнинг энг хушхўр таоми — роҳибалар nonnettes деб атайдиган пряниклар ҳақида сўзлаб берарди.

Бир куни кекса генерал Бонапарт олиб бораётган урушнинг тафсилотларини билишни истаб, уни хумпар деб сўкиб юборган эди, Василий Львович пешонасини тириштириб, уни жеркиб ташлади:

— Э, парвардигор! Лекин ҳеч ким урушдан гапираётгани йўқ! Париж Париж-да!

У шунақанги таваккалчи бўлиб кетган эди. У ҳатто Рекамьесники сингари кушетка буюртма қилиб олди: Рекамье меҳмон ва зиёратчиларни шундай кушеткада ёнбошлаб қабул қилгувчи эди. Василий Львович кушеткада тушликдан кейин ёнбошлаб ётарди. Алексей Михайлович Пушкин, Василий Львовични Париждан хулқи бузуқлиги учун қувиб чиқаришган, Василий Львович у ердан жуда кўп сатрлардан ташкил топган шеър ёзувчи аллақандай машинкани олиб келган, деб таъкидлар эди. Ўша машинкани муртватини бураб қўйса бас — мадригал тайёр бўлар эмиш. Князь Шаликов мусиқачи бўлган пайтида охирги Париж романсларини Василий Львович овозида ёзиб олган эди.

6

Тез орада Василий Львович шундай бир қисмат зарбини бошдан кечирдики, бўлак бамаънироқ одам ундан кейин ўзини ўнглаёлмаган бўларди. Унинг шаккоклиги тўғрисидаги мишмишлар черков пешволари қулоғига етдими, художўй қайнота ўз алоқала-

рини ишга солдими, черков пешволари янги ғайрат билан унинг таълоғи масаласи билан шуғуллана бошладилар. Цирцея бегуноҳ деб, Василий Львович эса аслида ҳам бўлганидек осий банда деб эълон қилинди. Синоднинг ҳукмига кўра, рафиқага турмушга чиқиш ҳуқуқи берилди, эр эса етти йиллик черков епитимьясига маҳкум этилди. У олти ой муҳлат билан ибодатхонага жўнатиладиган, муддатнинг қолганини эса пир назорати остида ўтказадиган бўлди. Кутилганда хилоф равишда Василий Львович зарбага тетик туриб дош берди. У янги бегуноҳ қурбон ролига бемалол киришиб олди. Дилбар аёллар унга гуллар юборишар, Василий Львович ўз толеидан ажабланиб, гулларни ҳидларди. Холаваччаси Алексей Михайлович Василий Львовичнинг епитимьяси қандай ўтаётганини кула-кула гапириб берарди. Василий Львовичнинг тавба қилгани Блэз таомларидан ибодатхона овқатларига ўтганидан билинар эмиш, у тавба-тазаррунинг биринчи куниёқ севрюга гўштини еб, бўкиб қолибди... Епитимья учун танланган ибодатхона энг боп жойда бўлиб, унда баҳор ва ёзни кечирган Василий Львович, Алексей Михайловичнинг таъбири билан айтганда, гўё худодан ижарага дача олгандай бўлибди. Умуман, Москвада гап-сўзлар учун яхши баҳона топилган эди. Василий Львович сингилларидан ҳамма гап-сўзларни эшитиб турар, ўзини машҳур бўлиб кетдим, деб ҳис этарди. Гоҳ-гоҳида аллақандай алам бу туйғуларини ҳам заҳарларди. Пушкинларнинг шуҳратида ҳурматдан асар ҳам йўқ, уларга бўлган қизиқиш эса ғавголи эди.

Акаси ва амакиваччаларининг довруғи таъсирида кун кечираётган Сергей Львович унинг тақдирига ҳамдард эди. Александр отасининг хўрсинишларини, гапни чала қолдиришлари, дам маърур, дам кибрли, дам муте қилиқларини, яхши тушунар эди. Амакиси ҳақида гапираётганда, гап шуҳрат хусусида, кибор доира шуҳрати хусусида борар эди. Амакисининг улуғворлиги отасига хуш ёқар, унинг ҳавасини келтирарди. Алексей Михайловичнинг амаки ҳақидаги аскияларининг ҳаммасини болалар билишар эди: Сергей Львович уларнинг ярмига ишонарди. Амакисининг пири, иерей антиқа таомларга ўч бўлиб, шу боисдан Василий Львовичга ваъда ўқигани ҳаддан ташқари кўп келарди; гўё унга Блэзнинг таомлари ёқар эмиш: бу — Алексей Михайлович тарқатган овоза эди. Лекин собиқ Пушкиннинг ўғли буни кулги учун ҳикоя қилиб юрар, сал совуқроқ ва қўполроқ бўлган Сергей Львовичнинг эса қаҳри келиб кетарди. Ўша иерейларнинг ҳаммаси унинг ғашини келтирарди. Улар Базилни хонавайрон қилишди. Уни еб-ичиб битказишди. О бу vieux renards de синод![1]

У ғазабини яширолмасди. Сингил Анна Львовна бир куни

[1] Синоддаги кекса туллаклар *(франц.)*.

куфр қилаётган акасининг гапларини эшитиб қолиб, қулоқларини беркитиб олди-да, кўзлари чаноғидан чиқиб:

— Ака!— деб юборди.

Шунда у болаларга: «Йўқолинглар!»— деб бақирди.

7

Унинг икки укаси ва битта опаси бор эди. Укачаси Лёвушка кичкинтой, эркатой эди; қиррабурун, хушрўй ва заҳар опаси Олинька чийиллаб, укаси Сашкадан арз қилиб юрарди. Аммаси Анна Львовна Олинькага совғалар — қўғирчоқлар, елпиғичлар таширди, Олинка бу нарсаларни кўзи тўймай ўз бурчагида сақларди. Укачаси Николинька касалванд ва оқ сариқ эди. У синглиси ва укаларига худди тушириб юбормаслик лозим бўлган, бошини балога қолдирадиган стаканларга қарагандай қарарди. Аммаси Анна Львовна унга Николинька билан Лёвушкани булар сенинг укаларинг бўлади, шунинг учун сен коптогингни Лёвушкага беришинг керак ва кичкиналиги учун ҳамма нарсада Николинькага ён босишинг керак, дерди; бунга унинг сира майли йўқ эди. У аммасининг кўзига чалинмасликка ҳаракат қиларди.

Уйнинг тарзи ва ота-онанинг юзлари ҳар хил бўларди: бири — одамлар ичида, меҳмонлар борида, бошқаси — ҳеч ким йўғида. Гаплари ҳам ҳар хил — французча ва русча. Французчаси гўё шу тобда уйда меҳмонлар бордай, ҳамма нарсага қадр-қиммат ва салобат бахш этарди. Онани Nadine, Надина деб атаганларида бувиси уни Надежда деб атаган пайтдагидай бутунлай бўлакча бўларди. Надина — бу Дианага, Юсупов боғидаги маъбудага ўхшарди. Бу баъзи пайтлар ота-она дастурхон устида гапириб қоладиган ва ота билан онаси гоҳида тунда қайтадиган ўша олам эди. Аммалари Анна Львовна билан Елизавета Львовналар русча сўзларни худди французчадек қилиб димоғида талаффуз этардилар. Ота бармоқларини қисирлатар, унга русча сўзлар етмай қолар, тилига бошқа, французча сўзлар келиб турарди. Бир-бирига меҳри қўзиб кетганда, ота-она ўзаро французча сўзлашар, фақат жанжаллашгандагина русчалаб бақиришарди.

Аёлларнинг бузиб, ғалати энтикиб-энтикиб, бидирлаб чулдираб гапиришлари унга ёқарди. Уларнинг ноз-ишвалари жуда кўркам эди. Меҳмон аёллар русча гапларга худди майда нўхат сепгандай француз ибораларини ёғдириб ташлашар, бир-бирига гал бермай чучукланишарди. Умуман, меҳмон аёллар бир-бирлари билан сўзлашганда муғамбирлик қилишар, бамисоли башанг, норусча, маскарад либосларини кийгандай бўлишар, фақат уларнинг бир-бирларига зимдан кўз қирини ташлашлари мутлақо бошқача — русча эди, колос. Уларнинг энтикишлари ясама, французча ва жуда ла-

тиф бўларди. Лекин эркакларнинг гаплари, учрашув ва хайрлашув онларидаги француз иборалари унга чинакам қувонч бахш этарди. Французча ибораларни худди совға айрибош қилгандай ишлатишар, чала таниш одамлар билан ғижиллашганда французчадан худди эски нозик қуролдай фойдаланишар эди.

Энди французларнинг ўзи билан бораётган уруш ҳақида французчалаб гаплашишар, уларни французчалаб сўкиб ҳам қўйишарди: les freluquets[1], яхши калом билан битилган рескриптлар[2]ни ташир қилиб турган ва ўша freluquetsларни, афтидан, урган ёки урмоқчи бўлаётган давлатпаноҳ ҳақида гаплашишарди. Лекин суҳбат асносида битта-яримтаси ҳайрон қолса, бас — у дарров рус тилига, энага ва кампирлар тилига ўтиб оларди; вайсаётган оғизлар французча гапираётган чоғдаги сингари тирқиш бўлиб эмас, катта дарвоза бўлиб, омиларча очилиб кетарди. Сонцев фасоҳат билан французча гапириб туриб, бирдан:

— Французлар бизни дўппослашяпти-ку, ҳа, дўппослашяпти!— деб қолди.

Александр ҳар доим бу қўққис табаддулларни, кейин ҳамма анча пастлаб, шошмасдан, кўпроқ қароллар ҳақида, почта ҳақида, қишлоқ ва зиён-заҳматлар ҳақида гапириб кетадиган пайтларни доим пайқаб турарди.

Уйда ҳеч ким йўқлигида у отасининг кабинетига кириб оларди. Деворда портретлар осиғлиқ турарди: Карамзин, чакка сочлари узун-узун, ўзига ўхшашу, лекин анчагина ёшроқ ва яхшироқ; у нетадир ёқтирмайдиган кемирчакнамо бурунли, ғилай кўз ва қизил юз Иван Иванович Дмитриев; ҳарир бинафшаранг либослар кийган, биқинлари кенг, қора кўз қиз. Токчаларда француз китоблари турарди. Пасткисида катта-катта жилдлар турар, уларни босиб ётган чангдан у акса уриб юборарди; саҳифалари уқаланиб кетган, харфлари энли, расмларида байроқ ва қаҳрамонлар тасвирланган китоблар. Уларни Александр бармоқлари билан сийпалаб кўрар — улар бўртиб чиққан эди. Ёнида унга манзур бошқа бир жилд турарди: унинг ҳам суратлари бор — узун кўйлакли, оёқлари очиқ, кўзлари қорачиқсиз, катта, хотиржам хотинлар — булар ҳам ўша боғдаги маъбуда ва фаришталарнинг ўзгинаси бўлиб, ҳаммасининг тириклар қатори ўз номлари бор эди.

8

— Сен девор томонга ўгирил-да, кўзларингни кўп аланг-жаланг қилаверма, айланай, бўлмасам, бир умр уйқинг келмайди.

[1] Ҳавойилар *(франц.)*.
[2] Подшоҳ томонидан амалдорларга берилган ташаккурномалар.

Сенда уйқусизлик бўлмаслиги керак, ҳали кичкинасан. Мендай катта бўлганингда ухламасанг ҳам майли. Мен сенга ҳеч нима айтиб бермайман, ҳаммасини айтганман. Деразага бўлса қарама, ундан баттар уйқинг ўчиб кетади. Шаҳар ёмонроқ, уйқу келмайди, қишлоқ тузук, ёзда деразага заранг дарахти эгилиб туради, ўз-ўзидан ухлаб қоласан: қишдаям дарахтлар. Бу ерда бўлса, қаёққа қарасанг, фонус. Липиллаб тураверади. Ухла. Ҳамма ухлаяпти, Лёвушка ҳам, Николинька ҳам, битта сенинг уйқунг йўқ.

... Кетяпмиз, кетяпмиз — бирдан шилқ этиб кўтак арава ўтириб қолса-я. Ўқи чиқиб кетди. Бобонг менга пиёда юр, дейди. Мен ўрганган эмасман, деб жавоб бераман. Мен ахир биринчи келишимдаёқ уйга яёв кириб бораман, деб ўйлаганим йўқ эди асло. Бир амаллаб ўқини аравага ўрнатдик. Дарвозанинг тагига етганда бобонг қўрқди: «Агар отангиз сизга ўшқирса, сиздан илтимос қиламан, жоним, менга ўхшаб унинг қаршисида тиз чўкинг. Ўшанда афв этади», деди хафа бўлиб. Бобонг отамдан жуда қўрқарди — у менга отамдан бесўроқ уйланган эди. Мен ўзимга ўшқиртириб ўтирадиганлардан эмасман, мен тиз чўколмайман, дедим. У бўлса, Африкада ҳамма шундай қилади, ҳеч ким буни ор деб санамайди, дейди. У гаплар Африкада, бу ер эса Псков дейман. Бобонг хафа бўлганидан ҳатто йиғлаб юборди, кўз ёшлари шундоқ оқиб тушяпти. У пайтларда эркаклар ҳали ҳозиргидек йиғлашмасди. Мен эркак кишининг йиғлашини кўриб, қўрқиб кетдим, кейин биз аравадан тушдик. Иришканикида уст-бошимизни алмаштириб олдик, у мундирини кийди, мен онамнинг марваридларини тақдим — кейин бир амаллаб кунимиз ўтиб турди. Чолнинг ёнига бизни қабул қилармикан, деб одам юбордик. Матрёшкани бир соат кутдик, икки соат кутдик — дараги бўлмади. Кечга бориб биз бутунлай юрак олдириб қолдик. Ҳужрада, қазноқда ўтирибмиз, одамларга кўринишга юз йўқ. Бизга худди авахтадагига ўхшатиб нон билан сув беришди. Матрёшка кўз ёшларини оқизиб келди, отам уни саваб ҳайдабди. Ана ўша туни мен ҳам сендақа ухламаганман, айланай. Эртасига мен ота-онамнинг олдига қайтиб кетаман, ўлгудек бошим қотиб кетди, дедим. Бобонг ялиниб-ёлворди, кейин тўсатдан мени уйимизга етаклаб қолди. Қандай қилиб борганимиз эсимда йўқ. Остонада бобонг мундирда, ёнда қиличи билан мук тушди. Лекин мен тик туравердим; фақат кўзларимни ерга қадаб олганман. Бошимни кўтариб қарасам, чол креслода ўтирибди, мундирининг тугмалари ечилган, қўлида ҳасса. Юзи қора бўлиб қора эмас, сариқ: бурнини жийириб олган. Бобонгга қараб индамай ўтирибди. Кейин менга қаради. Ҳалиям жим. Кейин бирдан ҳассасини кўтариб қолди. Менинг қутим учиб кетди, додлаб йиқилдим. Ўзимга келсам, ҳамма ёғим ҳўл. Чол тепамда турибди ва юзимга қаратиб

сув пуркаяпти. Мен унга қараб, яна додлаб юбордим, у бўлса фақат зўрма-зўраки кулиб қўйди.

«Наинки мен сизга шунчалик қўрқинчли бўлиб кўринган бўлсам, хоним? Мен ҳали аёл зотини сира бундай қўрқитмаганман».

У хушмуомала эди. Лекин бобонгга ҳам яна узоқ қарамади. Кўзлари эса чақнаб турарди.

... Кейин нима бўлганми?.. Кейин ҳеч бало бўлмаган... Кейин гапирадиган ҳеч нима йўқ. Бобонгми? Бобонг ўлган, йўқ у. Ухла. Фақат кўзларингни аланг-жаланг қилаверма. Мен сени эплаёлмайман шекилли. Ирина эртак айтиб берсин ёки ҳалиги сенинг ашуланингни куйласин. Ҳол-жоним қолмади, безор қилиб ташладинг...

9

Арина хонага шарпасиз кириб келарди ва унинг кўрпаси ёнига оёқ томондан ўтирарди. Унга кўз ташламасдан инқиллаб-синқиллаб, эснаб-эснаб, бошини сарак-сарак қилиб, салмоқлаб, унга шайтонлар ҳақида гапириб берарди. Шайтонларнинг уруғи кўп. Урмонда ажиналар бор эди. Михайловскоедаги жаноблар уйининг орқасида, тегирмондан қуйироқда бобонг Осип Абрамовичнинг яқинидаги кўлда сув жини бор эди, уни қизлар кўришган. Тригорьеда алвасти яшаган, у оддийгина эди, ҳамма кўрган уни. У ҳай-ҳуйлашга уста эди. Бобонг Осип Абрамовичникида бир чўтир қиз маймунжон тергани борган. Оти нима эди — э, барибир эмасми, ўзи эсга олишнинг ҳожати ҳам йўқ: ўша билан у ҳай-ҳуйлашиб туриб, қитиқлай бошлабди. Кулавериб жони узилаёзибди. Мана сиз, отахоним Александр Сергеевич, ухламай кўринг-чи, сизни ҳам қитиқлайди. Оббо, жин бўлмаса, алвасти-да. Ўша ерлардан учиб келган-да у. Ана, мўрининг ичида ингичка қилиб ашула айтяпти: ухланг, отахоним Александр Сергеевич, ухланг, деяпти, тезроқ, бўлмаса, тунлари ҳамманинг тинкасини қуритиб юбордингиз — бувингизни ҳам чарчатдингиз, энагани ҳам, мени, Михайловское тарафлик ўзингизнинг алвастингизни ҳам.

10

Уларни — Олинка, Александр, Лёвушка ва Николинькани — ҳаммасини бирга, Марья Алексеевна айтганидек, пода қилиб олиб чиқардилар. Александр одатда орқада қолиб кетарди. Болалар: «Арабвачча!»— деб уни масхара қилишар ва тор кўчага қочиб кириб кетишар эди. Унинг ҳар гал чунонам жони чиқиб кетардики, буни кўриб Арина хавотирга тушарди. Тишлари тиржайиб, кўзлари бежо бўлиб кетарди. Лекин қандай тез ғазабга минган бўлса,

худди шундай тез жаҳлдан тушганини кўриб, Арина таажжубланарди. Уйда Александр ҳеч кимга ҳеч гапни айтиб бермас эди.

Бир куни у атай орқада қолди-да, девор тагидаги скамейкага омонат ўтирди. У, Арина пайқамайди-ю, ҳамма узоқлаб кетиб қолади, деб ўйлаган эди. Қаршидаги очиқ деразада чопон кийган бир семиз киши ўтирар ва кўчани томоша қиларди. Кўчанинг бу соатда қизиғи йўқ эди. Бақалоқнинг ёнида ёш жувон турар ва қафасдаги қушчага дон берарди. Бақалоқ Александрни кўриб қувониб кетди ва унга завқ билан қараб, жувонни енгидан тортди. Хотин ҳам деразадан қарай бошлади. Александр ўзини «арабвачча» деяётганларини билди. У аммаси Анна Львовна сингари тўнғиллаб қўйди:

— Нега тишларингни тиржайтириб турибсан?

Кейин укаларига етиб олгани чопиб кетди.

Александр араб бобо ҳақида ҳеч қачон ҳеч ким билан гаплашмаган, не сабабдан ўзини болалар арабвачча, деб масхара қилишини ҳам ҳеч кимдан сўрамаган эди. Нимаям бўлиб у отасидан, бобом ўлиб кетганига анча бўлдими, деб сўраб қолганида, Сергей Львович аввал унинг гапини тушунмади ва Александр ўзининг отаси Лев Александровични сўраяпти, деб ўйлади. У хўрсиниб, анча жим бўлиб қолди ва у ноёб ақл эгаси эди, деб жавоб берди.

— Ҳамма яхши кўрарди!— деб қўйди яна.

Александрнинг Аннибал бобони сўраётганини билгач, Сергей Львович аввалига анқайиб қолди ва бу бобонг ўлишни хаёлига ҳам келтирмаган, деди, кейин қовоғини уйиб ва юрак бетлаб — иш Марья Алексеевнанинг олдида бўлаётган эди — бу бобонгни хаёлингга ҳам келтирмаслигинг керак, негаки сен Пушкинсан, Аннибал-паннибал эмассан, деб уқтириб қўйди.

— Сенинг бувинг ҳам, онанг ҳам — Пушкина!

Марья Алексеевна чурқ этмас эди.

Шундан кейин Сергей Львович ўз кабинетида аллақандай қоғозларни титкилаб, бир соатдан кўпроқ ўтирди-ю, тўсатдан ранги докадай оқариб, дик сакраб турди:

— Йўқолибди!

Василий Львович жўнаб кетаётганида сақлаб қўйиш учун бериб қўйган нақ бир боғлам ёрлиқлар, шажара дафтари йўқолган экан. Қўлларини букиб, Сергей Львович конвертни мерос муҳр билан елимлаб қўйганини, столнинг тортмасини калит билан беркитганини, у ерда бўлса, шажара қоғозлари боғламлари ўрнига энди шеърлар, альбом ва Суйданинг эски пейзажи ётганини гапирарди. Қалтироқ бармоқлари билан Сергей Львович ўз столининг жамики ғаладонларини ковлаб кўрар, уй ичидагилар унга кўмаклашар эдилар. Иккита махфий тортма олдида Сергей Львович тараддудланиб қолди-ю, уларни очмади.

— У ерда махфий қоғозлар,— деди у бидирлаб ва қовоғини солиб.— Масонларга тегишли.

Марья Алексеевна қўлларини силкитиб, кўзларини юмиб олди. У масонлардан қўрқарди.

Ниҳоят, ёрлиқлар топилди, боғламлар жой-жойидан чиқди, Сергей Львович шунчаки уларни столга эмас, ноёб китоблар ётган махсус жавончага беркитиб қўйганини унутган экан. У ёйилиб кетди.

У чилвир билан боғлиқ каттакон ўрамни аста ечиб, катта қизил муҳрни синдирди-да, эски ёрлиқларни Александрга кўрсатди.

— Марҳамат қилиб бу ёққа қара — муҳрни кўряпсанми? Катта муҳр. Бу — эски ҳужжат, лекин менга айтишларича, бу ҳужжатда қримликлар билан уруш бадалига икки юз чорак ёки шунча чиқиб қоладиган вотчина инъом қилинганлиги қайд этилган. Мана буниси эса — суд варақаси: дарвоқе, бунисининг аҳамияти йўқ.

Кейин Сергей Львович овозини пастлатиб ўғлига деди:

— Сенинг бобонг шу ёрлиқ билан хасталиклари учун хизматдан абшидга[1] кетказилган. Дарвоқе, бу кўпроқ давлат иши бўлган.

11

У етти яшарлигида оила қўққисдан ва биратўла тарқалиб кетди.

Марья Алексеевна куёви билан қизидан аллақачонлар қўлини ювиб, қўлтиғига урган эди. Тишини тишига қўйиб юриб-юриб, бир куни жазм қилди: бевалик пулларини қоқиб-суқиб, қутичадан қандайдир гаров хатларни олди, қаергадир бориб келди, овора бўлиб юрди ва қувониб қайтиб келди: Москва атрофидан, Звенигород уездидан қўрғон сотиб олибди, тераклари, боғи, черкови — ҳамма ёғи эл қатори экан. У бегона ном билан Захарово деб аталарди, аммо гап номида эмас-ку, ахир. Ибодатхонаси ва уй тошдан эди, йўлнинг чанги чиқмасди, гулзори, дарахтзори бор, қишлоқ эса тоғ этагида, бадавлатгина, қизлари, арпаси мўл-кўл. Болалар билан ёзда марҳамат қилгайсизлар: унинг ўзи эса Москвада яшайвериб, чанг, қўланса ис, шовқин-суронлардан эс-ҳушини йўқотди. Аришкани бойваччалар қошида қолдириб кетяпти, унинг ўзи эса қўлидан келганини қилди.

Уни ҳеч ким қолишга қистамади ҳам.

Кузакда нигорон бўлиб кутилган хабар ҳам келди. Осип Абрамович қазо қилибди ва Михайловское қишлоғини Надежда Осиповнага қолдириб кетибди.

[1] Абшид — истеъфо (*нем.* Abschied).

БЕШИНЧИ БОБ

1

Сўнгги йилларда кекса араб хунук семириб кетган эди. Юриши янада чаққонроқ бўлиб қолган — оғир қорнини кўтариб рақс тушгансимон одимлар эди. Бироқ сўнгги ойларда у энди юролмай қолган ва дераза тагида бошини орқага ташлаб ўтирар, кексалик ва дардлардан нафаси бўғилиб, йўл-йўл мато сирилган каттакон юмшоқ креслоларда ўтирарди. У шу ерда ухларди ҳам. Оғаси Пётр Абрамович билан аллақандай пул ҳисоблари тўғрисида унинг ораси бузуқ ва ҳамма уни тарк этган эди.

Баринниинг бойвуччаси Палашка уйни идора қиларди: пайт-пайти билан у ҳалиям барин ҳузурига чўри қизларни рақс тушиб ашула айтишга йиғиб кириб турарди, дейишарди. Лекин у энди тобора ювош тортиб, тобора лоқайдлашиб борар ва соатлаб пашша учишини ҳамда ўрмон ортидаги араванинг ғичиллашини кузатарди. Унинг кўкраги ҳам ғижиллайдиган бўлиб қолганди.

Куз палласи, қип-қизил чўғдай арғувонлар ва сариқ шамдай қайинлар деразанинг таггинасида хазон тўкиб ётарди. Ёмғирлар ўтиб кетган, қуруқчилик эди.

Бир кечада букилиб қолди. У шундай даҳшатли товуш билан бўкирар ва шундай сапчиб кетардики, эрталабга бориб Палашка табибга одам юборди.

Табиб беморни кўздан кечириб чиқиб, унга қуён гўшти тановул қилишни ман қилди, негаки қуён шаҳватни қўзғайди, кечқурунлари декохт ичишни буюрди.

— Юрагингиздан барча дарду аламларингизни ситиб чиқаринг,— деди табиб унга. Чол креслолар билан битта бўлиб ётар, юзи нурсиз, қараши маъносиз; кўзларини тутун қоплагандай эди. Бирдан унинг ихтиёридан ташқари, мустақил равишда, ундан айрича кўкрагида хириллаш, қулдираш, чийиллаш бошланди, қорни буралиб оғрий бошлади. Уни назардан ўтказишаётганда, занг босган ошиқ-мошиқдай ғижирлаб, хириллаб, қичқириб нафас оларди.

Нафасини ростлаб, у табибдан сўради:

— Менинг қанча умрим қолди?

Табиб жавоб берди:

— Сизнинг, зоти олийлари, икки кунлик умрингиз қолди.

Қари араб бирдан енгил ҳаракат билан креслосида сапчиб тушди. Ғижиллаш тинди.

— Ёлғон сўзлаяпсан,— деди у табибга ва унга мушт ўқталди.

Кейин Палашкага ўгирилиб буюрди:

— Ҳайдалсин, пул ҳам тўланмасин. Йўқол!

У ярим соатча машаққат билан нафас олиб, қимир этмасдан

ётди. Кейин отасининг портретига термилиб қолди. Абрам Петрович портретда балчиқранг, заҳар юзли бўлиб, елкаси оша аннен лентаси билан генерал-аншеф мундирида тушган эди.

У портретни чордоққа олиб кетишни буюрди. Кейин ҳаммомни ёқиб, ўзини ўша ерга кўтариб боришни буюрди. Йўл-йўл мато сирилган баланд креслоларда қароллар уни ҳовлини кесиб кўтариб кетишди. Тепаликка етганда у тўхташни буюрди, атрофга кўз югуртиб чиқди-да, хаёлга ботди. Уни беш киши кўтариб олган — чол оғир эди: орқада Палашка борарди. Ҳаммомда у буғланиб ўтирмади, ҳаммомнинг совуқ хонасида бир оз ётди.

— Мени бир ювинтириб қўй,— илтимос қилди у Палашкадан.

Палашка қайноқ супурги билан унинг қоп-қора елкаларига чарсиллатиб туширар, у хириллаб йўталарди. Қош қорая бошлаган эди.

У ўзини таблага элтишни буюрди. Табла салқин ва сокин эди. Учта той ичкари ғовлар ичида оғир пишқириб, ер тепишар эди. Отбоқарни тишлаб ташлаган, энг саркаш жийрон, бир ёвуз сингари занжирбанд эди. Бия бир меъёрда пишиллаб сув симирарди. Унга қўлда арпа тутган эди, у ҳидлаб-ҳидлаб, шипиллатганча юмшоқ лаблари билан ялаб олди.

— Икки кунлик!— деди у бияга табиб ҳақида.— Аҳмоқ!

Уйга қайтгач, у уйдаги жамики катта шамдонларни келтиришни ва ҳамма шамларни ёқиб юборишни буюрди. Кейин дарахтзордан барглар териб, меҳмонхонага ташишни буюрди.

— Кўзга яхши, нафас олиш ҳам осон.

Палашка унга вино тутди, лекин у ичмасдан лабига тегизиб қўйди, холос. Вино эсига тушиб, у ертўлада қолган-қутган винонинг ҳаммасини меҳмонхонага олиб келишни айтди.

— Чўриларни ҳам чақир,— амр қилди у Палашкага.

Соҳиб уйи чароғон бўлиб, олислардан кўриниб турарди.

— Яна ишратга берилди,— дейишарди қишлоқдагилар.

— Бу Азроилга ажал йўқ.

Ҳамма чол-кампир Аннибаллар Абрам Петровични ва Осип Абрамовичнинг ўзи-ю, оғаси Пётр Абрамовични Азроил деб ҳисоблашарди. Бир кампир, кекса Абрам Петровичнинг тирноқлари туёққа ўхшарди, деб юрарди.

Чўри қизлар Осип Абрамовичнинг бузуқ балети эди; унинг айшу ишрати пайтлари улар Осип Абрамович қошида рақс қилишарди. Унинг ўз музикачилари бор эди — бир қарол гитара чалар, икки киши ашула айтар, казак бола бўлса доира чертарди. У Палашкани ҳаммага бир стакандан шароб тутишга мажбур қилди-да, музикачиларга қўл силтади. Музикачилар баравар унинг севимли куйини бошлаб юбордилар.

— Машка, чиқ,— хириллаб берди у.

Машка унинг биринчи даражали раққосаси эди.

Араб кўзларини ярим юмиб ўтирарди.

— Ортиқча қилиқ қилмай ўйнайвер,— деди у.

Маша ортиқча қилиқ қилмай рақс этди. Араб ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди-ю, эплолмади; Маша сонларини силкиллатганда, унинг бармоқлари қалтираб, лаблари қимирлаб кетарди, холос. Музикачилар унинг севимли куйини тезлатиб, тобора авжига чиқаришар, казак бола доирани тиним билмай чертар, Маша тобора дупурлатиброқ оёқ оларди.

— Эҳ, оққуш-эй,— деди чол.

У қўлини чўзди, бир ҳовуч ҳавони ғижимлаб, бармоқларини қаттиқ қисди-да, йиғлаб юборди. Унинг қўли шалвираб тушди, боши солиниб қолди. Кўз ёшлари тўппа-тўғри дўрдоқ пастки лабига юмалаб тушар, у уларни секин-секин ютарди.

Рақс тугаганида, у винонинг ҳаммасини қаролларга тарқатишни буюрди. Кейин ўйлаб туриб, ярмини қолдиришни амр қилди.

— Арпадан келтир, ёғоч челак ҳам,— фармойиш берди у.

Унинг олдида ёғоч челакка вино тўлдириб, арпани винога ивитдилар.

— Емни отларга едиринглар!

— Деразаларни оч!

Отларни таблада ачитилган арпа билан боқишмоқда эди.

— Ёвуз бўшатилсин! Отларни қўйиб юборяпман!

Хонада шамол юрарди. У очиқ дераза олдида тун салқинини оғзига тортарди. Ҳовли қоп-қоронғи эди.

Жарангдор кишнаб, бошларини тебратиб, туёқлари билан тупроқ кесакларини сачратиб, деразалар ёнидан маст отлар учиб ўтиб кетишди.

Қари араб уларга жавобан товушсиз кулиб қўйди:

— Ҳаммаси бизники, ҳаммаси Аннибалларники! Алвидо, Петрово — отамдан қолган макон!

2

Пётр Абрамовичга биродари Осип Абрамовичнинг гапдан қолиб, оғирлашиб ётганини айтишганда ҳам у жигаридан хабар олмади. Кеча у Михайловскоенинг чароғон деразаларини кўрган, укасининг ишрат қилаётганидан хабар топган ва ўзини қишлоқ базмларига ортиқ таклиф қилмай қўйишганидан аччиқланган эди. Осип Абрамовичнинг кайфу сафодан мазаси йўқ деб гумон қилиб, бормаслигини, шусиз ҳам бир гап бўлиб кетишини айтди. У укасига ўхшамас, қотмагина, жиккак эди. У узоқ гина сақларди.

Палашка гангиб қолмасдан табибнинг орқасидан дарров эски хотира ҳурмати Устинья Ермолаевна Толстаяникига, Псков ат-

рофига унинг ёз ва куз пайтлари яшайдиган дачасига чопар юборди.

Осип Абрамович бир қоп қора гўшт бўлиб, бир кеча-кундуз ётди, фақат чийиллашу хириллашидан Палашка унинг тириклигини уқиб турди. Эртаси куни эса ҳеч кутилмаганда югургилаб Устинья Ермолаевна Толстиха келиб қолди.

У кексайиб, қуруқшаброқ қолган, лекин рафтори ҳали ҳам ўша-ўша, йигирма йил бурунгидай эди. Ҳатто унинг душманларининг ҳам Устиньянинг рафтори жуда яхшилигини тан олмасдан иложлари йўқ эди.

У ўз файтонидан енгил сакраб тушиб, хоналарга ўтди-ю, орқасига тисарилди: хоналар остин-устун эди. Арғувон япроқлари вино тўкилган полда уюм-уюм бўлиб ётарди.

— Ахлатни супуриб ташла,— деб жиддий гапирди у Палашкага.— Нега димиқтириб юбордиларинг! Нега ифлос қилиб ташладиларинг!

Фақат хонани сариштa қилиб бўлишгандан кейингина у дераза олдидаги курсига омонат чўкди. У ажал тўшагидаги кимсага хиёл ҳадиксираб қараб қўйди. Сим-сиёҳ манглайидан йирик тер томчилари оқарди; у рўмолча билан беморнинг пешонасини артиб қўйиб, қовоғини солди.

Уларнинг архиерей ажратиб қўйганига йигирма йилдан ошибдики, Устинья Ермолаевна на бева, на эрлик хотин бўлиб кун кечирарди. У бор ғайратини ўз рўзғори «бадастир бўлишига» қаратди. Осип Абрамовичнинг пулларини муҳаббатларининг бошиданоқ у ўз номига ўтқазиб олди. Араб унга Псковда, катта ўтлоқ йўлида олмазор боғли сокин уй қуриб берди, Псков қанорасидаги шайтон ариқ ёнидан сердарахт, оранжереяли, гулзорли чорбоғ олиб берди, унга файтон ва отлар совға қилди. Устинья Ермолаевнанинг яхши кўрган нарсалари олтин, олма ва олхўри эди. Унинг олтин сервизи бор, олмалари эса момиқдай оппоқ эди.

— Уларда бундай нарсалар йўқ. Бекорчилар! Одамларни ёмонотлиқ қилиш қандай бемаънилик,— дерди у ўзи билан борди-келди қилмайдиган душманлари — псковлик помешчиклар ва уларнинг хотинларини чайнаб.

У ўзини бегуноҳдан-бегуноҳ маломатга қолган, деб ҳисобларди. Мабодо у ошиқ арабга турмушга чиққанда эди, бу унинг псков аслзодалари — бутун «татар-патарлар» унинг ёмон феълидан қўрқиб, ундан ўзини тортиб юрадиган Карамишеву Назимовлар устидан унинг тўла-тўкис тантанаси деган гап бўларди. Лекин иш ҳеч натижа бермади, унинг араб билан алоқаси бирор келгинди, масхарабоз ёки камердинер билан алоқадай жанжалли масалага айланди. Шу боисдан у жабрланган сифатида арабдан пул олишга ва иложи борича уни талашга ўзини ҳақли деб ҳисобларди.

Устинья араб билан кўп марта топишиб, яна ажралган эди. Сўнгги марта улар беш йил бурун топишишган, бир ойдан кейин яна ажралишган эди. Чунки Устинья бирдан ўзининг боғини соғиниб қолиб, чолдан безор бўла бошлаган эди.

Унга, арабнинг куни тугаяпти, деб айтишганда, у ўша заҳоти ўйлаб-нетиб ўтирмасдан йўлга отланди. Улар орасида ҳали ниҳоясига етмаган ҳисоб-китоблар бор эди. Устиньянинг иш бошқарувчиси қоидасини келиштириб, қари арабнинг Михайловское қишлоғини Устиньяга ҳадя қилганлиги тўғрисидаги васиқа неча йиллардан бери Устиньянинг шкафида зах босиб ётарди: васиқа тузилган кун қайд қилинмаган ва унга имзо чекилмаган эди, холос. Лекин бу масалада араб саботли эди ва Михайловское тўғрисида гап очилганда, индамас эди. Устинья Ермолаевна қоғозларни ўзи билан ола келган эди.

Сўнгги ажрим чоғида арабнинг қўлида унинг рўмоли ҳам қолиб кетган, араб, «бу — менинг ёдгорлигим», деб қайтариб беришни минбаъд истамасди.

Палашка нонуштага қаймоқ билан пиширилган картошка, бир стакан маймунжон суви келтирди, уйда бўлак ҳеч нима йўқ эди.

Устинья тортиниб, теварагига аланглаб ўтирарди. Хона шу даражада шипшийдам, бўёқ берилмаган, поллар шу даражада ғариб, шифтлар паст эдики, шу қашшоқ кулбадан қандай қилиб боғу роғ, сервизлару от-улов сингари бойликлар вужудга келганига ақли етмай, ҳайрон бўларди. Араб ёввойи одамлардек шунчаки жон бермоқда эди, эҳтимол Африканинг бирор жойида унинг бобоси ҳам шу зайл жон бергандир. Устинья Палашкага рўмолни айтди.

Палашка ҳамма жавонларга бош тиқиб чиқди — рўмол йўқ.

Ўлаётган арабнинг атрофидаги бетартибликни кўриб, Устинья Ермолаевна Палашкага тўнғиллаб қўйди.

— Бу ердан рўмол топилармиди? Бу ерда одам ўзиниям йўқотиб қўяди!

У бир оз тамадди қилиб олди, маймунжон сувини эса тотиб кўриб:

— Вой-бў, мунча тахир? Ҳеч жаҳонда маймунжонни ҳам шунақа ивитадими?— деб стаканни четга суриб қўйди.

Араб энди чалқанча ётган креслолар олдида Устинья бир оз ўтирди.

— Менга нега одам юбордиларинг? Мен ким эдим бу ерда? Яқини бўлганимда ҳам гўрга эди.

— Бегонамассиз-ку, ишқилиб,— деди Палашка.

У Палашкани чиқариб юборди.

У ўзи ўн йил давомида талон-торож қилган ярми бўш хонага норозилик билан қараб қўйди. Бир вақтлар комод устида соат турарди, соатнинг ичида ҳадеб Кронос чақалоқ ямларди, энди у

соат Устиньяникида; бюро устида чинни ҳайкалча, фави билан маъбуда бўларди; булар ҳам Устиньяникида фақат эркакларнинг ов зийнати — каттакон буғу шохигина стол устида осиғлиқ турибди.

Араб дўрдоқ лабларини хиёл очиб, бармоқларини силкитиб, алланимани қувар ва ғўлдирар эди. Унинг кўзлари хиёл очиқ эди.

— Хўш, нима? Нима дейсан?— деб жон бераётган арабни уришиб берди Устинья ва бармоқларини ниқтаб қўйди.

Тирноқлари кўкариб кетган эди; дарвоқе, унинг тирноқлари доим кўкариб юрарди. Бармоқлари узун-узун, чап қўлида туллигини билдирувчи ажойиб кўзли узук. Ишлов эскича, олти қиррали, тоши сарғиш, тип-тиниқ. Устинья бундай тошларни фарқлай билар эди. Палашка шол рўмолни топмаганча топмади; шокилалик турк рўмоли эди. Рўмолга унинг ичи ачиб турарди. У узукка яна бир кўз ташлади-да, ҳавас билан томоша қила бошлади. Кейин арабнинг қўлини қўлига олиб, узукни бармоқдан аста чиқара бошлади. Бармоқ шишиб кетганидан узук эўрга суриларди. Ниҳоят, уни сидириб олди-да, ўзининг бошмалдоғига ўлчаб кўрди. Шунда бирдан довдираб қолди: араб унга ва узукка катта-катта хира кўзлари билан хотиржам қараб ётарди. У ўзига келган эди. Кейин арабнинг юзига худди кўланка тушгандай бўлди — у жилмайиб, Устиньянинг қўлидан ушлади.

— Эси йўқ,— деди дона-дона қилиб,— эси йўқ, ундан кўра лабимдан ўпсанг-чи.

Кечга бориб Пётр Абрамович етиб келди, шундан кейин Устинья Ермолаевна дарҳол уйига, Псковга жўнаб кетди, имзо чекилмаган ҳадяномани яна қутичага солиб қўйди, тунда эса, артиллерия флотининг истеъфодаги капитани Осип Абрамович Аннибал вафот этди.

Пётр Абрамович парад мундирини кийиб, укасини дафн қилди. Араб тобутда Екатерина замонининг денгизчилари мундирида, кўмирдай қоп-қора бўлиб ётарди. Поп деҳқонларга авлиё Моисей Мурин ҳақида, у ҳам ҳабашистонлик бўлган, ёшлигида эса қароқчилик ҳам қилган, деб ваъз айтди; эртасига эса шаҳардан маслаҳатчи етиб келди ва марҳумни вино ва пирог билан хотирлади, кейин Надежда Осиповнага, шунингдек, Марья Алексеевнага оталари ва эрлари Иосиф Абрамович ҳўдонинг амри билан тўсатдан қазо қилгани важҳидан Михайловское қишлоғига келиб, амлокни қўлга олишлари лозимлигини билдирувчи хат ёзиб юборди.

3

Сергей Львович қайнотасининг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитиб, оғир-босиқ қиёфага кирди ва таъзияларни табрикдай қабул қилиб турди.

— Que la volonté du ciel soit faite![1]— деди у салобат билан.

Жанозада у тез-тез, енгил-елпи чўқинди ва ҳатто ҳаммага эшитириб, икки марта чуқур хўрсиниб ҳам қўйди. Синглиси Анна Львовна Надежда Осиповнани қучоқлаб, ҳиқиллаб қўйгандек бўлувди, янгаси бунга унчалик эътибор бермади, аксинча, совуқ қараб қўйди.

Марҳум арабнинг мол-мулки бўлса, қолган пули билан бирга хотини ва қизига тегиши керак эди. Эндиликда уйли-жойли Марья Алексеевна ўзига таниш бўлган эски хонадонга кўчиб боришни хоҳламай, Надежда Осиповнанинг ихтиёрига берди, чунки нима қилгандаям ўша ерда эри уни ташлаб кетган эди-да. Ундан ташқари, у ерга кириб бориш учун эркак кишининг кўмаги ҳам даркор эди. Сергей Львович эса, уруш вақтини, бошлиқнинг унга жавоб беришга майли йўқлигини баҳона қилиб, қайнотасининг мулкларини қабул қилишга хоҳиш билдирмади. Ҳарбий хизматдан кетадиган бўлса, бу нарса унинг мартабасига путур етказиши мумкин эди.

Надежда Осиповна ўз уйида ҳукмрон бўлса ҳам уйидан ташқарида ғоятда гўл ва ҳатто қўрқоқ эди. Ойнинг охирида у Михайловское қишлоғига жўнаб кетди, Сергей Львович бўлса, шароит қўл келиши билан унинг изидан етиб боришни ваъда қилганча уйда қолаверди.

Хотини чиқиб кетди-ю, Сергей Львович ўзини бахтиёр ҳис қила бошлади: мерос туфайли у иттифоқо кам деганда бир ой эркинликка чиққан эди. Шу куни кечқуруноқ у ҳовлидан ғойиб бўлди.

Уруш вақти эмасми, ҳар ёқда тўнтаришлар бўлаётган эди. Бутун Москва бесаранжому ҳамма нарса омонат эди. Реляцияларга[2] қараганда шоҳ французларнинг адабини бераётган эди, фронтдан келганлар эса, аксинча, «французлар бизни янчиб ташлашади», дейишарди. Комиссариат ходимлари худди гангиганга ўхшаб юришарди: югур-югур, ичкиликбозлик, картабозлик авжида эди. Атрофда умумий жангарилик ҳукм сурар, бош қўмондон уйи олдига узоқ-яқиндан янги рескриптларни[3] билиш учун тўда-тўда одамлар келиб туришарди. Бонапарт телба экан, деган фикр тарқалган эди. Василий Львович Блэзга француз таомларини буюрмай қўйди. Умуман, ялпи бесаранжомлик кўзга ташланарди.

Сергей Львович яшил стол ёнида кечаси соат иккида ранги ўчиб, қовоғидан қор ёғилиб ўтирар ва ракомболга[4] иккинчи юзта-

---

[1] Илоё парвардигорнинг айтгани келсин! *(франц.)*.
[2] Маълумотнома.
[3] Мубораknома.
[4] Қиморнинг бир тури.

ликни тикканди. Унинг қўллари қалтирарди, келажаги ҳам бой берилгандай туюларди.

Ҳаммаси ошкор бўлишига, Надежда Осиповнанинг хабар топишига Сергей Львович гумон қилмас, лекин бу ҳақда ўйлашни истамас эди. Аввалига у эски улфатлари билан шунчаки ҳасратлашиб ўтирамиз, деб ваъдалашган эди, кейин бирдан раконболь бошланиб кетди, мана энди ўйин бошланиши билан тоқатсизликдан титраб-қақшаб, худди атайлаб қилгандай ютқазиб қўйиб, расво бўлиб ўтирибди. Қуриб кетгур давралар бири бирини қувиб келарди.

Соат тўртда у ютқазиқлар юзасидан тилхатлар ёзиб ўтирарди: «Юз — икки юз — беш юз сўм тўлашни бўйнимга оламан. Кун. Ой. Йил. Сергей Пушкин». Унинг иродасизлиги шу даражада эдики, нақ йиғлагудек аҳволда эди. Соат бешда у ҳамма тилхатларини қайтариб олишга муваффақ бўлди ва ҳатто озроқ юта бошлади. Лекин обдан ҳолдан тойган эди. Камоли мажолсизликдан ҳадеб сув ичарди. Бутун ўтган умри, оила бошлиғи ва итоатли эр сифатида кечирган ҳаёти бир зумда йўқ бўлди. Бутун ҳаёти ютқазишу шу тобдагиси эса ютуқ эди. Бир соатда унинг маънавий кучлари бир оз тикланди. У бошқа ўйнамасликка, агар ютқазадиган бўлса, урушга, жанг майдонига кетишга аҳд қилди. Ҳарбий одам учун Надежда Осиповнанинг қўрқадиган жойи йўқ эди.

Ошна-оғайнилари эрта билан шаҳар чеккасидаги Панкратьевнанинг исловатхонасида бир айш-ишрат қилиб келгани таклиф этишган эди, Сергей Львович бир оз сипогарчилик қилиб турди-ю, тағин ўзи эркинликнинг гаштини суриб қолишга рози бўлди. Панкратьевна семизгина кампир эди, Москва дарёси орқасида уйи бор эди, семиз-семиз қизлари бўларди, ёғлиқ шўрва пиширарди, ўзининг ибтидоий тўпорилиги билан донг чиқарган эди.

— Биққигина-я,— дейишарди Москва шинавандалари унинг қизларини мақтаб ва кўзларини юмиб олишарди.

Сергей Львович ўзининг мулозамати билан Панкратьевнада жуда ҳам ёқимли таассурот қолдирди. У қойилмақом шўрвани чинакам иштаҳа билан ичди.

Уникида пешингача меҳмон бўлди-ю, Сергей Львович ўзини-ўзи таниди. Ҳа, у қандайдир юмушлар ва оила учун эмас, дилкушо ҳаёт учун яратилган. Ютган пулидан яна оз-моз қолган эди, қайта санаб чиқди, сарфламасликка аҳд қилиб, яхши ниятлар билан кармонга солиб қўйди. Уйига у ғоятда сипо бўлиб гердайиб кириб борди. Надежда Осиповнага етиб бораман, деб бериб қўйган ваъдасини ўйламасликка ҳаракат қиларди: унинг турли ҳужжатлар тайёрлаш, тасарруфга кириш ва ҳоказо майда-чуйда расмий ишларга тоқати йўқ эди. Болаларга энди Арина қараётгани учун бу жиҳатдан ҳам ҳеч хавотирланмас эди.

Панкратьевнаникидаги Грушка деган қиз унга жуда маъқул

тушиб қолди. Эрталаблари унинг ҳузурига кириб турар, мезбонлар ҳам бундан қувонардилар: мабодо Поварскаяда ҳеч ким қабул қилмаса у дарров Тверскаяга буриларди; бутун Москва қаерда тушлик қилса, у ҳам ўша ерда, яъни чол билан кампир ҳузурида тушлик қилар, кечқурун эса Панкратьевнаникига боргиси келаверарди. Ёш такасалтанглар келиб, уни олиб кетишарди. Энди унга ҳеч ким халал бермасди.

4

Александрнинг онаси қаердадир жуда-жуда олисда, занжи бобосининг ерида эди. Ота-онаси занжи бобоси ҳақида гапирмаган бўлишса ҳам кўп нарсалар уни ғира-шира эсга солиб турарди. Александр ўтган-кетганларнинг ва болаларнинг синчковлигига ўрганиб кетди. Унинг юзи қорамагиздан келган, сарғиш сочлари жингалакланиб турарди.

Унга бобосини ўлган, дейишарди, энди у иккинчи марта ўлди. Ўша қора танли бобонинг тақдири уни ғоят қизиқтириб қўйди. Эндиликда уларнинг ўз ер-жойи, амлоки бор. Отаси у ерни мақтаб, ажойиб кўли бор деб эди. Онасининг қовоғи солиқ эди; у кичкинтойларнинг юзидан, унинг эса бошидан ўпиб жўнаб кетган эди. Энди у эркин қуш бўлиб қолди.

Саҳарлари аҳён-аҳёнда у қўрқа-писа келаётган отасини кўриб қоларди; отаси аллақаёқдан келиб, кабинетига пилдираб ўтиб кетарди. У отасининг қадам олишидан ҳар нарсанинг фарқига борар, отаси онасидан қўрқаётган пайтлари уйга шундай кириб келгувчи эди. Кечки пайт отаси ғойиб бўларди. Кабинет бир кун ҳам, икки кун ҳам бўш қолиб кетган пайтлар бўларди. У отасининг кабинетида худди истило этилган ёв қароргоҳида юргандай хўжайинлик қилишга ўрганиб қолди. Дераза токчаларида ивирсиб ётган бир талай китобларни ўқиб чиқди. Булар қисқа ва лўнда латифалар эди. у бевафоликларни, қиролларнинг ўткир жавобларини, Румо саркардаларини, ўйнашларини яширишни эплаган машҳур хотинларни билиб олди; Румо фоҳишалари луғатини варақлаб чиқди; унга ҳаммадан ҳам семиз Аристиппнинг маҳбубаси, эпчил Лаиса ёқиб қолди; у қатл олдида ҳам ўткир фикрлар айтиб кетган одамлар ҳақида ўқиди.

У танламасдан, тез ва шариллатиб ўқирди. Вольтернинг портретига қаттиқ қизиқиб қолди: чолнинг чўзиқ лаблари чўччайган, тунги оқ қалпоқли боши маймунга ўхшаб кетар эди: келиб-келиб шу одам донишманд, шоир ва қув эди; у қирол Фредерик устидан кулган ва умри бўйи муғамбирлик қилган.

Унга бир шеърий ҳикоя ҳам жуда ёқиб қолди. Шеърда, икки художўй кампир уйига қайтиб келиб ўрнига ётгач, у ердан паҳла-

вон йигитни топиб олишгани ва бир-бири билан муштлашиб кетгани ҳикоя қилинган эди. Бу иккиюзлама қариқизлар аммаси Анна Львовнага ўхшарди, онаси эса меҳмонларга худди Дезульер хонимга ўхшаб ноз-карашма қилар эди.

Шеър унга ҳамма нарсадан кўпроқ ёқарди, қофия бамисоли синоатнинг чинлигининг исботидай эди. У тез ўқир, мисраларнинг охирини кўздан қочирмас, ўзини бутунлай унутиб, қорача бармоқларининг учини тишлагани тишлаган эди. Бирор шарпани сезса, у китобни чаққонлик билан жойига тиқиб қўяр ва бўйнини чўзиб кўнгилсизликнинг олдини олишга ҳозирланар эди. Умуман, шу йилнинг кузида у бирдан ўзгариб кетди. Имиллаган лаванг юриши йўқолди: унинг ланж ва доимо илтижоли қарашлари эндиликда шўх ва қув бўлиб қолди. У етти ёшда эди.

Ниҳоят, у нарвончадан кабинетнинг энг юқори токчасигача етиб борди. Юқори токчада чарм муқовали кичкина китоблар турарди. У шуларни ўқишга киришди-ю, дафъатан унинг кўз олдида яна бир олам намоён бўлди. Ҳар бир аёлнинг ёқимли сирлари бўлар экан; ҳамма ҳар турли йўл билан бир-бирини алдаб юраркан; қизлар чўпонларни ёлғондакам ҳайдашар экан; аъёнларнинг жаноблари аломат бўлар экан; ўрмон илоҳлари аллақандай лаззатли ва мубҳам ниятлар билан маъбудаларни қувлаб юраркан; суворилар асов бияларни ҳолдан тойдириб минишаркан: овчилар ғаройиб илвасинни бир отишда узала туширар эканлар; Аннеттанинг саватига боғбон гул ўтказар экан; тунги зафарларнинг ҳисоби олиб борилар экан — дастлаб битта ғалаба, кейин икки ғалаба, сўнг уч ғалаба, ғалабаларнинг сон-саноғи йўқ экан,— буларнинг бари одамга кулгили туюларди. Одамлар эса бу асно лоҳасликдан сулайиб юришар, ҳамма ёқда қандайдир тунги жанг давом этарди. Аёллар тўғрисида аллақандай мамлакатни гапиргандай гапиришар, қир-адирлари, ўрмонлари, тоғлари, ғорлари, салқин-соялари бор номаълум давлат тўғрисида гапиргандай сўз юритардилар. У эътиқиб кетарди. Бу дунёда у билмайдиган қандайдир мўъжизалар борга ўхшаб кўринарди.

Энди, онаси кетгандан сўнг, унинг хатти-ҳаракатларига ҳеч ким тўсқинлик этмас, у хоҳлаган нарсасини қилаверар эди.

Зўриқмасдан ва чопиб бормасдан столга ирғиб чиқиш, ағдариб юбормасдан кресло оша сакраб ўтиш унга писанд эмас эди. У бир жойда ўтиролмас, сакраб туриб кетганини ўзи ҳам билмай қолар, у ердан-бу ерга ўтаётиб китобни тушириб юборар эди. У ҳовлида болалар билан копток ўйнар ва бекинган одамни тез топар ва тутар эди.

Қарийб бутун кунни у қизлар бўлмасида ўтказар эди. Арина аввал унга жавраб юрди, лекин ҳадемай тиниб қолди. Қизлар унга ўрганиб кетишди, у билан шоша-пиша саломлашар, унинг олдида Никита билан ошпаз Николашкани гапга солиб кулар, пиқиллашар эдилар. Улар узундан-узоқ ҳазин қўшиқлар айтишар, шунда уларнинг чеҳралари жиддийлашиб кетар эди. Ашулалари унга маъқул тушиб қолганини пайқаб, ҳар гал у келганда ўзига ашула айтиб беришарди. Оппоқ қор ҳақида, қайин ҳақида, читтак ҳақида шундай қўшиқлар айтиб беришди.

Бир куни Арина йўқлигида уларнинг энг шўхи Татьяна чопиб келиб уни қучоқлаб олди-да, қўйиб юбормади. Қизлар қийқириб кула бошладилар, лекин Арина кирди-ю, ҳамма жимиб қолди. Татьяна қип-қизариб кетди, Арина унга совуққина қилиб:

— Шошмай тур, сен Таньканн бойвуччага айтиб бермасам, юрган эканман,— деб қўйди.

Бир куни унинг уйқуси ўчиб кетди, шунда Аринадан Татьяна ашула айтиб берсин, деб илтимос қилди. Таньканинг қўшиқлари ўзининг эртакларидан кўра унга кўпроқ ёқиши Аринага қаттиқ ботди, лекин зарда билан тўнғиллай-тўнғиллай уйқусираган Татьянани яланг оёқ, сочлари тўзғиган ҳолда етаклаб келди. Таня унинг бошида сўзсиз, ҳазин-ҳазин куйлади, шунда у Танянинг кўкраклари очиқ ҳолда, уйқусираб эснашига ва нафас олишига қараб ётиб, кўзини юмди-ю, уйқуга кетди.

Тўсатдан унинг ҳаёти тўкис бўлиб қолди. Ойиси йўқлигида тантиқ Лёвушка ҳиқиллаб йиғлаб юрди. Юриш-туриши, бутун қилиқлари аммаси Анна Львовнага ўхшайдиган Олинька кунига неча марталаб, ойим шу ердамикин, деб отасининг хонасини очиб қарайдиган бўлиб қолди. Қиррабурун Николинька бурнини Аринанинг этагига суқиб, унга ёпишиб олди.

У бўлса, маза қилиб ўйнаб юрарди.

Энди уйқу олдидан ўрнида ётаркан, ёстиққа кўмилиб аста-аста узоқ кулар эди. Арина унга дили снёҳ бўлиб қараб қўяр, бола яна бебошлик қилиб қўйган, деб ўйлар эди. Унинг бебошликлари энди жазосиз қоларди; билинтирмай биллур графиннинг четини учирди; меҳмонхонадаги бобоси Лев Александровичнинг портретини коптоги билан пойлаб турнб бир урган эди, бўзи салқиб, бўёғи уқаланиб тушди. Арина тек қотиб қолди, лекин бу воқеа ҳам ўтиб кетди. Сергей Львович отасининг портретига аҳёнда бир қарарди, ҳеч нимани пайқамади. Арина бўлса:

— Девордаги бобо ҳатто кўзини қисиб юборди-я, тавба-эй,— деб қўйди.

Арина Александрни чўқинтираркан, аччиқланарди. Энди Арина тунлари эртак айтмас, эртак айтса, унинг уйқуси ўчиб кетарди. Эртакларни фақат оқшом пайтлари айтарди. У ҳеч қачон энага сўзини бўлмас, ҳеч нимани суриштирмасди. Бир марта Лёвушка унга халал берганида, уни дўппослаб ташлади.

Уйқу олдидан эса у масъуд жилмайиб қўярди.

5

Нарироқда Трубецкой-Қутилар яшашарди. Уларни иморатининг архитектураси учун шундай деб аташарди. Дарҳақиқат. Трубецкойларнинг шипшийдам ҳовлининг қоқ ўртасида қаққайиб турган квадрат шаклли уйи хиёл қутини эслатиб турарди. Москва ҳаммага ўзича бир лақаб қўйиб оларди. Уй — қути, Трубецкойлар бўлса, Трубецкой-Қутилар бўлиб қолишган, Трубецкой чолни эса шунчаки Қути деб атайверишарди. Бу лақаби билан у севимли операси бўйича Тарар деб аталмиш бошқа Трубецкойдан ва Василиса Петровна деб аёл лақаби олган учинчи Трубецкойдан фарқ қиларди. Трубецкой-Қутиларнинг уч авлоди ўз Қути — уйларида истиқомат қилишарди; бурни катта қотма чол жуда мункиллаб, қулоғи оғир бўлиб қолган эди; бутун уйни унинг қирқ ёшли қари қизи Анюта бошқарарди. Александр кўпинча сайр қилиб юрган пайтларида Николинька Трубецкойнинг ўз тарбиячиси билан бирга айланиб юрганини кўрарди. Улар танишиб қолдилар, аммаси Сергей Львовичга илтифот билан бир хат ёзиб юборди-ю, Александр шу-шу Трубецкойларникига бориб турадиган бўлиб қолди.

Николинька Трубецкой паст бўйли, ялқов ва хўппасемиз, лимондай сап-сариқ бола эди. Кекса бобо ёшини яшаб бўлган ва салга қаттиқ совқотиб кетарди, шу боисдан қишлари уй ичидагилар тинимсиз ўт ёқишар, ёзда эса деразаларни очишмас эди. Хизматкорлар уйда худди уйқусираган пашшадай тентираб юришарди. Қутининг ичи жимжит, дим ва зерикарли эди. Ёшлар ҳам чол билан биргаликда қариб қолганга ўхшашарди. Николинька копток ҳам, қувлашмачоқ ҳам ўйнамас, у ширинликларга ўч, ширинтомоқ эди, меҳрибон аммаси уни тўйғазиш билан овора эди.

Чол камин ёнида ўтирарди; куз ҳали кирганича йўқ, у бўлса ҳалитдан совқотарди. Гаранглигига, қартайиб қолганига қарамасдан у сергап ва қизидан бўлар-бўлмасга ҳисоб-китоб талаб қилаверарди. Бир дафъа Александрни кўриб қолиб, у қизидан баланд овоз билан сўраб қолди:

— Бу ким?

Пушкин деган номни эшитиб, чол худди ўшандай қаттиқ гапириб суриштириб кетди:

— Мусинми? Бобришевми? Брюсми?

Қизи гаранг отасига сал ғижиниб жавоб қилди:

— Йўқ, mon père[1], Пушкин, х о л о с.

Чол ўйланиб қолди. Кейин эса ҳамон ўша бўғиқ, чарсиллаган йўғон овоз билан сўради:

[1] Дадажон *(франц.)*.

— С о б и қ Пушкиннинг ўғлими?

Қиз хўрсиниб қўйди-ю, бу — қўшнилари Сергей Львовичнинг ўғли бўлишини айтди.

Шунда чол ўйлай-ўйлай ниҳоят эслади:

— Э-ҳа, назмчини дегин!

Мўйсафиднинг овози кулгили бир нарса эсига тушиб кетган одамнинг овозига ўхшарди. Афтидан, у Сергей Львовични эслармас, лекин Василий Львовичнинг нимасидир хотирида эди.

Бир-икки дақиқадан сўнг меҳрибон аммам кичкинтойлар қандай кўнгил очишаётганини кўргани болалар хонасига кириб борганида, Александр Николинькага миниб олган эди, у отини елдириб учиб кетаётган чавандозни, Николинька бўлса тўрт оёқлаб чидам билан чопаётган итоатли отни ифодалаётган эдилар.

Аммага бу ўйин ёқмади.

Кечқурун Александр отасидан, собиқ Пушкинлар ким, деб сўради. Сергей Львович талмовсираб қолди-ю, ўғлидан собиқ Пушкинлар ҳақида унга ким гапирганини дўқ уриб сўради. У ҳар қандай бемаъни гапларни валдираб юришга журъат қилган ўша Николашка, Грушка ва Татьянкаларнинг боплаб таъзирини бериб қўяди. Ҳеч қандай собиқ Пушкинлар йўқ, бўлмаган, бўлмайди ҳам, у ҳар қандай собиқ Пушкинларни тилга олишни ман этади. Буни Трубецкой чол гапирганини билиб, Сергей Львович тишлари орасидан писанд қилмасдан:

— Оббо, бу шўринг қурғур Қутимиди! У шўрлик қариб қолди!— деди-ю, бармоғини пешонасига теккизиб қўйди.

Кейин худди ўшандай тишлари орасидан менсимай ўғлидан янги ўртоғининг унга маъқул бўлган-бўлмаганини сўради.

Александр пиқиллаб кулиб юборди ва:

— C'est un fainéant, танбал,— деб жавоб берди.

Сергей Львович ўғли жирканиб гапираётганини кўриб, ҳайрон қолди. У ўғлига мамнун бўлиб қараб қўйди.

6

Надежда Осиповна ўз тасарруфига кирди. Қаролларнинг ҳаммаси янги кўйлакларда ерга қараб, икки букилиб, таъзим қилиб турарди.

У ҳеч қачон помешчик бўлмаган эди. Бутун ёшлигини у онаси билан пойтахтда, Преображенск полкида, кичикроқ уйда ўтказган эди. Гвардиячиларнинг бирор базмига ойда-йилда бир борарди. Қашшоқликнинг аччиқ-чучугини ҳеч кимга билдирмай кун кечирган эди. Базмга бориш, ҳар гал икковини — қизни ҳам, онасини ҳам ғам-аламга ботирарди. Ўзининг норасида палласи ўтган Суйдани эсламас, қишлоқ турмуши унга нотаниш эди. Шунинг учун ҳам у

ўзига бегона ота уйига чўчинқираб қадам қўйди. Похол ёпилган, кулранг бу уй унинг юрагига қўрқув соларди. Одамларга у жиддий ва тунд боқарди. Қари арабнинг ҳарамидаги қизлар ундан қочиб, беркиниб олишди.

Унга уй омборхонага ўхшаб кўринди: ҳеч қаерда ҳашаматдан асар ҳам йўқлиги у ёқда турсин, хоналарнинг ўзи ҳам қуп-қуруқ эди. Надежда Осиповна таажжубда қолди: болалигидан у отасини бадавлат одам деб ҳисоблашга ўрганиб кетган эди. Отаси жон берган хонада креслолар олдида ичилмаган дорили шиша, бир идиш ичиб тугатилмаган вино, битта ликопча; бир тўп бўлиб уюлиб трубка, тамаки ўрами, қирқ йил илгари расм бўлган шоҳи бўйинбоғ, айниган рангсиз сиёҳ билан хат битилган ярим чирик қоғоз парчалари; ёнида эса чанг босган, шоҳ гасма билан боғланган катта қуриган гул турарди. Палашка ғайрат қилиб, бу лаш-лушларнинг ҳаммасини каравот курсисидан ағдариб қўйган эди. Гулдан қуриган пичан иси анқиб турарди.

У отасининг қоғозларини ўқиб чиқди. Булар қандайдир тасодифий ҳисоб-китоблар ва мактублар эди.

«Кумуш чой идиш, олмос кўзли узук, яна тағин мушук кўзли узук учун жами яна етмиш сўм пул қолган».

«Муҳтарам афандим Иосиф Абрамович!

Ўтган сешанба куни қарорни ололмаганим ва секлетарь пайшанба куни келинг, деганидан бери қарор борлигига шубҳаланиб қолдим. Шу важдан ишни олиб бориш учун мени маблағ билан таъминлашингизни илтимос қиламан, ўз амрингизга кўра илгари секлетарга берилган пул сарфланиб бўлди. Расмий талоқ ҳақида ҳеч гап айтмаяпти, маълумот ҳам бермаяпти».

«Дўстгинам, бебаҳо шайтоним, мен бугун сенсиз тун бўйи мижжа қоқмадим, суякларим зирқираб, қўлларим шалвираб кетяпти, мени адойи тамом бўлган деявер...»

«Лекин бу қилиғингиз-ку, Сизнинг энг тубан одамлигингизни фош қилиб турибди. Мен, тақсирим, сенинг қандай золим, қўрқоқ ва номардлигингни уқиб олдим ва буни яхши биламан, энг ландавур боланинг қўлидан ҳам бу иш келмаган бўларди...»

Столда нимаики ётган бўлса ҳаммасини у печкага отди; қурига гул чарсиллаб уқаланиб кетди. У дарров Палашкани чақирди да, хоналар тартибини ўзгартиришга фармойиш берди — отасининг кабинетини меҳмонхонага, меҳмонхонани эса ўзига ётоқ қилди. Қизлар янги похол тўшаклар қоплашди, янги сўри келтиришди. У отасининг каравотида ухлашни истамади. Жавонни конадан судраб чиқариб ташлашди, лекин жавон оёқларининг полга ботиб кетган излари қолди ва бу нарса узоқ ўтмиш нишонасидай унинг кўнглини ғулғулага солди.

Эрталаб у кўзини очар-очмас қўнғироқлар жиғирлаб қолди:

земство маслаҳатчиси билан котиб қадам ранжида қилибди. Улар кун бўйи қўргонда санқиб юришди, узун газчўп билан ҳаммомни ва аллақандай буталарни ўлчаб чиқишди. Надежда Осиповна буларнинг ҳаммасига деразадан ташвишланиб қараб турди. Котиб денгиз артиллерияси капитани Иосиф Аннибалнинг ўлик ва тирик молларининг рўйхатини олди. Аллақаердан холис бир гувоҳ ҳам етиб келди, қўллари титраб актнинг тагига имзо чекди. Гувоҳ ўзи қийшиқ одам экан, у катакон ити билан келиб, итини пешайвонга боғлаб қўйган эди. Надежда Осиповнага у ўзини истеъфодаги ёрдамчи зобит Заттепленский деб таништирди. Қўшни қишлоқда туришини, майда-чуйда хизматларга доим тайёрлигини билдирди. Кейин одатга кўра улар дастурхонга ўтиришди ва Палашка уларга ароқ келтириб берди. Кечга яқин маслаҳатчи бўшашиб қолди ва стол тагига ағдарилиб тушди. Холис гувоҳ унинг бошидан сув қуйиб, Палашкага кайфи тарқагунча ҳаммомга элтиб қўйишни буюрди. Эртасига эрталаб маслаҳатчи билан котиб жўнаб қолишди, холис гувоҳ бўлса итини ечиб олиб, Надежда Осиповнага таъзимлар бажо айлаб, қўлини ўпиб, жўнаб кетди.

— Қоринлари ёрилгунча сўришни билади бу эзулуклар,— деб қўйди уларнинг орқасидан Палашка. У марҳум Осип Абрамовичнинг гапини такрорлаётган эди.

Унинг маслаҳатчини ичкиликбозликда айблаши бежиз эмас эди. У Пётр Абрамовичнинг арағу майларининг доимий чашначиси эди.

Надежда Осиповна ҳам Сергей Львовичга мунтазирликда помешчик хотин бўлиб яшай бошлади. Бунинг қийин жойи йўқ экан. Худди шаҳардагидек, бу ерда ҳам чўри қиз чойни унинг тўшагига келтириб берарди, у деярли тушгача ухларди, кейин Палашка билан тушлик овқат устида гаплашиб оларди, кейин қўшни йигитлардан битта-яримтасини учратиб қолиш илинжида айланиб сайр қиларди, у ёғига тушлик қиларди, сўнг тушликни танқид қиларди, кейин эса ҳордиқ чиқараради. Шу ернинг ўзида, Петровскоеда истиқомат қилгувчи амакиси Пётр Абрамович ҳанузгача эски гап-сўзларни унутолмай кек сақлаб, жиянининг ҳузурига келмас, Надежда Осиповна ҳам аммасиникига бормас эди.

Тез орада у қўшнилар билан танишиб олди — Рокотовлар билан Виндомскийлар уни меҳмонга таклиф қила бошладилар. Рокотовлар беш чақирим нарида истиқомат қилишар, эр-хотин иккови ҳам ўта қурумсоқ, хотини — русчани французчага ўхшатиб минғиллаб гапирадиган, димоғдор бойвачча эди; эри чийилдоқ, ниҳоятда бачкана киши эди; уларнинг зиёфатидан одамнинг кўнгли кетар эди. Қария Виндомский бўлса, тул киши эди, шундоққина қўл узатса етадиган Тригорское қишлоғида яшарди. Унинг Тверь помешчиги Вульф хасмидаги ёшгина қизи шу кунларда меҳмонга келган эди.

Сергей Львовичнинг ҳануз дараги йўқ эди. Михайловское совуқ, ҳувиллаб ётарди, Надежда Осиповна сиқилиб кетди. Ҳамма нарсадан кўнгли совиди. Тригорскоега оёғи тортмай қолди, у уйга, она ўзининг мулкларига ўргана олмасди — назарида у ўзини бегона уйга кириб қолгандай ва ер-мулкни тез орада ўша Псковда яшайдиган ёвуз Толстиха тортиб оладигандай туюларди. Кўп қишлоқлар бор бўлса ҳам йўққа ўхшар эди. У Сергей Львовичдан, унинг келмаётганидан, уни шу тупканинг тагида ёлғиз ўзини ҳимоясиз ташлаб қўйганидан қаҳрланарди. У уқубатли, бу тарафларга — Псковга хос бўлмаган мусофирхона қора ҳасратини чекиб эзила бошлади. Оқшомлари ўз хонасида кўзларини хиёл юмиб ўтирарканг, у тирноқ ва бармоқларини тишлар ва йирик-йирик мубҳам кўз ёшларини оқизиб йиғлар эди. Уй қирғий талаган товуқхонадай жимжит бўлиб қолди, ҳали ўз қисматини кутиб ётган чолнинг ҳарами ҳам писиб ётар эди.

Шу орада ҳайит бўлиб қолди-ю, уддабурон Палашка бир қаторга келди. Ҳамма чўри қизлар ясан-тусан қилиб бойвуччани зиёрат қилгани келишди. Надежда Осиповна уларни кутиб олгани ташқарига чиқди ва уларга лорнет билан эснаб-эснаб қараб қўйди. Қизлар таъзим қилишди-да, рақс бошлаб юборишди. Надежда Осиповна креслоларни чиқартириб ўтириб олди. Ориқ ва новча бир қиз туйқусдан ўртага тушди ва оёқларини дупурлатиб, елкаларини қимирлатиб йўрғалаб кетди, унинг орқасидан иккинчиси, учинчиси ўйинга тушди. Улар чолнинг ичмаган ва ланж чоғларидаги каби авжига чиқмасдан сузиб рақс қилишарди. Қароллар худди илгаригидек доира бўлиб нариоқдан қараб туришарди; ҳамма жим, чунки чол даврида гап-сўзларга одатланмаган эди. Надежда Осиповна лорнет билан қараб ўтираверди. Секин-аста унга жон кирди, буруи катаклари уча бошлади, юзига эса қизил югурди. Зодагонлар авзойига қараб иш кўришга одатланган чўрилар авжига мина бошлади. Ҳаво очиқ, ғир-ғир шабада эсар, чор атроф сокин эди. Лорнет билан қараган кўйи қимир этмай ўтирган Надежда Осиповнанинг тўрттала мучаси, кўзлари, лаблари, елкалари бирдан рақс қила бошлади, бурун катаклари пир-пир учиб, қизлар учун пирог буюртирди. Кўнгилғашлиги тарқади.

Қария Виндомский билан маслаҳатлашиб фармойишлар берди. Палашкани паррандахонага жўнатди, ҳарамни бекор қилди, яна чолнинг маслаҳати билан иш бошқарувчи қилиб қўли қаттиқ ва мудаббир бўлган холис гувоҳ ёрдамчи зобит Затепленскийни тайинлади. У киши ўз ити билан ердан чиққандай бирпасда ишга тушиб, энг иссиқ жой сифатида вақтинча ҳаммомни эгаллади.

Қароллар Надежда Осиповнани ер-кўкка ишонмай, то қишлоқ чеккасигача кузатиб қўйишди; икки чўри қиз пешбанди билан кўзини артган бўлиб йиғлашди, лекин дарров яна юпанишди ҳам.

Надежда Осиповна шоду хуррам бўлиб, бир ҳафтадан кейин Бутурлиноникида рақс тушишини ўзи ҳам билмай жўнаб кетди.

7

Марья Алексеевна баҳоргача қолиш шарти билан куёвиникида Надежда Осиповнага ташлаб кетган ошпаз Николашка қочиб кетди.

У Пушкинларнинг қароллари орасида кўзга кўринган шахс эди. У оз ва базўр гаплашар, ўзи гапга нўноқ, ҳар куни соқол-мўйловини олиб юрар эди. Унга ҳеч ким бақирмас эди; бир марта Марья Алексеевна Николашка гозни пишираётганда тагига олдиргани учун шапалоқ тортиб юборишига сал қолганди — ошпаз ишша мунчоқдай нурсиз ва маъносиз кўзларини ола-кула қилиб қараб қўйгани учун, ўшанда Марья Алексеевна уришга журъат этолмаган эди. Қизлар ошпазни иззат қилишар ва орқаворатдан Николай Петрович деб аташар эди.

Оз-оз бўлса ҳам тез-тез ичиб, охири доим кайфи чоғ юрадиган Никитанинг акси ўлароқ, Николай Петрович шаробга қайрилиб ҳам қарамас эди.

Надежда Осиповнанинг келишидан сал илгарироқ Сергей Львович ютқазиб қўйган пулларини ҳисоблаб чиқди-да, рафиқасига ўзини оқлаб кўрсатмоқчи бўлди. У пул ютқазгани очилиб қолишини билар эди. Шу тариқа у ўғри ахтара бошлади. Ҳадемай ўғри топила қолди — Николашка ҳаддан ташқари кўп харажат қилиб юборган; хонаки мой ачиб, мол гўшти билан парранда гўшти ҳиди қолгани баҳонасида ошпаз дўкондан гўшт сотиб олаверган ва ҳоказо.

Сергей Львович уни чақириб олди ва дарғазаб бўлишга ҳаракат қилиб, тупук сачратиб, унга ўғрисан, деди. Николашка унга бетидан олмади, Сергей Львович ҳовлидан одатдагидан тезроқ чиқиб кетди.

Кечқурун Александр қизлар бўлмасига ўтиб кетаётганда, қаролхонада хониш овозини эшитиб қолди. У эшикни қия очди. Ранги ўчган, янги сертук кийган Николай стол ёнида ўтирар, олдида эса бўш штоф турарди. У бир оҳангда, узун, сўзсиз қўшиқ айтаётган эди. Бу юракнинг туб-тубидан отилиб чиқаётган ҳазин бир фарёд, тасаллисиз қалбнинг оҳи эди гўё.

У маъносиз, лекин равшан кўзларини Александрга қадаб, мийиғида кулди-да, кўзини қисиб, ҳуштак чалиб қўйди.

— Сизлар, Пушкинларнинг уруғингизга ўт тушади,— деди у шошмай.— Сен ёниб кул бўласан! Қараб тур ҳали!

У имиллаб ўрнидан қўзғалди. Александр қўрқиб, ортига тисарилди.

Икки кундан кейин Николай чиқиб кетди-ю, қайтмади. Бутун қароллар тилини тишлаб юрарди. Сергей Львович полицияга хабар берди ва жуда серғайрат бўлиб қолди. Оғзидан ўғрилик ва қочқликдан бошқа гап чиқмас эди. Кечқурун буларникига бош тиққан Анна Львовна бу гапларни эшитиб, узоқ чўқинди, Сергей Львовични ҳам чўқинтириб қўйди — ахир бу Николашка ҳаммани чавақлаб кетиши ҳам мумкин эди-я.

Кечқурун Александр Аринадан Николайнинг қаерга кетганини сўради.

Бирмунча вақтдан бери у ҳеч нимадан қўрқмасликни ўзига одат қилиб олган, лекин Николашканинг бир нуқтага тикилиб қолган, одамни бир хил қилиб юборадиган кўз қарашлари ва рус қўшиғи оҳангидаги аламли оҳи Александрга ғалати таъсир кўрсатган эди.

Арина қўлларини ёйиб қўйди:

— Польшага. Қаёққа борарди? Энди ҳамма йўлтўсарлар Польшага кетишяпти. Пичоқни қўнжига тиқди-ю, ҳайё-ҳув деб кетди-қолди! Кейин қарабсанки, барқут чопонли тўра бўлиб қайтиб келиб ҳам қолади.

Сал вақт ўтгач, Надежда Осиповна келди.

8

Надежда Осиповна бир бало бўлганини олдиндан сезган эди; усиз ҳам ҳамманинг куни яхши ўтаётганини кўриб, у ҳам таажжубланди, ҳам ранжиди. Уй-жой унга бегонадай бўлиб қолган, ҳаммаси унга ғалати туюларди.

Николашка Сергей Львовичнинг дастидан қочиб кетган; буниси равшан эди. Сергей Львовичнинг гуноҳкорлиги кўзларидан кўриниб турарди; уйда бутунлай пул йўқ эди. Сергей Львович ҳамма нарсани муттаҳам Николашкага — ce faguin de Nicolachka[1], шум қизларга — ces friponnes de Grouchka et de Tatjanka[2] ва ярамас Никишкага — ce coguin de Nikichka[3] тўнкар эди. Бироқ ҳадемай ҳаммаси очилди-қўйди: аблаҳ йигитларнинг биридан Сергей Львовичга таклифнома келиб қолди, хатда Панкратьевнанинг маълум ишратгоҳига фалон соатга етиб боринг, деб ёзилган эди; тасодифнинг шумлигини қарангки, хат Надежда Осиповнанинг қўлига тушди.

Бу кун даҳшатли бўлди; болалар ин-инига кириб кетди, қаролларнинг қораси ҳам кўринмай қолди. Надежда Осиповна стол олдида Сергей Львович билан яккама-якка ўтирар ва индамай идиш синдирарди. Қаҳри келганда, у қўрқинчли тус олиб, юзи тош бўлиб кетар, оқармаса ҳам, ҳар қалай бўзариб, юзида қон қолмас эди: кўзлари сўник, лаблари дағал, тинимсиз валдирар эди. У лимкоп кетидан лимкопни ерга урарди. Сергей Львовичнинг графини ҳам чил-чил синиб, шароб полга тўкилганда, у қўрқувдан, алам ва ғазабдан қалтираб, бирдан қутуриб кетди, у ҳам ҳурпайиб, столдаги қадаҳни улоқтирди. Бу Надежда Осиповна учун кутилмаган ҳол эди.

— А-ҳа, сиз идиш синдирадиган бўлиб қолдингизми?— деди у ранги ўчиб, қўрқинчли ва хотиржам алфозда.— Сиз ўша chez votre Pankratievna[1] идиш синдиринг,— Надежда Осиповнанинг кўзлари ола-кула ва қонталаш бўлиб кетди.

Сергей Львович секин ўрнидан туриб, бошини орқага ташлади. Унинг бутун қоматида фавқулодда бир салобат бор эди. Надежда Осиповна тошдек қотиб, унга қараб турарди.

— Mon ange[2],— деди Сергей Львович чийиллаб, лекин тантанавор оҳангда зўрға нафасини ростлаб,— мен урушга кетаман, жанг майдонига.

Надежда Осиповна каловланиб қолди. У синган идишларга кўз ташлаб қўйди; эрининг хатти-ҳаракатидан боши қотиб қолган эди. У Сергей Львовични ҳарбий бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмас эди,— у ҳолда Надежда Осиповнанинг ҳокимиятидан номнишон ҳам қолмайди, ёлғиз ўзи овқатланишга мажбур бўлади. Устига-устак қўлида бир этак бола билан ўзининг бева қолиши тўғрисидаги фикр унинг ўтакасини ёрар эди; бошқа жиҳатдан қараганда, борди-ю, Сергей Львович ҳақиқатан урушга боришни ният қилган бўлса, бу нарса унинг Панкратьевнаникидаги қилмишларини қисман оқларди. Ҳамма ҳарбийлар ўзларини эркин тутардилар. Сергей Львович нафасини ростлаб олди. У шошиб даҳлизга чиқди, казак болага бақириб, шинелни келтиришни буюрди ва ҳовлидан чиқиб кетди — балким шу кетишда бирор полкка жойлашар.

Надежда Осиповна бир ишониб, бир ишонмасди. Олифтагарчилик қилаётгани учун эридан ва эрини ҳаракатдаги армияга бош олиб кетиш даражасига олиб боргани учун ўзидан аччиқланар эди. Ҳаммасидан ҳам гуноҳкор бўла туриб эрининг ғолиб чиққани, ўзининг эса аҳмоқ бўлиб қолгани алам қиларди.

Надежда Осиповна бўрондай қизлар бўлмасига югурди. Қизлар миқ этмай ўтиришарди. Тўсатдан у қизларнинг ичида бурчакда Александр ўтирганини кўриб қолди-ю, кўзлари ола-кула, жиғибийрон бўлиб кетди. У йўғида эри ҳам, ўғли ҳам янги қилиқ-

---

1 Бу муттаҳам Николашка *(франц.)*.
2 Бу шум Грушка билан Татьянка *(франц.)*.
3 Бу ярамас Никишка *(франц.)*.

1 Панкратьевнангизникида *(франц.)*
2 Фаришта м *(франц.)*.

лар чиқариб олишибди. У ўғлининг гирибонидан тутиб, кўтаргундай қилиб хонадан судраб чиқиб кетди.

Ётоқхона остонасида у Арина билан тўқнашиб қолди. Арина-нинг рангпар тортиб кетган юзи хотиржам эди, кўзлари дарров сўниб, ич-ичига тушиб кетибди.

Надежда Осиповна уни елкаси билан туртиб юборди, Арина оҳ тортиб эшикнинг кесакисига суяниб қолди.

— Ифлос!— деди Надежда Осиповна, унга қарашга ботинмасдан.

Кейин Арина ўзини эшикдан нари олиб, она билан ўғилни ўтказиб юборди.

Улар ичкарига кириб, эшик ёпилгач, у яна озгина қаққайиб турди.

— Қамчи!—бақирди Надежда Осиповна.

Арина чўқиниб нари кетди. Қаролхонага кириб, курсига ўтирди, у қаддини ғоз тутиб қўлларини тиззаларига қўйиб ўтирди. Бойвуччанинг шовқин-суронидан шошиб қолган казак бола қамчи кўтариб, югуриб ўтиб кетди: Арина баттар оқариб, юрагини чангаллаб қолди.

Надежда Осиповна то ҳолдан тойгунча ўғлини обдан савади. Ўғил индамасди. Кейин нафасини ростлаб, ўзини ёстиққа отди-ю, тўлиқиб ухлаб қолди. Арина қоронғи қаролхонада яна узоқ ўтирди. Кейин у ўз сандиқчасини титкилади, бир шиша ароқ топиб томоғини ҳўллади; сал енгил тортди; кейин у яна ичди; кейин бир томчи ҳам қолдирмади. Фақат шундан кейингина сархуш бўлиб, у ёқдан-бу ёққа гандираклаб кўзларидан снйрак майда ёшлар томизиб йиғлаб юборди.

ОЛТИНЧИ БОБ

1

Кузда ҳам, қишда ҳам Сергей Львович урушга кетмади. Энди уруш французлар билан ҳам, турклар билан ҳам бўлмоқда эди. Москва чоллари бу ҳақда кесиб-кесиб гапиришарди. Наполеон устун келмоқда эди, давлатпаноҳ, хабарларга кўра, йиғлаётган эди. Бош қўмондон, мўйсафид генерал Каменский ҳар маълумотида ўзини бу вазифадан бўшатишни тавалло қиларди, кейин кўп ўтмай, мишмишларга қараганда, армиядан ростданам қочиб кетган эди.

Ҳар куни қасидалар ёзилиб, нашр қилинарди, улардан бир талайлари шаҳар ҳокимига бағишланган эди, охири бу қасидалар

ҳамманинг кўнглига урди. Сергей Львовичнинг ҳамма қатори қасидадан кўнгли совиди.

Бу асно Москвада маскарадлар авжида, уларнинг бирида Сергей Львович билан Надежда Осиповна соҳибжамол Кафка хоним деб икки ошно орасида содир бўлган аломат муштлашувнинг шоҳиди бўлишди; иккалови ҳам бир-бирининг сочига чанг солиб олган эди. Бу ҳол ўта кулгили бўлса ҳам эр-хотин оз кулишди, негаки аразлашиб юрган эдилар.

Қишда Александрга гувернёр олинди. Тарбиячини узоқ танлашди, ниҳоят, Александрни тарбиялашга кимсан граф Монфорнинг ўзи бел боғлади. Дарвоқе, бу энди илгариги Монфор эмасди. Бунинг бурни чўччайиб қолган, панталонларини мой босган, кўксидаги ғариб жабоси тўзғиб кетган эди; у илгаригидек тавозели, лекин деярли ҳар вақт қуюшқондан ортиқ хушчақчақ ва эзма эди. Кечқурунлари у бир оз сивизга чаларди. У Александр билан бир хонада ётарди, бола ҳам ўз тарбиячиси билан иноқлашиб кетди. Александрнинг шўхликларини француз бажонидил афв этаверарди.

Улар Москва кўча-кўйларида ва боғларида кўп сайр қилишар ва француз унга бидирлаб тўхтовсиз гапирарди. Ҳадемай Александр маркиз Данжодан тортиб, француз саройининг ҳамма можаро ва кулгили воқеаларидан воқиф бўлди.

Француз эрта билан туриб, шифобахш бальзам ичар, шундан сўнг кайфи чоғ бўлиб кетарди; сивизга чалмагудай бўлса, бальзамни кечқурунлари ҳам ичарди; иштиёқ билан қоғоз парчаларига мияга келган жамики нарсаларнинг суратини, кўпинча Париждаги ўз маҳбубаларининг бошлари ва оёқларининг расмини чизиб ўтирарди: бошлар бир-бирига ўхшаш, оёқлар эса ҳар хил чиқарди.

Кунлардан бир кун у болага икки подшоҳликнинг барча машҳур муборизлари ҳақида сўзлаб берди. Уни ўзидан уч қадам нарида турғизиб қўйиб, ўзини мудофаа қилишга ўргатди. Уларнинг қиличи йўқ эди, лекин Монфор қизишиб кетганидан Александрга қараб:

— Сиз ўлдингиз!— деб бақириб юборарди.

Умуман, у Париж кибор жамияти, театри ҳақида Александрга кўп ҳикоя қиларди, бир марта эса бальзам ичиб олгач, бошини солинтириб, йиғлаб юборди.

2

Кўкламда бутун уй ичи Захаровога, бувиси Марья Алексеевнаникига кетди. Михайловское олис, нообод, у ерда буларга ҳеч кимнинг кўзи учмас эди ҳам.

Бу Александрнинг ҳаётидаги биринчи саёҳат ва биринчи қишлоқ эди. Извошчи ҳадеб бош-кети йўқ бир қўшиқни куйлар, отларга қамчи босарди, кейин хилма-хил чақиримлар, гоҳ-гоҳ мўрисини йўқ қора кулбалар кўзга ташлана бошлади, чор атроф эса адир, дала ва бутазор эди, ҳамма ёқ шипшийдам, ҳозиргина ёмғир ювиб ўтганди. У бу нотаниш музикани — ғилдиракларнинг ғижири ва извошчининг қўшиғини ҳарислик билан тинглар, ҳамма янги — қорамой, тутун, шамол исларини дамига тортади. Қора бароқ итлар тишларини иржайтириб жон олиб, жон бериб ҳуриб ётарди.

Бу ўша отаси билан амакиси баъзида сўкиб турадиган пасту баланд, лой, қоровулхоналари кимсасиз катта йўл эди; помешчикларнинг иморатлари тепаликларда кунгурадек оқариб кўринарди.

Александрни йўлда ҳеч ким панд-насиҳатлар билан безор қилмади. Йўл қоқиб қўйган француз бальзам таъсирида мудраб борарди.

Аравада юриш Александрга ёқиб қолди — унга қолса, у ҳеч аравадан тушмаган бўларди; ўнқир-чўнқирларда дўқирлатиб ҳаммани иргитиб ташларди.

Надежда Осиповна бутун қиш оғиз очмади.

Сергей Львович жавоб олмаслигини била туриб, ҳар қалай, умидворлик билан ширин гапиришга ҳаракат қилар ва:

— Жонгинам, Леберниинг китобчаси қаерда, эсингдадир, кичкинагина китоб, мен тунов куни ўқиб юрган эдим-ку, тополмаяпман, Александр олмадимикан?— деб сўрар эди, лекин хотини унга совуқ қараб қўяр, индамас эди. Ҳатто ўша китобчани Александр олгани ҳам уни қизиқтирмас эди. У жим юришга уста эди. Сергей Львович хуноб бўлиб ҳолдан кетиб борар, унга совға-саломлар ташир эди. ҳатто бир гал охирги пулига фермуар ҳам келтириб берди; ёки бўлмаса, бўлак нарсалар билан эътиборини жалб қилишга ҳаракат қиларди — овқат пайти парранда ҳидланган экан, дер, хўрсиниб ликопини нари суриб қўяр, паррандани тановул қилмасди. Музлатилган паррандани ўзи олиб келган ва дамасди. Сергей Львович у билан нуқул оҳ-воҳлар воситасида сўзлашарди, унинг оҳ-воҳлари ҳам ҳар хил бўларди — дам оҳиста ва ич-ичидан оҳ урар, дам пичирлаб уҳ тортар, дам барала, шоша-пиша дод-вой кўтариб қоларди.

Йўлда уларнинг бир-бирларига нисбатан хийла кўнгиллари юмшаб қолди. Захаровога яқин қолганда Надежда Осиповна яна терсайиб олди; Звенигородга етай дейишганда Сергей Львович нақ эриб кетгудай бўлди, чунки балконда бир ойимқиз ўтирган бўлиб, ғоят ингичка овоз билан ашула айтарди:

Умидларим этсанг-да пайҳон,
Эҳтиросли қалбимдасан сен.

Надежда Осиповнанинг юзлари хол-хол бўлиб кетди, кўзлари хиралашиб, кўкси кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. У Сергей Львовичнинг бетига кўз узмасдан, еб қўйгудай бўлиб тикилиб қолди. У хотинининг тикилаётганини пайқаб, сиқилиб кетди, тескари ўгирилиб, извошчига бепарво гап қотди:

— Ҳайда, ҳайда, ухлаб қолдингми!

Хотини рашки келганда қўрқинчли бўлиб кетар, қўли эса қаттиқ ва оғир эди.

Ашула Сергей Львовичга маъқул бўлганини пайқаб, у тишлари орасидан сизғириқ чиқариб деди:

— Ҳозир ҳеч ким айтмайдиган эски қўшиқ! Тағин чивинга ўхшаб ғинғиллашини-чи!

Захаровода бутун оила ҳар қаёққа тентираб кетди. Сергей Львович французча китобини олиб, дарахтзорда айланиб юрарди. Дарахтзор катта эмасди, лекин у ерга мева тергани чўри қизлар оралаб туришарди. Надежда Осиповна ҳовуз ёқасида ўтирар ва соатлаб сувдан кўзини узмасди. Унинг нималарга эътибор бераётгани қароллар учун сир бўлиб қолаверди. Александр эса тарбиячиси билан йўлларда санқиб юрарди. Марья Алексеевна ҳайрон бўлиб қўлларини ёзарди:

— Ҳаммаси ҳар ёққа кетганини қаранглару!

Болалар соҳиблар уйидан четда, харобгина флигелда яшардилар. Катта хонада Олинька укалари билан турар, Александр ҳамда Николай билан гувернёрнинг алоҳида хонаси бор эди.

Қиррабурун, заҳилгина, хушрўйгина Олинька мунофиқ эди. Аммаси Анна Львовна уни эрталаб ва уйқу олдидан дадажони, ойижони, укачалари, Николинька, Лёлинька ва Сашка ҳақида ибодат қилишни ўргатиб қўйган эди. Олинька Николинька билан иноқ, эрталабдан у катта уйга бувиси ва онасига суйкалгани чопқиллар, Николинька ҳам унинг кетидан қолмас эди. Олиньканинг оёғи ингичка эди, эртадан-кечгача пилдираб чопгани чопган эди, лекин катталарнинг унга кўзи тушса, дарров чўнқайиб оларди. Бир марта Олиньканинг мақтов кутиб ибодат қилаётганини сезган бувиси норози бўлиб:

— Бу Аннетка-ю, Лизкаларнинг тоат-ибодатларини худо кўтарсин. Булар хўжакўрсинга сиғинишади,— деган эди.

Николинька отасининг арзандаси эди; у тажанг ва заиф, ёш бола бўла туриб қизишганда отасига ўхшаб, пушкинларга хос қирра бурнини кўтаришга одатлана бошлаган эди. Унинг Александр билан муштлашиб қолган кезлари бўлар, шунда у дарров арз қилга-

ни отаси ҳузурига чопар, отаси бўлса ўз навбатида ҳамма гапни онасига етказарди.

Отаси билан онасининг уришиб қолиши Александрнинг айни муддаоси эди: бундай пайтларда улар Александр билан Монфорни вақтинча унутиб қўярдилар. Ёлғиз бувисигина ногидан тутиб, унинг кўзларига жиддий тарзда узоқ-узоқ термилиб қолар ва бошини силаб-силаб, саросимали хўрсиниб қўярди.

Александр ётадиган хонанинг деразасидан теварагига нимжон қайинлар экилган сарҳовуз кўриниб турарди; унинг қарши томонида арчазор ўрмон кўзга ташланар, бу ўрмон тунд кўрингани учун Надежда Осиповнага ёқар — у ҳозир тушкун элегиялар руҳида бўлиб, бу нарса Сергей Львовичга маъқул эмасди. Соҳиблар уйи билан флигель тепаликда турарди. Боғ атрофига қари заранглар экиб ташланган эди. Захаровода ҳамма ёқда аввалги мулк эгаларининг излари қолган — заранг билан тераклар икки қатор бўлиб турар: унут бўлиб кетган эски хиёбондан нишона эди бу. Дарахтзорда Сергей Львович дарахт танларига ўйиб ёзилган ва қорайиб кетган бегона номларни ўқирди. Дарахтларда тез-тез эски эмблема ҳам учраб турарди — ўқ санчилган юрак, устида уч дона доирача, ўқ учидан оқаётган қатралар; номларнинг ҳаммаси жуфт-жуфт жойлашган, бу ошиқ-маъшуқларнинг қадим висолларини англатарди.

Захарово қўлма-қўл бўлиб келган янги, бегона, бефайз даргоҳ эди. Ҳеч ким бу ерда узоқ ўтириб қолмас, эгалари худди меҳмонга келгандай яшардилар.

Бу ойлавий қайғу-ҳасратлардан Сергей Львович жони ҳалқумига келар ва жуфтакни ростлаш пайида юрарди.

Биргина мусофир Монфор ўзини жуда соз ҳис қиларди; у қуш бўлиб ҳуштак чалар, лақайд ва тез Захарово манзараларини кизар, булар доим бир-бирига ўхшаган бўларди — кунгурали ўрмон, ҳамма ҳовузлар қатори бир ҳовуз, соҳиблар иморати ўрнида эса баланд найзадор қаср. У Александрни кўпинча Вяземига, бадавлат қўшни қишлоққа эргаштириб борар, у ерда ҳар гал ўзининг бальзам жамғармаларини янгилаб оларди. Вайсақи деҳқон хотинлар бойнинг ўғлига алоҳида ҳурмат билдириб, саломлашардилар; қишлоқда Захарово эгаларининг кўпини кўрган эдилар. Вяземида, сал бўлмаса, Годунов даврида қурилган қўнғироқхона қийшайиб турар, унинг ёнида кичик ибодатхона бор эди, лекин уларни кимлар қуриб кетганини, бу ерларда, Вяземида илгари нималар бўлганини ҳатто кексалар ҳам билишмасди.

Бекорчилик жонига тегиб кетган Сергей Львович ҳайитда бутун онлани олиб, пешин ибодатига Вяземига бориб келмоқчи бўлди.

Пушкинларни Захаровога олиб келган шалдироқ арава бузила-

дигандай ҳаммани қўрқитиб, йўллардан тарақа-туруқ қилиб кетди. Хотин-халаж таажжуб билан бу бойларга разм солар ва қуюқ таъзимлар бажо келтирар эди.

— Ана извошу мана извош, нақ қўнғироқнинг ўзи,— улар Пушкинларнинг кетидан гап отиб қолишарди.

Вяземидаги қўнғироқ синиб қолган эди.

Сергей Львович ваъз пайтида қўшниларининг қизини, рангпаргина бир ойнимтилланн кўриб қолди ва унга зимдан қараб-қараб қўйди, лекин ойимқиз ҳуркаккина экан, сездирмай кетиб қолди. Сергей Львович захароволик бойларга етарли эътибор бермаган шапкўр қари қишлоқ нерейидан кўнгли тўлмай қолди.

Кечқурун у Монфор билан суҳбат қурди. Монфор авом халқ учун эътиқод нон билан сувдай зарур, деб ўйлар, лекин диний китоблардан «Авлиёларнинг Елисей далаларидаги машғулотлари» деган биттагина китобни билар, бу китобнинг ҳам атиги маскарадлар ҳақидаги бобини яхши уққан эди. Вяземи ибодатхонасидан кейин Сергей Львовичга Монфорнинг фикрлари ёқиб қолди. У ўзини қатъиян маркиз деб ҳис қила бошлади. Оқшом Монфорнинг охират ҳақидаги Скаррон шеърларини ўқиши билан тугалланди:

Tout prés de l'ombre d'un rocher
J'aperçu l'om bre d'un cocher,
Qui, tenant l'ombre d'une brosse,
En frottait l'ombre d'un carrosse[1].

Сергей Львович қойил бўлди ва ёнида ўтирган Александрнинг бошини сийпалаб қўйди.

Вяземидаги бозорлар шу қадар сершовқин бўлардики, сархуш кишиларнинг қўшиқлари Захаровогача эшитилар ва Марья Алексеевнани ранжитарди:

— Карвонсаройнинг ўзи, бойларга эса эътибор деган нарса йўқ.

Бу гапни у астагина ичида, ўзининг янги ер-мулкидан ҳафсаласи пир бўлиб айтарди. Захарово помещикларига деҳқонлар кам парво қилардилар.

Александр билан Николинька чўмилишар, бутазор ичидаги зарғалдоқ хонишини тинглашар, Монфор билан Вяземига бальзам

---

[1] Қоянинг сояси ёнида
Извошчи сояси кўрдим мен.
Чўтканинг сояси билан у
Ишқалар извошнинг соясин. *(франц.)*

ғамлаб келгани боришар эди. Бир куни Александр орқароқда ажиб бир ҳолни кўриб қолди: дарёда сочларини ёйиб кўкракдор маъбуда чўмилмоқда эди. У гоҳ қалқиб чиқар, гоҳ яна сувга ботарди. Александрнинг юраги ҳаприқиб кетди. Кейин маъбудани йироқдан чақириб қолишди:

— Наталья-а!

У кимгадир овозини жаранглатиб, кафтларини лабларига тегизиб жавоб қилди:

— Ху-ю-ю!.. [illegible] кейин қайтадан қалқиб чиқиб, яна шўнғиб чўмилаверди.

Кечқурун ухлаш олдидан Сергей тушида кимдир унинг пешонасидан ўпганини сезди.

Икки кун ўтгандан кейин у бутазорда оқ кўйлакли, қўлларида гул тутган бир ойимқизни учратганда эсанкираб қолди-ю, усиз яшаёлмаслигини, ўлиб кетишини ҳис қилди. Монфор таъзим қилди — бу қўнғир кўзгонлик ойимқиз эди. Унинг фамилиясини эс-эс билардилар. Юшковамиди, Шишковамиди, Сушковамиди,— ишқилиб фамилияси бор эди.

Александр бутазорга қатнай бошлади, лекин қиз узоқ вақтгача кўринмай сермади. Ниҳоят, қиз у ерларда оқшом пайти сайр қилади, деган қарорга келди-ю, Монфорнинг ҳушёрлигига панд бериб, ой нурида таниш йўлкадан ўтди. Қиз скамейкада ўтирар ва ойга термилиб энтикарди. Юпқа дурраси унинг кўкси узра кўтарилиб тушиб турарди. Бу, шеърларда тасвирланган ўша ҳарир дурра ва ўша оппоқ сийна эди. У бундай шеърларни ойдин кечада ўқиган эди.

Қиз сесканиб, атрофга қулоқ солди; шарпани эшитиб, елпигичи билан кўксини пана қилиб олди-да, энтикиб нафас ола бошлади. Александрни кўриб, у ҳайрон қолди ва кулиб юборди; у бошқа бирини кутаётгани аниқ эди. Унинг ёноқлари лов-лов ёнар, кўйлаги сиғилгина эди. У Александр билан гаплаша бошлади. У, қизга бир нима деб жавоб бермоқчи бўлган эди, товуши чиқмади ва саросимада қочиб кетди.

3

Захароводаги тинч-тотув ҳаёт, қолаверса, Захаровонинг ўзи ҳам Сергей Львовични безор қилиб юборди. У қишлоқ сукунати учун яратилмаган эди. Бир куни овқат пайтида у Москвага шошилишим керак, мабодо Захаровода ҳаяллаб қолсам — мартаба қўлдан кетади, деб қолди. Бироқ жўнаб кетиш унга насиб қилма-

[1] Қандайдир *(франц.)*.

ди — айни йўлга чиқадиган куни Николиньканинг тоби қочиб қолди-ю, уч кунда вафот этди. Ҳамма эсанкираб қолди.

Укасининг дафн маросимида Александр атрофига аланглар эди. Илиқ тонг эди; кўнгли бўш отасини тобут кетидан қўлтиқлаб суяб боришарди; Надежда Осиповна ибодатхонагача индамай кетди, уни ҳеч ким суямади. Олинька отасига қараб кўп йиғлади. Кўз ёшлари келмай қолганда, у зорланиб ёлғондакам ҳиқиллади; унинг чинданам укачасига раҳми келаётган эди. Кичкина Лёвушкани қўлда кўтариб боришар, лекин у ҳам қайғули маросимни ҳеч нима билан бузмас, ухлаб кетаётган эди. Ёлғиз Александр лоқайд эди. У ҳамма қатори укасининг оппоқ пешонасига лабини тегизди. Ўзи бир ҳафтагина бурун жиғига тегиб юрган укаси бошқача бўлиб кетган эди. Танимади. Жасаднинг ғалати улуғворлиги уни ҳайратда қолдирди. Бу у кўрган биринчи ўлим эди.

Қари бир киши ибодатхона айвонида ўтирар эди. У ҳассасига таянган эди. Жон-жаҳди билан ҳаммага икки букилиб таъзим қилар, унинг оёғи остига эса сариқ чақалар тушиб турарди.

Бу тонгда қушларнинг сайроғи, оппоқ тош деворлар унинг учун бошқача кўринарди. Ибодатхона олдидаги қадимий қўнғироқхона йиқилай-йиқилай деб қийшайиб турарди. Атрофда қадимий жимжитлик ва осойишталик ҳукм сурарди; Вяземи хотинлари индамай бир-бирларининг пинжига тиқилишарди. Николинькани шу ернинг ўзига, ибодатхона ёнига кўмишди. Онаси Лёвушкани бағрига босди-да, шу туришда уйга қайтиб келди.

Шу кундан эътиборан Надежда Осиповнанинг кўзи ҳамма болалари ичида ёлғиз Лёвушкани кўрадиган бўлиб қолди. Александрга у қарамасди. Аммо Сергей Львович энди уни ер-кўкка ишонмайдиган бўлиб қолди.

Енгил-елпи ҳаёт кечириб юрган Сергей Львович кулфатларга дош беролмаётган эди. У фақат қўрқар ва ажаб руҳий тушкунликка дучор бўлган эди. У дам ҳеч нима бўлмагандай гапга берилиб кетар, дам овқат устида қўққисдан пиқиллаб, кўз ёши тўкарди. У изтиробдан чарчаб, узоқ-узоқ ухлайдиган бўлиб қолди.

— Que la volonté du ciel soil faite[1]!— дерди у баъзан қаттиқ хўрсиниб ва қўлларини ёйиб қўярди.

Александрнинг йиғламаётганига, шунингдек, ўзи ҳам мусибатни доим ҳис қилмаётганига таъби хира бўлиб, хавотирга тушиб қолган Сергей Львович тошюрак ва бераҳмлигини унинг юзига соларди. Ҳеч нимани парвосига келтирмайдиган Надежда Осиповна бу гапларга қулоқ соларди. Улар ўғил вафотидан сўнг муросага келиб қолишди. Александрга ва унинг хулқ-атворига бўлган қарашлари эса бир хил чиқиб қолди. Александр совуқ, бағритош ва

[1] Худонинг иродаси экан! *(франц.)*

ношукур; Монфор унга кутилган даражада influence — таъсир кўрсатмаётир.

Пушкинлар кузни кутиб ўтирмай, жўнаб кетишди. Александр ўша куни эрталаб айниқса бесаранжом бўлди, жўнаш олдидан эса, нақ эс-ҳушини йўқотаёзди. Уни бутазордан топдилар; у ерда скамейкага ёпишиб ўтирарди.

Қуриб сочилай деб қолган, мойланмаган, Пушкинларнинг расво кўтак аравасн ғилдиракларини ғийқиллатиб дўқир-дўқир жўнаб кетди. Бальзамдан ичиб тетикланиб олган мусофир француз Александр билан бир аравада ўтириб кетаркан, ўзича ғўлдирарди:

Oh! l'ombre d'un cocher!
Oh! l'ombre d'une brosse!
Oh! l'ombre d'un carrosse![1]

ЕТТИНЧИ БОБ

1

Тонг отди, у уйғонди. Хонага ғира-шира ғалати нур тушиб турарди. Чойшаблар оқариб турар, Лёвушка нафас олар, Монфор хуррак отарди. У теваракка қулоқ солди. У худди овчи ердан кўтариб олган илвасиндай аниқ ва тез эшитар эди. Кўчадан секин-секин сув ташувчи арава ғижирлаб ўтаётган эди. Камоли сукунат чўккан бир тонготар палласи эди.

У ўрнидан тезда сирғалиб тушди ва товуш чиқармасдан қия очиқ эшикларни ортда қолдириб, отасининг кабинетига ўтди.

Яланг оёқ, кўйлакчан ҳолда у ўзини чарм стулга ташлади ва оёқларини чалиштириб олиб, совуқни сезмасдан ўқишга тушди. Мовий муқовали кичкина китобчалар аллақачонлар варақланиб, ўқиб ташланган эди. У Пиронни таниди. Титилиб кетган кичкина китобчанинг гравюраси бор эди: оғир энгаҳли, ҳийлагар кўзли, лаблари ширинтомоқ кишига хос тарзда қимтилган семиз чол. У ўзига-ўзи эпитафия ёзиб кетган: «Бу ерда Пирон ётибди. Ҳаётлигида у ҳеч ким, ҳатто академик ҳам бўлмаган». Қузноқ эртаклар ёзган бу чолнинг ўлгудек беғамлиги Александрга ҳатто шўхчан ва айёр Вольтердан ҳам кўпроқ ёқиб қолди. Бу эртакларнинг мағзини у эндигина чақиб етди. Унинг севимли қаҳрамони иблис эди. Иблис тилга олинди дегунча, аммаси Анна Львовна секингина туфлаб қўяр эди. Бироқ Пироннинг иблиси ўта шўх йигит бўлиб, роҳибалару авлиёларни боплаб лақиллатиб юраради. У афсус би-

[1] О, извошчи сояси! О, чўтканинг сояси! О, извошнинг сояси! *(франц.)*

лан Москвада шу гўштдор шоирга ўхшаган одам йўқлигини кўнгилдан кечириб қўйди.

Унга саёҳатлар ёқарди. У тавсифларнинг аниқлигини, шаҳарларнинг номларини, миляларнинг рақамларини яхши кўрарди: милялар қанчалик кўп бўлса, у шунчалик ота-онасининг уйидан нарироқда бўлиши мумкин.

Отасининг столида ҳафтада икки марта олинғувчи «Московские ведомости»нинг сонлари ётарди. У эълонларни ўқирди. Вино дўконида сотиладиган виноларнинг номлари — Клико, Моэт, Аи — унга бир музика бўлиб туюлар, товушларнинг ўзи унга ялас-ялас ёқарди.

У русча китоблар ўқимас, русча китобнинг ўзи йўқ эди. Рост, Карамзиннинг журналини Сергей Львович ўқиб турарди, лекин ҳеч қачон уни сотиб олмасди.

Деразада Державиннинг бировдан олиниб қайтариб берилмаган, ташлаб қўйилган томи ётарди; бир саҳифасини ўқиб кўриб, у бу китобни четга олиб қўйди.

Кунлардан бир кун унинг эътиборини табаррук жавон жалб қилиб қолди: жавоннинг ғаладони сал сурилиб очиқ қолган, отаси уни беркитишни эсдан чиқазган эди. У жавоннинг ичига кўз югуртирди. У ерда яшил сахтиён билан муқоваланган қалин том, бешолти чарм муқовали китобчалар, аллақандай мактублар ётарди. Китоблар билан сахтиёнли том қўлёзма бўлиб чиқди, мактублар эса — шеърий ва насрий экан. Биров келмаяптимикин, деб теваракка қулоқ солиб кўргач, Александр уларни ўқишга тушди.

Камердинер Никитанинг ёзувидай эскича мураббаъ ҳуснихатдан тортиб то отасининг енгил дастхатигача — ҳаммаси ҳар хил қўлда русча ёзилган эди. Бу дафтарларни Сергей Львовичга у ҳали гвардия полкидалигида ўша пайтдан бери қаёққадир гумдон бўлиб кетган узоқ қариндоши, «амакиваччаси», гвардия поручиги тортиқ қилган эди; кейин эса бу ёғини Сергей Львовичнинг ўзи ёзиб тугатган эди. Дафтарлардан ҳалиям тамакининг ўткир гвардияча иси келиб турарди.

Сахтиён дафтар «Қизлар эрмаги», Иван Барковнинг асари деб аталарди. Мавриди билан ҳаммасини ўқиб чиқишга аҳд қилиб, уни четга қўя турди-да, чарм муқовали дафтарни бир варақлаб кўрди. Бир-икки саҳифани ўқиб чиққач, у оғзи очилиб тўхтаб қолди. Бу нарсалар Бьеврианадан, унинг қув қочириқларидан юз қатла мароқлироқ эди. Биринчи саҳифасидаёқ у марҳум император Павелга бағишланган қисқа шеърларни ўқиди:

Павелнинг ишлари доно, улуғвордир нақадар,
Исботлар буни бизга невалик ялангоёқлар...

Унинг ҳайкалига бўлса:

О сен, Россия халқининг донишманд волидаси!
Бунча қабиҳ махлуқни яратганинг нимаси?!..

У ёги «министрларнинг хусусиятлари» ҳақидаги шеърлар эди:

Гарчи мени шу ерда ўлдир,
Кочубей ҳаммадан ақллидир.
Лопухин бўлса-чи, муғамбир,
Черторисской баридан ўткир.
Чичагов баридан қўполдир,
Заводовский — хасис ва олғир.
Румянцев — овсар ҳам ландавур,
Уларнинг атвори шу турур.

Шу ернинг ўзига министрларнинг хусусиятларига ғоятда жўн жавоб ҳам ёзиб қўйилган эди:

Гарчи мени сен ўлдир,
Нағмаларинг бир пулдир ва ҳ. к.

Шеърларнинг соддалиги, улардаги авом тили унга ажаб қизиқ бўлиб туюлди. Уларда Сергей Львовични ҳамиша нохуш кайфиятда қолдиргувчи, отаси ва амакиси Василий Львовичнинг зерикарли суҳбатларида — хизмат ҳақидаги суҳбатларда гап орада баъзан тилга олиниб турадиган кишиларнинг номлари зикр қилинарди.

К у т а й с о в г а н о м а

О, кибрли ва қуруқ граф,
Келди бизга видо соати:
Биз яшаган жойларни ташлаб
Кетмоқликнинг етди фурсати.
Бахтсизларни қилганда талон,
Бунда пулдан уйганда хирмон,
Бир нарсани этгандик хаёл;
Фақат олтин, кумуш бўлса ол.

Унга шеърларда, ҳар бандининг охиридаги лўнда ва қатъий шамалар ёқарди, тўғри, улардаги ҳамма гапнинг ҳам маъносига тушуниб етавермас эди:

Бошқа бир воқеа бўларди рўй-рост,
Сени гар Ланской қилмаса халос.

Ҳукмрон сенатга қарата ёзилган сатира ихчамлиги билан уни

Сенат чангу губор ичра, ҳар ёнда оқиш зулмат,
Исён қил!— деб Александр тўнқайиб турди фақат.

Ҳаммасидан кўра унга Тверская хиёбони ҳақидаги узун қўшиқ манзур бўлди:

Хиёбондан кетгим келмайди,
Кўнгил тортмай борасан у ён...

Аввал аллақандай у танимаган олифталар ҳақида гап кетарди. Кейин тўсатдан у Трубецкойларнинг номига дуч келиб қолди:

Мана, Анюта Трубецкая
Югурар мисли киймак,
Ҳар ёнга боқиб қиё,
Ҳаммага жилмайиб шўх,
Мўътабар бобо эса
Ортидан ташлар қадам...

Шак-шубҳага ўрин йўқ: бу Трубецкой-Қутилар — Николинькининг бобоси билан аммаси ҳақида ёзилган эди. Таниш одамлар ҳақида ёзилган шеърлар унга ғайриодатий бўлиб туюлди. Қоғознинг орқа томонида отасининг палапартиш қўли билан элегия битилган бўлиб, Александр, бу — амакиси Василий Львовичнинг ўтган йилги шеъри эканлигини таниди. Буларнинг ҳаммасининг замирида аллақандай сир ётарди.

Дафтардаги қарийб ҳамма нарса номсиз (фақат сахтиён дафтарнинг номи бор эди; Барков), фақат аҳён-аҳёнда остидаги сирли бош ҳарфлар лип этиб кўзга чалиниб қоларди, лекин улар мактуб ва қоғозлардаги имзоларга ўхшамасди.

Ҳовлига қаролхонадан уйқусираган қиз ҳам чиқди, ҳомуза тортиб қўлини сувда чайқади, бальзам ичишга тараддудланган Монфорнинг инқиллаган товуши ҳам олисдан эшитилгандай бўлди, у эса ялангоёқ, биргина кўйлакда «Булбул»ни ўқиб ўтирарди:

Тонггача куйлади ўша муғамбир,
«Мен бу қушни жондан севаман ахир!—
Катюша ётганча сўйлайди хандон —
Ундан қизиб кетар юзларингда қон».
Бу орада эса боқиб Аврора
Оҳиста юксалиб бориб тобора,
Денгиздан қуёшни чиқди етаклаб,
Вақт бўлди, дўстгинам, уйга қайт яйраб.

Ростдан ҳам қайтиш вақти бўлиб қолган эди.

У отасининг хонасида ўт ёқилмаган бўлса ҳам совуқни сезмасди, кўзлари ёнар, юраги гупиллаб урарди. Рус шеърияти сир эди, уни етти қулф остида сақлашарди, шеърларда подшолар ҳақида, муҳаббат ҳақида, оғизда гапирилмайдиган, журналларда чала қолдириладиган гапларни ёзишарди. Бу у кашф этган сир эди.

Мужмал тақиқлар, хатарлар, тасодифлар бор эди бунда.

Каллайи саҳарлаб қўнғироқ чалинди. Аллакимнинг оёқ товушлари эшитилди. Калит жавонининг пастга очиладиган табақасидан чиқиб турарди. У уни шартта ёпиб қўйди-да, қўлида калитни қисимлаганича, товуш чиқармай гизиллаб ўз хонасига ўтиб кетди. У зумда ўзини кўрпага ташлаб, ўзини ухлаётганга солишга улгурди. Унинг юраги гупиллаб урар ва таптана қиларди. Аллақачон бальзам ичиб олган Монфор унга бармоғини ўқталиб қўйди.

2

Махфий жавон бир ҳафтада ўқиб чиқилди. Ҳаммадан қўрқинчли ва жозибалиси Барков эди.

Француз китобларидан у муҳаббатнинг ажиб механизми тагига етди. Сир-асрорлар у фаҳм этолганидан анча яқинроқ экан. Муҳаббат дегани узлуксиз лаззатли уруш экан, унинг ўз ҳийлаларию алдовлари бўлар экан, бир эпиграммага қараганда, унинг ҳатто Вакх[1] ҳизматига ўтиб кетгувчи ўз инвалидлари ҳам бўлар экан. Лекин Барковдаги муҳаббат тийиқсиз қовоқхона олишувидан иборат эди, унинг оёқ чалишлари, дагдағали ҳайқириқлари бор эди, муҳаббат шаробига қонган одамлар бамисоли силласи қуриган отлар сингари терга ботиб, кўпириб буруқсаб ётардилар. Ун ёшида у шундай номлардан хабар топдики, улар француз Монфорининг хаёлига ҳам келмаган эди. У Барковни ўқир, тақиқланган шеърларни ўқиётганидан қувончи ичига сиғмас эди; Сергей Львович дастурхон устида кимнингдир Москвадаги шўхликларига шама қилаётган пайтларида ҳар гал аммаси уни чиқариб юборар, шунда у тишининг оқини кўрсатиб, тиржаярди. Умуман, бу ўқишининг шу хуш жиҳати бор эдики, у отасини дурустроқ тушуна бошлади. Ўзига отаси, онаси ва аммаси Анна Львовна эълон қилган урушга у доим шай эди.

Сергей Львович табаррук жавонининг берк эмаслигини пайқамади. Уйининг ҳамма ёғи тобора баттар ивирсиб борарди; ҳеч нима йўқолмас, ҳамма нарса ўз жойида турарди-ю, лекин баъзан бирдан унинг назарида одамлар ўғирлик қилаётгандай, кимдир унинг янги рангли фракига бўёқ тўкиб қўйгандай туюларерар, шунда у қошларини чимириб олиб, ниҳояси йўқ беҳуда жанжал ва арз-ҳолларни бошлардики, улар доим бақириқ-чақириқ, оҳ-воҳлар билан якунланарди. У Надежда Осиповнага қаттиқ гапира олмаганлиги сабобли ҳаммасига кўникиб кетган Никитага бақирарди. Янги фрак эски, бўёқ тўккан эса Сергей Львовичнинг ўзи бўлиб чиқарди.

Александр ўн ёшга қадам қўйди. Ольга — ўн иккига. Ноилож янги ўқитувчи ёллашга тўғри келди, негаки Монфор ҳаммасининг уддасидан чиқолмаётган эди. Ўқитувчига дурустгина ҳақ тўлашар, байрамларда уни дастурхонга таклиф қилишар, аммо бунинг натижаси кўзга кўринмасди. Анна Львовна тавсия этган қўшни қавм попи, Александр Сергеевич инжилнинг маънисига етмайди, катехизисдан қочади, дерди. Надежда Осиповна билан Сергей Львовичнинг ўзи ҳам катехизисни уқмаса-да, Сашкага бошлари қотиб қараб қолардилар.

Булардан ташқари, болаларни кийинтирмоқ даркор бўлиб, бу Сергей Львовичнинг ҳам, Надежда Осиповнанинг ҳам бошига битган бало эди. Шу пайтдан Сашка билан Олькага кўйлак тиктириш учун француз дўконидан мовут сотиб олинса-я! Болалар эски-тускиларда юришарди. Арина қандайдир увадани бичиб, Ольгага эплаб берар, қисман тикувчи бўлган Никита бўлса, эски фраклардан Александрга либослар ясаб берарди. Бир марта Харитоний кўчасига ўралашиб кириб қолган ўткинчи бир олифта туссиз тор панталон кийган жингалак соч болани кўриб, кўзларидан ёш чиққунча роса кулган эди.

3

Василий Львович киборона ҳаёт кечирар, мартабаси ошиб борарди.

Париж саёҳати уни адибларнинг биринчи қаторига чиқариб қўйди; Москвага бот-бот келиб турадиган ёш, лекин дарров машҳур бўлиб кетган Батюшков у билан дўстлашиб қолди. Кўпинча Батюшков ва Пушкин, баъзида эса ҳатто Карамзин, Дмитриев, Батюшков ва Пушкин ҳам деб гапиришарди. Унинг зиёфатлари расм бўлиб қолди. Ошпаз Блэз варақи пиширар, Василий Львович бўлса шарада ва буриме[1]лар тайёрлаб қўярди. Меҳмонлар иштиёқ билан кулишар, еб-ичишар, Сергей Лъзович бўлса, ўзининг ғамгин туриш-турмушидан норози, акасининг ҳаётига ҳаваси келарди. Кечқурунлари Василий Львович Аннушкани ўпар ва экспромтлар устида заҳмат чекарди. Аннушка тобора очилиб борар, ҳатто у бир қиз туғиб бердики, Василий Львович унга Маргарита деб от қўйди, оғайнилари унинг шарафига қадаҳ уриштириб, парво ҳам қилмай стаканларни синдирдилар. Цирцея эсдан чиқиб кетди.

[1] Вакх — қадимги юнон афсонасидаги ичкилик худоси.

[1] Шарада ва буриме — шаклбозлик қилиб ёзилган шеър турлари.

Василий Львович, жингалак боши, эгнида Париж фрақчаси, сарғиш чолворининг чўнтагида экспромтлари билан Москванинг кибор оламига ўзини урар, тўғри келса-келмаса, Пале-Роял масхарабозлари сингари тилини чучук қилиб, кечаси эса ҳуши учиб Аннетанинг, яъни Аннушканинг илиқ оғушига йиқиларди.

Замон буни кўтарарди. Одамлар кечагина ўзлари койиб юрган французларнинг измига тушиб қолган эдилар. Подшо Тильзит ва Эрфуртда Наполеон билан учрашиш пайида эди. (Москзаликлар «қуллуқ қилгани», чоллар бўлса ҳатто «барин ҳузурига кетди», деб заҳрини сочишарди.) Ҳамма гуруҳ-гуруҳга бўлиниб кетганди: ёш «ҳавойилар» ишларнинг бу тариқа кетаётганидан мамнун, чоллар эса дарғазаб эдилар; аллақайси йигитлар даврасида Наполеонни бемалол «Буонапарте» деб атагани учун бир кекса генерални ҳамма тарк этган ва мўйсафид қўлтиқтаёғига суяниб, қаролини ўзи чақириб олишга мажбур бўлган эди.

Москва хонимлари орасида Василий Львовичнинг обрўйи катта эди.

— Oh, ce valage de[2] Василий Львович!— дейишарди улар ва унга бармоқ ниқтаб қўярдилар, бундан у дарров пишиллаб талтайиб кетар ва атир сепилган сочини ҳурпайтириб оларди.

Асилзодалар: эскилари ҳам, янгилари ҳам русча ҳамма нарсага аллақачон қўл силтаб қўйишган, парзозга ҳозирланишган ва олижаноб киши учун муносиб бирдан-бир жой деб халқаро саёҳатларни билишарди. Иезуитлар Петербург пансионатида ёш Гагаринлар, Голицинлар, Ростопчинлар, Шуваловлар, Строгановлар, Новосильцовларни лотин ибодатларига ва француз илоҳий фалсафасига ўргатардилар. Бойвуччалар ошиғич католицизмни қабул қилишмоқда эди. Мусье Журдан билан мусье Сюрюг деган аббатлар уларга устозлик қилишарди. Қўшниларининг ўғли Николинька Трубецкойни ҳам энди Петербургга иезуитлар қўлига элтиб қўйишган эди.

Сергей Львович мамнуният билан ўғлининг французча талаффузига қулоқ солиб юрарди. Василий Львович бола билан узоқ-узоқ суҳбатлашишни яхши кўриб қолди — у билан сўзлашганда, у ўзини Капуцинкалар хиёбонида деб ҳис қиларди.

Москва чоллари ҳар қалай муросага келишди. Энди уларнинг Петербургда салмоғи қолмаган, истеъфога чиқишган ва илтифотдан маҳрум, шу боисдан улар оппозицияда эдилар. Тез орада улар янги даҳога эътибор билан қарашга мажбур бўлиб қолдилар.

У шуҳратга яқинлашиб қолган бўлиб, бунинг гаштини сурмоқда эди. У эндиликда истеъфода яшаётган, Москва Гомери Херасковникига мукаллаф бўлди. Сукунат ҳукм сурган қадимий меҳмонхонада Василий Львович ўзининг Горацийга тақлидини — Муза арзандаларига мурожаатномасини ўқиб берди. Бу шеърда уй соҳиби Вергилий деб улуғланган, у шеърдан хабардор ва уни маъқуллаган эди:

..Қайда олтин қадаҳ? Ултирамиз олов қаршисида!
Хоҳлаганча Зевс қилаверсин жаҳонни идора!

Бундай эркин фикрлаш чолларни қойил қолдирди — майлига, ўша Петербургдагилар жаҳонни хоҳлаганларича бошқараверсинлар, ихтиёрлари! Қадаҳ қани? Василий Львович ҳушт-ҳуштлаб, Тальма каби кучли, лекин тез ўтиб кетгувчи ҳиссиёт билан ўқирди:

Созлар қани? Биз куйлаймиз. Бирлаштирар бизни Феб,
Русс юртларин Вергилийи қилиб бунда иштирок
Тугдиражак илму фанга ташналик!

Бу фанлар дегани Москва университетини билдирарди, уй соҳиби шу университетнинг куратори эди, хуллас, ўқилган нарса шопрона уйдирма эмас эди.

Хераскоз ҳаяжонланди шекилли, унинг оқарган сочлари титраб кетди. Уйда ҳозир бўлган хонимларнинг ҳаммаси бирдай унга қараб қўйдилар.

Машҳур бўлажакман мен ҳам дунёда!—

деб дадил ўқирди Василий Львович.

О қувонч, завқу шавқ! Мен ҳам пиитман![1]

У мутлақо ҳолдан тойиб қолди ва рўмолчаси билан пешонасини артиб олди. Вергилий ўз креслосидан қўзғалмоқда эди. Ҳамма кечада иштирок этаётган хонимлар билишарди: ҳозир у Василий Львовични ўпиб, созини унга топширади.

Лекин шу пайт Василий Львович қўлида рўмолча билан қўшилиб чиқиб қолган экспромт турганини пайқаб қолди. Унинг завқи келиб кетди. Кеча экспромт жуда зўр чиққан эди, бунақа омад одамга ҳаётда бир марта насиб қилади. У Гомер билан Вергилийнинг саноси учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилганини ҳис этди ва хонимлар табассуми учун ёқимли ва енгил бир нима ўқиб бергиси келиб кетди — муза арзандаларига мурожаатнома улар учун бирмунча баландпарвоз бўлса ажаб эмас. Ўрнидан қўзғалган

[1] О, бу ҳавойи *(франц.)*.

[1] П и и т — шоир *(лот.)*.

Херасковни кўрмасдан у қўли билан имо қилди. Ҳамма жим бўлди. Шоир ўқий бошлади. Шу зайл муҳим фурсат ўтказиб юборилди: Хераскоз яна креслога ўтириб олди. Дарвоқе, шеърнинг номини эшитиб, илтифотли алфозга кирди. Ижодкор одамнинг эрмагида! У билиб турибди! Шоир ўзининг «Ҳаёт, ўлим ва муҳаббат ҳақидаги мулоҳазалари»ни ўқимоқда эди.

Дастлабки сатрларданоқ саросималик юз берди.

Мен нимадан бошлай энди? «Қўй» сўзига бегумон
«Лой» қофия бўлолмайди — маъно йўқлиги аён;
Дўстлар, маълум тустовуқ ҳам загча бўлмас ҳеч қачон,
Лекин сизни севаман мен, бу гапимда йўқ ёлғон.

Василий Львович ҳозир дилбар аёллар ва Гомер — Херасковнинг ўзи ҳам жилмайиб қўйишини сезиб, буримесининг у ёғини ўқирди:

...Ҳаётимиз нима бизнинг? Ҳаётимиз муҳаббат.
Ажалимиз нима бизнинг? Ажалимиз бу — зулмат.
Ҳаммасидан нима яхши? Бифштекс, лабардан.
Улар бўлсам жасадимни топса ҳайвон агарда
Есин қандоқ хоҳласа ул худди шундоқ...

Шеърхонлик қилиш учун уйига янги даҳони таклиф этган Москва Вергилийи қария Херасков қора кўзларини чақчайтириб, терсайиб ўтирарди.

...Ажал ёвуз ҳайвон — қобон...
...Қабр асло бўлмас диван,
Ётар жойим бир чамадон...

Шеърнинг шу ери ўқилганда, москвалик нафис адабиётдан хабардор хонимлар, Херасков кечаларининг шинавандалари бирдан бараварига пиқиллаб кулиб юборишди. Шеърхон масъуд эди. Шошмасдан, қалтираб турган қўллари билан ҳассасига таяниб, кекса шоир дарғазаб бўлиб ўрнидан туриб кетди. Унинг юзлари худди ёш боланики сингари бўғриққан эди. У бир стакан созуқ сувни — қадаҳни шарттa ичиб юборди-ю, созни топшириш у ёқда турсин, ҳатто хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, меҳмонхонани ташлаб чиқиб кетди.

Эртасига кекса шоир Василий Львович тўғрисида совуқ гап қилди:

— Унинг боши зулматда қолган.

Баногоҳ яна:

— Сочи ҳам қўйининг жунидай жингала,— деб қўшимча қилиб қўйди.

4

Ака-укалар рақобати барҳам топди. Бири шукуҳ ва шуҳратга кўмилган машҳур шоир ва москвалик енгилтак, иккинчиси эса номи ўчиб, тубанлашиб бораётган ва ёшлар айтганидай, кавуш остида қолган Гименей[1] қули эди.

Икки машҳур афандитабиат киши: амакиваччаси Алексей Михайлович Пушкин билан князь Пётр Изанович Шаликов Василий Львовичнинг доимий улфати эди. Бири вольтерчи ва энг ўткир масхарабоз, иккинчиси, бароқ қошлиғи, таъсирчан, нозиктабиат бўлиб, шунингдек, сиркаси сув кўтармайдиган тажанг бир одам эди. Биринчиси палапартиш кийинса, иккинчиси башанг кийинар ва мудом ёқасига гул тақиб юрар эди. Иккалови ҳам энг олий даражадаги сертакаллуф кишилар эди. Василий Львович билан учови жамики меҳмонхоналарда ҳозиру нозир эдилар, умумнинг диққати ҳар доим уларда эди. Василий Львозич айниқса ўзига тегажаклик қилиб юрадиган амакиваччаси билан яқин бўлиб кетди, икковлари бамисоли дуэтдай бўлиб қолишган эди; уларни тилга олганда «иккала Пушкин» деб гапиришарди. Сергей Львович бу дуэтда ортиқча эди, мабодо бирор жойда у ҳам оралаб қолса, «Пушкиннинг укаси кепти» дейишарди; Сергей Львович ўзининг мавжудлиги ва номини йўқотиб қўйган эди. Буни у ҳар нарсада: ўзини лорнет билан қай йўсинда кўздан кечиришларида, ўзини қай йўсинда таништиришларида сезиб турарди. У аста-секин «иккала Пушкин»дан қочадиган бўлиб қолди ва кеча ёки болалар байрамларига улар бўлмасагина борарди. Надежда Осиповна кўзга яқин, у ҳақда Москва кампирлари шивир-шивир қилиб гаплашишар, имлаб уни бир-бирларига кўрсатишар эди, шундагина Сергей Львович бир зумга бўлса-да, ўзининг илгариги ғурурли юришларини топиб оларди. Ич-ичида, «Пушкиннинг укаси»— ўз акасини Алексей Михайловичдан қизғанар ва акасининг шуҳратига ҳасад қиларди. У жизғанак бўлиб, ўзининг дилбар истарасини йўқотиб, совиб борарди, кибор олам эса буни кечирмас эди.

Василий Львович барча Москва шоирлари каби жуда паришонхотир бўлиб, ҳамма учун равшан бўлиб қолган нарсаларни энг кейин фаҳмларди. Акалик мавқеи унга хуш ёқарди. Лекин Сергей Львозич ўзи илгарилари бўлиб турадиган хонадонларга ташриф буюрмай қўйгандан кейин у ташвишга тушиб қолди. Фақат ана шундагина у «Гименей қули» деган иборанинг маъзини

---

[1] Гименей — никоҳ худоси *(лот.)*; бу ерда хотининнинг измида, хотининнинг қули маъносида.

чақди ва укасининг жамият назаридан қолганини ҳис қилди. У табиатан ҳафтафаҳм ва шошқалоқ бўлганлиги учун шу пайтгача укасининг уйида хонама-хона дикиллаб юрадиган ўша Sachka ва Lolka ларга кам эътибор бериб келган эди. У бир сафар Сашкани d'un bouffon — масхарабоз тусида ғалати либосда, уй тикувчисининг маҳсулотида кўриб кулиб юборган эди:

— Oh, c'est un franc original[1].

Энди у бирдан ўйга толди. Сергейнинг тақдири ҳанузгача уни кам қизиқтирган, лекин унинг назарида, Пушкинлар ҳамма жойда манзират этилиб, шукуҳ сочиб юришлари шарт эди. Қария Херасковникидаги енгил муваффақиятсизлик уни сира хафа қилмади — ҳозир ҳамма назардан қолиб ярим француз бўлиб юрибди. Ўша тутуриқсиз чолларнинг фикри унинг тўпиғидан келмайди. У укасидан тез-тез хабар олиб турадиган бўлиб қолди ва Сашка билан Лёлькага эътибор қилишни ўзининг бурчи деб топди — илгари уларни адаштириб юрарди, Лёлька ҳали гўдак бўла туриб ноёб хотира эгаси экан. Василий Львович бир марта у борида ўз экспромтларидан биттасини ўқиб берган эди, Лёлька шу заҳоти уни такрор айтиб берди:

Дилхуш кечар вақтимиз бутун
Бостон ўйин ўйнаймиз кун-тун.
Ё сўкишиб, ё юриб беун,
Нақ жаннатда яшаймиз бу кун.

Мислсиз кучли хотира! Бундай одамдан келажакда назмчи чиқиши мумкин. Шунда «иккала Пушкин» ёнига келгусида учинчи, ёшгина Пушкин қўшилади. Архарова кампирникидаги базмда «иккала Пушкин»га атаб бир француз айтган мадригал Василий Львовичда жуда катта таассурот қолдирди:

— Пушкинларнинг номи esprit бурроликни кучайтиради ва сизнинг мамлакатингиздаги бадиий сўзга муҳаббат уйғотади.

Лёлька тўполончи, Сашка бўлса ўжар ва одамови эди. Дарвоқе, синглиси Аннет унга нисбатан қуюшқондан ортиқ қаттиққўллик қилади, чоғи. Акаси Серж ҳам болалигида феълн расво эди; шояд буниси ҳам отасидай тузалиб кетса; баъзида Сашканинг ақли ўткирлиги кўзга ташланиб қолади.

5

Ота-онасининг вақти кўпинча меҳмонда ўтарди. Уйда ондасонда кўринишарди, холос. Уй улар учун бамисоли мудроқ эсноқ, ғижиллашув, чўриларга ва болаларга бақириш ва ниҳоят, тунаш

[1] О, бу чинакам оригинал-ку *(франц.)*.

мумкин бўлган бир карвонсаройдай гап эди. Ўз фарзандлари ва қаролларининг ҳаёти шу хонадон за шу тирикчиликка боғлиқлигига уларнинг фаҳми етмасди.

Александр ота-онасининг меҳмонга кетиш олдидан ўралашиб юрган пайтларини яхши кўрарди. У кечқурун отаси пардоз қилаётганда томоша қилиб ўтирарди. Сергей Львович кабинетида кийинарди. Олифталикни жуда ўрнига қўярди. У аррача ва чўткача билан тирноқларини тез-тез тозалар, Никита отасининг сочларини иссиқ қисқичлар билан а-ля Дюрок модасида жингалак қилиб, ундай туринг, бундай туринг, дейишларини кузатиб ўтирарди одатда. Никита ғоят жўяли ва нозик маслаҳатлар берарди. Шундан кейин отаси янги фракини таранг тортиб қўйиб, ҳар хил қиёфага кириб ва айрим сўзларни чертиб-чертиб гапирган кўйи хонани айланиб чиқарди. Йўлакай у кўзгу олдида сочларини ҳурпайтириб олар ва қаршисида турган Александрни кўриб қолиб, ясама истиҳола билан худди бегона одамга гапиргандай:

— Ие! Сиз ҳам шу ердамидингиз?— деб қўярди.

Сўнг пошналарини қарсиллатиб, кабинетдан учиб чиқиб кетарди.

Сўнг бирдан ҳамма ёқ сув сепгандай жимжит бўлиб қоларди. Онаси кўзлари чақнаб, тез ва енгил чиқиб келарди. Башанг отаси ҳам бамисоли бегона хотин билан гаплашгандай, унга эҳтиромли ва бепарво муомала қиларди. Бир сафар қия очиқ эшикдан Александр ясанган, сочи жингала қилинган, атирлар сепилган отасининг онасига мунтазирликда ингичка овоз билан бир оҳангни хиргойи қилган кўйи, ўзини кузатиб туришганидан бехабар, алланималарни чулдираб ва жилмайиб, ер тепинаётганини кўриб қолди. У рақс тушаётган эди. Доим базм олдидан бўлганидек нафаси тезлашиб, кўзлари чақнаб онаси чиқиб келди. Отаси ҳамон ер тепиниб, онасининг белидан олди, онаси ҳам итоат қилиб, бажонидил у билан ёнма-ён сузиб кетди. Онасининг оёқлари калта ва чаққон, катта-катта кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушар эди. Кейин онаси тўхтади, улар очиқ юз билан чиқиб кетишди.

Қизлар бўлмасида чўрилар ҳазин бир қўшиқни айтишмоқда эди. Арина эса хўрсиниб эшитилар-эшитилмас жавранар эди; хоналар совуқ, хасислик қилиб ўтни кам ёқишарди, ўтин Москвада қиммат турарди.

Баъзан у отасидан улар қаерга кетишаётганини сўраб қоларди. Отаси истар-истамас, ижирғаниб жавоб қиларди:

— Қария Белосельскийникига.

Аллақачон хонавайрон бўлиб бўлган, умрининг охирини шовқин-сурон кўтариб кечираётган қария Белосельскийникига энди ҳамма борарди.

— Бутурлинникига.

Бутурлин эски таниш эди.

Шундай дақиқаларда ўғлининг бўғиқ ва кескин овози унинг кўнглига қаттиқ ботарди, савол беришнинг ўзини ҳам у беодоблик деб ҳисобларди. У ўғлини киборларнинг сир-асрорларидан қизғаниб асрамоқда эди. Лекин ўғли биларди: бу қўл узатса етмайдиган ажойиб бир олам ўзи.

6

Лекин шу совуқ хонадону кўчманчи онлада ҳам ҳамма нарса ўзгариб, ўз исини, ўз рангини, ўз таъми ва маъносини касб этадиган фасл бор эди. Бу қиш эди.

Биринчи қор унутилмас таассурот қолдирарди.

Арина хонага салобатли алфозда кириб келарди.

— Қор уйқудагиларни босибди,— дерди у қайғуриб.

Қор тунда ҳамма ухлаётганда ёққан эди.

— Бунинг маъниси нима экан,— талъасага тушиб сўрарди Надежда Осиповна. У ҳар қандай аломатдан ўлгудек қўрқар ва уларга шаксиз ишонарди. Арина Аннибалларникида раққоса ва ашулачи, кейинчалик эса биринчи фолбин деб ном қозонган эди.

— Қиш оғир келади,— дерди секин Арина.

Болаларнинг уни ўчарди. Сергей Львович хавотирланиб эътироз билдирарди:

— Қандай қилиб ва нимаси билан оғир келиши мумкин?

— Қор кўп бўлади,— истамайгина жавоб берарди Арина.

— Бўлмаган гап,— дерди Сергей Львович ранги оқариб.

— Албатта бўлмаган гап,— Аринанинг гапини мужмал қилаётганини сезиб алами келиб такрорларди Надежда Осиповна.

Пешинга бориб маълум бўлдики, биринчи ях қаттиқ, чеккалари мўрт эмас экан, шундан кейин бу йил қаттиқ келади, деган гап тарқалди. Уйқудагиларни қор босса, бу фақат катта қорлар ёғишини билдирарди — бунинг бошқача маъноси бўлиши мумкин эмас. Одамлар кулиб қўйишарди.

Ота-онаси ошкора ҳайиқиб турадиган энага Арина улар билмайдиган кўп нарсалардан хабардор эди. Ирим-сирим қувончи уйни тўлдириб юборарди ва Александр ичида энагаси ҳақ бўлиб чиқишини, қиш ҳақиқатан ҳам оғир келишини истарди.

Оппоқ қор ҳамма унутиб қўйган, тарк этган қора чорбоғни босиб кетарди. Кўча оқариб қоларди. Чироқлар барвақт ёқилар, печкада олов минг мақомда чирсилларди. Шамлар айниқса равшан ёнар, туташаётган ўтиннинг ҳовури, чарсиллаган, шитирлаган товуши хоналарни тутиб кетарди. Каминда кўкимтир чўғлар тутаб ётарди.

Кейин ҳайит келиб қоларди, кўча-кўйларда изғирин авжга

минар, қўнғироқчалар жаранглар, уч отли чаналар ғизиллаб ўтарди, паст чаналарда эса, гусарлар учиб ўтишарди. Улар чақчақлашиб кулишар, ашулалар айтишарди. Фол очиш палласи келиб қоларди.

Надежда Осиповнанинг уйқуси доим ёмон, сергак эди. Сергей Львович бурни билан бир маромда ҳуштак чалиб, гўдак сингари ухларди. Қишнинг шарофати билан тушлар кўпайиб кетарди. Ҳар кеча Надежда Осиповнанинг тушига бирор нарса кирмай иложи йўқ эди. Уйда Соломон услубида айланма қора ҳарфлар билан славянча ёзилган, титиғи чиқиб кетган бир жилдли китоб бўлар эди, Александр шу китобни кўрганда хурофий бир даҳшатга тушарди. Бу — тушларни таъбирлозчи донишманд Мартин Задеканинг таъбир китоби — тушлар тўплами эди. Ҳар тушнинг ўз маъноси бўларди. Надежда Осиповна узундан-узун чалкаш тушлар кўрарди. Тушининг боши хонавайронлик ва маккорликлардан дарак берса, тушининг охири кутилмаганда бойиб кетишни каромат қиларди. Сергей Львович ҳам туш кўрарди-ю, лекин ҳеч қачон тушини эслаб қолишга ҳаракат қилмас, доим эсидан чиқариб юборарди. Фақат бир мартагина эслаб қолиш унга насиб қилди: у тушида адмиралнинг хотини кекса Аргамаковани кўрибди. Надежда Осиповна башоратчи китобни очди. Кампир кўнгилсизлик ва дўст алдовига йўйилар экан. Шунда у «адмирал хотини»ни кўриб боқди-ю, тушнинг маъноси аён бўлди. Адмирал хотинини кўриш — уқтирарди унга тушлар тўплами — меҳр-муҳаббатга йўйилади. Дарҳақиқат, Сергей Львовичнинг туши тўғри чиқди.

Умуман олганда, Сергей Львозичнинг тушлари Надежда Осиповнанинг тушларидан кўра ёмонроқ ва бемазароқ бўларди. Уларнинг маъносига етиш ҳам мушкул бўларди. Бир марта у тушида Надежда Осиповнани бегона аёл номи билан атаб қўйиб, унга алоҳида навозишлар қилиб юрди. У тушимда яна адмиралнинг хотинини кўрибман, деган бўлди-ю, лекин гапи инобатга олинмади. Кейин у Надежда Осиповнага фақат шундай туюлиб кетганини, уни доимгидек Nadine деб атаганини айтиб, узоқ қасам ичиб юрди-ю, лекин ишонтиролмади. Икки ҳафта асносида у назардан қолиб юрди ва фақат киборлар даврасига чиқишгандагина Надежда Осиповна ғазабдан тушди.

Ўзининг тушларига Надежда Осиповна ишонарди. Унга бир марта эски ўйнаши билан учрашув, йиғи-сиғи, қасамёдлар, шошилинч сафар, олис йўл таъбири чиқди. У бутун кун бўйи йиғлаб юрди ва туннинг анчасини ҳам бедор ўтказди. Сергей Львович хўрсинаб хўрсина ўша эски ўйнашинг ким эди, деб сўрагани ҳам ҳадди сиғмай қолаверди. Надежда Осиповнанинг ўзи ҳам буни аниқ билмас эди — балким бу гвардиячи йигитдир. Надежда Осиповна ўша

гвардиячи билан Сергей Львовичга тегишидан анча илгари хуфиёна учрашган ва бу учрашув нақ фалокат билан тугашига сал қолган эди. Дарвоқе, бундай воқеа бўлганлиги ҳам даргумон. У алакачонлар уйланиб кетган бир бедаво ароқхўр эди, Надежда Осиповна эса уни ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди. Надежда Осиповна тушидаги ўйнаш ким бўлиши мумкинлигини билмасди-ю, йиглайверарди. Бир ой ўтди, икки ой ўтди, эски ўйнашдан эса дарак бўлмади; лекин барибир у лоп этиб келиб қолиши ҳеч гап эмас, ҳеч қачон тушларнинг таъбири нотўғри чиқмайди. Бир тушни бошқа туш билан алмаштириш, аралаштириб юбориш эса мумкин.

Шу зайл улар ҳаётларини тушлар билан ўзгартириб, тўлғазиб юришарди.

Гоҳи маҳаллар шундай тушлардан кейин бирдан Надежда Осиповна аллақандай ғайратга тўлиб, қизларни югуртириб қолар-ди. Улар столларни у ёқдан-бу ёққа олишар, сурилаётган жавонларнинг тарақ-туруқи ҳамма ёқни босиб кетарди. Худди улар бўлак уйга, бўлак шаҳарга кўчиб ўтгандай, хоналарнинг ҳолатини ўзгартириб юборишарди.

Уларнинг ҳаётида ҳеч нима ўзгармасди, улар ҳеч қаерга кўчиб ҳам ўтишмасди.

Арина қўлида бир даста исқирт карта билан ўтириб олганда, унинг кўриниши, энди ўйнамайман, деб тавба қилиб қўйган Сергей Львовични ҳаяжонга солар эди. Унга кетма-кет қўли баланд карталар чиқаверарди.

— Уйга, юракка, ушаладиган орзу, ўтиб кетадиган дард, юракнинг тинчиши...

Ушаладиган орзу йўлда бўлиб чиқарди, юрак эса югур-югурда тинчирди. Борди-ю, қора тузнинг учи тепага бўлиб чиқиб қолса, Надежда Осиповна ганни чуваб ўтирмасдан карталарни аралаштириб юборарди. Арина эса қайтадан бошларди. Кўнгил учун ҳали ёшгина ғиштин қирол тушарди, кўнгилни жойига тушрадиган нарса эса пул ва расмият уйидан келадиган мактуб эди. Балким бирор мерос хати келиб қолар? Тақдир шу тариқа ҳал қилинар, уни шу тариқа алдаб юришарди.

Монфор маъюс бир алфозда одоб билан Аринадан унга ҳам фол очиб беришни илтимос қилган эди. Арина ҳам мусьега хавфхатар ва таппон қиролнинг ҳужумини каромат қилиб берди.

Унга таржима қилиб беришганда, Монфорнинг ёмон жаҳли чиқиб кетди ва ортиқ фол очирмай қўйди.

Александр нафасини ютиб кунжакда ўтирар ва энагасининг чаққон қўлларини кузатарди. Отаси билан онасининг юзлари — дам оқариб, дам жилмайиб ўзгариб турарди. Тақдир дегани шу эди-да.

Чўри қизларнинг фоли қўрқинчлироқ, мутероқ ва мунглироқ бўларди. Бир марта Александр уларнинг фол очишини кўрган эди.

Ота-онаси ҳовлидан чиқиб кетган, Арина уларни кузатиб қўйган эди. Монфор ўзининг бальзамидан ичиб олиб, Аринага ҳам бир стакан узатди.

— Оёқларингда қувват қолмади, мусье, — деди Арина ташаккур билдиргач, — ичганинг нуқул бальзам-а.

Бу оқшом ҳамма ёқ сокин бўлди, укаси Лёлка билан опаси Ольгани ухлатиб қўйишди. Арина Александрнинг қулоғига бугун фол очилади, ухлайвер ва ҳеч хавотир олма, деб шипшиб қўйди. Энага эшикни оҳиста ёпиб чиқиб кетгач, у то опаси билан укаси ухлаб қолгунча яна бир оз кута турди, бирпасда кийинди ва лип этиб хонадан товушсиз чиқиб кетди. Даҳлизда у елкасига пўстинча ташлаб қулоқчинини бостириб кийиб олди. У ҳовлига чиқди-ю, эшикнинг орқасига биқинди. Шу ерда унга Монфор етиб олди. Монфор синчковликда Александрдан қолишмасди ва улар иккаловн эшик орқасида пойлай бошладилар. Александрнинг юраги гупиллаб урарди.

Арина ҳовлини кесиб, қорни ғирчиллатиб юриб борарди; Александр билдирмай унинг ортидан кетди. У чўри қизлар ҳужраси эшигини қия очди-да, аста деди:

— Қизлар, чиқаверинглар.

Ҳужрадан илиқ буғ чиқар ва бирин-кетин қўлларида этик тутган Танька, Грушка, Катькалар чопиб аёзга чиқишди. Яланг оёқ қизлар топ-тоза қордан чопиб, дарвозагача етдилар-да, ҳаммалари ўз этикларини дарвозадан анча нарига улоқтирдилар.

— Эси йўқлар, — деб жиддий гапирди Арина, — бу ерда шундай фол очишадими, шаҳарда-я? Этикларингизни ким босиб олар-ди? Қаёққа қараманг, ҳамма ёқ Москва бўлса. Этикларингизни ўғри уриб кетади, ҳамма фол шу бўлади-қўяди. Этикларингни олларинг қордан, жиннилар, бошимга битган бало бўлдиларинг. Жавобини берадиган мен. Бу ерда овозга қараб фол очилади.

Фақат шундагина унинг Александрга кўзи тушиб қолди-ю, оҳ деб юборди. У энагасининг этагига ёпишиб олди, энага ундан ота-онасига ҳеч нима демаслик тўғрисида ваъдасини олди...

— Бўлмаса сизларни деб мен, қари жинни, балога қоламан, ишқилиб Лез Сергеич уйғониб кетмасин, сиз ҳам, отахоним, дардисар бўлдингиз.

Қизлар изза бўлиб кетишди ва бойвачча билан муаллим олдида фол очишни истамай туришди.

— Александр Сергеич ҳали гўдак,— деди Арина,— унинг олдида бўлаверади, мусье бўлса девона одам, бизнинг тоифамиздан эмас. Буларнинг олдида бўлаверади.

Қизлар тор кўчаларга сочилиб кетишди.

Катька ром очди. Ҳамма ёқ жимжит эди-ю, бирдан йироқдан майда қўнғироқчаларнинг ёқимли жинғир-жинғири эшитилди — чаналар учиб келарди, улар учиб келди-ю, яна гойиб бўлди.

Ҳамма қизлар ҳансираб туришар, Катька бўлса йиғлаб ва кулиб юборди.

— Четга кетар экансан, — деди Арина маъқуллаб, —қўнғироқчаларнинг жинғир-жинғири ёқимли, бу сенинг бахтингдан дарак беради, фақат бахтинг олисда, ҳали унга етишингга анча вақт бор.

Грушка ром очди ва ҳаял ўтмай тор кўчадан гунгур-гунгур гап ва кулги эшитилди, уч йигит келаётган эди, улар ширакайф кулишар, бири эса: «Уҳ, дадил бўл!»— деди, улар қизларни кўриб қандайдир муғ ва беғаразлик билан сўкиниб қўйди.

Грушка оёқларини кериб, Аринага тошдек қотиб қараб турар эди.

— Ҳечқиси йўқ, гаплар яхши, ёмон нияти йўқ,— деди Арина,— ўртада катта гап бўладиганга ўхшайди, совчи келса керак. Овози яхши. Сўкингани эса кўнгил қоралигидан эмас.

Грушка овозини чиқазмай ўксинди.

Татьяна ром очди — шунда сал нарида қўшни уйдан қоп-қора пахмоқ ит югуриб чиқди-ю, совуқдан ғингшиб, жон-жаҳди билан ҳура бошлади.

Қизлар кулиб юборишди, Арина уларга ҳай-ҳайлаб берди. Улар ҳайиқиб жим бўлиб қолишди.

— Эри баджаҳл, — салобат билан деди Арина, — бир қара, қанақа пахмоқ ит-а. Бунақалари бу ерда илгари бўлмаган.

Татьяна юзини енгига босиб, жуда қаттиқ бўлмаса ҳам ўкириб йиғлаб юборди. Монфор унинг бошини силаб қўйди.

— Йиғлама,— деди Арина,— кўникиб кетасан, мана, мусьенинг ҳам сенга раҳми келяпти.

— Шўрпешона эканман, — нафаси тиқилиб ва титраб-қақшаб деди Татьянка. Кейин бирдан қувнаб кетди-ю, Монфорни чўлпиллатиб ўпиб олди. Қизлар кулиб юборишди.

— Э-э, ўлиб кетмайдими!

У Монфорнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Монфор ҳаммага қўшилиб куларди.

Аринанинг аччиғи чиқиб, гуфлаб қўйди.

— Бўлди энди, оҳ-воҳчилар, — деди у зарда билан ва Александрни ухлатгани олиб кетди.— Ярамайди, ойингиз келиб қолади, жаҳли чиқади, шунда сиз билан иккимиз жавоб беришимиз керак бўлади, отахоним Александр Сергеевич.

У энагасидан шартта:

— Татьяна нимага йиғлади?— деб сўраб қолди.

— Фолда унга жоҳил эр чиқди. Кеча қизлар тараша ёқишган эди, унинг тарашаси яхши ёнмади, сасиди. Шунга йиғлаяпти-да. Сиз бўлсангиз, отахоним, бориб ухланг, бўлмаса мусье уришиб беради.

Александр алламаҳалгача ухламади: Монфорнинг дараги йўқ эди. Ниҳоят, у кайфи чоғ бўлиб келди ва қоронғида секингина кулиб қўйди. У аста Александрни чақирди. Александр ўзини ухлаётганга солиб олди-ю, француз ҳам аллақандай қўшиқни ҳуштак қилиб чалганча ечина бошлади. Кейин бальзамдан ичиб олди. Болаларни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб, у ўзининг дағал қўшиғини минғирларди:

Oh, l'ombre d'une brosse.

Кейин мириқиб ҳомуза тортди-ю, зумда ухлаб қолди.

Александр эса ухламасди.

Аёз, қизларнинг қорни ғарчиллатиб босаётган яланг оёқлари, қўнғироқ товуши, ит ҳуриши, бировларнинг дардию бахти унинг бошида ажиб бир тарзда аралашиб кетган эди. Деразадан Москванинг худди Сонцев амакининг бошидек кал оймомаси мўралади. Печкада чўғлар ёниб бўлиб, тоб бериб ётарди; Арина аста эшикдан бош тиқиб қарагач, ичкари кирди ва ўтин қалаб қўйгани печка ёнига чўнқайди.

Александр ухлаб қолди.

У французча гапирар ва ўқир, французча ўйларди. Афти анго-ри араб бобосига тортган эди. Лекин унинг тушларида рус ҳаёти гавдаланарди; бу кеча у ҳам, Арина ҳам, Татьяна ҳам деярли бир хил туш кўришди. Татьяна тушида ҳам ўксиб-ўксиб йиғлар эди: ҳамма ёқ қор эмиш, шамол эмиш, бир бурчакда алвасти ўралашиб юрган эмиш.

САККИЗИНЧИ БОБ

1

У, суюксиз ўғил, ўн ёшида Монфор билан ҳамхона бўлиб яшар, болалар ўн ёшида нималарни ўрганса, шуларнинг ҳаммасини ўрганар, фақат китоб ўқиётгандагина жонланиб кетарди. Устози билан иккови кўп сайр қилишарди. Александр энди Москвани Монфордан яхшироқ биларди. Шу ернинг ўзида курсичаларда ўтирган кўзлари нурсиз чолу кампирлар сингари уйлари нурсиз тор кўчаларни ҳам, шоҳона Кузнецк кўпригини ҳам, уйлари муҳташам, кенг ва қарийб ҳаммаси икки қаватли бўлмиш савлатли

Тверская кўчасини ҳам биларди. Дарвозахоналар олдида тўрт ғилдиракли енгил аравалар ва извошлар турар, мужиклар, қўли қўлига тегмай, пирог савдосини қилишарди. Кузнецк кўпригидаги француз дўконида шоҳи-атласлар ял-ял ёнарди.

Кўчада сайр қилиб юриш унинг учун бир байрам эди. Бир марта у ғалати манзарани кўриб қолди. Кетворган отда дабдабали маият қуршовида бир чол ўтиб борарди. Отга зардўзи даври ёпилган: жабдуғи бутун олтину кумуш занжирчалардан иборат. Маият отларда жим борарди. Чол трубка чекарди; унинг афти бурушган эди. Эсанкираб қолган Монфор турк элчиси келибди, деб ўйлаб, шоша-пиша таъзим қилди. Бу чол эса тушлик олдидан сайр қилиб юрган кекса Новосильцев экан; маияти унинг қаролари экан. Бошқа дафъа бекорчилар тўдасини эргаштириб Тверская бўйлаб кумуш нақшли извош ўтиб кетаётганини кўриб қолишди: Гагарин чол Марьина бутазорига кетаётган эди.

Қўша-қўша отлиқ олифта извошларда зиналарида араблар билан Москва боёнлари ўтиб борарди; Тверскаядаги Олиҳимматлар мажлиси ёнида извошлар тиқилиб турарди: Москванинг афанди-сифат одамлари, қувғинга учраган асилзодалар бепанд истиқболдан умидларини узиб, умрининг охирини ҳашаматда кечирмоқда эдилар.

Монфор лорнет билан ўтган-кетганларни кўздан кечирарди; унинг юриши бир турли, қўллари қалтирар эди. У тобора бетайин бўлиб бормоқда эди. Арина уни эҳтиёт қилар, айбини бекитиб келарди. Бальзамдан юзлари қизариб, у бир куни чўрилар ҳужрасига ўтиб кетаётганда, Надежда Осиповна билан тўқнашиб кетганди. Арина эса бойвуччанинг диққатини хўжалик масалаларига чалғитган эди. Француз ўз бордоғига бальзамдан қуйиб, Аринага ҳам узатиб турарди, Арина ҳам қилт этмасдан уни мусье билан Александр Сергеевич саломаглиги учун бўшатиб берарди.

Монфорнинг машҳур таниш-билишлари бўлиб, Петербургда истиқомат қилгувчи файласуф ва иезуит граф де Местр[1] унга шафелик қиларди. Шунинг учунми, ҳар қалай, Татьянка йиғлаб-сиқтаб ўзининг Монфорни яхши кўриб қолганини эътироф қилганда, ишни асосан ялқовлик юзасидан босди-босди қилиб юборишган, Татьянкани эса Михайловскоега, молхонага жўнатиб юборишган эди. Бошқа қилмиши — французнинг ўз талабасини бальзам билан сийлагани ҳам бир нави бўлиб ўтиб кетди. Александрнинг боши айланиб, оғзи ёқимли жазиллаб кетган, бўлар-бўлмас сўзларни валдираб, шеърлар ўқиб, обдан ҳиринглаган эди. Устоз билан шогирд ўлгудек маст бўлиб, қаттиқ ва ширин уйқуга кетишган эди.

Монфорни бошқа нарса ҳалок қилди: у даҳлизда Никита билан қимор ўйнаётгани устига Надежда Осиповна келиб қолди. Энг хунуги шу эдики, у айнан даҳлизда, бир малай билан ўйнаган эди. Шунда Монфорни графлиги ҳам сақлаб қололмади. Сергей Львович нафрат билан елкаларини қисиб деди:

— Аввал картабозлик, кейин чўчқалик, кейин Никита билан улфатчилик, қарабсизки, ишлар пачава! Нима дединг?

Монфорнинг тадрижан тубанлашиб боришини у шундай таърифлаб берди; эски веньтэньчи-қиморбознинг сўзамоллиги кўзга ташланиб турарди.

Эртасига анжомларини қутига жойлаб, француз Александр билан видолашди ва унга эсдалик учун този итнинг расмини чизиб, тагига француз тилида: «Ҳаётдаги асосий нарса виждон, ундан кейингина бахт» деб ёзиб, бу ҳикматли гап остига эса ўзининг тўла унвонлари ва фамилиясини битиб, бериб кетди.

Монфорни хароб қилган яна бир жиҳат бор эди. Иезуитларнинг талабаси Николинька Трубецкой қисқа таътилга ота-онасиникига келган ва қўшниларини зиёрат қилган эди. Эгнида тўр манжетли қора бахмал камзулча. Энди у уйқусирагандай, овозини на бир зум кўтармай ва на пасайтирмай текис гапирар, Сергей Львович унинг бу силлиқ туппа-тузук талаффузини эшитиб, бирдан ўксиниб кетган эди; унинг ўғли французчалаб кескин, узиб-узиб, қисқа қилиб, унинг назарида, қўпол гапирарди. Иккиси учун ҳам француз тили она тилидай гап бўлиб кетган, лекин Николинька аббатларга ўхшаб, Сашка бўлса кўча тўполончисига ўхшаб гапирарди. Бир куни Николинька алланимани ҳикоя қилаётиб, Поварскаяни французлар сингари «Povarskaja» деб, «тор кўчадаги Харитонья[1] олдида»ни «Au St. Chariton» деб гапирди. Хайрлашаётиб у ошнасига лотинчалаб: vale[2] деди. Унинг олдида Сашкага йўл бўлсин. Монфор тарбиячи сифатида шарманда бўлиб қолди.

Янги тарбиячи Монфорга ўхшамасди. Унинг номи Руссло эди.

У ингичка мўйлов қўйган, бурун катаклари катта-катта, табиатан такаббур, жуда ўзига бино қўйган эди. Арина аввал-бошдан уни ёмон кўриб қолди.

— У мусье одми эди,— деди у хўрсиниб,— илоё саломат бўлсин, энди ишратга берилиб кетгандир, буниси бўлса — айғир.

Аммо Надежда Осиповна билан Сергей Львович бошқача фикрда эдилар. Надежда Осиповна энди уйдан кам чиқар эди. Бир марта у эрталабки тумоқ ва кофтасида ўтирганда, қўли сал очилиб қолди-ю, француз ўзининг завқини яширишни эплаёл-

[1] Местр Жозеф (1753—1821) — француз файласуф-ёзувчиси.

[1] Авлиё Харитоний ибодатхонаси назарда тутилган.
[2] Хуш қол (*лот.*).

мади ёки истамади. Надежда Осиповна жилмайиб қўйди: хушомад унга хуш ёқарди. Шу тобдан эътиборан Руссло хонадонда кичкина подшо, султон бўлиб қолди-ю, чиранниб юра бошлади. Александр билан у чўрт кесиб, қисқа-қисқа гаплашарди. Узини пихини ёрганлардан қилиб кўрсатиб, унга нақ команда қилгандай дарс берарди. Бир куни у Александрнинг отаси кабинетига боришини пойлаб билиб олди-да, жазосини бериб, бунга чек қўйди. Улар энди кам сайр қилардилар. Руссло уни французча луғат ва ҳисоб китоби ёнига ўтқизиб қўйди. Руссло ҳам муаллиф эди, шеър ёзарди. Расинхонлик пайтларида савлат тўкиб ҳозир бўларди. Сергей Львович ҳалиям гоҳо-гоҳо шеър ўқиш маросимларида иштирок қилишни ўзига эп кўрарди. Сўнгра у ўз шеърларини ўзи ўқир, ўқилганлари ҳар доим Надежда Осиповнага ёқарди. Уларнинг ҳаммаси беистисно фусунлари шоирни ақлидан жудо қилган ва қўл етмас бир мағрур хонимга бағишланган эди. Бир элегия муҳаббатдан жон бераётган шоирнинг нола-афғонлари билан туталланарди:

Ah, je meurs! Je meurs![1]

Надежда Осиповна овқат маҳал ёғлик гўштларни мусье Руссло га солиб берарди. У хийла вақт ичида афтига қизил югуриб, юмалоқ тортиб қолди.

Бир куни Пушкинлар дарвозаси тагида қора извош тўхтади. Извошдан оқ сарғиш сочли, кўзлари тийрак, заҳил қари юзли, қора энгилли киши бошини чиқарди. Либосининг уқалари тўкилиб қолган француз мулозим извош зинасидан тушди-да, граф Монфор уйдами, граф де Местр у кишини кўришни ихтиёр этдилар, деб сўради.

Сергей Львович типирчилаб қолди. Граф де Местр Сардиния қиролининг ўзгармас элчиси эди, дарвоқе, тасарруфдан маҳрум этилган, миш-мишларга қараганда — иезуит, Петербургда кўзга кўринган сирли зот, файласуф эди.

Сергей Львович граф де Местрни ичкарига таклиф этди. Чол уникида атиги беш минутча бўлди, холос. Монфорнинг кўпдан бери йўқлигини эшитиб ва қуюқ таъзим қилган мусье Руссло кўриб, чол унга тийрак кўзларини қаттиқ тикиб қараб қўйди. Сергей Львович тек қотиб қолди: қарашлари оқил эди, ўзи ҳам иезуит қарашини худди шундай деб тасаввур қилиб юрарди. У граф Монфорнинг, афсуски, кетиб қолгани ва эндиликда болаларга тарбия бериш мушкуллашиб кетгани тўғрисида ғўлдирай бошлади. Аста-секин Сергей Львовичнинг оғзи очилиб кетди. У граф Монфорни жуда севарди ва унинг заиф жиҳатларига ҳалиям афсусланади; тўғри, унинг бу жиҳатлари узрли, лекин тарбиячи

[1] Оҳ, мен жон бераяпман! Мен жон бераяпман! *(франц.)*

учун ножоиз. Қонун-қоидалар тобора кўпроқ илм олишни талаб қилиб боряпти, тарбия масалаларини ўйлаганда, одамнинг боши говлаб кетади.

Чол одат бўлиб кетган бадиққат нигоҳ билан болага қараб қўйди; кейин эса паришон илжайиб қўйиб, яна кўзларини Руссло га қадаб олди.

— Тарбиядаги асосий нарса ақлни чархлаш эмас,— деди у Руссло га қараб туриб. Руссло қаддини ростлади,— устига-устак, бу жуда мушкул гап; ақлнинг ўткирлиги ҳам эмас,— Руссло четга қаради,— пуч илмлар билан ёш болага жабр қилиш ярамайди. Бутунлай бошқа нарсани тарбиялаш керак. Сиз Париж тарбиясининг самараларидан бохабар бўлсангиз керак.

Кейин у совуқдан жунжикиб, ориқ бўйнига қора рўмол тортиб, ҳаммани довдиратиб чиқиб кетди.

Ҳаял ўтмай де Местрнинг извоши Харитонья тор кўчасида кўздан гойиб бўлди. Сергей Львович ҳаммага граф де Местрнинг зиёратини ҳикоя қила бошлади. Сашка билан Лёлькага парво қилмай, Ольканинг борлигини унутган ҳолда, у эндиликда тарбия деган нарса ғоят мушкул иш ва асосий нарса — бу ақлни чархлаш эмас, балки дид деб таъкидлаганда иезуитлар мутлақо ҳақдирлар, деб такрорлай бошлади. Худо кўтарсин ўша фанларни! Граф де Местр уч карра ҳақ.

Бу фикрни, хусусан эса, граф де Местрнинг зиёрати ҳақидаги хабарни одамлар диққат билан тинглашарди.

— Сўнгги марта, граф де Местр меникида бўлганида...— деб гап бошларди Сергей Львович.

2

Кутилмаганда Москвадаги ҳамма нарса ўзгариб кетди: ҳавонинг ўзи ҳам илигандай туюларди. Чолларнинг кибридан асар ҳам қолмади; улар ҳаммани меҳмонга чорлашар, ҳаммага жилмайиб қарашар эди, эски муносабатлар тикланди, қариндош-уруғчилик эсга тушди. Сергей Львович бирдан ўзларининг дворянлигининг олти юз йиллигини, балки салкам минг йиллигини эслаб қолди, ўзининг ёрлиқлар рўйхати боғламини ечди. Тез орада кўпдан кўринмай кетган Карамзин унинг юрагига далда бўлди.

Ҳаммасининг бонси — давлат, Петербург эди.

Москва бир четда, ёшини яшамоқда эди; чоллар ҳеч ким эшитмаяпти, деган хаёлда одамлар ичида бақириб гапирувчи карлар сингари бобиллашарди; кимки истеъфога чиқса, Москвага кўчиб кетишга ошиқарди, чунки бу ерда бобиллашга имкон бор эди. Москвадаги ҳамма нарса кампирлар измида эди. Москва хотин-халажлар мамлакати эди. Улар Олиҳиммат лар мажлисининг

креслоларида қурбақалардай ўтиришар ва қаҳр билан атрофга кўз солишарди. Ҳар қайси кампирнинг ўз ҳовлиси, ўз душманлари бор эди; ҳамма нарса уларнинг ёдида турар, улар ҳаммани танир эдилар. Офросимованинг мулоҳазалари ва муғамбир кампирнинг латифалари Москва учун уруш вақтидагина ўқилгувчи ведомостлар ўрнини босарди. Қиш бўйи бу ерда қайлиқлар ярмаркаси бўлди. Қайлиқларни аравага ўтқазиб ва ҳамма ёғини ўраб-чирмаб қўйиб, кенг йўллардан Москвага ноёб мол келтиргандай олиб келишар ва аравалар шаҳар чегарасидаги қоровулхона остонасига етиб тўхтарди. Ибодатхоналарнинг олтин қуббалари жилоланиб турар, боғу роғлар кўм-кўк бўлиб, қайлиқларнинг ҳам юраклари ўйнаб кетарди. Кейин уларни Москва кампирларига кўрсатишар, булар ҳам кўздан кечириб чиққач, уларни ўз паноҳларига олишарди. Ҳадемай бирор базм ё зиёфатда қизнинг тақдири ҳал бўларди. Кампирлар қўшишар, айиришар, ажратишар, яна қўшмачилик қилишар эди. Барча Гименей қуллари, хотинига бўйсунган эрлар, хонавайрон бўлган қиморбозлар, бирор сабабга кўра мартабаси очилмаган кишилар Москванинг ўрта авлодини ташкил этган эди. Сергей Львович ўзини Москвада жуда бемалол ҳис қилар, Петербургни эса сўкиб юрарди. У жаврашга ва янгилик тарқатишга ишқибоз эди, бу жиҳатдан Москванинг ҳамма ўрта яшар ва ўрта ҳол кишиларидан қолишмас эди.

Москвадаги ёшларнинг тутуриғи йўқ, улар ҳардамхаёл, енгилтабиат эдилар. Уларнинг суҳбатлари навозишли, эркакларнинг ҳаммаси бақир-чақирдан ўзини тияр, юмшоқтабиат бўлиб қолган эди. Оғизларидан хотин, ётоқ сўзлари тушмас эди.

Сарой, давлат Петербургда бўлганидан адабиётнинг ўзи ҳам Петербургда ўзгача эди: у ерда пиёдалар адмирали Шишков ўтириб олган бўлиб, у Москва ҳардамхаёлларини хўрлар, ҳатто Карамзинни ҳам сийламас эди. У ҳамма француз муаллимларининг бошига битган бало бўлди, эл орасида расм бўлган дўконларга қарши чиқди ва Четьи-Минеини ўқишни маслаҳат берди. Фонтанкада ҳали Гаврило Романович Державин заҳмат чекиб ётар ва қасида ҳақида авлодларга рисолалар ёзарди.

Лекин гап уларда, чолларда эмас ва ҳатто ёшларда ҳам эмас эди. Гап шунда эдики, Москва оҳ-воҳ чекиб, ҳайитларда қуймоқхўрлик қилиб ва Василий Львович Блэзнинг варақиларидан ҳайратланиб юргунча, аллақандай бир мунший қутилмаганда, дабдурустдан ҳокимият тепасига чиқиб, маҳкам ўрнашиб олган эди.

Қария Сперанскийни шундай дейишарди. Аввалига, подшо бир мунший «таъзимга» олиб кетаётганмиш, деган мишмишлар тарқалди, кейин эса бу мишмишлар рост бўлиб чиқди. Кейин Буонапартнинг ўзи мунший билан гаплашибди ва унга бениҳоя манзират қилибди, деган гаплар бўлди. Шунда чоллар гарчи Наполеонни

оғзига келган гаплар билан қойиб юрган бўлсалар-да, ўзларини назарга илинмаган деб ҳис этишди, кейин эса мунший Наполеон билан тил топибди, деган фикрга келишди. Олдинма-кетин бирма-бир фармонлар чиқа бошлагандан кейин ҳамма қарияларга бир нарса аён бўлиб қолди: Россияда Наполеон даври бошланибди. Биринчи фармон сарой қошидаги унвонлар ҳақида, иккинчиси эса гражданлик лавозимлари ҳақида эди. Екатерина вақтидан бери олий табақа мавжуд эди. Олий табақага мансуб кибор кишилар умрини кибор машғулотларда ўтказишарди; йўргакда улар камер-юнкер унвонини, унга қўшиб бешинчи мавқе мартабасини ҳам олиб келишган; чақалоқлар дуркун онахонларига жилмайиб қарашар, энагалар қўлига ўтишар, камергер бўлишар ва тўртинчи мавқе мартабасини олишарди. Аммо уларнинг дидини бўш вақтлар такомилига етказар, мавриди билан улар статс-хоним Перекусихина[1]нинг назарига тушиб қолишлари мумкин бўларди, борди-ю, бу ҳол содир бўлмаса, улар пировардида юқори мартабаларда давлат ишларига киришардилар. Дворянлик эрки шулардан иборат эди.

1809 йил 3 апрелида энди Петербургда ўрнашиб олган мунший фармон чиқарди-ю, буларнинг ҳаммасига чек қўйди. Келгусида камер-юнкер ва камергер унвонлари ҳеч қандай мартаба бермас ва фақат фарқ нишонлари бўлиб ҳисобланарди. Шу билан бирга ҳар ким икки ой мобайнида ҳақиқий хизмат турини танлаб олмоғи шарт эди, бунга хоҳиш билдирмаганлар эса истеъфода деб ҳисобланарди. Ўз турмуш тарзини ва фикрларини ўзгартирмаган кўплаб олиҳиммат кишилар истеъфога чиқиб қолдилар. Трубецкой-Қутиларнинг уч авлоди мудом ўз қутисида ўтиргани ҳолда унвонга молик бўлган ва хизматда саналар эди, энди Трубецкойларнинг ҳаммаси мансабсиз бўлиб қолди. Ҳамма хонадонларда кучли ҳаяжон ҳукм сурарди. Ўша, Наполеонни Буонапарте деб атаган чол Петербургга бориб маишатбозлик қиламан, деб пўписа қиларди. Айниқса кун сайин ўсиб бораётган солиқлар ҳамманинг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Еб ётибди,— деб Сперанскийнини, подшонини гап қилишарди,— марҳум Павелдан бешбаттар.

Ёзда Москвадаги чолларнинг гапирган гаплари солиқлар тўғрисида бўлиб, улар ўлсак ўламизки, тўламаймиз, деб дағдаға қилиб юришганда, мунший иккинчи фармонни чиқарди. Шу вақтдан эътиборан имтиҳонлар ва аллақандай гувоҳномаларсиз коллеж ассессори унвонини олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Мансабдор-

[1] Перекусихина Мария Саввишна (1739—1824)— Екатерина II нинг стаст-хонимн. Император хоним учун суюкли йигитчалар танлаб юрарди.

лар табақасига ўзининг эскириб кетган одатлар ва кўзлаган мақсадларини тарк этиб, хонаки гуруҳлар ўрнига табиий ҳуқуқ ва математиканинг бошланғич асосларидан имтиҳонларга тайёргарлик кўриш таклиф қилинарди.

Энди бутун зодагонлар уруғи бош кўтарди.

Бир терговчи Прудкида, омманинг кўзи ўнгида кўз ёшларини катта қизил дока билан артиб ва шу билан умум диққатини ўзига жалб этиб йиғлабди, дейишарди. Шу билан бирга ўз олдида бошқа тирикчилик мақсадлари қолмаган ва имтиҳонлардан ўтишга, демакки, коллеж асессори унвонини олишга умидлари узилган маҳкама аҳли шундай ҳуқуқ талаб қила бошладиларки, биргина шунинг ўзи ҳам давлат асосларини зил кетказиб қўйиши ҳеч ган эмасди. Буларнинг ҳаммаси муҳим оқибатларга эга эди.

Биринчи фармон чиққанда ҳамма айбни зодагон уруғига тўнкаган Москва боёнлари энди Сперанскийни попвачча ва амал кўрмаган руҳоний, деб атай бошладилар.

Ҳар хил таъб ва ҳаваслар умумий хатар важҳидан вақтинча унут бўлди. Москва кўчаларида ҳаракат кучайиб кетди: саҳарлаб ҳамма умумхалқ фикрини билиб келгани уйдан чиқиб кетарди. Сергей Львович эрталаб ўз хизматини адо этгани кетарди. Ҳамма идоралар энди Сперанскийга теккизиб ёзилган янги шеърлар кўчириш билан овора эди. Сергей Львович ҳар куни бирор янги нарса кўтариб келар ва ўқиб чиққач, ўзининг махфий ғаладонига солиб қулфлаб қўярди.

Шеърлар анчагина ўткир эди. Бири идора фиғонлари ҳақида бўлиб, «Элегия» деб аталарди:

Йиғлаб қол, амалдор, қоғозбоз, котиб!

Унинг шеъри аччиқ бўлиб, дарров мақолга айланиб кетди:

О, жиндак қўмсалган асессорлик амали!

Дарвоқе, шеър кўпроқ идора аҳлини масхаралаб ва чамаси, фармонни ёқлаб ёзилган эди, лекин мансабдорлар дастлабки пайтларда бунинг фарқига бормадилар ва фармонга алоқадор нима дуч келса «қарши ҳаракат бу», деб ҳаммасини кўчириб оларишди.

«Ҳомуш дворяннинг фикри» Сергей Львовичга кўпроқ ёқди; сатрлар хом ва бўлмағур эди, лекин мана бу мисралари кучли эди:

Рюрикдан то ҳозиргача дворян жабр чекмаган,
Россияни ҳамма лекин ҳукмрон деб санаган.

Шеърда «попвачча»ни «совун пуфагидай учиб юради», сўнгроғида эса, «сунъий қилич билан Россияни шикастлайди ва тартибсизлик яратади», деб айтилган эди.

Сперанскийга аталган эпиграмма эса, сал бошқачароқ — қисқароқ эди, буни Наполеонни Буонапарте деб атаган генералнинг укаси ёзган эди:

Попвачча мўъжизалар қилаётир намоён,
Барча дворянларни илм деб этди яксон.

Илмдан ҳамма қўрқиб кетган эди. Табиблар тиббиёт, поплар ақоид ўқирди. Дворянлар орасида ҳамма лотинча ўқийдиган телбалар ёки маърифатпарвар бойлар учраб турарди, лекин табибларга ўхшаб илмларни мажбурият юзасидан ўқиш — бу дворянларнинг иши эмас. Дворян киши мартабаларни маънавий фазилатлари ва хизматлари эвазига олиб келган. Фан, дворянлик ва унвон ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Семинарий талабаси тартибсизлик яратди ва ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборди.

Сергей Львович негадир бошқалардан кўпроқ аччиқланарди. Камер-юнкер ва камергерлик энди лавозим эмас, унвон бўлиши ҳақидаги фикр унга айниқса алам қилар, ҳолбуки унинг бирор қариндош-уруғи унисига ҳам, бунисига ҳам дахлдор эмас эди. У ўз қаҳру ғазабининг сабабини сўз билан тушунтириб беролмас эди.

— Уша мунщий, cette canaille de[1] Сперанский,— дерди у гўё Сперанский илгари унинг қўли остида хизмат ўтагандай қилиб ва унинг фамилиясини димоғида талаффуз этиб.

Умуман, бу нарса — ҳар қандай оппозицияга бажонидил бош қўшавериш Сергей Львович табиатига хос эди. Гоҳи маҳаллар у камин олдида худди онаси Ольга Васильевна сингари тўнғиллаб қоларди. Бир марта у ҳатто онасининг гапларини сўзма-сўз такрорлади: пинғиллаб, ҳамма бало Орловлардан бошланди, ўшалар аслзодалар орасига суқилиб кириб олишди, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, деб айтди. Нима деганда ҳам дворянлик унвони аслзодалик ҳуқуқини беради; аслзодалик эса ёки ойиси Ольга Васильевна айтганидек, одамшавандалик эса, бу ҳамма нарсага эришилди, деган маънони билдиради! Бу — тавозе ҳам, шукуҳ билан юриш уқуви ҳам, сухандонлик ҳам. Кимда-ким бунинг фаҳмига етмас экан, у билан пачакилашишнинг ҳожати ҳам йўқ. Гарчанд Сергей Львовичнинг тарихий тушунчалари хира бўлса-да, унда кучли ҳиссиёт бор эди.

Бу ойларда Москвада қўзғалиш бошланган эди — маҳкама аҳли шеър кўчириш билан овора, дворянлар подшога хат ёзиб чар-

[1] Уша лаънати *(франц.)*.

чашмас эди. Ҳатто Сергей Львович ҳам ўз хонасида тоза бир варақ қоғоз устида ўтириб, аллақандай ингичка пат билан хат ёзишга киришди:

Соҳиби карам Давлатпаноҳ!

Лекин у ёғи юришмади.

Ҳамма Карамзиннинг оғзига кўз тутарди.

3

Эски дўстлар уни камгап, мағрур бўлиб кетди, дейишарди. Ҳамма билан алоқаси узилаётгани ва ҳали муҳим ишлар қилиши кераклигини сезиб, у кўпинча Москвадан кетиб қоларди. Ниҳоят, у қайнотасининг Остафьево мулкида Руссоники қабилида ўз Эрмитажига асос солишнинг уддасидан чиқди. Кенг боғ, оқин сувли сарҳовуз, қалин арғувонлар ўша ерда унинг дўстлари ўрнига ўта бошлади. Ёш, хушфеъл хотини энди унинг учун Клио[1] бўлиб қолди. Москвада энди ундан ҳадиксирашар эди. У бир-икки оғиз нуфузли гап айтиш ва танбеҳ, табассум қилиб кетиш учун ойда-йилда бир келиб қоларди. Инсон қусурларига нисбатан риоя энди унинг бош фазилатига айланди. Синглиси Лизетнинг эри кўнгилчан Сонцев ундан худди оловдан қўрққандай ҳайиқарди. Ҳозирги Москва саросималари уни хилватгоҳидан бир-икки ҳафтага суғуриб олган эди.

Сергей Львович унинг ҳузурига қувонч билан кириб келди. Уларнинг кўришмаганига кўп вақт бўлган эди. У зиёрат учун қай соатни танлаш устида кўп бош қотирди, негаки халақит бериб қўйишдан қўрқарди ва бўри билан ит ўртасидаги паллани танлади. Бирмунча мулоҳаза қилиб тургач, у Москва шеърларини чўнтагига солиб, янги фракини кийди-да, бир хўрсиниб олиб, жўнаб кетди.

Мезбон уни очиқ юз билан кутиб олди. Ҳеч ким йўқ эди. Нимқоронғи хонада одмигина жиҳозларда улар ғира-ширада ўтиришди. Карамзин шамларни ёқмади. Карамзин кам гапирарди. Ҳатто осойишта креслога ботиб, мудраб кетгандай туюларди. Аммо Сергей Львович гапираверди — ҳамма гапни айтди. Даставвал Николай Михайловични шовқин солиб сўкаётган, яқинда акаси Василий Львовични — даҳрий, ишратпараст ва тахт душмани, деб маълумот ёзган Петербург адмирали Шишковнинг ваҳшиёна қилиқларини сўйлаб берди.

Карамзин маъқуллаганини суст ифодалаб, илжайиб қўйди. У ҳаргиз галлпараст-французпараст эмасди. Ўзи билан Василий Львович номларининг қўшничилиги бир қадар кулгили гап эди.

У Сергей Львовичдан унинг дилбар хотинининг соғлиғини сўради. Сергей Львович самимий ташаккур айтди-ю, болалар тарбиясининг мушкуллигидан нолиб кетди. Энди дворян кишидан имтиҳон ва илмлар талаб этилаётган пайтда уларнинг истиқболи учун қалтираб қолдинг киши. Уникида яқинда бўлган граф де Местр ҳақ: энг муҳими, деди, ота-онага нисбатан иззат-икром ҳиссини тарбия қилиш, қолганлари эса худога ҳавола шекилли! Вояга етиб келаётган ўғилнинг отаси сифатида буни у жуда яхши ҳис қилаётир.

Шу ерда Карамзин мулойимлик билан уни огоҳлантирди — туб моҳияти билан фарқли бўлган тушунчаларни аралаштириб бўлмайди, имтиҳонлар бир нарса, маърифат эса бошқа нарса. Уларсиз Шекспирлар ҳам, Боннетлар ҳам чиқиши мумкин эмас. Нафис идрок табиатга жаҳолатдан кўра яқинроқ туради. Зоти тоза кишилар оқибатда буни уқиб олишлари шарт. Граф де Местр ҳақида у, графнинг Москвада бўлганидан бехабар қолибман, деб бирмунча совуқ гапирди. Имтиҳонлар масаласига келсак, афсуски, бу нарсалар фаннинг ўзига узоқ вақтгача зарар етказади!

Тезда Сергей Львовичнинг сабр-тоқати қолмади ва Карамзинга «Хомуш дворяннинг фикри»ни ўқиб берди.

Карамзинга, сиёқидан, жон кирди. У шеърларни диққат билан эшитди ва қоғозни қайта ўқиб чиққани сўраб олди. Унинг юзларига қизил югурди. Сал ўтгач, у Сергей Львовичга содир бўлаётган воқеаларнинг маъносини тўзим ва мулойимлик билан аста тушунтира бошлади.

Нимқоронғиликда ўтираркан, Сергей Львович қимир этмасди. У Карамзиннинг ҳамма гапларига ҳарислик билан қулоқ солар, бунинг ҳаммаси уни юксалтирар, руҳини кўтарарди. У салобат билан бошини оппоқ ёқасига қўйиб, Надежда Осиповнани, Сашка ва Лёлькани, қарзларини ва бутун уй ичини унутиб ўтирарди. У ким бўлиши лозим бўлса ўзини ўша деб — олти юз йиллик дворян, кибор, одамлар гаплашгувчи, мукаллаф этгувчи кишилардан бири деб ҳис қиларди. Бу туйғунинг хушлигидан Карамзин гапларининг ярми унинг қулоғига кирмасди. У фақат муншийга оид нозик қочириқлардан очилиб куларди, холос.

Карамзин ғира-ширада, шамларни ёқмасдан, эндиликда граждан палатасининг раиси — Гомер ва Феокритни, сенат котиби — оксиген ва барча газларнинг хусусиятларини, вице-губернатор эса — Пифагорнинг фигурасини билмоғи шарт, деб ўгит берар эди...

Сергей Львович секингина кулиб қўйди.

---

[1] Клио — қадимги юнон афсоналарида — тўққиз илҳом парисининг бири, тарих ҳомийси.

— ... жиннихонанинг нозири эса — Рим ҳуқуқшунослигини...

Буни Сергей Львович эслаб қолишга уринди.

— Оксиген, Пифагор, нозир,— дея такрорлади у фақат лабларини қимирлатиб.

Суҳбат кўнгилли бўлди-ю, лекин икковлари ҳам фармон ва «фармон шуури»нинг саводсизларча, агар таъбир жоиз бўлса, жимжимадор, малайларга хос — семинарийча услубда ёзилганини пайқамадилар.

Сергей Львович бир варақ тоза қоғоз ва ундаги:

Соҳибикарам Давлатпаноҳ!

деган мурожаатни эслади.

У шўхлигини бўйнига олувчи мактаб боласидай қизариб, бунинг ҳаммаси манзур бўлишидан кўнгли тўқ, масрур ҳолда таваккалчилик қилиб юборганини Карамзинга эътироф қилди. У давлатпаноҳга хат ёзмоқчи бўлди-я... Қалб амри-да! Астағфируллo! Лекин Москвада давлатпаноҳга ҳамма хат ёзмоқчи бўлиб юрибди...

Карамзин жим бўлиб қолди. У Сергей Львовичнинг ғўлдирашлари ва кулгисига эҳтиёткор йўтал билан жавоб қилганича индамасди.

Атроф тимқоронғи бўлиб кетди. Карамзин креслосида қимир этмасди. У мудрамаяптимикан? Фақатгина Сергей Львович хайрмаъзур қилишга тушгандагина у бемажол овоз билан, лекин мутлақо совуқ қилиб дилбар хотинига унинг таъзимини етказишини илтимос қилди.

Сергей Львович Карамзиннинг дастлаб унга қизғин суҳбати билан ҳурмат билдириб, охирида нега совиб қолганини тушунолмай эсанкираб чиқиб кетди. Лекин Карамзиннинг ўзи ҳам Остафьеводаги хилватгоҳида кўп ҳафталар бўйи оқ варақлари устида ўтирган эди; у ҳам давлатпаноҳга, муншийнинг Россия давлати тарихи оқимига қўшган ўша руҳи тўғрисида хат ёзаётган эди.

4

Карамзинникидан келаётиб, Сергей Львович даҳлизда Александрга тўқиниб кетди. Ўғлининг авзойи уни ўйга толдириб қўйди.

Шу замон у қатъият билан оғзидан тупук сачратганча, ҳовлиқиб Надежда Осиповнага ўзининг суҳбатини гапириб берди ва Карамзиннинг таъзимини топширди.

— Нафис дидни тарбиялаш керак,— деди у қатъий,— шу нарса одамни одам қилади.

Надежда Осиповна муҳим масалаларда эрига эътироз билдирмасди. Ўзининг ғалати қатъияти билан эри уни довдиратиб қўяр: Сергей Львович ҳар маҳал ҳам бирор иш қилишга уринавермас, лекин мабодо бир қарорга келиб қолса борми, пайсалга тоқат қилолмас, ракета сингари куйиб-ёниб кетарди. Ўша куниёқ немис кўчасидаги тикувчига Сергей Львовичнинг фракидан Александрга костюм тиктиргани бериб келишди. Надежда Осиповна француз дўконидан озгина тўр сотиб олди. У кўзгу олдида турib узоқ кийинар ва эрталабдан харид қилгани чиқиб кетарди. Ҳамма ёқ жонланиб кетди. Болаларга янгича тарбия бера бошладилар. Ниҳоят, костюм тайёр бўлди. Надежда Осиповна лорнет билан Александрни кўздан кечириб чиқди-да, немис тикувчи билан уришиб олди. Сергей Львович бир ҳафтагача тинч юрди. Лекин Бутурлинларникида, Сушковларникида ва яна баъзи бировларникида бўлиб келгач, у бир куни ифшо қилиб қолдики, кибор болаларга Иогелкида рақс ўргатилар экан.

Иогель шу кунларда расм бўлган рақслар муаллими, Москвада биринчи бўлиб болаларга рақс тушишни чинакамига ўргата бошлаган эди, уникида болалар маскаради уюштирилар, ота-оналар ўз ўғил-қизларини Иогелникига олиб боришарди; либослар унинг маслаҳати билан инглизча, адмиралча ва а-ля турк қилиб тикиларди; меҳрибон она ва тикувчилар томонидан ҳамма нарса — париклар, учбурчак қалпоқлар ҳам олдиндан тайёрлаб қўйиларди.

Иогелнинг зали чароғон қилиб ёритиларди. Иогелнинг ўзи, новча бўйли букчайган чол қора фракда чиқиб, жимгина чўнтак скрипкасини чаларди. Болалар шу ёшга хос лоқайдлик билан янглишмай рақс тушишга ҳаракат қилиб сакрашарди. Атрофда қатор бўлиб Москва кампирлари болаларнинг ота-оналарини қоралаб ўтиришар ва болаларни ёнларига чақириб олишиб, уларни шу ернинг ўзида халтачалардан олингувчи ширин кулчалар билан боқишарди. Иогелнинг кечалари аста-секин расм бўлиб кетди. Кампирлар немисни, болаларни ёмон ўқитади, деб сўкардилар: ўғил болалар туртиниб юришарди, қиз болалар оёғи куйган товуқлардай чопқиллашади; оила онахонлари эса немисни қиммат нархи учун сўкардилар, лекин ҳар қалай юзларига ясама хол қўйиб, унинг кечаларига танда қўярдилар.

Сергей Львович Надежда Осиповнага Александр билан Ольгани Иогелникига олиб бориб келиш кераклигини айтди. Надежда Осиповна жон деб рози бўлди. Александрни турк қилиб, Ольгани эса грек қизи қилиб кийинтирмоқчи бўлишди. Надежда Осиповна мода дўконларида уч кун юрди. Болаларнинг маскарад либослари учун у харид қилиб келган шоҳи жуда қиммат турарди. У икки кун уни томоша қилди-да, ниҳоят ўзи шоҳи кўйлак кийишга қарор қилди. Сергей Львович тилини тишлаб қолди. Унинг ўлгудек Иогелникига боргиси келарди. Бир куни тамадди устида у болаларга

рақсни машҳур рақс муаллими Пэнго ўргатишга рози бўлди, деб эълон қилди.

— Йогелдан ўлса ўлиги ортиқ,— деди у ўз сўзига ўзи ҳам қатъий ишонмай.— Йогель қари муттаҳам, холос.

Тушликка келган Анна Львовна болалар тарбияси деб ҳеч нимасини аямаётган акасига ҳайрон қолди.

— Оҳ, Сергей, Сергей, аттанг қилиб қоласан,— деди у.

Сергей Львовичнинг ўзи ҳам Пенгони таклиф этиб қўйганидан сал пушаймон эди.

У, бурчакма-бурчак юрар, Анна Львовна бўлса болаларга синчиклаб қарар эди. Уларнинг авзойидан ота-онасининг ғамхўрликлари қадрига етади, деб бўлмас эди.

Никита меҳмонхонадаги шамларни ёқиб юборди-ю, шу заҳоти машҳур Пенго зоҳир бўлди. У паст бўйли, ориқ, оёқчалари тарашадай, кавушчалари тўқалик, пайпоқлари шоҳидан эди. У жуда қари эди, лекин гарчанд боши қалтираб турган бўлса-да, ўзини тетик тутишга ҳаракат қиларди.

Надежда Осиповна Ольга билан Александрнинг қўлидан ушлаб хона ўртасига чиқариб қўйди, Анна Львовна клавир ёнига ўтирди-ю, дарс бошланди.

— Глиссе, глиссе[1],— синиқ овоз билан сабоқ бошлади машҳур Пэнго ва оёқларини шақирлатди. Оёқлари қалтираб кетаётгани сезиларли даражада бошини силкитар ва у сакрамоқчи бўлиб бунинг иложини қила олмаётган чигирткага ўхшаб кетарди.

Александр тушунарсиз бир жирканиш билан ичида:

— Un, deux, trois...[2] un, deux, trois...— дея пичирлаб ва тиззаларини астойдил букиб, қўрқа-писа силжиётган Олинькани бошлаб борарди.

Сергей Львович ўғли билан қизига парво қилмасдан машҳур Пэнгога қараб турарди; Анна Львовна қунт билан клавирни тиқиллатар эди.

— Тур сюр пляс![3] Тур сюр пляс!

Пэнго болаларни тўхтатди. Улар тактдан адашиб, оёқларини тенг ташламай юришар ва айланишни билишмас эди. У фракининг орқа этагини сал кўтариб, юзида табассумни ифода қилди. Олинька шундай жилмаймоғи лозим эди. Ажин босган кўзларини совуқ йилтиллатиб, қариликдан нуқул бошини чайқаб, у енгил хўроз юриш қилиб, бир айланиб чиқди. Александрнинг чиқиши шундай бўлмоғи лозим. Кейин секин айлана бошлади. Ота-онасига қовоғини солиб, хўмрайиб ва лоқайд қараб, бесўнақай ва хаёли паришон Александр ўралашиб кетар, тактдан адашарди.

[1] Сирғалинг *(франц.)*
[2] Бир, икки, уч *(франц.)*.
[3] Жойида айланиш *(франц.)*

Аммаси чалар ва ҳар тактда ўжарлик билан пошналарини тақиллатиб, таъзим қиларди.

— Ан аван![1] Ан аван!

Пэнго толиб қолди ва манглайини оппоқ тўр рўмолча билан артиб қўйди. У креслога ўтириб олди.

Шу ерда Надежда Осиповна ўрнидан қўзғалди. Анчадан бери у рўмолчасини тишлаб ўтирган, юзлари эса хол-хол бўлиб кетган эди. У болаларига кўзларини туман босиб, кўзларидан ёш чиқиб қараб турарди. Кейинроқ Пэнгога, онасининг кун бўйи тобн бўлмайроқ турган эди, деб айтдилар. Ҳозир у ўз болаларига хўрланиб, гарангсиб қараб турарди. У ҳамиша соҳибжамол эди ёки ўзига-ўзи шундай бўлиб туюларди. олифта йигитлар уни la belle créole деб аташарди. Шу маймун кўзли, ранги паст, ҳаракатлари бесўнақай, деярли бадбуруш бола — унинг ўғли бўлса-я. Ориққина, бурни узун, букчайган, кўзлари ўйнаб турган, кўрксиз, нурсиз сочли шу қиз унинг қизи бўлса-я. Шунда у негадир ўзидан ҳазар қилиб, ғазабланиб, ўзига-ўзи ачиниб, ўрнидан туриб кетди, ўғлининг қулоғидан чўзиб, қизининг гирибонидан олиб худди мушук болаларидай қилиб эшик орқасига улоқтириб ташлади.

— Махлуқ,— деди у нима деганини ўзи ҳам билмай.

Пэнго ўрнидан турди.

— Болалар қобил ва ноқобил бўлишади, лекин биринчи мэнуэтдан раққос ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Машҳур Дюпор[2] ҳам норасида ёшида бесўнақай бўлган.

Пэнгонинг гапи ҳам рақси сингари ғайритабиийроқ эди. Йигирма йилдан бери бир нарсани ҳадеб ўргатаверганидан унга ҳар бало ёд бўлиб кетган эди.

Анна Львовна французга зўрма-зўраки илжайиб турарди. Келининнинг ғалати қилиғидан унинг ори келган: француз олдида у ўзини бундай тутмаслиги керак эди.

Сергей Львович ҳар доимгидай ҳеч нимага ақли етмасдан, Надежда Осиповна ёнига чопиб кетди. Хотини ўзини босиб олган эди.

Машҳур Пэнго ортиқ таклиф этилмади. Олинька ҳиқиллаб-ҳиқиллаб тезда юпана қолди: у онасининг қилиқларига кўникиб кетган эди. Александр уйқу олдидан, ўрнида ётганда, қаттиқ хўрсиниб қўйди — болалар бундай хўрсинмайдилар.

Онаси унга қарагиси келмасди, баъзан уялгандай ундан кўзини

[1] Олга *(франц.)*.
[2] Дюпор Луи (1782—1853) — Париж раққоси ва бир қатор балетлар муаллифи, 1803—12-йилларда Петербургда яшаган.

олиб қочарди: у доим онасига чап бериб юрарди. Бунинг сабабини билмас, лекин бугун ҳаммасининг тагига етди. У махлуқдай бадбашара хунук экан. Бу нарса унга қаттиқ таъсир қилди. У ўзининг музика садолари остида опаси Ольга билан қандай юрганларини эслади-ю, хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Бу соатда ҳеч ким унинг тўшаги ёнига йўламади: Арина аллақаёқда, олисда эди. Француз стол ёнида ўтирар, парвойи фалак, кичкина пичоқча ва ўткача билан тунд бир алфозда диққат қилиб тирноқларини тозаларди.

5

Василий Львович укасини зиёфатга таклиф қилди. Надежда Осиповна хаста эди; Сергей Львович ўзи билан ўғлини олиб кетди. У бирга олиб кетмоқчи эмасди-ю, Надежда Осиповна қўшиб берди. Агарда Сергей Львович уни олиб кетишга унамаганда эди, Надежда Осиповна мени алдашяпти, зиёфат бирор суюқоёқ балет ёки француз актрисалари билан бирга бўлади, деган хаёлга борган бўларди. Истар-истамас Сергей Львович Александрни ўзи билан олиб кетди. Ҳолбуки, Василий Львовичникидаги зиёфат хонимларсиз эди. Унинг янги улфатлари бутун Москвада мизогинлиги, яъни аёлларни ёқтирмаслиги билан ҳатто донг чиқазган кишилар эди.

Бу улфатлар энг олифта кишилар эди. Уларнинг ҳаммаси «архив юнкерлари» лавозимини эгаллаган бўлиб, ўзларини шунчаки «архивчилар» деб аташарди. Уларнинг лавозимларининг ўзи ҳам модага монанд: улар эндиликда аслзода йигитларнинг ўчоғи бўлиб қолган ташқи ишлар архивида хизмат қилишар ё бўлмасам, ўша ер ҳисобида юришар эди. Уларнинг ҳаммаси Геттинген университетида немислардан таълим олган бўлиб, шу боисдан уларни яна «геттингенчилар» ёки шунчаки «немислар», деб ҳам атардилар. Энди уларни, чоллар айтмоқчи, «адлияда» министр бўлмиш Иван Дмитриев Москвадан Петербургга бир-бир алдаб чақириб олмоқда эди. Москвада улар тез-тез бўлиб туришарди. Уларнинг қилиқлари ҳам, одатлари ҳам, дидлари ҳам — ҳаммаси янгича эди. Улар сертавозе, ўзаро немисчалаб худди ғув-ғувлагандай қилиб, узоқ ва аста гурунглашарди. Уларнинг нигоҳларида мунг бор эди. Улар бир-бирларига меҳр билан, ўзгаларга эса димоғ-фироқ билан боқардилар.

Василий Львович дастлабки пайтларда бу табиати учун улардан аччиқланиб ҳам юрди, кейин таажжубланди, лекин кўп ўтмай бунинг энг янги, энг сўнгги модалигини, ўзи бўлса Пале-Роялдан қолган фракчалари ва иборалари билан бирмунча эскириб қолганини тушунди. Ўзининг таъби ва кўнглига кўра, у янгилик ихлосманди эди. У янги чароғбонларни тан олди. Устига-устак, улар назокатли ва улар ҳақида гапира бошлаганларидек, «ўктам» йигитлар эди — ўзи эўрға қутулиб олган клублардаги ёш Москва такасалтанглари эмас. Улар Москвада «Тургенев жўжахўрозлари» ва «Дмитриев учирмалари» деб ном чиқаришган, у эса ҳамма қатори қария Тургенев[1] ва Дмитриевни иззат қиларди. Ҳаммадан ҳам кўра у ўзи билан қандайдир руҳият яқинлигини топган Александр Тургенев[2] билан иноқ бўлиб кетди: ёш Тургенев овқатга ўч, жонсарак, беқарор ва ўктам, юзлари салқиган, қорни тарвақайлаган эди; у ҳамма жойда ҳозиру нозир ва янги хабарларни тарқатиб юрар эди. Табиатан у боқибеғам эди: унинг кўнгли бўш, салга кўзларидан йирик ёшлар томиб кетар, дастурхон устида эса зиёфатдан кейин кўпинча мудраб қоларди. Геттинген билан немислар унинг оғзидан тушмас, лекин хусуснятлари Василий Львович учун ойдин: у хўра, фароғушхотир ва шошмашошар эди.

Бошқа геттингенчилар у қадар мулозаматли эмас эдилар: Блудов[3] — эзма, лекин муғамбир; Уваров[4] совуқ, юмшоқ қалбга эга бўлиб, мулойим ва хунук эди; Дашков[5] дўмбоқ, вазмин, мағрур ва тепса тебранмас эди. Ҳаммаси билан Василий Львович қалинлашиб қолди. Дарвоқе, бир томондан қараганда, у сира уларни тушунолмасди: уларнинг аллақандай сирлари, ола қарашлари, чала гаплари бўларди. У, уларнинг секингина, заҳарханда ва фосиқ кулиб қўйишларини ўлгудек ёмон кўрарди. Баъзида қўққис нуфуз пайдо қилиб қолишар, гўё улар бошқаларнинг тиши ўтмайдиган бир нимани билгандай, у чўчиб турарди. Тўсатдан ҳазил-мутойиба орасида ҳаммаси ним товушда гапира бошлар, Василий Львович ҳам биларди-ки, гап давлат ишлари тўғрисида бораётир. Улар бир зум уни пайқамай, саволларини эшитмай қолишарди. У, ҳадиксираб, хушомадгўйлик қила бошларди. Шунда улар унинг нафсониятини тинчитишар: шеърларини мақтаб қўйишарди. Бу мақтовга у бутун вужуди билан қулоқ солар, балиқ хўракка илингандай хушомадга учиб қоларди.

---

[1] Тургенев Иван Петрович (1752—1807) — Москва университетининг директори.

[2] Тургенев Александр Иванович (1784—1845) — тарихчи; Геттинген университети талабаси; Карамзин, Жуковский, Вяземский, Пушкинларнинг яқин дўсти.

[3] Блудов Дмитрий Николаевич (1785—1864) — «Арзамас» номли либерал бўлган, кейинчалик декабристлар ишини текширишда қатнашган. Ички ишлар министри, Адлия министри, кейинчалик, Давлат кенгаши раиси ва Министрлар Комитетининг раиси вазифаларида ишлаган.

[4] Уваров Сергей Семенович (1786—1855) — адабиётчи, «Арзамас»чи, кейинчалик, реакцион Маориф министри бўлган. Пушкин ундан нафратланган.

[5] Дашков Дмитрий Васильевич (1788—1839) — «Арзамас»чи, кейинчалик, Адлия министри бўлган.

Умуман, улар унинг бошини қотириб, эсанкиратиб қўйишган эди. Бу қоқвошлар чоллардан кўра анча solide[1], устуворроқ эдилар. Улар алланечук барвақт улғайиб, тез қуриб қолган эдилар. Қоқвош Уваров қандайдир муҳим топшириқлар билан чет элга бориб, у ерда ҳатто немис Штейннинг[2] ўзи билан апоқ-чапоқ бўлиб келди. Штейн! Пруссияликларнинг раҳнамоси! Унинг номи мудом уларнинг оғзида. У Наполеон томонидан бадарға этилганди, Венада яшириниб юрарди, ватанини оташин севарди ва бу ўртада Наполеон тумшуғининг тагида ўзининг ландвер билан ландштурмини тузаётган эди. Қувғинди рўй-рост инсоният озодлиги — Наполеондан қутулиш орзусида эди; аммо Наполеон ҳам Василий Львович ҳар замонда ўқиб қоладиган «Монитер» маълумотига қараганда, аллақандай инсоният озодлигини ва биринчи галда — Штейндан озод бўлишни орзу қиларди, ахир. Василий Львович учун буларнинг бари хитой хати сингари мушкул муаммо, тушуниш қийин бўлган гаплар эди. Хусусан, у ўзининг янги дўстларини ҳурмат қиларди.

Уларнинг аллақандай ишлар билан шуғулланиши Василий Львовични даҳшатга соларди: Уваров юнонлар масаласи билан овора эди, бемалол юнонча хат ёзарди; Дашков ҳатто туркчани тушунарди. Ҳолбуки, Василий Львович юнон адабиётидан фақат Анакреонтни, ўшани ҳам рус тилига қилинган таржимаси орқали биларди, туркларнинг эса ҳарамлари борлигини, ҳарамларда талай хотинлари бўлишини биларди, холос. Кафолат ўтиши муносабати билан баъзан олий мансабли поп билан бирга тамадди қилишган пайтларида поп ҳарамни ҳамиша беорлик ва фаҳш намунаси сифатида таърифлар, лекин Василий Львович бошқача фикрда эди. У, Дашков билан Уваровга юнонлар ва туркlар билан овора бўлиб, уларнинг ажи-бужи илмоқларини ажратиб ўтириш нега зарур бўлиб қолганини тушунмас, ўзи эса бу ёзувларни ҳеч ажратолмас эди. Унинг фикрича, киборлар учун буларни билиш шарт эмас эди. Дўстлари ишбилармон эдилар, лекин бу ишчанлик ҳам эмас, вақтни зое кетказиш эди, холос, ортиқ ҳеч нима эмас. Фақат туркlар билан уруш очилгандагина бу ёшларнинг ишнинг кўзини билишини тушуниб олди: ажи-бужи ёзувлар керак бўлиб қолди. Ёш дўстларининг ҳаммаси дипломат экан. Василий Львович дипломатлар тоифасидан ҳайиқарди.

Геттингенчиларнинг бу фозиллиги унинг юрагини сиқиб юборар, уни қўрқитар эди. Умуман, уларнинг ғалати томонлари кўп

[1] Салобатлироқ (*франц.*).

[2] Штейн Генрих (1756—1831)—Пруссия премьер-министри (1807—1868). Наполеонга қарши ватанпарварлик ҳаракати туфайли 1809 йилда Австрияга кочиб кетишга мажбур бўлган эди.

эди — улар аёллар тўғрисида айтарли оғиз очишмас, хотин-қизларни хуш кўришмас, фақат дўстликни тан олишар ва ёзган нарсалари ғамгинлик тўғрисида бўларди. Уларнинг дўсти, доим илҳомга тўлиб юрадиган заҳматкаш Жуковский фақат руҳий севгини тан оларди. Яна бир эндигина расмга кирган немисча одат шу бўлдики, бу йигитлар тушкунликка берилиб, ўз-ўзини ўлдириш ҳақида кўп гапира бошладилар. Уваров ёшликда ўлишнинг афзалликлари тўғрисида французча шеър ёзди, ҳамма шу кунларда ўша шеърни кўчириб олиб, бир-бирига ўқиб юрарди. Хонимлар бу шеърни ўқишганда йиғлашарди; бундан манфаат борлиги шакшубҳасиз эди. Дашков дўстини олижаноб тарзда инкор этиб, ўзўзини ўлдириш ҳақида мақола босиб чиқарди. Улар ўлишни астойдил ҳоҳлашарди-ю, мартабалари тез ошиб борарди.

Бу орада ғалати хизмат турлари пайдо бўлди. Василий Львович, масалан, аллақандай чет эл мазҳаблари — иезуитлар, шаманлар, мусулмонлар ва яҳудий қабилаларининг эътиқоди сингари ишларга мудирлик қилиш мумкин деб ҳеч қачон хаёлига келтирмаганди. Унинг назарида бу мудҳиш нарса эди. Ҳолбуки, Александр Иванович Тургенев князь Голицин қошида ана шу лавозимда эди: қолаверса, Голицриннинг ўзи ҳам илғарилари ҳамма ёққа донги кетган бетавфиқ тўполончи эди, ғуломларни севар эди, энди бўлса энг баланд лавозимда — синоднинг обер-прокурори эди! Бутун ҳаёт турли-туман лавозимларга тўлиб-тошиб кетди. Маъюсликни севувчи янги дўстлар эса бу муаммоларни яхши тушунишар ва ими-жимида керакли кишилар, ишнинг кўзини биладиган йигитлар бўлиб чиқишди.

Василий Львович табиати бошқача бўлишига қарамай, жуда тез орада уларнинг маслакдоши, адабий жанглар бўйича уларнинг ҳамдамига айланиб қолди.

Жуда кўпдан, бир неча йилдан бери иккала пойтахт ўртасида адабий жанг борар ва бу жанг тўхташ у ёқда турсин, баттарроқ авжига минаётган эди. Асл диддан ўзга ҳаваслар, нафосатга интилишдан ўзга ниятлар бўлиши мумкин эмасдай, Карамзиндан ўзга адабиёт пайғамбари йўқдай туюларди. Бирдан пиёда қисмлар адмирали Шишков Петербургда сўзлаб, эзгулик ва гўзаллик дўстларига ҳужум қилди. Кимсан нақ Карамзиннинг ўзи, унинг кетидан Дмитриев, сўнг эса Василий Львович ҳам кўрадиганини кўрди.

Шишков французларга осилган эди; бадбахт француз инқилобига ва якобинчиликка осилганда-ку, кошкийди-я,— Василий Львович бажонидил унга бош қўшган бўларди, лекин чол тушмагур ўзи атаб юрганидек эски француз «маркизларига» ҳам қарши чиққандида, мабодо у фақат француз outchitelilари билан курашса, у билан ким ҳам тортишиб ўтирарди дейсиз: ажаб бўлсин эди — Аннета Василий Львовичдан бўлган болани қандай тарбияласа тарбиялай-

версин, Василий Львовичга барибир эмасми; лекин Шишков қурмағур французларнинг хушбичим кийимлар тикадиган ишхоналарига ҳам осилган эди! Туйғулар тилига осилгани-чи! Элегияга осилгани-чи!

У ўзини чинакам ваҳший сингари тутарди — дўсту биродарлари шеър ёзиб бериб турадиган бир дилбар аёлнинг альбомига у ярим устав тилида ваҳшиёна сатрларни ёзиб кетибди:

Упасиз ҳам оқсан, қиз бола,
Эликсиз ҳам олсан, қиз бола.
Ота-она фахрисан, лекин,
Ут ёқмайсан марднинг қалбига.

Айниқса, шу «қиз бола» дегани ҳамманинг жонини чиқариб юборди.

— Cette noble[1] қиз бола!— деб қўярди Василий Львович киноя-омуз. Геттингенчилар Карамзинни иззат қилишар, Дмитриев билан дўст эдилар, Блудов бўлса Дмитриевга қариндош ҳам эди, ҳаммалари адмиралнн ва унинг «қиз бола» иборасини кулги қилиб юришарди, шунда Василий Львович ўзини бутунлай уларга маслакдош деб санади. Янги дўстлари учун унинг қалби очилди. Князь Шаликовники ҳам. Фақат Алексей Михайлович Пушкин илтифотсизлик билан уларни йиғлоқилар дерди; лекин у ўзи вайсақи ва одамови эди.

Василий Львович янги дўстларини безиллаброқ кутмоқда эди, чунки улардан ҳайиқарди. Тургенев, Блудов, Дашков келишмоқчи эди; Жуковский Москва этагида Мишенскийда ҳордиқ чиқармоқда эди: у табиат ва руҳий муҳаббат билан машғул эди; ундан умид йўқ. Ҳа, майли, қайтага яхши: Василий Львович унинг олдида бемалол ўтиролмасди. Уваров Петербургга кетмоқчи, у ҳам келмайди: садқайи сар — у чимхўр, таомнинг фарқига бормайди ҳам. Эски қадрдонлардан у Шаликов ва Алексей Михайловичга кўз тутарди. Атиги шу. Яна укаси Сергей ўзининг полапони Сашка билан келади: уни дурагай келин Надина дардисар қилиб берибди. Василий Львович ўзининг оилавий жиҳатдан эркинлигини ҳис қилиб, султондай кеккайиб юрар, Аннушка содиқ чўри сингари ҳеч қачон унинг измидан чиқмас эди. У ҳамма нарсага ўзи куйманиб юрар, уй ва бариннинг ғамини ер, меҳмонлар ташриф буюрганда, ичкари хонада яшириниб ўтирарди.

Меҳмонлар ёш Александрнинг елкасига қоқиб қўйишди, Тургенев бўлса ҳатто қучоқлаб олди.

Ёш донишмандлар билан қари аскиябозларнинг учрашуви ғоят дилкушо бўлди. Ҳамма мудаббир кишилар сингари бу донишмандлар ҳам бекорчиликни хуш кўришарди. Ҳаммалари учига чиққан

[1] Ўша олижаноб (*франц.*).

ҳазилкаш ҳам эдилар. Донишманд Блудов бир тикувчининг муҳаббат изҳорини тасвирлаб, шундай байт битган эди:

Юрагимга ямоқ тиккан
О сен, менинг гўзалим...

Бу шеър Сергей Львовичнинг тортмасида ётарди.

Уша тикувчи ҳаммани ақлдан озднрди. Дарҳол маҳкама амалларининг, мансабсиз руҳонийнинг, ҳакимнинг, даҳабошининг ва бошқа табақаларнинг муҳаббат изҳорлари дунёга келди.

Табақалар, уларнинг тили, маълумот даражаси — буларни гапираверіб, Сперанский қулоқларни қоматга келтирган эди. Шунга кўра улар ҳаммаси муҳаббатларини ҳар хил қилиб изҳор этишаётган эди-да. Бу ҳол кулгили ва нозик эди.

Рост, ёш донишмандларнинг бекорчилиги бошқача, Василий Львовичнинг дангасалигига ўхшамас эди. Улар аллақандай шарқча йўриқда ялқовлик ва нсрофгарчилик қилишарди. Балким бунинг боиси Блудов ва Дашковнинг бадавлатлигидир, уларга йилига бир ярим мингдан даромад тушиб турарди. Уларнинг вақтихушлиги ҳам ўзгача эди. Бу Вольтер ва Пироннинг esprit — аскияси эмас, бу қўпол, оғир, тагдор немис ҳазил-мутойибаси — витц эди. Донишмандлар маҳмадоналик қилишганда, Василий Львович базўр илжайиб қўярди. Шу боисдан у бебаҳо янгилик қилиб, граф Хвостовнинг яқинда нашр этилган куллиётини тайёрлаб қўйди.

Граф Хвостов адабий курашлар учун қурол вазифасини ўтайдиган ғалати бир шахс эди. Карамзининг дўстлари, хусусан, ёшлар орасида, бамисоли Хвостовга биркитиб қўйилгандай, кўрган-билгани ўша бўлиб қолган, эрталабдан то кечгача меҳмонхонама-меҳмонхона юриб, Хвостов тўғрисидаги янги хабарларни ҳикоя қилиб юрадиган кишилар бор эди. Бу назмчининг графлигидан тортиб то ҳамма жиҳатигача одамови Алексей Михайловични баттар шубҳага солар эди: унинг графлиги Сардинияники бўлиб, Хвостовга бу графликни Сардиния қиролидан Суворов сўраб олиб берган эди. Хвостов Суворовнинг жиянига уйланган бўлиб, бемаънигарчиликка суяги йўқ, генералиссимус унга валинеъматлик қилар эди. Хвостовнинг шеърлари салоҳиятсиз, лекин бениҳоя дадил ҳам эди. Ягона истеъдодли рус назмчиси менман, бошқалар эса ғафлатда юрибди, деб унинг ишончи комил эди. У ўз ерларидан оқиб ўтадиган дарё номи билан ўзини Кубра куйчиси деб атар, Гораций сингари серқирра шоирман деб юрарди. У масаллар, қасидалар, эклогалар, номалар, эпиграммалар ёзар ва кўп таржима қилар эди. У олим ҳам эди, қадимги адабиётга онд ҳар хил маълумотлар йиғиб юрарди. У шуҳратпарастликка ҳирс қўйган эди, шуҳрат йўлида хонавайрон бўлса ҳамки, холисанлилло хизмат қиларди.

Мишмишларга қараганда, почта бекатларида извош кутиб турарканлар, у бекат назоратчиларига шеърларидан ўқиб берар ва улар ҳам арава келди дегунча, уни ўтказиб юборишарди. Кўпчилик кишилар граф Хвостов бўлган меҳмондорчиликдан қайта туриб, чўнтакларида графнинг унинг ўзи ёки малайлари солиб қўйган асарларини топиб олишарди. Кимда-ким уни мақтаб мақола ёзса, ўшанга у сахийлик билан ҳақ тўларди. У ҳамма журнал ва альманахларга кўплаб шеър бераради, адабиётчилар у билан бошқача тил билан гаплашардилар, бу тил эзопча эмас, росмана хвостовча — таҳқир даражасида тавозели тил эди. Хвостов ҳар ойда журналга шеър юбориб турса ҳам Карамзин уларни чиқармас, лекин одоб билан жавоб қиларди: «Зоти олийлари, муҳтарам афандим! Сизнинг мактубингизни иловаси билан олдим» ва ҳоказо. «Илова» деб у графнинг шеърларини атарди.

Петербургдаги денгизчилар мажлисида графнинг бюсти турарди. Бюстда у андак улуғланган эди: графнинг сергўшт бурунли юзи чўзинчоқ эди, бюстда эса нақ антик кўринишда эди. Унинг донғи вилоятларгача бориб етди. Аксар почта бекатларида шайтонга шеър ўқиб бераётган назмчининг бачкана карикатураси осиғлиқ турар: унда шайтон қочишга уринаётгани, назмчи бўлса уни думидан ушлаб олиб кетгани қўймаётгани тасвирланган эди. Тверда уни якобинчи деб гумон қилишарди. Графнинг асарлари унинг хусусий қарамоғида тўхтовсиз чоп этилиб турарди. Яқинда унинг янги нақллар мажмуаси чиқди. Василий Львович уни атайлаб сотиб олган эди. Граф масал ва нақллар ёзиб, ҳаддан ташқари катта жасорат кўрсатган эди.

Меҳмонлар йиғилган заҳоти ўйин ташкил этилди: ҳар ким навбат билан китобни очади ва саҳифадаги ўқилиши лозим жойни бармоғи билан қарамасдан кўрсатади.

Блудов бошлади, у бармоқ қадаган саҳифада шундай мисра очилди:

Суворов қариндошим, мен шеър тўқийман.

Блудов деди:

— Бир оғиз жумлада — бутун таржимаи ҳол.

Василий Львовичнинг ўзи атайлаб уринганда ҳам ўйинни бундай бошлолмаган бўларди. Ҳамманинг чеҳраси ёришиб, шеърий ўлжа овлаш қизиб кетди.

Китоб Алексей Михайлович қўлига ўтди. У бармоқ ниқтаб, ўқиб берди:

Эмаклаган кас
Ҳеч вақт йиқилмас.

Сергей Львовичга «Илон ва арра» деган масал чиқди. Номининг ўзидаёқ дадиллик бор эди. Граф йироқ нарсаларни бир-бирига боғлашни яхши кўрарди. Сергей Львовичга шеърнинг айниқса биринчи бандлари ёқиб қолди:

Чилангар ёнида столда ётарди арра,
Билмайман не учун илон келди у ерга?

У ҳеч бир ҳовлиқмасдан яқинда қулоғига чалиниб қолган, лекин ўзи унчалик фаҳмига етмаган иборани айтди:

— Унинг овсарлигида улуғ бир нима бор.

Бу гап муваффақият қозонди, уни илтифот билан эшитдилар, Дашков бўлса, сиёқидан, Сергей Львовичнинг шундай яхши гапирганига ҳайрон ҳам бўлди.

Сергей Львович ўзидан ғоят кўнгли тўлиб, ўйинни давом эттирмоқчи бўлди, лекин Василий Львовичнинг сабри тугаган эди. У ўз креслосида ҳадеб ғимирларди, кейин китоб устига шундай энгашиб олдики, унинг бурни Сергей Львовичнинг варақлашига халал бериб қолди. Сергей Львович алам қилиб озгина талашди-ю, лекин акасига ён берди. У китобни бермай маҳкам ушлаб турган эди, Василий Львович шундай тортдики, китоб йиртилишига сал қолди, шу зайл Хвостов акасининг қўлига ўтди.

Ака-укаларнинг бу қисқа кураши назардан четда қолмади. Александрнинг назарида Блудов Дашковга кўз қисиб қўйгандай бўлди.

Василий Львовичга зўр масал чиқди. У энтика-энтика оғзидан туфук сачратиб ўқий бошлади-ю, лекин унчалик ўхшатолмади:

Чўртан балиқ қармоқ ютди,
Шунинг учун маъюс тортди...
Типирчилаб, ҳолдан кетди...

Унинг жазаваси тутиб кетган эди. Сўзлар тупук ва ҳиқичоқ аралаш ўқдай учиб чиқарди:

Чўртан балиқ... қилар хитоб...
Емон кўрдим... мен... ўзимни...

Ҳамма хохоларди. Александр оппоқ тишларини ғижирлатарди. Унинг назарида ҳамма масалдан ҳам, Хвостовдан ҳам эмас, амакисининг ўзидан кулаётгандай бўлиб кетди. Василий Львович кулавериб, бутунлай шалпайиб шалвираб қолди, энди у қаттиқ ва тўхтовсиз акса урар, алланима дейишга уринар, акса билан ҳиқичоқ орасида қандайдир бемаза гапларни ғўлдирарди. Унинг аҳволи аянчли эди. Унга сув беришди, шунда ниҳоят у бир энтикиб ҳиқ

қиллади-да, ўзига келди. Дашков ўқиб ўтирмади, бунинг учун унинг важлари бор: Дашков дудуқ эди.

Навбат князь Шаликовга келди, Шаликов очди, кўзлари билан ахтариб кўриб, ҳамманинг таажжубига ҳеч қизиғи йўқ ва ҳатто жўнгина аллақандай бир шеърни ўқиди. Бу «Нақллар»нинг эпиграфи эди:

Мана, ноёб китоб: чўпчакка ўхшар,
Лекин сабоқларга безанган гоят;
У — комедия, унда кўп шахслар,
Ҳаракат майдони — сўнгсиз коинот.

Ҳамма ишонқирамай, кўз олайтириб қўйди.

Тургенев ундан китобни сўраб олиб очди, бир варақ ўтказиб юборди-да, ўқиди:

Суратда бир мужик этилган тасвир;
Қўлдаги тўқмоғи туфайли
Баҳайбат арслонни азоблар эди,

Дуч келган жойни варақлаб очди-да, яна ўқиди:

Учар итлар,
Изма-из.

Китоб Шаликовнинг қўлига ўтди, шунда гўё мўъжиза рўй берган дай бамаъни шеър чиқди. Тургенев қувлик билан кўз қисиб, бирдан хўрсиниб қўйди. Блудов билан Дашков кўз уришгириб олишди. Ўйин тугади, чунки Василий Львович ўйиндан ўқ чиқишидан хавотир ола бошлади: Шаликов унинг ёш дўстлари билан баҳслашишга киришган эди.

Гап шунда эдики, Карамзиннинг замондоши ва давомчиси князь Шаликов сўнгги пайтларда кимсан граф Хвостовнинг ўзи билан махфий алоқада эди. Бу донишмандлар князни ҳам аяб ўтиришмасди; улар Хвостовни ҳам, Шаликовнинг ўзини ҳам кулги қилиб юришгани князнинг қулоғига етиб борган эди. Даргоҳига донишмандлар оралаб турадиган бир дилбар хонимнинг альбомида Шаликов ўзининг карикатурасини кўриб қолган эди: оёқлари ингичка, бурни йўғон, измасига гул тақкан қорақош олифта. Бу унинг ўзи эди. У ўшанда жиғибийрон бўлиб сўкинган ва бир зумгоҳо-гоҳо уни эҳтиромли ва ҳасадли нигоҳлар кузатиб қолар, орқасидан кимларнингдир: «Шаликов, Шаликов» деган шивир-шивирини эшитарди, энди эса у пайдо бўлганда ҳамма олифталар мийиғида кулиб қўйишарди. Унинг даври ўтаётган эди. Карамзин граф Хвостовнинг шеърларини нашр қилмагани сингари князь юборган шеърларини ҳам чиқармас эди.

Князь Шаликов жамики мазахчиларга қарши эди. Унинг кўнгли сезиб турарди: адабий урушда курашлар кетаётган бир пайтда гўзаллик ишқибозлари, Карамзиннинг дўстлари уни бир мирига ҳам сотиб юборишади, ундан юз ўгиришади, боши билан уни душманларга тутиб беришади. У маломатга дучор бўлган Сардиния графига мактуб ёзиб, у билан махфий иттифоқ тузди.

Александрнинг олдида барча стратегия қонун-қоидаларига мувофиқ адабий жанг ва хиёнат авж олмоқда эди.

Василий Львович иш чатоқлигини фаҳмлади-ю, шу замон қурол турини ўзгартирди — у меҳмонларга ўз кутубхонасини кўрсата бошлади. У фақат ноёб китоблар йиғар, аллақандай жўн асарларни назарига илмас эди. У Париждан олиб келган ғоят нодир бир китоб нусхасини кўз-кўз қилди, китобдаги беҳаё суратларни кўриб, Шаликов аввал мийиғида кулиб қўйди, сўнг кўзларини рўмолча билан ёпди. Ҳамма ва улар билан бирга Александр ҳам суратларга лол бўлиб қараб турарди.

Шу ерда Алексей Михайлович бутун ишни пачава қилди.

— Китобингда нечта сурат бор, оғайни?— сўради у.

Василий Львович китобнинг тоза саҳифасини очди, у китобпараст сифатида ана шу саҳифага ҳар бир китоб хусусидаги турли фикрларни ёзиб юрарди.

— Уттизта,— деб жавоб берди у бўласига.

— Менинг китобимда бўлса қирқта,— бепарво гапирди бўласи,— сени Парижда боплаб лақиллатишибди, оғайни.

Василий Львовичнинг ранги оқариб кетди. У ашаддий китоб ишқибози эди, мабодо битта-яримтасининг худди шунақа китоби бўлса, қўлидаги китоб унинг учун ҳар қандай қимматини йўқотиб қўярди.

— Сендагиси бошқа,— деди у алам қилиб.

— Худди шунақа, фақат доғ-дуғсиз ва қирраларига ҳеч кимнинг сўлаги оқмаган,— эътироз қилди бўласи.

Дашков, Блудов ва Тургеневга «иккала Пушкин» давраси хийла маъқул бўла бошлаган эди. Василий Львович бир нима деб тўнғиллаб қўйди, кейин шоша-пиша меҳмонларни дастурхонга бошлаб кетди.

Знёфат яхши, дастурхон меҳр билан тузалган эди; Аннушка эрталабдан овора бўлган эди. Блэз илк бор балиқни қойиллатиб французчасига пиширган эди. Василий Львович ўзи эрталаб Блэзга дастурлар берган эди; Париж рецептлари унинг китобчасида ёзиғлиқ эди. Мателота худди у Gros-Caillou[1] да егандек чиққан эди. Ресторан хизматчисининг шахсан ўзи Василий Львовичга тайёрлов сирини айтиб берган эди. Фақат балиқнинг ўзи бошқа,

[1] Париж ресторанининг номи.

денгиз балиғи эмас — налим эди. Бу унчалик сезилмас эди. Бутун гап қалампир, туз, сирка, горчицада, уларнинг расамадида эди.

Дашковдан бошқа ҳамма меҳмонлар маза қилиб ейишди.

Василий Львович Дашковдан, бу Gros-Caillou даги мателотага ўхшатиб тайёрланган, қалай, маъқулми, деб сўради.

Дашков салмоқлаб, лоқайд жавоб берди:

— Й-йўқ.

Дашков дудуқ, манман, сервиқор эди. Василий Львович аразлаб қолди.

Бўласи Алексей Михайлович ҳиссиз бир алфозда ҳар доимгидек қовоғини уйиб ўтирарди. У мателотанинг нимасидир кам деди-ю, инглиз пазандачилиги тўғрисида алланима деб миғирлаб қўйди. Василий Львович ҳушёр тортди: бўласи инглизларнинг дидини биринчи марта мақтамоқда эди. Василий Львович Англияда бўлган, лекин рутубат, сўқим гўшти-ю, хилма-хил тухумдан бўлак, унинг фикрича, у ерда ҳеч нима йўқ эди. Блудов кулимсираб қўйди. У секингина, бифстекслар ҳам бор, деб қўйди. Алексей Михайлович худди ўша зерикарли ёқимсиз овози билан Василий Львовичдан янги машина Англияда сен борганингда ихтиро қилинганмиди, деб сўраб қолди...

— Буни менга айтиб берган ҳам сен эдинг шекилли?— деди у бирдан сабрсизлик билан Василий Львовичга жиддий қараб. Кейин ҳаммасини эслади:— Тўппа-тўғри, сен айтган эдинг! Энди бўлса инглизларни сўкиб ўтирибсан.

— Мен нимани айтиб берган эдим? — довдираб сўради Василий Львович.

— Машинани — сен уни Лондонда кўрган экансан...

Бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги сайёҳлар эди. Мароқли нарсани биринчи бўлиб гапириб берган Василий Львовичнинг сайёҳлик орияти келиб кетди.

Ҳамма Алексей Михайловичдан машинани гапириб беришни илтимос қила бошлади. Лекин у ҳеч гап ўтмагандай мателотасини ер ва Василий Львовичга бошини лиқиллатар эди. Василий Львович бўлса елкаларини қисиб, ҳикоя қилишни бўласига ҳавола этди. Унга қандай машинани гапириб бергани унинг мутлақо эсида йўқ ва авторлик иззат-нафси тутиб, у ўзининг таъриф-тавсифини кутарди.

Меҳмонлар маҳтал эди.

Ниҳоят, Алексей Михайлович истар-истамас узуқ-юлуқ қилиб ва Василий Львович томонга бошини ирғаб, машинани гапириб берди. Англияда, Лондонда машина ихтиро қилинибди, сирти жўнгина: темир хивичлар, аравача қабилидаги зинача. Василий Львовичнинг бир нима элас-элас ёдига келди. Зиначадан буқани

киргизиб юборишади... Бу, афтидан, Василий Львовичнинг Лондон ҳайвонот боғи тўғрисидаги хотираси эди.

— ...тирик буқани. Ўша буқани киргизиб юборишади...

Василий Львович ҳайвонларни кўчиришларини кўрганини ростдан ҳам гапириб берган эди. У бўласига бош ирғаб қўйди.

— ... кейин эшикни қулфлашади. Бу — бир эшигидаги гап, нариги эшигидан эса бир ярим соатдан кейин ишлов берилган тери, тайёр бифштекслар, тароқлар, этиклар ва ҳоказоларни машинадан чиқариб олаверишади...

Василий Львович оғзини очиб ўтирарди. У ҳикоядан ҳайратда қолган эди.

Алексей Михайлович, сиёқидан, жиддий гапирмоқда эди. У Василий Львовични бошқа биров билан чалкаштириб юборди, чоғи. Дарвоқе, энди Англияда ҳақиқатан ҳам кун сайин бири биридан ғаройиб машиналар ихтиро қилинмоқда эди. Хаёли қочиб ўтирган Сергей Львович фақат тароқ ва этиклар тўғрисидаги сўнгги ибора қулоғига чалиниб, машина ҳақида қаердадир ўқигандай туюлиб кетди.

— «Вестник Европы»да шундай мақола чиқиб эди шекилли,— деди у. Тургенев «ҳм», «ҳм»лаб ликопдан бошини кўтарди-ю, оғзидагини нари-бери ютиб, пирқиллаб кулиб юборди. Кейин меҳмонхонада қаҳқаҳа кўтарилди.

Василий Львович ҳам куларди, лекин негадир бирпасда терлаб кетиб, пешонасини рўмолча билан артиб олди.

— Йўқ,— суст эътироз билдирди у,— мен бундай машинани кўрган эмасман, тан олиб айтаманки, мен машиналарга кам қизиқаман. Лекин қаҳвахонада мен бир хотинни кўрганим рост. Уни пулга кўрсатишаётган эди.— Кейин Василий Львович энтикиб ва оғзидан тупук сачратиб инглиз хотинни гапириб берди. Уялганидан озгина ёлғон ҳам қўшиб юборди.

— Сен уни қаерда кўрдинг?— деб сўради бўласи чўрт кесиб.

— Лондонда,— деб жавоб берди Василий Львович.

— Кўрманага сендан қанча олишди?— сўради амакивачча.

— Бир фунт стерлинг,— деди Василий Львович жавоб бергиси келмай. У бўласига ёвқараш қилиб қўйди.

Лекин Алексей Михайлович буни пайқамаётганга ўхшарди.

— Ўшандай хотинни пул-мулсиз кўргинг борми?

— Бор,— деди Василий Львович зарда қилиб.

— Унда, оғайни, Маросейкага бор, Кучерово уйида, ўнгда. Лондонга йўл узоқ.

Шунда Александрнинг назарида, отаси билан амакиси Хвостовнинг «Нақллари»ни талашиб қолишгандаги сингари яна амаки-ваччалар устидан ҳам кулишаётгандай туюлди. Блудов, Дашков га сузилган кўзларини қисиб қўйгандек бўлди. Лекин Дашков пи-

шагини буэмади, лабининг бир чеккасига бир зум табассум қўнди, холос.

Амакиси Василий Львович чинданам кулгили киши эди; Александр ўзини тутиб туролмади, ҳамма тинганда бирдан кулиб юборди, кейин дарров тилини тишлади. Меҳмонлар тишлари оппоқ шумтакага бирмунча эътибор билан қараб қўйишди; унинг кўзлари қув эди. Бутун авзойидан кўриниб турардики, у кутиш мумкин бўлгандан кўпроқ нарсаларга, балким керагидан ортиқ даражада ҳам фаҳми етиб турарди.

Дарҳол Сергей Львович тарбиянинг мушкуллигидан зорланиб қолди. Муаллимлар армияси зарур! Эндиликда ҳатто назоратчилар ҳам бу оксиген ва пифагорларнинг ҳаммасини билиши шарт, чунки monsieur de Speranskунинг ҳукми шундай. Лекин ҳозир буларни ва айни чоқда ce d'acre de Sperancky[1]нинг хоҳишидан қатъи назар, туйғулар тарбиясига ҳисса қўшадиган француз адабиётини ва яна ҳар не бўлганда ҳам назокатни ўстирадиган рақсларни билувчи бironта ҳам одам йўқ. О, уникига келиб кетган граф де Местр ҳақ, уч карра ҳақ, худо кўтарсин ўша физикаю газларнинг ҳаммасини. Қолаверса, Николай Михайлович ҳам рақсларнинг болаларга жуда катта фойдаси бор деб ҳисоблайди ҳам бу бежиз эмас! Лекин ҳар бир муаллим ё оксигенларни билади, ё рақсларни. Сергей Львович ўғлига маълумот берай деб ҳеч нимадан тоймади, уйда ўқитувчилар қалашиб ётибди: Пэнго рақсни, олий мансабли поп ақоидни, m-r Руссло француз адабиётини ўргатади, ўргатганда ҳам верталабдан то кечгача шу аҳвол. Ёлғиз иезуитларгина дуруст тарбия беришга қодир кўринишади.

— Қари ҳайвон Пэнго болаларга эчки билан Нуҳ пайғамбардан қолган мэнуэт рақсини ўргатади,— бепарво деди Алексей Михайлович.

Собиқ Пушкиннинг бесабаб заҳархандалари Москвада ҳаммага маълум эди, ҳамма кечки овқатга сирка ва горчица қўшгандай унинг аччиқ-чучук гапларига ўрганиб кетган эди. Лекин Сергей Львович унинг луқма ташлашларига тоқат қилолмади ва ҳар доимгидек, хафа бўлди.

— Пэнго — тўнғич Вестриснинг шогирди бўлади,— деди у қуруққина қилиб. Дастурхондаги таомлар йиғиштирилди. Ҳамма қора қаҳва ичиб, юмшоқ креслода ҳар қачонгидан мулойим тортиб ўтиришарди. Блудов билан Тургенев камзулларининг тугмаларини ечиб юбордилар. Улар бунчалик тўқ бўлишмаганда эди, тарбия масаласига қизиққан бўлишарди.

— Хўш, нега сиз уни университет пансионига бериб юбормадингиз?— бепарво сўради Блудов.

[1] Ўша мунший Сперанский *(франц.)*.

Сергей Львович мулзам бўлиб қолди. Дарҳақиқат, Сашка улғайиб қолди, унинг тенгқурлари аллақачон ким қаёққа жойлашиб кетди, унинг бир ўзи Фонвизиннинг сўтагига ўхшаб санқиб юрибди. Университетнинг нажиб пансиони шу ернинг ўзида, яқин орада ва Сашкани ўша ерга бериб юборишдан жўн нарса йўқ эди. Лекин Надина ҳеч ниманинг ғамини емайди, ҳамма нарса ёлғиз унинг гарданида. У жим қолди-да, Блудовга нозик қараш қилиб қўйди. Йўқ, бу пансион... садқайи сар кетсин... У... Петербургни афзал кўради.

— Сиз уни иезуитларнинг коллежига жойламоқчимисиз?— сўради Блудов. Сергей Львович сал ғаши келиб жавоб берди. Ҳа унинг Сперанский тўғрисидаги кесатиғи, на унинг де Местр билан дўстлигини ҳеч ким назар-писанд қилмаган эди.

— Ҳа,— деди у хўрсиниб,— коллежга албатта. Қаёққа ҳам боради, коллеж қоляпти, холос.

Сергей Львовичнинг Александрни бирор коллежга бериш, ёхуд Петербургга жўнатиш нияти йўқ эди. Тарбия тўғрисидаги шу гапни бошлаб қўйганидан кўнгли ғаш эди.

Тургеневни хуфия ички ҳиқичоқ қийнаётган эди, у ҳиқичоқни бир қайтариб, бир табиатга ён берар, афтидан, ҳиқичоқ билан олишар эди, чоғи. Сергей Львовичга ўгирилиб, қўлини қорнига қўйиб ва Александрга хира назар ташлаб у шоша-пиша:

— Уни Петербургга, Петербургга жўнатинг,— деди.

Шунда ҳайкалдай қилт этмай, пинагини бузмай ўтирган Дашков ҳам жиянтойлоқ Пушкинга диққат билан қараб қўйди. Кейин Сергей Львовичга кўз қирини югуртиб:

— Иезуитлар кўп пул талаб қилишади,— деди.

Сергей Львович ўзини таҳқир этилгандай ҳис қилди. У креслога суяниб, тез Дашков томонга бурилди-да, қуруққина сўради:

— Хўш, табаррук оталаримиз, ces révérends péres[1], тарбия эвазига қанча олишаркан?

Дашков хотиржам назар билан унга яна қараб турди-да, янада қисқа жавоб қилди:

— Хабарим йўқ.

Хизмати туфайли билиши мумкин бўлган Тургенев ҳам буни эсидан чиқариб қўйган эди.

— Бир ярим, икки минг,— деди у.

Шунда Александр бирдан отасининг ўзгариб кетганини кўрди. Отасининг лабларида енгил табассум пайдо бўлди, у сезилар-сезилмас кўзларини қисди; отасининг бутун алфозида ёлғончи ва ҳасадгўй одамга хос ғурур пайдо бўлди, бу жуда аянч ғурурга

[1] Ўша авлиё оталар *(франц.)*.

ўхшар эди. Сергей Львович самимий бир таажжуб билан овозини кўтармай Тургеневдан сўради:

— Ҳаммаси эвазига шуми?

— Ҳа,— деди Тургенев,— ҳаммасига.

— Лекин ҳеч ҳам кўп эмас-ку, бу,— шошмасдан хотиржам гапирди Сергей Львович.

Дашков унга қараб қолди. Бир ярим минг ва икки минг меъёрдан ортиқ ҳақ бўлиб, Петрбургдаги иезуитлар буни пансионга фақатгина мумтоз йигитлар жалб бўлсин ва ҳар қандай дворян қаланғи-қасанғилари бу ерга бош тиқавермасин, деган мақсадда белгилаган эдилар... Сергей Львович шу дамда оламдаги жамики рақамларни — Nadine француз дўконига қанча қарз бўлиб қолганини ҳам, дўкондан мой, сирка ва тухум учун олган қарзларини ҳам хаёлдан чиқариб юборди. Айтгандай, у Болдинодан яқин орада мадад келишини кутарди.

Шаликов анчадан бери қулай фурсатни кутиб турган эди, мана, вақти келди, деб ўйлади-ю, ҳирқироқ овоз билан ўзининг аллақандай романсини ўқий бошлади; гитара йўқлигидан, таассуфки, уни куйлаб бера олмасди, меҳмонлар тингларди ҳам, тингламасди ҳам. Дашковнинг тарвақайлаган юзи тошдай лоқайд эди; Блудовни мудроқ босаётган эди; Тургеневнинг ҳиқичоғи пасайиб, бир меъёрда нафас оларди. Дашковга берган жавоби учун ўз-ўзидан бениҳоя мамнун бўлган Сергей Львовичгина шоирга қулоқ солиб ўтирарди.

Александрни ҳеч ким пайқамасди. У уйни айланганн чиқиб кетди. Қўшни хонада ҳеч ким йўқ деса, ёш бир жувон кашта тикиб ўтирган экан. Жувон уни кўрган заҳоти ўрнидан туриб, таъзим қилди. Улар гаплашиб қолдилар. Унинг юзи очиқ ва кенг, оппоқ қўллари кашта чамбари бўйлаб чаққон ва тез ҳаракат қиларди. Александр суҳбатлардан амакиси Василий Львовичникида аммаси Анна Львовна гоҳида эски хотира бўйича Анка деб атагувчи Анна Николаевна яшашини эс-эс биларди. У бирдан ҳаммасини тушунди. Жувон ундан зиёфат қалай бўлди, деб сўради ва ҳаммаси жуда эўр чиққанини эшитиб суюганидан қип-қизариб кетди. Тез орада у жувонга ипакни чувашда ёрдам бера бошлади. Кейин жувон уни ҳайдади.

— Сўкиб беришмасайди... амакингиз уришиб берадилар,— деди у ҳадиксираб, кейин тўсатдан унинг бошини журъатсизгина силаб, жилмайиб қўйди.

— Боринг, боринг, Александр Сергеич,— деди у тез-тез гапириб ва унга қўлларини силтади.

Унинг сира хонадан чиқиб кетгиси келмасди. Меҳмонлар унга ёқмасди, улар сертакаллуф эдилар. Дашковни у ёмон кўриб қолди. Бу хона эса иссиқ, Аннушканинг кўзлари ҳам шўх ва шу мўмин асира ҳам, шу хона ҳам унга бирдан ғоят ёқиб қолди. Энди меҳмонхонада куймаланиб юрган ва Дашков устидан кулаётган амакиси Василий Львович Аннушка туфайли унинг назарида яна юксалиб кетди. У нари кетишни истамас, ўжарлик қилиб, оёқ тирарди. Шунда Аннушка уни қучоқлаб ва қўлларини қайириб туриб, ногаҳон куч ва чаққонлик билан уни бирдан эшикнинг ташқарисига итариб чиқариб қўйди.

Айни вақтида чиққан экан, уни чақиришаётган экан; меҳмонлар тарқала бошлаган ва даҳлизда шовқин солиб кийинаётган эдилар. Норозиликдан қизариб кетган Шаликов терсайиб, пўстинининг енгига қўлини тиқмоқда эди. Унинг романслари муваффақият қозонмади; ҳамма шеърнинг энг нозик жойида қўққис эшитилган қулдираган товушдан ножўя кулиб юборган: Александр Иванович табиатга бас келолмаган эди. Янги дўстлар ҳаммадан — Петербург чолларидан ҳам, Карамзиннинг дўстларидан ҳам кулишарди чоғи. Шаликов шу бугуноқ бу қоқвошларга ўхшамаган, дўстларнинг қадрига ета биладиган граф Хвостовга мактуб ёзишга аҳд қилди.

Улар уйга кетаётганда, кўча фонуслари аллақачон ёнган эди. Москва уйқуга кетмоқда эди.

Сергей Львович, ўғли Блудов ким, деганда анчагача индамади, кейин эса истар-истамас хўрсиниб ва афтини бужмайтириб жавоб берди:

— Уларнинг ҳаммаси дипломатлар.

Александр Аннушка тўғрисида ҳеч нима сўрамади. Бу қувноқ асира ҳақида сўраш керак эмаслигини, мумкин эмаслигини унинг кўнгли сезиб турар эди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

1

Ўйинқароқлик билан ота-она ёшлик ўтиб кетганини ҳам сезмай қолишди. Сергей Львовичнинг ипак сочлари сийраклашиб, чаккалари очилиб қолди, энди тепакали қизаринқираб турарди. Надежда Осиповна семириб кетди, юзлари дағаллашди. Улар Павел деган ўғил кўрдилар, бироқ у кўп ўтмай қазо қилди.

Улар чиллаки ҳаёт кечиришар ва ич-ичларида қароллар, муаллимлар ва болаларни бошга битган бало деб ҳисоблашарди. Башарти, биров Сергей Львовичдан қўққис, бадавлатмисиз, мартабангиз баландми ва ўзингизни қандай тушунасиз, деб суриштириб қолса борми — ҳаммасига икки хил жавоб берган бўларди. Кўнгил қаърида у ўзини бадавлат деб ҳисоблар, хасислиги эса эҳтиёт юзасидан эди; мартабасини ҳам баланд деб билар — яхши одамларнинг фарзандиман деб юрар, лавозими ва унвони эса еттинчи мавқедаги

ги провиант штати комиссионери эди. Лекин у бу қўпол ҳақиқатдан иложи борича юз ўгиришга ҳаракат қилар эди. Гоҳи маҳаллар тўнғич ўғлига ўсмирлик эрмаклари учун ярим сўм бериб қўйиб — бола ўн ёшга тўлган эди — тағин у бу пулни йўқотиб қўймадимикан деб хавотирда юрар, баъзан ярим сўмнинг бутлигини текшириб ҳам кўрарди. Қўлига пул тушди дегунча у тикувчига олифта фрак тиктирар ва хотинига қалб хотираси қилиб узук олиб берарди.

Бир кун келиб улар хонавайрон бўлишди.

Кулфат доимгидай Аннибаллардан келди.

Пётр Абрамич амаки кекини кўнглидан чиқармаган эди, бирдан очиқдан-очиқ ёвузлик қилди.

Марья Алексеевна қолган умрини ўз чорбоғида ўтказиш умидида бўлиб, ёшлигининг қора кунларини ортиқ эслаб юришни истамасди. У ҳатто Михайловскоега меросни қабул қилгани ҳам бормади. Аннибаллар ҳақидаги хотиранинг ўзи унинг учун уқубатли эди чоғи.

Мана энди унинг уй-жойлари ҳам, осойишталиги ҳам ёшлигидаги сингари кўкка совурилиб кетди, у бошпанасиз. Бу камлик қилгандай, Михайловскоенинг ўзи ҳам қил учида қолди.

Қари африкалик ўзининг Петровское қишлоқчасида жимиб кетгандай кўринар, қолган умрини настойкаю ароқлар билан тинчгина ўтказаётганга ўхшар эди, ҳолбуки, туйқусдан марҳум укаси Осип Абрамичнинг тилхатларини Опочецкий судига топширди. У укаси олган қарзларини ундириб олиш ниятига тушган эди. Марҳум бу тилхатларни Вульф Толстая деб атагувчи хотинга ошиқ бўлган кунларида ёзиб берган ва афтидан иккала ака-уканинг хаёлидан чиқиб кетган эди. Бу тилхатларга кўра Пётр Абрамич жуда катта пул олиши керак эди, дарҳақиқат, марҳум араб аёл деганда пулни хазондай совурар эди: битта тилхатга кўра (Устинья учун олтин сервиз билан боғ)— уч минг сўм, иккинчисига кўра (қашқа жийрон ва биллур)— саккиз юз қирқ икки сўм берилиши лозим эди.

Пётр Абрамич Аннибаллар бошига солинган хўрликлар учун қасос олаётганга ўхшар эди. Тез орада Михайловскоега Палашка зулуклар деб атаган ўша маслаҳатчи билан котиб етиб келди-да, қийшиқ поручикнинг уйда бир мири ҳам йўқ, деб маълумот бергани ва итни ечиб юборганига қарамасдан, бор-йўқ нарсаларнинг ҳаммасини рўйхатга олиб, баҳолаб кетишди.

Айни вақтда Марья Алексеевнага ҳам даъво бўлди ва кўп ўтмай Захарово ким ошди бўлиб сотилиб кетди. Сергей Львович билан Надежда Осиповна поручикнинг мактубини олганда, анчагача унга ишонгилари келмади ва фақатгина деразадан Марья Алексеевнанинг аравада кириб келаётганини кўрганларидан кейингина содир бўлаётган воқеаларга ишонишди. Сергей Львович ёш боладай қўлларини силтаб, ер тепиниб йиғлаб юборди. Куни бўйи у икки марта қўлларини сиидирмоқчи бўлди, бўғинларини қарсиллатди, кейин эса ғазаби қайнаб, тупук сачратиб, Иван Иванович Дмитриев[1] бу ишни шу ҳолида қолдирмайди, деб бақириб, қари арабни Сибирга ёки монастирга жўнатамиз, деб таҳдид қилди; лекин кечгача ўпкасини босиб олди. Охири Никита Сергей Львовични суяб, ётоғига ётқизиб чиқди.

Эртасига яна поручикнинг хатини ўқишга киришдилар. Поручик ўз итини ва маслаҳатчи билан жангни тилга олган жой ҳаммага маъқул бўлди.

— Баракалло,— деди Марья Алексеевна,— ҳалол одамлиги шундоқ кўриниб турибди.

Қарз миқдорига у ишончсизлик билан қаради ва қўлини силтаб қўйди.

— Биламан мен уни. Унга икки мингдан энёд тўланган эди; иккинчи марта ароқ пули талаб қилянти, лаънати пияниста!

Шундан кейин дарров Сергей Львович Иван Иванович Дмитриевга мактуб ёзишга ўтирди. У виждонсиз, тошбағир ва золим кишиларга бўлган ғазабини, шунингдек, дўстона марҳаматдан умидворлигини ифода этган дастлабки икки саҳифа босиқ ва зўр чиқди. У ёғида ишнинг жиҳатларини баён этиш лозим эди. У қариб қуюлмаган генерал-майорнинг худодан бўлак ҳеч кимдан қарзи бўлмаган бегуноҳ бечоралардан виждонсизларча уч минг саккиз юз қирқ сўм талаб қилаётгани аслида ўша тилхатлар бўйича пулнинг қарийб ҳаммаси — икки минг сўмдан кўпроғи тўлаб бўлингани ҳақида ёзди. Шу ерда Сергей Львович Марья Алексеевнанинг сўзларини келтирди; у бу гапларга ишонарди ҳисоб, унинг поймол этилган ҳамияти ҳам шундай деб турарди. Хуллас, қарздан атиги минг сўм қолган. Энди ана шу арзимаган минг сўм пулни деб поёнсиз ер-мулкларни рўйхатлаб кетишган.

У ёғида ёвузлар томонидан рўйхатга олинган қишлоқлар ва одамларнинг сонини ёзиш лозим эди.

У Надежда Осиповнадан уларнинг Михайловское атрофидаги қишлоқлари нечталигини сўради.

Надежда Осиповна мирзо берган кўчирмани, сўрғич муҳрни, сабзи солинган қора деҳқон пирогини эслади-да, қишлоқлар аллақачон йўқ бўлиб кетганлигини бўйнига олишни минбаъд истамай:

— Йигирмата,— деб жавоб берди.

Сергей Львович худди шундай деб ёзиб қўйди.

— У ердаги жон ва одамлар қанча, фаришта?

[1] Дмитриев Иван Иванович (1760—1837) — шоир, 1810—1814 йилларда адлия министри бўлган.

Надежда Осиповна ўйлаб кўрди. Қароллар ва чакмон кийган мужикларнинг тўдаси эсига тушиб кетди.

— Икки юзта,— деди у.

Сергей Львович алам билан буни шоирга ёзиб юборди: минг сўм пул бадалига мерос қолган Михайловское қишлоғи, яна йигирмата майда қишлоқ ва икки юз жон рўйхат қилиб кетилган; яна бу қонунга хилоф тарзда, номуссизларча қилинган. Марья Алексеевнанинг уй-жойи тўғрисида у министрга ёзди-ю, лекин бу борада ёрдам сўрамади, чунки бу беҳуда эди. Марья Алексеевна ҳам ундан буни илтимос қилмаган эди.

Марья Алексеевнани яна болохонага жойлашди. У уйда соядай индамай ва кўзга ташланмай юрар, қўлини қаёққа уришни билмас, ҳаммадан ҳадиксирар эди. У хўрсиниб, болаларнинг бошларини силар ва ҳайрон бўлиб уларга разм соларди:

— Катта бўлиб қолишибди.

— Шамдек эриб адо бўлди бечора,— дерди у ҳақда болаларга Арина.

Сергей Львович мактубни ҳафсала билан узугида узоқ муҳрлади ва елимлаб бўлиб, енгил тортиб энтикиб қўйди.

Никитани фалокатни хабарлагани Василий Львовичникига жўнатишди, тезда сингиллар етиб келишди.

Аннет акасининг бошига бошини қўйиб, унинг қизғиш тепакалидан ўпиб қўйди. Сергей Львович таъсирланганидан йиғлаб юборай деди, фақат эндигина фалокатнинг нечоғлик оғирлигини англади. У қўлларини силтаб тек қотиб қолди.

Никитадан машъум хабарни эшитиб, Василий Львович ҳам югуриб келди. У қаттиқ ҳаяжонда пўстинини полга улоқтирди-да, йўл-йўлакай келининг қўлини ўпиб қўйиб, йўрғалаганча укасининг қошига ўтиб кетди.

Сергей Львович унинг елкасига бошини қўйди.

— Oh, mon frére[1],— деди у, беихтиёр Расинни эслаб, унинг дами чиқмас эди.

Кейин Сергей Львович ўзига диққат билан қараб турган Сашка билан Лёлькани қучоқлади, уларни гўё ҳамладан муҳофаза қилаётгандай бағрига босди ва шу йўсин Лаокоон ва унинг ўғлонлари воқеасини намоён этиб[2], акасига қарата хитоб қилди:

— Ўзимни ўйлаётганим йўқ.

Оталарининг атир ва тамаки иси келаётган нимчасига ўғилларнинг бурунлари қаттиқ тиралиб, нафаси қайтиб кетаётган эди.

---

[1] О, акам *(франц.)*.

[2] Лаокоон ва унинг ўғлонлари воқеасини намоён этиб... — Троя коҳини Лаокоон ва унинг худоларнинг иродасига бўйсунмагани учун илонлар томонидан бўғилган икки ўғлининг ҳалокати тасвирланган қадимги юнон мармар ҳайкали назарда тутилган.

— Ака, ака!— ғўлдирарди Анна Львовна.

Шунда Василий Львовичнинг укасига ҳаваси келиб кетди. Одатда артистлар бир-бирларининг ютуқларига шундай ҳавас қиладилар. Василий Львович эса Гальма[1]га ўхшар эди. Бировларнинг раҳмини келтириб оҳ уришга, бировларнинг пинжига киришга доим тайёр эди. Бу аснода укаси ундан ўтиб тушган эди.

Тўсатдан у кўзларини совуқ бир алфозда қисиб, сизғириқ чиқариб деди:

— Cela ne vaut pas un clou á soufflet. Менга қара, буларнинг ҳаммаси сариқ чақага ҳам арзимайди.

Ота ўғилларини қучоғидан бўшатди. Улар қизиқсиниб амакиларига қиё боқиб қўйдилар. Сергей Львовичнинг оғзи очилган, сингил Лизетнинг қути ўчган, ҳаммалари Василий Львовичга қараб қолган эдилар.

Василий Львович бошини баланд кўтариб, уйни бир айланиб чиқди.

— Pas un clou á soufflet,— такрорлади у яна бир карра шошмасдан. Бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини унинг ўзи ҳам тушунмасди. Ҳозиргина бу ёққа қараётганида укасини хароб бўлиб-ди, деб ҳисоблаган эди, мана энди айтиб юборган гапига қандай изоҳ беришни билмай, нима десам экан ёки нима қилсам экан, деб боши қотиб турарди.

— О, ака, ака,— титраб-қақшарди Анна Львовна.

— Мен Иван Ивановичга ёзиб юбораман,— деди Василий Львович кўзларини сузиб.— Хотирингни жам қил,— гапида давом этди у,— бундай гаплар бизнинг қўлимиздан келади.

Сергей Львович ҳам тинчланди-қолди. Акаси бундай қатъият кўрсатади деб ўйламаган эди. Василий Львович унга ҳатто ўзи хоҳлагандан ҳам кўра пухтароқ ва қудратлироқ кўринди. Сергей Львовичнинг ишонувчанлиги ажабтовур эди. Лекин у ўзининг қайғули ҳолатидан чиқишни хоҳламас ёки бундай қилиш унинг қўлидан келмас эди. У бармоғини Александрга нуқиб, хўрсиниб қўйди:

— Оҳ, коллеж!..

Иезуитлар тўғрисидаги орзу-армонлари ва бойларга бериб қўйган мағрур жавоби унинг эсига тушиб кетди. Ҳозир буларнинг ҳаммаси барбод бўлиб турарди. Хитобнинг маъноси шу эди.

Василий Львович теварагида сингилларининг завқ билан қараб туришганини, келининг гумонсираб қараётганини кўриб, ўзига ўзи ҳам ҳайрон қолиб, бамайлихотир деди:

— Мен ўзим уни Петербургдаги иезуитлар қошига олиб бораман.

---

[1] Гальма (1763—1826) — машҳур француз актёри.

У атрофига кўз ташлади. Надежда Осиповна хиёл оғзини очиб, қиз боладай жимгина ўтирар ва кўзлари ола-кула бўлиб қайнағасига қарар эди.

— Хотирингизни жам қилинг, дўстларим,— деди бидирлаб Василий Львович,— мен ҳаммасини ўз зиммамга оламан, буларнинг ҳаммаси ҳам... лекин буларнинг ҳаммаси — pas un clou á soufflet.

У бўйнига осилиб ўпаётган сингилларига жавобан афтини буж-майтирди, рўмолчаси билан бир-икки елпинди-ю, ҳаммани ҳангу манг қилиб, жўнаб қолди. Аравасига ўтиргач, боши қотиб атрофга ғилмайди. Тверскаяга етганда, пешонасини ишқаб, қўлларини ёйди. Унинг ўзининг ҳеч нимага ақли етмай турарди. Яна валламат-лиги тутиб кетди шекилли. У шўхлик қилаётганда қўлга тушиб қолган мактаб боласи сингари лабларини чўччайтириб олди. Тверс-каядан ўтиб кетаётиб, у қандолатхона олдида тўхтатишни буюрди, улфатижон ва ўктам танишларини топди ва ошналарига иезуитлар мактабига жойлаштиргани жиянини Петербургга олиб кетаётгани-ни билдирди. Оғайнилари унга ажабланиб қараб қўйишди ва аф-тидан, мамнун бўлишди. Тез орада князь Шаликов келиб қолди. У ҳар доимдагидай қўлидаги оппоқ рўмолчасини ҳимарар ва ҳам-мага жилмайиб қўярди. Унинг панталонлари сўнгги модага кўра, таранг қилиб тикилган эди; Василий Львовичнинг баъзан унинг панталонларига ҳаваси келарди. Князь, Василий Львовичнинг ўз жияни, ёш жўжахўрозни Петербургга, иезуитлар мактабига олиб кетаётганини эшитиб, дастурхонга бир коса шоколад келтириб қўй-ди ва Василий Львовични қучоқлаб, уч карра қаттиқ ўпиб қўйди. У чақирган қандолатхона хизматчиси совуқ бордос ичимлигидан келтириб берди. Ҳамма Василий Львовичнинг саломатлиги учун ичиб, у билан чин юракдан ўпиша кетди.

Князь ундан тенги йўқ қалб эгасини ўпиб қўйишни сўради. Ҳамма Иван Иванович Дмитриев учун ичилаётганини сезиб, билиб турган ҳолда тенги йўқ кимса учун қадаҳ уриштирарди.

Василий Львовичдан, кўпга кетяпсизми, деб сўрашди.

— Кўпга,— деб жавоб берди Василий Львович руҳи тушиб.

«Кўпга» деган сўзнинг ўзи ғусса ва маънога тўла эди.

Кейин яна бургон, кейин аи ичимлигидан сўратдилар, сўнгра эса овқат берилди.

Василий Львович уйига яқинлашаркан, қорни ниҳоятда тўқ, ўзини мутлақо бахтиёр ҳис этарди, ўзининг Рекамьеники сингари кушеткасида бир оз мизғиб олди, фақат шомга бориб уйғониб кетди-ю, пешонасига шапиллатиб урди, шунда Аннушканинг қуло-ғига султони гўё:

— Нималар қилиб қўйдим!— дегандай чалиниб кетди.

Василий Львович Аннушкага ўгирилиб, Петербургга жўнаб

кетаётганини айтди ва алланималарни йиғиштиришни илтимос қилиб, хўрсиниб қўйди.

Аннушка, кўпгами, деб сўради, Василий Львович унга хўмрайиб ва сирли қараб қўйиб, жавоб берди:

— Кўпга.

Аннушка қўрқиб кетиб, уни йўлга ҳозирлай бошлаган эди, Василий Львович қўлини силтаб, бир ойдан кейин жўнашини айтди.

Ўзидан кўнгли тўлмай, у оқшомни ёмон ўтказди ва алламаҳал-гача уйқуси келмай ётди.

Эртасига эрталаб у ўрнида ётаркан, Петербург ҳаётини яққол кўз олдига келтирди, хаёлга берилиб кетиб, Невский проспектида юриш имкони бўлишидан завқланиб кетди, ўзини аллақачон Иван Иванович Дмитриев меҳмонхонасида деб гумон қилиб, сўнгги шеърини ёд ўқиб юборди, аллақандай соҳибжамол тингловчилар ўр-нига эшитилар-эшитилмас:

— Bravo! Bravo!— деди ва чопонини елкасига ташлаб, чойдан бир-икки ҳўплаб фикр юрита бошлади: рости билан Петербургга бутун уй ичи билан Аннушкани ҳам олиб жўнасамикан?

Бу фикр унга бағоят маъқул тушди. Унинг Петербургда ошна-лари кўп, нима деганда ҳам у давлатнинг пойтахти эди. Василий Львович, туб москвалик бўлса ҳам бирдан қиёслаб қаралганда, Петербургнинг Москвадан ўлса ўлиги ортиқлигини ҳис қилди. Москва эскириб қолди.

Ҳамма Пушкинлар каби Василий Львович ҳам беқарор эди.

2

Кўпинча Александр ҳеч нимани эшитмасдан ва пайқамасдан, тирноқларини тишлаб, ҳаммага ва ҳамма ёққа: мусье Русслога, Аринага, отаси билан онасига атрофдаги нарсаларга маъносиз, бегона назар билан қараб, хонама-хона саланглаб юрарди. Алла-қандай товушлар, аллакимнинг сохта, мубҳам шеърлари уни азоб-лар эди; у бу шеърларнинг тагига етмасдан, уларни қарийб ўзгар-тирмасдан ёзиб қўярди. Равон ва қашшоқ француз шеърлари эди бу; мисраларидан бурун қофиялари хаёлга келар эди. У мисралар-ни ўзича такрорлар, баъзан айрим сўзларини эсдан чиқариб, бош-қа сўзларни ишлатиб юборарди; оқшомлари кўзига уйқу илинаёт-ганда у ҳузур қилиб чала унутилган қофияларни хаёлига тугиб қўярди. Булар буткул уники ҳам, буткул бировларники ҳам бўлма-ган шеърлар эди.

Сергей Львович Русслони бежиз мақтамаган эди. Руссло сўз-нинг том маъносидаги педагог бўлиб, ўқувчисидан арифметика ва грамматика қоидаларини ва энг аввало вақтнинг тўғри тақсимлани-

шини қаттиқ талаб этарди. Дарслар ўрганиб бўлингандан сўнг у ўйин ва шўхликларга йўл қўярди. Александрнинг ким ўзар ўйинашига ҳам рози бўларди. Фақат у ўртоқ қилиб аллақандай кўча болаларини танламаса бўлгани, ҳолбуки икки марта шундай бўлди: ўғил болалар жисмоний қобилиятларининг ривожи палласида обдан шўхлик қилишлари керак. Лекин креслолар ва курсилар оша сакраш ва ирғишлар ярамайди, айниқса, у орқа-олдига қарамай чопди-чопди ва югур-югурларни сира маъқулламас эди, чунки бундай пайтларда Александр худди савдойига ўхшаб ҳамма нарасини тушириб қўяр, йўлакай қоқилиб-суқилиб нарсаларни тўнтариб юборар, бўлар-бўлмас, маза-бемаза нарсаларни қўшиқ қилиб айтиб юрар эди.

Лекин у чақирган пайтларида Александрнинг қанақадир ғалати фикрларга берилиб, «ҳа», деб жавоб бермайдиган ўта паришон, индамас, соқов пайтлари унинг сабр косасини тошириб юборарди; ундай деса, Александрда фикр бор деб ҳам бўлмас эди — унинг бежо қараши шуни кўрсатиб турарди. Бу ёшда ўзи фикр бўлмаслиги ҳам керак-да. Мусье уни кузата бошлади ва пойлаб юриб билиб олди: бола, афтидан, устидан чиқиб қолишларидан чўчиб, кўзлари аланг-жаланг нималарнидир ёзарди.

Тез орада ҳаммаси аён бўлиб қолди; Руссло бегона кўздан тўшак остига яшириб қўйилган бир-икки варақни топиб олди. Булар французча шеърлар экан, сатрларнинг бирмунча ғализлигидан эса мусье булар Александрнинг шахсий шеърлари деб хулоса чиқарди. У уларни ҳеч бир хушнудликсиз, кулимсираб ўқиб чиқди. Русслонинг ўзи ҳам муаллиф эди. У уч маротаба матбуотга бошқа тиқишга ҳаракат қилган ва ўз шеърларини «Альманак де мюз»га жўнатган эди. Уч маротаба у рад жавобига дучор бўлиб, муаллиф сифатида аламзада бўлиб қолган эди. У буни ўзидан ёмон ёзгувчи, лекин нашр қилиниб турган кўпгина шоирларнинг фисқу фасодларидан деб гумон қиларди. Шу боисдан Руссло она сути ҳали оғзидан кетмай туриб, қоғоз булғашга, ижод қилишга журъат қилган шайтон боланинг шеъларини нохушлик билан ўқиб чиқди. Хусусан, шеърларининг равонлиги унинг нафсониятига ёмон ботди; бироқ уларда бир дунё имло хатоси бор эди. Руссло уларни тузатиб чиқди, энг қўпол хатоларни эса, тагидан икки мартадан чизиб қўйди. Бундан ташқари, у айрим шеърларнинг жонлигига шубҳа билдириб, ёнига қалам билан катта савол аломатини қўйиб қўйди.

Надежда Осиповна Пушкинларникида ўзини бемалол ҳис қилиб юрган французга ҳомийлик қиларди. Сергей Львович французнинг обрўйидан ўз ишларининг эвини қилиб олишда усталик билан фойдаланарди; Сергей Львович жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлиб турган пайтларда Русслони атайлаб гапга солиб қўярди. Надежда

Осиповна французни тинглашни яхши кўрар ва эрининг йўқлигини пайқамай қоларди. Шу зайл мусье Руссло оиланинг зарурий аъзоси бўлиб қолди, ҳатто эр-хотин уришиб қолган пайтларида уларнинг ўртасига тушган пайтлари ҳам бўлиб турарди. Надежда Осиповна кўйлак тиктиришда у билан маслаҳатлашиб турарди; французнинг хушомадлари унга хуш ёқарди; унинг кўрсатган камчиликлари ҳамиша бел чизиғи баландлиги ва ёқа ўймасининг чуқурлигига оид бўларди. Унинг фикрларидан пихини ёрган хиёбон санқисининг фаросатини пайқаб олиш қийин эмас эди.

Пешинликдан сўнг Руссло масалани ҳал қилишга киришди. У ҳафсаласиз овоз билан виждони пок одам сифатида тез орада ўз мажбуриятларидан воз кечишга мажбур бўлиб қолажаги ва ўзини ортиқча деб ҳис қилаётганини айтди. Надежда Осиповна билан Сергей Львович таажжубда қолишди: бундай арз бўлишини билдирувчи ҳеч қандай аломат сезилмаган эди; эрталабдан Руссло хушчақчақ кўринган ва секингина ҳуштак чалиб юрган эди, тушки овқат пайтида гарчи ўйчан ва алланима билан банд кўринган бўлса-да, ҳар қалай иштаҳа билан шу қадар кўп овқат еган эдики, охири Сергей Львович ҳатто ранжиган ҳам эди. Русслодан кетиш сабабини қанчалик суриштиришмасин, анчагача индамади, лекин кейин истамайгина, етти ўйлаб бир гапириб, Александрдан, унинг ялқовлиги ва бекорчилигидан шикоят қилди. Александрнинг бу камчиликларини бартараф қилиш Русслонинг қўлидан келмас эмиш. Александр қовоғини солиб олди-да, бирдан қисқа ва қўпол қилиб:

— Елғон,— деди.

Надежда Осиповна уни дастурхон устидан қувиб солаётган эди, лекин француз уни тўхтатиб қолди.

Чўнтагидан яхшилаб тахланган варақларни олиб, у аллақандай трагик актёрга шошмасдан, эмфазалари билан таассуф қилган кўйи ҳар бандининг охирида эса ҳайронлик билан қошларини кўтариб, шеър ўқишга бошлади. Муваффақият ажабтовур бўлди: Надежда Осиповна хохолаб кулиб юборди, камдан-кам куладиган Сергей Львович бўлса Руссло қолаётганидан ва ҳаммаси ҳазил бўлиб чиққанидан хурсанд эди.

Шунда улар муаллифга, Сашкага кўнгилни хушнуд қилгани учун миннатдорлик билан қараб қўйдилар. Бола столнинг дастурхоннинг чеккасини ғижимлаб ўтирарди. Она болаларни тартибга чақирганда ҳамиша қилганидек столни чертиб-чертиб қўйди. Бола қулоқ қоқмади ва дастурхонни тез-тез бармоғига ўрай верди. Она уни чақирди. Шунда у ўрнидан турди-да, гўё уларни кўрмагандай ва ҳеч нимага ақли етмагандай уларга қаради. Унинг юзи оқиш, нурсиз, оғзи пирпираб турар, кўзларига қон тўлиб кетган эди. У лип этиб турди-ю, худди арслон боласидай пусиб бориб

Русллога ташланди — унинг қўлидан шеърни юлқиб олди-да, фарёд билан хонадан отилиб чиқиб кетди.

Ҳамма тек қотиб қолди. Педагог ва аскиябоз сифатида ерга кириб кетган Руссло индамас ва ота-она нима дейишини кутарди. Лекин Надежда Осиповнанинг нафаси ичига тушиб кетган, Сергей Львович бўлса, чурқ этмасди. Худонинг берган куни у ё жанжалашарди, ё жанжалларни тинчитарди. Тинчгина овқатлангани ҳам қўйишмайди. У мутлақо ҳаммадан дарғазаб эди — қачон қарасанг, аҳмоқона қилиқлар. Бир кори ҳол рўй бермай иложи йўқ.

Русслонинг нима қилиши кераклиги эсига тушди. У шогирдини тинчлантиргани чиқиб кетди. Надежда Осиповна ланж бўлиб, ўрнидан тургиси келмай кутиб ўтирарди. Сергей Львович бўлса, Панкратьевнаникида мазали карам шўрва ичган ва нима деса ноз-карашмасиз кўнадиган Грушканинг унга парвона бўлган қайтмас кунларини соғиниб эслаб ўтирарди. Тирикмикан у ва мухими, тан-жони соғмикин? Сергей Львович ўзининг ўша бегам ҳаётини, бўйдоқлар, хотинидан куйганлару суюқ қизлар даврасини қўмсаётганини ҳис қилди. Ҳолбуки бу аснода у овқатланиб бўлиб зерикиб ва яна бир жанжалнинг охирини кутиб, дастурхон устида ўтирибди. Шу пайт болалар хонасидан ингичка аянч нола эшитилди. Улар ҳовлиқиб ўша ёққа ғизиллашди. Ёрдамга чорлаб Руссло қичқираётган эди.

Болалар хонасида печка иситилган эди; печканинг таггинасида қалаштириб ташланган ўтин ётар ва чўғлар устида дам оқариб, дам қорайиб куйиб бўлган қоғоз тиришарди. Руссло шу ернинг ўзида печка ёнида ҳимоя учун икки қўлини узатиб ва мададга чорлаб, бурчакка биқиниб турарди. Унинг қаршисида эса кичкина иблис сингари қувонч билан тишларини чақнатиб ва бир ғўлани баланд кўтариб Александр турарди. Надежда Осиповна Александрга ташланди-да, ғўлани тортқилай бошлади. Кутилганга хилоф равишда унга бас келолмади, ўғли фавқулодда кучли бўлиб чиқди. У энгашиб, ўз қуролини маҳкам ушлаб олган, унинг бармоқларини бўшатишга онанинг кучи етмас эди.

Ниҳоят, у ғўлани бурчакка улоқтирди-да, чопиб хонадан ташқарига отилди.

Руссло нафасини ростлади. Унга ёмон алам ўтган эди: тезда у гапириб берди; кириб бориб у Александрнинг чўнқайиб ўтиргани ва ўша ўзининг paperasses, қоғозларини куйдираётганини кўрган. У ўрнидан туришини сўраган. Бола итоат қилмаган. Шунда у шогирдининг елкасига қўлини қўйиб, буйруғини такрорлаган. Ўқитувчининг амрини бажо келтириш ўрнига бола қўлига ғўла олгану, ҳимоя чорасини кўргунча ҳам бўлмай, унга ҳужум қилган. Руссло зарбга фақат бир омади келиб чап бериб қолган ва ҳаммасини фақат ўзининг чаққонлигидан кўрар, унинг эски қиличбозлиги асқа-

тиб қолган. Руссло бу кичкина монстрни тарбиялаш вазифасидан ўзини озод қилишни ўтиниб илтимос қилар эди.

Ота-она иккаласи бараварига хўрсинишди ва ундан қолишини сўраб ялина бошлашди. Француз гапида қаттиқ туриб олган эди. Ниҳоят, Надежда Осиповна маошни ошириш хусусида гап очиб қолди-ю, тарбиячининг матонати зил кетди. Сергей Львович хотинини ортиқча қўшиб юборишидан чўчиб, ижирғаниб музокарани узиб қўйди. Оқибат муаллим кўнгли бузилиб таъзим қилди-да, ёлғизгина ота-она намоён этган олижаноб туйғулар ҳурмати қолажагини баён қилди.

Александрни қидира-қидира Аринанинг олдидан топдилар. Таажжубки, унга қўл тегизмадилар.

Лекин тунлари у кўпинча уйғониб кетадиган бўлиб қолди; унинг юраги гуп-гуп урар, қаҳру ғазаб кўзларини хиралаштириб юборарди. У ухлаб ётган французнинг афтига совуққонлик билан, лекин бўғилиб тикилар эди. Мана шу французнинг қўли ҳаром қилган варақларини печкага тиқиб юборган пайтдан бери у бутун вужуди билан астойдил унга ажал тилашдан тинмасди. У каттароқ бўлганида борми, уни дуэлга чақирмай қўймасди; Монфор унга дуэлларни ҳикоя қилиб, терца ва кварца ҳолатларини тушунтириб бергани эсе кетмаган эди. Лекин қиличлар йўқ, уни кулги қилишлари мумкин эди.

Аста-секин уни тасаввури алаҳситди. У бу уйдан, Москвадан қочиб кетади; йўлларда дарбадар юради; шон-шуҳрат қозонади. У уйқудан тургач, уни хонасидан тополмаган Русслонинг телба қиёфасини кўз олдига келтирарди. Бир куни астагина ўрнидан турди-да, Русслонинг уйғонишини эшик орқасида пойлади, кейин эса уйқусираган Аргуснинг[1] довдираган сиёқидан хўп ҳузур қилди. Француз афтидан кичкина монстрдаги алланимани пайқади, фаҳмлади; у ювош тортиб қолди, Александрнинг иззат-нафсини қондириб, унга худди катта одамдек муомала қила бошлади. Уйқу олдидан деразадан шабада келаётгани баҳонасида у ўзининг ўринтўшагини эшик томонга суриб олар ва ҳушёр соқчи сингари остонанинг тагида ётарди.

3

Ўн икки ёшида у ўз оиласида, хонаки тикувчи тирсакларини учли қилиб тикиб берган либосда бегона кўринарди. Нонуштага худди ит қувган бўри боласидай кўзларини йилтиратиб борар ва ўзини зўрлаб онасининг қўлини ўпарди. Отаси билан онасининг гап-сўз-

[1] Аргус — қадимги юнон афсонасида кўп кўзли қоровул. Бир кўзи укласа, бошқаси уйғоқ тураркан.

ларига бошқа тўсда маъно бериш унга қувонч бахш этарди. Ўн икки ёшида у ота-онасини совуқ ўсмирлик суди билан аёвсиз қоралаб ҳукм ҳам чиқариб қўйди. Улар буни фаҳмламасдилар. Лекин улар ҳам оғирсиниб Василий Львовичнинг ўз ваъдасини қачон эсга олишини кўзлари тўрт бўлиб кутишарди. Шу йили ҳеч нарса ўнгидан келмади-келмади; қуруқ ва совуқ бу хонадон.

4

Сергей Львовичнинг яшашига дармон бўладиган, бахтининг гарови бўлган бебаҳо фазилати бор эди: у узоқ ғам чекишга ноқобил эди. Агар у йиғлаб турган бўлса ҳам борди-ю, бир кун бурунги аския ёки бирон кулгили воқеа эсига тушиб қолса, бирдан унга жон кириб қоларди. Москвада эса, нима кўп — кулгили воқеа кўп. Москвани зиёрат қилган подшо Дворянлар кенгашида қатор бошида Архарова деган кампирни рақсга олиб тушган экан, шу тобда хоним иштонбоғи бўшаб кетганини сезиб қолибди. Қадимий Румо хоними сингари кампир сир бой бермасдан, тушиб кетган иштонини писанд қилмай рақс пайтида босиб ўтиб кетаверибди, рақс тугагандан кейин ҳам виқор билан ҳеч нарса бўлмагандай, подшонинг ёнига ўтирибди. Москва чоллари фахрланишар, мақтанишар ва эндиги олифта жононларнинг бирортасининг қўлидан бу иш келмайди, деб таъкидлашарди:

— Тирноқчаям сир бой бермади-я!

Бу гапларнинг ҳаммасини Сергей Львович Михайловское қўлдан кетган куннинг эртасига кула-кула ҳикоя қилиб ўтирарди.

Иван Ивановичга мактублар жўнатилган, шунинг ўзи билан зарур чоралар кўрилган ва энди кутиш лозим эди. Оқшомлари Сергей Львович қайнотасиникида меҳмон бўлганларини эслар ва Михайловское қишлоғи — унинг хотирасида жуда катта ер-мулк бўлиб кўринарди: чангалзор ўрмонлар билан қуршалган кўли бор эди, катталигидан кўпроқ денгизни эслатарди; «денгизжон» — деди Сергей Львович; иморат катта, шинам ва илиқ, қадимий эди; меҳнат интизоми яхши ташкил қилинган. Чор атроф бепоён ўрмон. Надежда Осиповна гапни бўлмай тинглаб ўтирар, Марья Алексеевна бўлса, Захаровосига аза тутиб, кўз ёшларини рўмолча билан артиб ўтирар ва куёвининг ҳамма гапларини Захарово билан боғлар эди. Ниҳоят, у куёви билан қизига, золимнинг тўппа-тўғри ўзига хат ёзиб юборинглар, деб маслаҳат берди.

— Балки у шунчаки феълн айниганда қилгандир, энди бўлса фикридан қайтган бўлиши ҳам мумкин. Уларнинг ҳамасида шу нарса бор эди — бир нарсадан тегиб қоларди. Балки энди ўзига келиб, пушаймон ҳам қилаётгандир.

Сергей Львович қовоғини солиб олди-ю, узил-кесил бош тортди.

— Йўқ-йўқ, — деди у хотиржам, ёмон нияти борлигини яширмай, — Ҳали у тавбасига таянади! Йўқ. Мен ёзиб ўтирмайман.

Ўша оқшомдаёқ безиллаб ва кўнгли чопмай, у генерал-майорга тўлов муҳлатини сал орқага суришни, ишнинг ўзини тўхтатишни илтимос қилиб мактуб ёзиб юборди. «Мабодо бунинг иложи бўлмаса, нақд пул йўқлиги важҳидан зоти олийлари лутф айлаб сабр қилиб турсалар. Ҳар қалай, дворянсиз ва амаки бўласиз, олижаноблигингиздан умид қилиб зоти олийларидан жавоб кутаман, биз сизга камоли садоқатлар билан бир кун кечириб турибмиз» ва ҳоказо. Надежда Осиповна мактубга қисқа илова қилиб қўйди.

На Иван Ивановичдан, на арабдан жавобнинг дараги бўлди.

Сергей Львович зорлана бошлади. У ўзининг зиёнини шундай яққол тасаввур қилардики, нажотдан умид қилмай қўйди. У Иван Ивановичнинг шу даражада ҳаволаниб кетиб, эски дўстларига жавоб ҳам бермай қўйганидан зорланар, ҳукуматдан зорланарди. Ниҳоят, у шу кўйга тушиб қолдики, бирдан-бир асл соҳиби карам подшоҳлик деб Пётр Учинчининг қисқа подшоҳлигини эълон қилди.

— У яна уч йилча подшоҳлик қилиб турганда борми,— деди у бир кун, — мен Иван Ивановичдан эмас, у мендан шафоат тилаб турган бўларди.

Тортиб олинган Михайловское қишлоғи, хотираларида улкан амлок бўлиб кўринган сингари отаси обрўйини йўқотмасдан илгари Пушкинлар ҳам ўтмишда ҳал қилувчи қудратга эга бўлгандай кўринар эди.

— Кейин эса tous ces coquins[1], ўша муттаҳамлар, отбоқарлар тарқаб кетиб, кекирдагини чўзиб ётишибди — á gorge déployée— хўш, нима деб бақиришяпти? Худо билади. Энди гаплашадиган ким бор! Chute complète![2]

Бу лавозимлар, департаментлар, зиёрат ва суд жойларининг ҳаммасини у энди қаттиқ қораларди:

— Ғаламис доим ғаламис-да, мирзо эса доим лўттибоз бўлади, сансалордан бошқасини билмайди.

Шундай қилиб, энди жавоб кутмай ҳам қўйишганда, лоп этиб Иван Ивановичдан семиз сурғуч муҳр билан елимланган пакет келиб қолди.

Сергей Львович пакетни очди. Унинг қўллари ўша карта ўйинида чув тушиб, ўйин бир марта айлангандан кейин қўққис омади келиб ютиб қолган унутилмас кечадаги сингари қалт-қалт титрар эди.

Иван Иванович Сергей Львовичга Псков губерна прокурори

---

[1] Ўша аблаҳларнинг ҳаммаси *(франц.)*.

[2] Тўла таназзул *(франц.)*.

рапортидан нусха юборган эди. Сергей Львович ўқиб чиқди, полга улоқтириб оёқлари билан эзғилаб ташлади. Унинг рангида ранг қолмаган эди.

Прокурор. чамаси, қари арабнинг настойка ва наливкаларига ишқибоз бўлса керак, унинг рапорти одобсиз ва қўпол эди. Аввало рақамлари ғалати эди — у ҳаммаси бўлиб Михайловскоеда қароллар билан деҳқонлар Сергей Львович билан Надежда Осиповна ўйлаганидек, икки юз жон эмас, эркак жинсидан 23 ва аёл жинсидан 25 жон дебди. Сергей Львович «у кўзлари ғилай бўлиб турганда ҳисоблаган бўлса керак», деб қўйди. Жаноби Пушкиннинг арзи сира адолатдан эмас,— деб ёзган эди у ёгида ўша аблаҳ — ce faquin de prikazny[1]— негаким, унинг икки минг сўм тўлагани ҳеч қандай ҳужжатдан аён эмас.

— Аён эмас!— деди Сергей Львович бўзариб ва энсаси қотиб.— Жуда зўр ёзилган: аён эмас.

Бундан ташқари, генерал-майор Аннибал судга ўз жияни Надежда ҳамда унинг эри Пушкиннинг бир мактубини топширдики, унда эр-хотин ундан, Аннибалдан, нақд пуллари йўқлиги важидан...

Сергей Львович икки сатрини ташлаб кетди... лекин у, Аннибал, бунга ҳеч рози эмас. Афтидан, ўша Пушкинларнинг ёзган ҳамма хатлари бошлиқларни ҳам беҳуда овора қилаётир.

— Мен подшоҳнинг ҳузурига бораман,— деди Сергей Львович ва Никитага бақирди:— Усти бош келтир!

Фақат шундан кейингина у Иван Ивановичнинг мактубини ўқиб чиқди. Шоир илтифот кўрсатган ва ўзи Сергей Львовичга рапортидан нусха юбораётган прокурорга ишнинг ижросини кечиктириш ва тазйиқ қилмаслик тўғрисида фармойиш берганини ёзган эди. Ишни қайта кўриш учун эса у, таассуфки, баҳона тополмай турибди. Сўнгра дилбар сингилларига таъзим қилиб қўйишни сўрабди. Василий Львовичга у алоҳида ёзади.

Сергей Львович бирпасда тинчиди-қўйди. Разил прокурорнинг рапортини полдан оташкурак билан олиб каминга ташлади-да, ҳатто ҳокини ҳам йўқ қилиб юборди.

Эртасига Сергей Львовични кўрган одам уни кечагина давлатпаноҳ ҳузурига бормоқчи бўлган ва ҳукуматни сўккан одам деб айтолмас эди. Ишнинг ижроси кечиктирилган, энг асосийси шу эди. Уша ижрогача беш йил ҳам, ўн йил ҳам ўтиб кетиши мумкин, ундан уёғига қарабсизки — худо ёрлақаб амаки қазо қилиб қолар. Йўқ, Пётр Учинчидан кейин ҳам бир гўр қилиб яшаса бўлади. Албатта, Иван Иванович бу ишни таг-туги билан босди-босди қилиб юборса, чакки бўлмасди, лекин садқайи сар. Дарвоқе, ўзи бош

[1] Уша муттаҳам мирзо *(франц.)*.

бўлган ўша ҳарамзодаларнинг аллақандай нусхалари, рапортларини жўнатиб ўтириш ортиқча нарса эди. Кибор бўлмасдан ҳам ақлбир зот бўлиш, чин одобнинг маънисига етмасдан ҳам шоир бўлмоқ мумкин. Иван Иванович шеърларининг ўзи ҳам Сергей Львовичга бирдан камроқ ёқа бошлади: уларда зўрма-зўраки жойлар учраб турарди.

Михайловское яна уларнинг қўлига ўтди, лекин энди илгаригидек улкан амлок бўлиб кўринмай қолди.

Иморатлари шинам бўлса бордир, лекин ўшанинг ҳам томига похол ёпилган.

Сашка ва унинг тақдирини ҳал қилиш тўғрисида эса бош қотирмаса ҳам бўлади. Ҳаммаси жуда соз! Амаллаяпти! Акаси Базиль[1] уни Петербургга, незунтлар қошига олиб кетяпти, энди Сашка ўша ёш такасалтанглар — Голицинлар, Гагаринлар ва ҳоказоларнинг ҳаммаси билан бирга тарбия олади.

Авлиё падарлар Александрнинг, очиғини айтганда, расво феълини жойига тушириб қўйишади. Уйдаги доимги тўс-тўполон, Лёлька билан муштлашишлар, Руссло билан жанжаллар — ҳамма қатори Сергей Львовичнинг ҳам жонига тегиб кетган эди.

5

Олинька бутун вужуди билан ўзини ҳеч ким яхши кўрмаслигини билар ва сезар, шунинг учун ҳам уйда ўзини қўярга жой тополмас эди. У онасидан тиззалари қалтирар даражада қўрқар ва совуқ назаридан оқариб кетарди; у муғамбирлик қилар, нималарнидир яширар, ҳамиша бўлар-бўлмасга ёлғон гапираверарди.

— Parole d'honneur, ўлай агар,— деб гапига ишонишмаган пайтлари минғирларди у.

Мабодо бебошлик қилганини билиб турган ва жазодан қўрқаётган қизчаларга хос бедана юриши, ёлғон сўзлаётганини билдириб турган бежо қараши-ю, нурсиз киприклари бўлмаганда эди, у балким хушрўй кўринган бўлармиди. Онасига тортган қўполроқ оғиз-бурнини айтмаганда у худди Сергей Львовичнинг ўзгинаси эди. Унинг гажаклари қўнғироқ бўлиб турарди. Уйда гоҳо бир ойча, гоҳо бир ҳафтача бир-икки марта пайдо бўлиб, кейин кўздан ғойиб бўлиб кетадиган бебақо тарбиячи-муаллималар унинг тарбиясига мутасадди эдилар. Монфор уни пайқамасди. Руссло оиланинг серғайрат аъзоси сифатида уни ҳам аҳён-аҳёнда француз грамматикаси билан арифметика қоидаларига ўргатиб қоларди. Бир пайтлар унинг ёнига доимо маст бир немис раққос қатнаб, клави-

[1] Базиль — Василий Львовични французча талаффуз билан атаяпти.

корд[1] данғиллатишни ўргатиб юрди, немисниng ўзи чалишни яхши билмас эди-ю, арзонгина эди. Олинька тактдан адашар, немис бунинг учун Олиньканинг қўлига чизғич билан тарсиллатиб урар, қиз ҳиқилларди, бу ҳангома Надежда Осиповнанинг жонига тегиб кетди-ю, Олинькага музика маълумоти бериш тўхтатилди. Ҳар куни клавикорд устида ликопларда қолган-қутган овқатлар турар, меҳмон келадиган бўлса ликоплару бошқа нарсалар клавикорд устидан олинар ва унинг чанги артиларди; лекин ўзи четга олиб қўйилмас, меҳмонхонада тобутга ўхшаб турганн турган эди.

Олинька Сашканинг нағмаларини яхши кўрарди; унинг онаси ва Руссло билан жанжаллари Олинька учун чинакам байрам бўлиб кетди; у эшик орқасига беркиниб олиб, Русслонинг танбеҳларини, онасининг дод-войларини, бунга жавобан Сашканинг ғалати пишқириб қўйишларини маза қилиб эшитарди.

У Сашканинг Русслога қилган ҳужумининг унсиз шоҳиди бўлган ва елкаларини ичига тортиб, кўзлари ёниб, оғзи очилиб ва нафаси ичига тушиб, калит тирқишидан мўралаб турган эди. Уларнинг хоналари ёнма-ён эди. Шу пайтдан бошлаб, Сашкага жазо бермаганлари учун ҳам ундан ҳадиксирайдиган ва ҳурмат қиладиган бўлиб қолди.

Тўсатдан, бир куни эрталаб унинг энди ёш бола эмаслиги, қадам олиши бошқача бўлиб қолганлиги назарга тушди: кечқурун меҳмонлар буни пайқаб қолиб: ия, Олинька катта қиз бўлиб, бўйи етиб қолибди-ю! Нақ қайлиқнинг ўзи-я!— дейишди. Шунда Надежда Осиповнанинг юраги орқасига тортиб кетди. Наинки унинг ёши ростданам ўттиз олтида-ю, унинг қизи бўйи етиб қолган бўлса? У то тушгача кўзгу олдида уст-бошини киймасдан, ўзига диққат билан тикилиб ўтирди. Тишлари билан кўзларидан бўлак юзида ёшликдан асар ҳам қолмабди. Сергей Львовични мафтун қиладиган томоқларига, сийналарига, қадди-қоматига нима бўлди? Наинки у энди чинданам кампирга айланган бўлса? Ўғиллари улғайиб борар, лекин бундан унинг кўнгли қаримаган эди, ўғилларини у кўпам ўйлаб ўтирмасди. Сашканинг феъли ёмон, уни яқинда иезуитларга элтиб беришади. Лёвушка дўмбоқ ва ширинтой. Лекин Надежда Осиповна ўзига, сизнинг қизингиз қайлиқ бўлиб қолибди, деб айтишларини истамасди. Умри лип этиб эҳтироссиз, бир марта ҳам вафосизлик қилмай, шов-шувсиз ўтди-кетди. У бир вақтлар, Сергей Львовичгача ўша гвардиячи бадмаст йигит ғавғо чиқармаганига афсусланар эди. Йигит, дарвоқе, у пайтларда ҳали бадмаст эмас эди ҳам. Бу эрининг камин олдидаги декламациялари, аскиялари, уй ичида киядиган халати, унинг рафтори бирам жонига тегиб кетганки.

[1] К л а в и к о р д — клавишли музика асбоби.

У Ольгага нисбатан қаттиққўлроқ бўлиб қолди; болалар уларни хонавайрон қилишмоқда — либосларининг ўзи қанча пул! Ольга шу пайтдан эътиборан оддий кийимларда юрадиган бўлиб қолди. Арина унинг пайпоқларини тўрлаб, тешикларини ямаб берар ва индамасди. Ольга шивирлаб унга зорланар, лекин Арина унинг шикоятларига ўрганиб кетган, дамини чиқармасди.

Бир куни Оля арз қилгудек ҳеч ким йўқ пайтида, кечқурун, ота-онаси йўқлигида, Руссло ҳовлидан чиқиб кетганда, Сашкани отасининг кабинетидан топди. У китоб ўқиб ўтирарди. Оля тез-тез пичирлаб, ҳамишагидек ойижонидан ва дадасидан, овқатнинг энг яхши жойини танлаб оладиган укачаси Лёвушкадан шикоят қила бошлади, кейин эса меҳр-муҳаббат билан Сашкага қойил қолишини, унинг ҳамма қилиқлари — қойилмақомлигини, Руссло бўлса ғирт ҳайвонлигини айтди.

Шундай қилиб, опа-ука ўртасида дўстлик юзага келди.

Ольганинг эътирофи ва унинг кўзларидаги қарийб хурофий даҳшату ҳавас Сашкага хуш ёқди. Лекин унинг тез-тез шивирлашларидан, қўрқоқлигидан жирканар, ҳамманинг устидан ҳаммага шикоят қилиб юриши ва ойижонига жавдираб қараб, илтифот қозонмоқчи бўлишларини сира-сира ёқтирмас эди.

У опасига ачинар, айни пайтда унинг қилиқларига ғаши келар эди.

— Сен йиғлоқисан, мен бўлсам тўполончиман, мен улардан қўрқмайман,— деб тез гапирди Сашка унга.

УНИНЧИ БОБ

1

У яқин орада жўнаб кетишини биларди. Уйдагиларнинг ҳаммаси унга бошқача кўз билан қарарди; уни ортиқ тергамай қўйишган, унинг ихтиёри ўзида бўлиб қолган эди. Ўзи ҳам бу уйга, ўз хонасига, ўша печка ва жавон оралигидаги кунжакка, ўзи тирноқларини ғажий-ғажий китоблар ўқиган, бир дафъа эса, ўз тарбиячисини ўлдириб қўйишига сал қолган жойга четдан туриб назар ташлади. Ҳаммаси унга ғариброқ, майдароқ, аянчлироқ бўлиб кўринди. У барваста деб ҳисоблаб келган отаси дуварак бўлиб чиқди. Дарвоқе, буларнинг ҳаммасини у энди кам ўйларди. У хаёлан аллақачон барча саёҳатчилардан ўзиб тош кўчадан елиб борар, у ёғида эса Петербургдай ажойиб шаҳарда бўларди. Петербург деса бир хил бўлиб хўрсиниб қўядиган отаси унга ҳаваси келиб қоларди. Барча таниш чоллар бўлса, Петербургни сўкишарди.

Сашканинг қадам олиши ҳам бора-бора ўзгариб, жадалроқ бўлиб қолди.

Унинг ўзига хос хиромон юриши бор: гавдаси илгари сурилиб, одимлари эса чўзилиб кетарди. У энди Москва бўйлаб кўп сайр қилар ва манман Руссло имтиҳонларни унга беҳуда эслатганча қолаверарди. Имтиҳонлар шогирддан кўра Русслони кўпроқ қўрқитмоқда эди.

Москвага, Москва кўчаларига, уйларига, одамларига ҳам у энди ўзгача — бегона, ўткинчи назар билан боқарди. Москвадан кети узилмай чўзилиб карвонлар ўтар, тарақа-туруқ қилиб ғмиллаганча аравалар борар эди. Уйлар дам боғлар ичига биқинар, дам йўловчиларнинг оёқ остида ўралашган қайсар гаранг чоллардай йўлкаларга туртиб чиқар эди.

Москванинг кенг кўчалари энди унга равон бўлиб кўринмас эди. Аъёнларнинг ўрмон сингари хилват, қалин боғлар қўйнига яширинган уйлари, Петербургни ва унинг олифталарини кулги қилиб ўтирувчи ёшини яшаб, ошини ошаган кампиршолар, қароллар, араблар, лайчалар умр кечираётган Москва қасрлари бошланиб кетарди; туйқусдан бемаҳалда бурғу садолари келиб қолар, бу — кекса Новосильцов чойхўрлик қилаётганини билдирар эди.

«Йиқил!», «Таъзим қил!» деган ҳайқириқлар эшитилар, югурдаклар чопиб ўтар, кейин вазмин тарақлаб аломат извош ўтиб кетар эди. Александр шундай араваларни ҳайрат билан бир четдан томоша қилиб турди: ана, бир аравaнинг зиналарида беш нафар араб турибди, олдинда эса эгнига ғалати либослар, оқ патли шляпалар кийган чопарлар югуриб боришар ва ҳансираб бақиришар эди:

— Йи-қил! Таъзим қил!!!

Асосий кўчалар бошланди, энди бир иморат иккинчисидан ғаройиброқ эди. Неглинная кўчасида товусдай товланиб хитой саройи турарди. Аждаҳолар москвалик йўловчиларга оғизларини катта очиб туришар, осуда меҳробларда эса шамсиялар остида сариқбашара дўлварлар — мандаринлар турарди. Бир қарашда ҳеч ким яшамайдигандай кўринувчи анави иморатнинг хира ойналарида ҳашамат, ғафлат ва рутубат акс этган эди. Бироқ, мана, Москвага хос ғажир-ғужур билан дарвоза ҳам оҳиста очилди — мўйсафид Демидов айланиб келгани чиқиб кетаётган эди.

Александр Тверскаядан юриб кетди.

Қошларини чимириб ёнгинасидан Александрни кўрмай князь Шаликов қандолатхонага ўтиб кетди. Ҳаял ўтмай Александр отасини кўриб қолди: у беғам табассум билан оч мовий кўзларини олайтириб сал осилиб-солинган бўлса-да, ҳали унча қаримаган бир алфозда кўчадан бедана юриш қилиб борарди; лорнетини тутиб, ўткинчи кетаётган бир кампирга сузилиб қararди, кампирнинг тиззасида лайчаси бор эди; Сергей Львович унга таъзим қилди-ю,

кампир ҳам ўзининг извошини тўхтатди. Александр тор кўчага яшиндан тез бурилиб кетди.

Бир ойдан кейин унинг жўнаш пайти тайин бўлди. У амакиси Василий Львович билан Петербургга жўнаб кетаётган эди.

2

Кўклам, қушлар учиб келадиган палла. Хиёбондаги буталар ичида ва чорбоғдаги дарахтларда шаҳарлик киши сифатида Василий Львович номларини билмайдиган аллақандай чирқироқ жиклар қушчалар пайдо бўлди. Булбулни у Москва этагида граф Салтиковникида икки бор эшитган эди. Яна Позднякованинг базмларида апельсин дарахтлари соясига яширинib олган қарол ҳам булбул бўлиб сайрагувчи эди. Ростакам булбулнинг хониши ҳам қаролнинг булбулга тақлиди сингари жуда ёқди.

Қушлар учиб келишга учиб келди-ю, Василий Львович Петербургга отланди.

У петербурглик дўстларига хат ёзиб юборди ва ошналари Демут ёнида Мойкадан унга атаб қулай ва арзон-гаров хоналарни ижарага олиб қўйишди. Василий Львович Петербургда бир-икки ой туриш, кибор доираларда бўлиш, Дмитриев билан совиб борадиган ёзувлар пансионига жойлаштириш ниятида эди. Ишлар кўп эди.

Жўнаш пайти яқинлашиб қолди. Аллақачон почта бекатидан келишиб, Василий Львовичга ва бойваччаларга қулай извош, юклар ва хизматкорларга арава тайёрлигини дараклаб кетишди.

Сергей Львович бир сесканиб олди. Уғлининг жўнар пайти яқинлашиб келарди; шу ўртада аксига олиб қари араб билан можаро бўлиб қолди. Эндиликда Марья Алексеевна ёвуз деб атайдиган қари арабнинг вақтинча овозини ўчириб туриш учун порамора билан қутулиб кетишга тўғри келди. Мирзоларнинг ўзига қанча пул берилди-я! Ўзи мудом ёмон кўриб юрган мирзолар тоифасининг бераҳм ва тамагирлигига Сергей Львович яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Ҳар қалай ўз ғазнасини кўздан кечириб, Сергей Львович маблағининг қути ўчганини кўрди. Сергей Львович битта ниятидан воз кечди: энди ёзликка тиктирмоқчи бўлиб юрган бели юқори, йилтиллайдиган фракни тиктирмайди; ҳолбуки модага мос нусхаси танланган эди, Сергей Львович аллақачон ўзини фракли деб тасаввур қилиб юрган эди: измасига гул тиқиб қўйиш қолган эди, холос. Ишёқмас бўлиб кетган ва умуман, уйда зарурати қолмаган Грушкани сотсак деган ўйга бориб турардилар. Ота-она қурумсоқлик қиларди; Пушкинларнинг дастурхони тобора камбағаллашиб борарди. Болдино ўлпони дармон бўлмай қолганди. Июнь

ойи эди. Бир куни Сергей Львович ҳаммасини кескин ўзгартириб юборди; Болдино жонларини гаровга қўйди, ёнига пул тушиб, кўнгли жойига тушди: фрак шу замон буюртирилди. Александрнинг иезуитлардан тарбия олиши мумкин бўлиб қолди.

Бу аснода Сергей Львович пулга ёлчиб, доимги одатича ҳаволаниб кетди. Унга ҳеч нима писанд бўлмай қолди. Надежда Осиповнага сирли бир алфозда дам-бадам қараб қўяр, Надежда Осиповнанинг ҳам қўрқувдан эти музлаб кетарди: Сергей Львовичнинг ташаббуслари унга доим бетайин, ҳаттоки, хатарли ҳам бўлиб кўринарди. Шундай кунларнинг бирида у Царское Селода лицей очилиши тўғрисидаги қарорни ўқиб қолди-ю, ҳовлиқиб кетди. Лицей дегани нималигини жуда мужмал тасаввур қилар, лекин миясига лоп этиб бир фикр келиб қолди. У ошналари билан гаплашиб кўрди. Муассасада улуғ князлар тарбияланади, деган мишмишлар бор экан.

Илгариги икки подшоҳлик даврида ҳаётни идора қилган ва фавқулодда бахт берган ғанимат фурсат яна қўл келиб турарди. Ёш йигит бўлғуси валиаҳднинг бирга ўйнайдиган ўртоғи бўлиб қолиши ёки сайр қилиб юриб, дарахтзорда иттифоқо император билан унинг маликасига йўлиқиб қолиши мумкин бўларди; ишқилиб, ўсмир тақдири ҳал бўлди. Бурунги подшоҳликларга оид тез-тез айтиб туриладиган машҳур латифалар унинг эсига тушди. Сергей Львович Сашканинг Царское Селода, сал бўлмаса саройнинг ўзида тарбия олишини кўз олдига келтириб бу фурсатнинг яккаю ягоналигини англади. Иезуитлар энди унинг назарида у қадар жозибали эмасдай бўлиб кўрина бошлади. Шу билан бир қаторда дили тўрида Александрни янги билим юртига жойлаштиришнинг иложи бўлмас, деб унинг ишончи комил эди ҳисоб. Унинг шуҳратпарастлиги тутиб кетди. У типирчилаб қолди. У хотинига билдирмай толеини синаб кўришга аҳд қилди. Мансаби билан обрўси етарли даражада эмас эди, аризалар кўп тушишини сезиб-билиб турар ва рад жавоби олишдан қўрқарди. Надежда Осиповнага билдирмасдан у ўғлини янги муассасага қабул қилишларини сўраб илтимоснома ёзиб юборди. Юраги бетламай тургани ҳолда, у бўш келмасликка қарор қилди: ё коллеж, ё Царское Село. Илтимосноома жуда яхши ёзилган эди, лекин бунинг ёлғиз ўзи камлик қиларди.

Насабининг қадимийлиги тўғрисидаги справканинг ўзи осонликча қўлга киргани йўқ. Иван Иванович Дмитриевнинг кучли ҳимоясига таянишга тўғри келди. Керакли гувоҳнома юборилди. Бироқ шоирнинг ҳомийлик кўрсатиш тарзи Сергей Львовичга шоир ва министрнинг ўтакетган расмиятчилигини кўрсатди. Аҳамиятсиз ва ҳатто мужмал гувоҳнома тагида Адлия министри Дмитриев ва граф Салтиковларнинг имзолари турарди. Мансабдорлар гувоҳномада вояга етмаган ёш дворян Александр Пушкиннинг ҳақиқатан ҳам 7-мавқедаги комиссарлик штатида хизмат қилувчи Сергей Львович Пушкиннинг қонуний ўғли эканлигини тасдиқлаган эдилар. Бу хил гувоҳномани шак-шубҳасиз қавм рўйхати бўйича ҳам қўлга киритиш мумкин эди.

Фонвизин кулги қилиб кетган ҳамда ўзининг ўғлига қарата ишлатилган кўҳна «вояга етмаган ёш дворян»[1] сўзи Сергей Львовичга қаттиқ тегибгина қолмай, балки уни қўрқитиб ҳам юборди.

— Ўғлим қонунийми, йўқми, бунинг сизга дахли йўқ, тақсирим,— деб шивирлаб қўйди у.

Бироқ министр имзо чеккани ва тасдиқлаганининг ўзи катта гап эди.

Сергей Львович юрагини ҳовучлаб, ўз режаларини Василий Львовичга ошкор этди ва иезуитлар ё лицейни танлашни унинг ўзига ҳавола қилиб қўйиб, тағин Александр Иванович Тургеневга бағоят назокатли қисқача мактуб ҳам ёзиб юборди. Александрнинг ўзига ота лицей, очилажак Царское Село хусусида икки бор мужмал қилиб гапирди-ю, лекин дарров табиат манзараларига чалғиб, дами ичига тушиб кетаверди.

Иезуитларда расмиятчилик камроқ, лекин уларнинг ҳам тайини йўқ. Ҳаммасини Василий Львович ўша ерда ҳал қилмоғи керак. Эски қиморбоз сифатида Сергей Львович омадга ишонар, шу билан бирга у ҳам иззат талашмоқда эди.

Энди у кўнгли хижил бўлиб ўғлига термиларди — ўғли шунчалар ғамхўрлик ва оворагарчиликларга арзийдими? У — илк эҳтирос фарзанди — мана энди ҳиссиз бўлиб ўсяпти. Гоҳи маҳаллар у кўпни кўрган ва рўзғор тебратган кишиларга хос донишмандлик билан ўғлига узундан-узоқ насиҳат қилиб қоларди. Бора-бора Петербургни, Невский проспектини, гвардиячи ёшлигини, бой берилган мартабасини, икир-чикиригача муфассал эсга олди-ю, манави гўр ўсмирнинг ўрнига ўша ерларга ўзи ўлгудек боргиси келиб кетди. Сашкага Петербургда нима бор ўзи? Дарҳақиқат, унга Петербургнинг нима кераги бор? Москвада ҳам жуда яхши тарбияланиши мумкин-ку! Болалар тарбиясининг турган-битгани машаққат бўлди-да!

Бироқ айниш фурсати ўтган эди.

Хўрсина-хўрсина алам билан у ўғлига насиҳат қиларди:

— Бўлка нон ва варақиларни меҳмонхонадан ҳаргиз сотиб олма. Сени савдогарлар ўраб олиб: «Ҳозир пишган нон, иссиқ бўлка нон!»— деб бақира-бақира бошингни айлантириб юборишади. Би-

---

[1] Вояга етмаган ёш дворян — русчада «недоросль» сўзи «чаласавод бойвачча», «нодон», «сўтак» маъноларида ҳам қўлланади.

ламан уларнинг бўлка нони қанақалигини. Ичига нима балолар солишади. Бир марта еб заҳарланиб ўлай деганман.

— Невский проспектида сен, ёдингда бўлсин, подшоҳни учратиб қолишинг мумкин, у энди ҳар куни Невский проспектида айланади, дейишади. Унга кўзинг тушгудай бўлса, сен дарров мана бундай қилиб туриб, мана бундай қилиб таъзим бажо келтиришинг керак.

Сергей Львович Сашкани таъзим қилишга ўргатар ва кўнгли тўлмай қоларди.

— Ундай эмас, бундай!

У герольдияга[1] бориб келди: хўппасемиз Сонцев Александрга унинг умумий герблар мажмуасига герби киритилган қадимий Пушкин дворян авлодига мансублиги тўғрисида гувоҳнома берди. Александрнинг тақдири бир ёқли бўлди. Сергей Львович ўғли учун қўлидан нима келса ҳаммасини қилди-ю, вақтинча уни хаёлидан чиқариб юборди.

Бу ишларнинг устида сингиллари — Аннета, унинг кетидан Лизета ҳам иштирок қилишди. Анна Львовна ёнидан бир дам қўймайдиган «Аёлларнинг тонгги китоби»ни ўқиб юриши бежиз эмас эди. Бу жуда қулай китоб эди: охирида устунларга бўлинган тоза варақлари бор эди — бир устуни ташриф ва зиёратлар, базмлар учун, иккинчиси — карталар, ютуқ ва ютқизиқларни ёзиш учун, учинчиси — энг каттаси эса — латифа ва ҳикматли гапларни ёзиш учун эди. Анна Львовна бу устунларни хийла мунтазам тўлатиб ёзиб борарди. Латифаларга — у аёлларнинг енгилтаклиги борасидаги жамики Москва ғийбатларини, ҳикматли гаплар бўлимига эса — ўз акаларининг доно гапларини киритарди. Китобнинг «Донгдор аёллар» деган биринчи бўлимини у севиб ўқир эди. Поппея, Фульвия ва Клеопатраларнинг ёмон феъллари унга маълум эди. Имонсиз Калигула ўз маиятига Цезония ёки Милонияни Венера сиёқида қипяланғоч ва атиргулларга чулғанган ҳолда намойиш этгани унинг раҳмини келтирди. Лекин шу ернинг ўзида ювошроқ таъбли аёлларнинг тарихи ва шулар қаторида ўз ёстиқдошини туркlар асоратидан қутқариш учун ўзининг бор зеб-зийнатларини қурбон қилган малика Катерина I нинг тарихи ҳам бор эди. Анна Львовна қариндош-уруғлари муҳитида худди ана шундай ролни, халоскорлик ролини ўйнашга интиларди.

3

Май ўтди, июнь ўтди, Василий Львович бўлса ҳануз йўлга чиқолмасди. Сергей Львович кетиш лозимлигини унинг ёдига солишдан қўрқар — тағин айниб қолган бўлмасин, деб ўйларди. Александрнинг кута-кута тоқати тоқ бўлиб кетган, кўпинча ярим кечаси совуқ терга ботиб уйғониб кетарди. Француз ўз шогирдининг билимларини кўз-кўз қилиш ниятида вокабула-ю, арифметика қондалари билан унинг тинкасини қуритарди. Александрнинг хаёли паришон, одамови бўлиб қолган эди. Вақт имиллаб ўтарди.

Ниҳоят, июль ҳам ўтгач, Василий Львович йўлга тайёрлигини маълум қилди. Жўнаш куни тайин этилди.

Бу куни Арина барвақтроқ турди; ҳамма нарсани аллақачон тикиб, ямаб, жойлаб қўйган эди. Александр Сергеевич ўзи билан олиб кетаётган дарсликларни у текислаб, тахлади, ахир, дўқир-дўқирда сочилиб кетмасин-да; дераза токчасида унутиб қолдирган кичкина томни топиб олди-да, ўйланиб туриб, уни ҳам чамадонга тиқиб қўйди. Бу том — Вольтернинг мадригаллари эди. Кейин Сергей Львовичнинг токчаларидан чарм муқовали энг майда китобчаларни авайлаб олди — Александр Сергеевич шуларни ҳаммасидан кўра кўпроқ ўқирди, китобчалар ўзи ҳам жимитгина эди. Сергей Львовичнинг токчаларга яқин йўламай кетганига кўп замонлар бўлиб қолди. Сони йигирмадан кам чиқмайдиган бу китобларни ҳам у астагина чамадонга жойлаб қўйди.

— Бу ерда кимга ҳам керак бўларди, — деб жавраб қўйди у ҳадик аралаш хўмрайиб.

Буларнинг ҳаммаси қувноқ китобчалар эди: Пирон, Грекур, Грессе, энг янги латифалар. Александр Сергеевич бу китобларни ўқиганда, доим ҳингир-ҳингир кулар эди.

— Ҳарна эрмак бўлади-ку,— деган фикрга келди. У бир жойда ўтиролмай қолди. Йўлга атаб қовурилаётган бузоқ гўштидан хабар олгани ошхонага югуриб кириб чиқди; уст-бошларни яна бир карра тозалади.

Ортиқ қиладиган ҳеч иш қолмади, шунда унинг кўнгли бузилди. Оҳиста эшикдан бош суқиб кўрди: Александр Сергеевич бир текисда тинч ухламоқда эди. Бундай бегамлик уни ҳайратда қолдирди.

— Ёш, ҳали бутунлай гўдак, — деди у Никитага, — кимларнинг қўлига юборишяпти ўзи.

Никита аёлларни бемаъни деб ҳисоблар, Арина билан гаплашишни ҳам хуш кўрмасди.

— Маълумоти ошсин-да,— деди у истамай.

— Маълумоти ошсинмиш,— зарда қилиб такрорлади Арина,— бегоналар қўлида-я! Нима, мусье ёмонмиди?

Монфор тарбиячи сифатида Аринада яхши таассурот қолдирган эди. Никита унга жавоб қайтаришни лозим кўрмади.

— Ҳаммаси хўрлайди, — деди Арина ва пешбанди билан кўзларини артди.

[1] Герольдия — чор Россиясида дворянларга мансаб ва имтиёз берадиган давлат муассасаси.

— Мусье хўрламасди-да,— босиқ жавоб қилди Никита.

Қаролларнинг Русслони кўрарга кўзи йўқ эди

— Ҳарна уйда-ку,— деди Арина.

Эрталабдан кун исиб кетган, офтоб қизитмоқда эди. Онаси, отаси, аммалари одоб сақлаб жимгина ўтиришар ва бегона одамлардай ўз хаёллари билан банд, кетаётган болага беэътибор қараб қўйишарди. Фақат Аринанинг ранги ўчиб, бўзариб турарди. Бўсағада Арина уни чўқинтирди ва алланималар деб шивирлади — Александр эшитмай қолди. Юраги увишди.

Улар Тверская йўлидан кетдилар.

Ҳамма заставагача кузатиб борди.

Василий Львович извошни кўздан кечириб, норози бўлди, назоратчини койиди. Ҳамма саёҳатчилар одатда шундай қилишади.

Айни ажралиш онида Анна Львовна жиянига эмас, акаларига қараб, Сашкага елимланган конверт тутқазди.

— Юз сўм бу, сенга ёнғоқ пули,— деди у маънодор қилиб,— тушириб қўймагин тағин.

Сергей Львович чапак чалиб қолди, меҳри жўшиб, синглисидан ўпкаланиб қўйди. Исрофгарчиликнинг нима кераги бор, деб қўйди у. Василий Львович жуда ҳайрон бўлди. У пулни омонатга олиб қўяман, деди; у Александр нима қилишни билмай ушлаб турган конвертни қўлидан олди-да, ўз чўнтагига солиб қўйди.

Анна Львовна акаларида шундай таассурот қолдирганидан мамнун бўлди. Сашка ташаккур билдирди, лекин сиёқидан, таъсирланган ёки таажжубланганга ўхшамасди. Дарвоқе, аммаси Александрдан бундан бўлагини кутмаган ҳам эди.

Аравакаш жойлашиб ўтирди, қўнғироқчалар жиринглай бошлади, у жўнаб кетди.

Муюлишда Василий Львович унга виқор билан қараб қўйди — жўжахўроз ота қўноғини илк бор тарк этмоқда эди. Қаради-ю, данг қотиб қолди: ўсмирнинг кўзлари ёнар, оғзи хиёл очилган эди. Василий Львович жиянининг лабларидаги бу ғалати ифодани тушуна олмади; унинг назарида ўсмир кулаётганга ўхшар эди.

ЛИЦЕЙ

БИРИНЧИ БОБ

1

Министрнинг иш куни охирлаб қолган эди.

Бугун у на Давлат кенгашига, на саройга — давлатпаноҳ ҳузурига борди. Пешиндан кейин унинг ҳузурида зиёратчилар бўлди: сўнгги зиёратчи: махфий экспедициянинг камсуқум чиновниги унга индамасдан бир пакет топширди-да, қайта қолди. Бу зиёратчи одатда кўп ўралашиб ўтирмас эди.

Немис котиб эшикдан сирғалиб қараб, министрнинг букчайган баҳайбат елкасини кўрди. У қимир этмай ўтириб ёзар, лекин котиб кимга ёзаётганини унинг елкасиданоқ билиб турарди — давлатпаноҳга. Бир соат, икки соат шу тахлит ўтди. У тин олмай ва сустламай, бир текис ҳуснихат билан варақ кетидан варақни машинадек ёзиб ташлайверди. Уйда сукунат ҳукмрон: у мутлақ, мустаҳкам тинчликни талаб қиларди. Каттакон инглиз соати бир меъёрда чиқиллаб турарди. Юмшоқ кавуш кийиб олган кекса бека, мистрик Стифенс уйда зарда билан ғимирлаб юрарди. Ўн йил муқаддам, у анчайин бир чиновник экспедитор эканида инглиз хотини туғди-ю, ўлди. Кўзига боласи ҳам кўринмай, у боши оққан томонга қараб кетган ва икки ҳафтагача дараги бўлмаган эди. Хотинини кўмишга ҳам келмагани учун ҳамма уни: «Ўлди-ёв», деб ўйлаган эди. У уйга қайтиб келганида, бир аҳвол, ҳамма ёғи шилта ва кир-чир эди. Кўзлари бежо эди. Унинг кўзи тирик жондан фақат қизини кўрарди, холос. У бир ойча чурқ этмай юрди, кейин эса хизматига қатнай бошлади. У марҳуманинг хонасига ҳеч қачон бош тиқмади. Унинг юраги вайрон бўлган, ҳаёти ҳам тугаб бўлгандай эди гўё. Ҳақиқатда эса, у энди бошланмоқда эди.

У қирқ ёшда, министр ва давлат котиби эди. Амалда бутун давлат, ҳарбий ишларни истисно қилганда, унинг гарданида эди. Қўлидаги ҳокимиятнинг кўлами кенг бўлиб, унинг чек-чегараси кўринмай борарди. Унинг душманлари кўп: уни дворянлар қар-

ғар, мансабдорлар лаънатлар, ундан сарой аҳли қўрқар, кўраргa кўзи йўқ эди. У энди Сергиевская кўчасидаги хотини вафотидан сўнг кўчиб ўтгани кичикроқ икки қаватли уйда истиқомат қиларди. Уй шинам, жиҳозлари инглизча эди. Юқоридаги кабинет чоққина; ўша ернинг ўзида, чарм диванда ухларди ҳам. Кабинет деразалари музлаб ётган бўм-бўш Таврия боғига қараган эди: мана, чорак асрдирки, кимсасиз ҳувиллаб ётган деразалари қоқиб ташланган, пастаккина Потёмкин саройи дарахтлар орасидан кўзга ташланади. Фақат ойда-йилда бир Александр, Константин, Елизаветаларнинг таваллуд кунлари сарой бирдан жонланиб кетади ва олис-олисларгача ёришиб кўринади. Йўлкаларнинг ҳаммаси ўшанда тозаланган бўлади, Сергиевская кўчасига ҳар турли ҳис-туйғулар билан кўз ташлаб, боғда яна башанг кишилар айланишиб қолади. Сўнгра таваллуд кунлари, байрамлари тугайди, деразалар яна узоқ вақтга қоқиб ташланади; томошалари тугаган, сайёр группаси эса кетиб қолган бўш театрни эслатувчи Потёмкин саройини қор босади.

У оламдан четда, ҳаракатдан йироқда кун кечирар ва ҳеч кимни қабул қилмасди. Аҳён-аҳёнда министрнинг энг яқин оғайнилари: кон саноатчиси Лазарев, кўтара савдогар Перетц йўқлаб келиб қолардилар. Лазарев ўз уруғ-аймоқлари ва яқинлари билан Москвада унинг шарофати билан Армянский деб аталиб кетган тор кўчада ўтроқ бўлиб қолган мудаббир ва забардаст армани эди. Сўнгги пайтларда у ўз ватандошлари учун кенг кўламли Шарқ билим юрти ташкил қилиш фикри билан овора бўлиб, министр билан тез-тез маслаҳатлашиб турарди. Перетц молия соҳасида шу қадар уддабурон ва дадил эдики, кўпинча ўзининг томдан тараша тушгандай кутилмаган фикрлари билан министр кўнглини чоғ қилиб юрарди.

Ниҳоят, у ёзишдан тўхтади-да, шартта ўрнидан турди.

Унинг бўйи новча, қўллари узун, суяги йўғон эди. Юзи оппоқ, пешонаси дўнг, кўзлари эса, қисиқдан келган, хитойча эди. У варақларни авайлаб текислади-да, секретарга қулфлаб қўйди, қўлғироқчани чалиб, ҳузурига котибни чақиришни буюрди.

Франц Иванич, шахсий котиб, ташриф буюрди.

— Ильичевский келдими?

— Келганига икки кун бўлди; бугун қабул қилишингизни ўтиниб эди. Эшитишимча, эртага жўнармиш.

— Ильичевскийнинг бугун кераги йўқ эди-да.

— Ранжитмасдан бекор қилишнинг иложи йўқ.

— Франц Иванич, жон дўстим,— деди министр,— вино билан ўзинг шуғулла; менга дурустроқ, лекин оддий портвейн керак. Утган сафар Берсин қулинг ўргилсин портвейн юборибди. Унақасининг зарурати йўқ. Таъми яхши эмас экан. Шато-марго бўлса,

ҳаммасининг меъдасига тегиб бўлди. Билмайман, нега энди у бу қадар шинаванда бўлиб кетди экан.

Министр кулиб қўйди. Унинг кулгиси намиққан бўлар эди; пухта сариқ тишли миядлари очилиб кетарди.

Бугун кечқурун у меҳмонларга кўз тутмоқда эди. Унинг семинарияда ҳамқури Ильичевский Томск губернатори қилиб тайинланган бўлиб, у хизмат жойига жўнаётган эди.

Министр баҳайбат қўлини варақларга қўйди.

— Бир ўйлаб кўриб, бўлак сал саводлироқ, иншоси равон докладчини танланг; қаранг, бунисини нималар қилишга тўғри келди.

Узун-узун энсиз варақлар иккига букланган: мирзо қўли билан то букик жойигача ёзилган нарсаларнинг ҳаммаси сатрма-сатр чизиб ташлангану, ёнидаги — варақнинг қолган ярмидаги ҳамма нарса министр қўли билан битилган эди.

— Бир йилки, қидиряпмиз, топиб бўлмаяпти. Иншоси ҳақида эмас, мундоқ сўзни сўзга қовуштира олиши тўғрисида ўйлашга тўғри келиб қоляпти.

— Ана холос,— деди министр афсус билан.

— Мен одамларингизни алмаштиришингизни ўтиниб сўрайман,— деди дабдурустдан овозини пасайтириб Франц Иванич.

Иккаласи жимиб қолди.

— Гапираверинг,— деди министр бошқача овоз билан.

— Инобатли гап, кеча Лаврентий граф Кочубейнинг камердинерига кечқурунлари графнинг қаерга қатнашини билиб олиш эвазига юз сўм ваъда қилди. У жосус.

Министр билан котиб яна жимиб қолишди.

— Мен бажонидил жавоб бериб юборган бўлар эдим,— зеркарли товуш билан деди министр,— лекин муносиб ким бор? Содиқ одам йўқ.

У яна ёлғиз қолди; энг муҳим соат — хат-хабарлар соати келди.

У боя экспедитор келтириб берган пакетни олди-да, кўздан кечира бошлади. Булар ижозатсиз очилган хатларнинг ёлғиз унга атаб кўчирилган нусхалари эди. Хабарлар расво эди. Француз муҳожирига Австриядан юборилган хатга қаралса, уруш худди ҳал бўлгандек ва аллақачондан бери бораётгандек туюларди. Твердан келган мактуб ўзига маълум гапларнинг ҳаммасини тасдиқлаб турарди — подшога яна битта «нола» топширилган, анча қалин, бу гал аниқ таъсири кутилади.

Улуғ княгиня Екатерина Павловна — императорнинг севимли опаси Тверда истиқомат қилган кўйи укасига ҳукмини ўтказишга интилар ҳамда жабрдийда дворян табақасидан унга номалар топшириб турардики, уларни министр «нола» деб атар, бу нарсага кўникиб ҳам кетган эди. Мактубда сўнгги «нола»нинг муаллифи

Карамзин экани айтилган эди. У варақни каминга ташлади. Қисқич билан кулини аралаштириб юборди. Мактубларда Карамзин номидан бўлак унинг учун янги ҳеч гап йўқ эди. Даҳшатли душман эди Карамзин. Бир қур уни паналаб ўтишнинг уддасидан чиқди: қаттиқ турган эди, Карамзин маориф министри қилиб тайинланмай қолди. Ҳолбуки, Разумовский ҳам ундан қолишмас эди. Уруш эса, ҳали бир ёқли бўлгани йўқ, буни у мактуб муаллифидан яхшироқ билади.

У алангага термилганча, оташкурак билан чўғларни аралаштирган ва текислаган кўйи уларнинг аста-секин кулга айланишига қараб, камин олдида бир оз ўтириб қолди. Урушни, ўзи оқибатларини кўзда тутишга ожиз бўлган савдо ва тасодиф сифатида у ёмон кўрарди. Уруш барча режаларни айқаш-уйқаш қилиб, издан чиқариб юборарди. У ҳарбий киши эмас: уруш-пуруш бўлиб қолса, унинг иши — хоки туроб. Урушнинг қақшатқич бўладиган афти бор, у ҳамма нарсанинг таназзул ва ҳалокатга йўлиқишига шак-шубҳа қилмасди. Лекин у аллақачонлар сиёсатда ҳам худди турмушдаги сингари — ҳамма нарсани бир йўла ўйлаб олиш ва ҳамма нарсани хаёлда охиригача пишитиб қўйиш мумкин эмас, сирасини айтганда, зарур эмас, деган қарорга келган эди. Бу қоидани ўзи таъсис этган, унга риоя қилишга, мактаб ўқувчисига ўхшаб ўзини ўзи мажбур қилар эди.

Мана, бир йилдирки, у давлат бошига хавф солиб келаётган урушни ўйламай қўйди, гўё ҳеч хавф-хатар йўқдек. Лекин Карамзин-чи, Карамзин балойи азим эди. Бу ҳақда шу бугуноқ, сира пайсалга солмай, ўйлаб чиқиш лозим эди.

У токчадан «Дон-Кихот»ни олди-да, дуч келган жойини очиб ўқий бошлади. Ҳар доимгидек севимли китоб жонига ора кирди. Бақалоқ Пансонинг қотма дворян билан дўстлиги у билган энг юксак поэзия эди. Ёлғизлик чекинди, ҳамма нарса яна устувор ва мушоҳадабоп тусга кирди. Ярим соатча мутолаадан кейин у китобни четга олиб қўйди ва ўзининг равон ҳуснихати билан оқ қоғозга шундай деб ёзди: «Маҳсус лицей хусусида. Б а р ч а табақалар».

Иш янги ва фавқулодда муҳим: бирига, балким тахт насиб қилажак улуғ князларнинг тарбияси хусусида эди. Бу иш унга мулоқотда императорнинг ўзи томонидан, бошқа муҳим гаплар орасида, худди фармойиш эмасу ҳеч нимани талаб этмайдиган бир масаладай қилиб юклатилган эдики, император бундай силлиқ муомаланинг кифтини келтирарди.

2

Император сўнгги йили ўз укалари тўғрисида бир неча бор гап очгани сезилиб қолди. Унда оғалик ҳислари йўқ эди. Отасининг

вафотига яқинда ўн йил тўларди-ю, ўтган шунча вақт ичида у укаларини атиги икки марта кўрган эди, холос. Улар так-таслим волидаси қарамоғида бўлиб, ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлган кўйи дам Гатчинода, дам Павловскда кун кечирардилар. У эса; Гатчинога оёқ босмасди. Бир сафар улар тўғрисида гаплашиб қолганда, онасининг кўзларида ўзига жуда яхши таниш бўлган даҳшат ва ҳазар ифодасини кўриб қолмаган тақдирда, уларга нисбатан бошқачароқ муносабатда бўлса ажаб эмас эди. У суҳбатни узиб қўйган эди.

Ўзининг сертавозелиги унинг хунобини оширарди. Болалигидан у ҳамманинг олдида: императрица қошида, унинг ҳузурида отага эркалангани учун аслида унинг бундан бошқа иложи йўқ эди, чунки оламда ҳаммадан баттар у отасидан қўрқарди; ва отаси олдида, аввалига бегуноҳдан бегуноҳ, кейинчалик эса, чинакам гуноҳкор бўлиб келди. Унинг фитнадан хабари бўлган, демакки, отасининг ўлдирилишида иштирок этган: гапнинг лўндаси, падаркуш эди. Мана энди, ўн йилдирки, у ичида ўзини раҳматликнинг табиий меросхўри, ўғлини эса, жиноятчи деб биладиган волидаси ва хотини олдида бўйнини қисиб юрарди. Уни болалик чоғидаёқ уйлантириб қўйишган эди. Ўз хотини — совуқ ва хафақон баденлик маликани кўп ҳам иқи суявермас эди. Унинг хотини кўп йиллардан бери рус императричаси бўлишига қарамай, бунга ҳеч кўника олмас ва ҳалиям ўша-ўша баденлик маликалигича қолган эди. Нафрати қўзиб турса-да, хотинининг даврасида кўриниш бериш учун ўзини мажбур қилар эди. Поляк аёл Наришкина унинг маъшуқаси эди. Ҳеч нимадан тоймайдиган ва тийиқсизлиги билан укаси Константинни эслатадиган севимли опаси Екатерининаникида ҳам у бирмунча таскин топарди. Эндиликда опаси турмушга чиқиб кетган бўлиб, Тверда истиқомат қиларди.

Унинг дўриллоқ овози ва отамерос бебошвоқ феъли бор эди: лекин у болалигидан ўзини тутишга ва ўз тарбиячисига, сарой аҳлига, хорижийларга илжайиб туришга одатланиб кетган эди. Кейин мутолаа ишқи, суҳбат назокати ва танҳоликдаги орзу-хаёллар юзага келди. У мушоҳадага берилиб, ҳеч нимани кўрмай, соатлаб тўниб ўтираверарди, лекин кулиб туриш аллақачон одатига айланиб кетгани учун, чеҳрасидаги кулги аримас эди. Уни шундай дақиқаларда кўрган фрейлиналар: табассуми маъсум, деб юришарди. Унинг кўзлари оч мовий, юзи тарвақ, қизларники мисол оппоқ, табассуми дарвешона гунг, дудоқлари лўппи эди. Нигоҳи — паришон, алоҳида сирли маъноли: унинг кўзи хира эди. Итдаҳан экани унга инжиқ бир тус берар, лекин бу «фаришта» деган таърифига унчалик зид келмас эди.

Чин муҳаббат унда ўзининг юришига, вазминлашиб бораётган қадди-бастига, оппоқ қўлларига нисбатан мавжуд эди; сарой қошн-

даги ҳаёт уни нозик, қарийб аёлча таманнога, билинар-билинмас улуғсифат олифтагарчиликка ўргатиб қўйган: у баданининг оқлигини бўрттириб кўрсатадиган формалик қоп-қора сертукларни жуда яхши кўрарди. Энди у кексаяётган пўрим бўлиб, худди аёл сингари рашк билан тушаётган ажинларни кузатиб бормоқда эди; соч-лар сийраклашиб борарди; у дастлаб тупей кийиб юрди, лекин кейин бош суякнинг оппоқ ялтироқ териси унга ёқиб қолди. Кўп ўтмай чилги тепакаллик урф бўлиб ҳам кетди. Унинг рафтори омонат, боиси оёқлари дадил эмас эди; лекин ўзи комил ишонч билан: бу — енгил бўлиш ва енгил кўринишга мойиллигимдан деб ўйлар эди.

Отаси уни ёшлигидан фрунтга ўргатган ва у бу нарсани нафақат аниқлиги билан кўнгилни тинчитиши важҳидан, балки, асосан, ажрим пайтларида фикр ишлатишга мажбур қилмаслиги учун яхши кўрарди. Уни лафзи йўқ, дейишарди. Дарҳақиқат, унинг учун сўзидан бирданига тониб туриш, ҳаттоки, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ бериб қўйилган ваъдага хилоф ва зид йўл тутиш писанд эмас эди. Бу ҳол зеҳнининг сустлиги туфайли рўй берар: у ғайришуурий тарзда гапирар, ваъда берар, эътироз билдирар ва бирмунча вақт ўтгандан кейингина идрок этарди. Хорижда — дунёнинг тенг ярмини идора ва тасарруф қилаётганини ўзи илк бор тушуниб етган жойда у писмиқ деб ном олган эди. У чет эл шаҳарлари ва чет эл кишиларини яхши кўрар, боиси, хорижда ўзини тўлақонли давлатпаноҳ деб ҳис қиларди. Россияда ўз турадиган ёки қўнадиган, баъзи-баъзилари қулай бўлган саройлардан ташқари, аксари кичик ва қинғир-қийшиқ бўлган шаҳарлардан ташқари, у асосан ваҳшиёна, ўнқир-чўнқир, лой, қўланса гўнг исини тарқатиб турган йўлларни эсда тутарди. Қишлоқиларнинг турқи ҳайвоний эди. У ўз кабинетида осиғлиқ турган харитадаги, рақамга чақилган чақиримларнинг таъсир кучию аҳоли миқдорини — эллик миллионни қадрларди. Россиядалигида бу миқдор билан бу саҳн ўзини қўрқитиб юборарди; Европада эса, булар ҳақида гап юритишни яхши кўрар, ўзи буларни пеш қилиб қўрқитган пайтлари ҳам бўларди.

Мутолаа, фозиллик, саройда — мўй тортишиб юрган буви ва ота орасида узоқ ҳаёт кечириши ундаги назокат, фаросатни, феълатворларни тушуниш ва тасодифларни истифода қилиш уқувини пешлаб қўйган эди. У ҳокимиятга хавф соладиган ёки наф етказадиган — нарсани нозик илғаб олар эди. Сиёсий масалаларга кам фаҳми етгани ҳолда. Европа ишларининг марказида бўлгани учун у бамисоли давлатни Сперанскийга ижарага бергандай эди. Бор вақтини Европага бағишлаш эҳтиёжи илгарилари унга номаълум бўлган кўплаб муаммоларни ифшо қилиб берди; ҳар қандай муносиб ёки шундай бўлишними, кўринишними орзу қилган идора

бу ишлар билан шуғулланмоғи шарт эди. Сперанский ўзининг попвачча учун ажабтовур фозиллиги билан айни шу машғулотларга тамойил эди: унда мантиқий фикрлаш ва таъсис қилиш салоҳияти бор эди. Унда иш юритувчилик лаёқати мавжуд эди.

Поп ўғлининг камтаринлиги, силлиқ нутқи, чуқур эҳтироми ва мислсиз меҳнаткашлиги унга манзур эди, лекин сўнгги пайтлар қўлида буларнинг аксини исботлайдиган талай далиллар йиғилиб қолди. Улар Сперанскийнинг душманлари томонидан тақдим этилган бўлиб, юксак даражада ҳақиқатга яқин эди. Бундан ташқари, Сперанский ҳаддан ташқари қобилиятли эди. Наполеон унга ўз портретини туҳфа қилган эдики, бу нарса ўта иноқлик белгиси бўлишидан ташқари, таҳқирли ҳам эди, зероки, поп ўғли ўзининг айни мўмин-фозиллиги учун фарқланган, мумтоз деб топилган эди. У Сперанскийнинг акобир кишиларнинг жаҳолатига қарши қаратилган икки фармонини имзоси билан тасдиқлаб берди; ўзининг ёшлик ўртоғи Строгановнинг насиҳатларини юз-хотир қилган ҳолда, у дворянларга солиқ солиш тўғрисидаги фармонга ҳам иккиланмасдан имзо чекиб юборди.

Фармонлардан кейин кўтарилган ялпи ғулу, дарвоқе, бу тўғрида Сперанский уни огоҳ этиб қўйган эди, уни қўрқитиб юборди. Тильзит сулҳи дворянларнинг ғазабини келтирди; солиқлар уларни қасдлаштириб қўйди. Поляклар Вильнада унга ташлаб кетган туҳмат хат ақлга сиғмас даражада серпўписа эди, Наполеон билан уруш сурилиб келмоқда эди. У мард эмасди; сўнгги беш йилни урушларда кечирди, лекин жанглар, қонлар, мурдалар манзарасига ва майдони ҳарбларнинг бадбўй исига ҳеч кўниколмади. Жанг чоғида худди аёл киши сингари йиғлаган вақтлари ҳам бўлди. Энди, мабодо уруш бўлиб қолса, русларни яксон қилиб кетишларига гумони қолмаган эди; шундай бўлса, унинг ҳокимияти муқаррар қулайди. Давлат котибининг садоқатига ишонмай бошлади; у урушдан фойдаланиб, янги давлат тартиботини қўмсаб, хиёнат қилиб қўйиши мумкин. Министрининг Наполеон билан дўстлиги, ҳатто унга сажда қилиши ҳаммага очиқ-ойдин маълум эди; ҳамма хат-хабарлардан у ҳадеб ҳокимиятни суиистеъмол қилаётгани аён бўлиб турарди. Буларнинг бари хатарли аломатлар эди. Сперанскийнинг уйини ярим йилдан бери махфий идорадаги Санглем кузатиб келарди. Император отасининг содиқ чокари Аракчеевни, суҳбатларда ўзини «содиқ қул»дан ўзгача атамайдиган содда ва илмсиз дворянни ўзига яқинлаштириб олди. Бу эскича садоқат унинг кўнглини сел қилиб юборарди. Сперанский билан сўзлашганда, у худди Европада гаплашаётгандек бўлар ва ўзи қўл қўяжак барча нарсалар хусусида «Монитер»нинг келгуси сонларидан бири сано билан фикр билдиришини биларди. Бу шон-

шуҳрат эди, лекин буларнинг ҳаммаси хатарли, зерикарли, унинг ўзи учун эса, назарида кераксиз ва зарарли эди. Баъзида Сперанский уни фикрининг кутилмаганлиги ва тўғрилиги билан лол қолдирар, шунда у шубҳага ботар, хафа бўлар, ҳасад қиларди.

Аракчеев француз тилини билмас, лекин артиллерия ва фрунт санъатининг сувини ичиб юборганди, бу жиҳатдан улар беғараз эдилар. Чор атрофдагилар, худди унинг ўзи каби, ё отасининг ўлдирилишидан бохабар, ё унда иштирок қилган одамлар эди. Аракчеев отасининг ягона содиқ чокари эди, зеро, у билан дўстлик, падаркушлик гуноҳини ювиб турарди. Аракчеев билан гаплашганда, у ўзининг қари амакиси билан, отасининг чокари билан сўзлашгандай бўлар ва ёшариб кетарди.

Отасининг ўлдирилганига, ўзининг подшоҳ бўлганига яқинда ўн йил тўлар эди. Унинг қомати ва гавдаси оғирлашиб, қорни осилиб, корсет тақиб юришга мажбур бўлиб қолган, юзи янада оқариб кетган эди. У таваллуди бўйича немис бўлса ҳам, лекин саёҳатларда юраверіб, юзи худди жаҳонгашта актёрники сингари ўз ифодасини йўқотган эди. Табассуми-ю, юзининг рангпар жири немисникилигича қолган эди, холос.

У ўз укаларига тундлик билан зеҳн солиб қарар эди. Москвадаги гап-сўзлар унга маълум эди. Ҳамма унинг ўрнини укаларидан бирига олиб бериш учун баҳона пойлар эди. Икки қизини у чақалоқлигида йўқотди. Инглиз лейб-врачи уни юпатишни истаб, император ёш, меросхўрлари бўлади, деди. У инглизга тикилиб қаради-ю, ўйга толди.

— Йўқ, дўстим,— деди унга,— парвардигор менинг болаларимни хуш кўрмайди.

Де Местр бу гапдан хабар топгач, император ўзи сингари бевақт меросхўрларга эга бўлмаслик учун бола кўришни истамайди, деб юрди.

Укалари уни ташвишга солиб қўйишган эди. У ўзига шундай тузолаётган бўлиши мумкинлигини биларди-ю, лекин кўнглига ғулғула тушиб қолган эди. Хусусан, волидасининг сўнгги икки қиш ичидаги хатти-ҳаракати ғалати: у ўғиллари билан яқинидаги Павловскдан унут бўлиб кетган Гатчинога ўтиб олди; яқинда фрейлина Волконская императрича ўғиллари ёнидан, гўёки уларни ортиқча алаҳситиб қўяётган барча ўртоқларини даф қилганини айтиб қолди. Императрича дугонасининг ўғли бўлмиш кичкина Бенкендорф шу тариқа четлаштирилди. Император уларни қуршаб турган одамларни на таниш, на кузатишнинг иложини тополмасди; волидаси она арслон сингари ўзининг арслонваччаларини қўриқлаб ётарди. Бу муносабатни узиб қўйиш ёки бўшаштиришнинг бирдан-бир чораси, ҳар эслаганда, болалик хотиралари жонланиб, кўнглига ваҳима соладиган Гатчинодан уларни ўз саройига кўчириб келиш эди. Керакли иморатни ҳам аллақачон кўз тагига олиб қўйган. Илгарилари опа-сингиллари яшаган саройнинг янги флигели бўшаб ётибди. Опа-сингиллари турмуш қуриб кетишган эди. Бирор баҳонани рўкач қилиш керак, йўқса, волидаси минбаъд рози бўлмайди. Шу вақт ҳаммага гап-сўз бўлган бир воқеа рўй бердики, ундан ўзи ҳам хабар топди: ўн тўрт яшар улуғ князь Николай ўзининг тарбиячиси Аделунгни тишлаб ташлабди. Аделунг унга ахлоқ ва лотин тилидан дарс берарди. Императорга айтишларича, улуғ князь ахлоқдан зерикиб кетиб, Аделунгнинг ёнига борган-да, эркаланган киши бўлиб, муаллимининг оёқларини ёмон депсиб, кифтини тишлай бошлаган. Баҳона топилди — тарбия. Укаларининг ваҳшиёна юриш-туришларига тоқат этиб бўлмайди. У Сперанскийга янги, махсус ўқув юртининг мақбуллиги тўғрисида бир оғиз айтиб қўйди.

3

Меҳмонларнинг келишига министр кийиниб турди. У кийинишни хуш кўрар, яхши кийина билар, асли ёшлигидан пўрим эди. Тутунсимон фрак, оппоқ пайпоқлар: модада у инглизларга таассуб қиларди.

У пастга, аёллар бўлмасига тушди-да, меҳмонхонага ўтди. Хона кенг, деворларни, деразаларни тувак гуллар безаб турар эди.

Бу ердаги ҳеч нима давлат кишисини эслатмасди. Дераза олдида чой дарахти гуллаб турар эди; унинг суст, хушбўй иси хонани тутиб кетган эди. Бюро бу ерда икки йилдан бери қулф турар, унинг ичида катта иқдомнинг плани берк ётарди, министр ҳар хил майда-чуйда юмушлардан қутулгач, шу ишга астойдил берилиш ниятида эди-ю, бу ҳақда ҳали ҳеч кимга оғиз очмаганди. У фалсафий ва ахлоқий йўриғдаги «Оила отаси» деган романнинг тарҳи эди; бу унинг кўнгил сири ва армони эди. Хуфиёна, у ўзини адабий фаолият учун яратилган деб биларди.

Биринчи бўлиб Илличевский келди. У билан министр Александр Невский семинариясида бир курсида ўтирган эди. Яқинда ўзининг эски ўртоғини эсга олиб қолди-ю, уни Томскка губернатор қилиб тайинлаб юборди. То бунгача Полтавадаги семинарияда риторикадан лекция ўқиб юрган ўртоғи ташаккур изҳор қилгани келган эди.

Унинг бўйи новча, елкалари тор, сочлари малла, юзи рангпар, кўзлари қалайи, муғомбир эди. Семинарияда уни Шам деб атаганлар. Министр уни бешшар, патер Дамианус деган номи ҳам бор эди. Министр уни бешйилдан бери кўрмаган эди.

Ўртоғи, афтидан, ундан тортинар, кўзчалари йилтиллаб турарди.

— Падари бузрукворим,—деб қув ва муте назар ташлади у Сперанскийга «о»ни жуда аниқ талаффуз қилиб, кўзлари ўзини қандай тутиши жоизлигини сўраб турарди.

— Салом, Дамиан,— деб жавоб берди Сперанский ва бу билан семинария ҳам, эски оғайнилари ҳам эсида турганини уқтирган бўлди. Ҳар иккиси семинариядаги пешқадам талабалардан эди; Илличевский шеърият билан риторикада, Сперанский эса, элоквенция ва фалсафада биринчи ҳисобланарди. Улар муомала, мулозамат, тилёғламалик бобида рақобат қилишар, кекса ректор: булар «илонбалиқ»лардай қўлдан сирғалиб чиқиб кетади», зеро, иккаласи ҳам «илонбалиқ», дерди.

Лекин Илличевскийни назари очлиги хароб қилди. У кўз қири билан хонадаги ҳамма нарсага разм солиб чиқди. Жиҳозларнинг одмилиги уни таажжублантирди, чоғи. Юмалоқ столдаги кумуш шамдонлар унинг эътиборини тортди. Дўсти ҳаётда ундан ёмон ўзиб кетибди.

— Козьма оға билан онахондан дуруст хабарлар келиб турибдими?— сўради у министрдан.— Ҳол-аҳволлари нечук?

— Саломатлар, ташаккур,— жавоб берди Сперанский.

Сперанскийнинг оғаси уездда иерей, онаси — кулчапаз — кампир қишлоқда тинчгина кун кечирарди.

У ўзининг, кейинчалик янги муҳим оқибатларни вужудга келтириши мумкин бўлган маълумотларни олиб туриш мақсадида яқин кишиларни империя бўйлаб тарқатиш қоидасига амал қилиб, Илличевскийни, таъмагирлигидан қатъий назар, Томскнинг губернатори қилиб тайинладики, бугун унинг кўмагида Сибирдаги порахўрлик балосининг илдизини қуритиш борасида гаплашиб олишни кўнгиллаб турар эди.

Ҳадемай яна икки меҳмон — мўйсафид Самбарский куёви Малиновский билан ташриф буюрди. Министр чолни қуюқ ва чаққон тавозе билан қарши олди. Қария Самборский Сперанскийнинг болалик кезларидан бери валинеъмати эди. Министрнинг хотини ва унинг онасини айни шу киши Лондондан олиб чиқиб кетган эди; у ўшанда миссия қошида руҳоний бўлиб турган эди, кейин у валиаҳд Александрга маънавий ота бўлган, сўнгра Венгрияда унинг синглиси қошида турган эди; у хўп жаҳонгашталик қилди, мана энди роҳат-фароғатда умргузаронлик этар, сарой олдида нуфузи бор эди.

Сиртидан у ҳеч нимаси билан рус руҳонийсини эслатмас, соқоли қиртишлаб олинган, инглизчалаб гапирарди. Малиновский, унинг куёви, ориқ ва адл, ҳамма тугмаси қадалган эди; қизил юзи, сочининг оқи ва равшан кўзлари билан у инглизни эслатарди.

Ўзи узоқ вақт яшаган севимли шаҳри Лондон унда абадий аксини қолдирган эди. У мўйсафид қайнотасини қўлтиқлаб етаклаб келарди.

Сперанский қўнғироқчани чалиб қўйди, чой келтиришди; чойни инглизча қилиб шу ернинг ўзида, юмалоқ стол атрофида ичдилар. Франц Иванич ҳам келди.

Министр яхши кўрган ҳамда эски нотиқ ва диалектик сифатида ўзи уста бўлган ёрти самимий, ёрти мудаббир суҳбат бошланиб кетди. Самборский саройдаги гапларнинг ҳаммасидан воқиф эди. Ҳеч қачон рўйрост савол бермасдан ва дангал жавоблар пайига тушмасдан ҳам Сперанский зарур бўлган ҳамма нарсани билиб олишни уддаларди. Малиновский чолнинг куёви ва содиқ одам, лекин Илличевский бугун ортиқча эди. Министр суҳбатни бошлаб берди. Кулимсираб туриб, у ўзини семинарияда Илличевский картада ютиб қўйганини эсга олди.

— Лекин илгарироқ бизникига келиб носки ўйнаган Суздаль нотиқлари мен учун бундан ҳам ёмон бало бўлишган. Нотиқлик санъати бир қур бурнимни шикастлаб қўйишига сал қолган.

Малиновский кулиб юборди, Илличевский сал дадил тортди.

— Менинг ўйиндан воз кечиб юборганимга кўп бўлди,— деди Сперанский,— зеро, салга аччиғим чиқиб, ютиб қўйган одамга ёв бўлиб қолаётганимни пайқай бошладим. Менинг мавқеимда бу хатарли. Лекин очиғини айтсам, баъзан аттанг қилиб қоламан. Қопимда бор-да...

Ҳамон табассум қилгани ҳолда, заррача тўхталмай, Самборскийга деди:

— Шундай қилиб, дунёвий таълим амалга ошадими, дейман.

Ҳар тарафдан, ҳар турли одамлар орқали Сперанский улуғ князларнинг маълумоти ҳарбий эмас, дунёвий бўлишига ва дворянларга тимсол кўрсатиб, уларнинг университетга киришига эришмоқда эди. Шунда бунчалар шов-шув ва хусумат қўзғаган имтиҳонлар ҳақидаги фармон муқаррар ва бегумон бўларди. Самборский унинг ниятларидан бохабар ва хайрихоҳ эди.

Университетга тадорик кўриш мақсадида улуғ князлар бирор-бир билим юртида таҳсил кўриб туришлари мумкин бўлади. Бу уларни сарой тўс-тўполонлари, ғийбатлари ва бесаранжомликларидан холи қилиб қўяди ва улар учун фойдали бўлади. Махсус билим юрти айни шундай жой эди.

Илличевский муте бўлиб ўтирарди. Бу одамлар бегона эмас эди-ю, лекин Полтава поэзия профессори учун бирмунча юқори эдилар. Унинг кўзлари чиқнаб турарди; у ҳуши учиб, кумуш шамдон пойини силаб-силаб ўтирарди. Сперанский пайқаб, мийиғида кулиб қўйди. Бирдан у Сибирь ҳақида, у ерда илдиз отган порахўрлик ҳақида гап очиб қолди; генерал-губернатор Пестель

пойтахтда ўтириб олиб, олисдан туриб бошқаради, бунақада «мўъжиза» рўй бериб қолиши ҳеч гап эмас: ўшанда Сибирдан асар қолмайди, зеро, бор-йўғини қийма-яйма қилиб бўлишади.

— Мана, умид кимдан, Дамиандан. У тартиб ўрнатади, аввал Томскда, кейин эса...

Илличевский қўлини шамдондан олди.

— Одам йўқ, Андрей Афанасьевич, қўл билан саноқли бешолти кишини айтмаганда, одам йўқ,— деди Сперанский Самборскийга.— Эскилари чўкиб қолишди, янгилари — қай бирлари виждонли бўлса, тил-забонсиздирлар. Аввалambор тил-забон бўлсайди; во дариғ, мансабдор ҳануз икки оғиз гапни қовуштириб гапира олмайди.

Бу у яхши кўрадиган суҳбат ҳам арзу ҳол эди. Ҳамма нарсани система билан ўраб, қуршаб, идрок этиб тартибга солмоқ даркор эди. Қонунлар уйғун ва изчил бўлмоғи шарт. Империя ерларини кенгайтиргувчи генераллар идора маркази бўлмиш мувозанатни вужудга келтира билиш ҳақида ўйлашмас, балки бунинг душмани эдилар, зеро, тартиб нималигини уқиб олишга уларнинг қурби етмасди. Лекин мутасаддиликка қодир одамлар йўқ, уни тушуниб етишга уқувли ноиблар-ку, аллақачон анқога шафе эди.

— Якдил бир руҳ етишмайди,— деди бирдан Малиновский.

Сперанский ҳузур қилиб, унга кўз ташлаб қўйди. Унинг кўнглидаги гапларни топди у.

У гапириб кетди ва унинг юмалоқ хитойча кўзлари худди теваракдаги ҳеч нимани кўрмаётгандай, нимюмуқ, дўнг пешонаси текисланиб кетган эди. У тин олмай, оҳиста ва текис сўзлар, ҳамсуҳбатлар эса, сеҳрлангандай унинг оғзига қараб қолган эдилар. Ҳамма суҳбатдошларнинг бирдай мутлақ сукутини талаб этгувчи суҳбат сўнгида унинг хаёлида муқаррар янги фикрлар, гурунгга ҳеч бир алоқаси йўқдай моддалар тартиби, янги маъно ёки муассаса фикри туғилиб қоларди. Бир вақтлар, ёшлигида у ваъзлар ўқиган ва энди, ўшандаги сингари, ўзи хаёл этаётган такомил унга хуш ёқарди.

Кабинет унинг синашта жойи эди. У инглиз соатига қараб-қараб қўяр ва ойнабанд эшикчасидан кўриниб турган, унинг учун мавҳум механик қоидалар асосида секин юриб турган каттакон маятник ҳам унга худди атрофида ўтирган унсиз ҳамсуҳбатлар сингари керак эди.

Министр гапирар ва ҳеч ким сўзини бўлмаслигидан унинг кўнгли тўқ эди. У ўз нутқи кучини биларди, буни саройда синаб кўрган эди. Император ҳеч қачон унинг гапини бўлмас ва суҳбат охирига бориб, ҳамма нарсага амин ва рози бўлар ёки шундай кўринарди; министр йироқлашди дегунча, мантиқ кўкка совурилиб кетарди: у подшога малол келиб қолар, эсидан чиқиб кетарди.

Министр ўзига зарур бўлган кишилар ҳақида гапирмоқда эди: характерлар ҳақида сўз юритар экан, у императорни ўйларди. Таъсирчан одамлар даркорми ёки қоидани қаттиқ тутадиганларми? Бир қарашда софдил қалб энг муҳимидай кўринади. Таъсирчан одам фикрлай олади, деб ким айта билади: одам рисолага тушадиган нарса эмас. Таъсирчан одамлар — бу ўз юришининг фаҳмига етмайдиган, тарбия берган кўр-кўрона одат билан юрадиган, ўз юришига ақли етмайдиган машиналардир.

Карамзинга мухлис бўлмиш хонимларнинг шунга фаҳми етмаётир.

Дераза ортида сукунат ҳукм сурарди. Бу ўша йигирма йил муқаддам ҳасрати ошиб, тирноқларини ғажиган ва қимматбаҳо кўзаларни синдирган кезларида Потёмкин ҳордиқ чиқарган жойлар эди. Атроф жимжит — қизи вайсақи бувиси билан ичкари хоналарда писиб кетган эди. Франц Иванич, энг камсухан, одатий ҳамсуҳбат, ёнида ўтирарди. Соат ўн бирга бўғиқ ва суст занг уриб, министрнинг фикрини бўлиб қўйди.

У гапини ўйлаганидан кўра тезроқ тугатди: зуваласи пишиқ одам зарур; ҳис-туйғуларини жиловлаб, уларни қоидага сола биладиган онг зарур. Бусиз эса, тартиб бўлиши мумкин эмас. Онгни ҳозирда ёлғиз одатларнигина тарбия қилаётганларидек парвариш этмоқ даркор. Одатларни уй ичидагилар тарбия қиладилар. Лекин онгни тарбия қилмоқ уларнинг қўлидан келмайди. Дворянларнинг хонадонлари фаҳш, руҳонийларники эса, жаҳолат уяларидир.

Илличевскийнинг кўзчалари йилтиллаб турарди; кекса семинария файласуфи ва нотиғи ректорнинг ваъзларини ва мунозараларни эслади. Чўққи соқолини силаб қўйиб, у семинариядаги сингари деди:

— Падари бузрукворим! Онг бўлакларнинг идрокидир, лекин яхлит тарзда унга фақат эзгулик эришмоғи мумкин.

— Ҳа, ҳа, Дамиан, сен мени мукаммал тушунибсан — la vertie est un élement, pent-étre le plus rare[1],— деди унинг собиқ дўсти, шунда семинардаги «эзгулик» сўзи ўзининг французча таржимасида бирдан якобинча тус олди.

Илличевский Сперанскийга арз қилиб қолди. Унинг Олося деган ўғли балоғатга етиб турибди, зеҳни ўткир, силлиқ, тетик ва қоидали ажойиб шеърлар ёзади, лекин университет учун ҳали ёш, семинария учун эса яроқсиз, зеро, майллари дунёвий, диний эмас. Уни Томскка олиб кетиш — салоҳиятини бўғиб қўйиш бўлади.

Арзнинг айни хонаси эди.

Сперанский чўзиб ўтирмай, бажонидил жавоб берди:

— Бу ерда жуда соз француз муассасалари, инглизларнинг

[1] Эзгулик балки энг нодир хусусиятдир *(франц.)*.

Колизсовоси, французларнинг Мюралтаси, Дебраси мавжуд: французларни хоҳламасанг, сабр қила тур. Сенинг Олосянгга ҳам жойпой топиб қолсак ажаб эмас, Дамиан.

Томск губернатори тез орада хўшлаша бошлади. Сперанский билан у эски вақтлардагидек лотинча хайр-маъзур қилди:

— Pax tecum Ave[1].

Малиновский билан қария Самборскийни эса, Сперанский тутиб қолди. Ва эшик ёпилгани ҳамоно у паст овоз билан, ўша, ўзи бўлиб-бўлиб ўйлаб юрган ва энди лоп этиб тўласича хаёлига келган гапни айтди.

Башарти, улуғ князлар университетга берилса, уларни олдиндан тайёрлаб бормоқ лозим. Уларни марш машқлари-ю, сарой одатларидан чалғитиш ва тарбияларига мутасадди этилган хушомадгўй кавалерлар қўлидан юлқиб олиш мақсадида улар учун махсус рус билим юрти таъсис этилмоғи лозим; билим юртининг номи тўғрисида у қисман бош қотириб кўрди ва Плутархни ўқиётиб, назарида, дурустгина номга йўлиқиб қолди: лицей ёки ликей. Бу билим юртига князлар худди бошқа талабалар қатори қатнайдилар. Ана шу талабалар орасидан мавриди билан давлат хизматининг муҳим тармоқлари бўйича ноиблар етишиб чиқади.

Бу янги иш эди.

Самборский подшо истайдими-йўқми, деб бундан ҳам муҳими, унинг Твердаги опаси нима дейди, деб иккиланарди. Малиновский бўлса, бунга бағоят қизиқиб қолди. Унинг юзларига қизил югурди. Янги кишилар, зарур кишилар ҳамда уларни тарбия қилиш йўллари тўғрисидаги масала бошқа кўплар қатори сўнгги беш йил асносида уни ҳам ўйлатиб келаётган эди. У Сперанскийдан олти ёш катта бўлиб, умрининг ўттиз йилини хизматда ўтказган; Малиновский ҳамиша янги жой ва янги одамларни ҳассослик билан илғаб оларди. У Москвадаги Филантроплар комитетининг асосчиси ва меҳнатсеварлик уйининг директори эди. Унинг ўзи ҳам ёшликдан янги одам бўлган эди; Англияда, миссия қошида уч йилни ўтказган, Самборскийнинг қизига ҳам ўша ерда уйланган эди. Лондон ҳаёти унга чуқур таъсир қилди. У бир умрга инглизларга ўхшаб қолди; ўшалар сингари текис гапирадиган бўлди. Лекин кўнгли бузилиб кетган чоғларда унинг руҳонийлардан эканлги кўриниб қоларди. У Англияда рус киши учун янги ишни — мануфактураларни ўрганган ва уларнинг манфаати борлигига ишонч ҳосил қилган эди. Кейин дипломатик ишлар юзасидан Туркияда бўлди; турк тилини биларди; яҳудий тилидан инжилни таржима қилган. Лекин ўзини сиёсий фаолиятга тайёрлаб юрарди. Англияда истиқомат қилар экан, у рус тузуми мустабидкибор, ҳукмдор-уламо тузумидир, авом халқ хурофот, жаҳолат, қуллик ва бадмастликдан эзилган, савияси паст, деб қатъий амин бўлди. Қуллик қулларни ҳам, соҳибларни ҳам йўлдан оздиради, янги қонунлар яратиш, абадул-абад қулликни бекор қилиш учун депутатларнинг йиғилиши зарур ҳамда Россия учун етишмай турган ялпи руҳ вужудга келажак. Фақат эндигина унинг ёшлик орзулари амалга яқинлашиб қолган эди — мабодо мечкой Бонапарт тўғаноқ бўлиб қолмаса. Яна бир гов бор эди: ҳамма қари мансабдорлар фосиқ, котиблар порахўр, бошлиқлар ялқов ва ҳашаматпараст. Сезилтирмасдан, нафақат мансабдорларни алмаштирмоқ, балки янги кишиларни ҳам бунёд этмоқ лозим эди. Буларнинг ҳаммаси йигитларда қайдан ҳам бинога келсин? Фақат муносибларини танлаб олишга илож бўлмайди — ҳамон ўша Россия бошига битган улкан офат: тасодиф ва шафоат. Ғанимат фурсату шафоат бўлмаса, ҳалол-покизаси илина олмайди, бор бўлса, муттаҳам ҳам жойлашиб олади, мана мушкулот нимада!

Унинг бирор саволига Сперанскийда жавоб йўқ эди. Зотан, янги тоифани кимлардан, қандай қилиб яратмоқ керак? Лекин у бу шубҳаларни аллақачонлар бартараф қилиб бўлган кишидек кулиб қўйди.

Дарҳол министрнинг қўлида бир варақ қоғоз билан қалам пайдо бўлди; унсиз Франц Иванич унинг учини яхшилаб чиқариб қўйган эди. Ва ҳаял ўтмай, *махсус лицейнинг* тарҳи тузилиб қолди. Янги билим юрти қадимий лицей, тўғрироғи — ликей, Аристотель сайр қилиб юриб, ўз шогирдларини «яратган», шаҳар ташқарисидаги Афина шийпони номи билан юритилиши лозим эди. Давлатнинг бош кишиларининг янги тоифаси уйдагилари билан тўла жудоликда бинога келиши зарур эди. Ёш йигитлар ҳар табақалардан танлаб олинарди; уларни феъл-атворлари ва бошланғич билимлари бўйича синовдан ўтказардилар. Улар дастурхон ва усти бошда ҳеч бир фарқсиз қадимий ликей қабилидаги бир жамиятни ташкил этардилар, дарслар рус тилида олиб бориларди; уларнинг турмуш тарзида ва ўзаро муносабатларида мутлақ тенглик кузатиларди. Шу тариқа Малиновский айтган ялпи руҳ вужудга келарди. Улар минбаъд дарборда ҳозир бўлмасдилар. Дарборга қолса, улар билим юртини саройнинг ўзига олиб кетардилар. Лекин машғулотлар билим юртида ўтиши шарт. Акс ҳолда, ҳаммаси барбод бўлган ва дарборча, камермулозимча одатлар одамларнинг янги тоифасини бузиб қўйган бўларди. Талабалар саройда нари борса, уй усти-бошида князлар билан эркин, норасмий ўйинларни эрмак қилгани зоҳир бўлардилар. Ҳеч бир разолатсиз биродарлик муқаддас саналарди. Сонимми? Сони такомилга тескари пропорционал, йигитлардан бор-йўғи кўп деганда ўн беш нафар бўлади. Уларнинг ёши — улуғ князлар Николай ва

[1] Тинчлик ёр бўлсин. Уэр. (*лот.*).

Михайллар ёши. Бельлетр[1], тарих, география, мантиқ ва фасоҳат, математика, физика ва кимё, мавҳум тушунчалар системаси, табиий ва халқ ҳуқуқи ва феъл-атворлар илмини ўрганиб чиққач, биридан бирига тадрижан ўтиб борган ҳолда улар ўз кучлари билан ҳамма нарсанинг тагига етардилар. Уларга ҳеч ким ҳеч нарсани муфассал уқтириб ўтирмасди, нуқул саволлар билан уларнинг қобилиятлари қўзғатиб турилади. Улуғ князлар эса, тенгтўшларидан тимсол олиб, мавриди билан салоҳиятли бўлмаса-да, эзгу фазилатлар касб этардилар. Зеро, буниси табиат тақозоси; лаёқатни у йўқ жойга тиркамоқни министр иложсиз нарса деб биларди. Бўлажак давлатнинг тақдири улар томонидан ҳозирланарди. Қабиҳ жиҳатлари кўзга ташланиб қолаётган кенжаси тузалиб кетарди. Унда ҳамма оғаларида мавжуд на отамерос ғазаб, тутқаноқ ва жазавалари, ҳозирги валиаҳддагидай — на тилёғламалик ва на хиёнаткорлик содир бўларди.

Очиқ ва равшан онг билан ота-боболарининг ғафлатидан холи, бу мактабдан давлат ва ватанга хизмат қилмоқ учун оқил ва софдил, унинг фикрларини уқиб тургувчи ёш йигитлар чиқардилар; кексайган чоғида унинг ёнида бўлардилар... Асосий ўринлар ўшалар билан тўлдириларди.

— Жисмоний жазолар-чи, у ерда қўлланиладими?— тўсатдан эҳтиётлик билан сўраб қолди Малиновский.

Унинг амалиётчилиги мана мен, деб турарди, унинг жонсараклиги Сперанскийга манзур эди.

— Йўқ, Василий Фёдорович,— деди у қисқа қилиб,— асло дворянлик эркинликлари шарофати билан ҳам эмас; боиси шуки, бу хўрлайдиган нарса, озор беради ва бир умрга эсда қолади. Омадимиз келибди — азбаройи улуғ князлар учун хивични қўя турайлик.

Бироқ энг асосийси — муаллимлар танлаш ҳали олдинда эди.

Бу янги тоифага устоз бўлишга қодир кишилар қани? Хорижийлар совуқ, йироқ, тушунишмайди. Ҳамиша қарам бўлиб юриш на ҳожат? Хорижийларсиз ҳам топилиб қолар: ҳамма нарсани она тилда ўқитмоқ даркор. Майли, уларга Малиновский устоз бўла қолсин, у шу бугун янги тоифа ва янги муассасанинг йўргаги бошида турибди. Министр бу ҳақда илгари ўйламаган, бу фикр ўз-ўзидан қўққис келиб қолган эди.

— Сиз тўғрингизда Мартинов билан гаплашиб кўраман, ҳаммаси ҳал бўлади-қўяди.

Малиновский камтарона ташаккур айтди; ёш Куницин ундан кўра муносиброқ ва тайёрроқмасмикан?

Куницин тақдирига Сперанский бош қўшиб юрган тверлик се-

[1] Нафис адабиёт *(французча* belles-lettres *сўзидан)*.

минарчи эди. Мана, учинчи йил у Гейдельберг ва Геттингенда таҳсил кўрар ва мишмишларга қараганда, унинг муваффақиятлари ёркин эди. Ўша ерда у ҳуқуқ ва фалсафани ўрганмоқда эди. Яқинда у қайтиб келган эди.

— Куницин ўз йўлига.

Куницининг номи киритиб қўйилди.

Оромбахш чарм креслоларга ботиб, кичкинагина бўлиб қолган Самборский қилт этмай ўтирарди. Унинг ориққина рухсори осойишта. У ухламоқда эди.

Соат ярим кечага занг урди. Малиновский мўйсафидни худди чақалоқни бешикдан олгандай қилиб, эҳтиётлик билан креслодан чиқариб олди: уни катта ва пахмоқ пўстинга ўрадилар ва авайлаб аравага ўтқаздилар. Министр ўз устозини то дарвоза тагигача кузатиб чиқди.

Рўпарада, Таврия боғи ёнида аллақандай шарпа лип этиб ўтди-ю, йўқолди. Тунги дарбадар уйига қайтиб кетаётган ёки қароқчи санқиб юрган бўлса, эҳтимол. Балким айғоқчидир ҳам? Лекин дарвозалар маҳкам, тамбалар оғир эди.

У қайтиб кирди. Франц Иванични ухлагани жўнатиб юборди. Қўшни хонада унинг кўзининг оқу қораси — қизи унга толе аёзотининг нобоплигидан намуна қилиб юборган вайсақи ва жоҳил бувиси билан ухлаб ётарди. У товуш чиқармай катта-катта одимлар билан хонада, момиқ гиламларда бирпас юрди, бутун борлиқ уйқуда эди. Ёлғиз у кабинетда, ёлғиз у бедор. Аста-секин илҳом ўтиб кетди. У ҳар тўрт кишига биттадан қилиб феъл-атворлар нозири хусусида банд киритиб қўйди. Фаҳш янги муассасани хароб қилиши мумкин. Нозирлар билан режа асосида ҳаракат қилмоғи ва бош сардорга ҳисоб бермоғи шарт эди. Талабаларни фақат муваффақиятларига қараб аъло кўришга изм бериларди, токи уларнинг семинариясидаги каби арзандалару жосуслар тарқаб кетмасин. Ўшалардан бири — Илличевский — боягина шу ерда, стол атрофида ўтириб эди. Ишқилиб, у Томскда ўғирлик қилиб қўймасин: Дамиан ёшлигидан очкўз эди. Унинг ўғлини лицейга қўйиш мумкин — майли, отасидан дурустроқ бўлсин. Асосий масала янги муассаса, унинг лойиҳаси маориф министри, ашаддий душман Разумовский қўлига тушиб қолмаслигида эди. У бу хусусда давлатпаноҳдан рўй-рост илтимос қилишга қарор этди.

У янги тарҳни алоҳида ишлар папкасига солиб қўйди-да, ўзи эрталаб ёзган варақларни — давлатпаноҳга ахборотномани ўқиб, тузата бошлади. Бора-бора унинг юзи ўзгариб кетди. Александрга очиқ, шаксиз, чексиз ҳамсуҳбат эриб, сел бўлиб, ўз ҳолича мавжуд бўлмай қолган пайтлардаги хушомад таъсир қиларди. Нурсиз табассум билан у услубни ўзгартирди: заруратсиз, лекин ўрнида: «Давлатпаноҳ?!» ва «Соҳибкарам давлатпаноҳ!»— де-

ган мурожаатларни қўшиб қўйди. Буларни у тилёғламалик деб атарди. Қўлёзмаларни оққа кўчираркан, у ўзининг содда ва дона-дона ҳуснихатига ҳавас билан қараб қолди. Ўзининг ибтидоси учун у бир вақтлар шу ҳуснихатдан қарздор бўлиб қолган эди.

Тугатгач, у энтикиб қўйди, бармоқларини қисирлатди-да, дераза ёнига борди. Ўлик дарахтлар орасида бир маҳаллар ялқовлиги ва синфларга қатнамаслиги важҳидан ҳайдаб юборилган, салоҳият ва қусурларда тенги бўлмаган москвалик студент Потёмкиннинг қасри ҳувиллаб ётарди.

У томоша қилган кўйи дераза олдида туриб қолди.

Ва бирдан у секин жилмайиб қўйди, унинг милклари очилиб кетди:

— Ўша менман, ўша ёлғиз менман, князь Григорий,— деди у эшитилар-эшитилмас кулимсираб,— айбга буюрмайсан-да.

4

Улар дераза ёнида туришар ҳамда император бодиққат кўринмоқчи бўлган пайтларда қилганидек, кафтини қулоғига тутиб тингларди.

Улуғ князлар барча Россия табақаларининг фарзандлари билан камоли тенгликда тарбия оладилар, уни тугатгандан сўнг эса, университетга кирадилар. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида Сперанский директор қилиб тажрибали киши бўлмиш Малиновскийни тайинлашни таклиф қилар ва профессорликка ёш геттингенчи олим, ўзига шахсан таниш бўлган Куницинни тавсия этарди.

Императорнинг бу борада ҳали ҳеч қандай шахсий фикри йўқ, лекин у волида императаричанинг таажжуби ва ғазабини жуда яхши тасаввур қилди. Улар император кабинети дераза олдида турардилар. Екатеринанинг улкан саройдаги унинг оромгоҳлари вафис рангда эди. У бу ердаги ҳамма нарса одми, бир оз махмур кўринишини, Екатерина шунчалар севган осиёча чипорлик бўлмаслигини истарди. Хитой шоҳилари, голланд печлари, ҳинд кўзаларининг аралашмаси йўқ эди. Олтин кам, анжомларнинг энг зарурлари турарди. Меъёрдан ортиқ дабдабали Наполеон дарборига хилоф равишда император ҳар нарсада чизиқларнинг соддалигига, холиликка ва мовий бўёқларга интиларди. Унинг усти боши ҳам одми, барча ҳарбий усти бошлар ичидан у ўзига кумуш тугмали қора сертукни танлаб олди. Бувиси унга атаб сарой қуриб берган, лекин у бу саройни баъзи бир хотиралар туфайли ёмон кўрар ва ўзини ёшроқ ҳис эттирувчи баҳайбат эски саройни афзал кўрарди.

Унга йўлакдан фусунгар нарса — комендантнинг қизи ўтиб кетгандай туюлди. У министрнинг гапларини тинглаб ҳуштак чаларди; деразадан эимдан мўралаган кўйи кўзларини қисиб қўярди; у ҳамиша ўзига эеб бериб, кўзининг хиралигини сал муболаға қилиб юрарди. Унинг нигоҳи сирли бўлиб қолди. У гарангроқ эди ва бугун хаёли бу қадар қочиб турмаган тақдирда ҳам, маърузанинг кўп жойлари барибир қулоғига кирмаган бўларди. Укаларини университетга бериш ва шу тариқа уларни армиядан узоқлатиш фикри унга эс-эс маъқул келди, лекин айни чоғда хом хаёл бўлиб туюлди.

Сперанский айниқса янги лицейни маориф министрлигига бериб юбормасликни қаттиқ таъкидлар, чунки муассаса махсус — алоҳида ғамхўрлик ва назоратни тақозо қиларди. Разумовский билан Сперанский бир-бирига душман эди. Император тарҳни Разумовскийга бермасликни ваъда қилди. Сперанский билан фарзандлар ва оила тўғрисида сўзлашар экан, у ҳамиша ўзини устун ҳис қилар ва унга риоя билан муомала қиларди. Министр бу нарсалар ҳақида алланечук эриб гапирарди; бу йиғлоқилик ҳозир мода бўлган эди. Сперанскийнинг онлавий ҳаёти уни қизиқтирар ҳамда бу борада у аниқ маълумотларга эга эди. Министр тул қолган, кичкина иморатда истиқомат қиларди, қизини жуда эркаларди. Буларнинг ҳаммаси маъсумона гаплар бўлиб, Александрга ёқар, айни пайтда унда устунлик ҳиссини уйғотар эди. Унинг бирмунча ҳурматини қўзғатган нарса министрнинг марҳума хотинининг синглиси билан яқинлиги тўғрисидаги мишмишлар эди.

Деразалардан эски боғнинг жуда олис перспективаси кўриниб турарди. Комендантнинг қирмиз юзли қизалоғи ортиқ кўзга чалинмай кетаверди. У Сперанскийга янги флигелни кўриб келишни таклиф этди — бирдан чинакамига кўзларини қисиб олди: унинг назарида министрнинг қотиб қолган хитойча чеҳрасига табассум ингандай бўлиб кетди. У қовоғини уйиб олдию кўрди: табассум йўқ. Сперанскийнинг юзида ҳамишагидек кўпроқ қидирувчанлик ёки ҳатто жоиз мужмал ифода бор эди. Камердинер императорга дейилса жоиз мужмал ифода бор эди. Камердинер императорга қалин пахталик сертукни кийишига қарашиб юборди.

Қор эрий бошлаган эди. Эндиликда аҳмоқона кўриниб қолган ўтган аср диди — сарой деворларидаги арслон тумшуқлари даҳанларини очиб турардилар. Соқчилар подшонинг қора сертугини ва унинг ёнидаги министрнинг пўстинини кўргач, деворларни бўйлаб қад ростлаганларича тик қотиб қолардилар. У соқчиларга боқар ва беихтиёр уларнинг қадди расолигини баҳолаб қўярди. Изғирин; у сал жунжикмоқда эди.

Флигелни кўриб, мамнун бўлдилар. Бироқ бир қатор қайта қурилмалар талаб этиларди.

Флигель назар тушадиган жойда — талабларни назорат қи-

лиш осон бўлади; укаларига таълим бериш масаласи ҳам ҳал бўлган эди.

Император бўлажак лицейни мужмал тасаввур қиларди: укаларимнинг ўртоқлари, деди у, ҳафтада бир ёки икки марта Петербургга бориб туришлари мумкин. Лекин Царское Селодан Петербурггача извош кираси йигирма беш сўм турарди. Афтидан, у барча табақадан олинган талабаларнинг отлари бўлади, деб ўйлар ёки извош кираси қанчалигини билмасди. Бироқ министр эътироз билдирмасди. У майда-чуйда мулоҳазалар билан ҳеч қачон императорни безор қилмасди.

Ҳолбуки, фрейлиналар флигелда ивирсиб қолишди — дераза-ларда аёллар боши кўриниб, бир зумда яна ғойиб бўлди. Подшо билан министр қайтаётган пайтда Волконская кампирни ёшгина жияни билан учратиб қолдилар: иккалови ҳам чўнқайди. У ўзининг ортидан одатдаги шивир-шивир гапни эшитди: «Notre ange»[1]. Бу шивир-шивирни ёмон кўрар, лекин борди-ю, уни эшитмай қолса, ўзи ҳам билмасди, нима қиларди экан. У Сперанскийга жавоб бериб юборди-да, ўз хонасига чиқди. Кейин боғни бир айланиб келмоқчи бўлди. У ёшгина қизи бўлган комендант билан тасодифан учрашиб қолиш пайида эди.

Камер-мулозим патнисда бир мактуб узатди. У кўз югуртиб чиқди. Мактуб онасидан эди. У қадим прусс саройида тобе одамлар учун қабул қилинганидек, ҳамиша ўзини учинчи шахс қилиб ёзарди. Бир ҳафтадан кейин отасининг йили эди. Волида хиралик қилиб, нечанчи бор буни эслатмоқда, гўёки у бу кунни унутиб қўйгандай ёки унутиши мумкиндай. Бу кун энди ҳамиша онанинг тантана куни бўлиб келар ва унинг учун фақат хотиралари билангина уқубатли эмас эди. Петропавловск қалъасида охири йўқ тоат-ибодатлар бўлиб ўтарди. Волидаси отаси қабри ёнидаги махсус супада, у ва бошқалар эса, пастда туришарди. Бу унинг учун уқубатли спектаклнинг бир тури, уни омма олдида хўрлашдай гап эди.

Волиданинг бу эслатмаси қўпол эди.

Боғдаги сайр ва комендант билан учрашув бирдан чипакка чиқди. У қаҳрдан бўзарди, катта энгаҳи қалтираб кетди. Кўз ёш тўкиш унинг учун табиий нарса эди; ёшлари кўксига дўлдек дувиллаб сачрайверарди. Шундан кейин енгил тортарди. Лекин у ўзини босди ва яна баттарроқ оқариб кетди, холос. Камер-мулозим фармойишга маҳтал бўлиб турарди.

У қаттиқ-қаттиқ нафас оларди. Бирдан тутилиб-тутилиб, хирилдоқ овоз билан сўраб қолди:

— Яна тамаки ҳидладингми?

[1] Бизнинг фариштамиз *(франц.)*.

У мулозимни қаттиқ чимчилаб олди ва бирдан зил-замбил бўлиб кетган этикларини тақир-туқир қилиб, бир-икки қадам босдида, креслога шалпайиб йиқилди.

Кўзида ёш кўринди.

Унинг этикларини ечиб, корсетини бўшатиб юбордилар ва оғир оппоқ қорин бўшалгач, бемалолроқ нафас ола бошлади. У қорнининг олтин тук босган оппоқ этига термилганича, аста-секин юпанди.

Беш дақиқадан сўнг ҳаммаси ўтиб кетди. У яна ўзини қўлга олган эди. У Волконскийни чақиртирди-да, бамайлихотир унга ҳар хил фармойишлар берди. Сўнгра, министр Разумовскийга деб бир пакет бериб юборди; пакетда махсус лицейнинг тарҳи бор эди. Сперанскийни синаб кўрмоқ лозим. Лицей тарҳидаги «ҳар хил табақалар» ҳақидаги ибора шу даражада қўрс эдики, оқилона кўринарди.

5

Янги — яна битта!— тарбиявий муассасанинг лойиҳаси бориб қўлига тушган кекса Разумовский дастлаб унга сира парво қилмади. Унинг айни хизматкорлар, қизи ва мансабдорлар қўрқадиган феъли айниб юрган пайти эди.

Ўтган йили зеркарли маориф министрлиги лавозимини ўташ учун Москвадан чақиртирилган бу киши ўз кошоналарини ташкил қилиш ишлари билан бандлиги ва Москвадаги даргоҳини соғингани сабабли ҳеч кимни қабул қилмаётган эди. Москвада Горохавая ҳовлисида унинг бутун-бутун эман тахталаридан тикланган данғиллама кошоналари бор эди; боғи тўрт чақирим келар, сарҳовузида ноёб балиқлар сузиб юрарди. У хотинини қувиб юбориб, ўғлини Шлиссельбург қалъасига ташлаб қўйиб, расмлар, китоб ва гуллар ичида, ёнига ҳеч кимни, ҳатто қариндош-уруғларини ҳам йўлатмасдан, серташвиш Москвани қўрқитадиган бир кибр билан танҳоликда кун кечирарди. Графнинг золимлиги тўғрисида гап юрарди.

Ҳўкиз боқиб юрган чўпоннинг ўғли бўлган Разумовский тез орада казо-казо зотларнинг бирига айланган, на қаролларни, на мансабдорларни, на оддий дворянларни одам санарди. У гулларни севарди. Москва канорасидаги Горенкисида у гулларни ўз боғида етиштирарди. Хорижий боғбонлар бу ерда янги ўсимлик ундириб, уни Razumovskia деб атаган эдилар. Бу барглари ингичка, кўкимтир, ажаб сертикан совур арча эди. Кузда унинг шохлари қизил меваларининг шиғиллигидан эгилиб турарди. Оталик меҳри графда ўз қизига эмас, ўзининг номи билан атал-

миш айни шу ўсимликка нисбатан бор эди. Оранжереяда йўлканинг икки тарафида саф тортиб атайин зич экилган Razumovskia буталари турарди. Уларнинг тиканлари меҳмоннинг кўйлагига илашар эди. Чол илжайиб қўяр: бу нарса унинг кўнглини очарди. Император Москвада бўлганда, Разумовский ўзини унга таништирган эди. Чолнинг французча талаффузи — кекса маркиз шеваси, қарийб ваҳшиёна табассуми, лорнионни ўйнаб турган орик қўллари, жанубий ваъзхонларни кўрмаган кимсаларга маркиз қомати бўлиб кўрингувчи омонат жуссаси Александрга маъқул бўлиб қолди. Шу зайл у министр қилиб тайинланиб қолди.

Петербургга кўчиб ўтгач, у Обуховский ва Семеновский кўприклари оралиғидан Фонтанка бўйлаб ер билан кенг боғ сотиб олиб, кошоналарини қурар, қайта қурар, министрлик биносига эса, ораламасди. У Горенкиларини қўмсагани қўмсаган, янги кошоналар ва боғнинг қурилиши уни овунтирарди, холос. Унинг ёнига фақат бир киши — номавжуд сардин қиролининг элчиси граф де Местр учун йўл очиқ эди. Чол у билан бирорта русча китоби бўлмаган кутубхонасига қамалиб оларди-да, жўшқин французни соатлаб тинглаб ўтирар, баъзи-баъзидагина унинг гапини сокин товуш билан бўлар эди. Шу ерга, кутубхонага қари мулозим томонидан қора қаҳва узатиларди — ҳозир маҳмадоналар орасида урф бўлиб кетган «шоколат»ни чол писанд қилмасди; шу ернинг ўзида хитой чинни тувагида унинг арзандаси ва ифтихори Razumovskia турарди.

Фақат бир-икки кун ўтгач, у император бериб юборган пакетга: махсус лицейнинг тарҳига эътибор қилди. *Махсус* деган номнинг ўзи уни ҳайратда қолдирди. У гап улуғ князлар хусусида бораётганлигини эслади-да, де Местрга одам юбортирди. Улар уйга кириб, эшикни ичкаридан қулфлаб олдилар. Графнинг ҳали ҳам феъли айниб турарди; Горенкини қўмсаш, қисман ҳали Москвадан кўчириб келтирилмаган севимли китобларининг йўқлиги, ёқимсиз Петербургнинг кўриниши уни хуноб қилмоқда эди. Бироқ лицей лойиҳаси уни қўққисдан қизиқтириб қолди: ўзи бир замонлар Васильевский оролининг ўнинчи линиясидаги ўйинчоқ «академияда» тарбия кўрган эди, бир неча йигитдан ташкил топган бу академияни эски дарбор «Ўнинчи линия» деб атар, уни асти кўздан қочирмас эди.

«Лицей» деган ном унга ёқди. У баногоҳдан-баногоҳ ғойиб бўлиб, кексалик билан алмашиниб қолган ёшлигини эсга солиб турарди. Ўшанда Парижда қирол билан граф д'Артуа валинеъматлик қилган хотин-қизлар академияси — лицей довруғ солган эди. У ерда адабиётни Мармонтель ва Лагарп, математикани Кондорселар ўқитган эдилар. Хонимлар, энг соҳибжамоллари, ўша ерда учрашувлар тайин қилишарди. Тўнтариш ҳаммасига чек қўйди.

Профессорлар аксариятининг ва тингловчи хонимларнинг бошлари кетди.

Де Местр таажжубланиб, жим бўлиб қолди. У жилмайиб қўйди, граф Парижда лицей тўғрисида айтиладиган қўшиқни эслаб, секингина хиргойи қилмоқда эди:

Za tont le lean sexe s'amuse
Da carré de G'hypothénuse
Et de Nenton[1].

Разумовскийни у мана шу қилиқлари учун яхши кўрарди-да. Улар оранжерея ёки кутубхонада ўтирган кезларда Франциянинг эски тартиб-қоидалари рус аъёни оромгоҳларида давом этар: на тўнтариш, на ёвуз Бонапарт бўлмасди. У Разумовскийнинг мужмал шажарасини биларди; бунга эҳтиёж ҳам йўқ: бу ҳамон ўша болаларча тошбағир, фозил ва енгилтабиат маркиз эди.

Де Местр эсга олиб мингирлай бошлади:

Vouler — vous savoir la chimie
Approfordir l'astronomie?[2]

Улар гаплашиб ўтирдилар. Де Местр сарой ғийбатларининг шоири эди; улар одамларни лақаблари билан атаб гапирардилар. Хотини императорга ўйнаш бўлган Наришкин «бахтиёр ёстиқдош» эди. Сперанскийни француз «якобинчингиз», деб атар, министр ҳам унга эргашиб, «якобинчимиз», деб гапирарди. Бора-бора министрнинг афти заҳиллашиб кетди. Попваччанинг тилга олинишининг ўзи унинг ғашини келтирарди.

— Бу семинарчиларнинг сиёқига қарасанг,— деди у,— ҳаммаси йўнилмаган ёғочга ўхшайди, лекин улар ёғоч фазилатидан — забонсизликдан маҳрумдирлар, шундай эмасми?

Де Местер чиқиб кетаётганда, Razumovskia тиканлари билан унинг енгига илашди. Улар яна кулиб юбордилар, лекин француз бу гал малол билан кулди, зеро, у ўз костюмини қадрларди.

Икки ҳафтадан сўнг махсус лицейнинг лойиҳаси қайта ишлаб чиқилди. Лойиҳага министр ўзига юборилган Сперанскийнинг тарҳини, ўзининг қисқача ахборотини ва де Местрнинг янги ёзувчилардан бирортаси эгалламаган шаклда — дўстона мактуб шаклида ёзилган узун хатини илова қилиб қўйди.

Император лойиҳани олгач, уни дарҳол ўқиб чиқди. У мутолаани яхши кўрар ва нафис адабиётга ўргатилган эди; васвасага солгувчи романларни бошдан-охиригача ўқиб чиқар, уларни қо-

---

[1] Соҳибжамол тонфа эрмак қилмоқда бунда
Гипотенуза квадратини
Ва Ньютонни *(франц.)*.

[2] Истагингиз борми кимё сирин билмакка,
Астрономиядан қилмоқчимиз илмингиз теран? *(франц.)*

ралар, баъзи, айниқса ножоиз жойларини қайта ўқиб чиқиб, қалам билан қайд этиб қўярди. Шу билан бир қаторда баъзи файласуфлар уни хуш келадиган даражада ҳаяжонга солардилар. Аср унинг тавозели бўлишини тақозо қиларди; у, худди Европанинг кўпчилик қироллари каби, маърифат ва эзгулик ҳақида сўз юритарди. У имзо чекадиган манифестларда доим рус халқи православ жанговарлиги, гражданларнинг эзгу фазилатлари ва Россиянинг юксак вазифалари ҳақида гап бўларди. У бу нарсаларни ўқимасдан имзо қўйиб бераверарди. Шу боисдан ўз маснадига кўра таъкидлашга мажбур бўлган гапларни — Россиянинг улуғворлиги, бутун русча нарсаларга меҳр-муҳаббат ва ҳоказоларни инкор этгувчи файласуфлар унга манзур эди.

Де Местр кенг кўламли маълумотлар билан тасдиқланган далиллар воситасида онг ва илмга қарши чиқмоқда эдики, Разумовский унинг фикрларига қўшилмоқда эди. Руслар илм учун яратилганми? Улар ҳали буни ҳеч нима билан исбот қилганлари йўқ. Румоликлар мутлақо нодон бўлганлар, уларда на улуғ рассомлар, на ҳайкалтарошлар, на математиклар бўлган, лекин улар улуғ жангчилар эдилар. Цицерон Архимедни бачкана одам деб атаган эди; илму маърифат инсонни умуман улуғ иқдомларга ноқобил, ўзгаларнинг фикрини менсимайдиган, ҳукумат мунаққиди, янгилик ишқибозига айлантириб қўяди. Россия учун илм даркор эмас, давлат мактабларни деб хонавайрон бўляпти, улар эса, бўшаб ётибди. Мактаблар дегани, бу ҳеч ким саёҳат қилмайдиган давлатдаги ажойиб меҳмонхоналардир. У ерда ортиқча предметлар ахлати билан йигитларнинг бошини қотирадилар, ёш идрок учун улар ичидаги энг зарарли нарса — мавҳум тушунчалар тарихи ва тузумлар баёнидир.

Француз тузуми материализм муқаддимасидир. Ёшлик бир нарсани: инсонни яратган тангри-таоло жамиятда ҳукуматни зарур, тобеликни эса муқаррар қилиб қўйганини билса, бас. Фалсафий фикрларни барвақт уйғотадиган бошқа барча таълимотлар ҳатто ҳалол ниятли кишилар томонидан баён этилган ҳолда ҳам хатарлидир. Бундай таълимнинг Франциядаги машъум оқибатлари маълум.

Сўнгра, табиёт фойдасиз. Таги тоза ёш йигит химия ўрганганидан кўра, уч иқдом қилишни ва олти жангда бўлишни афзал кўради. Химия — қуруқ фандир. Россия учун жанговар давлат сифатида фанлар нафақат фойдасиз, балки зарарли ҳамдир. Улар матонатдан маҳрум қилади. Энг яхши мураббийлар руҳонийлардир, турган гап, чаласавод рус руҳонийлари эмас. Янги тарбиявий муассасалар иезуитларнинг новициатлари намунасида ташкил топиши лозим; йигитларнинг ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқалари бўлмаслиги шарт. Улар бамисоли оролдаги сингари

яшамоқлари керак. Йигитлар эпчил ва итоаткор бўлмоқлари керак. Нозирлар уларга муттасил кўз-қулоқ бўлмоқлари лозим. Ҳамма ерда қатъий сукунат қонуни ҳукмрон. Тунда талабалар ҳар қайсиси айрим хонада ухлайдилар, токи бирор-бир алоқага йўл қўйилмасин. Дортуарнинг барча эшиклари ойнабанд. Дортуарнинг ўзи иккала чеккасидан ёритилади. Ишончли одам дортуарда тун бўйи то тонг отгунча юриб чиқади ва йигитларнинг оромини, беморларнинг осойишталигини сақлагандай қўриқлайди. Ҳар ўн беш кунда рағбатлантириш маъносида муваффақиятга эришганларга Владимир ва Анна орденига ўхшаш, лекин оддий металлдан ясалган хоч бериб турилади.

У Разумовскийнинг хатини бир варақлаб кўрди-да, лицейнинг мақсади — энг кибор насаблилар жумласидан бўлган йигитларни энг аҳамиятли давлат лавозимларига тайёрлаш тўғрисидаги мулоҳазаларни ўқиди. Лойиҳага Сперанскийнинг тарҳи ҳам қадаб қўйилган эди. Биринчи моддаси энг аҳамиятли ўринларни банд этиш ва барча табақа йигитлари ҳақида эди. Алоҳида варақда Малиновский ва Куницинларнинг номлари ёзилган эди.

Император ҳаяжон билан де Местрнинг равшан ҳуснихати билан битилган варақни ўқиди. У ўзига айниқса ёқиб қолган йигитларнинг уйқуси, ойнабанд эшиклар ва тунги навбатчиликлар тўғрисидаги жойларни қалам билан чизиб қўйди. Флигелдаги далон бунга хўп қўл келарди. Фаҳшга зинҳор-базинҳор йўл қўймаслик керак бўлади. У укаси Константин хохолаб, қўлларини ишқалаб, кайф қилиб ўқийдиган қўпол адабиётдан ҳазар қиларди. У парда ичидаги номаълумликни, шамалар одоб доирасида бўлишини яхши кўрарди; у баъзида ахлоққа зид қилмишларга оид ўз давлатининг айрим қонунларини қайта ўқиб қоларди: уни тортадиган нарса нафақат қонун дахлдор бўлган жиҳатларнинг ўзи, балки тасаввурнинг барча ўйинидан қатъий назар, бунинг қонунлиги ҳамда уни ўрганиш эса, савоб ишлигида эди. Ушбу ақлий нашидалар, афтидан, фақат мумтоз кишиларга насиб этарди: бунинг учун укаси Константин қўпол ва ғўллик қиларди. Хочлар тўғрисидаги жойни у кулимсираб чизиб ташлади. Француз руслар феълини билмасди: Владимир ва Анна кавалерлари орасида ғулу кўтарилган, ўспиринлар эса, гердайиб кетган ҳамда интизом бузилган бўларди. У дастлабки икки мактубни ўқиб тугатди, кабинетни бир айланиб чиқди, оқ залга ўтиб қайтиб келди ва нашъани чўзиш учун ўқишни қўя турди. Ҳамон ўша ниятда у пастга тушди-да, қўлларини орқасига қилиб боғда сайр қила бошлади. Унга адъютант ҳамроҳ эди, лекин император у билан сўзлашишни раво кўрмади. У фақат қисқа гап ташлаб қўяр, бунга ёш йигит мулозаматли узун иборалар билан жавоб қилиб турарди.

— Салқин.

— Ҳа, ҳазрат олийлари, баҳор аллақачон келиши керак, лекин ҳануз ундан дарак йўқ.

— Шабада.

— Ҳа, ҳазрат олийлари, эрталабдан қаттиқ шамол эсиб турибди, зора кечга бориб исиб кетса.

У бу бетайин суҳбатларни яхши кўрарди.

Ҳарбийчасига шартта бурилиб, у сайрни узиб қўйди. Унга Аракчеев мунтазир эди.

Генерал тик турарди; императорни кўриб қолиб, у бутун гавдаси билан унга томон талпинди ва мулоқотларда одат бўлиб кетганидек, император уни қучоқлади. Улар орасида иккиси ҳам севган хўрсиниш, қўққис табассумлар ва маънодор сукутларга тўла суҳбат бошланиб кетди. Аракчеев подшога қилт этмасдан тикилиб турарди; унинг кўзлари нурсиз эди; сўлғин чеҳраси ғамгин. Ҳамиша содда, қаттиққўл ва мудаббир, ҳар нарсада бемалол таяниш мумкин бўлган бу артиллерия сардорини аллақандай пинҳона ғусса кемирарди — гоҳи маҳаллар унинг кўз ёшини тўктирадиган, ғазабини қўзғатадиган нарса шу эмасми экан? Император генералга тасалли беришдан алоҳида гашт топарди. Суҳбатлар асноси, император узоқ-узоқ маъносиз қараб қолган пайтлар маънавий толиқиш аломатлари — танаффуслар ҳам тез-тез бўлиб турар эди. Шундай дақиқаларда Аракчеев, худди сукутнинг тагида гап борлигини фаҳмлагандай, салобат билан жим қоларди. Танаффусдан сўнг иккалови ҳам жилмайиб қўярди.

Император генералга де Местрнинг хатидаги бир-икки жумлани таржима қилиб берди. Французнинг математика тўғрисидаги мулоҳазаси Аракчеевни тўсатдан ташвишга солиб қўйди.

— Йўқ, отахоним, ҳазрат олийлари,— деди у бирдан ўйга толиб қолиб, ингичка, димоғдан чиққан овоз билан,— геометриясиз фортофикацияни ўргатиб бўлмайди, чизмаларсиз эса, артиллерияни билмайсан. Фақат дунёвий кишиларгагина керакмас бу.

Генерал асосий фазилатлари ҳарбий ишлар ва тартибларга халал бермаслик ва зарар келтирмасликдан иборат бўлган дунёвий кишиларни иззат қиларди. Дарвоқе, бундай кишилар тарбияланишининг аҳамиятига унинг фаҳми етиб турарди.

Аммо-лекин табиият ва тарихлар генералга ҳам кераксиз бўлиб кўринди.

— Табиият тўғрисида қанча кам ўйласанг, уйқунг шунча тинч бўлади. Тарих эса — садқайи сар.

Иккаласи ҳам кулиб қўйди.

— Отахоним, ҳазрат олийлари, — меҳри товланиб чўзиб гапирди Аракчеев, — менинг ақлим сариқ чақага зўрға етади, лекин башарти ёш йигитлар давлатдаги муҳим ўринларга тайёрланар экан,

кимларни олмоқ керак? Кимда-ким валинеъмати учун ўлиб-тириладиган бўлса — содиқ чокар ўша. Қашшоқ бўлсаям, содиқ бўлсин, фаҳмимча, шундай.

Император бош иргаб қўйди. Сперанский билан суҳбатларда Европанинг салмоқли бўлаги саналган бепоён мамлакат, Аракчеев билан суҳбатда, содиқ ва носодиқ чокарлари бўлган ўзининг улкан отамерос мулкига айланарди.

— Жисмоний жазолар эса, у ерда бўлмаса, дейман.

Шу ерда Аракчеев манглайини қашлаб қолди.

— Бўлсин эди,— деди у қувлик билан.— Улуғ князлар — ҳали ўсмир, бошқаларни қандай, жазолаётганликларини кўриб қўярдилар ва ўзлари ҳам яна қайта яхши бўлиб қолардилар.

Шунда император бўш келмай, бош силкиб қўйди-ю, кўнгли очилиб кетди.

Тез орада иккаласи ҳам ишбилармонлик билан лицей учун мундир танлаш билан машғул бўлдилар. Лашкарлар ранглари билан аралашиб кетмайдиган, барча кўримли рангларни назардан ўтказдилар ва бекор қилинганига кўп вақтлар бўлиб кетган эски татар Литва полкининг формасида тўхталдилар: тугмалари бир томонлама тўқ кўк кафтан, тикка ёқаси қизил, енг қайтармалари ҳам худди шундай. Ёқасида иккитадан изма: кичикларда — сим, катталарда — зар билан тикилган.

Император Разумовский лойиҳасидан энг кибор оилалар тўғрисидаги, Сперанскийнинг хатидан барча табақалар тўғрисидаги ибораларни ўчириб ташлади-да, ҳаммасини номсиз бир чизиқ билан имзоладики, бу ўқиб чиққани ва маъқуллаганининг белгиси эди.

Князларнинг маълумоти ҳуқуқи жиҳатидан университетлар билан баробарлашадиган лицей билан чегараланиши лозим эди. Ўртоқлар дворян насабли ўсмирлар жумласидан танлаб олинарди. Сони йигирмадан кам ва элликдан ортиқ эмас. Ҳар бир талабага алоҳида нумер остидаги айрим хона ажратиларди.

Директор қилиб статс маслаҳатчиси Малиновский тайин этилди. Лицей биносини шитоб ремонтдан чиқаришга амр қилинди.

Императрича — онанинг розилигига мунтазир эдилар.

6

Шу ёзда императрича — она яшаган Павловское Царское Селонинг акси бўлиб, чоғроқ, ҳамма жиҳатдан мутаносиб ва нигоҳ қамрагудек эди. Отанинг буви дидига ҳар нарсада зид таъби шундай бўлган.

Император энгашди-да, юзини икки укасининг бўсасига тутиб берди. Қотмагина, сарвқомат, ҳарбий мундирда таранг тортилган

Николай раста бўлаётган овози билан қутлов сўзлари айтди. Император унга таажжуб аралаш кўз ташлади: у улғайиб қолган эди. Она уни ҳар доимгидай ўз дарбори, маияти, ўзининг қари немислари, шахсий соқчилардек доим ёнида ўралашадиган Ливен ва Бенкендорф кампирлари қуршовида қарши олди. Усти боши отаси давридагидек, йўғон баланд пошналик туфлисида қаддини соқчи сингари тик тутиб турарди. Бошида туяқуш пати қадалган қалпоқ, яланғоч бўйнида жавоҳирлар, чап кифти олдида эса, оқ мальта хочлик қора бант. У ёшига номуносиб, бели баланд калта кўйлакда эди; сербурма енглари дўппайиб турарди; семиз қўлларига кийган майин чарм қўлқопи тирсагидан юқоригача борар эди. У потираб, ғўлдираб, чучукланиб қутлов сўзларини айтиб бўлгунча, нафаси қайтиб кетди, чунки боғичлар қаттиқ қисиб турар эди.

Эски дарбор янгисига душман эди; бу ердагилар Царское Селодан келган мишмишлар, табаддуллар тўғрисидаги узунқулоқ гапларни чайнаб кун ўтказар эдилар. Буларнинг ҳаммасидан, ҳар қалай, императорнинг хабари бор эди.

Бир соатдан ортиқ вақт одатий боғ сайри ва тутуриқсиз гап-сўзлар билан ўтиб кетди; бу боғдаги ҳамма нарса унинг отасини эслатар эди. Ҳадиксираб қараб қўяётган укалари тез орада дадилланиб қолишди. Кўл ёқасида улар айрилиб, ўзаро анча қаттиқ сўзлаша бошладилар. Уларнинг ёнида бораётган тарбиячи Ламздроф мункиллаб қолган немис бўлиб, унинг ажин босган юзи эрмитаждаги кампир ҳайкалини ёдга тушириб юборар эди. Бунга улар, афтидан, қилча ҳам парво қилмасдилар. Нариги кавалер — Глинка кеккайган бир одам бўлса-да, ақллироқ ва субутлироқ эди, чоғи.

Она билан кампирлар императорнинг кўнглини топишга ҳаракат қилиб суҳбатлашар, у эса қулоқ соларди. Гарангроқлиги ўлароқ, қулоғига суҳбат эмас, фақат укаларининг овозлари кирарди, холос.

Николай суҳбатда бир неча марта укасига бетгачопарлик қилди; унинг овози дағал эди; ҳаддидан ошиб, у бирдан қаттиқ ва қўпол хохолаб юборди. Михаил аразлаб қолди шекилли, йиғламсираб, йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб гапирарди. Ливен кампир бирдан қип-қизариб, олдинга қараб югургилаб кетди-да, нафаси бўғилиб, шартта унинг гапини бўлиб қўйди. Император кампир одоб қоидаси француз тилини тақозо этишини, афтидан, фаромуш қилиб, ака-укаларга немисча бидирлаб нимадир деганини, улар эса, шартиллатиб ва инжиқланиб жавоб берганларини эшитиб турарди.

Укалар тарбиясиз ва қўпол эдилар.

Волида ўша, отаси ҳаёт пайтлар, расмий маросимларда доим хиром этгандек қилиб, майда одимлар билан борарди.

Сал нарироқда тўқима похол ўриндиқли оддий курси кўтариб камерпаж келар — императрича ўз салтанати пайтидаги одатича фақат ўшанга ўтирарди: ўша вақтлар шундай тўпори соддалик расм

бўлган эди. Императрича тўладан келган бўлиб, похол ўриндиққа ўрганиб кетган эди. Улар бирпас ҳовуз ёқасида бўлишди; император скамейкага, императрича ўзининг курсисига ўтирди. Улар сувнинг тўқ жигарранг тусини бир оз томоша қилдилар. Кун ботди. Муайян ҳиссиётларга одатланиб кетиб, императрича Павловскоеда, ўзининг бу ерлардаги аввалги турмуши пайтларидек, кун ботиши ва кун чиқишини томоша қиларди; кўпроқ эрининг жанговар ва мардона табиатини эслатиб турадиган Гатчинода эса, у овчилар ҳайдаб тўппа-тўғри олдига солиб берадиган қуёнларни отарди.

Доира залдаги баланд тунука шамдонлардаги мойли шамларни ёқиб юборишгандан кейин, энг ёш фрейлина клавесинга ўтирди. Камер-пажлар хизмат қилиб туришарди. Бирдан бошини бурмасдан, она елкаси оша орқага қўл узатди, камер-паж унга елпиғич тутқазиб қўйди. Унинг отаси худди шундай қилгувчи эди. Мойли шамлар вишиллаб, тутаб, сачраб ётарди. Император Николайга ўзи билан бильярд ўйнашни таклиф қилди; бу лутф белгиси эди. Бильярд болаларники, кичрайтирилган ҳажмда, улуғ князларга атаб ясалган, соққаларини эса, суяк йўнишни биладиган ва севадиган императричанинг ўзи ўйган эди. Кекса Ливан унга тилёғламалик қилиб, Россияда ҳукмдор онлалар ичида фақат икки киши шу санъатни эгаллаган: Улуғ Пётр ва сиз деб юрарди. Императорнинг икки дарбор ҳам воқиф бўлган бир заиф томони бор эди: ҳамма ўйинларда у устун келишни яхши кўрарди. Ланздорф улуғ князни бундан огоҳ этиб қўймоқ учун у томонга эгилди. Лекин Николай бетоқатланиб, чолни анчагина қаттиқ итариб ташлади.

Ўйин бошланди. Николай мерган, император бўлса, атай қилгандек соққа кетидан соққани йўқотаверар эди. Маият уларни кузатиб турар ва бора-бора ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Николай завқ ичида бильярд теварагида елиб-югурар, нишонга олар ва текканда хандон куларди. Унинг юзлари бўғриқиб кетган, тасаввури ҳам авж олиб бораётгани кўриниб турарди. Императрича ҳаммадан ҳам шу мерос хислатдан қўрқар: отаси сингари у ҳаддидан ошиб кетарди. Бир қутлуғ зарбадан кейин Николай қийқириб юборди:

— Hourra!

Императорнинг авзойи малолли бўлиб қолди. У бирдан кийни қўйди-да, ўйинни тўхтатди.

Эри давридаёқ бу ориятлар курашига ўрганиб қолган императрича хавотирга тушиб қолгандай эди. Дарвоқе, суҳбат давом этмоқда эди. Император Ланздорфдан укаларининг қандай ўқиётгани ва сўнгги машқ қайси мавзуда ёзилганини сўради. Императрича тарбиячига кўз олайтириб қўйди. Тарбиячи ютуқлар яхши томонга табаддулдан далолат бераётгани, сўнгги машқ эса, тинч ҳолатнинг урушдан афзаллиги мавзусида ёзилганлигини айтди. Император

маъқуллаб бош ирғаб қўйди. У ювошиб қолган Николайга қараб туриб, бу муҳим масала бўйича унинг нималар ёзганини сўради. Императрича табассумсиз, ошкора нохушлик билан қулоқ солган кўйи суҳбатга аралашмасдан ўтирарди.

Ланздорф чол, бир оз жим қолгач, жавоб бериб юборди:

— Ҳеч нима.

Император унга ва укасига индамай қараб қўйди-да, гўё ҳеч қачон савол бермагандай, бирдан тескари бурилиб олди. Аммолекин императрича қип-қизариб кетиб, дарров ҳаммани чиқариб юборди.

Зотан, кавалер томонидан Ланздорф айтган мавзудаги иншо топширилган, улуғ князь бу билан ўзининг ўсмирлик ўзбошимчалигини намоён этиб, дафтарига бир сатр ҳам ёзмаган эди. Императорнинг норозилиги ўта ошкора эди.

Улар ҳоли қолдилар.

Кўзларини кўтармасдан император онасидан унинг ўғилларининг тарбия ва таълимида бирор-бир табаддул зарур эмасми, деб сўради. У онасининг диққат-эътиборини императрича Екатерина саройида лицей номи билан очилажак ўзининг шахсий ҳомийлиги остидаги махсус билим юртига қаратади. Директор қилиб у Глинкани — укалари қошидаги кавалерни тайинламоқчи. Бу борада унинг фикри қалай? Охирги фикр императорнинг хаёлига сайр пайти келиб қолди. Буларнинг боиси шуки, илова қилиб қўйди, у, тасодифларни башорат қилишнинг иложи йўқ ва келгусида биринчи поғонага оёқ қўйиш кимга насиб бўлиши номаълум.

Сўнгги жумлани у онасига ишонмасдан қўшиб қўйди. Меросхўр масаласини доим четлаб ўтарди. Ундан атиги икки ёш кичик бўлган укаси Константин қизиққон эди, лекин ўзи уни севарди. Волиданинг эса, уни кўрарга кўзи йўқ, валиаҳд қилиб Николай тайинланса, деган хаёл билан ўзини овутиб юрарди. У яна волиданинг ундан кўпроқ умр кўришдан хуфия умиди борлигини ҳам биларди. Унинг меросхўр қилиб, эҳтимол, Николайни тайинлаши тўғрисидаги шамаси онани ишонтириши мумкин эди. Аслида, унинг, ҳар қалай, яқин келажакда бундай қилиш нияти йўқ эди.

Шу ерда у кўзларини кўтарди. Она гезарган юзи ва елкалари қип-қизил, қонталаш бўлиб кетган, бошини солинтириб, унга хўмрайиб тикиларди. У ҳарсиллаб нафас оларди. Онанинг унга яхши таниш важоҳатида бахиллик, тараддуд ва ўзидан ҳадик аён эди.

У бўғилиб, кавалер Глинканинг ўзига энг яхши жиҳатлардан танишлиги, ўқимишли ва камтаринлиги, лекин ўзи бошлаб қўйган улуғ князлар тарбиясини тўхтатиб қўйишнинг иложини тополмай турганини айтиб ўтди.

Бир-икки дақиқадан сўнг император Павловскоеда йўқ эди.

Улуғ князлар яшаши ва ўқиши учун асосланган лицейнинг,

гарчанд улуғ князлар аввалгидек императрича қошида қолаётган бўлсалар-да, очилиши шарт эди.

1811 йилнинг январида лицейни таъсис этиш тўғрисидаги фармон эълон қилинди.

7

Қизларини Москвага қайлиқлар ярмаркасига ташиганларидек, Петербургга ўғилларини тарбия олиш учун элтиб қўядиган бўлиб қолдилар.

Вақтлар бошқача бўлиб кетаётган эди. Оталар жўжахўрозларни ўша Петербург тарбиясисиз тепалаб, унутиб, четлаб ўтиб кетишларини бирдан тушуниб қолдилар; уларнинг бир замонлардаги недоросллар сингари бағирда олиб ўтиришнинг иложи қолмади, бу хавфли ҳам эди. Маълумотсиз мартабага миниб бўлмасди; шу билан бирга, ўғилларнинг нималарни ўрганиши ҳамма учун мужмал, кўпчилик учун эса, аҳамиятсиз ҳам эди. Фақатгина айрим, эскиликка берилган аслзодалар ўғилларини илгаригича, ўз билгича, чет элларда тарбиялардилар.

Лицей тўғрисидаги фармон қўққисдан ота-оналарнинг орзу-армонлари ва иззат-нафсларини қўзғатиб юборди.

Хусусан, бирон мартабага кўтарилолмаган ёки кўтарилган, уддалолмаган ота-оналар шу фикр билан овора бўлиб қолдилар.

Пётр Учинчи қулаган замон назардан қолиб, ҳалол-покиза хизмати билан плац-майор унвонигача етган голштин капитани; коллегия ассесори; руҳонийлардан бўлмиш Томск губернатори; мерос мулклари ҳали таваллудидан илгари ким ошди бўлиб сотилиб кетган князь-рюрикович; Павел ажали куни арафасида ўзига яқинлаштирган, шу боисдан кўтарилишга улгуролмаган Павловскоенинг собиқ директори,— ҳаммаси ўғилларини билим юртига қабул қилдириш ҳаракатида юришарди. Уларга аччиқ тажриба, шафоат даркорлигини, бирон қўли узун одамнинг кўмагисиз ҳеч нимага етишиб бўлмаслигини тушунтириб қўйган эди. Қон-қардошлик ва борди-келдилар янгиланмоқда эди.

ИККИНЧИ БОБ

1

Кўзларини очар-очмас, у ички кийимда дераза ёнига чопиб борди. Пастда, силлиқ тош ўзанида қора чуқур канал ётарди. Чор-атроф тошу девор. Дўстлар Мойкада, Демут меҳмонхонасида Василий Львович учун учта бефайзгина хонани ижарага олиб қў-

йишган эди. Каттароқ хонада энди амаки ухлар, ёнда Александрнинг хонаси, орқада эса, тўсиғлиқ қоронғи каталак бўлиб, унда Аннушка турарди; тўсиқ орқасида ошпаз Блэз билан камердинер. Каравотлар оғир, дераза пардалари зич эди.

Ён ҳужрада, Аннушканикида чой ичиб олди-ю, ўзини кўчага урди, унинг орқасидан айтган насиҳатлар қулоғига ҳам кирмади.

— Адашиб қолманг, отахон Александр Сергеич.

Амаки ҳали уйқуда эди. Даҳлизда бир хиллари бош яланг, бир хиллари ясан-тусан қилиб, тумоқ кийиб олган оқсоч қизлар ва уйқусираган хизматкорлар ивирсиб юришарди; уй лиқ тўла эди.

У соҳилнинг тоштахталарига тушди; ўзлари қўнган Мойкадан бошқа кўчаларнинг номларини билмас эди. Нотаниш шаҳарнинг кўриниши уни лол қилиб қўйди. Бу ерда ҳеч нима Москвани эслатмасди. На кенг хиёбонлар, на кўкаламзор ичига яширинган данғиллама иморатлар, на баҳорда сиренлари гуллаб ётадиган тор кўчалар, на Москва кўчаларига карвонсарой тусини бериб турадиган дарвозалар, на супаларида Москванинг жулдур нимчалик гадойлари тўдаланиб оладиган катта-кичик ибодатхоналар бор. Адоғи йўқ кўчада у ибодатхонадан кўра оддий уйга кўпроқ ўхшайдиган бор-йўғи икки-учта лотин ибодатхонага йўлиқди, холос. Сергей Львович айтган Невский проспекти эди бу. Ялтироқ ойболта ушлаган посбонлар айланиб юришарди. У бурилиб ёлғиз ўзи аллақандай тўғри майдондан ўтди, худди каналники каби гранит ўзандаги овлоқ дарёни кўрди. У бу соатда шоҳона ва сокин бўлгувчи соҳил бўйлаб, тўхтамай юриб кетаверди ва ниҳоят, кўприкдан ўтди; пастак-пастак уйлар бошланиб кетди. Фақир зотининг ўзи ҳам бу ерда ўзгачадай — Москвадагидан қўрқинчли ва аянчлироқ кўринарди. Кўприк ёнида чувринди бир одам турар ва унинг илма-тешик жандасидан бадани кўринарди. Унинг орик оёқлари яланг, афти лоқайд эди.

У узоққа бориб қолди, лекин адашмади. Ҳеч кимдан сўрамасдан ўша йўли билан изига қайтди. Бу ерда москвача боши берк кўчалар йўқ: равон йўллар, боғлар, тош, дарё. Невский проспектидан енгил извошлар ўтиб турарди. Халойиқ анча кўпайиб қолган эди.

Амаки туриб бўлган ва аччиғи чиқаётган экан: Александр сўрамай-нетмай ким қаёққа гумдон бўлган. Бу оиланинг ёввойи юриш-туришига бас келолмаган Сергей Львовични у энди тушуна бошлаган эди. Тўнғиллаб олгач, у жиянига Петербургнинг нималигини тушунтира кетди.

— Агар сен чапга юрсанг, Лондондаги Bond-Street ни эслатгувчи кўчага чиқиб қоласан, айтгандек, сал узунроқ бўлиши керак. Хуллас, агар сен кўчага чиқиб қолсангу, на бошини, на

охирини кўрмасанг, билиб қўйки, дўстим, ўша Невский проспекти бўлади. Ёзги боғ эса, Ёзги боғ бўлади. Сен ўзинг ҳам буни фаҳмлаб оласан. Қоидаларни такрорлаб бўлсанг, ярим соатча айланиб келсанг, майли. Лекин ортиқ эмас. Пешинда борма — бу паллада давлатпаноҳ сайр қилаётган бўлади. Узоққа борма, негаки, адашиб қоласан. Адашиб кетмаслик учун эса, дўкончидан тез-тез сўраб тур: Демут хароботи деб. Сенга ҳар ким ҳам кўрсатиб беради.

Амаки Василий Львович у ўтиб бўлган ва чамаси, амакисидан дурустроқ билиб олган кўчаларни гапирмоқда эди.

Василий Львович пешин ўтгунча ухлар, кейин эса, ғойиб бўларди. У етти хуфтонда Александр уйқудалигида қайтиб келарди. Александр бўлса, кундузлари шаҳарни кезар ва фақат қорни очганда уйга қайтиб борарди. Шу зайл дастлабки кунлари улар бир-бирларининг қорасини кўрмасдилар ҳисоб. Амаки ўзининг алоқаларини тиклаб олди: Дашков, Блудовларни зиёрат қилиб келди; ошна-оғайнилари бири қўйиб, бири ким пешинликка, ким кечки тамаддига уни чорлаб турарди. Адабий уруш авжида эди; унинг ишлари бошидан ошиб ётарди. Жиян эса, иезуит-падарлар саволларига шай бўлмоқ учун ўзининг қоидаларини, ўша арифметикаю грамматикаларнинг ҳаммасини такрорламоғи керак эди. Василий Львович зиёфатларда ошналарига иезуитлардан зорланиб қоларди:

— Агар ўша авлиё падарларнинг ҳаммаси; ces révérends péres, қилаётганидек ҳалитдан маълумот талаб этилса, уларни талабалар бошларига уришармиди? Бечора болалар фанлардан эзилиб ётишибди. Мен жиянимни олиб келдим. Ўткир ва зийрак. Лекин ўзининг синчковлигини қондиришнинг ўрнига, у ўша қоидаларнинг ҳаммасини қайтариб ўтиришга мажбур. Жин чалсин ўша авлиё падарларнинг ҳаммасини!

Василий Львович ўзининг Петербург бригани ва ўзбошимчаси деган шуҳратини тиклаб олиш учун баҳона топилганидан шод эди. Дарвоқе, жиянини текшириб кўришга унинг на рағбати, на вақти бор эди. Бир куни унинг столидан Вольтернинг мадригаллари билан Пироннинг поэмаларини топиб олди-да, аввал тааж-жубланиб турди-да, берилиб ўқиб кетди, сўнг эса, мадригалларни ўзига олиб қолди-ю, Александрга танбеҳ беришни унутиб қўйди.

Икки кундан кейин Василий Львович банд этган нумерларни ҳеч ким танимаган бўларди: деразаларда, полда — ҳамма ёқда китоблар қалашиб ётарди. Ғанимларининг китобларини амаки пичоқ билан қирқмасди, гўёки уларнинг қоринларини ёрган бўлиб, вилка билан тилка-пора қилиб ташлар, Александр ҳам уларни дарров таниб оларди: полда хор бўлиб ётган ўшалар эди. Василий Львович амаки адабий уруш билан тирик бўлиб, шу билан

нафас оларди. Шишков ўз варяго-росслари билан унга тил текизгани бежиз эмасди: амаки жангга ошиқаётган эди.

Бир мартда тунда Александр уйғониб кетди: қўшни хонада кимдир аста пишқирар, ғулдирар ва инграрди. У писиб эшик тагига борди. Амаки кўйлакчан ҳолда хонанинг қоқ ўртасида курсида ўтирарди. Ерда шам турарди. Шалвираб қолган қўлида китоб. Қинғир қорни селкилларди. У серрайиб қолган Александрга бир қараб, яна кулаверди. Ниҳоят, у пешанасини рўмолча билан артди-да, энтикиб қўйди, кейин Александрга деди:

— Қўшалоқ!

У ўқиди:

Лекин ким маходада бормоқда елиб,
Учқур қўшалоқда гоҳида?

— Қўшалоқ дегани — бир жуфт бўлади,— изоҳ берди у, ниҳоят.— Ўшаларнинг тилида, варяго-россчада бир жуфт дегани бўлади бу. Уларнинг барди, князча Шихматов, тавия шундай ёзибди: қўшалоқ деб. Бу отхона, қовоқхона бу, оғайни! «Ярим кеча тонги»!

Амаки ҳадеб тупук сочарди.

У Александрга бутун шеърни ўқиб берди.

Таассуфки, у шеърдан «қўшалоқ»дан бўлак эътиборга арзигудек ҳеч нима топа олмади.

— Қуруқлигини, — деди у, — қуруқлигини қараю! Ана барду мана бард! Бунақа бардга чордоққа йўл тўппа-тўғри! Унинг жойи ўша ер.

Александрни шу нарса ҳайрон қолдирдики, амакининг оғзи бепошна бўлиб чиқди. Унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. У полдан яна битта китобни олди. Бу Шишковнинг луғати эди.

— Кекирмоқ,— деб ўқиди амаки ва бирдан жони чиқиб кетди:— Ана! Кўчанинг шалоқ гапини у шеъриятга судраб кирятпти! Яна буларнинг ҳаммаси рағбатлантириляпти! Нашр қилинятпти! Қари туллак мирза ва малайларнинг тўдасини тўплаб юрибди. Мана, унинг «Беседа» дегани нима! Майли, ҳамма билиб қўйсин! Асл нозик дид нима бўлади! Ўйлаб кўришнинг ўзи даҳшат!

— Сиз мени «дидшунос», деб атабсиз, муҳтарам афандим!— деб бақирарди у, — ҳа, мен дидшуносман. Сизнинг сўзингиз аҳмоқона, разилона, бу мунший сўзи, лекин ҳозирдан эътиборан мен уни қабул қилдим! Мен дидшуносман! Шундай туғилганман, шундайлигимча ўлиб кетаман.

Адабий эҳтиросларни ўзгартириб юборди. Уни бундай ғазабнок аҳволда биринчи бор кўриб туриши эди Александрнинг.

— Ногти — қаралсин: нога нож — қаралсин: нога,— деб ўқирди

амаки Шишковнинг луғатини, — нагота — қаралсин: нога; нуқул ногаю нога. Прах — қаралсин: порох. Порохни кўриш менга зарил келибдими!

Қўшни нумерда ҳам бедор эдилар; қисқа сўзлардан, пул жарангидан девор орқасида қимор ўйналаётгани эшитилиб турарди.

— Храпеть — қаралсин: сопеть, — деб ўқиди амаки ва қўлларини ёйиб қўйди.

— Уйқуда хуррак отиш бу бир нарса, — деди у Александрга,— ва давраларда пишқириш тамоман бўлак нарса. Биринчиси ёмон одат, иккинчиси — тарбиясизлик. Агар мен уйқумда хуррак отадиган бўлсам, бундан асло, мен аёллар орасида пишқираман, деган маъно келиб чиқмайди. Шишков шундай тарбия кўрганки, унинг учун хуррак отишми, пишқиришми, фарқи йўқ.

Кейин у шу ернинг ўзида, ўша «қўшалоқ»ни ўқиб топган китобнинг ўзидан Крыловнинг, унинг наздида, қўпол, уйғунликка бегона янги масалини ўқиди:

Узундан-узун бир хивич-ла мужик
Гозларни сотгани шаҳарга ҳайдар!

— Дан-ун-ла-ик-ни-га-ар, — деб ғўлдирарди Василий Львович.— Шулар ҳам товуш бўлдими!

Янги масал ўзининг мантиқи билан ҳам унинг ёмон жаҳлини чиқарди.

— Ҳа, бизнинг аждодларимиз Римни халос этишган! Ҳа! Ҳа! Ҳа!— бақирарди амаки.— Халос этишган! Сизларники эса, муҳтарам афандилар, ғоз боқишган! Тафовут ойдек равшан! Сен малларинг билан ҳам Дмитриевга етиб бўпсан.

Амакининг илҳоми келиб кетди. У ўз душманларини ортиқ номлари билан атамай қўйди: Шишков Қари Туллак ва Қари Бобо эди. Аллақандай Макаровни у Мараков ва шунчаки Марака деб ҳам атарди.

— Бетартиблик инжилча ва сариқ уйча!— деб юборди у ва ўзи ҳам ҳайрон қолди.

У ўз курсисидан сапчиб турди-да, қўққис келиб қолган қофияни ёзиб қўйди. Ўзи ҳам буни пайқамаган ҳолда, нафис дид муҳофазасида амаки ғоят ўткир ибораларни ишлатиб юборарди.

Қўшни нумерда ўйнаб бўлдилар — кимдир тишлари орасидан ҳуштак чалиб, аста хиргойи қила бошлади:

Вақт номли нуроний бир чол
Бутун умрин йўлда ўтказар.

Амаки бирпасда босилди.

У бир оз тинглаб турди-да, тантана билан жиянига деворни ишора қилди:

— Шаликовники. Шихматов шеърларини куйлаб бўлмайди.

Александр роҳат қиларди. Унга ҳамма нарса — дераза ортидаги тун ҳам, амакисининг тўполони ҳам, девор орқасидаги қўшиқ ҳам, амакиси иштирок қилаётган адабий уриш ҳам ёқарди. Василий Львовичнинг адабий фикрлари шубҳалардан холи кўринар ва у жон-дили билан амакисининг тарафида эди. Ниҳоят, амаки ўрнига гуппа йиқилди, уни ухлагани жўнатиб юборди ва бир неча дақиқадан сўнг, иккиси ҳам тирракдай қотиб ётарди.

2

Уч кўчага чиққан Денут нумерлари, уларнинг турфа хил аҳолиси, коридорларда чопқиллаб юрган оқсоч қизлар, уйларнинг очиқ эшиклари ёнидан ўтаётганда, ногоҳ қулоққа чалинадиган стаканлар жаранги — буларнинг ҳаммаси ниҳоят даражада уни қизиқтирарди. Унинг бирдан кўзи очилди. Коридорда зипиллаб кетаётган энсиз товон ва палапартиш елкага ташланган шол рўмолдан у висолни таниб оларди. Бурчак бўлмадаги камсухан хорижлик скрипкачи бўлиб чиқди, у эрталаблари ўзининг бир мақомдаги машқларини чаларди. Бу янги, Москвага, Харитоний тор кўчасига сира ўхшамас дунё эди; ҳеч нима унга Никита мудраб ўтирадиган даҳлизни, ота кабинетини, печканинг таггинасидаги унинг бурчагини эслатмасди. Бир куни кечқурун ўзининг нарсаларини титкилаётиб, ичидан Арина солиб қўйган қоқ ширин кулчани топиб олиб, Арина эсига тушиб, ўйланиб қолди-ю, ширин кулчани еб қўйди.

Василий Львович пойтахтдан норози эди. Иссиқ уни безор қилиб юборган эди. Эрталабдан у дераза олдига ўтириб олар ва терини арта-арта, лимонад ҳўпларди. Уруш вақтилигини эслатиб, Невский проспекти бўйлаб ҳадеб юриш машқи бўлмоқда: турклар билан уруш ғалаба ва мағлубиятларсиз давом этиб келмоқда эди. Амаки «Северная пчела»ни ўқир ва ғулу қилиб қўярди. Фақат Парижда янги таваллуд топган Рим қироли шарафига ниқоб базмлари ва от ўйинлари бўлаётган эди холос, бошқа ҳамма ёқда — ёнғину ёнғин. Везувий яна ҳадеганда отилиш хавфини солиб турарди. Шеърият ва мода янгиликларини билмоқчи бўлиб, Василий Львович сотиб олган «Европа музейи»да походларда солдатлар учун тайёрланадиган карам шўрва қоқиси тайёрлаш тўғрисидаги ва: «Уз-ўзини ўлдирувчи кишиларни жинни деб санаш мумкинми-йўқми?»—деган яна бир фалсафий мақола бор эди.

— Албатта мумкин-да, — зарда қиларди Василий Львович ва лимонад симирарди.

Демутникида шафқатсизларча шилардилар. Эрталаб Василий Львовичнинг стакан келтириш тўғрисидаги фармойишига биноан — хизматкор бир стакан шоколад келтириб қўйди, эгаси бўш идиш бермасди. Асл қаллоб сифатида у ҳар томондан ўз нафсини қондиришга интиларди.

Амаки хизматкорни гап билан тузлади-да, орқасидан:

— Қароқчилар!— деб бақириб қолди.

Петербургда машҳур олифта сифатида Василий Львович ўзининг инглиз қайчичасини, майда жингалак қисқичлари, тирноқ эговчасини янгилаб олиш умидида эди, лекин, тез орада ҳеч нима йўқлигига қаноат ҳосил қилди: континентал система шарофати билан кемалар юрмас, сочни қоғоз найчаларга ўрашга тўғри келиб қолган эди. Бу қоғоз найчаларни олиб уйқуга кетаётган баринни кўрганда қочиб қолишадиган хизматкорларнинг ва Аннушканинг кулгисини қистатарди. Ҳар нарсада модага қул бўлган Василий Львович ўзига тепаси тайпоқ кичкина соябонли юмалоқ шляпа сотиб олди, бундан унинг юзи япалоқ кўриниб қолди. Сайрга отланар экан, панталон билан гусарча этикни у ижирғаниб киярди. Ингичка оёқларига қурсоғи билан янги мода Василий Львовичга ярашмас, лекин Петербургда ҳамма шундай кийинарди. Дам атир суви, дам фабра етмай қоларди, камердинер Алексейнинг ҳам оёғида оёқ қолмади. Василий Львовичнинг ошхонасининг ўзи асрдан орқада қолган экан. Ажабтовур қўланса ис тарқатиб турадиган пишлоғу момиқ пироглар урф бўлган эди. Саргузашт романларда тавсиф этилган ваҳшийларга ўхшаб, қовурмани чала пиширишарди. Блэз билмаган бир талай таомлар маълум бўлиб қолди.

Эрталабдан нонушта устида амаки ошпазга тушлик овқатни тайинлар, Блэз ғудранарди:

— Эшитаман. Майлингиз. Гупуртириб ҳовриға тиқиб қўйиш мумкин, момиқ пирог бўлади-қолади. Оранжереялар бу шаҳарда йўқ, дейишади. Қовурмани чала пиширса бўлади, бунинг қийин жойи йўқ.

У аразлаб, ғаши келиб, четга қараб турарди.

Барин Блэзни қаттиқ тергарди. Ошхонаси хуфия ифтихори бўлиб келган эди, мана энди у дарз кетди. У Блэзни Петербургга олиб келиши бежиз эмас: энг хавфли рақиб даф қилинган эди; Блэзнинг энг хавфли рақиби француз элчиси Коленкурнинг ошхонасини достон қилиб юборган машҳур пазанда Тардифф эди. Икки йил бурун Тардиффнинг подшо оранжереясидан чиққан етти дона ажойиб нокни дастурхонга атаб етти юз сўмга сотиб олгани ҳақидаги ҳикоя оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Подшо Коленкурга ўн донасини юборган экану, йўлда ўғри уриб, Москвага олиб кетиб

қолган экан. Ўғрини тутиб, сазойи қилиб юборишибди, бу ёғида эса, ноклар ҳам топилиб қолибди. Нокларнинг учтаси заҳа еган экан, еттитасини эса, Тардифф Петербургдан етти юз сўмга сотиб олибди. Василий Львович елкасини қисиб қўярди-да, Коленкур ёмон иғвогар-да, бу гапларнинг ҳаммасини ўзи тўқиб чиқарган, Блэзнинг Тардиффдан ҳеч қолишадиган жойи йўқ, деб юрарди. Коленкур қайтариб чиқариб олинди, бу гап унинг Тардиффнинг шуҳратига хайрихоҳ бўлмаган Василий Львовичга маъқул тушди ва у энди Петербургдаги ошна-оғайниларини Блэзнинг камтарона лаёқати билан ҳайратда қолдирмоқчи эди; бу гапларни унинг ўзи тарқатган эди-ю, лекин ошхонасининг фазилатларини муболаға қилиб юборибди. У эскириб қолибди. У ҳамма нарсада аср билан ҳамқадам эди. Бир марта унинг хонаки зиёфати рад қилинди. Анна Николаевна пешинлик учун майхонага одам юборди. У кечалари инқиллаб чиқарди: қорни овора қилар, янги таомлар унча ўтиришмас, ҳаммаси аччиқ, қуруқ ва юмшоқ эди. Таъбнинг янги қонуни шу, мулоҳазага ўрин йўқ эди.

Тез орада Блэз шаҳарнинг ҳеч қаерида устрица йўқ, чунки кемалар қатнамаяпти, деган хабари билан уни ҳовлиқтириб юборди. Василий Львович йўлдаёқ Александрга чет эл устрицаларини гапириб берган ва уларни тановул қилишни: лимон сепиб ютишни орқаворатдан ўргатиб келган эди. Ҳар эслаганда, унинг оғизлари сув очиб кетарди. Петербургда у бир йўлини қилиб, уни бирон кунжакдан бўлса ҳам, устрица топиш илинжида эди. Энди ўйлагани йўқ бўлиб чиқди. Шу ерда Василий Львовичнинг тоқати қолмади.

— Нева яланғоч, comme mon cul[1],— деб бир кун эрталаб Александрга алам билан гапирди у.— Устерслар йўқ. Инглиз кемаларини французлар ўтказишмаяпти, французларники эса, фармон билан қатағон этилган. Мана, континентал системанинг оқибатлари. Мен император Наполеонни шахсан таниғдим ва эътироф этаманки, унда мўътабар хислатлар мавжуд эди. Лекин буниси кейинги гап. Қандай разолат!

3

Бир куни Василий Львович Александрга ҳар сўзига алоҳида ифода бериб гапирди, бундай одат отасида ҳам бор эди.

— Бугун биз сен билан Иван Иванович Дмитриевникига борамиз,—деди амакиси.—У киши соат олтию етти ораларида, деб айттирибди.

У жиянига қараб, кўнгли тўлмади.

[1] Менинг кетимдан *(франц.)*.

— У киши билан айниқса мулозаматли бўлгин, Александр. Едингда бўлсин, сенинг тақдиринг ўша кишига боғлиқ.

Александр амакисига хўмрайиб қараб турарди; жиянининг юзида илтифот деган нарса йўқ эди.

Василий Львовичдан бирпасда алам ўтди, ғазаби келиб кетди; болада мия-пия йўқ. Ҳолбуки, унинг ишлари пачава. Аббат Николь, эшитишича, пансионни ёпаётган эмиш; Тургенев югуриб-елиб, ўзи билан ўзи шунчалик овораки, тутқич бермайди. Умуман Петербургда Москвадагидай эмас, ҳамма шу қадар ўзи билан ўзи бандки, бировларнинг ишига бош қўшишни исташмайди. Ҳолбуки, лицейни хаёл қилишнинг ҳам ҳожати йўқ; нуфузли валинеъматсиз у ерга кириб бўлмайди. Иван Иванович Дмитриев оиланинг қадимги ҳомийси эди; адабий муносабатлар, бир вақтлар, синглиси Анна Львовнага унинг уйланмоқчи бўлиб юргани — ҳаммаси бир бўлиб, Василий Львовични унга яқинлаштиргандай эди. У шароитни уқтирди-да, жияни айниқса хушмуомала бўлиши кераклигини яна такрорлади. Александр пайт топиб, иззат-эътибор маъносида, Дмитриевнинг бирор нарсасини ўқиб берса, жуда яхши бўларди: у шу заҳоти нимани ўқиса экан, деб бош қотира бошлади. «Ёт маломати» узун, «Тонноз хотин» васвасага соладиган, мадҳиялари калта. У сўнгги асарлар ичидан: «Ҳўкиз ва сигир», «Фил ва сичқон» деган иккитасини танлаб олди-да, жиянига ўқишни таклиф қилиб, тинглашга тараддудланди. Александр ҳамон ўшандай қовоғини уйиб, амакисига қараб турар ва чоғи, Дмитриевнинг масалларини ўқишга ошиқмасди. Амаки кутиб тургач, ўзи ўқиб берди.

Роппа-роса соат олтида улар Дмитриевникига равона бўлдилар.

Дмитриев уларни табассум билан қарши олди. Унинг сочлари оқ, юзлари қизил, кўзлари ғилай, назари шубҳаланувчан эди. У Василий Львовичдан маъзур тутишини сўради: суҳбатга бир соатдан зиёд вақт ажрата олмайди.

— Бу ерда мен ўз уйимдамасман; менинг уйим Москвада, — деди у ва ҳасрат қила бошладики, афтидан, бунга ўрганиб кетган эди:

— Майда-чуйда ёзишмалар, кундалик ишларнинг ижроси билан овораман; одоб юзасидан саройга ташрифлар, ташрифномалар тушгани тушган, ҳаммаси ҳам мен манфаат билан бўлмаса-да, ақалли кўнгилхушлик билан ўтказишим мумкин бўлган соат-соат вақтимни олади. Бу дарбор илмининг икир-чикири қанчадан-қанча!

У оддий уй кийимида қабул қилди ва оғиз очар-очмас, шу ҳақда гапириб қолди:

— Менинг портретимни юлдуз билан чиқариб бериш Жуковскийга айб эмасми? Омма учун мен министр эмас, адибман.

— Шоир, — тўғрилаб қўйди Василий Львович.

— Шеърият учун вақт даркор, — деди Дмитров. — Менинг Қизил Дарвоза томондаги чорбоғим қалай?— деб сўради у сезиларли маъюслик билан ва шу заҳоти Карамзинни суриштириб қолди: саломатми, нега хат-пат ҳам ёзмайди, шеъриятдан бутунлай совиб кетдими?

— Бизлар Москвада қандай кечаларни ўтказган эдик-а!— деди у Василий Львовичга бош чайқаб.

Бугун шу вақт асносида у Александрга сира эътибор бермади. Унинг иборалари атайин содда, нутқининг соддалигига ўзи катта эътибор қилар, шуниси билан машҳур, шу боисдан эса, ҳамма сингари гапирмасди. Унинг кабинети ҳам соддагина жиҳозланган эди: узун стол ёнида императорнинг ҳайкали, бурчакда, шиша қалпоқ остида кўзлари боғлиқ Фемиданинг ҳайкали, оддий девор соат, китоб тўла жавон ва деразалар тагида хинагул, мум дарахтлари экилган катта-катта тувaклар — гулларни севарди соҳиб. Лекин шу билан бирга кабинет ўта кенг, штоф сирмалари ва юмшоқ креслолар ҳашаматли эди. Дмитриев давлат уйида яшарди. Деворларда катта-катта портретлар осиғлиқ эди. Бирига нимқоронғи хира дарахтзордаги тун базмининг тасвири туширилган; наригиси бир жангнинг сурати эди.

— Баъзида кўнглимга мен фақат Москвада яшаш учун яратилганман, бошқа ҳеч қаерда эмас, деган гап келиб қолади. Баъзида бу ерда бўлиш — Россиянинг хорижида бўлиш, деб ўйлайди киши.

Василий Львович дарҳол Петербург турмушидан зорланиб кетди: ҳеч қаерда на устрицалар, на арзимаган, лекин ғоят зарур пардоз нарсалари бор — ҳаммаси азбаройи ўша кемалар қатнамаётганининг касофати...

Дмитров унга ғилай кўзларини тикиб қараб қўйди-ю, жавоб бериб ўтиришни раво кўрмади.

— Ҳа, Москва, Москва,— такрорлаб қўйди у ҳамда Василий Львович бу дафъа ўзининг собиқ дўсти ўз ўй-фикрлари билан бандлигини, ўзи билан муҳим нарсалар юзасидан гаплашишни истамаётган министрлигини ҳис қилди.

— Устерслар қай гўрда ҳам бўларди,— талмовсираб деди у.

— Дўстим,— деб гинахонлик билан ниҳоят жавоб берди Дмитриев,— менинг ватаним Сизранда, унинг стерлядидан тотиб кўрганингизда борми, устрицаларни ортиқ эслаб ўтирмаган бўлардингиз.

У Сизранда кўп вақтлардан бери бўлмаган ва пешинликдан кейинги соатларда хотираларга берилишни яхши кўрарди. Ваҳоланки, Василий Львович Петербургда туриб, ўзини Сизрань тўғрисида ўйлашга мажбур қилолмасди. У «Беседа» хусусида гаплашишга чоғланди, пирқиллай бошлаган ҳам бўлди, лекин муваффақият қозонмади. Иван Иванович «Беседа» билан ҳамма жиҳатдан якдил эмас эди. Унинг қулоғига пичинглар тўғрисидаги афсусланарли миш-миш гаплар етиб келган эди: гўёки «Беседа»да унинг «Менинг ҳам арзимас нарсаларим» деган тўпламини кулги қилишган эмиш. Номи ўз вақтида маънога молик бўлган, чунки ўшанда Карамзин ўзининг «Арзимас нарсаларим» деган тўпламини нашр этган эди. Ўз тўпламини «Менинг ҳам арзимас нарсаларим» деб аташ билан у ўзининг Карамзин билан тўла-тўкис якдиллигини ва айни вақтда муаллифлик, камтаринлигини ифода этган эди. Дарвоқе, миш-миш гапларни текшириб кўрмоқ лозим, ҳали ҳозирча эса, «Беседа»нинг тавозесини инкор этмаслик керак: улар Иван Ивановични Заводовский, Мордвин, Разумовскийлар қатори васий қилиб сайлаган эдилар.

— Улар ғафлатда юрган бўлсалар ҳам,— деди у Василий Львовичга,— бироқ уларнинг мақсадлари ўз ҳолича савоблидир. Карамзин уларнинг фахрий аъзоси қилиб сайланган.

Дмитриев ёши жиҳатидан ҳам, мавқеи жиҳатидан ҳам каттароқ эди; эндиликда Карамзин билан дўст бўлганидек, у бир вақтлар Державин билан ҳам инoқ эди. У сўз дунёсида тинчлик тарафдори эди.

Василий Львович, хонаси келганда, Иван Ивановичнинг «Уч сайёҳ» ҳамда «Фил ва сичқон» деган янги масаллари шов-шувга қўзғатганини гапириб берди. Москвада уларни мириқиб ўқишяпти. Хусусан, «Уч сайёҳ»ни— ҳатто масал ҳам деб бўлмайди, у расмана достоннинг ўзи.

Иван Иванович бирдан Александрнинг кўзи ўнгида ўзгариб қолди: унинг ғилай кўзлари чақнаб кетди.

— Масаллар — ношукур тур, ҳеч тутқич бермай туриб олади,— деди у кулимсираб,— бизнинг тилимиз нўноқлик қилади.

— «Ҳўкиз ва сигир»-чи? «Уч сайёҳ»-чи?— гинахонлик билан эътироз билдирди амаки.

— Тўғри, бу масал ёки сизнингча, достонча, менинг энг сара шеърларим жумласида,— бепарволик билан деди Дмитриев.

— Москва мени ҳали хотирлайди, чоғи.

Шу ернинг ўзида Василий Львович: адабий тилни бузаётир, деб Криловнинг масаллари ҳақида гапириб қолди; уларнинг мантиқига сўз йўқ — ҳаммаси мирзоларбоп.

— Ғозларни сотгани мужик шаҳарга ҳайдар... Ғозга ўхшайди-я! Ни-ик-га-ар! Ға-ға-ға!

Дмитриев кулиб қўйди.

— Бориб турган тақлидчилик. Уларнинг «Беседа»сида эшитган гапинг шу! Ғозларнинг ғағиллаши!

Шу ерда Василий Львович дадилланиб, Гаврило Романовични нуроний ёшида безовта қилиш Шишков учун айб, деди. «Беседа»

кенгашлари уни нечоғлиқ уриптириб қўяётганини хаёлга келтиришга тасаввур ожиз. Уларнинг йиғинлари куни Фонтанкага қадам қўйиб бўлмайди, дейишади. Мухолиф «Беседа» кенгашлари уларга ўз уйининг катта залини бериб қўйган мўйсафид Державин хонадонида ўтарди. «Беседа» аъзолари буни Россия сухани меҳробига қилинган назр деб аташар, мухолифлари эса, чол миясини еб қўйибди, дейишарди.

Бора-бора Дмитриевдаги тўралик нуфузи йўқола борди. Афтидан, адабий мақтовларга унинг суяги йўқ эди.

Чуқур дилхасталик билан бош чайқаб қўйиб, у ўзининг улуғ дўсти хусусида деди:

— Ҳозир у Званкада, ҳордиқ чиқаряпти. Кексайиб қолган. Фақат аҳён-аҳёнда эскичасига хониш қилиб қолади. Лекин тетик. Саройга бориб туради, ҳамма гапнинг ичида. Мунаққидлик билан машғул. Ҳадеб ода ҳақида ёзади,— деб қўйди у хўрсиниб, бошини чайқаб.

Кейин ғилай кўзларини ҳар тарафга ғилмайтириб шивирлади:

— Умрнинг ошиқчасидан алҳазар!

Ниҳоят, амаки ўз ташрифи мақсадини эслаб қолди. Унинг бир жияни улғаймоқда, зеҳни ўткир, Иван Ивановичнинг мухлиси ҳам; аллақачон шеърга муккасидан кетган.

Дмитриев биринчи марта Александрга қараб қўйди. Боланинг шеърга муккасидан кетгани унга ботмади шекилли, унинг назари совуқ эди.

— Қофиябозликни қўя турсин.— деди у,— ёш нарсанинг ўзи ёзганидан кўра, ўзгаларникини ўқиб тургани маъқул.

Амаки бидирлаб, ўз жиянини лицейга жойлаштириш мақсадида олиб келганини айтди:

— Маъқуллайман,— соатга кўз ташлаб деди Дмитриев,— бу муассаса. Ахири болаларни она тилида ўқитишга бошладилар! Йўқса, лоақал оз-моз хат-саводи бор одамлар ҳеч қаерда топилмай қолди.

Амаки зириллаб, соат зангини кутар экан, дўстининг гапини бўлишга юраги бетламасди.

— Михайло Михайлович Сперанский, дарвоқе, худди граф Алексей Кириллович сингари бунга розилар,— деди Дмитриев.— Мен ҳам мавриди билан ҳар хил жойларда барча қўлланмалари билан қонуншунослик билим юртларини таъсис этмоқчиман. Тавсия гувоҳномасисиз мен энди мирзоларни судма-суд юришга қўймайман. Ётар жаҳолатда қолиб, ҳар мақомга йўрғалаб юришларимиз.

Ундаги адабий муаллифлик, ҳамма нарса бирпасда йўқ бўлди. Ҳеч ким уни ярим соатгина бурун шу ерда шеър тўғрисида гапириб ўтирган одам, демаган бўларди.

Ниҳоят, Василий Львович ундан жиянини қўллаб-қувватлаб юборишини очиқ сўради.

Соат еттига занг урди.

Иван Иванович ўсмирга ғилай кўзларининг нуфузли назарини раво кўрди. У жингала соч, бир оз дўхти совуқроқ, кўзлари тийрак эди. Илтифот деган нарсадан қилча йўқ эди.

— Граф Алексей Кириллович билан учрашиб қолганда, гаплашиб кўраман,— деди министр ўрнидан туриб.— Лекин у бирам нозиклашиб, одамгарчиликдан чиқиб кетганки, уни қачон учратишимни билмайман.

У меҳмонларга илжайиб қўйди, худди тарашадай қаттиқ қўли билан Александрнинг бошини силади-да, кузатиб қолди.

Ташқарига чиққач, атрофни кўздан кечирди-да, министр турадиган кўча тўғрисида:

— Ҳунук жой экан,— деди.

Петербург уларга бегона, бесўнақай ва нотаниш шаҳар бўлиб кўринарди. Амакининг Александрдан жаҳли чиқарди. Жияни одамови ва бирмунча ёввойироқ эди. Дмитриевникига боришга ҳозирланар экан, у бу учрашувни бутунлай бошқача тасаввур қилган эди.

Ҳаммаси туппа-тузук, хайр-маъзур эса, совуқ бўлди.

Александр: «Державин қаерда туради?»— деб қўққисдан сўраб қолди.

— У ёқда,— деб жавоб берди амаки ва қўлини силтаб қўйди,— Фонтанкада. Гарновскийнинг уйи ёнида. Уйи бинойида-ю, чол тамоман мункиллаб қолган, дейишади. Ҳовлида кампирга ўхшаб тумоқ кийиб, эгнига йўл-йўл чопон илиб юрармиш. Татарларнинг мурзаси. Муншийга ўхшаб, димоғида ибодатларни мингиллармиш.

Улар узоқ жим қолдилар. Сўнгра амакисининг кўнгли кўтарилиб, Александрга деди:

— Сабил қолсин ўша лицей. Лицейга илинмасанг, незуитларникига кира қоласан. Уларнинг иморатини кўрганмисан? У ажойиб бино. Уч сайёҳ ҳақидаги масали эса, нима десанг дею, оддий масал, ҳеч қанақа достонлик жойи йўқ.

4

Ниҳоят, Тургенев қадам ранжида қилди. Унинг ташвишлари бошидан ошиб ётган эди. У пашшаларни рўмолча билан ҳайдаб, ўзини гурс этиб креслога ташлади-да, Василий Львович билан учраштирай ва бўлажак талабасини унга таништириб қўяй, деб аббат Николни ўзиникига таклиф қилганини, лекин тунов куни иш алғов-далғов бўлиб кетганини, аббат Никол ўз муассасасини берки-

таётганини маълум қилди. Унга қандайдир бало илашиб, кўпчилик талабаларнинг уруғини қуритган эмиш. Аббат Петербургдан, Петербург эса, аббатдан норози эмиш. Унга Сперанский тўғаноқ бўлиб турган эмиш; Разумовский у тараф экан; унинг пансионининг бош муаллими, иезуит Септаво падар вафот этибди. Николь танг аҳволда қолиб, Одессага — дўсти Ришелье ҳузурига жўнаб кетяпти экан. У ерда иезуитлар кампуцин, францискан ва кармелитларнинг ўрнини босарканлар. Бу, Голицининг фикрича, яхши гап эмиш, лекин унга — Александр Ивановичга барибир, чунки у кармелитларнинг четлаштирилиши учун жиддий сабаблар бор, деб ҳисобламайди. Қримни йўлга солишнинг фойдаси бор. Аббат Николь янги лицейга ўчакишиб, ўзининг Одессадаги пансионини ҳам лицей деб атамоқчи. Ҳолбуки, иезуитлар коллежи таъқиб этилиши кутилмоқда. Умуман, Александрни жойлаштириш учун вақтнинг энг нобопини танлашибди: бирон йил кута турилганда эди, ҳамма нарса жой-жойига тушиб қолган бўларди. Шунақа иссиққи, тинка қурийди.

Василий Львович карахт бўлиб қолгандай эди. У капуцинларни иезуитлардан фарқламас, Қрим билан иши ҳам йўқ эди. Янги лицей ва Одесса лицейи уни довдиратиб қўйди. У бир нарсани фаҳмлади: ўзи Александрни жойлаштириш умидида юрган Николь пансиони ортиқ мавжуд эмас. У қардошлик меҳри товланиб кетиб, жиянини энди ёпилай деб турган пансионга жойлаштиришни бўйнига олиб қўйганидан пушаймонда эди. Онасининг «Бўлмас ишга бўлишмас» деган севимли мақолининг чуқур маъноси унга энди аён бўлди. Александрни нима қилишини, қаёққа жойлаштириб қўйишни билмай, унга ҳайрон бўлиб қараб қўйди.

Александр хижолатда қолганга ўхшарди: гап унинг тақдири ҳақида бормоқда эди. Ўзининг иеузитларникида яшаши тўғрисидаги фикрга тамомила кўникиб кетган эди. Ўша турмушнинг янгилигининг ўзи уни жазб этарди. Иезуитлар уйининг баланд-баланд пештоқларини, ҳазин ўртоқларининг унсизлигини, лотин тилини, ўзи ҳар дақиқа хуфиёна бузиб туришни кўнглига тугиб қўйган роҳиблик қоидаларининг қаттиқлигини тасаввур қилиб юрган эди. Шуларнинг ҳаммаси барбод бўлмоқда эди. Яна ота-она уйида бўлишга тўғри келиши тўғрисидаги фикр унинг ғазабини келтирди. Уша ондаёқ ўйлаб-нетиб ўтирмай, бир илож қилиб, ота даргоҳига қайтмасликка аҳд этди. У хўмрайиб амакиси билан Тургеневни кузатарди; Тургенев унинг хижолат бўлганини пайқади.

— Лицейга бериш керак,— деди у.— Янги услубда тарбия қилишади, балким, улуғ князлар ҳам ўша ерда бўлишар. Сперанский ва ҳатто, эшитишимча, императорнинг ўзи ҳам валинеъматлик қилаётган эмиш. Иезуитлар қутуриб юришибди.

У Голицинга бир оғиз айтиб қўйишни ваъда қилди. Фақат қулай фурсатни пойлаб туриш керак: князнинг ҳафсаласи йўқ, бундай пайтларда доим тажанг бўлиб юради.

— Лицейнинг шуниси яхшики,— изоҳ берди Александр Иванович,— у пансион эмас, билим юрти эмас, университет ҳам эмас, балки биратўла ҳаммаси. Пансионлигининг бонси — унда ҳамма нарса муҳайё; билим юртлигининг бонси — ёши ўтиб қолганларни олишмайди; университетлигининг бонси у ерда профессорлар бўлади. Куницин, Николашни танишим, Геттингендан келди-ю, ишга тайинлашди.

Василий Львовичга жон кирди: Голицин Разумовскийдан, қолаверса, Дмитриевдан ҳам зўрроқ эди. У кўнгли бузилиб, Александрни қучоқлаб олди ва гўё жиянини унинг паноҳига топшираётган бўлиб, дўстининг қўлини қисиб қўйди. Александрнинг тақдири бир зумда ҳал бўлиб қолган эди.

Аён бўлдики, иезуитлар анча вақтдан буён Василий Львовичнинг кўнглига шубҳа солиб юрган экан. Улар шогирдларини кўркўрона фидойи қилиб тарбиялаш учун полиздаги жўякларга асосан ҳеч нарса экишга мажбур этишади, деб эшитган экан. Хўш, нима гап денг? Гўё ўша асоларнинг сопи кўкариб кетиши мумкиндай, уларни ҳар куни суғориб туришга мажбур қилишар экан. Ҳайвонларни қаранг! Исонинг ихвати, сирасини айтганда, аллақачонлар ҳамманинг жонига тегиб кетган. Шу ерда масъуд ва беғам Василий Львович Буалонинг ўткир гапини эсга олди. Буало иезуит падарлар билан айтишиб қолибди. Иезуитлар панд-насиҳат қилиш учун унинг ёнига ўз аъзоларидан иккитасини жўнатишибди. Буало улардан: «Қанақанги одамларсиз?»— деб сўрабди. «Исо ихватиданмиз»,— деб жавоб беришибди улар. Шунда Буало: «Туғилаётган Исонингми ёки жон бераётган Исонинг?»— деб сўрабди. Негаки, Исо қўрада ҳайвонлар ичида туғилиб, икки қароқчи қўлида жон берган экан.

Василий Львовичнинг оғзи қулоғида эди. Жиянининг саройда тарбияланиши тўғрисидаги фикр уни завқлантириб юборган эди. У гайриихтиёрий ифтихор билан шундан бир зум илгари ўзи дардисар деб ҳисоблаган Александрга қараб қўйди. Бу Петербургдаги омаднинг осонлиги, тасодифнинг бу ўйини уни бирдан даҳшатга солиб юборди. У тинмай гапирарди.

Тургенев ҳам куларди. Пушкинларни у шунинг учун яхши кўрарди-да. Уззукун Петербург ишлари ва одамлари билан овора бўлиб юриш, ҳамма гапдан биринчи бўлиб хабар топиш, барча Петербург табаддулларини туйиб юриш, муҳим немис ва итальян фалсафасининг жонкуяри бўлиш — осон иш эмас эди. Александр Иванович Москва қалбини жонидан севар ва ҳис қиларди. Кўз ўнгида иезуитлар тўғрисидаги фикрини ўзгартириб ўтирган Василий Львович жуда ёқимтой эди.

Дарвоқе, кулиб-кулиб бўлиб, у Василий Львовичнинг фикрига қўшилмади: иезуитларнинг нафи тегиб қолиши мумкин. Саратов немислари, Кавказ халқлари орасида, Моздок чўлида, Хитой чегарасида уларнинг фаолияти асқатиб қолар: у ерларга бирор одам ўз ихтиёри билан бормайди, иезуитлар бўлса, ҳеч нимадан бош тортишмайди.

Василий Львович қўл силтаб қўйди. Иезуитлар уни ортиқ қизиқтирмасди. Лицеями ёки лицейми — жияни мана қаерга киради. Дарвоқе, қандай гапириш керак: лицея дебми ёки лицеймми?

Тургеневнинг ўзи ҳам тузуккина билмасди. Лицей бўлгани яхши, мардонаворроқ ҳам жаранглайди, деб қарор қилдилар.

Амаки винога одам юборди ва Александрни ўз қадаҳини оқ ичишга мажбур этди. Петербург энг қутлуғ шаҳар бўлиб кўринарди. Шу аснода Тургеневнинг эсига Василий Львовичнинг ёнига қандай янгилик билан келгани тушиб кетди. У Батюшковнинг янги шеърларини олиб келган эди.

Батюшков петербурглик ва москвалик дўстлар орасидаги низолар сабабчиси: Жуковский билан Вяземский унга Москвадан сира жавоб бермай туриб олган эдилар. Гнедич Петербургда туриб жони чиқар ва рашк қиларди. Сўнгги пайтларда анча нозикроқ алоқалар уни Москвага қадаб қўйган: Алексей Михайлович Пушкиннинг хотини Елизавета Григорьевна, оқила ва гўзал аёл унинг дўсти бўлиб қолган эди. Дарвоқе, дастидан Петербург билан Москва талашиб-тортишиб ётган шоир бундан зерикиб кетган эди. Вақт-вақти билан у икки пойтахтнинг қоқ ўртасида бўлган ер-мулкида жон сақлар эди. Александр Иванович москваликлардан илгари воқиф бўлишнинг эвини топган: шеър айни москвалик дўстлар — Жуковский ва Вяземскийларга нома эди. Бу шеърлардан Василий Львовичнинг ҳали хабари йўқлигига Александр Ивановичнинг имони комил, лекин у варақни эсдан чиқариб уйда қолдирган эди. Нома «Менинг масканим», деб аталар ва икки юз сатрдан зиёд эди. Василий Львович қўлларини силтаб юборди:

— Икки юз сатр-а! Қалай!

Тургеневнинг эсида фақат дастлабки икки банд қолган эди, холос:

Ортимиздан учиб бораркан ҳамон,
Вақт худоси нуроний,
Ўрмонни гули-ла этмишдир пайҳон,
Аёвсиз ўроғи — қирони.
Саодат ортидан, дўстгинам, тезроқ
Ҳаёт сафарига учиб кетайлик.
Шаҳвонй қисларга қондириб чанқоқ,
Ажалдан бир йўла ўзиб кетайлик!

— Қойил,— деб юборди Александр.

— Қойил,— такрорлади ҳафсаласи пир бўлган амаки,— ҳаммани доғда қолдирибди.

Уни яна бир марта ўқишга мажбур қилишди:

Шаҳвонй ҳисларга қондириб чанқоқ,
Ажалдан бир йўла ўзиб кетайлик!

Василий Львович шошиб қолган эди.

— Москвада эса, ҳеч нимадан хабарлари йўқ,— деди у шеърларни унга кўрсатишмаган ёш дўстларидан аччиғи чиқиб.

Александрнинг кўзлари ёнарди. Москвада у Петербургдаги шеърий безгакдан мутлақо бехабар юрибди экан. Вино, Батюшковнинг шеърлари унинг бошида аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Ўзини унутиб, у Тургеневдан қайта ўқиб беришини сўради. Тургенев яна ўқиб берди. Шамларни ёқиб юбордилар. Ой чиқиб турарди. Деразалар очиқ эди. Ҳаво аста-секин совий бошлади. Ҳар учаласи Петербург янгилигидан ҳайрон қолиб ўтиришарди.

Кечаси у уйғониб кетди. Боши айланарди. Ҳамма ёқ кундуздай ёруғ эди. Хона Батюшков шеърларидан ораста эди.

5

Василий Львович бирдан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Унинг ўринда эриниб ётадиган, оҳангини келтириб узоқ эснайдиган, дам хизматкорни, дам ошпазни чапак чалиб чақирадиган феълн бор эди, умуман, то сафарга чиққунча аллақандай бир ҳафсала билан ялқовликка берилиб кетди. Кутилмаганда уни бир-икки соатча ширин уйқу элтар, шунда бирам қаттиқ хуррак тортардики, ҳар гал эшитганда, Анна Николаевна сесканиб тушарди. Энди ҳаммаси ўзгариб кетди. Тунлари у ухламай чиқарди. Ёзаётган пати ғичиллайди, сиёҳ сачрайди, қорни селкиллайди: хохолайди. Баъзан ваҳимага тушган Анна Николаевна эшикдан бош суқиб қолар ва ҳадеб бир нарсани кўрарди: Василий Львович этаги ергача осилиб тушган, қорнини аранг ёпиб турган чопонини елкасига наридан-бери ташлаб, сол ёнида ўтирар ва хохолаб-хохолаб, варақ кетидан варақни ёзиб ташлайверарди. Унинг сийрак сочлари бошида диккайиб турарди. Анна Николаевна секингина чўқиниб оларди-да, жойига бориб ётарди. Александр, баъзан қизиқсиниб ва нашъа қилиб, амакисига қараб қоларди. Бир марта амакисига халал бериб қолиб эди, дарров орқасига тисарилиб ол-

ди: Василий Львович унга қараб, афтидан, уни кўрмай, алланечук маърагансимон инграб юборди. Девор орқасидан вишиллаган ва чийиллаган товушлар тез-тез эшитилиб қоларди: амакининг шеър ўқиши эди бу. Кейин қўлларини ишқалар, хохолаб кулар ва таққа тўхтаб қоларди. Сукунат чўкардию ва хаял ўтмай яна патнинг ғичиллагани эшитиларди. Шу зайл чопонни елкага ташлаганича, оламдаги жамики нарсани унутиб, амаки икки ҳафта уйда ўтириб қолди. Икки ҳафтадан сўнг Василий Львович ўзгариб кетди. У сочларини қўнғироқ қилди, элик сурди, атир сепди ва уйдан ғойиб бўлди. Нумерга бир даста пат олиб кекса мирза келди-да, Василий Львовичнинг қоғозларини кўчиришга киришди. Мирзаларга тоқат қилолмайдиган Анна Николаевна бунинг ҳаммасига зуғум аралаш қараб-қараб қўярди. Лекин мирза сал тилини чиқариб, патларини ўткирлаб, астойдил кўчираверди-ю, у ҳам татқдирга тан бериб қўя қолди: баъзан унга бир стакан ароқ тутишни буюрадиган бўлди. Тез орада бир нарса уни хавотирга солиб қўйди: мирза кўчираётганда, ҳиринглади. Анна Николаевна аразлаб қолди-ю, ароқ беришни тўхтатиб қўйди. Эртасига мондорчиликка жўнайтуриб, Василий Львович қувончини яширолмади, у ошкора тантана билан қоғозларни панталонининг чўнтагига тиқиб қўйди-да, Александрга қаради. Кўзларини қисиб туриб, унга эътироф қилди: ҳазилнамо, лекин мардона ҳам янги энг ғаройиб йўриғдаги достон оламга келган. Александр, турган гап, бу маънода ҳали ғўр, шу боисдан амаки, таассуфки, унга ҳеч нимани ўқиб беролмайди. Ҳамма попваччалар, югурдаклар, Оқсоч Бобою Шишкев уйи — тамом. Достон муаллифининг номи, таассуфки, унга маълум эмас.

Муаллиф — амаки, бу равшан бўлиб турарди.

Жиянини иезуитлар, лицей ва яна худо билади, ким қандай тарбиявий муассасаларга жойлаштиргани келган пайтда Петербургда кутилмаган йўсинда унга илҳом келиб қолди. Бу ҳол тасодифан рўй берди, қандай бўлганини унинг ўзи ҳам билмай қолди. У нозик дидга қарши бош кўтарган Шишков тарафдорларини ҳали мирзалар, ҳали югурдаклар, деб шунчалар жон куйдириб сўкар, «Беседа» мажлисларини ҳали қовоқхонага, ҳали макруҳ уйларга шунчалар кўп ўхшатардики, достон ўз-ўзидан яралиб қолган эди. У бамисоли аллақандай демон ҳукмида эди. Бу шундай содир бўлди. Бир куни у ўзининг одатий эринчоқлиги билан Шишков тўғрисида хаёлига келиб қолган қандайдир фикрни бир варақ қоғозга туртиб қўйгани столга ўтирди — бирдан бунинг ўрнига бир-иккита шеърни қоралаб ташлади. Бирмунча таажжуб билан завқдан энтикиб, тупук сачратиб, уларни ўқиб чиқди: шеърлар қутлуғ эди. Энди улар қуйилиб келаверди. У оғзи очилганича ёзаверди. Вассалом. Ёзишдан кўра, сайқал беришга кўп

роқ вақти кетди. Достон жойи — ўзига ҳам, укаси Сергей Львовичга ҳам обдан таниш, машҳур Панкратьевна ишратгоҳи қабилидаги уй эди. Иш бу унинг меҳмонлари ўртасидаги асл гомерча урйиқит билан якунланарди. Меҳмонларнинг бири қавм муншийи бўлиб, ўшаниси айниқса таъзирини ейди. Василий Львович Цирцея билан шов-шувли қўйди-чиқди пайтида қавм руҳонийларидан ўзи тортган барча хўрликлар хуморидан чиққан эди. Энди ҳам муншийлар тек юришмасди: Шишков уни даҳрий деб бадном қилди. Баттар бўлсин!

Қўшмачига келганда, у билан икки забардаст меҳмон хонимлар Шишковнинг дўсти, Жуковский билан Карамзиннинг душмани, «Беседа» аъзоси бўлмиш Шаховский комедияларининг мухлислари эди. Уларнинг афти ангори ва қадди-басти таърифини Василий Львович роса қиёмига келтирди. Достонни «Қалтис қўшни» деб атади. Энди Василий Львович Петербург бўйлаб кезиб, ўз достонини ўқиб юрарди.

Муваффақият ҳаддан зиёда бўлди. Бутун зодагон уруғи, идоралардаги мирзаларнинг қиладиган иши Василий Львовичнинг достонини кўчириш бўлиб қолди. Бу охири келган чинакам шуҳрат эди. У извошда ўтиб кетаётганида, ҳамманинг нигоҳи унга қаратиларди. Бир нарса уни хафа қиларди: нашр ҳақида хаёл қилишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Бир марта Александр билан ўрталарида сал ғалатироқ гап қўзғалиб қолди: Василий Львович тўсатдан энг яхши асарлар матбуот учун яратилмаган, деб исбот қила кетди; Гомернинг ўзи матбуот учун ёзмаган, зеро, у маҳаллар матбуот бўлмаган ҳам, худди цензорлар сингари, заҳар аралаш қўшимча қилиб қўйди у. Василий Львовичнинг ўз асарини жиянига ўлгудек ўқиб бергиси бор эди, ўспирин нима деганда ҳам шеърларнинг маънисига етарди. Унда, амакининг фикрича, Пушкинларга энг юқори даражада хос бўлган хислат — дид бор эди. Шу билан бирга, у ўзи достоннинг мағзи деб атагувчи нарсадан ғўр ўспиринни бохабар қилишга андиша қилиб турарди. Ўзи уйда қолган биринчи оқшомдаёқ,— Александр Пушкинларникидалигида,— достонни Анна Николаевнага ўқиб бериб, унинг таъсирини синаб кўрган бўлди. Таъсири антиқа бўлиб чиқди: Анна Николаевна йиғлаб юборди. Иборалрнинг бирмунча дағаллиги уни сира изза қилмади, адабий шамаларни у тушунмади шекилли, лекин у номидан баён олиб борилган уйдирма шеърий шахсни Василий Львовичнинг ўзи деб қабул қилган эди. Ўша шахс муштлашувда иштирок қилгани сабабли эса, Василий Львовични ўйлаб, кўнгилчан аёл қўрқиб кетди. Василий Львовичнинг ўзи ҳам бир оз хижолат чекиб қолди: ўша, гўёки макруҳ, уйни зиёрат қилган ва кейинги саргузаштларнинг ҳаммасини бошидан кечирган уйдирма шахс қуйиб қўйгандек унинг ўзига ўхшар —

унинг худди васвасага дош бера олмагани ҳақидаги афсус-надоматлари шунчалик жонли чиққан эди:

Сўниб қолди шамчироқ, сандиқ эди яқинроқ...

Қовоқхонага полиция чокари кириб келган саҳнани ўқиётганида, Анна Николаевна йиғлаб юборди.

— Оҳ, жонгинам,— деди ҳафсаласи пир бўлган Василий Львович,—ҳақиқатда бу нарсалар бўлмаган-ку.

— Бўлмаса, бундай нарсаларни ёзиб нима қилардингиз?— деди Аннушка кўз ёшларини артиб.

Василий Львович қўл силтаб, унга бирор нарса ўқиб бермаганим бўлсин, деб тавба қилиб қўйди. Аммо-лекин у гўё иттифоқо достон кўчирилган қоғозларни столда қолдириб кетди. Александр уни ўқиб чиқди. «Қалтис қўшни» чинданам гўзал ва бениҳоя мароқли эди. Александр энди амакисига ғайриихтиёрий ҳурмат, ҳаттоки ҳавас билан боқадиган бўлиб қолди. Василий Львович жиянининг бу нигоҳларини сезмай қолмади. У юрак-юраги билан сезиб, билиб турарди: шуҳрат бу. У бехтиёр кўзларини қисиб олар ва пишиллаб қўярди.

— Мантиқ-да, дўстим!— хитоб қиларди у.— Камолотга етиш мушкул гап! Мен ўзим ўша... то мени ҳисоблашаётган даражага етгунча Дюмарсе, Бюффон, Руссо, Поп, Гюма, Буало, Фонтенелларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанман!

6

Энди у Петербургда янги бир туйғу билан юрарди. У биларди ва амин эдики, Москвага қайтиб бормайди. Уни бу шаҳардаги ҳамма нарса ва энг аввало кенгликлар ҳайратда қолдирарди. Уйларга боқар экан, унинг ўзи ўзига баландроқ бўлиб кўриниб кетарди; қадам олиши қатъийроқ бўлиб қоларди.

У ёлғиз эди.

Муюлишда у ота насиҳатларини унутиб, пирожкилар сотиб олар, бир марта эса забонсиз чухонлик қўлидан бир кружка сут ичди. Амаки келганидан кейин сал вақт ўтгач, унга уч сўм берди-да, бир маҳал юз сўм берган аммаси Анна Львовнага ўхшаб огоҳлантириб қўйди:

— Йўқотиб қўймагин тағин.

Лекин ота ва амма насиҳатлари, ҳаттоки амманинг ўзи ҳам унинг хотирасидан бир йўла ўчиб кетди. Василий Львович уни баэўр ота-онасига хат ёзиб юборишга мажбур қилди.

Бу янги шаҳардаги ва Василий Львовичнинг муваққат бошпанасидаги ҳеч нима унга Москвани эслатмасди. Болалик гўё елкадан тушиб кетгандай, гўё ҳеч қачон мавжуд бўлмагандай изсиз йўқолди. Биринчи ҳафтадаёқ у опасн ва укаси борлигини унутиб

юборди, худди бир ҳафтагина бурун улар билан сайр қилиб юрмагандай.

Кунлардан бир куни Невский проспектидан кета туриб, у бир гапни эшитиб қолди:

— Давлатпаноҳ...

У Сергей Львовичнинг насиҳатларини бирпасда унутиб, қизиқсиниб олға отилди-ю, ҳеч нимани кўрмади.

Оқ жиға тақкан икки киши, олдинда қора қалпоқ кийган кишилар ўтар, қарийб уларнинг ёнгинасида — семиз, қизил юзли пўрим бир одам рўмолча билан елпиниб борар, атрофдаги ҳамма бир-бирига таъзим бажо келтирарди.

— Йўқ,— деди бир кишига семиз пўрим киши,— у ҳозир Тош оролда.

Одатда у канал ёқалаб ўнгга юрарди. Чап томонда томига қора қўриқчи ҳайкаллар ўрнатилган қишки сарой турарди. У. Мойка бўйлаб,— гўё бу ерлар Демут меҳмонхонасининг давомидек эди,— деворлар қуршовида борарди; бир марта у Царицин ўтлоғига чиқиб қолди. Царицин ўтлоғи бир чўл эди. Илк бор, у ўйлаб ҳам ўтирмасдан, шаҳарларнинг қуруқ жойда барпо этилишини ва чўллар билан ўралган бўлишини кўриб тушуниб олди. Унинг боши айланиб кетди. Олдинда, бир тусдаги чўлдан нарида чеккаларига тош терилган хилват Нева бор эди. Бу шаҳардаги ҳамма нарса бир қолипда, равон ва овлоқ эди.

— Ёзги боғни чўян қозиқлар девори ўраб турарди. Кўкаламзор рутубатли; дарахтлар панасида кўринмай ётган Нева бу ердан оқиб ўтар эди. Ҳайкаллар қаққайиб турарди. Унинг сира қизиғи бўлмаган ерида болалар сайр қилиб юришарди. У Лебяжий кўпригига чиқиб оларди. Анҳорда қари ва исқирт икки оққуш бўйинини буриб олганича, ҳануз сузиб юрарди. Мустаҳкам қалъага ўхшаш, ҳувиллаган қаср ҳамма тарафдан анҳор билан чирмалган ҳолда, оролда турарди; унда ҳаётдан асар йўқ эди. У айланиб юрган чолдан бу император Павел яшаган ва ўн йил муқаддам қазо қилган Михаил қасри эканини билиб олди. Император ўлдирилганлигини у биларди. Отасининг ҳикояларига қараганда, император Александрни гўдаклигида учратиб қолган ва роса койиб ташлаган экан.

— Сиз, тақсир, у пайтлари ҳали оламда бўлмагансиз,— унинг ўйчанлигини пайқаб деди чол.

— Йўқ, бўлганман,— деди у ўжарлик билан ва нари кетди.

Москва ҳамма нарсадан йироқ эди; бу ерда ҳамма нарса яқин. у илгарилари тасаввур қилганидан яқинроқ эди.

Бу кеч у эрта ётиб олди ва амакиси билан гаплашишни истамади ҳам; у чақириб қолганда эса, кўзларини юмиб олди-да, ўзини ухлаганга солиб ётди.

Кечаси у Петербург товушларига қулоқ соларди: на тунги қоровулларнинг шақилдоқлари, на бемаҳал йўловчиларнинг гангур-гунгир гаплари, йўқ, пастда бировнинг қадам товушлари тош тахталарда жарангларди. У деразага қаради: тун ойдин эди; бемаҳал санқи уйига қайтмоқда ва тоштахталардан ўшанинг қадамлари садоси эшитилмоқда эди. Қўшни хонада Василий Львович амаки қимирлаб, инқиллаб қўйди, отаси сингари эмас, қаттиқроқ, жавраниброқ. Бирдан Александр унинг қўшничилигидан қувониб кетди.

7

Кўп ўтмай амаки уни икки бўлғуси ўртоқлари Ломоносов ва Гурьев билан таништириб қўйди.

— Мана, дўстим, лицейдаги биродарларинг,— деди у ва ўспиринларни бир-бирига ҳавола қилиб қўйиб, кетди-қолди.

Улар бир-бирларига қараб қўйдилар.

Ломоносов оқ сариқдан келган, назокатли ва жуда эпчил эди. У Василий Львовичга таъзим қилар экан, ўзини эркин тутди. У кўп жилмаярди. Гурьев хумор ва дўмбоқ эди. Улар Александрга тааҗжуб билан қараб қўйдилар, бу эса уларга хўмрайди. Улар французчалаб гапира бошладилар, у ҳам. Ломоносовни лицейга етти киши жумласида Москва университети пансионидан ўтказишмоқда; у ўз ўртоқлари ҳақида биз москваликлар деб гапирарди. У илгари танишиб олган Гурьевга жўрттага чала жумбоқ тарзида гапирарди:

— Эсингдами, мен сенга Данзас тўғрисида нималар деган эдим?

Шунда иккалови ҳам кулиб юборишди.

Гурьев Александрдан уни лицейга ким тавсия қилаётганини сўради.

Александр сал хижолат чекиб қолди. Ўзининг Дмитриевникига қилган зиёратининг аҳамиятига ҳам, амакисининг Голицин ва Разумовский ҳақида айтган гапларининг ҳаммасига ҳам унинг фаҳми етиб турарди-ю, лекин оқибат ўзига ким ҳомийлик қилишини у қатъиян билмас, бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қиларди ҳам. Унда отасининг ориятчанлиги қўзиб кетди. У Сергей Львович ўзи билан Дмитриев хусусида гаплашган пайти ғалати ола қараб қўйганини эслади.

— Ҳеч ким,— деди у.

Иккалови ҳайрон бўлиб, бирдан жимиб қолишди.

— Мени бўлса улуғ князь Константин,— деди Гурьев,— у киши мени чўқинтирган.

Кейин улар бирдан стуллар оша сакрай бошладилар, бир-бирларини қува кетдилар. Анна Николаевнани пайқамасдан

унинг бўлмасига ҳам кириб чиқдилару ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, тезда хўшлашиб кетиб қолдилар.

Янги ўртоқларни Александр бошқача тасаввур қилган эди. Бирдан унинг ўша ўзи иезуитларникида бирга яшашга ҳозирлангани ридо кийган, хомуш, мўминқулларга раҳми келиб кетди. Янги дўстларининг бу совуқлиги, лоқайдлиги, шошмашошарлиги уни мулзам қилиб қўйди. Гарчи ўзига ҳеч ким озор бермаган бўлсада, ранжиб қолганди.

8

Ёз билинмай ўтиб кетди. Ёзги боғдаги кўкаламзорлар аллақачон чанг босиб, зерикарли бўлиб қолди. У ер-бу ерда сўлғин сариқ япроқлар кўзга ташланарди. Август келди. Бу йилги ёз сершовқин, сержала бўлди. Тош кўча бир лаҳзада худди қор билан қоплангандай бўлиб, дўлдан оқариб кетарди. Александр лицейга номзод қилиб сайланди; бу хабарни эрталаб Тургенев олиб келди. Амакиси Александр томонга ўгирилиб, унга қисқа қилиб:

— Сен номзодсан,— деди.

Министрга таништирилиш лозим; саккизинчи августга эса, имтиҳонлар тайин қилинган эди; етиб келишга улгура олмаган номзодлар ўн иккинчи, узоғи билан ўн саккизинчи августда ташриф буюриши зарур эди.

Тургенев кетган замоноқ Василий Львович бир коса шоколадни эрмак қилиб ўтириб, жиянининг илмини текшириб кўрмоқчи бўлди.

— Меч билан «мяч» дегани бир нарса бўладими, дўстим?— деб сўради у.

Александр лол қолди. У «мяч» дегани нималигини жуда яхши биларди. Амакисига унинг жавоби манзур бўлди.

— Жуда яхши. Анави Шишков бўлса, уларни ҳар жиҳатдан бир хил деб ўйлайди, дўстим: иккаласи ҳам мечу метать феълиданмиш, негаки уларнинг қўлланилиши шул ҳаракат туфайли эмиш. Ана бемазагарчилик!

— Хўш, дўстим, сен жисмларнинг умумий хоссалари тўғрисида нималарни гапириб бера оласан?— тааҗжуб билан жадвалга қараб сўради амакиси.

Жиянининг жавоби қисқа ва аниқлиги билан уни қаноатлантирди. Жисмлар қаттиқ, суюқ ва газсимон экан. Василий Львович тааҗжуб билан жисмлар хоссалари тушунчасига ўзи мутлақо бошқа, ярашмаган маъно бериб юрганини фаҳмлади.

Амакиси Александрни георгафиянинг бошланғич асослари бўйича имтиҳон қилиб, Франциядаги энг машҳур дарё қайси ва Волганинг боши одамлар айтаётганидек, ростданам жуда кўримсизми, шунингдек, у Тверь губерниясининг қай уездидан оқиб

чиқади, деб сўради. Бу жойларни Василий Львович гвардиячилик чоғи Осташковский уездида бўлганидан бери билар, эсида сақлаб юрарди. Тарихдан у улуғ Александр тўғрисида сўради. Арифметикадан Василий Львович жиянини текширмади. Уч каррали қоидагача биламан, деган жавоб уни тинчитди. Барча ўрта ёшдаги кишилар сингари, бирорта арифметик қоида унинг эсида йўқ эди. Бўшаётган ва қайтадан беҳуда тўлаётган сув ҳавзалари, шунингдек, даромадларни бачкана тақсимлашлар унинг нафратини келтирар эди. Бундан ташқари, жиянининг савод бораси-даги кучини кўриб қўйиш учун у Александрга ўз шеърларининг икки катренини рус ва француз тилларида ёздирди. Иккала катренни ҳам Александр осон ва бемалол, мирзаларча илгаку йўғон чизиқларсиз ёқиб берди; пат учиб юрар, ҳуснихат, гарчи палапартиш бўлса ҳамки, тўғри эди. Аммо-лекин имлога хилоф бир дунё хатоларни қалаштириб ташлади. Хатоларда ҳам, ҳуснихатда ҳам Монфорнинг шогирди экани кўриниб турарди.

Амакиси, яхшиси Александр кечиккан киши бўлиб, ўн иккинчи августда боргани маъқул, деб қарор қилди. Сперанский янги талқин берган имтиҳонлар уни ўзининг мавҳумлиги билан қўрқитарди.

9

Министрга таништириш куни Василий Львович тонготарда турди. Қўлига омбурча тутган ҳолда, кутиб турган забардаст камерднер уни тогага ўрагандек қилиб, рўйжага ўради-да, сочини жингала қила бошлади. Ниҳоят, амаки жабо атиридан пуркаб, сал-пал ҳурпайтириб қўйган эди, у янаям ғуппайиб кетди; Василий Львович жиянига биринчи бор кўраётгандек диққат билан разм солиб тургач, тараниб олишни буюрди. Амакисининг камердинери камсуҳан ва дўхти совуқ киши эди. Бир оз жим тургач, у Александрга:

— Сизга омбурча даркор эмас. Табиатан ўзи жойида,— деди-да, елкаларига чўтка уриб, камзулини тузатиб қўйди.

Александр қизиқиш билан ўзини кўзгуга солиб кўрди, сўнг икковлон равона бўлдилар. Бўсағада амакиси бирдан уни тўхтатиб қолди.

— Александр,— деди у,— энг асосийси, бесўнақай бўлма.

Сарвқоматман, бемалол юраман, деб ўйлаб юрган Александр бирпасда қимтиниб қолди.

Амакисининг ҳафсаласи совиди.

— Олий давраларда, дўстим, юришда маъни кўп, ҳамма гап шунда деявер. Минглаб кўзлар сенга қадалиб туради. Сенинг мартабанг ошиши ё ошмаслиги мумкин, сен бўлсанг, бепарво, бемалол ўтиб кетаверасан. Акс ҳолда, ҳолинг хароб.

Дарвоқе, қорин солган Василий Львович бепарволик ва бемаолллик билан эшикдан ўтди.

У йўл-йўлакай Александрга яна бир маслаҳат берди: чинқирилмасин. Александрнинг овози бузилмоқда эди.

Министрга таништириш бир зумгина давом этди, лекин улар қариндош-уруғлар ва мураббийлар ҳамкорлигидаги номзодлар тўдаси билан министрга унинг қабулхонасида роса икки соат кўз тутдилар: Разумовский алламаҳалгача ухлагувчи эди. Александр гўё туман ичида эди; тонг саҳар, узун зал, тенгқурларининг кўплиги уни гаранг қилиб қўйган эди. Бу орада амакиси уни қандайдир янги бир ўртоқ билан таништириб қўйди, бу ўспирин ҳам сиёқидан хижолатда эди ва Александрга хира назар солиб, унинг қўлини узоқ тутиб қолди.

Ниҳоят, ҳал қилувчи дақиқа келди: мансабдор чақирди-ю, у ўзига аранг назар ташлаган министр қошида ҳозир бўлди. Кейин ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, ҳамма пастга тушди, шу ерда ойболта тутган вазмин швейцар уларга қутлов айтди ва унинг тақдири ҳал бўлди-қўйди.

Унинг назарида ҳаммаси ўн дақиқа кечгандай, бундан ҳеч ҳам кўпмасдай эди, ҳолбуки улар пешинликка кеч қолдилар.

Амакиси тўнғиллади:

— Олий давра, дўстим, ўша-ўша. Тун бўйи қимор ўйнаб чиққандир, эрталаб эса, мўътабар кишиларни тўплаб олиб, уйқуни урянти. Қандолатхонага кириб ўтайлик, дўстим, ўлгидай қорним оч. Лоақал шоколад ичиб олар-сан. Ҳаммаси бир гўр: ўғлини қалъага ўтқазиб қўйган, ўшанинг отаси касофатига сенинг бобонг қалъада ўтириб чиққан. Уларнинг қонида бор бу. Сенинг бобонг ўз бурчини адо қилган, хонишчи ўтмагани эса рост.

Дўкондан шоколад ичгач, амакининг кўнгли сал таскин топди.

— Елкамдан тоғ ағдарилди, — деди у. — Имтиҳонлар, чамамда, қуруқ расмият. Лицейга қабул қилиндим, деб ота-онангга ёзиб юборсанг ҳам бўлаверади.

10

Дарҳақиқат, у ўн иккинчи августда топширган имтиҳон атиги бир-икки минут давом этди, холос: ҳаммаси ҳал бўлган эди.

Александрдан ташқари яна учтаси кечикди: қорача ва маъюс, доим алланималар деб унсиз ғўлдираб юрган, афтидан, қоидаларни такрорлаётган Есаков; оппоқ, лўппи Корф ва Александр таниб олган Гурьев. Уларни яккама-якка чоғроқ бир хонага чақиришар, у ерда стол атрофида министр ва бир неча мансабдорлар, эҳтимол,

профессорлар ўтирардилар. Разумовскийнинг саройи бу гал Александрга унчалик дабдабали ҳам бўлмаган, зах ва чала бино, унинг ўзи — зерикарли ва қари бўлиб кўринди. Ҳамма тугмаларини қадаб олган мансабдор товушсиз шарпа каби хонада сузиб юрар ва икки букилиб, ҳеч жавоб бермаётган министрнинг қулоғига нимадир деб шивирларди. У киши тикилиб ўз тирноқлари оройишига разм солар экан, бир мартагина паришонлик билан лорнетини кўзига тутиб, илжайиб қўйди. Александрга бирор нима ўқиб беришни буюришди. Стол ёнида ўтирган жиккаккина ёши ўтиб қолган француз жонланиб, ундан қайси француз шоирини яхши билишини сўради ва Вольтер деган жавобни олгач, ғаши келиб, илжайиб қўйди.

Икки минут ўтгач, министрнинг қоровули Александр Пушкининг 14-сон билан Император лицейига қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома солинган формалик пакет бериб кетди. У директор хонадонига уст-бош учун ташриф буюриши лозим эди.

Амакининг кўнгли тўқ эди.

— Директорингнинг оғасини яхши танийман: Николай Михайловичнинг ўша ёрлиқлар, йилномалар ва шажара дафтарларини ўқишига кўмак бериб турарди. Машаққатли иш. Мен уни учратганман. Камсухан, лекин нафи тегиб қолади. Директорингга мендан салом деб қўй.

Директорникида у Разумовскийникидаги қабул ва имтиҳонда гўё туман ичида бирров кўрган ўртоқларини учратди. Директорнинг ўғли, ўзи ҳам лицейга кираётган, унга тенгқур бола мезбон ролини ўйнар, ҳаммани қарши олар, кузатиб қўяр, таништирарди.

Кенг хона уни шипшийдамлиги билан ҳайратда қолдирди: у ерда энг зарур жиҳозларгина турарди, деворда на портрет, на гравюра бор. Директор хонасидаги ҳамма нарса яққол ва санжоб эди. Баланд инглиз столи олдида белбурма камзулли серсоқол мужик турар ва андазаларни ёзарди. Уч ё тўрт нафар номзод биргина ички кўйлакда хона ўртасида туришарди. Александр Арина эпақага келтириб берган ички кийимидан уялиб, тараддудда тўхтаб қолди. Бироқ ўртоқларининг ҳам ортиқ жойи йўқ эди. У дадилланди. Амакиси министрникида таништириб қўйган Пушчин шу ерда эди. Ҳамма энди сочлари қириб ташланган рекрутлар сингари бир-бирига разм соларди. Серсоқол мужик эконом билан астар тўғрисида кенгашарди. Йигитлардан бирининг бўйи унга маъқул бўлмади шекилли.

— Астарининг ўзидан қанча кетади?— деди у экономга афтини буриштириб.

Умуман, директор хонадонидаги ҳеч нима унинг тасаввурида Разумовский қабулида ҳосил бўлган лицейни эслатмасди. Мундирларнинг тикилиши энг хонаки тарзда амалга оширилмоқда эди;

чўтир эконом тикувчидан мундирларни мовут қўйиб, лекин пайсалга солмай тикиб беришини ўтинарди.

— Хотиржам бўлинг,— дерди тикувчи,— мовут саройники, нимчасига оқ қўяман. Ўлчаб кўрайлик, у ёгини боплаб юборамиз. Жаноб олийлари йигирма йил кийишади ҳали.

— Олти йил кийишса кошки эди, — дерди эконом.

Бу гаплар уларни ҳайрон қилиб қўйди. Серсоқол мужик савлат тўкиб, экономга менсимай қараб турарди. Унинг овози йўғон эди. Александр бунақаларни ҳеч кўрмаган эди. У кетгач, Горчаков экономдан:

— Бу мужик ким?— деб сўради.

Эконом аланглаб олиб, шивирлади:

— У аслида мужик, буни турқи ҳам айтиб турибди; лекин у киши — унча-мунча одам эмас, ҳазрат олийларининг бош тикувчиси, кимсан жаноб Мальгин бўлади, оддий одам эмас.

Александр Пушчин билан юрарди: у тенгқурларининг бундай оломонига одатланмаган ва салга уялиб кетаверарди. Улар уст-бошларини биргаликда бичдириб келдилар ва ниҳоят, уст-бошлар тахт ҳам бўлди. Юмалоқ тивит шляпаларини ўлчашар экан, улар бир-бирларига сеҳрлангандай қараб турардилар. Уларнинг эгнида бланжа пахталигидан тикилган панталонлар ва ёзги камзуллар, оёқларида калта этиклар бор эди. Уларнинг спёги дарров ўзгариб кетди. Директор кишиликка кийиладиган учбурчак қалпоқларни ва кундалик мовут фуражкаларни кийгазиб кўрди, кейин эса эконом бу нарсаларнинг ҳаммасини беркитиб қўйди. Кўплари панароқда юрар, эҳтиётлик билан кириб, эшиттирмасдан чиқиб кетарди; таниш-билиш бўлиб олишарди. У Горчаков билан танишиб қолди.

Горчаков бошқалардан олифтароқ, ҳамма билан бирдай назокатли муносабатда бўлишга уринарди. У кўзини қисиб турарди, боиси ё кўзи хира, ё ўзи керик эди.

Александр отасининг махфий жавонидаги дафтарни эслади, ундаги «Булбул» шеъри остида Горчаков имзоси бор эди; дафтарда бу ном тез-тез учраб турарди, яна бунинг устига, энг қалтис пьесалар остида. Пушкин ўртоғидан ҳамон бегонасираб тургани ҳолда, Горчаков деган шоир унинг кими бўлишини сўради.

— Амаким, — деди бепарволик билан Горчаков, Александр бу гап ёлғонлигини фаҳмлади.

Директорнинг ўғли Малиновский Вальховский деган кичкина, қотмагина, юзини сепкил босган лицейчининг кетидан бир қадам қолмай эргашиб юрарди. У ёмон камгап бўлиб, жилмаймасди ҳам. Уч бурчак қалпоқларни бошига ўлчаб кўраётганларида, у оёқ жуфтлаб, ҳарбийчасига тик турди. У қатъиятли кўринар, афтидан, Малиновский иккисининг ҳар нарсада тили бир эди.

Ўша ҳаммадан новча, тикувчини хижолат қилиб қўйган ўспи-

риннинг ёши Александр ва бошқалардан каттароқ эди. У жуда ориқ ва жиккак эди. Унинг авзойи бежо эди. Унинг номи Кюхельбекер эди.

Дарров тўполончилар аён бўлиб қолишди. Лоқайд афти ва суст рафтори уларни фош этиб турарди. Сап-сариқ, тунд, қошлари чимирилган, бурни чўччайган ва кокили энсасига тушиб турган Данзас шундай эди. У бадиққат юрар ва афтидан, пайт пойларди. Семиз, қора, қирғийбурун француз Броглио ҳам шундай эди. Уқиш бошланса, улар ўзларини кўрсатиб қўйишлари аниқ эди. Чойга чакирдилар. Ҳамма бир-бирига олайиб, хўмрайиб қараб ўтирарди. Ҳамманинг пешонасига бир қисмат битилган эди. Ўша оти Кюхельбекер бўлгани бесўнақай, эпсиз экан: чойни тўкиб юбориб, бўзариб кетди ва бир сесканиб тушди. Тўполончилар тезгина, жимгина кўз уриштириб олишди-ю, Александр новчанинг тақдири ҳал бўлганини фаҳмлади. Таажжубки, ҳаял ўтмай улар худди ўша назар билан ўзига ҳам қараб қўйдилар: хаёлчанлик қилиб, у уйига одатича, оёқларини йиғиштириб ўтирган эди. Надежда Осиповна уни расво одатидан қайтариш учун беҳуда овора бўлган эди. Александр оёғи увишаётганини сезди, лекин охиригача чидаб ўтирди ва умум назарига дош берди. У бўш келмасликка қарор қилди.

11

Василий Львович укасига хат ёзиб юборди; у Александрни лицейга жойлаб қўйди; унинг тақдири тўғрисида ортиқ бош қотиришнинг ҳожати йўқ шекилли, октябрда машғулотлар бошланади, ҳамма мамнун. Тургеневнинг кўп ёрдами тегди, Дмитриев керагича муносабатда бўлди. Юсуповникидаги спектаклга бориб келди; князь Надинанинг саломатлигини сўради ва салом айтиб қўйишни тайинлади. Алмисоқдан қолган спектаклни қўйишди, рақслар на яхши, на ёмон бўлди, лекин айтадиган бўлса, Москвада ҳеч ким бу гапга ишонмайди: гўё сеҳрли таёқча сеҳри билан париларнинг уст-бошлари тушиб кетса бўладими! Таассурот таърифдан ташқари, муваффақият тўла-тўкис. Ортиқ бир сўз қўшмайди. Москвага қайтганида нималар бўлганини бутун тафсилотлари билан гапириб беради. Дмитриевнинг янги масаллари аввалгиларидан анча паст. «Беседа» шовқин солиб, пўписа қиляпти. Невский проспекти илгарисига қараганда бинойидек бўлиб қолибди: уйлар бўялибди, анча-мунча дарахт экилибди. Лекин бир иш кутганидек бўлмади, Петербургнинг ҳеч қаеридан устрица тополмади, кемалар юрмаётганмиш. Театри Москваникига нисбатан ҳеч нимага арзимайди. Шаховский тўполон қилиб юрибди, бир золим дейсан, театрдаги ҳамма нарсани қўлга олган. Уни Картавин деб юришибди, чунки гапирганда тилини чучук қилиб туфук сачратади. Мақталган кенжа Семёновани кўрди. Каттаси сингари чакки эмас: ундаги ёқимли дуркунлик сезилиб тураркан. Бобров Паритойнинг ролида худди камердинер Никитага ўхшаб қўлини қўлига ишқалаб тураркан, қаҳрамон учун бу ярашмаган қилиқ. Батюшковнинг янги шеърлари жо этилган фикрлари жиҳатидан қутлуғ чиққан. Унинг Жуковский ва Вяземскийга ёзган номаси икки юз сатр экан.

Василий Львович бу ерда қош қорайгунча қайтарди; Петербург уни тетиклантириб, ёшлигини эслатиб турарди. У алламаҳалда уйғонарди. Узун-узун шокилали янги чопонини кийиб, ишга ўтирар ва ўз фикр-мулоҳазаларини қораларди. Александр бир неча бор амакисини илҳомий ҳолатда кўришга муяссар бўлди.

— Сен менга сира халал бераётганинг йўқ, дўстим, — дерди амакиси ва тоза варақка: «Асл поэзияга халал бериш мушкул», деб ёзиб қўярди. Сўнгра нонушта вақти бўлар, амакиси бўйнига дастрўмол боғлаб, иштиёқ билан тамадди қиларди, шундан кейин кийинарди-да, уйдан чиқиб кетарди.

Бир кун нонушта устида у, чамаси, Александрдан бир гапни яшириб, анчагача кўзини қисиб, лабини тишлаб ўтирди. Бу Юсуповникидаги спектаклнинг эртасига бўлган эди.

— Рақсларда уст-бошга нақадар кўп нарса боғлиқ-а!—деди у хўрсиниб.

У кўнглини бўшатгиси келар, хуноби ошиб кетган эди. Бир оз жим турди-да:

— Қанча юпқа бўлса, шунча яхши, — деб қўшиб қўйди.

Ғалати ҳол; Александр унга шундай бир қараш қилдики, у худди ҳамма нарсани фаҳмлаб, билиб тургандай эди. Ўспиринниинг қараши шум эди. Василий Львович анқайиб қолди, китобчасига алланимани ёзиб қўйди-да, бўсағада Пушчинни учратиб, уни салобат билан қучоқлаб, суйиб қўйгач, ҳовлидан барвақтроқ жўнаб қолди.

12

Александр ортиқ ёлғиз эмас эди. Пушчин шу яқин орада — Мойкада қоронғи мерос уйда истиқомат қиларди. Ҳар куни эрталабдан у Александрнинг ҳузурига келиб оларди. У семиз, кулча юзли, кул ранг, равшан кўзли бўлиб, Александрга ҳеч ўхшамасди. Бир марта ҳар доимгидек ўспиринларнинг шу ердалигини фаромуш этиб, Василий Львович кўзгу олдида ўзига оро бериб ивирсиётган пайтда улар кўз уриштириб олдилар-да, бир-бирларидан мамнун бўлишди. Янги ошнанинг кўзлари мутлақо қув эди. Уларнинг иккаласи ҳам туғилган уйи ҳақида гапирмасди. Отаси қаердалиги тўғрисидаги саволга Пушчин қисқа жавоб қилди: «Сенатда». Улар ота ва оналарининг номларини билиб олишди. Пушчиннинг

Бугун Кошанскийникида бўлдим. У тенг ярмини биққасемиз ошпаз хотиннинг ўзиёқ банд қилиб қўйган бесаришта уйда яшайди. У фақат одамлар кўзига олифта бўлиб кўринар экан — уйида кўримсиз уст-бошини уринтириб қўймаслик учун шалвираган чопонда ўтирибди. Ҳамма нарсага Н. Ф. писанд қилмай, тунд қарайди, у Русиянинг биринчи шоири бўлишга даъвогар чоғи. Батюшковнинг гўёки қонун-қоидага хилоф, оғир нуқсонлари мавжуд янги шеърларини қаттиқ қоралайди. Ҳасаддан деб ўйлайман. «Энди,— деди у — ўзим ёзган шеърият қоидалари курсини нашр қилишимга тўғри келиб қолди шекилли». Геттинген кибрини ошириб, ҳовлиқтириб юборгану, лекин унга ақл-фаросат ва қобилият бермаганми, деб қўрқаман.

Кошанский ўзининг шеърларини ўқиниверіб, мени қон қилиб юборди. Фалсафаси жуда жўн — сукунатни мадҳ этади, айтганча, бу ишни Ломоносов қилиб бўлган. Сўнгги беш байтни Михайло Михайлович Сперанскийга бағишланган.

Ниҳоят, столда шнапс пайдо бўлди, асло геттингенчаси эмас; ошпаз хотин турп келтирди-ю, шоир Бахусни сийлай бошлади, мен уйимга равона бўлдим, эртага — якшанба: акам билан кўришаман.

Назаримда, Геттингендан эндигина жўнаб кетгандайман. Эндигина Тургенев, Галич, Карцовлар Кайданов билан мени Ландершенкенгача кузатиб қўйишган, бутун охирги тунни гарчи кўнгилғашлик билан бўлса-да, лекин шодон ўтказган эдик. Тўлин ой чиққан эди. Тургенев ўзининг доимий совуққонлиги билан соҳибни уйғотди-да, уни қизил вино шишаларини гашишга мажбур қилди. Аттанг, Каверин Иенага кетиб қолди — бу сўнгги кечани телбатескари ишлар билан хўп ёд этган бўлардик-да! Оймома, қуюқ арғувонлар, ўтган ҳаёт хотиралари ҳатто Николай Тургеневнинг ўзини ҳам чубуғидан ажратиб, кибридан тушириб қўйди. Ҳамма-ҳаммаси бир туш каби ғойиб бўлди-кетди.

Мен қаердаман, менинг биродарларимнинг ҳоли не кечди? Уларни таниб бўлмайди. Ҳаммаси улуғ орасталик ва орзу-армонлардан ҳаёт икир-чикирлари гирдобига улоқтириб ташланган.

Мен Александр Иванович Тургеневникида бўлдим. Билиб келдим: бизнинг ҳаммамизни, геттингенчиларни Кайданов айтгувчи тус ле вьез етюдиантс[1] имтиҳон қилармиш-да, пода қилиб лицейга профессор этиб тайинлашар эмиш. Лицей дегани нима? Менинг саволимга Александр Иванович айтдики, ушбуга ижобий жавоб мушкулдир, лекин салбийси осондир: лицей билим юрти эмас, университет эмас, корпус эмас, ва лекин бу униси ҳам, буниси ҳам, учинчиси ҳам. Унинг нималигини ҳозирча худо билади, у ёғи эса, ҳойнаҳой, бир гап бўлиб кетар. Шу ерда тугатдик.

[1] Ҳамма эски студентларни *(франц.)*.

Ал. Ив. укасига ўхшамайди, унда авлиёнинг кибр-ҳавоси, ўша совуқ донишмандлик ва ғофил шўрлик бандаларга нисбатан олий нафрат йўқ. Аксинча, у жонсарак, бўлса-бўлмаса манзират қилаверади, сўзамол. На мен, на Николай Иванович рус тилини билмаймиз, деб жуда тўғри айтди: бизнинг хатларимиз ғализ, эўрмаэўраки, аслида қисқароқ ва соддароқ бўлмоғи керак. Ҳатто мен ҳам беҳашам гапиришга ҳаракат қиламан-ку.

Мен ундан то ўла-ўлгунимча қарздорман. Бу қарзимни қачон ва нима билан узаман экан? Менинг қарздор бўлиб қолаверишимнинг иложи йўқ, афсуски, тўлагудай ҳеч вақом йўқ. Ўзи бўлган ордонансхаузе тўғрисида гапирганда, акам Михайло ҳануз қалтқалт титрайди ва тишлари такирлайди. Шу кунгача у Александр Ивановичдан ойига беш ва ўн сўмдан олиб турибди, унинг эгнидан ечилган шинелини кийиб юрибди. Мен унга қўлимдан келганча миннатдорчилик билдирдим, Флассонни, Парижда нодир бўлган китобни ўқигани бердим, Париж ва Геттинген тўғрисида сўзлаб бердим — Александр Иванович: «Мени қўйинг, лекин сизнинг Аракчеевга ташаккур билдириб қўймоғингиз зарур. Чиройлироқ, жонлироқ қилиб хат ёзиб юборинг, кейин ўзингизни таништиринг», деб айтди. Шунда ўзи ҳам хижолатдан қизариб кетди шекилли. Номани тузарканман, мен йиғлагандан бери бўлдим, фақат миннатдорлик туйғусидан эмас. Акам Михайло — граф идорасидаги аскар ва бинобарин, барибир, унинг чокаридай гап. Устига-устак, Петербургда Пукаловнинг маслаҳатгўйи, графнинг овунчоғи, қувноқ пари бор, уни бирор чет эл янгилиги билан йўқлаб қўйилса чакки бўлмас эди, деб менга орқаворатдан шама қилиб қуйдилар. Менда чинданам увоқларга, насибамдан қирқиб юриб Гейдельбергдан онамга атаб олган шолрўмол бор эди. Адресини билиб олгач, уни хийла назокатли хатга қўшиб, нозанинга жўнатиб юбордим.

Граф мени қабул қилмади, шунга ҳам шукур. Хўш, нима бўлди денг? Акам унтер-офицер бўлди ва унга олтмиш сўмдан маош бериб туриш буюрилди.

Нимага тайёрланяпман — билмайман. Малиновскийдан сўраб кўрдим. Унинг режалари катта. Ялпи руҳ яратилиши, хушомадгўйликсиз, мутавозеликсиз тарбия, хуллас, *қадр-қиммат тарбияси*.— Лекин кейинчалик улар ҳаммаси мансабдор бўлишига тўғри келади, ахир, асқатармикан? Меҳнатлари зое кетмасмикан?— Башарти, мен шундай деб ўйлаганимда эди, рад қилган бўлардим. Императорга илтимоснома ва губернаторга справка. Бунга бетарбия ҳам эришаверадилар.— Хўш, кимларни ва нима учун тарбиялаймиз?— Қонунчилик иши учун. Бу ишга эртами-кечми қўл уришга тўғри келади, токи рус кишилари маънавий жиҳатдан ўссинлар, бутун дунёга ўз идрокини кўрсатиб қўйсинлар ҳамда ўзларига нисбатан

ишонч ҳосил қилсинлар. Биз бўлсак, одамларни тайёрлаб берамиз ва ҳоказо. Устав бўйича давлатдаги нуфузли лавозимларга тайёрламоғимиз керак, энг нуфузли лавозим эса, ҳадемай депутатлик бўлади. У ўзини гражданлик фаолиятига тайёрланган ҳолда, саккиз йилдан бери ҳеч нима босиб чиқармаганини эътироф этди. Депутатларнинг чақириғи тўғрисида хат тайёрламоқда. Деҳқончилик етарли даражада эмас — бўш ерлар сероб; уларни соҳиблари қўлга олгани халал бериб турибди, ерни ким олган бўлса, унга ўша ишлов беради. Қуллик фаҳш йўлига солади, қирғин келтиради. Россияликларни ўз қонунларини тузишга ноқобил деб санаш улар учун энг ёмон хўрликдир. — Жамоат шартномаси ва гражданлик назарияси тўғрисида баҳслашиб қолдик. — Ибтидоий жамоат шарти бекам-кўстдир; руслар ўз ҳуқуқларига чет элнинг эмас, *ўзларининг* онги етилгач, пухтароқ қилиб асос солиб олишлари мумкин ва ҳоказо. Бирига қўшилдим, бошқасига йўқ. Шу орада саккиз йил сукут-а! Вас. Фед. менга ўз нутқини берди, уни лицей очилишида ўқиркан. Менинг ақлим шошиб қолди. Царское Селонинг хушнафас ҳавоси тўғрисида. Айтган гапларидан — бир сўз йўқ. Эҳтиёткор ва назаримда, ортиқ даражада. Менга ҳам нутқ ёзишни таклиф қилди. Мен дарров рози бўлдим.

Карцов бир ит сингари жоҳил; Галич — оққўнгил, ўлгудек ичади. Каверин ўктам, телба, ҳали-ҳозирча Геттингенда.

Вознесенье олдида Кайдановни учратиб қолдим. Ишчан кайфиятда, китоб нашр қиляпман, дейди. Қалай чиқаркин? Француз сўзларини аралаш-қуралаш қилиб гапиради, «нус, ле вьез етюдиантс де Геттинген»—«Биз, эски геттинген бебошлари», дейди. Ё французча гапирма, ё уни ўрганиб ол. Қўлингдан келмас экан, кулги бўлиб нима қиласан? Бизнинг семинарча тарбиямизнинг, жаҳолатимизнинг ва мақтанчоқлигимизнинг лаънати асорати.

Петербургни кезиб чиқдим. У доим ҳам шундайми? Мен уйлар, кўчалар ва йўловчиларнинг ташқи кўринишидан сал қайтиб қолибман. Шаҳар сокин, маҳзун. Ҳамманинг қадам олиши шитоб. Бирдан куз бўлиб қолди. Кулчапаз кампир ҳақми, уруш бўлиши тайинми? Парижни. Лотин даҳасини, мени оғаларча қарши олишган хушгавозе талабаларни, менга оддий дала гулдастасини тақдим этган қизил юз Марини хаёлга келтираман-да, ақлим бовар қилмайди.

Бугун Малиновскийга Парижни гапириб бераётиб, кўчаларни чароғон қилиб турган баҳайбат Левербах чироқларини тилга олдим. Шу ердаги бир чол: «Улар билан уруш қилиш бизга йўл бўлсин!»— деб бошини чангаллаб олди. Мен эътироз қилдим: биринчидан, чироқлар замбарак эмас, улардан отмайдилар, иккинчидан, ғалабани замбарак ҳам қўйнингга солиб қўя олмайди, аскарларнинг руҳи ғалаба келтиради ва учинчидан, балким, урушсиз ҳам бир йўли топилиб кетар. Василий Фёдорович хўрсиниб қўйди.

Бир кечада нутқимни ёзиб бўлдим. Билмадим қандай қабул қилишаркин. Тунги чироқ нурида, кўзларимда ёш билан ёздим. Малиновскийга ўқигани бердим, лекин ўз мавжудлигини фақатгина аждодлар асосида қурувчи нажиб авлодлар билан чин жасорат муқояасидаги ўта дадиллигим сабабли у буни маъқул кўрмади. «Буниси соз. Россия Анна давридан бери аристократияга айланиб келмоқда, лекин давлатпаноҳ. Давлат кенгаши, биринчи лавозимлар тураверади-ку; эҳтиётроқ бўлиш керакмиди: замон нотинч». Мен қалб туйғуларимни қоғозга тўкканим учун ранжиб қолдим.

Михайло Михайлович ҳузурига узоқ кира олмай юрдим. Ҳаддан ташқари банд, дарвозаси очилмайди, дейишади. Ниҳоят, қабул қилди. Ранги синиқиб озиб кетибди, совуқроқ бўлиб қолибди. Лекин чеҳрасидаги табассум ҳозир ҳам гўзал. Менга ўхшаб, эски итальян рассомлари суратларини кўрган киши бу табассумнинг қудратини тушуниб етади. Менинг бу одамга бўлган ҳисларимни ҳеч нима — на тажриба, на йиллар, на ҳатто унинг бир қадар шилимшиқлигидан бохабарлигим мағлуб эта олади. Давлат дегани ўзи шу. Бизнинг суҳбатимиз ярим соат, балки бундан кўпроқ ҳам давом этди. Афсуски, суҳбатда мен билан бирга бир Гауеншилд деган зот ҳозир бўлди, ёмон дўхти совуқ, русчани зўрға таталайдиган бу одам австриялик, ўзи Уваровнинг дўсти эмиш — уни менга Михайло Михайлович шундай деб таништирди. У менга ўзини Вена академиясининг аъзосиман, деб танитди. Вена академияси дегани нима? Шундан сўнг у менга қаттиқ тикилди-да, синчалогини кўтариб қўйди. Бу масонларнинг саломи эканини биламан, лекин Вена академигига жавоб қилиб ўтиришни лозим топмадим. Хуллас, бизнинг суҳбатимизнинг ярми немис тилида борарди. Дарвоқе, мен Лицейнинг очилишида сўзлайдиган нутқимда нималар тўғрисида гапирмоқчи бўлиб турганимни рус тилида баён қилдим: М. М. жонланиб кетди. Нутқ унга манзур бўлди, ростданам у, кўнгилдагидек чиққан шекилли. Хусусан, ўша мен шавкатли аждодлар наслларига имтиёз бермайдилар ва ақлу фаросати жойида бўлган одамнинг ўзи аждод танлаб олишга ҳақли деган жойим. Баъзи нарсаларни қўшиб қўйишимни сўради. Ана Василий Фёдоровичга сабоқ! Қўлига қалам олиб, энг ёққан жойларини белгилай бошлади, пировардида эса менга кулимсираб:

— Бу жуда яхши! Аллақачонлар бизнинг рус бўладиган пайтимиз келган!— деди.

Унинг айтишича, ҳамма ерда ҳукумат, давлатпаноҳ ва ҳоказоларнинг саховати хусусида эмас, риоя ва тарбия қилиш бурчини тақозо этгувчи *ватан* тўғрисида гапириб юришим унга ёқар эмиш.

Ҳамсуҳбатимиз Гауеншилднинг русча ҳеч балога тушунмаслиги уни завқлантириб юборди шекилли, у бу фикрим энг самимий

ва оромбахшдир, деди-да, «Немислардан истисно, рус кишилар биэда қаҳатми? Яна қандай кишилар-а!»— деб қўшиб қўйди. Шу ерда у портретларга хийла масхараомуз назар ташлаб қўйди; бири И. А. ёшлигининг дурустгина мўйқалам ижодига мансуб тасвири: дўмбоқ, қизчалиш сиёҳли, лаъли даханли, табассуми истеҳзоли (ўша табассумни демаса, «Олтин буғу қошида» деган Геттинген қовоқхонасидаги Лизль бемалол нусха бўлиши мумкин); ўнг қўлда Ломоносовнинг портретчаси осиғлиқ: иккала портрет деворда қисилишиб қолган. У нима демоқчи бўлганини тушунганимни кўриб, Сперанский бош чайқаб, менга бармоқ ўқталиб қўйди. Сўнгра, портретларга ҳамон ўшандай кўз югуртирган кўйи, менга Екатерина саройида ёмон одат бўлган «ярим қўғирчоқ» тарбия тўғрисида ҳикоя қила бошлади: болаларга бир эрмак деб қараганлар. Ҳозирги министримиз граф Разумовский Васильевский оролининг 10-линиясидаги «l'acodémie de X ligne» деб аталган ярим қўғирчоқ «академияда» таълим олган экан. Она сути оғзидан кетмаган гўдаклар қошига академиклар, иезуитлар қатнаб туришган — ўн беш ёшга борар-бормас улар рус тилини унутиб, чала билимларни охиригача ҳатм қилиб бўлишар экан. Дарбор қошида бу 10-линия академияси»ни худди кучукчалар сингари эрмак қилишар экан. М. М. баъзи бир қўлларда лицей ҳам ўйинчоқ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас, деб мени огоҳлантириб қўйди; болаликка нисбатан эрмакталаб муносабатда бўлиш — энг зарарли нарса.

Вена академиги ўзига ҳам қисман алоқадор бўлган бизнинг суҳбатимизни тушуниш ҳаракатида юз мускулларини зўриқтириб, бир талай чучукмияни чайнаб битирди. Лекин портретга ташланган назарни у ҳам тушунади. Мен бу улуғ одамнинг феълидаги болаларча беғамликдан таажжубдаман. Устига-устак, хонада яна доғули қарол ҳам депсиниб юрибди. Хўшлаша туриб, Сперанский: қандай бошлаган бўлсам, ўшандай режа асосида давом этаверишимни, ғайриихтиёрий кўникмадан ўзга ҳеч нима бўлмаган басир ва махмур таъсирчанлик ўрнига онгни тарбия қилаверишимни айтди, «шояд кўпайишиб қолсак — одамлар топилиб қолса!»

Гауеншилд халал бермоқда эди: назаримда, дуруст одамнинг башараси бунчалик лоқайд бўлиши мумкин эмас. У бизнинг мулоқотимизга кўп зиён етказди.

М. М. айтдики, мен ўз нутқимни айни ҳозирги пайтда айтишим, айниқса, яхши. Балким, у ҳамманинг тилида бўлмаса ҳамки, дилида турган урушни назарда тутгандир?

Хайрлаша туриб: «Одамлар менга лицей курси тугашидан илгарироқ керак бўлади. Сиз жуда тез вақтда керак бўлиб қоласиз. «Moniteur» қабилидаги сиёсий журнал нашр қилинади, сиз унга редактор бўласиз», деди. Бу мақтов мени руҳлантириб юборди. Уйга келгач, мен дарҳол журналнинг хомаки тарҳини қоралаб чиқ-

дим. Мен энди ёш эмасман, икки йилдан кейин ўттизга тўламан ва пинҳона, тунлари Геттингенда уйқум очилиб кетган пайтларда, гапнинг очиғи, мен ҳамиша болалар тарбиясини эмас, гражданинг ишларини ўйлаганман. Фақат номаъқул, кўр-кўрона уруш бўлиб қолмаса бас.

Менинг нутқимдаги алоҳида муваффақиятли чиққан ўринлар сифатида Сперанский чизиб қўйган иборалар унинг ўй-фикрларига жавоб бўлади чоғи:

...Сиртқи фазилатларни кўз-кўз қилиш санъати эмас, балки онг ва қалбнинг чин фозиллиги... Агар гражданлар ўз вазифаларини фаромуш қилиб, ўз тамагирлигига жамоат манфаатини бўйсундириб қўйсалар, унда жамоат бахт-саодати барбод бўлади ва хусусий фаровонликни ҳам емириб ташлайди... Ватан жамоат бахт-саодатини асрашдек муқаддас вазифани сизларга топширажак... Ичингиздан кимда-ким ўз аждодлари шуҳратига таянар экан, ўша кимса энг аянчли тарзда панд еб қолади... Ватан, ўзининг буюк эранлари хотирасини эъзозлар экан, номуносиб авлодларни инкор этади... Ҳар кишининг назаридан ҳазар, нафрат ва лаънат ёғилиб турса-ю, шунчаки номларга бино қўйилса, бундан на фойда?.. Асрлар давомида шуҳрат топган қадим росслар... Бир замонлар ушбу ўрмонлар ичра душман мамлакатларини яксон қилган музаффар Россия қуролига ихлос қўйган қаҳрамонларнинг шонли ишлари сизларга ошкор этилажак... Сизлар наслингизнинг охирги вакиллари бўлишни, номаълумликда судралиб юрган жўн одамлар тўдасига аралашиб кетишни истамай қоласизлар... Шон-шуҳрат ва ватан ишқи... *Ушбу биёбон ўрмонларда* — икки марта чизилган. Царское Селони бундай атамоқ, балким, мардликдир, лекин уларнинг тасаввурини уйғотиб юбормоқ зарур: яқин орада бу боғлар тақир ерлар бўлган. Аждодлар ҳақида гапирмоқ — уларга қуруқдан-қуруқ бино қўйишни инкор этмоқ, бошқа томондан эса — улар билан беллашишга ундамоқ, бу боқибеғамларни заҳмат чекишга мажбур қилишнинг бирдан-бир воситаси кўринади. Бошқа анча мушкулроғи қашшоқликдир. Лекин бу ёғи энди мураббийларнинг иши эмас.

Бугун бир киши меникига ғалати тарзда ташриф буюрди. Эшикни тақиллатдилар. Мен яна кометалар ҳақида гап сотгани Никитишна келдими, деб ўйлабман. Нотаниш бир киши кириб келди. Мен чопонда эдим, лекин меҳмон мени кийинишга қўймади ва мен уни чопонда қабул қилдиму, бундан анчагина хижолат чекдим. Гавдаси беўхшов: қоқсуяк, кўзлари чўкик, қора сертуги товонига тушиб туради. У менинг Геттинген университети бўйича дўстларим қатори лицейга муаллим бўлишимнинг дарагини эшитиб, бўлажак нозир ёки, бунинг фарқи йўқ, лицей инспектори сифатида танишиб қўйгани келганини паст ва хуш овоз билан айтиб

ўзини танитди: Мартин Пилецкий. У ҳам беш йил муқаддам Геттингенда ўқиган экан.

Мен ўша шаҳар, профессорлар тўғрисида саволлар кутардим ва Геттингенда унинг қайси кўчада турганини суриштирдим. У менга ёқимсиз, ҳеч таъсирсиз табассум билан қараб қўйди ва ҳеч қандай ҳуқуққа молик бўлмаган ҳолда менинг диққатимни ўз шахсияти билан овора қилишга ҳадди сиғмаслигини айтди. Дарвоқе, агар менда Геттинген тўғрисида ҳикоя қилиш майли бўлса, унда илтимос, профессор Герен ҳали ҳам ҳаётми-йўқми, шуни маълум қилсам. Менинг Герен ҳаёт ва илгаригидек лекцияларини ўқиб юрибди, деган жавобимга меҳмон аста кулиб қўйди-да, умри бино бўлиб бундай эзма ва нодон одамни кўрмаганини айтди.

Мен нима деб ўйлашимга ҳайрон эдим, бу гап менга калака бўлиб туюлди. Шу ерда меҳмон ишга киришиб кетди. У мендан кимларни ўқитишга тайёрланаётганимни билиш-билмаслигимни сўради. Мен, билмайман, деб айтишга мажбур эдим.

Меҳмон чўнтагидан бир даста ҳафсала билан тахланган майда қоғозчаларни чиқарди-да, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг рўйхатини улар ҳақидаги қисқа маълумотлари билан биргаликда ўқиб чиқишимни таклиф қилди.

Мен ташаккур билдирдим, бир қисмини ўқиб кўрдим, лекин тез орада бу маълумотлар соф полиция йўриғидалигига қаноат ҳосил этдим, ҳар бир ўқувчининг ёши аниқланган, ота-онаси тўғрисида эса барча миш-миш гаплар жамланган: отаси ким билан юради, онаси ким билан, ёки лўндаси: ота — қиморбоз, ота—пораҳўр ва ҳоказо.

Мен зарда билан бош тортдим. У ҳайрон қолди шекилли. Сўнгра варақларни яшириб қўйди-да, сезиларли даражада қуруққина қилиб машғулотларгача атиги бир ой қолгани, ўзининг ҳам маънавий, ҳам ўқув қисм учун жавобгарлиги сабабли «вақти ғанимат»лигини айтди. У менинг норозилигимни тушунади. Лекин тарбияланувчининг қандайлиги, қанақа оиладанлиги ва ҳатто қай ёшдалигини билмасдан туриб, мақсадга қандай эришиб бўлади, деди у. (Буниси гарчи тубанлик бўлса-да, инобатга лойиқ.) У гапини давом эттиради ва ҳадемай менга, ўзининг асосий фикрини баён этди: ўқувчиларнинг тенг ярми фаҳшга берилган, қашшоқлашиб қолган оилалардан ва ҳоказо. Мукаммал одамлар бўлиб етишмоқ учун улар оилалари ҳақидаги бор хотираларидан фориғ бўлишлари шарт.

— Ўз хотираларидан ҳам фориғ бўлишлари керак эмас-ку ахир?— деб сўрадим оқибат мен.

— Ўз хотираларидан ҳам, — деди у қатъий. — Улар ҳамма нарсадан тозаланишлари ва топ-тоза тахта бўлиб туришлари шарт.—

У борган сари қизишиб, қандай бўлса-да, меҳру оқибат тўғрисидаги фикр ёлғиз битта — худога ихлосдан бошқаси кириб ташланмоғи шарт, деди.

Унинг юзлари қизариб кетди. У жазавага кирган эди, бирор марта товушини баландлатмасдан, ахлоқий назорат тўғрисида нималар ўйлашини баён этди. Талабаларнинг ғашига тегиб ўтирмайди, лекин улар ўзининг шу ердалигини руҳан сезиб юришади. Холи қолганда, пинҳона суҳбатлар ва шивир-шивир гаплар қилганда, ҳатто сукут сақлаб, ўз хуфия ўйларини бир-бирига фақат имо-ишора билангина ифода этаётганда ҳам улар ўзларини эшитиб-кўриб турганларини билишади. Бу нарса, акс ҳолда, муқаррар бўлгувчи қусур ва ҳавойи ҳаваслардан уларни асраб қолади. Куну тун кўринмас ёки бошқача қилиб айтганда, руҳий ҳозирлик, яъни азмойиш, уларнинг фаҳшга берилишига монелик қилади, синфларга келишганда эса, бу ерда мураббийлар бўлади.

— Фаҳш деб сиз нимани айтяпсиз?— сўрадим мен.

— Сиз нимани ўйлаётган бўлсангиз — ўшани, — ачитиб жавоб берди у.

Унинг юзи қизариб кетганди.

— Тенг ярми фаҳшга берилган, дедингиз сиз, — деб қўлимдан келганча хотиржамлик билан гапини бўлдим мен, — бироқ нариги ор-номусли ярмининг жабр тортиши нечун?

У ҳушини йиғиб олди шекилли, жим қолгач, истар-истамас билим юртида бой ва камбағаллар бўлмагани каби, на бузуқ, на тузуклар бўлмаслиги шарт, деб жавоб берди. Уларнинг ҳаммаси олий бошлиқлар олдида босилиб қолишади.

У олий бошлиқлар деб кимларни назарда тутган: ўзинними, кўнгилчан Василий Фёдоровичними, ёки парвардигорними, мен учун мавҳум бўлиб қолди. Мен унинг роҳиблар етиштирмоқчи бўлаётганини ва бу ҳолда унинг ҳақлигини юзига дангал айтдим. Менга қолса, мен авлиё роҳибга таълим беришга минбаъд бел боғламаган бўлардим, аммо фақат уларга ахлоқий фалсафадан лекциялар ўқишни зиммамга оламан, токи ёш йигитлар онглироқ бўлишсин. Буниси ҳам осон эмас.

Меҳмонимнинг кўзи столимдаги Руссонинг томи — «Эмил»га тушгач, илжайиб, уни ўзининг узун-узун чиндан ҳам ноинсоний бармоқлари билан тутди-да, кафтларида қисиб четга олиб қўйди.

— Жан-Жак падар авлиёлар жумласига кириб қолдими ҳали?— муғамбирона табассум билан сўради у.

У чиқиб кетган замоно мен деразани очиб, хонани шамоллатдим. Мусаффо ҳаво бирпасда унинг ташрифи шарпасини тарқатиб юборди. Шу жанобнинг руҳан йўқлигининг ҳаётбахш таъсири бор. Бироқ жаноб Гауеншилд ва жаноб Пилецкий — қалин ўртоқ. Уларга қарши мантиқнинг ўзи камлик қилади чоғи.

Сўлим оқшомни Тургеневникида ўтказдим. У ерда ўз жияни, менинг бўлғуси студентим билан бирга назмчи Пушкин ҳам бор эди. Шаҳар ғийбатлари ва мишмишлари тўғрисида кўп гап бўлди.

Пушкинга Каверин, унинг дуэли ва ҳоказолар ҳақида бир-икки та Геттинген ҳикояларини айтиб беришимга тўғри келиб қолди. На Тургенев, на Пушкин урушга ишонмайди.

Сперанский қўзиётган сиёсий журнал тўғрисида гапириб юбордиму, дарров аттанг қилиб қолдим. Алексей Иванович бу фикр билан жуда овора бўлиб қолди. Унинг редакторликдан илинжи бор, деса бўлади. Жаноб Пушкин эснаб, кекириб олиб, журналда шеърлар босиладими ва журналнинг номи нима, деб сўради.

Биз шоир деб тасаввур қилиб келган сиймога Пушкин сира ўхшамайди! У шунчаки бир қари олифта, бунинг устига баднафс ва нопок. Шишков ва Державин тўғрисида гапириб ўтириб, икки марта ёш жиянининг олдида айтиш ниҳоятда ноўрин бўлган кучли иборалларни айтди. Пушкин мода дўконларининг соҳиблари бадарға қилинганидан жуда дарғазаб. Унинг фикрича, гарчи француз аёллари бўлса-да, улар кераклимиш. «Кечирасизу,— дерди у,— бизнинг жононлар қаерда кийинишади? Улар яқинда сарафан кийиб юра бошлашади. Бунинг устига, ўз нозанини билан учрашмоқчи бўлган ҳар бир дуруст одам ўша дўконлар орқали жой, канапе, бир стакан оршад топарди, буларнинг ҳаммаси қиммат ҳам эмас эди, ҳам қулай ва ҳам хушмуомалада бўлишар эди. Гапимга ишонинг, улар Наполеонни хаёлига ҳам келтиришмайди» ва ҳоказо. Яна ҳаммаси жияни олдида. Бироқ ҳамма, назаримда, жияни ҳам бунга кўникиб кетибди. Мабодо у ерга Пилецкий оралаб қолганда борми, бошимиз балога қоларди! Бу ердаги оилаларда ҳамма гап болалар олдида андишасизларча гапирилади. Жияни амакисига тортмаган, камгап, бирмунча одамови, қўрс табиатли, чурқ этмайди. Мен у билан бир оз гаплашган эдим, кўнгли кўтарилиб кетди, чоғи. Журналимнинг номи тўғрисида мен ростдан ҳам ўйлаб кўрмабман — шоир лоақал шунда ҳақ.

Бу ўртада мен Геттингендаёқ бошлаб қўйган диссертациямни тугатдим: «Ифика ёки феъл-атворлар тўғрисидаги фан». Эҳтиросларва лоқайдлик, онг ва хурофот тўғрисидаги боб кўнглимдагидек чиқди. Билмадим, ким нашр қилишга рози бўлар экан.

Василий Фёдоровичникида кўплар билан танишиб қолдим: Иконников (мураббий) билан, француз жаноб де Будри ва Калинич билан. Иконников дурустгина одам экан, лекин қўрқоқ, ундан ароқ ҳиди анқиб туради. Калинич ҳуснихатни ўқитади-ю, ўзининг эса қўллари қалтираб туради. Баҳайбат ва забонсиз. Жингалак парик кийган жаноб де Будри семиз ва мағрур. Мени ўзиникига таклиф қилди.

Акам Михайло бир кунга жавоб сўраб, олдимга келди. Мени аллақаёққа жўнашга чоғланган ҳолда, фракда кўриб шундай довдираб қолдики, сизлай бошлади. Мен уни зўрға ўтқазиб, кўз ёшларимни аранг тийиб қолдим. Уни — Мишани нималар қилиб қўйишибди-я! У солдат, гўё солдат бўлиб туғилгандай, икки қўли ёнда, юзида мунг. Билмадим, тарбия ҳайвонни инсон қилиб қўйиши мумкинми-йўқми, лекин инсонни ҳайвонга айлантириши мумкинлигига ишонаман.

Давид Иванович де Будриникида бўлдим, ҳеч ҳушимни йиғолмай турибман. Иқрорман, мой босган, упаланган парик, бахмал камзул ва фамилиянинг «де» деган мағрур посангиси — менбоп эмас. Мен қашшоқлашиб қолган француз тўраларини кўрганман. Бу аёз ўрнидан қўзғаган қушчалар француз тилига қўшиб бойваччаларимизга вилкани қандай ушлаш, қандай таъзим қилиш ва ҳоказоларни ўргатишади. Қашшоқлиги уларнинг кибрини янада ошириб туради, билимларининг эса мазаси йўқ.

Кекса де Будри Разъезжаяда туради. Уйига яқинлашганда, мен унинг биринчи қаватдаги деразадан кўриниб турган бошини дарров таниди м; у париксиз бўлиб, кўзойнак тақиб олган, трубка чекқан ҳолда китоб ўқирди.

Дастлаб у мени танимади ва савлат тўкиб қарши олди; мен унга халал берган эдим. Мен ўзимни эслатдим, чол шу заҳоти жонланиб кетди-ю, салобатидан асар қолмади.

Гап менинг Германия бўйлаб қилган саёҳатим хусусида кетди. Узимнинг қайтиб келишимни, Дрезденни эсладим ва қўполлик қилиб ўша ердаги Густав II нинг мени ҳайрон қолдирган ҳайкали ҳақида: у немислар қўлининг ўта кулгили иши, от ёлига ўхшаш баҳайбат парикда, деб қўйдим. Шу ерда жаноб Будри менга ёвқараш қилиб қўйди. Мен хатоларга иқрор бўлишни ўзимга қоида қилиб олганим важҳидан парикдан эмас, ҳайкалдан кулаётганимни айтдим.

Жаноб де Будри совиб қолди-ю, лекин яна анчагача жим ўтирди.

Мен лицейда кўп вақт бўлиш ниятим йўқ, чунки менинг мақсадим — журнал нашр қилмоқ, деб айтдим. У анча совуққина қилиб, ўзи ҳам на ёшлигида, на кейинчалик ўқитувчи бўлишни хаёл қилмаганини айтди. Де Будри шу ерда — Россияда уқалар фабрикаси очган, лекин император Павел уст-бошларга ўзгартириш киритиб, уни хонавайрон қилган.

Де Будри Василий Федоровичдан менинг ҳали айтилмаган нутқим тўғрисида эшитган эди. У мендан қандай ахлоқий фалсафани ўқишимни сўради, чунки у бу ақоиднинг ўзи бўлади, деб эшитган экан. Унга ким алжиди экан? Мен ақоид на эҳтиросларни, на онгни, на ижтимоий битимларни, яъни ўша мен ўзимнинг ификам-

нинг бошида гапирган нарсаларни талқин қилмайди, деб эътироз билдирдим. Шу ерда де Будри қўлларини орқага қилиб, лом-лим демай, хонада айланиб юра бошлади. Кейин менинг қаршимда тўхтаб, шундай бидирлаб гапириб кетдики, мен унчалик шитоб гапирмаслигини илтимос қилдим, чунки француз тилини мен унчалик яхши билмайман. У, бир математик дўстининг фикр-мулоҳазаларини сўйлаб бераётганини таъкидлади. Бу фикр-мулоҳазаларга кўра, инсоннинг ўсиши — капалак ўсишидай гап, ёшлик эса ҳаммадан ҳам ғумбакка хос карахтлик ва жонсизлик ҳолатида хатарлидир. Капалакнинг учиб чиқишига имкон бериш — таълимнинг бутун вазифаси шу. Лекин бунинг учун тўғри тафаккур даркор. Менга бу фикр маъқул бўлди, лекин мен гоҳи маҳаллар капалак кутилгандек бўлиб учиб чиқмайди, дедим, у бу гапга қўшилди. Уз дўстини у Ромм деб атади. Унинг портрети деворда осиғлиқ турибди. Юзи тунд, кўзлари чўкик. Чол Ромм билан қарийб ўттиз йил муқаддам Петербургда ўзлари les outchiteli бўлган жойда учрашиб қолганларини уқдирди. Будри граф Салтиковнинг уйида, дўсти эса — ёш Строгоновнинг тарбиячиси эди. Ромм кўп ўтмай шогирди билан Парижга кетиб қолган; сўнгра улар ортиқ кўришмаганлар — Ромм вафот этган.

Шу ерда чол ўзининг анча пишиқ гарданига бармоғини уриб қўйди. Бу билан у ўз дўстининг ажали йўриғини тушунтирган бўлди ва пинагини бузмай, Парижга боргач, Ромм Конвентга раислик қилганини айтди.

Шу ерда унинг хотини, ҳали ёшгина немис жувон кириб қолди-ю, биз кечки овқатга ўтирдик.

Дастурхон устида Давид Ивановичнинг кайфи хийла чоғ бўлди, винодан ичди ва ўттиз йилдан бери хабар олмаган ўз Ватани Швейцарияга жон деб бориб келган бўлишини эътироф қилди. У Будри шаҳрида таваллуд топиб вояга етган, кейин эса Женевада фалсафани ўрганган ва ҳатто бир марта Жан-Жакнинг ўзини кўрган, лекин яқин йўлашга юраги бетламаган. Бор-йўқ эсида қолган нарса: донишмандниинг букчайган елкаси-ю, кулранг сертуги эди. Мен беихтиёр ҳурмат билан унга қараб қўйдим.

Чол винони шинавандаларча ҳўпларди: унинг ёшликдаги севимли ичимлиги фронтиниак виноси эди, ундан татимаганига йигирма йил бўлиб қолган. Аста-секин у гўё ёшариб кетди. Уз оиласини эслай кетди. Отаси сардиниялик, онаси эса швейцариялик экан. Севимли синглиси Альбертинанинг тақдиридан ҳеч хабари йўқ. Деворда унинг нўноқ қўл билан солинган портретчаси осиғлиқ турибди. Мен унинг тимсолини хотира бўйича тасвир қилдим, деди менга жаноб де Будри. Синглининг юзи қотмадан келган, кўзлари эса йирик ва тимқора: дарвоқе, жаноб де Будри бўлмағур расмчи эди. Рамкаларни ҳам ўзи ясаган: рамкаси дуруст.

Унинг ёнида ёши анчага борган, сочлари олинган одамнинг худди шунақа портрети бор: кўзлари мисоли кўмирдек, табассуми қалбаки.

— Бу менинг акам, — деди жаноб де Будри. — У улуғ одам бўлган. Шундан кейин у акаси даҳшатли заҳм касалликлари тўғрисида рисола босиб чиқарган машҳур врач бўлгани ҳақида ҳикоя қилиб берди. У ҳаммадан ҳам тамагирликнинг душмани бўлган ва шўрпешоналарнинг дарди эвазига табиблар катта бисотлар орттириб, инсониятдан яшириб келаётган тиббий сир-асрорларнинг барала эълон этилишини талаб қилган, шунинг учун медикларнинг нафратига дучор бўлган. Бу фикр янги бўлиб, мен Давид Ивановичдан акасининг асарлари тўғрисида сўрай бошладим. Чол анчагина юмшаб қолди: эски иззат-нафси уйғонгани кўриниб турарди. У акаси билан фахрланарди. Акам, деди у, жуда юксак ақл эгаси бўлган, мабодо француз академияси унга қарши туриб олмаганда борми, электр олови табиати борасидаги изланишлари катта манфаатлар келтириши мумкин бўларди. Акаси шундай эранни кенгашда дўппослаган салон олимларининг қурбони бўлган. Уни Вольтер ҳам беобрў қилган, ёлғиз Дидрогина акасининг қадр-қимматини тан олган. Умуман, акасининг ҳаёти бахтсизлик ва тўфонларга бой бўлган. Марҳума императрича даврида уни Россияга — ёш авлодни тарбиялашга чақиришган ҳам эди, лекин у бош тортган. Давид Иванович бунга жуда афсусланарди. «Биз бир шаҳарда, бир само остида яшаган бўлардик», деди у винони ҳўплаб ўтириб.

Мен у шунчалар кўкларга кўтараётган акаси жаноб де Будри номини ҳеч қаерда учратмаганимга сал ҳайрон бўлиб қолдим. Шунингдек, она шаҳрининг номи унинг фамилиясига ўхшашлиги ҳам мени таажжубда қолдирди, мен бу гапни унга айтдим. Шу ерда Давид Иванович менга ҳайрон бўлиб кўз ташлади-да: «Мени титуллик дворян деб қабул қилаётган бўлманг тағин», деб сўради. Мен изза бўлиб қолдим, зеро, турган гапки, лекин фамилиясидан ҳам кўра паригига қараб шундай деб ўйлаётган эдим. Менинг авзоимдаги қизиқиш аломатларини кўргач, чол изоҳ бердики, «de Boudri» деган лақаб фамилияси бор-йўғи «будрилик» деган маънони англатади ва шу боисдан унинг ватани номига ўхшаб кетади. Мен тобора кўпроқ толмовсирардим. Ниҳоят, Давид Иванович буни кўриб, истар-истамас тўнғиллаб қўйди; чунки унинг асл фамилиясини бу ерда ножўя деб ҳисоблайдилар, зеро, у: *Марат*. Мен шундай саросимада қолдимки, акаси билан видолашганига кўп вақт бўлган-бўлмаганини сўрадим, бундан маънилироқ гап тополмадим ва сўраб бўлганимдан кейингина сўроғимнинг аҳмоқоналигини фаҳмладим. Марат истамайдиган акасини ёшлигида тарк этганини ва то қазосигача у билан кўришишга фурсати бўлмаганини айтди.

Мен бенхтиёр доира стол атрофида, хушрўй бека ёнида турган бўш курсига кўз ташладим ва унда Маратни — Петербургда, укасиникида меҳмонда хаёл қилиб, сесканиб тушдим. Чол менга олайиб қараб қўяр ва назаримда, хотираларга бемаврид берилиб кетганига афсусланиб, индамай ўтирарди. У, афтидан, ўз ҳикоялари бу қадар кучли таъсир қилишини кутмаганиданми, қовоғини уюб олди. Дастурхон устида бошқа гап-сўз бўлмади ва меҳмондорчиликни базўр охирига етказдиму, оёғимни қўлга олиб жўнаб қолдим.

Бугун Петербургни айландиму, уни танимадим. Артиллерия майдони ва Литейний кўчаси бўйлаб замбараклларни изма-из олиб ўтишяпти, аскарлар сафга тизилишяпти, тўпчилар қўлларида пиликлар билан поча қоқишяпти, тоштахталар инграб ётибди.

Менга Аракчеев артиллерия кўриги ўтказаётир, дейишди, лекин кўринишидан бу уруш — ўша мен ишонмай юрган уруш.

Ўйга толиб, шаҳарни узоқ кезиб юрдим ва бирдан Гауеншилдга кўзим тушиб қолди. Мен салом бермоқчи бўлиб турган эдим, лекин у мени пайқамади, ёқасини то қулоғигача кўтариб олди-да, аланглаганича лип этиб ўтиб кетди. Унинг хатти-ҳаракати менга ғалати бўлиб туюлди. Мен у чиқиб келган уйга қарадим ва эшигида Австрия элчихонасининг гербини кўрдим. Меттернихлар уйининг ташқи кўриниши анча тўниқ. Бунга аввал сира парво қилмадиму, қайтиб келгач, кулчапаз кампир келтирган чой устида бирдан данг қотиб қолдим; аҳмоқона фикр менинг миямга ўрнашиб олди: мен Гауеншилда Австрия жосуси деб гумон қилиб қолдим. Сперанский уйида кўрганим Вена академигини хотирлай бошладим ва бунга амин бўлишимга сал қолди. Қандай гап-а?

Бугун кечаси узоқ ухламай ётдим: мўрида шамол чийилларди. Кейин ҳаммасини пухта, совуққонлик билан фикрлаб кўришга уриндиму, эплаёлмадим.

Уруш тобора ҳақиқатга ўхшаб боряпти. Лицей очилмаяпти. Ундаги ўқитувчилар: иезуит, якобинчи, жосус ва мен, Александр Куницин. Геттинген эсимга тушиб кетди ва атиги ярим йил аввал Геттинген заставасининг яшил эмани остида вино ичганимга, атигги ўн ой бурун Лотин даҳасида, дилбар Мари учун қадаҳ кўтарганимга сира ақлим бовар қилмаяпти!

Журналга бир неча номлар топиб қўйдим: «Атеней», «Маориф ва руҳи» ва бошқалар; бўлмайди шекилли.

Лицей очилганига бир ҳафта бўлди, шов-шувлар босилди, бошлар эса ҳамон ғовлаб ётибди. Машғулотлар бошланди, лекин талабалар ҳеч нимага қулоқ солмайдилар.

Ҳолбуки бу воқеа «Северная почта»да ва журналларда тавсиф этилган, менинг нутқим ҳам зикр қилинган. Бу ўз нашримга киришган пайтимда менга асқатиб қолади.

Василий Фёдорович мени икки кун қолганда чақиртирди, лекин Царское Селогача қандай етиб олишим ҳақида оғиз очмади. Мен извошчи ёллай бошладим, лекин кира ҳақи ҳаддан ташқари қиммат —25 сўм. Нуридийдалари билан дийдор кўришиш эвазига ушбу солиқни тўлаш ота-оналарга қандай ботáркин?.. Назаримда, қариндош-уруғларни бездириш ва студентларнинг программа талаб қилган танҳолигини таъмин этишнинг бирдан-бир чораси бу. Давлат уловини кута туриш мумкин эди, лекин бизни унутиб юборишди шекилли, камер-лакейлар билан сарой карвонига изн сўрашга менинг ғуруним йўл қўймади. Сарой малайларининг кибру ҳавосидан қўрқаман.

Мен бир камгап чухонликни арзон-гаров ёлладим-да, ридога бурканиб олиб, билдирмайгина жўнадим.

Ҳаддан ташқари дўқир-дўқир, лекин на геттингенлик извошчиларнинг тарақ-туруқи, на жаранг-журунги бор, чунки йўлга тош ётқизилган эмас. Жазирамада — чанги табаррук, оламга татийди, ёмғирларда — чакса лой. Қабристон маҳобатини эслатадиган, эҳтимол, қабристонларга кўпроқ муносиб бўлган, ҳар чақиримга қўйилган тош устунлар Екатеринанинг машҳур уйига кетаётганимни эслатиб турарди менга. Тез орада биз бир чақиримдан ҳам узоқроққа чўзилиб кетган карвонга етиб олдик. Чўчқа тўшлари, челак-челак мой, сон гўштлар, сўнгра эса, вино ортилган бикир аравалар бизга йўл бермасди. Чухонлик мутелик билан энг охирги аравасининг кетидан судралиб кетаверди ва менинг тезроқ юриш ва карвондан ўзиб кетиш ҳақидаги ўтинчларим тугул буйруқларимга ҳам ҳеч жавоб бермади. Ниҳоят, мен тутақиб, туфлаб юбордимда, бунча емишни нимага олиб кетишаётганини сўрадим. Чухонлик автомедонт[1] ҳеч бир ифодасиз жавоб қилди: «Егани». Диогенга муносиб бунисн.

Мен Царское Селога сешанба куни қош қорая бошлаганда кириб бордим. Фақат очилиш кунигина ўша мени тутиб қолган лаънати юк граф Разумовскийдан келган егулик эканидан хабар топдим. Булар ўша, энди вақтли матбуотда мадҳ этилаётган ва Потёмкин тўйига қиёс қилиннаётган, нажиб меҳмонлар нонуштасига аталган тўшлар экан. Мен кўрган тўшлар Потёмкиннинг қовурма буқаларига ўхшатма эди. Разумовский икки соатлик номуштага ўн бир минг сўм сарфлаб, ота-оналарни ҳам, муаллимларни ҳам, илму

[1] Аравакаш (*грекча*).

маърифатга элтгувчиларни ҳам бўккудай қилган, дейишади. Пазандалик тўполонидан ўқув юрти эмас, ресторация очилмоқда, деган хаёлга бориш мумкин эди.

Эътироф этаман, менинг кўнглим бесаранжом эди, ўзим ҳам тишимни тишимга босиб туриб, бунинг учун койинардим. Василий Фёдорович камгап, қуруқ ва жуда журъатсиз. Унга қараб туриб дадилланиб кетдим.

Эрталабдан извошлар кела бошлади. Мундирлар чиндан кўзни қамаштирарди. Ўн бир яримда Гатчинодан статс-хонимлари ва қизи, улуғ княгиня билан кекса императрича етиб келди ва давлатпаноҳнинг ҳали дараги йўқлигини билгач, жуда зардаси қайнаб кетди. У ҳатто кутишни истамасдан изига қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди ва сарой аҳли ичида саросима қўпди. Уни аранг гапга киргаздилар.

Ниҳоят, маияти билан у ташриф буюрди ва тоат-ибодат қилиб бўлингач, лицей очилди. Василий Фёдорович нутқ сўзлади. Унинг ранги ўчган, тили тутилар, овози ҳам эшитилмасди. Талабалар рўйхатини ўқиб бердилар ва ҳоказо. Шу ерда менинг навбатим келди.

Менинг чиқишим олдидан бирдан шивир-шивир бошланиб қолди. Мен тинглаб кўриб, қулоқларимга ишонмадим: граф Аракчеевга мунтазир эканлар ва қаторлар бўйлаб унинг номи тарқалмоқда эди.

Мен нутқимни ичим ғаш бўлиб, баланд овоз билан ўқий бошладим, зеро, Василий Федорович мени огоҳлантириб қўйганидек, давлатпаноҳ гарангроқ. Дарҳақиқат, унинг чеҳрасида паришонлик бор эди; у лорнети орқали у ёққа-бу ёққа кўз ташлади, ёнида ўтирган Константинга ҳам алланима деди, буниси эса хийла қаттиқ жавоб қилди — бу одобдан эмас. Иккала императрича ғоят бадиққат эдилар, балким, русчани тушунмаганлари боисидандир; императрича Елизаветанинг профессор Глинкадан рус адабиётидан сабоқ олиши бекор гап (эшитишимча, барча рус ёзувчилари орасида у Екатерина Иккинчини қадрлармиш). Унинг ёнида ҳар жиҳатдан императричага ўхшаш, лекин бўлароқ ва соддадилроқ синглиси Амалия — баден маликаси: у нечоғлик уринмасин — кўзи илиниб қолди. Барча афтлар ичида ҳеч қандай ифодасиз граф Варфоломей Толстойнинг юзи эсимда яхши сақланиб қолди. Юзи оппоқ, хотин-истара, кўзлари маъюс, лабларидан шаҳватпарастлиги аён. Энг охирида Малиновский менга унинг крепостной актрисалар ҳарами борлигини айтди. Менинг нутқим унга ваҳшиёна бўлиб туюлиши керак.

Студентлар, ўзгача қилиб айтганда, болалар тик туришар ва бу билан ўрнак кўрсатишар эди. Дарвоқе, уларнинг икки кўзи давлатпаноҳда эди. Икки-уч бола чеҳрасида мен диққат-эътибор

соясини илғаб олдим ва менинг нутқим ўзга ҳеч кимга эмас, айни шуларга қарата айтилаётгани важҳидан, «Марҳаматли талабалар!»— деса ҳам, беихтиёр нуқул давлатпаноҳга жовдираб турган Василий Фёдорович сингари қарамадим уларга.

Аста-секин менинг тортинчоқлигим йўқолди. Бирдан жимжит бўлиб қолди. Мен Аркачеевнинг ростдан келганини тушундим. Пилецкий эшик сари товушсиз сурилиб ўтди. Ҳамма чеҳралар эшик тарафга бурилди. Подшонинг ўзи лорнетини кўтариб, ўша ёққа кўз ташлаб қўйди. Мен нима қилишимни билмасдим ва бир-икки дақиқа саросимада туриб қолдим. Ўзини ўраб олган махфияти туфайли унинг номи, у ҳақида юрган мишмишлар ғайриихтиёрий равишда тилни боғлаб қўярди. Айтганча, шол рўмол воқеаси бўйича уни бошқалардан кўра дурустроқ биларди м. Мен эўр бердим-да, сал ўтмай уни ўйламай қўйдим, ўз аждодларига бино қўйишдан бўлак иш йўқ аристократияга ҳамла қилганимда, яна кўзларимни кўтардим. Баъзи меҳмонлар хўмрайиб олишган, граф Разумовский нохушлигини яширмасдан менга лорнетдан қараб турар, лекин давлатпаноҳ кафтини қулоғига тутиб, диққат билан тингларди. Константин, шунингдек, иккала императрича ҳам мудрамоқда эди. Аракчеев келмади. Нутқимни тугатганимдан сўнг умумий сукунат менга жавоб бўлди, лекин давлатпаноҳ чанак чалиб қўйди, унинг кетидан ҳамма ҳам қарсак уриб юборди: граф Разумовский икки бармоғини икки бармоққа урди. Графнинг икки бармоғи маъносини мутлақо тушундим ва яхшиликни умид қилмайман.

Даҳлизда менга Василий Фёдорович етиб олди, қўлларимни қисди, қойил қолиб, менинг нутқимда давлатпаноҳ номи бирор марта тилга олинмагани — қулоқ эшитмаган гап!— ва, хайриятки, ҳаммаси яхшиликча тугагани ҳақида гапирди. Мен бўлсам, аксинча, айни шуниси манзур бўлган, деган фикрдаман: хушомадгўйлик меъдага ҳам тегиб кетгандир.

Кейин менинг Царское Селога етиб келишимга шунчалар халал берган нонуштага кетдик. Югур-югур бошланди — студентларни синфларда боқардилар, она — императрича уларнинг шўрвасидан тотиб кўрди — мен ранги ўчган, безгак тутгандай зир титраётган одамни кўриб қолдим: бу эконом эди. Лекин шўрва яхши бўлиб чиқди. Кейин машҳур Фриштик бўлиб, кечгача давом этди. Камер-лакейлар саройда, ёлланганлар лицейда Разумовский номидан зиёфат этишди. Бизни камтарона, ажойиб фриштикнинг сарқитлари билан меҳмон қилишди шекилли.

Сўнгра «Северная почта»нинг камер-мулозимча тили билан айтганда, ичкари оромгоҳларда хайр-маъзур қилдилар ва улари Гатчинога, булари Петербургга лутфан жўнаб кетдилар. Биз бўл-

сак, ахийри, ўзимиз қолдик ва мени тунашга таклиф қилган Василий Фёдорович билан ташқарига чиқдик.

Ҳаво тароватли, қор сал эрий бошлаган эди. Ҳамма тарқалиб бўлган. Фақат эгнида мундир ва юлдузлари бўлган салобатли икки-уч киши ўз извошларига маҳтал бўлиб турар ва алланималарни жуда секин гаплашар эди. Афтидан, кутавериш жонига тегиб кетган биттаси бирдан қаттиқ қарсак урди-да, қарийб нақ қулоғимнинг тагида:

— Малай! Малай!— деб бақириб юборди.

Аравакашга қарата айтилган ушбу хитоб менинг бир кунимнинг ниҳояси бўлди.

Қандай ётиб қолганим эсимда йўқ.

Кейин билсам, кеч қолганини билгач, орқасига бурилиб, тутундай ғойиб бўлган Сенатдаги бир чолни кеча Аракчеев деб ўйлаган эканлар.

Бугун Василий Львович мени орден билан тақдирларди — нутқим учун.

Очилиш кунидаги яна бир воқеани ёзиб қўяй.

18-куни Нева яхлаб қолди ва тўсатдан лопиллаб момиқдай қор ёғиб берди — дарахтлар кўмилиб кетди. Талабалар 19-куни чаналарда етиб келдилар — ўша ота-оналари билан бўлганлари. Кимнинг чўнтаги кўтармаса, шу муносабат билан шайланган сарой уловида келди. (Менга Василий Федорович айтган Вальховский шундай. У Василий Фёдоровичнинг шахсий тавсияномасига кўра қабул қилинган; у кишининг ҳузурига унинг ўзи кириб келиб, шу қадар дангал ва дадил дардлашибдики, кўнглини бузиб юборибди).

Ҳамма ташриф буюрганларга мундир кийгизиб ясатдилар, лекин улар амакиларни юз-хотир қилмай, шу замон чопиб яхмалак ота бошладилар, хуллас, Пилейцкий югургилаб келди-ю, пишнаб юриб, уларни ажрата кетди. Кимдир унга ҳам қор отди. Пилецкий гуноҳкорларни қайд этгани жарима журналини талаб қилган бўлди-ю, лекин унга журнални бермадилар, негаки, *лицей ҳали очилганича йўқ эди.*

1812. Январь.

Ҳеч нима ёзмаганимга анча вақт бўлиб қолди.

Мен ғирт гўдакларга лекция ўқишга тўғри келади, деб сира кутмаган эдим. Уларга разм солиб кўргач, ҳеч нимани ўзгартирмасликка ва лекцияларни ўзимнинг илгариги ниятим бўйича тузаверишга қарор қилдим.

Афтидан, ҳаммаси ҳам ота даргоҳидаги расвогарчиликлардан анча-мунча олиб чиққан ва деярли барчаси орқаворатдан унча-мунча

нарсани билади ва бундан чиқди, ахлоқий фалсафа илмида бошқалардан фарқ қилишмайди.

Мен тўқнашган биринчи нарса — тинглашга сира рағбати йўқ тингловчиларимнинг одатдан ташқари совуққонлиги бўлди. Мен бу нарса билан курашишга қарор қилдим. Қовоғидан қор ёғиб турган Кайдановни учратиб қолдим. У менга «йигитларни расвойи радди бало қилиб» сўкаётганини, эътиборсизларни ҳайвон деб ҳақорат қилаётганини айтди.

— Худди шундай деб чақиряпман: Яковлев — жаноб, ҳайвон-жаноб, ҳеч гап йўқ, чидашяпти. Уларни ўқитиб қўйиш керак.

Ўзи эрмаклаб юрадиган ўша семинариядаги менторга ўхшаб боряпти у. Бу қўполлик менга маъқул эмас. Ҳамма у билан Карповдан киндор. Мен ўзимни гўё чинакамига ўсмирларни студент деб ўйлаётгандай тутишга қарор қилдим ва ҳеч қандай қалинликка йўл қўймасликка қарор этдим. Бу уларнинг ўгил болалик нафсониятини қўзғашига инондим. Мен дарсларда мудраб, қилиқлар чиқариб ўтирган, Будриннинг таъбирича, бу ғумбакларни тинглашга мажбур қиляпман — зора улардан капалаклар бинога келиб қолса.

Бугун Аристипп ҳақида, пировардида эса, матонатли Зенон тўғрисида ҳикоя қилиб бердим.

Патлар ғичиллаб қолди. Бир хиллари айш-ишрат устози ҳақида, бошқалари эҳтиросларини енгишга ўрганган Зенон ҳақида ёзиб олишди. Мен ундан ушбу нарсаларни ўзим ўргана олмай қолганимни уларга айтмадим. Нафақат овсар, балки қўпол ҳам бўлган Мясоедовнинг чиқиб кетишини сўрадим. Бошқалар у қадар ҳайратланишгани йўқ. Вальховский дарсдан кейин матонатли Зенон тўғрисида бирор нарса ўқиб беришимни илтимос қилди. Пушкин — Аристипп тўғрисида. Мен Левекнинг «Апофегмалар»ини келтириб беришни уларга ваъда қилиб қўйдим.

Мантиқни билмай туриб, на фалсафани, на ахлоқни ўрганиб бўлмайди, деб ўйлаб, талабаларга бу илмнинг қонда ва силлогизмларини тушунтирмоқчи бўлдим. Натижаси — умумий эътиборсизлик бўлди. Буниси камлик қилгандай, синфларнинг баъзиларида ўқувчиларни жавобга чақириб кўриб, тушунмаётганларини тан олдим.

Силлогизмлар мазмунининг ўзи улар учун эрмак бўлиб қолди чоғи, масалан: «Барча инсон фонийдир, жаноб — инсон, бинобарин жаноб — фоний». Жаноб — инсон деган ўта жўн ҳақиқат Пушкиннинг кулгисини қўзғатди. Мен ундан бунинг боисини сўрадим. У жавоб берди:

— Иқрорман, рост, мен мантиқни тушунмайман, кўпчилик мендан яхши билмайди ҳам. Мантиқий силлогизмлар ғалати, мужмал.

Аммо-лекин силлогизм фигуралари саноқларини тайинсиз завқ ва ҳарорат билан талаффуз этадилар, афтидан, уларни янги Вергилий деб қабул қиладилар:

Barbara, Yelarent, Darii, Ferioque, prioris
Yactare, Camestres, Festino, Baroco, cecundae.

Худди шу шеърларга ўхшаб, силлогизмлар ҳам ёдлашга осон қилиб тузилганини, уларнинг маъноси пуч эканини тушунтириш ниҳоятда қийин. Дарий ва Цезарь номлари, назаримда, уларни ҳайрон қолдиради.

Бугун табиий эркнинг олтин асри хусусида сўз юритдим ва яна студентларимнинг мудроғини тарқатишга муяссар бўлдим.

Одатда тушуниб ўтирганлари — бадиққатлари эмас. Ўзимизнинг Тверь семинариямиздаёқ бунинг намойишкорона қалбакилик эканига фаҳмим етган эди. Бу анча қабиҳ бир мунофиқликдир. Кўзларидан паришон мақтовталабликдан бошқа ҳеч нимани уқолмайсан. Шу боисдан мен Саврасов, Тирков, Мясоедов (мутлақо танбал), Костенский ва ҳоказолар тўғрисида ҳеч гап айтмайман. Лекин ким тушунаётган ёки тушуниши мумкин бўлса, кўпинча ҳеч нимага зеҳн солмайди.

Горчаков ақлли, лекин бамисоли сувга термилгувчи Наргисдай ўзига зеб бераверади. Вальховский ҳар қандай таънадан холи. Матюшкин ювош, Кюхельбекер, сиғига қараганда, ўртоқларига калака. Ҳамма нарсани меъёрдан ортиқ шундай бир ҳафсала билан ёзадики, патлари синиб кетади, ё гаплашиб ўтиради, қулоғи оғирроқ-да, қайта-қайта сўрайверади. Броглио — худо урган; Данзас ҳам: ўзини ҳар мақомга солиб ўтиради, унга икки дунё бир қадам. Аслида шундай шекилли. Пушкин — патни ғажийди, расм чизади, бу машғулотга шундай шўнғиб кетадики, гўё синфда ундан бўлак ҳеч ким йўқдай.

Дельвиг ухлайди — ушбу сўзнинг аниқ маъносида. Корф ҳаммасидан дурустроқ.

Мен уларга ибтидоий эрк, инсоннинг табиий ҳолати, унинг ҳали жамоат битими тузилмаган, бунинг устига мустабидлар томонидан ҳаром қилинмаган норасидалик пайтлари тўғрисида гапириб бердим. Улар бу гал диққат билан тингладилар, бир хиллари эса танг қолишди, шекилли. Кюхельбекер билан Вальховскийлар ёзиб ўтиришди. Ҳеч қачон савол бермайдиган Пушкин дарсдан кейин мендан қўққис: «Ер юзида ўша ҳолатида турган халқлар ҳали борми?»— деб сўраб қолди. Мен унга ваҳшийлар ибтидоий маъсумлигини сақлаб қолишган, лекин улар тобора камайиб бораётир: савод, унга қўшилиб эса, ҳамма учун умумий бўлган қусурлар чайлаларга ҳам бостириб кираяпти; Шатобриан тасвирлаган индеецлар ёввойи ва бегуноҳга ўхшайди, деб жавоб бердим. Мен бу саволга бирмунча ҳайрон бўлдим: улар нафақат

фикрлашар, лекин дарров фикрларини ҳозирги замонга татбиқ ҳам қилишар экан.

Иконников билан борган сари қалинлашиб кетяпман. У жуда қашшоқ, соддароқ қилиб айтсам: гадой. Бундай ғалатироқ, лекин шу билан бирга болаларга таъсири чинакам манфаатли бўлган мураббийни ҳеч ким ўйлаб тополмаган бўларди. Бу — янги Кандид: у ҳаммага ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни гапиради. Мен унинг Горчаков билан суҳбатини эшитганман. Горчаков уни довдиратиб қўймоқчи бўлиб французчалаб гаплаша бошлади, кесатди ҳам. Иконников узоқ тинглаб турди-да, французчалаб, Горчаков дарҳол узр сўрамаса, уни нодон деб ҳисоблашини айтди. Бунга иншоларини ўқиб беришади, чунки рўй-рост дидини қадрлаганиси хўп мулзам бўлиб қолди. У ҳамма учун суюкли. Талабалар шади. Дарвоқе, Илличевский жуда яхши шеърлар ёзади, дейишади. Бундан ташқари, Яковлев, Пушкин яна кимдир, беш-олтита талаба ёзармиш. Уларнинг бирини — Яковлев ё Пушкинини Иконников Анакреонтининг Жирод таржимасидаги «Атир гули»ни ағдарганини учун суйиб ўпибди, буни менга Чириков айтди.

Ишқилиб, Кошанский билиб қолмаса бўлгани — Иконников кунини кўриб қолади. Унинг тақдири жуда ғаройиб: у машҳур актёр Дмитриевскийнинг набираси, ўзи ҳам чакки ўйнамаган, ташқи ишлар коллегиясида таржимон бўлиб хизмат қилган. Тоғ корпусида навбатчи офицер бўлган, у ерда география, тарих, француз тилини ўргатган ва ҳеч қаерда қўним топмаган. Уст-боши шундай харобки, бир неча марта хаёлимга унга ёрдам бериш фикри келди, лекин унинг мағрурлиги мени тийиб қоларди.

Бугун биз сайр қилдик. Паркларда юришга ҳушим йўқ, чунки гоҳ дарахтлар орасидаги ҳайкалларга, гоҳ соқчиларга нохос тўқинниб кетаверади киши ёки аллакимларга ўзига қадалиб турган нигоҳини ҳис қилади: бу ерда таъбир жоиз бўлса, муттасил синчков навбатчилик — маънавий ҳозирлик мавжуд. Бундан кўра бирон кичкина шаҳарнинг кўчалари, одамларнинг уй-жойлари, дўконлар файзлироқ. Ҳамма ёқда қалин қор, лекин кўчалар тозалаб турилади. Иконников ўзининг бир неча шеърларини ўқиб бериб, мени ҳайратда қолдирди. Булар нуқул чин эҳтирос билан ёзилган қисқа элегиялар, бизнинг Кошанскийга йўл бўлсин. Лекин ҳаммаси чала, палапартиш. Мен ундан шеърларини нега нашрга бермаслигини сўрадим. — Рад жавобини олмаслик учун. — У ажабланадиган даражада мағрур ва қашшоқ.

Ниҳоят, у катта бир поэма ёзаётганини ва ўзининг бутун истиқболи ўшанинг муваффақиятига боғлиқлигини эътироф қилди. Лекин ундан парча ўқиб беришдан қатъиян бош тортди. Мен «унга бошқалардан кўра кўпроқ ҳалол бўлиб кўринганлигим» учун кўнглини очибди. Кандиднинг бу иқрори мени кулдириб юборди.

У аразлаб қолди-ю, нари кетди. Мен унга етиб олиб, ярашдим, лекин ортиқ оғиз очиролмадим. Бугун унинг ҳақида Василий Фёдорович билан гаплашиб қолдик, у киши шу ернинг ўзида ҳеч кимга айтмаслик борасида сўзимни олгач, Пилецкийнинг Иконников устидан ёзган чақувини ўқиб берди. Чақувда унинг икки йилдан бери ибодатхонага йўламагани, бутун французча нарсаларга содиқлиги, шаккоклиги ва бадмастлиги кўрсатилган. Назаримда, Иконниковнинг бадмастлиги тўғрисидаги инкивизиторимизнинг ҳамма гапи ҳам, балки ёлғон эмасдир, рост, ундан ҳар замонда винонинг ҳиди келиб туради.

Менинг эҳтиросларини идрокига бўйсундиришга ўрганган Зенон тўғрисидаги ҳикоям ҳамма студентларимнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Ҳамма мендан ўзлари билан эҳтиослар тўғрисида гаплашишимни сўрарди. Мен ўзимнинг Иконников билан қилган сайримни эсладим-да, ғурур тўғрисида гапираман, деб айтдим. Шунда баъзи бировлари — Кюхельбекер — адолат тўғрисида, Горчаков — субутсизлик тўғрисида, Пушкин бўлса, хасислик тўғрисида нутқ ирод қилишимни сўрай бошладилар. Кимдир кулиб юборди, лекин мен биргина хасисликни эҳтирос деб топдим, чунки адолат билан субутсизлик том маънодаги асл эҳтирос эмасдир; янаги сафар хасислик тўғрисида фикр юритишга ваъда бердим.

Кюхельбекер қизишиб, адолат эҳтиросдир, деб эътироз қилди. Эзгулик — эҳтирос бўлади, деб таъкидлаб, уни Вальховский қувватлаб кетди. Дельвиг софизмларга берилиб, энг кучли эҳтирос лоқайдликдир, деб исботлай бошлаб, кулгини қистатиб юборди.

Охирида мен уларга *эзгу* деб нарсанинг мақсадга мувофиқлигини айтилади, вассалом, дедим. Нарсалар мақсадга эришиш воситаси бўлганида, *эзгу*, яхшидир. Бинобарин, эзгулик ҳам бахтга интилиш демакдир. Улар масаланинг бу қадар осон ечилишидан лол бўлиб қолишди, чоғи. Василий Фёдорович буни одобсизлик деб атаган бўларди. Менинг мақсадим восил бўлди: мен уларнинг ғашига тегиб қўйдим. Ҳозирча эса, мен уларга ғурур ҳақида мумкин бўлган нарсаларни сўзлаб бердим ва гапни Вейснинг фикрини келтиришдан бошладим: ғурурга қараб ўз харажатларини чеклаш ва сатрап бўлишнинг иложи бўлмагач, спартан бўлмоқ мақсадга мувофиқдир.

Ғурур ҳақида гапирар эканман, мен манман одам сохта хаёлпарастликка асосланган бўлади, ҳеч бир асоссиз атрофдагиларни ёмонотлиқ қилади, ўзини баланд олади, деб айтдим. Хаёлпарастлик намунаси сифатида ўзи пакана, нимжон бўлса ҳам, ўз музаффарияти чоғида улуғвор пештоқ тагидан ўта туриб, бошим пештоқка тегиб кетмасин, деган маънода бошини эгиб олган император Константинни мисол келтирдим. Шу пайт синфда саросима бўлиб

қолди. Горчаков бенхтиёр бошини қуйи солди, Малиновский бўлса, бармоғи билан Горчаков билан Мясоедовга ишора қилиб: «Ана улар!», «Ана улар!»— деб барала хитоб қила бошлади.

Мен ўз шарҳларим бундай кучли таъсир ва шундай тез татбиқ этилишини кутмаган эдим. Энг ёмони, Мартиннинг туғишгани, мураббий Илья ўша лаҳзадаёқ бақироқ талабанинг таъзирини бериб, насиҳат қила бошлади, ўз биродари иезуитнинг қонун-қоидалари бўйича ўгит айтгач, уни эўрлаб «тавба-тазарру» қилдирди. Директордан уни тийиб қўйишини сўрайман. Горчаковнинг унвони ва назаримда, ўткир қуввати ҳофизаси боисидан ғурур қилади. Мясоедовнинг отаси Сенатда хизмат қилади.

Бугун тўполон бўлди: Пилецкий талабаларнинг бирида — Пушкинда Вольтернинг мадригаллари, шоир Пирон ва бошқаларнинг, унинг таъбирича, расво китобларини топиб олибди. У буларнинг бутунлай тортиб олинишини ва ҳаттоки ёқиб юборишини қаттиқ талаб қилиб турибди. У чиқиб кетгач, Василий Фёдорович бошини чангаллаб қолди ва менга, бунақада бизга кун беришмайди-ку, устига-устак, ўша талаба ювошгина қўзичоқ, бўлса экан, деди. Лицейда ҳали кутубхона йўқ. Вольтернинг мадригалларини мутолаа қилишга ижозат бор. Эпиграммалар бўлмаса, бас! Даҳшат ва ғурбат! Бу лицей ибодатхонасининг муншийси, Вольтерни иблис деб ҳисоблайдиган Пансийга ўхшаб кетади.

Янги фармойиш биринчисидан ҳам аҳмоқона бўлди — талабаларга шеър ёзиш тақиқланади, зеро, бу нарса машғулотлардан чалғитади. Буни мураббий Илья билан Кошанский тўқиб чиқарган бўлса керак; ёки пат тарашлаш Калиничнинг жонига тегиб кетганми? Энди ўқувчиларни таниб бўлмай қолди: лекцияларда пат ғажиб тинмай ёзиб ўтиради. Мен Василий Фёдоровичга пировардида оқибат Ильяни тийиб қўйишдан бошқа илож қолмаганини айтдим. Тақиқ ўрнига, назаримда, (ушбу қонун муаллифи) Пилецкий талабалар журнали нашр қилмоқчи бўлиб юрибди.

Уруш тўғрисидаги мишмишлар. Царское Селода фақат менинг кулчапаз кампирим кометалар билан банд эмас экан: балки императрицанинг ўзи ҳам мунажжимларни сўратибди, деб эшитдим. Яқин орада менинг муаллимлигим адоқ бўлади: журнал нумерининг хомаки нусхасини тузиб қўйдим. Келаси ҳафта Сперанскийдан қабул қилишини сўрайман.

Уруш тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди: бўладими ёки йўқми? «Северная почта» бу ҳақда ҳеч нима ёзмайди, бир балоси бордирки, одамлар юрак ютиб ҳеч нарса деёлмайди. Давлатпаноҳ саёҳат қилиб юрибди. Наполеон саёҳат қилиб юрибди. Аҳволнинг мавҳумлиги — ҳали дараги йўқ момақалдироқ қўйларни нотинч

қилгани каби — ҳаммани қийнаб юборди. Кишилар бир-бирларининг пинжига тиқилишади. Кошанский «Бизнинг асримиз»нинг охирини яна бўяб-бежаб ётибди — уни аввал сапфик строфа тарзида, энди бўлса, кантата тусида ёзди. «Студентлар» (ёки Кайдонов айтмоқчи, «йигитлар») биздан қолишмайди, ҳамма гапга фаросати етади, лекин сайр ҳам, синфлардаги аҳвол ҳам аввалгидек.

Пилецкийнинг ташвишлари кўп. Лицейда чақимчилик шунақа кучайиб кетдики, рости гап, қабоҳат. Мен энди ундан очиқданочиқ нафратланаётганларини пайқаб қолдим. Ёлғиз Будри доимгидек хотиржам. Мен ундан (ҳар қалай аланглаб олгач — мана қандай кунга қолганмиз!) уруш тўғрисида нима ўйлашини сўрадим. Уруш йўқ деб айтди. «Ҳамманинг огзида шу гап-ку»,— эътироз билдирдим мен. «On dit-c'est un menteur»[1], деб жавоб берди у. «Уруш бошланиб қолса-чи?»— деб сўрадим мен. «Бошланиб қолса, катта фалокатлар бўлади, лекин ҳанузгача бўлиб келаётганидан ортиқ бўлмайди». Чолнинг бошидан шунча кўп воқеа ўтганки, уни мувозанатидан чиқаришнинг иложи йўқ. «Шундай дейишяпти» деган — ёлғончи.

Уруш бўлмаслиги керак. Ҳолбуки, ҳеч ким, назаримда, бизнинг тор-мор этилишимизга шубҳа қилмайди: Царское Село аҳли «ранг кўр — ҳол сўр» бўлиб қолди. Баъзи бировлар нарсаларини тахлаяпти, дейишади ва ҳоказо. Ана номардлик!

Сперанский журналим тўғрисида ҳеч нарса демай қўйди. Мен режа тузиб, биринчи нумерини тугатиб бўлдим. Яъни: расмий қисм — воқеалар — фалсафа — маориф, қадимий рус ҳуқуқи тарихи; ҳикматлар. Аралаш.

Бирдан қарсиллаб совуқ тушиб қолди.

Кеча тунда Сперанский ҳибсга олинибди ва худди бир жиноятчидек, тайини йўқ жойга гумдон қилинибди. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

Гауеншилд коридорда қарға қанотига ўхшаган этакларини ҳилпиллатиб юрибди. Пилецкий танаффусларда «хатга тушириш»ини давом эттиряпти. Ёнда, саройда жимжитдек; камер-лакейлар парвойи фалак бўлиб гилам қоқишяпти. Хизматкорлар умуман тарих ларзаларига энг охирида садо беришади. Наинки М. М. нинг барча ташаббуслари тугаган, узилиб қолган бўлса? Шундай, шекилли. У ҳолда яшаш, фикрлаш, ҳаракат қилиш учун куч-қувват берадиган бирон фазилат мавжудмикан ўзи? Мен, худди М. М. каби, Малиновский каби, биз «геттингенчи»ларнинг ҳаммамиз каби — мунший набирасиман. Мен ўз онгимни оширдим, унинг савобли қудратига, ижтимоий битимларнинг муқаддаслигига ишонаман, инсонларнинг янги наслини кўришни истайман, наҳотки

[1] «Шундай дейишяпти» деган — ёлғончи *(франц.)*.

мени тўпорилик ва орзу-армонсиз ибтидоийлик ҳолатига қайтариш мумкин бўлса? Мен васвасалар давомида бу йилга сарҳисоб қилдим, Кошанскийга шеърий майдонга кириш насиб қилмаганидек, мен учун бирдан гражданлик майдонига тушиш йўли беркилиб қолди. Мен лекцияларни аввалгидан икки баробар астойдил ўқий бошладим: Будри кўрсатаётган ибрат менга юқяпти. Бу чол табаддулларининг бутун аҳамиятини идрок этади, лекин уни ҳеч ким, ҳеч нима хижолатга солмайди. У ўта катта воқеаларнинг шоҳиди бўлганини айтди менга. Бугун дарбор тўс-тўполон бўлиб кетди: боғда илгарилари бу ерда кўринииш бермаган одамлар изғиб юрган экан.

Ҳозир дераза очиқ, боғ қорайиб турибди, унда икки-уч чироқ милтиллаб кўриняпти: лицей ва фрейлиналар флигели. Ой худди бир йил бурунгидек ёришиб турибди. Шу ерликларнинг бирининкида тунаяпман, боиси: Василий Фёдоровичнинг хотини бетоб. Хўжайин кўринишидан соддадил, уй — қулай, каминда кўмир чирсиллаб ётибди. Тирикчиликнинг шунақа кўнгилга яқин икир-чикирларини чиндан ҳам яхши кўраман.

Нима учун ёзаётганимни ўзим ҳам билмайман, чунки ҳозир ҳаммасини ёқиб юборадиганга ўхшайман. Ўз таассуротларингни лоақал бир варақ қоғозга тўкиш хумори — ижтимоий армон, боқийлик армони шу эмасмикан?

Александр Иванович Тургеневникида бўлдим. Тафсилотлари: М. М. нинг гуноҳи равшан эмас; Разумовский бу ерда ошкора зиддият бор: ё якобинчи, ё тахт, тўғрироғи, пайқамасдан тахтга ўтиришни ният қилган якобинчи деб юрарди. Кўплари уни республикачи деб аташади. Бизнинг бир талабамизнинг онаси Бакунина хоним ўғли билан учрашганида М. М. нинг ёнида доим сақич исини сезиб, унинг кўзларида эса, дўзахнинг кўкимтир алангасини кўрганини айтибди; унинг ҳалокатини худди французлар устидан қозонилган биринчи ғалаба сингари, худди энг ёвуз мустабиднинг ажали сингари байрам қилишмоқда. Дарвоқе, ҳасрат ҳам улкан.

Геттингендан кейин қанча вақт ўтди-ю, биз қаерларга тушиб қолдик? Палаҳмондан отилган тош мисол мен ярим йил ичида кўтарилишу тўнтарилиш, қулаш, умидворлигу ноумидликнинг шоҳиди бўлдим. Уруш сурилиб келмоқда. Мен М. М. васият қилиб кетган ўз шогирдларимни ўйлаб қолдим. Уларнинг ҳам бошларидан шунча гап ўтдики, бўлак болалар беш йил ичида ҳам бунчасини бошдан кечирмайдилар: ота уйини алмаштириш, энди эса ҳадемай ҳамма ёқни ларзага солажак уруш.

Хайрлаша туриб, Александр Иванович мендан айниқса ўзи тақдирига бош қўшаётган Пушкинни суриштирди ва унга нисба-

тан эътиборли бўлишимни ўтинди, зеро, унинг болалиги қувончсиз ўтган экан. Пушкиннинг ота-онасини ғоят фаромушхотир одамлар сифатида билгани ҳолда, Ал. Ив. мендан уни тарк этмаслигимни илтимос қилди. Бу менинг кўнглимни бузиб юборди, мен ваъда бердим, лекин очиқчасига, бу ерда мендан кўра кўнгилчанроқ одам даркор, дедим: мен уларнинг *онгига* таъсир қилишга интилмоқдаман. Бизнинг мураббийларимиз чатоқ. Мен ҳаммадан кўра уларнинг ўзаро дўстлигидан умидворман; лекин, сирасини айтганда, дастлабки таассуротларнинг мутлақо тафовути уларни бир-биридан бегонасиратиб турибди. Ал. Ив. жон куйдираётган Пушкин ўзининг биринчи тарбиясининг барча хунук асоратларини сақлаб юрибди. Ақлли, лекин тортинчоқ, ўжар, тезоб, ўлгидек жиззаки ва кулағон. Ҳозирча бошқа ҳеч ган айтолмайман.

Ҳалокатдан сўнг — назаримда, ёш болаларга профессорликдан бошқа умид қилгудек жойим қолмади. Ўшалар билан шуғулланаман. Карамзинни мутолаа қилишга ўтирдим. Ҳеч ким бизда қолай. Мен уларга ватан ва гражданлик, бурч ҳақида лекция ўқимоқчиман. бунчалик сухандонлик билан ёзмайди, албатта. Лекин ватанга муҳаббатни жисмоний, маънавий ва сиёсий — уч муҳаббатга *тақсимлашдаги* совуқлик менга маъқул эмас. Биринчиси — табиат иши, барча учун баробар; иккинчиси — ёш иши; учинчиси эса, мулоҳаза талаб этади ва ёлғиз маълумотли кишиларга насиб қилади! Уч муҳаббатга бўлингувчи муҳаббат. Қалбаки нота қулоққа, мавзум мантиқ эса идрокка ботмайди.

Ҳамон ўша ҳазин кайфиятда мен акам Михайлодан хабар олгани жўнадим. Унинг тоби йўқ, ўзи госпиталда. Энди тартиблар қаттиқ бўлиб кетибди, мени ўтказмоқчи эмас эдилар, бир оз ўтириб қолдим. Келганимни кўриб, бечора қувониб кетди. Гарчи бошлиқлар урушни сир тутаётган бўлсалар-да, ҳарбий тадориклар ҳаммага аён. У жонланиб кетди; Твердаги олис қишлоғимизни, бир замонлар ўтиб кетган болалигимизни: онамиз печда нон ёпган, нон иси бизга дунёдаги энг гўзал нарса бўлиб туюлган пайтларни эсга олди. Мен буларни унутиб қўйибман. Уруш тўғрисидаги мишмишлар уни қўрқитмайди. У ўзини армияга олишларини илтимос қилибди ва мақсадига восил бўлади шекилли. Ғаним ерларидаги ҳаракатнинг французлар учун ноқулайликлари тўғрисида анчагина соғлом фикр юритди. Айтишича, ғусса ёки ранж хуноб қилиб юборган пайтларда ўзига-ўзи: «Дадил бўл, Михайло Петров», дер экан ва бу анча мадад берар экан. Ҳозир ҳам шундай: «Дадил бўл, Михайло Петров»— елкага хуржун ташлаб, қўлга ханжарни олади-ю, жўнайди-кетади.

Бечора солдат Михайлода Карамзин таърифлаган муҳаббатларнинг қайси тури мавжуд экан?

Ватанни севишга рағбат берадиган онг фақат фозил кишиларгагина ато этилганми? Фозилликнинг ўзи нима? Чинакам фозиллик билан хашаки, кибор фозилликнинг фарқи осмон билан ерчадир.

Жан-Жакда тарбия хусусида қуйидагиларни ўқиб қолдим: «Қалбларни нима қўзғайди, ватан ва унинг қонунларига муҳаббат қўйиш қайси йўсин бошланади? Айтишга ҳаддим сиғармикан? Болалар эрмакларидан, юзаки одамлар наздида бекорчи, лекин бебаҳо одатлардан ва музаффар алоқаларни вужудга келтиргувчи нарсалардан».

«Тарбия қалбларга халқчил шакл бермоғи ҳамда фикр ва дидларни шундай оқимга солмоғи зарурки, токи улар ўз тамойилликлари бўйича, ҳаваслари бўйича, зарурат юзасидан ватанпарвар бўлиб етишсинлар. Асл республикачи ватан, унинг қонуниятлари ва эрк муҳаббатини она сути билан бирга эмиб олсин. Бордию у ёлғиз бўлса, у ҳеч нима эмасдир; бордию унинг ватани бўлмаса, у ортиқ мавжуд эмасдир; ва бордию у ўлмаган бўлса, у мурдадан ҳам баттардир» (Жан-Жак).

Акам Михайлони эсладим; Михайло Михайловични, у гапириб берган ярим ўйинчоқ тарбияни ўйлаб кетдим. Зинҳор-базинҳор булар бола-да, деган хаёл билан муомала қилмаслик керак, зеро, улар ўзларини нима деб ўйлаётганликларини яхши билишади. Уларнинг заиф томонларига пишанг бериш бир балон азимдир: энди хумор боқишлар, қариялик (Горчаков) урф бўлиб қолди, булар орасида аллақандай олифтанамо омонатлик бор.

Мен ҳануз ёзувларимни куйдирганим йўқ. Уларни қайта ўқиб чиқдиму, ярим йил бурунги орзу-армонларим, бирмунча ёшлик манманлиги ўзимга кулгили туюлиб кетди. Қуюладиган пайт келди. Василий Фёдоровичникида бўлдим, очиқчасига гаплашдик. У аввалгидек ҳасратнишин, юрак олдириб қўйган: «Депутатлар қариғи хусусида»ги ишини —саккиз йиллик заҳмат мевасини ёқиб юборибди шекилли. Мабодо уруш бўлиб қолса, менинг акам Михайло сингари оддий аскар бўлиб жангга кетмоқчи. Гауеншилднинг лицейда қолаётганини, ўзи ҳеч нарса қилолмаслигини, яна бир ташаббус барбод бўлаётганини сезган В. Ф. даҳшатга келди, мен бирон чора ўйлаб кўришга ваъда қилдим. Михайло Михайловични эслаб ўтирдик. Ўзида Сперанский ёшлигида ёзган «Оила отаси» деган роман бўлиши эҳтимоллигини айтди — сарлавҳасига қараганда, Дидеротга тақлид бўлса керак.

Бугун Пушкинга Александр Иванович Тургеневдан салом айтдим-да, ваъдамга вафо қилиб у билан бир оз гаплашдим. Жуда ҳам одамови, лекин асло бахил эмас. Энди мураббийлар томонидан тўполончилар жумласига тиркаб қўйилган, ўзи ростдан ҳам бебошлик. Бу билан фахрланади чоғи. Ал. Ив. ундан Грессенинг китобини бериб юборишини илтимос қилди. «Сиз Грессени қаёқдан

биласиз?»—«Отам кутубхонасида ва амакимникида ўқиганман».—«Хўш, нимаси сизга энг ёқди?»—«На—лой». Ахлоқсиз поэма; ўқигани амакиси бергандир-да. Ундан ҳеч нимани яширишмаган, доим ҳамма қатори муомала қилишган. У серқилиқ ва ҳозиржавоб, Вольтер, Грессе, Пирон ва назаримда, бутун француз ҳажвий адабиётини билади. Кошанскийнинг диди унга ёқмайди (менга ҳам). Менинг таажжубимга, қадимий донишмандларни севиб қолган. Мен матонатли кишилар ва беодоблар тўғрисидаги «Фалсафий апофегмалар» деган китобни бердим — ушбу латифаларда бошқа дарсликдан кўра ўсмир учун маънн кўпроқ. У мендан ўз нутқимда нима сабабдан Царское Село боғларини *биёбон ўрмонлар* деб айтганимни сўради? Мен яқиндагина бу ерлар ўрмон, атрофи эса чўлу биёбон бўлган, боғлар ҳозир ҳам ўзининг бокира қиёфасини сақлаб қолган, дедим. У ҳеч нима деб жавоб қилмади, лекин мамнун бўлди шекилли. Дарвоқе, улар сайрларда анча йироққа кетиб қолишади ва баъзан хилват жойларга ҳам кириб кетишади, бўш йўлга ҳам чиқишади. Бундан ярим йил бурун лицей очилишида айтган нутқим жумлаларини шу қадар яққол ёдида тутиб юрганига ҳайронман. Хайрлаша туриб, мен ундан Александр Иванович орқали ота-онасига айтиб қўядиган бирор гапи бор-йўқлигини сўрадим. У ўйланиб қолди: «Йўқ». У, афтидан, ота даргоҳини соғинмаяпти. Кошанский янглишибди: у сира ҳам бахил эмас. Унинг декламацияларидан кулгани аниқ; Н. Ф. нинг орияти келган. Пушкин баайни гўдакдек жилмаяди. Яна бугун Вальховский билан гаплашдим. Буниси анча ишига пишиқроқ, дарслардан кейин ёнимга келиб сўради. . . . . .

. . . . . .

ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Биринчи куниёқ у ўзидан бир-икки қадам нарида дарборни *кўрди, у ҳақда Сергей Львович ҳамиша кўзларида хавотир билан гапирар эди. Унинг нақ рўбарўсида давлатпаноҳнинг майин мовит тараиг тортиб турган, букчайган семиз елкаси кўринарди; давлатпаноҳ, кампирлар ва кифтига шифр ташлаб олган бир-иккита ба*шанг жувон ҳам бор эди. Мундир ва фрак кийган кишилар кичикроқ залда ўтиришар, уларнинг орасида у амакисини ҳам кўрди. Амакиси ўзи аслида қандай бўлса ўшандай, пастроқ бўйлик, ғилай, кулгили кийинган эди шекилли.

Фрак кийган, ингичка чакка соч қўйган, жуссаси кичикроқ, елкадор, шижоатли киши нутқини ўқиб берди. Бу шу куни улар-

га эътибор қилган биринчи ва ягона одам бўлди: у ўзларига мурожаат қилиб, ўзларига қарата гапирди; улар ҳамманинг орқасида туришган эди. У гапини тугатганда, кўплар ўгирилиб, уларга худди биринчи марта кўриб тургандай таажжуб билан қараб қўйишди. Ўша киши Куницин, лицей профессори эди. Бирдан кўтарилиб, босилган енгил ғала-ғовур эсига тушиб қолди; кечқурун Горчаков Аракчеевга кўз тутилган эди, лекин у келмади, деб айтди. Александр Аракчеев ким деб сўради, лекин Горчаков қувлик билан кўзларини қисиб туриб, унга кўз югуртирди-да, елкасини учириб, кибрланиб, мийиғида кулиб қўйди. Горчаков ҳамма нарсани биларди.

Кейин эса бирдан, эртаси куниёқ буларнинг барини эсдан чиқариб юбордилар. Ҳар куни улар тонготарда, соат олтида туришар ва навбатчи мураббий Илья уларни «тартибга» солиб, иккинчи қаватга — улар суюқ чой ичадиган жойга олиб чиқарди. Акасининг ўгити билан Илья ҳаммадан ҳам юқорида — синфлар олдида, ётоқхоналарда ва чой ичиладиган иккинчи қаватда ҳаргиз ўйинлар бўлмаслигини қаттиқ назорат қиларди, зеро, бу нарсалар заруратсиз бўлиб, хаёлни чалғитади. Кейин еттидан тўққизгача — лекциялар, лекциялардан кейин улар сайрга чиқиб кетишар, тушлик қилишар, синфларда дарсларни машқ қилишарди; кейин яна лекциялар—уч саноғида; лекциялардан сўнг— иккинчи сайр, пешинлик, кечки тамадди, учинчи сайр—ҳамда соат ўнда улар бу соатда ҳеч қачон риоя қилинмайдиган ўша «тартиб»да юқорига — тўртинчи қаватга чиқишар ва ҳар қайсиси ўзларининг нумерланган ҳужраларига тарқалиб кетишарди. Александрнинг нумери — ўн тўртинчи эди. Ёнда, тахта тўсиқ орқасида астагина ҳуштак чалиб ўн бешинчи нумер: Пушчин ётарди. Бир француз дарсидан кейин уни аллақачон французчалаб Jeannot[1] деб атаб олишган эди.

Улар саройда, флигелда яшашар, уларнинг хоналари ёнма-ён, ҳар бирида Матвей амаки конторка деб атайдиган ўша-ўша бюро, ўша-ўша жавон билан тагида худди ўша тун чуваги мўралаб турган темир каравот тураради; қоронғи далонлар ҳам, гумбазли шифтлар ҳам, эшик тагида писиб юрган кўзлари зукко, турқ-тароватн роҳибона бўлган назоратчи ҳам — ҳаммаси кириб ўқиш ўзига насиб қилмаган иезуитлар монастири бўлиб туюларди.

Ҳар куни уларни уч марта сайрга олиб чиқишар ва сайрлар лекциялардан ҳам кўра аҳамиятлироқ эди: ўзи ҳам, хаста хотини ҳам шифобахш деб ҳисоблагувчи Царское Селонинг ҳавосини Малиновский болаларнинг ўсиши учун муҳим деб ҳисобларди; ўсмирлар ташқарида бўлишлари шарт, хоналар эса—дарс тайёрлаш ва уйқу учун. Уларни мураббийлар жуфт-жуфт қилиб, баравар оёқ

[1] Жанно.

ташлаттириб олиб юришар, лекин ҳаял ўтмай тартиб бузилиб кетарди. Аста-секин у боғу роғларга ўрганиб кетди, улардан гўзалроқ ҳеч нима йўқ эди. У эскисини—Елизаветанинг сокин кенг боғини янгисидан—Екатеринанинг серҳашам қурилмалари, ҳайкаллари, инглизча нағмалари бор боғидан фарқлай оладиган бўлиб қолди. Сарой ва Эрмитаж оралиғидаги Елизавета боғида текис қирқилган версалча иҳоталар, гуж-гуж дарахтлар бўлиб, улар бос-кетларини ёқалаб ётарди; у ўтиб кетаётганда, назарида, бу ерларни болалигида ўзи кўп кезган Юсупов боғи деб хаёл қилганиданми, таниётгандай бўларди.

Унинг миясига ғалати бекорчи фикрлар келарди. У буларни ҳеч қачон эсда қолмас, ҳеч қачон уларни қайта хаёлга келтириб ҳам ўтирмас эди. Ҳар замонда улардан кулиб қўярди. У билан жуфт бўлиб юрадиган Пушчин бунга одатланиб кетган, эшитяптими-йўқми, деб қайғурмасдан, лаби лабига тегмай гапираверарди.

Уларни Пушти далага олиб боришарди. Буталар орасидан енгил тешик уйча — турк дўкони кўриниб турарди, бир шийпонга қадимий, хорижий тошлар қадалган эди, Чириков уларни қадим грек тошлари деб айтди. Уша Кайданов ўз лекцияларида «ёвуз» деган сўзни қўшимча қилмай гапирмайдиган турклар бу ерда ёвуз эмасдилар. Кичик-кичик сарҳовузлар бу ерда турк ҳилоли хотирасига ой шаклида ковланган эди.

Бир марта, уларни ҳамиша ўз хаёллари билан банд бўладиган Чириков айлантириб юрганда, у орқароқда қолиб, энсиз дераза-дан мўралади. У бўш ва ғира-шира, балким, битта-яримта ҳарам оғаси яшаган кошонадаги гилам ва диванларни кўрди. Барча жиҳозлари шундай эдики, гўё соҳиби — салобатли турк, боягина чиқиб кетгандай ва ҳали-замон бурчакда турган чилимни чеккани келиб қоладигандай. Ҳеч ким ҳеч қачон бу ерда яшамаган. Бу ерларда нағмаларга ўч Екатерина ўтирган бўлса бордир.

Ҳовузлар устидаги чайлаларнинг ҳар бирида оққушлар жуфт нар-мода бўлиб қишламоқда: қуруқ қамиш устида тумшуғини маҳбубасининг патларига босиб ётган кекса оққуш уларнинг яқинлашганини сезиб, уйқу аралаш пишқириб, бўғиқ ғўдиллаб қўйди — бу уйқучи исқирт Зевес ўз Ледасини деб қишки чайлада сесканишга мажбур бўлди.

Улар баҳайбат, ҳувиллаган саройни кесиб ўтишар, Чириков ҳўмрайиб, бир текис бўлиб тез ўтиб кетишни астагина илтимос қиларди. Унинг қорамағиз чўтир юзи хиралашарди. Александр дераза-ларга қараб-қараб қўярди; дераза-ларга оғир-оғир дарпардалар тутилган эди. Эшиклар тагида унсиз посбонлар турардилар.

Улар Пушти дала томон равона бўлардилар.

Пушти дала равон майсазор эди. Унда Екатерина ўтқазган бир-икки туп атиргул бутаси ҳали ҳам қақшаб ётарди, лекин энди

уларга ҳеч ким қарамай қўйган, улар ёввойилашиб кетган, куни ҳам саноқли қолган эди.

Мураббийга парво қилмай ҳамма йўлкадан шу ерга бурилиб кетар ва яхмалак ўйнай бошларди. Ўй-хаёллари бузилган Чириков қўлларини кўксига қўйган ва хириллаган ҳолда бетартибликни бас қилишларини сўрар, зир югуриб қоларди: Пилецкий айниқса расво ва бесаранжом яхмалак ўйинини ёмон кўрар, у фақат дуруст ўйинларга: топишмоқлар, шарадалар ва ҳоказоларга йўл қўярди.

Бир вақтлар Москвада ўлат ярасига барҳам берган Орлов хотирасига тикланган пушти тош дарвоза ўнг тарафда эди — қаҳрамон тарихи мармарда батафсил баён этилган эди. Ҳаммаси шундай бир тартибда эдики, гўё шу тобда қаҳрамоннинг кириб келиши шартдай, ўзини йўқотиб, уларга ҳай-ҳайлаб юрган Чириковнинг важоҳати, бирдан ҳушёр тортгани ҳам буни тасдиқлаб турарди. Дераза-лари дарпардалик, чалажон, ҳувиллаган саройга қараганда боғ ҳийла гавжум ва жонли эди.

2

Одатда у уйғонганида ҳали қоронғи бўлар эди. Эшикни уйқусираган Фома амаки секин тақиллатар ва инқиллаб:

— Жаноблар, турсинлар! Ё парвардигор!— дерди.

Кейин унинг товуши ҳамон ўша иҳраш ва ўша: ё парвардигор, деган муттасил иловаси билан ёнда, Пушчин эшиги тагида, кейин нарироқда, бутун коридор бўйлаб эшитиларди.

У уйғонишга эринар, Пушчин унинг деворини тақиллатарди. Улар тонготардан анча барвақт, соат олтида туришар, даҳлизларда шамлар ёниб турар, дераза ортида эса ҳали тун — ғира-шира қиш саҳари. Рўпарада, фрейлиналар флигелида — бурчак томондан иккинчи дераза-да чироқ милтиллар; бу уйқуси қочиб ётган бегойимни кийинтиргани Наташанинг ҳозир бўлганини билдирар эди. Улар Наташани сайрларда учратиб туришар, Александр унинг чироғига қараб уйғонишга ўрганган эди.

У суст тақиллашдан уйғониб кетди — кўзини очди-ю, қулоқ солиб турди. Қоп-қоронғи қўшни хона жимжит, Пушчин ҳали уйқуда. У дераза-га кўз ташлади, Наташанинг чироғи ёнганича йўқ.

Ҳолбуки тақиллаган товуш суст, заиф такрорланди — Фома амаки ўзининг ғўраша бармоғи билан эшикни одатда бундай тақиллатмасди. У шартта ирғиб турди-да, оёғини шиппакка тиқиб, бошидаги қалпоғини тузатди-ю, аста мўралаб қаради.

Одатда кечаси печка ёнида чопон кийиб олган навбатчи мураббий ўтириб олиб ухларди. Бу ёки креслоларга ястаниб, қаттиқ, беозор ухлаётган бети баҳайбат, бўйи баҳайбат Калинич, ёки бу кўзи

илиниб аста пишиллагувчи кичкина жиккак Чириков бўларди. Баъзан уйқу келмас, шунда улар юмшоқ шиппакларини шипиллатиб, соқчи бўлиб коридорда айланиб юришарди. Гоҳи маҳаллар у ўзига қадалган бегона назарни сезиб қоларди: эшикларнинг юқори қисми панжарадор эди; дока парда уни ярмигача тўсиб турарди. У сесканиб кетарди-да, уйқусида тўнғиллаб қўярди. Мураббийлар бора-бора унинг хонасига мўраламай қўйдилар. Кўпинча улар навбатчилар хонасига гумдон бўлишар, ўша ерда то эрталабгача ухлашарди.

Энди креслолар холи турар, бутун далон қоронғи ва бўм-бўш эди. Тўсатдан ўша тақиллаган товуш такрорланди — ёнгинада, яқин орада. У тикилиб қаради-ю, қора кийган кишини, узун шарпани кўрди; одам девор тагида пешонасини тоштахтага тираб, чўккалаб турар ва шошмасдан, товуш чиқармасдан сажда қиларди.

У бугун назоратчининг ўзи навбатчилик қилишга бел боғлаганини эслади-ю, қимир этмасдан бирпас турди. Мартин Пилецкий рўмолчасини тагига солиб, тош полда қўлларини кўксига босиб, тўлғаниб, чўккалаб ўтирар ва ўзининг бутун ҳолати билан камолий ҳақирликни намоён этарди. Биргина каттакон қора туфлидаги товонлари мурданинг товонларига ўхшаб турарди.

Коридор совуқ эди; иезуит тоат-ибодатининг ўзи, унинг ғайратидан қатъий назар, совуқ бўлиб туюларди; пешонаси маятник сингари полга урилиб турарди.

Александр бир оз турди. Унинг эти увишиб кетди-ю, аста қайтиб кириб кетди. Ноаниқ ҳазар ҳисси ухлашига монелик қиларди. Тақиллаган товуш тинди, қадам товушлари эшитилмай қолди: балким Мартин полда ухлаб қолгандир.

У ўрнида яна ағдарилиб ётди-да, ухлагани халал беришаётганидан жаҳли чиқиб кетди-ю, кутилмаганда, ухлаб қолди. Ўз-ўзига амакижони — Василий Львович жойламоқчи бўлган иезуитлар мактабига тушиб қолгандай туюлиб кетди, лекин ўзи бундан ажабланмади, чунки осойишта саҳар қўйнида мудраб ётар эди.

Ҳадемай ибодатхона қўнғироғи олтига занг урди ва у эшикнинг таниш ғўраша тақиллашини эшитди; Фома амаки панжарадан мўралади-да:

— Жаноблар, турсинлар! Ё парвардигор!— деди.

У деразага қаради; Наташанинг чироғи милтиллаб турарди. Тунги синоат бирдан кулгили ва ғалати бўлиб туюлди. Полда хор бўлиб ётган иезуитнинг катта товонлари уни қизиқтириб қолган эди. Бирдан амакиси Василий Львович севган эски француз поэмаси, налой ҳақидаги поэма унинг ёдига тушди, — саждага эгилган мўмин қулнинг орқаси аббат учун ўқиладиган китобини қўйгани налой — меҳроб равоқи бўлиб хизмат қилган; мўмин қулнинг шиппаги худди Мартинники сингари диккайиб чиқиб турганини та-

йин. Бу роҳибни Арина улуғ баҳоначи деяр, Марья Алексеевна буви эса, номини тилга олишниёқ мутлақо ман этиб қўйган шайтоннинг ўзи эди у. Энди бу ерда у хоҳлаган нарсасини ўйлар, ҳеч ким буни тақиқлай олмасди. Хоч ушлаган диллар подачиси иезуит, тунлари нариги дунёга шайтонни эгарлаб саёҳат қилгувчи роҳиб — инспектор Мартин Пилецкийнинг бўлган-тургани шу эди.

3

У ёлғиз ўсган, шунинг учун энди ўртоқларига ўрганиб кетиши қийин бўлди. Горчаков мўйсафид бўлиб юрарди.

— Вой! Яна кўҳна дардларим қўзиди!— дерди у хўрсиниб ва каловланиб юриб қоларди.

— Биз мўйсафидлар, — дерди у истеҳзо билан.

У ҳамма нарсага осонгина эришарди-қўярди. Бу билан фахрланарди ҳам. Аллақачон ўз мухлислари бор эди. Ломоносов билан Корсаков ҳамма нарсада унга тақлид қилишарди. Профессорлар унга лутф айлашарди: у дарров биринчи ўринни эгаллаб олди, чунки зеҳн қўймай ўқиса ҳам кўзидан бир кечирган нарсасини ҳеч қийналмай, кўзгу сингари акс эттириб, такрорлаб бераверадиган хотираси бор эди. У астойдил ўқирди. Бўлак ҳамма нарсада у фаромушхотир эди, номларни ҳам яхши эслаб қололмасди-ю, лекин афтидан бундан ўзи мамнун эди ҳам.

— Ҳалиги... оти нима эди... ҳа: Фома, сира эсимда қолдира олмайман, — дерди у Фома амаки тўғрисида ва бармоқларини чол сингари, балким, амакиси Новгород губернатори сингари қарсиллатиб қўярди.

Александр унга ҳам ҳавас қилар, ҳам ҳайиқиб турарди.

Вальховский тунларни бедор ўтказар, биринчи ўринни эгаллаш дардида ҳалак эди.

Броглио ҳаммадан яхши оёқ чаларди ва Александрнинг икки марта илинишига сал қолган эди. Броглио билан Данзас — безори, Мартиннинг уларга берган баҳоси шу эди.

Улар ўзаро қасд олиш бобида ҳам мусобақалашардилар. Данзас Мартин танбеҳ берганда, ишшайиб туришни қоида қилиб олган эди. Безори талабанинг бу сур табассумидан роҳибнинг ранги ўзгариб кетарди. Инспекторнинг жон жойини топиб олгач, Данзас ўз мардлигини суиистеъмол қила бошлади. Одатдаги жазолар кор қилмагани учун унга атаб янгиси топилди: бир кеча-кундуз ўзи лицейга кийиб келган эски болалик сертугини кийгизиб қўйишди. Сертук шу қадар тор, ғариб, расво тикилган эдики, кулгини қистатар ва ўз таъсирини ўтказарди. Формали уст-бош уларни қашшоқликдан ота-она бичган болалик сертукчаси ва иштончаларидан сақлаб турарди. Александр Данзасга қараб туриб, қувонч

билан кулиб юборди. Данзас худди масхарабоз сингари кулгили эди. Лекин жуда тезда ўзининг либосини хотирлади-ю, дами ичига тушиб кетди: унга эски сертукчасини кийгизиб қўйишларини у минбаъд истамасди.

Улар топширилган вазифаларни ҳамиша синф хоналарида, баланд столда ҳар бирлари алоҳида ўтириб тайёрлашарди. Қоқ ўртада қора стол турарди. Данзас билан Броглио нокамтар хулқ-атвори ва айниқса ғалати, беодоб ва бемаъно қилиқлари учун мураббий Илья томонидан қора столга ўтқазиларди. Сўнгги пайтларда у буларнинг айб ишларини кутиб ҳам ўтирмас, тўппа-тўғри ўша столга ўтқазаверарди. Улар ўша столга ўрганиб қолишган, Данзас ҳатто бети чидаб, бундай ўтириш баланд столдан кўра қулай, деб эълон қилган эди. Немисча гапларни билмагани учун Дельвиг бир марта Гауеншилд томонидан нонуштадан маҳрум қилинди, бошқа сафар эса, дарсларни ўрганмай, аллақандай менсимаслиги учун ноништа пайтида унга чой ўрнига қора нон билан бир стакан сув берилди. Дельвиг, хусусан, ялқовлиги учун таъқиб қилинарди. Жаноб Калинични норози этгувчи ҳуснихат синфидаги хандон кулгиси ва жаноб Гауеншилднинг немис тилшунослиги дарсида чизадиган қуруқ шакллари учун талаба Пушкин ҳам қора столга ўтқазиб турилларди. Бироқ унинг безорилар билан дўстлиги йўқ эди. У қўполроқ, одамовироқ, бўлиб, ҳали Пушчиндан бўлак ҳеч ким билан дўст тутинмаган эди.

Унинг князлиги йўқ, Данзас ва Броглио каби бақувват ҳам эмас эди. Аммо лекин французчалаб, худди француздек гапирарди. Унинг уйидан олиб келган китоблари бор эди, ўқисанг, ичингни узиларди. Кечқурун ундан бирор нима ўқиб беришини илтимос қилдилар. У аввалига бош тортди, лекин кейин уларга Вольтернинг бир-иккита шеърини ўқиб берди; улардан биттаси мароқли ва чамаси ножўя, бошқалари эса мароқли эмасу, афтидан, аллақимаси билан диққатга сазовор эди: у ҳузур билан сал ҳазин қилиб ва тайинсиз бир нарсага кулимсираб туриб ўқирди. Баъзи бировлар пиқиллаб кулиб юборган эди, у дарров китобни ёпиб қўйида, қовоғини уюб қараб қўйди. Горчаков унга: дидинг бор экан, деб айтди.

Тезда ҳамманинг назарига тушди: дарсларда у пат ғажиб ўтиради, алланималарни чизади, ёзиб қўяди; у лекцияларни ёзяпти, деб ўйлаб юришди. Лекциялардан кейин унга тегишиб кўрдилар, у тутақиб кетар, ўзини билмай, шу ернинг ўзида муштлашиб кетгудай бўлар эди. Ҳолбуки лекцияларда қатнашгувчи мураббий унга икки марта жиддий танбеҳ берди, шундан сўнг безорилар уни иззат қила бошладилар. У, афтидан, лекцияларда тааллуқсиз нарсалар билан машғул эди ва афтидан, қулоғига ҳеч бало кирмасди. Бир сафар Гауеншилд сўраб қолганда, у ҳеч нимани айтиб бермади, айтишни истамади ҳам шекилли. Немиснинг жон-пони чиқиб кетди, лекин Пушкин қўрқмади; у, охирги ўқувчи бўлишдан қўрқмасди, чамаси, аллақандай шахсий чет машғулотлари бор эди. Безорилар унга разм сола бошладилар. Балким, у шеър ёзар? Барваста, лекин камқувват Илличевскийнинг ҳафсаласи пир бўлди; у ҳам шеър ёзарди, лекин халал беришганда жаҳли чиқмас эди. У шеърларини нари суриб қўйиб, ҳамма қатори чопқиллаб юрар, сайрга борар, машқ тайёрлар, кейин эса бўш вақтда бошқалар коридорда юрганда, китоб ўқиётган ёки сурат чизаётган пайтда, у шеър ёзарди. Бунинг кулгили ёки ғалати ҳеч нимаси йўқ эди. Яковлев ҳамма профессорларни мазах қилар, Корсаков ашула айтишга уринар, Дельвиг ёлғон сўзлар, Илличевский бўлса шеър ёзарди. Бу бўш вақтни мароқли ва қайсидир жиҳатдан фойдали тарзда ўтказиш йўли эди. Уни зўрлаб, шеърини ўқитдилар, ҳаммага маъзур бўлди: бу ўша тунов куни Кошанский ўқиб берган Дмитриевнинг масали қабилидаги масал эди. Пушкиндан ҳам шеър ўқиб беришни сўраган эдилар, у бош тортди: худди шапалоқ егандай куйиб-пишиб, нэза бўлиб кетди. Унинг пат ғажиши бежиз эмас экан-да, ёзганлари ёмонроқлиги, қўлидан ҳеч бало келмаётгани ҳаммага аён бўлди.

Кейин рус тилини қарийб билмайдиган Кюхельбекернинг ҳам шеър ёзиши билиниб қолди.

Ўн тўртинчи номер бегонасирамоқда эди; безорилар у билан шуғулланишга аҳд қилдилар. Бир марта Броглио деворга тираб қўйганда, унинг бирдан ранги ўчиб, нафаси қайтиб кетиб, шундай қўпол сўкиндики, Броглио уялиб қолди. Лицейгача у бу нарсаларни ўрганиб бўлган эди, афтидан. Унинг амакиси Василий Львович доим шундай сўкинишини улар билмасдилар. Энди уни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

Унинг билимларидан ҳайиқадиган бўлиб қолишди: у, гарчи Данзас ва Броглиога ўхшамаса-да, ҳам бебош, ҳам ғалати эди. Кечқурунлари ҳамма уйига мактуб ёзарди — бир хиллари ҳар куни; у мактуб ёзмасди.

Бир куни улар чой ичиб ўтирганда, пилдираб назоратчи Пилецкий кириб келди-да, уларнинг уйларига бутунлай юборилмаслигини, қариндош-уруғлари эса якшанба ва байрам кунлари хабар олиб туришлари мумкинлигини маълум қилди.

Аввал улар тушунишмади. Корсаков билан Степан, ундай бўлса, ўзларига қачон уйга жавоб беришларини сўрашди. Пилецкий:

— Лицей тугагандан кейин, — деб жавоб берди.

Жимжит бўлиб қолди. Корф йиғлаб олди; ҳамма бир-бирига саросимада термилиб ўтирарди. Чой совуб бўлди. Кюхельбекер йиғламасликка ҳаракат қилиб лаб-лунжини осилтириб олди, кўз

ёшлари эса, стаканга томиб турарди. Александр уларга қизиқсиниб қараб ўтирарди. Кейин болалар бўлмасининг шипшийдам деворларини, печкадаги кўмирни, отасини эслади — қовоғини уюб, чойини ичиб тугатди. Кечқурун ётар пайти у Вольтернинг Арина ул-буллари ичига солиб қўйган томини олди, Фреронни илон чақиб олгани ва бундан Фрерон эмас, илон ўлиб қолгани ҳақидаги қисқа шеърни ўқиб чиқди, роҳат қилиб, жилмайиб қўйди-да, китобни юзига босиб олди. У илвираган чарм муқовада эди; чарми худди кампирнинг юзи каби илиққина эди. У яна жилмайиб қўйди-ю, уйқуга кетди.

4

Улар ҳовузларни ёқалаб, бот-бот кўл томонга сайрга боришарди: биринчи ва иккинчи ҳовузлар орасидаги тўғоннинг номи Жин кўприк бўлиб, бу тош уюмида мармар ва гранит қалашиб ётар, улар асрлаб сунъий, ваҳшийликни акс эттириб келгандай эди. Пастга тушаётиб, сув шағирлар, кўпикланарди. Бу ерда оддий ёввойи бир ҳайкал кулранг қоя каби турар, кемаларнинг тумшуқлари денгизни эслатиб, ҳар тарафга қараб ётарди. Фақат кўл музлаб қолгандагина улар ҳайкалга яқин йўлаб, мис тахтадаги ёзувни ўқиб кўрдилар. Ёзув умуман бронзага қуйилгувчи ёки тошга йўнилгувчи барча эски ёзувлар сингари узун, сўзамол, боболарнинг суҳбатлари каби сертакрор эди. Бу бир маҳаллар Морея ёнида Фёдор Орлов қозонган денгиз ғалабаси хотираси эди. Морея ярим ороли, Витуло порти, Модана тилга олинган эди. Лассава, Бердони ва Спартани забт этган капитан Барков тўғрисида, Аркадияни таслим қилган капитан Долгорукий тўғрисида гаплар бор эди. Энг сўнггида бригадир Ганнибал қайд этилган: «Наварин қалъаси бригадир Ганнибалга таслим бўлди».

Бу ҳақда у ҳеч кимга оғиз очмади; овсар Мясоедов ўқиб чиққан Тирковга бемаъни гап қилганини эшитиб қолган эди:

— Бригадир — Ганнибал — наварил.

Тирков бўлса жавоб берди:

— Ганнибал — бу қадимий тарихдан.

Унинг ўзи ҳам бунинг қанақа Ганнибаллигини тузуккина билмасди. Уларнинг уйида Ганнибаллар кам гапириларди. Балким, бу бувиси Марья Алексеевна эслаганда, кўз ёшларини маржон қилиб йиғлайдиган бободир? Ёки ҳалиги отасининг қўрғонини тортиб олмоқчи бўлганимикан? Уларнинг ҳаммаси денгизчи бўлишган. У ўзининг шубҳа-гумонларини Пушчинга айтмоқчи бўлди ҳам, лекин пайсалга солиб турди. Аммо улар кўл ёнидан ўтишганда, ҳар гал у оддий тўқ кўк тарам-тарам чизиқли тошга термилиб қоларди; кемаларнинг қадим яшил бронза тумшуқлари қорайиб, ҳар тарафга диккайиб турарди; эски тош якка устун бўлиб, Жин кўприк ёнида қаққайганди. Унинг бобоси эди бу.

Пайқаб қолмасинлар, деб у фуражкасини пешонасига хуфиёна суриб қўярди. Уларнинг тантанали учбурчаклари тортиб олиниб, эконом томонидан жавонга қулфлаб қўйилган эди.

Унинг бобосига таъзим қилган эди бу.

5

Амакиси Василий Львович аммаси Анна Львовна омонатга топширган пулларни бермай кетаверди. Александр ота-онасига хат ёзиб юборди; Сергей Львовичдан у оталик меҳрига тўлиб-тошган мактуб олди. Сергей Львович ўғлидан хат кам келиши борасида гина қиларди: шунча вақт ичида атиги иккита мактуб холос, она ўзининг Александри бундай каллайи саҳарда туришга мажбурлигини ўйлаб, ғам чекаётганини етказишни сўрабди: соат олтида уйғониш унинг ақлига сиғмасмиш. Аммаси Анна Львовна аввалгидек фақат уни гапириб, у билан тирик эмиш. Александр шуларни дилда сақлаб, раҳмдил директор паноҳидаги ўз ардоқли юртида қунтли бўлмоғи, ҳозирги васийларнинг жаҳлини чиқармаслиги керак экан. Сергей Львович айриликка ҳademай тоқат қилиб бўлмаслигини сезиб юрибди ва масала ҳал!— у ўғлидан хабар олади экан. Пул ҳақида — бир оғиз гап йўқ.

Ҳолбуки эркинликлар авжида эди — эпчил амаки, қора мўйлов Леонтийни Корф немис қандолатхонасига ширин кулчаларга обориб турарди. Леонтий ҳатто ўзининг зинапоя остидаги ҳужрасида полякча кавярна уюштириб олган: у ерда тоза дастрўмол ёпилган столча турар ва талабга биноан бу стол устида бир зумда қаҳва, бир тахлам сухари пайдо бўларди. Тасаввур авжига кўтариларди. Оталари пале-рояль қовоқхонасида қандай нонушта қилишса, улар Леонтийникида шундай нонушта қилишарди. Горчаков бир сафар кичкина бир қадаҳдаги ликёрни ичиб юборди ва яқин орада битта-яримта назоратчи бўлмаган пайтлари икки кунгача чайқалиб юрди: у ўзини маст деб хаёл қиларди. Улар салобат билан чўнтакларини ковлашар ва лутф айлаб, Леонтийга чойчақа бериб кетишарди. Фақат Александр, Вальховский ва Кюхельбекерда пул йўқ — Александр билан Вальховскийда ҳемири ҳам йўқ, Кюхельбекерда эса, у биринчи курснинг охиригача сақлайман, деб қасам ичиб қўйган икки сўм бор эди.

Пилейцкийнинг буйруғи билан уларнинг оталари уйидан олиб келинган китобларини тортиб ола бошладилар. Мураббий Чириков ҳужрадан-ҳужрага кириб юрарди. Вольтерсиз, расмли Пиронсиз қандай кун кўришига ақли етмаган Александр Арина солиб қўйган китобларни бермасликка аҳд қилди. Китобларни тортиб

олишга келган мураббий Чириковни у шундай важоҳат билан қарши олдики, Чириков бўшашиб қолди. У заиф ва нимжон, чечак бузган қорача юзли, муомалада доим бирдай одобли эди. У хўрсиниб, Александрга кўз қирини ташлади-да, қўлларини ёйиб қўйди. Александр ҳам унга китобларини бериб юборди.

Нонушта пайти китоблари улғайганларидан кейин қайтариб берилажагини ва яқин орада давлатпаноҳ ўзи ёшлигида ўқиган кутубхонани тортиқ қилади, деган умид борлигини ва ўша кутубхона лицей билан фрейлиналар флигели оралиғидаги арк деб аталмиш далонда бўлажагини айтдилар.

Энди унинг ота уйидан олиб келинган ҳеч нарсаси йўқ эди.

6

Сергей Львович лицейни зиёрат қилди. Бу унга осонликча насиб қилмади. Эри Петербургга отланаётганини кўриб, Надежда Осиповна индамасдан йиғиштирина бошлади. Сергей Львовичнинг оғзи очилиб қолди: ёлғиз ўзи жўнашни ният қилган эди-да; энди унинг учун сафар талай жозибаларидан маҳрум бўлиб турарди. Ниҳоят, гапни бир ерга қўйдилар: Надежда Осиповна сафар учун ўзига янги пўстин тиктиради, негаки, эскисида жўнашнинг ҳеч иложи йўқ: шундан сўнг, ёстиқдоши ёнига — Петербургга етиб боради. Сергей Львович бу гапни ўзи топди-ю, дарҳол хонумони куйиб кетишини сезди. Ҳолбуки сафар хизмат борасидаги мақсадларига молик эди. Москва интендантлигидаги 7-класс комиссионерлиги нима деганда ҳам унинг учун хўрлик, тушадиган пули ҳам ўлгидек кам эди; у Петербургга Александрни кўриш ва биратўла пойтахтга ўтиб кетишнинг иложи бор-йўқлигини суриштириб билиш ниятида жўнамоқда эди, акс ҳолда қаёққа бўлса ҳам, ўзига муносиброқ бирон жойга ўтади. Ҳозирги сиёсатнинг бепандлиги унга бир қадар илинж берарди: урушнинг яқинлиги ҳаммага аён, ҳадеб ўрин алмашишлар, қайта тайинлашлар бўлаётган эди ва ҳоказо. Интендантлик ҳарбий лавозим эди. У мартабага илиниши мумкинлигини хаёл қилмасди. Чунки жуда кўп вақтдан бери ҳеч амалга илинмай келарди, лекин эски қиморбоз сифатида ҳамма нарса ғанимат фурсатга боғлиқлигини кўнгилдан чиқариши мумкин эмас эди. Уни Москвада ортиқ ҳеч нима тутиб турмас эди. У машҳур Панкратьевнаникига оралаб юрган вақтлар ўтиб кетди, худо билади, у вақтлар ўзи бўлганмиди-йўқмиди. Сергей Львович департаментда хизмат қилаётган ва назардан қолган эски гвардиячи дўсти билан баъзи-баъзида пулсиз штосс ўйнаб, қиморга бўлган иштиёқини аранг босар эди. Устига-устак, у ўйин гуноҳу, ўйнамасанг, зерикасан, деб юргувчи синглиси Анна Львовна қоидаларини хийла аниқ биладиган, гариб ва ночор, аммо лекин ютуқсиз ва

ютқизиқсиз пасьянсга ўч бўлиб қолган эди. Унинг аввал акасига олижаноб ҳасад юзасидан вужудга келиб, энди так-таслим унут бўлиб кетган азалий армони — Парижни кўриш истаги эди. Замон бошқа эди. Энди ҳатто унинг Петербургга отланиши ҳам мушкул эди.

Ҳолбуки нақ жўнаш олдидан у ночор қатъият билан Надежда Осиповнага шуни маълум қилди: пўстинчага тўлаш учун қўлида сира пули йўқ, ўлпонни кута туришга тўғри келади. Надежда Осиповна ўзини лақиллатиб кетишганини фаҳмлади-да, унга тарсаки тортиб юборди. У терсайиб, кўзларини чақчайтириб қўйди, лекин унинг таажжубига, Сергей Львович буларнинг ҳаммасига дадил туриб дош берди, болаларни наридан-бери ялаб-юлқаб, жўнаб кетди.

Йўлда вақтини аъло даражада ўтказди. Биринчи бекатдаёқ у йўловчи мансабдор билан сиёсий янгиликлар мавзусида гаплашиб қолди ва унга, гарчи ўзи Наполеоннинг ҳеч нимасини қувватламаса-да, лекин исрофгарчиликка чек қўйиш учун Наполеон хотинининг модачисини ҳибсга буюрибди, деган сўнгги хабар ҳар қалай эътиборга лойиқ, деб айтди. Афтидан, Сергей Львовичнинг эркин фикрларидан қўрқиб кетган мансабдор унга: «Ҳа-я», деб тўмтоқ жавоб қилди.

Валдайда у йўловчи гусарнинг айш-ишрати шоҳиди бўлди: унинг почта уйига ўзининг ибосиз юриш-туришлари билан донг чиқарган валдай қизларини ҳайдаб келтириб бердилар. Гусар Сергей Львовичга қилча парво қилиб қўймади ва аслини олганда, ғоят бадахлоқ ўйинларида иштирок этишга уни таклиф қилмади. Ҳужрада осиғлиқ турган қийшиқ кўзгуга ўзини солиб кўргач, Сергей Львович бунинг сабабини тушунди: унинг туриш-турмуши ҳаддан ташқари мўътабар, юзлари салқиб, тарвақайлаб кетибди. У бола-чақалик, ота эди. Елкасини қисиб қўйиб, қайтишда ўзини ўзи тақдирлашга қарор қилди. Петербургдаги ҳамма ишларини яхши амаллади, гарчи Сергей Львович хизмат тўғрисида гап очишга ошиқмас, ҳеч ким ундан бу ҳақда сўрамасди ҳам; у Иван Иванович Дмитриевни зиёрат қилиб, Карамзиндан салом айтди.

Демут нумерларидаги қароллар ўзининг мулозаматлари билан машҳур эдилар; Сергей Львович худди шу ерда ўз мустақиллигини тўкис ҳис қилди.

Царское Селога бирга боришни кўнглига туккан Тургенев банд эди. Бунинг жуда алам қиладиган томони шунда эдики, извошчилар йигирма беш сўмдан камига олиб боришдан қатъиян бош тортардилар.

Александр билан учрашув қатъий риоя қилингувчи қоидаларга асосан фақат якшанба куни бўлиши мумкин эди; Сергей Львович ҳам биринчи якшанба куниёқ Царское Селога жўнаб кетди.

Янги йўлни кўриб, баҳр-дили очилди, бу йўлдан у биринчи марта кетмоқда эди.

Йўлда бир-иккита йўловчиларни учратиб қолиб, у бепарво бир тусга кириб олди. У ўз аравакашига боғ дарвозахонасида тўхташни буюрди.

Саройга кета туриб, Сергей Львович қаддини ростлаб, йиғиштириниб олди ва йўрғалаб кетди. Давлатпаноҳни учратиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги фикр уни ҳайратга солиб қўйди. Унинг хаёли жўш уриб кетди. У олижаноб самимият билан давлатпаноҳга ўз хизматининг кўнгилсиз томонларини баён этади, ўз ишларига аралашишини сўрайди, баногоҳ мароқли ва анча обрўли лавозим олади ва ҳоказо. Саройга яқин келгач, йўлида соқчилардан бўлак ҳеч кимни учратмагач, Сергей Львовичнинг шаҳди синиб, сўлжайиб қолди.

Лицейда уни кўзлари ўткир, ғоятда нохайрихоҳ, дўхти ўта совуқ бир одам қарши олди. У Сергей Львовичга учрашувни кечиктириш лозимлигини, чунки шу мақсадда ажратилган эрталабки соат ўтиб кетганини, энди ҳадемай сайр бошланишини маълум қилди. Хуллас, то кечгача, яхшиси эса, келаси якшанбагача кута туришга тўғри келади. Сергей Львович бақириб берди. Хонада ўғиллари билан гурунглашаётган бир неча ота-она бўлиб, уларнинг ҳеч бирини Сергей Львович танимасди. Ота-оналар унга таажжуб билан қараб-қараб қўйишарди. Кейинчалик инспектор ёки бунисининг фарқи йўқ, назоратчи — ўша дўхти совуқ киши жавоб ўрнига мийиғида кулиб қўйди-да, Александрга одам юборди.

Александр зинапояда Пилецкий билан тўқнашиб кетди. Мартин унга Александр тоқат қилолмайдиган бир тарзда илжайиб қараб қўйди: илжайиши билинар-билинмас, кўзларида эса кулги йўқ эди. Унга қараганда, Мартин доим шундай кулимсираб турарди.

Пастга тушгач, у отасини қаттиқ ҳаяжонда, майда қадамлар билан хонада у ёқ-бу ёққа айланиб юрган ҳолда кўрди.

Сергей Львовичнинг эгнида живир-живир кулранг фрак бўлиб, у ёшига номуносиб тарзда ҳафсала билан кийинган: таранг ёқалари сўлғин юзларини тираб турарди.

Александр отасидан ётсираб қолган эди. У шу ерда, залда Модинька Корфнинг жингала сочли отаси унга қизиқсиниб кўз ташлаётганини пайқади. Бирдан унинг отасига раҳми келиб, унинг семизлигидан, ҳафсала билан кийган уст-бошидан уялиб кетди; эски брелок — тамғача Сергей Львовичнинг қорни устида осилиб турарди. У ўғлини анча такаллуф билан қучоқлади. Ўзлари саройда турганларини ҳис қилиши ўғлини бағрига босишига, кўз ёши қилишига халал берарди ва ҳоказо. Кейин у Александрга сезиларли алам билан, барала деди:

— Ўғлим, сизнинг катта бобонгиз бу ерда бошқача манзират қилинар эди.

Сергей Львович бобонг демади: негаки, унинг отаси Царское Селода манзират қилиниши даргумон эди. Умуман, қилиқларидан Сергей Львовичнинг лицейни саройдан, лицей катталарини эса, саройникидан сира фарқламаслиги кўриниб турарди. Лицейни дарбор ҳозир бўлган очилиш маросими тўғрисидаги ҳикоялар унинг хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолган эди.

У тезда тинчланиб қолди. Корфларга қараб-қараб қўйиб, у ўғлидан муваффақиятлари қандайлигини сўради, директор билан гаплашишга истак билдирди, Александр Иванович Тургенев ваъдасида туриб, хабар оляптими, деб суриштирди, буни Николай Карамзиндан эшитганини айтди — ана шунда товушини сал баландлатди.

Сергей Львович бу гапни Карамзиндан эшитмаган, бу гапни Александр Иванович жиянига кўз-қулоқ бўлиб туришни ўтинган акаси Василий Львович айтган, лекин у жўнаш олдидан Карамзинни ҳақиқатан ҳам зиёрат қилган эди. Номлар ўз таъсирини ўтказди: Корфга жон кириб, умумий суҳбат қовушиб кетди. Инспектор Пилецкий насибасини олди. Корф ота-оналар билан муомала системасига қарши эди.

— Ўғил — меникими,— дерди у,— бинобарин, менинг унга худди ўз мулкимдай ҳақим бор, қонуний мулкни истифода қилишга йўл қўймаслик жиноятдир.

Корф қонуншунос эди.

Александр онаси ва опасини сўради. Онаси унинг мактублари қисқалигидан шикоят қиларди. У, Арина қаерда, деб сўради.

Сергей Львович саволни ўринсиз деб топди.

— Cette bèquele d'Arina et toute la dvornia[1] соғ-саломат,— деди у илжайиб.— Уларга нима бўларди? Сиз ўз укангизни сўрамадингиз, ўғлим.

Дарвоқе, Сергей Львович ундан бирор нарсага зориқмаяпсанми, деб сўради.

Кутилмаганда, Александр ўзига пул кераклигини айтиб қолди.

Сергей Львовичга бу малол келди, ҳайрон бўлди.

— Лекин амманг Анна Львовна, ёдимда бўлса, сенга юз сўм бериб юбориб эди,— деди у тундлашиб.— Оз пул эмас. Айтгандек, у сендан ҳисобни эмас, зеро, пул сеники, лекин уларни қандай сарфлаётганинг тўғрисида ҳикоя қилишингни сўраган эди.

Александр амакиси Василий Львовичдан атиги уч сўм олиб,

---

[1] Ўша писмиқ Арина ва бутун қароллар *(франц.)*.

уларни ёнғоққа харж қилганини билиб, Сергей Львович шошиб қолди.

— Эсингда аниқ турибдими, дўстим?— сўради у нафаси қайтиб. Кейин бирдан ишонч ҳосил қилгач, четга қараб бидирлаб гапириб кетди:

— Уни келган ҳамон жўнатаман, амакингга эса, эслатиб қўяман. Онангга хат ёзиб тур, лўстим.

Уларнинг гаплашадиган бўлак гапи йўқ эди. Ота — Корф алақачон йироқлашган эди. Лекин шу орда яна дўхти совуқ одам пайдо бўлди-ю, Александрга сайрга тайёрланиш зарурлигини айтди. Сергей Львович қовоғини уюб, бўзарди. Александр кийинган чоғидаёқ кетди. Кўнғироқ садоси келди. Сергей Львович ҳамон турган жойида турарди. Мулоқот, аслида, тугаган, унинг ўғли билан гаплашадиган бўлак гапи ҳам қолмаган, лекин ҳеч кимса,— у инспектор, сарой аъёни ёки генералиссимуснинг ўзи бўлганда ҳам,— обрўли одамнинг ўғли билан учрашувини кўнғироқдан илгари бўлиб қўйишга ҳақли эмас эди. Бир гуруҳ ўспиринлар сайрга ўтиб кетишди.

Сергей Львович шартта жойидан қўзғалиб, пастда шинелини елкага ташлади-да, жон ҳолатда ғизиллаб кетди. Лицейчилар кўримсиз одам командаси остида боғ оралаб судралиб борардилар; Александр охирги жуфтда кетмоқда эди. У шинелига ўралашиб ўралаша уларга етиб олди. Сергей Львович хаёлан капрал деб қўйган кўримсиз киши уларни наридан-бери сафга тизган, унинг қадамини баробарлаштирмасди ҳам.

«Мой cher» гвардияда хизмат қилмаган кўринади,— норози бўлиб кўнглидан кечирди Сергей Львович,— бу ерда ҳамма нарса кўл учида қилинади — уят!»

Йўлка тор, орқада қолиб кетмаслик учун у дарахтларни оралаб, йўлнинг четгинасидан йўргалашга тўғри келарди. Ўсмирлар унга таажжуб билан қараб қолишган эди. Шунда у, Александрга етиб олгач, ўзининг ҳеч нима демаётганини сезиб қолди-да, ўғлига салобат билан мурожаат этди:

— Енингга яқинда Александр Иванович Тургенев келиб қолади. У ёғини сенга ўша киши хабар қилади. Кечир, дўстим.

Сергей Львович кўнгли ғаш бўлиб, ўзи ярамас капрал деб от қўйиб олган Чириковга кўз ташлаб, саройга қарай-қарай, ўзининг ғаравакаши томон судралди. У бирам жонли тарзда тасаввур қилган сарой аҳли билан учрашув ва мартабанинг нохос табаддулидан содир бўлмади. Ўғли лицейда — атиги шу. Лицей муаллимларининг қўпол ва манманлиги — tous ces mspecteurs, instructeursets[1] унга ёқмади.

[1] Уша назоратчилар, устозлар ва шу кабиларнинг ҳаммаси *(франц.)*.

БЕШИНЧИ БОБ

1

Мартин Пилецкий уни кўриб кўрмаганга оларди. У ҳамиша Александрнинг ёнидан, гўё қаршисида ҳеч нарса йўқдай, уни қарийб туртиб юборгудай бўлиб, шиддат билан шитоб ўтиб кетарди. Аллақаердан у ҳар кунги ҳукмронлик эҳтиёжини ва ёлғиз худога топингувчи иезуитларнинг алоҳида муте ғурурини олиб чиққан эди. Ундан ҳамма ҳайиқарди.

У укаси Ильяни лицейга мураббий қилиб жойлаштириб олди. Укаси унга сиғинар, ҳамманинг кўз олдида тобе одамнинг бор ҳақирлиги билан Мартинга таъзим қилиб турарди. У бир шарпа мисол коридорларда тентираб юрар, дарслар пайтида эшитилмас ва кўринмас бўлиб бурчакда ўтирар, профессорларнинг лекцияларига қулоқ солмай, шивирлаган, шитирлаган товушларни тингларди. Қора муқовали энсиз дафтар ҳамиша ёнида юрар ва унга дақиқа сайин ўз мушоҳадаларини қайд этарди.

Мартиннинг ўз арзандалари бўлиб, улар билан узоқ суҳбатлар қурарди. Оппоқ юзли, лаъли дудоқли Модинька Корф, афтидан, уни ташвишга солиб қўйган эди. Ломоносов фаросатли, тавозели ва ҳозиржавоб эди. Юдин яхши тарбия кўрган, аскиячи ҳам эди. Корсаков — қидирувчан. Мартин сездирмайгина уларни ўзига яқинлаштириб олди. Модинька Корф билан у дераза олдидаги меҳробда ёки фрейлиналар флигелига элтгувчи далонда холи қолиб суҳбат қурарди. Мартин ундан эҳтиёт бўлиб юришини сўрарди: Модинька кўҳликкина, ўртоқлари унга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Уларнинг дўстлиги ҳалокатли бўлади. У Мартинга ўз отасини хаёлдан чиқариб, худди ўз пирига ишонгани каби ишонмоғи лозим эди. Роҳиб унинг бошини силаб қўярди-да, жавоб бериб юборарди. Бу нарса эътибордан четда қолмади: Модинька ўзига кўрсатилаётган ишончдан хижолатда эди. Данзас уни мазах қила бошлади. У Модинькани қиз бола дейдиган бўлди. Модинька Корф йиғларди, Мартин бўлса, унинг бошини силаб овутарди.

Лицейдан фосиқ хулқи учун Гурьев ҳайдалиб кетганда, ҳеч ким хафа бўлмади. Гурьев овсар бўлиб, дўстлари ҳам йўқ эди. Ундан Модинька Корф шикоят қилган эди.

Корсаковга у журнал чиқариш учун ижозат берди. У қисқа қилиб таклифнома ёзиб берди: ижодкорлик лавозими бажосига анча-мунча лаёқатли барча ёш йигитларнинг мажлиси таъсис этилсин. Ҳар бир аъзо ҳеч бўлмаганда икки ҳафта асносида бирор нима ижод қилиб бериши шарт эди, бусиз уни ҳайъатдан чиқариб юборишарди. Ушбу мажлис хорижида бирор нарса ижод қи-

лиш ман этиларди. Мартинга укаси Илья Пушкин дарсларда нуқул машғулотларга алоқасиз нарсаларни ёзиб ўтиради, бир марта ёзганларини ғижимлаб ташлаб юборди, деб чаққан эди. Текширишда маълум бўлишича, қоғозда: «Кошонага соҳиб эмасман», деб ёзилган ва қуюқ қилиб чизиб ташланган; Ильянинг фикрича, бу Пушкиннинг ўзиники бўлиши мумкин, у аллақандай шеърий иншодан далолат берарди. Тақиқ киндорликдан бўлак ҳеч натижа бермайди, дерди Илья, қоғозни тортиб олиш эса даргумон, чунки Пушкин тўполончи, бирор кор-ҳол бўлиб қолмасин тағин. Умуман, Илья фармойиш сўраб турарди.

Мартин Илличевский, Делвиг ва Пушкин шеър ёзишини биларди. Шеърларни даҳшатли равишда ишга солиб юбориш мумкин. Пушкиндан тортиб олинган Вольтер билан Пирон шуни исбот этиб турарди. Пушкиндан тортиб олинган китобларнинг биридан ҳатто «Васиятнома» деб сарлавҳаланган парчалар ҳам чиқиб қолди. Парчалар дорга тортилиб кетган Париж худосизи, қовоқхона санқиси Франсуа Вильон қаламига мансуб бўлиб, унинг тарихи қисқа ҳажвия тарзида баён қилинган эди.

Мартин ўз арзандаларига нисбатан сабр-тўзимли эди-ю, лекин уларга ҳеч рўйхуш бермасди. У аста-секин ҳаммани ўзига ўргатиб олишга, шу тариқа охирги талабаларга ҳам етиб боришга қарор қилди. Охиргилари Данзас, Броглио ва Пушкин эди. Лекин Пушкинни бошқаларидан кўра барвақтроқ уддаламоқ шарт эди, зеро, унинг таъсири фалокатли бўлиши мумкин.

Корсаковнинг журналига у жўнгина қилиб «Царское Село газеталари» деб ном берди. Корсаковнинг ажойиб ҳуснихати бор, уни шу важдан редактор қилиб тайинлади. Ўз журналини Корсаков мақолаларнинг фазилатлари борасидаги фикр-мулоҳазалар нуқтаи назаридан Кошанскийга ва ахлоқий цензура нуқтаи назардан Мартинга кўрсатиб туриши лозим эди.

Бу орада Мартин ўзининг арзандаларидан ишонч талаб қилиб қолди: улар ўзлари ва ўртоқларининг барча хатти-ҳаракатлари ва ҳаттоки фикр-ўйларини унга гапириб бериб туришлари шарт эди. Мартин уларга истиғфор ваъда қилмас, лекин пир сифатида адолат ваъда этар, улар эса ўз ихтиёрлари билан унинг оталик ҳукмини тан олишлари лозим эди. Модинька Корф билан Корсаковга бу нарса маъқул бўла бошлаган эди: уларнинг ҳамиша ҳимоя қилишга шай, пайти келганда эса фарқлашга ҳам тайёр шафеси бор эди.

2

Яхши йирик ҳуснихати бор Корсаков устаси фаранг редактор бўлди. Фақат Данзаснинг ҳуснихати уникидан яхшироқ эди.

Ҳуснихат дарсини улар севардилар. Баҳайбат, камҳаракат,

улуғвор чеҳрали Калинич ўз ишининг ҳаками, билимдони ва ишқибози эди.

У ҳам пешонаси шўрлардан эди. Алпқомат, савлатли хонишчи сифатида Екатеринанинг подшоҳлик даврида у жанубдан сарой хорига келтирилган эди — *эҳтиёти шарт:* Екатеринанинг арзандаси хонишчи Разумовский тимсоли ҳамманинг хотирасида эди. Аксига олиб, товуши айнаб қолди, эҳтиёт-шарт деган баҳона қўл келмади-ю, у абадул-абад илгариги замон омонат сарой бахтининг жонли ҳайкали бўлиб қолаверди. Унинг ҳуснихати ажойиб эди: у партитураларни кўчирарди.

У чизиқларнинг дадил бўлишини талаб этар, босиб йўғонлаштириб ёзишнинг душмани, хусусан, ҳарфларнинг бошию охирида патнинг тўхтаб қолишини ёқтирмас, бунинг натижасида нуқта бинога келарди. Буни у разил, муншиёна ва мирзоча қилиқ деб ҳисобларди. У, шунингдек, «жингалак»лари кенг-кенг, тарвақайлаган ҳарфларни ҳам ёқтирмасди. Уйида немис саводи бўйича таълим олган Корф билан Кюхельбекер шундай ёзишарди.

— Парафгача етмайсизлар,— дерди уларга.

Парафни, имзодаги гажакни у энг мушкули, бутун ишнинг якуни деб ҳисобларди.

— Кимда-ким ноаниқ ёзар экан, ўшанинг фикр-ўйи ҳам чалкаш бўлиши керак,— деб ўзининг бу фикрини, ҳар қалай, ҳеч нима билан тасдиқламасдан гапирарди.

Александрнинг ҳуснихатига риоя билан қararди:

— Энг янги француз мактабига мансуб — парвози бор, лекин боғланиши кам. Илличевский аниқроқ, лекин жимжимага мойил.

Энди улар ҳамма ерга, тўғри келган жойларга, дуч келган биринчи қоғоз парчасига кўп-кўп имзо чекиб юришарди. Александрни ўзининг имзоси қизиқтирар эди. У энди 7 нчи класс жаноби Пушкиннинг ўғли ва шеърнавис Пушкиннинг жияни эмас, унинг ўзи, Пушкин, шеърнавис эди.

Улар ўзларининг ва ўртоқларининг фамилияларини ҳар мақомга солиб ўзгартириб юришарди. Аслида мушкул томони бўлмаган Кюхельбекернинг фамилиясини улар: Бехелькюкер деб ёзишарди; унинг лақаби: Гезель эди. Гауеншилд бўлса, Кюхельбекердан истисно ҳамма фамилияларни инсофсизларча бузиб гапиради. Шу тариқа Илличевскийни у Иллишийший деб атарди. Илличевскийнинг ўзи энди ўз фамилиясини: Ийший деб тасвирлайдиган бўлиб қолди.

Александр ўз имзосини яхши кўрарди. У парафи билан, бир-икки ҳарфлик қилиб тескари ағдариб *расмий*, қисқа: НКШП деб, ўз лицей нумери бўйича — 14 номери, ҳарфларнинг ўринлари бўйича 1...14...16... рақамлари билан: номининг биринчи ҳарфи ва фамилиясининг охиргию бош ҳарфлари билан А. Н. П. қилиб им-

зо чекарди. Бир кун шеърларини кўчириб бўлиб, ўз қораламасига қараб қолди-ю, бобосининг ғадир-будир ҳайкалини эслаб, Аннибал деб имзо қўйди. Ном ва имзоларнинг бундай турли-туманлиги унинг учун ажабтовур эди: ҳар гал нафақат ном, назарида, унинг ўзи ҳам янги қиёфага кирарди.

Унга ота бюросининг дафтарларидаги сирли ва қалбаки номлар ёқарди. Муаллиф ҳарфлар, рақамлар, анаграммалар орқасида яширин қоларди. У ҳақида баҳслашишар, бош қотиришарди.

Ҳаммадан кўра Калинич Данзаснинг ҳуснихатини маъқуларди:

— Таранг, юмалоқ ва реза. Реляция ва фармойишлар ёзишга боп.— Кейин ўйга толиб, Данзас тўғрисида қўшиб қўярди:— Мана, у тўполон ҳам қилади, ҳар тарафдан ундан арз-додлар тушиб туради, барча илмларда энг кейинда судралиб юради, лекин худонинг унга қўл бериб қўйганини қаранг: бундай ҳуснихат билан ҳеч қаерда хор бўлмайди.

Дарвоқе, Калинич уларни икки йўриғда ёзишга ўргатарди: интилингки, нима ёзганингизни ўзингиз тушуна билинг. Лекин бировлар учун ёзаётганда, тасаввурга эрк бериш керак. Жойида қўйилган параф билан таъкидлардан кўпроқ нарсаларга эришмоқ мумкин. Ким ёзгани дарров кўриниб туради: агар ёрти устав кўзга ташланиб, мурабба шаклида бўлса — бу мирзодир. Агар таранг, қоп-қора бўлса — ҳарбий. Лекин ҳуснихат силлиқ, жимжимасиз, босмасиз ва ортиқча парвозсиз бўлса — ўша одамнинг истиқболи катта. Оммавий, ёки бошқача қилиб айтганда, расмий ҳуснихат бўлади бу.

Корсаковнинг ҳуснихати расмий эди. У шошмашошар, писмиқ, муғамбир эди, унга редакторлик унвони хуш ёқарди. Ундан Пилецкий нималарни гаплашди, деб сўраб қолишгудай бўлса, у ҳеч қачон дангал жавоб бермасди. Унинг ўзига кўрсатилаётган ишончни қадрлаши кўриниб турарди. У ҳеч заруратсиз кўп ёлғон сўзлар, ҳамма нарсада Горчаковга тақлид қилар, буниси эса императорга таассуб қилгани сабабли, Корсаков икки карра тақлидчи эди.

Пилецкий газетанинг биринчи нумерини маъқуллади, лекин шеърлар кўпроқ бўлсайди, масалан, Пушкиндан шеърлар олинса, деб гап ташлаб қўйди. Александр журналга ҳеч нима бермаган эди.

Аслида эса, лабларини чўччайтириб, қошларини чимириб, беэътибор, бежо қараш қилиб, у бурчак-бурчакларда яширинган, тирноқларини жон-жаҳди билан ғажирди: дарсларда Илья Пилецкий, мураббий, унга ҳаддан ташқари кўп танбеҳ берадиган бўлиб қолди. Чақириб ёки унга қўл тегизиб қолишган пайтлари эса, у сесканиб тушар, ҳазар ва даҳшат билан қараб қоларди. Тезда уни тинч қолдирдилар. У ёзаётган дақиқаларда теварагида бўлаётган гапларнинг ҳаммаси унга аянчли, сур, қалбаки, гапиргувчига номуносиб бўлиб туюларди. Ломоносов бир марта енгидан тортиб қолган эди, у оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, сўкиниб юборди.

3

Малиновскийнинг рафтори ҳамиша текис ва тик, буни у Англияда ўрганиб келган эди. Бу кунларда у шошқин ва беқарор бўлиб қолди.

Бир кун эрталаб, у ўзининг лицей қаршисидаги уйидан чиқиб, доимгидек кўчадан ўтди. Икки лицейчи уни деразадан кўриб турарди. Бирдан уларга, гўё директор қуруқ кўзларини самога тикандай ва юзини қўллари билан беркитиб олгандай туюлди. Бу ҳол бир лаҳза давом этди, холос. Улар изза бўлиб кетишди-ю, ҳеч кимга бу тўғрида оғиз очишмади.

Куницин бу кун рангпар эди; оғзи лекцияларини талабалар эшитмай қўйишгандагидек қатъий бир тарзда қимтилган: у ўз гапини бўлишларига тоқат қилолмасди. Бу кун саволларга жавоб бермади,— талабалар уни ўзларидан аччиқланган, гапларини эса эшитмаган, деб ўйлардилар.

Мураббийлар дамини чиқармасдилар. Айни ана шу кунлар Пилецкий уларнинг ота уйларидан келиб қолган китобларини тортиб олиб қўйган эди. Хунук ҳазилларни ёқтирадиган математик Карцов индамас ва кимгадир ўчакишиб, эҳтиёр бериб бўрни доскага ғичиллатиб суртар, вазмин қўл остида бўр уқаланиб тушарди. Гауеншилднинг оғзи қулоғида, ширинмиясини чапиллатиб шундай тез чайнардики, Опицнинг немисча шеърларини ўқиб улгуролмасди, бундан улар шод эдилар.

Бу Сперанский қулаган кун эди. Улар бундан бир ҳафта ўтгач хабар топдилар: Мясоедовнинг ўғли сингари семиз нуфузли отаси учрашувда ўғлига айтиб кетибди.

Фақат амакилар аввалгидек чарсиллатиб пўстлоқ арчиб ва тўнғиллаб, печкаларга ўт қалардилар: печкалар тутаб ётарди. Бу Матвей амакининг вазифаси бўлиб, у печкалар устида эконом билан ғижиллашган эди. Эконом ўзи шундай ҳам иссиқдер, Матвей амаки эса эътироз қиларди:

— Менга бари бир, иссиқми, совуқми, ўзингизникини-ку ёқасиз, мана, печкани қиздириб олибсиз, улар эса ўсяпти, уларга иссиқ зарур. Ўтин сотиб олинг-да энди.

Царское Село ҳувиллаб қолди: император Александр саёҳат қилиб юрарди. У армияга жўнаб кетган эди. Лицейчилар назарида мавҳум миш-миш гаплар юрарди: Сперанский қўққис қулаб-

ди — қатл этилибди ёки ҳибсга олинибди: у хоин бўлиб чиқибди.

Москвада мартинчиларнинг фитнаси фош этилибди. Улар мартинчи дегани нималигини яхши билмасдилар. Пилецкий уларга уқдириб қўйди. Пушкинга ҳиссиз кўзларини бақрайтириб, у дедики: мартинчилар — бу французлар ва бутун француз нарсалариga ўч одамлар, эҳтиромсиз ва ҳеч нарсадан тоймайдиган эрмакчи ва файласуфлар; беҳурматлик ва ўзбошимчалик руҳи — мана мартинизм дегани нима; ҳозирда бунга барҳам бериляпти. Фаҳшнинг асосий ўчоқлари — Петербург мода дўконлари ва француз китоблари йўқ қилиняпти. Бўлак ҳеч нарсани билишлари керак эмас.

Будрининг дарслари пайтида, чол даврларни тушунтириб бўлгандан кейин, Пушкин ундан мартинизм нима, деб сўради. Будри креслога ястаниб ўтириб олди. У талабага жиддий қараб қўйди:

— Сиз бу сўзни қаерда эшитдингиз?— деб сўради у.

Бирдан уларга ёвқараш қилиб, у паригини бошидан юлқиб олди-да, кафедрага отиб ташлади. Ҳеч ким кулмади. Сочи калта қилиб қирқилган калла, мурабба манглай очилиб қолди; кўмирдек қоп-қора кўзлар йилтиллаб турарди. У хириллаб, гўё синфда эмас, кўчада ёки майдондагидек, дағал овоз билан узуқ-юлуқ гапириб кетди.

— Мартинизм — иллюминатлик қабилидаги фалокатли хурофотдир,— деди у.— Мартинчилар — мутасаввифлардир. Илоҳ тушунчасини суиистеъмол қилиб, хурофотга берилган кишилар барча асрларда онгни тўсиб келганлар. Инсоният қурбонлар берган — қанчадан-қанча одамлар биргина инквизиция томонидан ўтда ёқиб юборилган. Хурофотчиларнинг энг янгилари эскиларини эслатмаяптими? Пуч сир-асрорлар, машъум ирим-сиримлар Мольер ушбу хурофотнинг қудрати ва пучлигини Тартюфда жуда боплаб тасвирлаб берган. Мана мартинизм дегани нима!

Сўнгра у паригини бошига бамайлихотир қўндириб, тузатиб олди ва Пушчинга coudre[1] деган нотўғри феълни барча замон ва майлларида туслашни буюрди. Пушчин адашиб қолди-ю, Будри жавраб кетди:

— Қунт кўпроқ бўлсин! Диққат кўпроқ бўлсин! Сиз сўзлашни ҳеч қачон ўрганолмайсиз, вайсаб юрасиз, холос.

У оққўнгил чол ва қаттиққўл ўқитувчи эди.

Хуллас, мартинчи дегани авлиёлар экан. Пилецкийнинг номи Мартин эди; шу тобдан эътиборан Мартин нимаики қилса, ҳамма мартинизм бўлиб қолди. Унинг гап ташувчилари Корф, Ломоносов, Корсаков, Юдинлар — мартинчи эдилар.

Дарсдан кейин шу заҳоти Александр Корфни мартинчи деб мазах қилди-да, хохолаб кулиб юборди. Корф тушунмади, лекин аразлаб қолди. У лабларини ирвайтирди, мовий кўзлари хиралашиб кетди.

Корф салга аразлаб йиғлаб юбораверарди.

У йиғлоқи эди.

4

Бу бир дардга ўхшарди; у азоб чекар, сўзларни топар, хаёлига қофиялар келарди. Кейин ўқиб кўрарди-ю, таажжубланарди: излаган сўзлари булар эмас эди. У сўз кетидан сўзни чизиб ташларди. Қофиялар қолаверарди. У сўзларнинг ўзи ахтарган сўзлар эмаслигига ҳамда уларнинг ҳаддан ташқари кўплигига кўникиб бормоқда эди; нима қилганда ҳам, булар сохта бўлса-да, шеърлар эди. У ноилож ёзар эди-ю, лекин кейин жон ҳолатда уларни йиртиб-йиртиб ташлар эди.

Шеърлар баъзан унинг тушларига кирар, эрталаб эса эсидан чиқиб қоларди. Бир куни унинг тушига Наташа кирибди; тун бўйи оташин ва оғир алаҳлаш уни тарк этмади; эрталабга бориб, қути ўчиб уйғонди — ўзи тагига етолмайдиган сирли бир нима содир бўлган, бир нима то абад ўзгарган; бир сатрнинг ярми: «Чироғим Наташа» эсида турар, қофия ўрнига эса, бўса қолган эди. У англамай қолаверди: шу тунги унинг тушига кирган нима — Наташами ёки шеърми? Лекин бир парча қоғозга ёзиб қўйди: «Чироғим Наташа».

У бировга ҳеч нима ўқиб бермас эди. Шеър ёзишига иқрор бўлиш унга жиноятдек оғир туюларди.

Журналда Корсаковдан ташқари Илличевский ва янги иқдомга беписанд қараган ва ҳатто кибрланиб, ўзи озор бериб юрган баъзи «мўмин»лар билан муросага келиб қолган Горчаков ҳам иштирок эта бошлаган эди. Пушкин журналистларга ҳеч нима бермади, улар ҳам тезда аччиқлари чиқиб, уни вазифасидан четлатдилар. Бундан хабар топгач, у кулиб юборди, кейин эса жаҳли қўзиб кетди.

Энди унинг лицейда севимли жойи бор эди: қўққис ўша ерга гойиб бўлиб, ўша ерда Пилецкийдан беркиниб ўтирарди. Бу лицейни фрейлиналар флигели билан туташтириб тургувчи далон эди: арки йўл устини ёпиб турарди. Далонда ниҳоят кутубхона ташкил қилинган бўлиб, у ерда аксаран зерикарли китоблар бериларди: салб юришлар тарихи, Нил бўйлаб саёҳатлар, Вольтер-

[1] Тиқмоқ (*франц.*).

дан — фақат Карл XIIнинг тарихи. Лекин у зерикарли китобларни севиб қолди. Уларнинг ҳатто кам маълум бўлган ёки шитоб воқеаларни оҳиста ва аниқ тавсиф этишлари унга ёқарди. Айниқса, фалсафий китобларни ва ҳикматли гаплар тўпламларини яхши кўриб қолди; гоҳи маҳаллар гаройиб даражада аниқ-равшан, лўнда ҳақиқатлар шеърга арзигулик эди.

Шунингдек, Александрга Куницинниинг заковат, эҳтиросларга ва гражданлик ҳақидаги гаплари оғзидан чиққан гапи шеърга тааллуқли бўлган Кошанскийнинг лекцияларидан кўра кўпроқ шеърни эслатиб турарди: Куницинниинг таърифларида ортиқча ҳеч нарса бўлмасди; «эрк», «заковат», «эҳтирос» деган сўзларнинг ўзи шеър учун яратилгандай туюлар — қофиялар ўз-ўзидан қуюлиб фикрларнинг тўғрилигини исбот этиб турарди. Ёш Анахарсиснинг Афинага қилган саёҳати уни қизиқтириб қолди.

У ёш скифнинг мулоқотлари ва таассуротлари тасвирларининг вазминлигидан ҳузур қилиб, ўқишга киришди. Скиф деярли Малиновский туғилиб-ўсган жойлардан эди: у соҳилларида яшаган қадимий Меотий кўли Азов денгизининг ўзгинаси. Тўпори ва пок заковати, қалби туфайли у Афина донишмандлари қатори Солонга дўст бўлиб қолади, Афина софистлари ваъзларини инобатга олмаса-да, лекин зийраклик билан тинглайди.

Пилецкий кузатиб юрарди. У бир куни танаффус пайтида Пушкиннинг залда копток ўйнаётганини кўрди, ҳаракатчан, эпчил, мерган ва қизиққон эди. Ўйинга шавқ билан берилган бўлса ҳам бари бир атрофда кечаётган ҳамма нарсани пайқаб турарди. Пилецкийга унинг кўзи тушмади, зеро Мартин ўзининг маънавий ва пинҳоний ҳозир бўлиш ақидасига амал қилиб, дам устун, дам эшик орқасига беркиниб олмоқда эди. Бошқа сафар Пушкин Яковлев билан нимадир тўғрисида шу қадар тез ва жонли гурунглашиб турардики, Пилецкий ҳеч гапни ажрата олмади. Яковлев боршлиғи билан диққатга айланган ва оғзини очиб аллақандай тааж-жуб билан тингларди. Пушкин нима ҳақдадир тез, бажонидил ва ҳатто сал-пал энтикиб гапириб борарди. Кейин у таққа тўхтадида, ортиқ бир луқма ҳам қўшмади.

Бир куни у Пушкиннинг ялқовлиги орқасидан кўз остида бўлган талаба Дельвиг билан учрашиб қолганини кўриб турди. Пушкин доимгидек, у ҳақда мураббий Чириков айтганидек, «қимтиниб, ғўдайиб» борарди. Иттифоқо, Пушкин ҳеч бир ишсиз ёки машғулотсиз пешвоз келаётган Дельвигни нохос кўриб қолди. Юзи бирдан ўзгариб кетди-да, табассум қилди, кўзлари парпираб, бирор арзигулик сабабсиз секин кулиб юборди ва улар қучоқлашиб, оёқни тенг олиб юриб кетдилар. Одатда камгап, ўртоқларининг саволларига ноилож жавоб берадиган, самимиятсиз, камдан-кам ва кескин куладиган Пушкин лаби лабига тегмай жаврар,

ҳадеб куларди. У бамисоли қушдек сайрарди: афтидан Дельвиг унга манзур эди. Пилецкий уларга кўринмас, лекин талмовсираб турарди. Пушкинда хушфеъллик сезилиб турарди. Унинг табиатидаги зиддиятлар ақлга сиғмас эди.

Жавонларни қулфлашни баъзан унутиб қўйиншар, шунда у дераза тагига ўрнашиб олиб, мутолаа қиларди. Математика лекциялари ва немис тили дарсидан қочиб, у шу ерда ўтирарди. Немис вокобулаларини ўрганишга ўзини ҳеч мажбур қилолмасди. Немис тили унга бўлмағур нарсадай кўринарди; Гауеншилд ширинмия чайнаганча Опиц шеърларини ўқирди; у лунжини шишириб бирикки сўзни бақириб айтарди-да, қолганларини пишқириб берарди: Опиц шеър эмас, сўкиш бўлиб туюларди.

Пилецкий излаб юриб, уни топди. Александр ундан фрейлиналар бўлмасига элтадиган эшикнинг чуқур кесакисига яшириниб олган эди, лекин у бу ердан тантана билан «суғуриб» олинди. Унга бармоқ ўқталиб, пўписа қилиб қўйдилар, аммо, ҳар қалай, ҳеч нима демадилар. Шу куни Куницин уларга инсоният маъсумлигининг олтин асри ҳақида гапириб берган эди. Ҳозирда у фақат ваҳшийларда сақланиб қолибди.

Александрнинг ёнидан ўтиб кета туриб, Пилецкий бирдан шартта бурилди-да, илжайиб, унинг елкаларидан тутдики, бу ишонч ва холи гаплашиб олиш истагининг аломати эди. Александр қўполларча чап берди. Унинг қитиғи бўлиб, қўл тегизишларни ёқтирмасди. Пилецкий аввалгидек илжайиб турарди. У Александрдан нима учун Корсаковга шеър бермаётганини сўради: балким унга бирон қўлланма керакдир; мабодо ўша қўлланма ишончли бўлса — майли, айтсин, муҳайё этилади.

Александр шеърлари хусусида ҳеч нарса демай, бирдан Арина қутисига солиб юборган ва Мартиннинг фармойиши билан Чириков тортиб олган китобларини бир-бир ва тезгина санаб берди. У олишни хоҳлаган қўлланмалар шулар эди.

— Хўш, азизим,— деб сўради ундан Мартин,— буларнинг қандай китоблигини биласизми ўзи?

У жавобни кутмай, илжайиб туриб ҳамон ўшандай бир текис овоз билан деди:

— Бу китобларни эсдан чиқаринг. Эсдан чиқариш учун сизга уч кун муҳлат бераман. Сўнгра, ҳузуримга келинг — сизга кўз тутаман,— деди.

Кета туриб, у Александрдан бу китоблар унинг қўлига қандай тушиб қолгани, ким бергани тўғрисида сўраб қолди.

Бу китоблар отасининг кутубхонасиданлигини билгач, Пилецкий илжайди.

— Ота бўлмишингиз сизни кўп нарса билан таъмин этмабди,— деди у илжайган ва бошини сарак-сарак қилган кўйи.

Сўнгра Александрга аллақандай маъюс қараш қилиб, «Қуддус саёҳати»ни ўқишига тўғри келган-келмаганини ундан астагина сўради. Александр истаса, ўша китобни топиб беради, бу китобни ўқиса, кеткизган вақтига ачинмайди. Ҳамиша фаол, барча қалбларга йўл соладиган, ҳаммага раҳнамолик қиладиган Пилецкий жадал юриб нари кетди.

Александр унинг изидан қараб туриб қолди-ю, тунда сажда қилган пайти бу роҳибнинг каттакон товонлари қандай кўриниб турганини эслади.

Қуддус саёҳатини у ўқимади. Аммо-лекин Сергей Львовичнинг дафтарларини ҳузур қилиб эслайдиган бўлди. Ўшаларни олиб келиб беркитиб қўйса борми? Унинг эсига бир зўр поэманинг қаҳрамони ямшик Елеся тушиб кетди. «Налой» ҳам чакки эмас: мўмин қулнинг чалвори тавфиқли роҳибга налой бўлиб хизмат қилган.

Отаси билан дийдор кўришиши совуқ бўлди; Александр уни кам, аҳён-аҳён эсларди. У фрак кийган, ёқалари таранг, кўзларини мой босган, улуғвор келбатли, бидирлаган ва йўрғалаган Сергей Львовичдан уяларди. Лекин Мартиннинг ола қараши — ўшанда зинада айтган сўзи ва манови кесатиғи ҳаммасини ҳал қилди-қўйди.

Пилецкий афтидан Сергей Львовичдан кулиб юрарди; у «ота бўлмишингиз», деб гапирди. Бирдан унинг волидаси Надежда Осиповнани ҳам шундай она бўлмишингиз деб аташини хаёл қилиб, қалтираб кетди. Унинг ота-онаси нечоғлиқ ёмон бўлишмасин, шунчалик табаррук эдилар. У ўзи писиб кетадиган печка ёнидаги бурчакни, ўтин қалаётган Аринанинг тупроқсимон қўлларини эслади — буни у энди тобора камроқ ва фақат айни уйқу элитаётган онда эслар, бўлак ҳеч вақт эсга олмасди ва бирдан жойпони чиқиб кетди. Отаси устидан кулишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ — ўзидан бўлак ҳеч кимнинг. Отаси, Сергей Львович (унинг бўйи паст кўринди, илгарилари уйда кап-катта кўринар эди), лицей қабулхонасида довдираб турган бу миқти дуварак одамча ҳимоясиз эди. Пилецкий уни мазах қилган эди.

Шу тобдан эътиборан унинг Пилецкийни кўрарга кўзи йўқ эди.

Шу куни жингалак соч, қизил юзли Горчаков, лицей очилишига келган императорнинг юришига тақлид қилиб, йўталиб-йўталиб, ўнг оёғини сургаб босиб,— у ўзининг эски бодидан зорланарди,— Корсаков — мартинчи билан бирга коридордан ўтаётганда, Александр уни суюқ поляк таннози деб ҳақорат қилди.

Горчаков ранжимади, ҳайрон бўлиб қолди: қизил даҳанини ярим очганича, Пушкинга қаради, кўзларини қисди, кейин эса, тез юриб нари кетди. Чўлоқлиги қолди, Александр унинг кетидан

хохолади. Буларнинг ҳаммаси Мартиннинг укаси, мураббий Ильянинг кўзи ўнгида рўй берди.

Ўша куниёқ Мартиннинг укаси Пушкиннинг Сенатда хизмат қилгувчи Мясоедовнинг отасидан кулганини пайқади, чунки Мясоедов гап-сўзларда буни кўп тилга олгани учун баъзи бировлар томонидан манманликда айбланар ҳам эди. Лекин Пушкин бунда Мясоедов устидангина эмас, Сенатдан ҳам кулдики, бу одобдан эмас эди. У Пушкиннинг пирқиллаб кулган кўйи, Сенатга оид ва ошкора ношоён шеърларни айтиб турганини эшитган эди. Лекин шеърларни у аниқ-таниқ ажратолмаган, фақат оҳангдош, ҳойнаҳой, ахлоқсиз ҳисобланадиган «булғаниб» ва «тўлғаниб» деган сўзларни эшитган эди. Сўроқ қилинган Мясоедов Пушкин ҳақиқатан унга шеър ўқиб берганини айтди:

Сенат ётибди чангда зулмат ичра булғаниб,
«Қўзғал»,— деди Александр: турди, ҳа, тўлғаниб.

Мясоедовни хотираси яхшилиги учун мақтаб қўйди-да, Илья Степанич, унга шеърларни эсдан чиқариб юборишни буюрди. Ушбу, аслини олганда Ҳукмдор Сенат қудратининг тикланмаган даврига оид шеърларни Пушкин қаердан топиши ёки билиши мумкинлигига мураббий ҳайрон эди. Дарвоқе, умуман, Пушкин ўзини бу ҳафтада иркит ва ношуд қилиб кўрсатган, яъни масалан, рўмолчаларини туширириб юрган, гўё тор тикилгани учун сертугининг юқори тугмасини қадамаган, шунингдек, ғалати хаёлчанликда Фотий Петрович, жаноб Калинич томонидан жуда созлаб ўткирланган патларнинг анча-мунчасини ғажиб бўлган эди.

Мартиннинг укаси Пушкинни нима қилиш керак, деб аниқ ва ошиғич дастурлар талаб этарди. Мабодо уни танбеҳлар билан ўчакиштирилса, биринчидан: бу гапларни қулоғига олмайди, балки бирмунча тажанглик билан қарши турадики, ҳаддидан ошиб кетишини ҳам кутиш мумкин, иккинчидан, панд-насиҳат қилавериб ҳолдан тойишга тўғри келади. Уни қора столга ўтқазиш билан кифояланиб бўлмайди, зеро, ҳаттоки Броглио билан Данзас ҳам бунга ҳам одатланиб қолдик, деб гердайиб юришибди.

5

Кошанскийнинг нафси қойиб қолди. У бирон дилсиёҳлик бошлаш пайида эди. У қовоғини солганча, залдан кета туриб, мен ҳақимда ҳеч гап-сўз йўқми, деб қулоқ соларди. Унинг уст-бошининг ўзидаёқ машъум бир нима бор эди: ёқалари таранг, юрганда қора банти қарға қанотларидек селкиллаб турарди. У янги тоифадаги маъюс пўримлардан эди. Бу янгиликни — хомушликни биринчи

бўлиб Жуковский бошлаб берди: ёқавайрон, пешонага бир тутам соч тушиб туради, паришон кўзларда фаромушхотирлик. Дарвоқе, Кошанскийнинг гажаги ясама сочини ёпиб турарди: унинг сочлари сийраклашиб бормоқда эди; у тепакал эди. Хомуш шоирлар хотинларга яқин йўламай, муҳаббат — бизнинг ишимиз эмас, деган қарорга келдилар. Кошанский тақлиддан бошлади, лекин кейин аста-секин чинакамига тунд бўлиб олди.

У ўз ҳаётини бағишламоқчи бўлиб юрган шеърият ва дилбар аёллар ундан ҳақиқатан юз ўгирган эдилар. Унинг шеърлари муваффақият қозонмади, ўзи аёлларга кулгили бўлиб туюларди. Балким бунинг боиси жуда башанг кийиниши-ю, атайин қилинаётган ҳатти-харакатларидир. Аёллар билан шеърият энг ношукур нарсалар эди. У аёлларга ҳам, шеърларга ҳам ихлос қўйди, лекин бундан маъни чиқмади: бахтга ёлчимади. У энди энг машъум йўриғда — хонимлар вафотига атаб ёзадиган бўлди. Унинг княгиня Касаткина-Ростовская вафотига ёзган шеърини «Новости литературы» нашр қилди. Унинг ҳасрати соҳибжамол ҳаётлигида шоир унга жуда яқин бўлган экан, деган гумонга соларди. Ҳадемай баъзи хонимлар ундан қочадиган бўлиб қолишди, ҳатто бир куни бittаси уни кўрганда, юзини буриштириб:

— Тобуткаш,— деб шивирлаб қўйди ёки унга шундай туюлди.

Мадҳини у ҳаром деб санайдиган вино унга сал тасалли берарди. У талабалар, илми йўқ ўсмирлар шеър ёзишини тақиқ этилишига эришди. Овора бўлгани қолди: улар ёзяптилар. Унинг ўзи уларга мавзулар, таржималар ва ҳоказоларни бера бошлади. Бу машқларнинг танқиди унинг ҳавасига айланди. Унинг билимлари кенг, кўламли эди, шунинг учун танқидларидан чўчийдиган бўлиб қолдилар. У ўзининг беқиёс устунлигини ҳис қилар ва баъзида риояли бўлиб қоларди. Хаёлан у ўз танқидларини халоскор қамчи деб атарди.

Сўнгги пайтларда лицей деворлари ичида аҳмоқона шеърчалар тўқилиб, куйга солина бошланди. Директордан кейинги асосий шахс сифатида, катта профессор сифатида у Малиновскийнинг истеъфосидан сўнг тез вақтда унинг ўрнини эгаллашга умидвор эди. Сперанский қулагач, Малиновскийнинг истеъфосини у муқаррар деб ҳисобларди. Шу боисдан лицей ҳаётига яқинроқ кириб бориш мақсадида Пилецкийнинг ўрнига тез-тез навбатчи бўлиб қоларди.

У хонасига гумдон бўлиб, ҳордиқ чиқаргани чоғланиб турган эди, оҳиста хонишни эшитиб қолди. Аввал нашъа аралаш тингларди: ўсмирлар ўзларини ҳеч ким эшитмаяпти, деб ўйлашарди: эртасига ўз зукколиги билан уларни мулзам қилиб қўйиши мумкин эди, устига-устак, бу шеърчаларда негадир директорликка даъвогар чиқиб қолган Гауеншилд анча ўринлатиб кулги қилинарди. Лекин ҳадемай унинг нашъаси сўнди: уларнинг наздида тақиқ деган

нарса мавжуд эмас, ҳамма нарсани эрмак қилишаверади. Дарҳақиқат, оҳиста хонишдан сўнг шахсларнинг намойиши бошланди. Анча пайтлардан бери лицейка масхарабозлар бинога келиб қолган эди. Эси паст Тирков ўртоқлар диққатини қилиқлар билан жалб этишга уринарди. Лекин Яковлев бошга битган бало эди, ҳар қандай одамни шундай ўхшатиб тасвирлаб берардики, буни тақиқ этмоқ лозим эди. Бўлғуси директор бехос ўзининг номини эшитиб қолди. Шунинг кетидан Яковлевнинг овози эшитилди:

— Бант! Бант!

Бу, афтидан, томошада ишлатиш учун бант узатиб юборишни тўғрисидаги илтимос эди. Профессор ўз кўкрагидаги бантини пайпаслаб қўйди.

Томоша бошланиб кетди. Томошабинларнинг нотекис, узуқ-юлуқ нафаси буни исбот қилиб турарди. У бостириб борса бўларди, лекин синчковлик баланд келди.

Бу орада Яковлев профессорнинг овозига асло ўхшамаган дўриллаган, димоғ товуши билан шивирлай бошлади:

— Класлар тождори Волга дон узатарди — ўз асари! Каналлар орқали узатарди! Улкан масофада! Олтинсимон бошоқлар — Рифей, эгилибон — эгилиш унга чўт бўптими, арзимаган гап! Эгилди-қўйди — қадаҳларга бол қуйди ва ҳоказолар!

Бу маза-матрасасиз гаплар, бемаъно иборалар йиғиндиси эди, бироқ ўзи Державинни тушунтираётганда айтган гапларнинг айнан такрори эди. Шеърият тўғрисида сўз юритар экан, унинг ғайриодийлигини тушунтирган бўлиб, шеър ўқиётганда товушини қасддан сўнишга мажбур этишини, уларни илҳомбахш изоҳлар, шарҳларга кўмиб ташлашини ўз ютуғи деб биларди, болалар ушбу шеърларга жо этилган, лекин саноқли одамларгагина насиб қиладиган лаззатдан баҳра олишга, тушунишга мажбур бўлсинлар, деб ўйларди. Натижада, таъбир жоиз эса, сўзнинг олижаноб маъносида уларни шеърларни идрок этиш учун лозим бўлган кайф, завқ ҳолатига етказишга ҳаракат қиларди. У ҳеч қачон, масалан, Державин шеърларининг тингловчига шарҳсиз тақдим этилишига изн бермасди. Зеро, у бешарҳ нимани тушунарди? У яқинда икки мисра шеърни ўқиб бериб кўрган эди:

Класлар тождори Волга узатарди дон,—
Рифей букилиб: қуяр эди қадаҳларга бол.

Таъсир-паъсири бўлмади. Очилган оғизлар, дарсга алоқаси бўлмаган ишлар билан машғуллик. Камоли лоқайдлик; Пушкин ўйга чўмиб тирноқ ғажир, Данзас бўлса, бир парча ойна билан қуёш шуъласини тушираман деб ҳалак. У шу ернинг ўзида ўтирган мураббий Ильяга имо қилиб қўйди. Тартиб ўрнатилгандан кейин

у ўрнидан тураётиб, стулни ағдариб юборди ва тез-тез шивирлаб тушунтира кетди, бирдан ҳамманинг юз ифодаси ўзгариб қолди.

Ўсмирлар буларнинг бари ўз-ўзидан бўладиган гап, деб ўйлашарди. Қаёқда! У батист рўмолчаси билан пешонасидаги реза терни артиб ташларди. Лекин шу зайл шеърни уларнинг мия ва қалбларига етказарди. Уринишлари мақсадига восил этди шекилли: умумий диққат мукофот бўлган эди.

Бевафо аёллардан кейин, ундан болалар кулиб ўтиришибди энди. Талабалари унга шоир деб эмас, устоз деб эмас, балки актёр деб қараб келган эканлар. Лицейдаги ҳажвий йўналиш маорифнинг янги яраси эди. Ўша йўналишнинг асл сабабчиси, ота мерос сабабчиси борасида у шак-шубҳа қилмасди: Пушкин эди бу. У энди Александрнинг ногаҳоний, беодоб, бўлиниб-бўлиниб турадиган кулгисини бошқа, лоақал сал секинроқ кулгилар, ҳиринг-ҳирингларнинг ичидан ажратиб олди. Парнасни амакиси беҳаё ва тутуруқсиз шеърчалари билан кўмиб юборганидек, жияни ҳам ўзининг ён-веридаги ҳамма нарсага мараз тарқатаётир. Амакисининг шеърлари-ку, енгил-елпи шеъриятнинг ўзгинаси — бир пуфласанг йўқ — момақаймоқ.

Ўзи тўғрисидаги лапарларни у эшитмади. Лекин ўзининг хушбахт қувваи ҳофизасини даргумон ишларга сарфлаётган бу иблисвачча ўзи муштдеклигидан яхши биладиган расво шеърий турлардан бўлмиш эпиграмма, лапар, шарадани эртага шариллатиб ташламайди, деб ким кафил бўла олади? Мазах гаплар билан суяги қотган, вақтли матбуотда чоп этилаётган, ҳозир бирор жўяли гапини топиб бўлмайдиган шоирлар орасида суркалиб юрган ўша-да, албатта — энди у лицейда оғизга тушган қабиҳ нарсаларнинг муаллифи. Профессор ўз кўнглига ишониб, бунга шак-шубҳа қилмасди. У аллақачон ўзига иснод келтирадиган шеърларни тасаввурига келтирарди. Тутуруқсиз, аччиқ ва даҳшатли шеърларни. Хаёлан аллақачон улардаги меъёрга хилоф, ғализ ўринларни чизар эди. Уз туйғусидан унинг кўнгли тўқ эди: гуноҳкорни қилган ишидан, характерни хатти-ҳаракатдан билиш мумкин бўлганидек, муаллиф бола бўлган тақдирда ҳам уни хусусий каломидан англаб олиш мумкин. Калом — муаллифнинг қиёфаси, унинг юзидир. Қовушмаган сатрларда айнан Пушкиннинг, бебошнинг мардона беғамлиги, бемалоллиги сезилиб турарди. Пушкин барча ҳажвий қўшиқларнинг муллифи эди; ўзга ҳеч ким бировларнинг заиф томонини илғаб топадиган бу қадар тез ва қув назарга эга эмас эди: у бориб турган балонинг ўзи. У Александрнинг таъзирини бериб қўйишга қарор қилди. Шуниси қизиққи, у Яковлев тўғрисида ўйламасди. Яковлев шилқим, ундан нима гина. Ҳеч ким ундан хафа бўлмасди ҳам. Пушкин билан Дельвигнинг эса, ўзига *биноси бор* эди. Нима асосда бу хулосага келиш мумкин? Мағрурлик асосида: улар ё

ёзардилар, пат ғажирдилар, лекин яқин йўламасдилар, маслаҳат сўрамасдилар. Улар кимга бўлса таассуб этганлари ҳолда, хусусий равишда ҳеч кимга тақлид қилишни истамасдилар. Фақат шундай тақлидгина асос бўла олади. Ҳолбуки уларнинг ичида ҳам чинакам умидли талаба бор эди: Илличевский. У шовқин солмасди, лапарларга аралашмасди, ўз ўрнини биларди, шунинг билан бирга маслаҳат ва ёрдам сўраб юрарди. Шеърларининг тозалиги, майда-чуйда жилоси, бирмунча поэтик пишиқлиги мавриди билан ундан назмчи чиқади, деб ваъда қилиб турарди. Уларнинг машқларини ҳозир ҳам ўртоқларининки билан қиёслаб бўлмас эди. Катталарнинг маслаҳатлари билан майда-чуйда нуқсонларини бирин-сирин тузатиб, у такомилга яқинлашиб бормоқда эди.

Эртасига у ўз лекциясини каломнинг қадр-қимматидан бошлади. Профессор ўз тақдири ҳақида ўйга толиб, севимли Державин билан ўзининг шеърларини такрорлаб чиққан бедор тунларида каломнинг қадр-қиммати нима, деб ҳаммадан кўп бош қотиргани бежиз эмас эди. *Оддий калом — бу қандай гапирилса, худди шундай ёзиш услубидир.* Баъзи бировлар юксак эмаслиги учунгина уни паст дердиларки, бу нотўғри эди. Лекин жумлалар, сўзлар, фикрлар ушбу каломда ҳаргиз паст эмас, улар *расмана*, лекин олижаноб.

У диққат-эътиборга восил бўлди. Кюхельбекер патини ғичиллатиб ёзарди. Бунинг устига, одатда бепарво ўтирадиган Пушкин муроқабага борган ҳолда паришонлигини билдириб турадиган тез ва ўйноқи назари билан унга қараб турар ва афтидан, қулоғига қуйиб оларди.

Фикр, ҳис-туйғу ва каломнинг соддалигига мактубларда, суҳбатларда, қиссаларда, романларда, илмий асарларда, масалларда, эртакларда, комедияларда, сатирада, йирик ва майда шеърларда риоя қилинади. Лекин содда калом қаердан ўрганилади ўзи?

У роҳат-фароғатда эди: унга астойдил қулоқ солардилар ва ҳақиқатан ҳам бу саволга жавоб кутардилар. Илличевский масаллар ёзарди, Пушкин эса комедия ва сатира шекилли. Энг мушкули соддалик бўлиб, ўсмирлар аллақачон бунинг фаҳмига етиб қолишган эди: улар бурчак-бурчакда ўзларига нима кераклигини, нима камлик қилаётанини билмасдан, қўлёзмаларини парча-парча қилиб йиртиб юрганлари бежиз эмас эди. Камлик қилаётган нарсалар фикрлар эмас (буларни улар қаёқдан олсин), бошларини ғовлатиб ётган товушлар эмас, қарз олинган товушлар ҳам эмас — соддалик эди, у, афсуски, етишмасди.

У имиллаб туриб қолди.

— Соддаликни кўча-кўйлардан эмас,— зеро, кўча услуби шундандир,— балки олий табақа кишиларининг гап-сўзларидан қидирмоқ лозим.

Уларнинг кўпчилиги олий табақа кишилари билан офтобда қатиқ ялашишмаган, ўзи эса, фақат Разумовский қабулидагина бўлган эди. Туфук сачратгувчи шоирни — Василий Львовични у ҳаргиз олий табақага қўша олмасди, Дмитриев бошқа гап. У каломнинг равшанлиги: предметни билиш, фикр вобасталиги, сўзлар аниқлиги қоидаларини ёзиб олишга мажбур қилди. Қоидалар шубҳасиз тўғри эди, лекин у қуруқ назарияни шеъриятнинг насрий образлари билан бойитишни яхши кўргани учун, бир йўла калом равшанлиги кундузги, ойдин ва қуёшли бўлади, деб ёздирди. Умуман олганда, то уни шеърият ҳаваси ёки ғурур қамраб олмагунча фикрлари жўяли, мушоҳадалари оқилона бўларди. Баъзилар ва шулар жумласида Пушкин ҳам ўзининг охирги гапини ёзиб қўйишни лозим топмаганини кўриб, руҳи тушиб кетди.

Шунда у каломнинг қусурларига ўтди.

У чўнтагидан Кюхельбекернинг асарини — Сен-Ламбертнинг «Момақалдироғ»идан таржимасини чиқарди-да, шошилмай, ҳузур қилиб ўқиб берди:

Мис қўнғироқ бонгини даҳшати,
Қўрқоқ элни бўлишиб тўда
Қутлуг эҳром бағрига ундар,
Боққил, тангри, улар беҳисоб,
Сенга хомуш қилар тавалло.

Ҳамма жилмая бошлади, Пушкин билан Яковлев хохолаб юборишди, лекин ўзини сипо тутмоғи керак эди.

— Бу бемаъно гапдир!— деди у,— яна оддийси эмас, энг олий нави, зеро, минг уринсанг ҳам бунақасига эриша олмайсан. Бу ерда бўғинларнинг боғланиши йўқ. Буни мен фақат Тредиаковскийга ўхшата оламан.

Муаллифнинг номини айтмай, у маъносизликнинг сабаблари тўғрисида ҳам гапирди:

— Ҳеч нима ёш йигитни баландпарвоз каломдай ром қилмайди. Улар тақлидга интиладилар-да, ғафлатга, сафсатабозликка, тутуруқсизликка, мантиқсизликка ботиб қоладилар. Уларнинг каломи оғир, дағал, ёввойи, ғализ, совуқ, ҳавойи, зўрма-зўраки, хунук, суюқ, чағиртош!

Сўзлар уни сеҳрлаб қўйган, эҳтиётқорликни қўлдан бой берди. Кюхельбекер унга бемаъно тикилиб, лунжини шишириб, кўзларида ваҳшиёна ифода билан ўтираверди. Ҳамма унга кўзини тикди. Олий нав бемаъно гаплар фақат ўшанинг қўлидан келарди. Ажаб бўлди, халоскор қамчи ўшанинг бошига тушди. Ҳали сўзни сўзга қовуштира билмаса ҳам, у ўз ҳолини чамаламай, шоирликка боши билан шўнғиди. Сувни кўрмай этик ечма. Ўжарлигига яраша таъ-

зирини бериш керак эди. Бироқ ҳазил-мазах қуюшқондан ошиб кетмаслиги керак эди. Умумий дилкушолик одобдан эмас эди. Яковлев кулаётган эди, лекин Пушкин ҳам, Кельвиг ҳам, Малиновский ҳам рўй-рост кулардилар. Фақатгина Илличевский ўзини одоб доирасида тутар: астагина ҳирингларди. Бўлак предметга мурожаат қилмоқ, фикрларни бўлак оқимга солмоқ лозим эдики, у *ахлоқсиз* каломга ўтди.

Палапартишлик одобдан эмас. Галлицизмлар, мантиқсизлик — хашаки ва олий сўзлар билан, ҳазилнамо ва нуфузли сўз билан омихтасидир. Предметнинг ахлоқсиз белгилари: вино, шаҳват — поэзиянинг энг янги урф бўлган қусурлари шулардир. Суюқ, пуч, шалоқ калом, ҳаккам-дуккам фикрлар — на равонлик, на тадрижийлик бор. Ҳамма нарсани кулги қилаверишади, андиша деган гап йўқ. Калта-култа, узуқ-юлуқ. Қўшиқми ёки ҳақорат.

Бу нафақат лекция, балки юрак ноласи эди. Атрофда ҳаммани ром этиб қўйган бу ҳажвий, енгил, аччиқ, беқарор, вайсақи қўшиқ поэзиясини унинг кўрарга кўзи йўқ эди. Назмчи Пушкин шу йўриғда эди. Жияни, афтидан, амакиси изидан кетаётир. Салобат, ҳатто бирмунча ҳазинлик — мана поэзиянинг муҳим омиллари. Пушкин, афтидан, гап ким хусусида бораётганини жуда яхши сезиб турарди: бу гал у ўзининг баланд столида ғимирлаб қолди. Дарвоқе, профессор ҳеч қачон ўзининг раҳбарлигини ундан дариғ тутмаган бўларди. Қисмларнинг вобасталигини — бу муҳим предметни у айниқса сув қилиб ичиб юборган эди.

Танқидни бир ёқли қилгач, профессор ҳали полапон, ҳали ғўр, ҳали учирма бўлмаган талантларда ўзи кўришни орзулаган, кам кишиларга насиб этадиган шоён калом тўғрисида гапирди:

— Хиромон ва майин, уйғун, ёқимли калом, сайқал берилган, баъзан жимжимадор ва тагдор калом, ҳамиша жонли, тароватли ва табиий калом, кўркам, бемалол, пухта, оташин калом!

У кўзларини қисиб олди ва ўша, ҳамиша аёллар даврасида ишлатадиган табассуми юзига ёйилди-да, дона-дона қилиб, секин деди:

— Ипакдай калом, бахмалдай калом... дурдай!

Ўсмирларнинг ҳеч бирида бу калом йўқ эди.

6

Кечқурун Кошанский навбатчилик қилмоқда эди. Подшо иморати узра зулмат чўкиб келарди: шу ёқимли ғира-ширада у тамадди қилиб олди. Унга Матвей амаки келтирган овқат яхши эмас эди, шунинг учун, у директор бўлгани ҳамоно экономни даф этишни дилига тугиб қўйди. Эконом ғирт ўғри бўлиб, унга расво шеърчалар бағишлаган болалар, аслини олганда, ҳақ эдилар. У ғулу

қилмасди: шаҳардан каттакон миқти портфелида Блэрнинг риторикаси ва ўзининг лекциялар дафтари билан бирга олиб келадиган вино кўнглига тасалли берарди. Бир марта назарида, ўзи навбатчиликка ўтиб кетаётганда, мураббий Илья қулоғини динг қилиб олгандай бўлиб кетди. Унинг ўзига ҳам вино чайқалаётгандай туюлиб кетди. Ўшанда у сир бой бермади, энди бўлса, чироқни ёқмасдан тамадди қилиб, дам олди. Ҳаммасидан ҳам унга тамаддидан сўнгги хомуш лохаслик ёқар эди. Шунда кўнгли юмшаб кетарди: ўзининг билимлари кенг кўлами ва ҳамма томонидан тан олинган, эгаллаб турган ўрни, айниқса, яқинда банд этажак мавқеи обрўли эди. У қаттиққўл, лекин рионяли эди. Хомуш табассум қилган кўйи, шошмасдан залга ўтди, у ерда талабалар ҳали тўдалашиб, бир-бирларини қувлаб юришарди. Пушкин алланима ҳақида Дельвиг билан суҳбатлашарди — ўзи эшитган лекция ҳақидадир ёки унга зимдан берилган сабоқ тўғрисида бўлса ҳам ажаб эмас. Кошанскийнинг унга далда бериб қўйгиси келиб кетди. Вино доимо кўнглини юмшатиб юборарди. Ўсмир ўз амакиси ва бошқа амакининг гуноҳлари учун жавобгар бўлолмасди. Гап қовушиб кетди. Малиновский, Корсаков, бошқалар раҳнамонинг суҳбатини тинглагани яқин келдилар. Кошанский унга қаттиқ тегмоқчи эмас, зеро, боя уни йўлга солмоқчи бўлган эди. Қамчи бу шуҳратга ўч, қогозни бўяб ётган ёш талантлар учун даво эди. У Пушкиндан ҳозир нималар ўқиётгани ва нималарни ўқиб чиқмоқчи эканини сўради.

Пушкин эндигина Дмитриевнинг «Мода дағи хотин»ини ўқиб чиқибди. Кошанский истар-истамас илжайиб қўйди. Дмитриев тимсол бўлгудек шоир, лекин айни «Мода дағи хотин» тайинсиз, васвасали шеър эди. Бу шоирнинг беғубор башарасига тушган енгил доғ эди: йўлдан оздирилган хотин, панд еб қолган эр, барча водевилга хос хусусиятлар. Шак-шубҳа йўқ. Пушкин китобни уйидан олиб келган, беркитиб юрган ёки ножоиз йўл билан қўлга киритган. Балким, модага мос ҳаёт Пушкинга комедиябоп предмет сифатида қизиқдир; у комедия дардига чалинган эди. Бундан кейин аён бўлишича, Криловнинг мода дўконлари тўғрисидаги пьесасидан ҳам унинг хабари бор экан. Ана холос. Бу пьесадаги омий калом ҳаддан ташқари кўча тилига ўтаверар, бошию хотимасида эса ахлоқсиз нарсалар кўп эди. У Александрга шу гапни айтди.

Шу ерда Пушкин анча шўх кулги билан амалда Крилов Петербург ва Москва marchandes des modes[1] ҳаммасида бор хонани аниқ тасвирлагани бешбаттар одобсизликдир, кўча каломи эса, ростдан ҳам жонга тегади, деб жавоб қилди.

---

[1] Модачиларнинг *(франц.)*.

Мураббий Илья нариги бурчакдан ошиқиб келмоқда эди. Пушкин алоҳида ҳисобда: у энг қатъий назоратни талаб этар, Мартиннинг укаси тиним билмай у ҳақда жон куйдирар, изма-из юриб, уни назардан қочирмасди. Ака насиҳатларини у қулоғига қуйиб олган: ҳатто имо-ишора суҳбатларни, шивир-шивир гапларни ва оний нағмаларни кўз тагига олиб юриш керак. Пушкинга бу восита ортиқча: у туб моҳияти билан бузилган, бебош эди, унга маънавий қулоқ ёки маънавий кўз эмас, оддий расмана кўз ва қулоқ зарур эди. Талабаларнинг кулгисини эшитиб, профессорнинг дарғазаб бўлиб елкасини қисиб қўйганини кўриб, у аста яқин келиб, бўйнини чўзганича қулоқ солиб турди. Пушкиннинг гаплари ниҳоятда қўрс эди. У мода дўконларида рўй бераётган ва касофатига уларнинг соҳибалари бадарға қилинаётган аллақандай жиҳатлар ҳақида гапирмоқда, лекин айнан қандай жиҳатлар тўғрисидалигини у ажрата олмади, ҳатто талабага ичи ачиб, ажратишга қўрқди ҳам. Кошанский тобора қизариб борарди; ниҳоят, жаҳли чиқиб:

— Мен сиздан каттароқман, тажрибам кўпроғу бундай бемаъни нарсаларни ўйлаб чиқармайман, бирор кишининг миясига бу гаплар келишининг ўзи даргумон,— деди.

Мартиннинг укаси ортиқ ўз хотирасига ишониб туролмасди: у қора дафтарини секингина очиб, ёза бошлади.

Кошанский ўйга толиб қолгандай бўлди, лекин ўзининг сўзларини дафтарга тушириб турган мураббий Ильяни кўриб қолиб, бирдан унга бармоқ ўқталиб қўйди. Мураббий сўраган бўлди:

— Нама-э?

Лекин профессор шартта бурилиб, йироқлашди. Кескин бурилганида, чайқалиб кетди — шунда уни мураббий суяб қолди.

Кошанскийнинг хуш кайфияти барбод бўлган эди. Зўравонликларнинг барча турларида бунчалик эрта кўзи пишган тирранча уни мушкул аҳволга солиб қўймоқда эди. Ўзи бевосита аёвсиз танқид қилган тўполончининг кўнглини кўтариб қўймоқчи бўлган эди. Бебошнинг бунга фаросати етди, лекин қилча ҳам хижолат бўлмабди. Мураббий Илья унинг гандираклаб кетганини пайқади шекилли. «Нама-э?»— деб тўнғиларди Кошанский. Мураббий қилиб нодонларни қўйиб қўйишади-да, яна талабаларнинг фозил бўлиб етишишларини исташади. Туйқусдан кўнглига бир шубҳа келиб қолди: Пушкин мода дўкони сингари нарса тўғрисида гап очишининг сабаби, у лицейдаги кўплар сингари анча-мунча нарсани биларди, лекин «билмайман» дейишни ўзига эп кўрмасди — ўзини нўрим деб ҳисоблагани ва буни кўрсатиб қўймоқчи эмасмикан? Унинг тобора дили хуфтон бўлиб борарди. Режали хўжайин ва бўлажак директор сифатида бугун ҳамма талабалардан хабар олиб чиқмоқ ниятида эди. Лекин қарорини бекор қилди. Бўлмасига ўтиб, бантини ечиб ташлади-да, ўзини кўрпага ташлади. У ҳатто

А. Пушкин «Новости литературы»да чиққан «Княгиня Касаткина-Ростовская вафотига» шеърини қайта ўқиб чиқишга улгуролмади — ухлаб қолди. Ўсмирлар тарбияси уни чарчатиб қўймоқда эди.

7

Кошанскийнинг танқиди таъсирини ўтказди. Кюхельбекердаги ҳамма нарсага ишонч, ўз-ўзига бўлган ишонч, ҳатто энг ювошларнинг ҳам тажанглик қилиш истагини қўзғатиб юборарди. У меҳмонлар ўртасида ўзини тутиш истагини қўзитиб юборарди. У меҳмонлар сонини ошириш, қоронғи ва машқ қилар, туни шеър ёзишни ўрганарди. Унинг ёзиш столидан нари кетмасдан ўқир ва машқ қилар, тунги соатларда ими-жимида унинг устидан равонликни талаб этар, ўзи эса Кюхельбекер романлар, драмалар, поэмалар, одалар, элегиялар ёзиш ниятида эди.

Энди Кошанскийнинг танқидидан кейин унинг шеърлари мақтага айланиб кетди.

Лицей иболатхонаси қўнғироғининг зангини эшитиб, улар дердилар:

Мис қўнғироқ бонгини даҳшати,
Қўрқув ҳ элни бўлишиб тўда...

Сайрда сафга тизила туриб дердилар:

Боққил, тангри, улар беҳисоб...

Лицей бўйлаб ёз оқшоми тасвирида «*сидел*» ўрнига «*сидюл*» сўзи ишлатилган варақ юрарди. Яковлев буни Кюхельбекер ёзган, деб қасам ичарди.

Шу билан бирга ошкора калака қилишга қўрқардилар: унинг феъли бебошвоқ эди. У дилозорини жойидан қимирлатмасдан ўлдириб қўйишдан, агар тамадди вақтида бўлса, унга вилка санчиб олишдан, синфларда эса, сиёҳдонни отиб бўлса, унга вилка санчиб йиқитишдан тоймасди. Фитна тузилди: зимдан кулинар ва зимдан унинг устидан шеърлар тўқиларди. Уни Дон-Кихот деб, Виля деб, Вилинька деб, Вильмушка деб атардилар. Уни севардилар. Ва энди ҳар оқшом ҳаделеб бир-бирининг қулоғига пичирлашиб, эпиграммалар ўқирдилар. У кулги худоси Момга бахшида этилган қурбонлари ажабтовур: Зами, Зульма, Теласко эди. У ҳамма нарсада

Эпиграммаларни Александрдан ташқари Илличевский, Миша Яковлев ёзардилар. Шунда кутилмаган ҳол содир бўлди. Бу тур энг қийин бўлиб чиқди. У ҳаммадан кўра Миша Яковлев учун осон кўчди: у Кюхельбекер ҳаётидан олинган барча лавҳаларга эпиграмма ёзарди: Вилянинг чалвори йиртилиб кетдими — эпиграмма: Виля уйидан юборилган китобидан инглиз диалогларини ўргандими — яна биттаси. Ҳамма нарса умумий хурсандчиликни қўзғатиб юбораради:

Вой шўрим, бу қандай мажруҳ жон,
Тавроқ бурун, ҳам тавроқ даҳан.

Кўнгилчан Матюшкин билан Комовскийлар хаттот эдилар.

Ўзини кулги қилишларини Кюхля сезиб юрарди, лекин қанча кўпроқ кулишгани сари, у шунчалик қунт билан шеър ёзаверарди. У аллақаердан аслида шоир зоти маломатга қолиб келган ўзи, деган гапни ковлаб топган эди: Шапеленнинг бокира қиз Йонна д'Арк тўғрисидаги каттакон поэмасини кўчира туриб, у шўрпешона шоир устидан Буалонинг ўлгидай кулганини ўқиган эди. У ҳажвий йўриғини хуш кўрмасди. Буало Корнелнинг «Агесилай» трагедиясига ёзган эди:

Iai vu l'Aqésilas —
Hélas![1]

Кюхелянинг фикрича, бундай шеърларни ёзиш осон эди. Чиндан ҳам Броглио — мудом лицейда саланглаб юрадиган, на Буалони, на Шепеленни билишни истамаган энг беғам, энг кейинда қолган ўқувчи — лицейда Дельвиг тўғрисидаги шеърни тарқатиб юборган эди.

Ха-ха-ха, ҳи-ҳи-ҳиҳ,
Шеър ёзаётир Дельвиг.

Бир марта Кюхельбекерга унинг устидан ёзилган эпиграммани тутқазиб қўйдилар ва нафас ютиб ҳаракатини кута бошладилар. Кюхля икки марта ўқиб чиқди, гарчи ранги ўчиб, бир силтаниб олиб, бурун жийириб бўлса-да, мардона туриб: эпиграмма расво, каломи кўчаники, ўткир гапи йўқ, қофияси ҳам бемаза, деди.

Яковлев таҳқирланиб, унга ўзинг ёзиб кўр, деб таклиф қилди.

Дарҳол «янги Лагарп» ҳақида эпиграмма пайдо бўлди. Кюхля қаҳри келганда жуда ҳам кулгили бўларди.

Лекин Александр ҳамма билан бирга Кюхля тўғрисида ёзишни

[1] Мен Агесилайни кўрдим —
Ҳайҳот! *(француз.)*

давом эттирган кўйи, бу эпиграммаларнинг чиндан ҳам бўлмағурлигига қаноат ҳосил қилди.

У Лагарпни мутолаа қилишга киришди.

Лагарпнинг назарида суҳбатлардаги ҳар бир заҳар гап эпиграмма эди. Лекин асл эпиграмма предмети ўткир ва содда фикрдир. Эпиграммани ҳар ким ҳам тўқийверади, лекин талант ҳар бандининг аниқ ва ўткир чиқишини таъминлайди.

Кюхля устидан ёзилган эпиграммаларга лўндалик ва соддалик етишмасди.

Александр ўз шеърларини Кошанскийга бермасди. Бу тан олинмаган шоирнинг бировларнинг шеъларини ўқиётган пайтдаги чуқур ҳафсаласизлиги, қарийб ҳар вақт жўяли маслаҳатлар берса-да, тушининг ҳиссизлиги, мақтовларининг, сертакаллуф табассумининг ўзи — Александрни бездириб юборган эди. Ўянини топиб олгач, Кошанский бирмунча важоҳат билан варақни ўсмир-шоирнинг қўлидан юлқиб олар, кераксиз ва бемаъно сўзни ҳирс билан чизиб ташлаб, шу ернинг ўзида устидан тузатиб қўярди. Шунда муҳим бир жиҳати ифшо бўлиб қолади: калом ва имлога хилоф хатолар унинг учун бирдай ўян бўлаверарди. Тезпишар шеърият нимаси биландир унинг иззат-нафсига тегар эди. Улар фозил, етук, омилкор кишиларга аталган муқаддас ҳунарга даъво қилардилар. Болаларнинг гоҳо муваффақиятли чиқиб қоладиган шеърлари шум тасодиф иши бўлиб, уни ўз-ўзидан шубҳага тушишга мажбур қилиб қўярди

8

Александр ота уйида шеър тўғрисидаги суҳбатларга ўрганиб кетган, шеърлар, театр, аёллар ва картадаги омад тўғрисида гапирганларида, амакиси, отаси, уларнинг дўстлари кўзларида алоҳида бир жилва пайдо бўларли. Қутлуғ шеър худди нақ уйидан — отасининг бурни тагидан олиб кетилган соҳибжамол ёки қиморбозга бахт келтирган талия сингари кулги, завқ, ҳавас уйғотарди. Агар қутлуғ шеър ғамгин бўлса, ҳамма бир-бирига кўз қисиб, сирли ва салобатли алфозда бир-бирларига худди фитначиларга ўхшаб қараб қолишарди. Агар поэма ҳаёсиз бўлса, она, амаки ёки меҳмон хоним столга яқинлашганда, ҳамма жимиб кетарди: ўз билимларидан шодон, маъсуд бўлиб, улар киноя билан синчковликка пишанг беришарди. Кошанский шеърларни равон, асосий жойларида бақириб, бошқа жойларида овозини шивирлаш даражасигача пасайтириб, шарҳлаш ниятида бўлиб-бўлиб, тўхтаб-тўхтаб ўқирди; у Василий Львовичдан кўра хийла кўпроқ нарсаларни билар, лекин билган нарсалари шулардангина иборат эмас эди. Амакисининг

поэмаси қарийб Александрнинг кўз ўнгида яратилган эди. У ҳали сиёҳи қуримаган варақларни кўрган эди; у шеър ўнгидан келганда, шоирларнинг мақтаниб юришларини биларди. Кошанский ҳаммадан ҳам кўра андишасизлик ва шуҳратпарастликни койирди. Амакиси Державинни сўкар, Дмитриевдан жавраниб юрарди. Кошанский фақат Тредиаковскийни сўкарди. Ким машҳур бўлса, ўша киши ҳар нарсада унинг иззат-эҳтиромини қўзғатаверарди. Кошанский ўз шеърларини танқид қилганида, у бу танқидга ишонмасди. Ҳар сатрнинг нотўғрилигини, қофияларнинг қашшоқлигини, равонлик етишмаслигини айтарди-ю, лекин ҳеч қачон яхлит шеър тўғрисида сўз юритмасди. У ҳам ҳақ, ҳам ноҳақ эди. Юксак поэзия тўғрисида гапирганида у осмонга қараб оларди. Аёллар тўғрисида гапирганида ҳам — шу. Унинг назокати таманноли эди.

Александрнинг ўз мунаққиди бор эди — мураббий Иконников. Ҳақиқатпарвар, хомуш, рангпар, бадмастликдан қўллари қалтироқ бўлиб қолган, қарашлари ёвуз — у бахтиқаро мажнун эди. У ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам шеърларини севар, лекин улар ҳақида кам гапирар ва қарийб жўяли маслаҳат бермасди. Бармоғини бўзарган лабларига босиб тингларди-да, баттарроқ ранги ўчарди. У Александрга икки марта қуруққина қилиб, шеърларинг ёмон, деди. Александр аразлашни хаёлига ҳам келтирмади. Шеърлари ҳақиқатда ҳам расволигини у бирдан тушуниб олди. Учинчи марта Александр ўзи бўлмағур деб ҳисоблаган шеърини ўқиб берди-ю, Иконников ташланиб, уни қучоқлай кетди. Бу шўрлик мажнун, донкихот, чоғи, аллақандай сирни биларди, балки у ўқиган шу бўлмағур нарсанинг ўз фазилатлари борлиги аниқдир.

Тез орада Иконниковнинг ёмон қилиқлари, ўқувчиларга қилаётган ёмон таъсири учун ҳайдалаётгани маълум бўлиб қолди. Кошанскийдан ҳам, Пилецкийдан ҳам гумон қилишмоқда эди. Узун-узун бармоқлари қалтираб турадиган рангпар ҳақиқатпарвар бор мулки — Горацийнинг чарм муқовали шеърларини — чўнтакка солди-да, видолашгани келди.

У Чириков билан хайрлашди. Ҳамиша боодоб, пачоққина Чириков ўзини унинг кўксига отди-да, хирилдоқ товуш билан қалдираб қўйди:

— Алвидо, дўстим!

Улар ҳаммаси тўп бўлиб турар, Пилецкий келмаяптими, деб аланглашарди. Ҳақиқатпарвар уларга мурожаат этиб:

— Муҳтарам афандиларим,— деди,— алоқаларимиз узилиб қолмас, деган илинж билан ўзимни овутмоқдаман; жаноб Яковлев билан Дельвигнинг масаллари, жаноб Пушкиннинг қўшиқлари ҳамиша ёдимда туради. Сизларнинг машғулотларингизни ҳурмат қилганим ҳолда, ўзимни сизларнинг лутфу карамларингизга ҳавола этаман.

Иконников талабаларни ўзига тенг кўриб гаплашар, буни қоида қилиб олган эди. Улар Иконников учун ғўр болалар, ўсмирлар ва ҳоказолар эмас эди. У кичкина Комовскийни қучоқлаб, бағрига босди.

— Узр, қадрдоним, — деди у, —бизнинг дўстлигимиз айрилиқда қарор топади.

У Пушкин ва Дельвигларнинг қўлларини қаттиқ қисиб қўйди, такаллуф билан таъзимлар қилиб, бир маромдаги ҳарбий одимлар билан йироқлашди.

Александр дўстликни, телбаликни, ҳалолликни, мағрурликни, қашшоқликни кўрган — лекин илгарилари ҳеч қачон бундай *фақир одамни* кўрмаган эди.

9

Дельвиг, Мясоедов ва бошқалар Мартиндан норози эдилар. Ота-оналар лицейга ота даргоҳининг барча бесаранжомликларини кўтариб келишар, ҳеч қаерга чиқмай қўйганларига кўп бўлган, ўзга оламнинг расмдан қолган намояндалари эса, байрам кунлари қабул залида боодоб бир алфозда, бирмунча журъатсизлик билан депсиниб туришарди. Кюхельбекер хонимнинг узун немис шолрўмоли ерда судраларди: балки Павел подшоҳлиги даврида у дуруст бўлгандир; Вальховскийнинг отаси худди черков сичқонидай хароб эди. Фамилиялар ўз мавжудлигининг ибтидоий мақсадларидан маҳрум ёки уларга етишолмай қолган бўлса ҳам ажаб эмас.

Дельвигнинг голштинчи бобоси Александрнинг бобоси сингари Павел Учинчига садоқат кўрсатган ва ўша пайтдан эътиборан бу фамилия ўз шукуҳини бой берган, бисотга эса эга бўлмаган; Кюхельбекернинг отаси, фозил немис ва шоир, подшоҳлигининг сўнгги кунлари уни ўзига яқинлаштирган император Павел иноятига илинай деганича қолиб кетган. Унинг граф Кюхельбекер бўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди, лекин насиб қилмади. Вальховскийнинг отаси доим ўрта лавозимларни эгаллаб, қашшоқликда кун кечирган. Улар не-не машаққатлар эвазига ўз сертуклари, шинеллари, шолрўмолларини тартибга келтиришар эди. Лицейчилар буларнинг ҳаммасини ота-оналар ҳукмини емириб ташлашга интилаётган Мартиндан кўра яхши билардилар.

Қабуллар, танқис учрашувлар соатларида мушук юриш қилиб юзида бетайин табассум билан иезуит ҳамиша қабул залида пайдо бўлиб қоларди. У суҳбатларга аралашмас, лекин гапларнинг ҳамасини эшитиб турар, буни яширмасди ҳам. Баъзида оналар ўғилларини ўта узоқ қучоқлаб қолган пайтлари, у бехосият илжайиб қўярди. От-оналик ҳукмини гўё ота-оналар билан баҳам кўра-

ётган бўлиб, талабани ота ёки онасидан ажратиб олиб кетаётиб, қучиб оларди. У ота-оналар ҳақида соддадиллик билан сўз юритар ва ҳатто ўзининг ҳам бегона эмаслигини кўрсатиб, уларга ҳазилнамо лақаблар ҳам қўярди.

— Бироқ анавингиз роса... брамарбас эканми, — деди у Мясоедовга хушомадомиз илжайиб, унинг бесўнақайроқ отаси тўғрисида.

Мясоедов шундан кейин: отам истаса борми, лицейнинг оти ўчади, деб юрадиган бўлиб қолди. У содда ва гўл бўлса ҳам ўжар эди. У ҳадеб минғиллаб сўкиниб юрар ва ҳамда Мясоедов бу гапларни инспектор ҳақида айтаётганини билиб турарди. Малиновский уни тўхтатадиган бўлиб қолди.

— Ҳа, сенинг эшитгинг йўқ,— йиғламсираб деди Мясоедов,— биласанми, сенинг отангни у нима деб ҳақорат қилади?

— Нима деб?— сўради оғзи очилиб қолган Малиновский.

— Шундай деб-да,— жавоб берди Малиновский.

— Нима деб?— унинг устига бостириб борарди забардаст Малиновский.

— Мана шундай деб-да,— деб жавоб берди сал шаҳтидан тушган Мясоедов. У Малиновскийга инспектор директорни «илинтириб», кейин «тушириб», ўзи эса унинг ўрнига ўтиришдан умидворлигини айтди. Мартин директорни укасига ёмонлаб, сўкиб гапирганини ҳам қўшиб қўйди.

— Бу директор ўзи шунақа — ландавур, хотин у, тошини терсин, деган эмиш инспектор Мартин.

Малиновский муштини дўлайтирди, Мясоедов бўлса кўзларини қисиб олди.

— Баттар бўлсин,— деди кўзларига ёш қалққан Малиновский.

Баъзи бировларнинг шу ерда ҳам омади келди. Горчаковнинг ёнига, масалан, онаси қатнамасди, чунки у қарийб ҳар вақт чет элда бўларди, кенжа ўғлини ўша ёқларда даволарди. Амакиси, валинеъмати жиянига хат ёзиб турарди. Унинг мактублари қоп-қора ва юмалоқ қилиб, Калинич айтмоқчи, ҳарбий ҳуснихати билан ёзилган бўларди. Холаси французча ёзарди. Гарчаков мактубларини тонготарда ёзар ва холасига: бечора кўзларим юмилиб кетяпти, деб зорланарди.

— Холамнинг соч найчаларига,— дерди у бу мактублар тўғрисида.

— Ойимнинг Венадан кўнгли қолибди,— дерди яна у,— илиқ шамол эсаётганмиш, шамоллаб қолибди.

Унинг учун Венадан, Бадендан, Париждан мактуб олиш писанд эмасди. Мартин ундан ота-онасини сўрамас ва бу билан бир қадар ҳурмат намоён этарди.

— Пешчуров амаки,— дерди Горчаков табассум билан Пушкинга,— менга лицей шеърларидан юбориб тур, деб ёзибди, юборай

дейману, ҳеч қунт қилолмайман. Янгиси йўқми? Менда уч депутатга эпиграммалар бор — хўп аломат.

Мартин Бакунинни ҳам аярди.

Бакунининг ёнига синглиси билан онаси ташриф буюриб турарди. Ҳамма тақиққа қарамай қабулхонага бош тиқаверар, тез-тез шу ердан югуриб ўтаверарди. Бакунин уларни тўхтатарди-да, таништирарди. Синглиси сарвқомат, шаҳло кўз эди. Онаси барваста, эзма хотин эди. У машҳур сарой ғийбатчиларидан бўлиб, унинг пойқадами сарой Царское Селога кўчиб келганидан дарак берарди. Улар келишганда Пилецкий норози бўлмасди. У югуриб ўтаётганларни тўхтатар ва бу ерда нима қилиб юрганини таажжуб аралаш сўрарди. Унинг юзи жонланиб кетарди. Ким билсин, ё у гуноҳларини тубдан емириб ташлашга ҳозирланарди, ё ёшгина Бакунина унга ёқарди. Ишқилиб, Пушкин билан Дельвиг шундай деб гумон қилишарди.

Бир куни иезуит Пушкинни шу зайл тутиб олиб, сўради:

— Бизнинг шоиримиз-чи, яқин орада яна ташриф буюрадиларми?

Александрнинг ранги оқариб кетди. Амакиси Василий Львович лицей очилгандан бери у билан кўришмаган эди. Иезуит уни эмас, Сергей Львовични назарда тутиб гапирмоқда эди. Мясоедовнинг отасини бир ой бурун брамарбас деганн сингари, шу тобда унга шоир деб от қўйиб олган эди.

Александр Пилецкийга қараб қўйди-да, бурун катаклари пирпиради. Афти бирдан захиллашиб, бадбуруш бўлиб кетди. У ломмим демай, тишларини ғижирлатиб, пошналарида бурилди-да, нари юриб кетди.

— Ўҳў, — деб қолди Пилецкий унинг ортидан.

10

Пилецкий афт-башаралар ҳақидаги қийин илмни биларди. Унга панд бериб бўлмасди. У учрата бошлаган тунд башаралар ва бежо қарашларга, ҳиссиз қисқа жавобларга дуч келмоқда эдики, бу мимийликдан далолат бермасди. Умуман, уларнинг юриш-туришларида ўзгариш содир бўлди. Ҳалоскор қўрқув йўқолди. Ота-оналар ўз мактубларида ўғиллари хат ёзмай қўйганини айтиб, арз қилишарди; мактублар почтада тутилиб қоляптимикан. Уйига деярли ҳеч хат ёзмайдиган, буни ҳатто эслатиб юрадиган Пушкин мактубларимизни инспектор қутидан олиб ўқийди, улар шунинг учун йўқолиб кетяпти, деб барала таъкидларди. Бир маънавий ота сифатида Пилецкий ҳақиқатан арзандаларига ўз мактубларини кўпроқ грамматик жилоси жиҳатидан ўзига текширтириб туришни таклиф этган, лекин айни нарса ўз ишончини қозонганларга тегишли бўлиб, буни улар буткул ихтиёрий равишда қилардилар. Илья Пилецкий акасига чақимчилик қилиб, Пушкин икки марта инспекторни барала фош қилганини айтди. Илья энди куну тун тиним билмай қолди. Лицейда аллақандай тадориклар бораради. Энди улар тўп-тўп бўлиб дам залда, дам коридорда йиғилишар, алланималар деб баҳслашишар эди. Ильяга кўзлари тушган ҳамоно тарқалишарди. Доимгидек серҳафсала Корф билан Ломоносов инспектор устидан лапарлар ва аллақандай арзнома ёзилаётганини яширишмади. Бир куни Илья ўзининг тарбиячилик вазифасини ўтаб турган — ёшик орқасидан пойлаб турган пайтда Пушкин, Дельвиг ва Малиновскийларга тутилиб қолди.

Улар яқинлаб кела бошладилар, важоҳатлари хунук эди. Малиновский ҳатто негадир енгларини шимарган ҳам бўлди; Дельвиг ўзининг инобатга нолойиқ доимий ясама хотиржамлиги билан мураббийнинг бирон хоҳиши бор-йўқлигини, бу ерда нима қилиб юрганлигини сўради. Илья соддадил одам эди. Талабаларнинг хунук авзойини кўриб, у қайта сўради:

— Нама-э?

Шундай деди-ю, оғзи очилиб қолди: уларнинг ғазабидан асар ҳам қолмаган эди. Пушкин кўнгилчанлик билан кулар, Дельвиг астагина жилмаяр эди. Илья дадилланиб, қўлланма-пўлланма керак эмасми, бир зумда келтириб берардим, деди.

Қўлланманинг кераги йўқ эди, ҳамма бамайлихотир тарқалиб кетди. Ёлғиз қолгач, Илья Плецкий уларнинг изидан қараб туриб, секингина шивирлаб қўйди:

— Муштумзўрлар.

Пушкиннинг жаҳли чиққанда, деярди Илья, ҳаммадан кўпроқ йўлтўсарни эслатади. У дарров акасига ахборот бергани кетди.

11

Корф ор-номусли бўлиб, жанжалкашлардан ўзини олиб қочиб юрарди. Инспектор ўз отасини новвосча деганини кимдандир эшитиб, у пишиллаб, алламаҳалгача бир қарорга келолмай турди ва охири кўз ёшларини дарё қилиб Пилецкийнинг ҳузурига равона бўлди. Инспектор уни юпатди, ҳеч қанақа қўпол гап айтилгани йўқ, деб ишонтирди. Бир йўла у бош айбдорлар ва бузғунчилар кимлигини билиб олди. Горчаков ҳеч нимага бош қўшмасди, ҳамма нарсага салгина аралашар, унинг беғубур кўзларини, бепарво чимирилган қошларини, оғзини катта очиб эснаётганини кўрган оғайнилари совурди-қоларди. Унинг кўзлари кул ранг, муз парчаларидек совуқ эди. Ломоносов Горчаковга тақлид қиларди. Улар ҳар нарсада — талаффузда ҳам, рафторда ҳам кибор бўлишга интилишарди, афтидан, кибор доирани, унинг расм-русмларини: беғам-

лик, ношоён қизиққонликдан фориғлик ва лоқайдликдан бохабар ҳам эдилар. Горчаков елкаларини қисиб қўярди. Ломоносов ҳам елка қисиб турарди.

— Инспектор инспектор-да, — дерди Горчаков ишонч билан. У бу mot — луқма сарой қабилида деб ўйларди: бу билан кўп гап айтилгандай, ваҳоланки ҳеч нима дейилмаган. Улар панароқда юришар ва ўзларини ҳеч нима билмаганга солишарди.

Александрни улар эмас, балки эски қадрдон Пушчиннинг совуққонлиги, Вальховскийнинг хотиржамлиги, Илличевскийнинг эҳтиётқорлиги тонг қолдирарди. Пушчин бор жойда инспекторни сўкишганда, у қошларини чимириб оларди; Александрнинг гапларини у нохушлик билан эшитарди; Вальховский билан Матюшкин доимгидек тер тўкардилар; улар Александр синғари Пилецкийни ёқтиришмас, ундан қочиб юришар, эътиборини қозонишга уринишмас эди; Пушчин бир гал Ломоносовни чақимчи деб сўкди. Лекин улар боодоб, бу эса бебош эди. Улар донишманд, бу эса мажнун эди. Уларнинг сокин нигоҳлари, меъёр доирасидаги гап-сўзлари Александрни тутақтириб юборарди. Унинг ори келар эди. Улар ҳеч директор Малиновскийнинг гапидан чиқмасдилар; балким у тўс-тўполон, ғавғоларнинг олдини олиш истагида, буларнинг вазминлигини хуфия бошқариб турар? Унга бари бир. Гапларини ҳамиша жону дили билан эшитадиган ва Пилецкийни ўзидан кам ёмон кўрмайдиган Дельвиг, овсар Мясоедов ва барзанги Малиновскийларнинг у билан мутлақо тили бир эди. Броглио билан Данзас — бу худо урган ўқувчилар ҳеч нарсадан тап тортишмас эди.

Энди нуқул лицейда изғиб, ҳамма билан суҳбат қураётган Пилецкий уларни четлаб, паналаб ўтарди. Александр Мартиннинг Вальховский ва Пушчин билан узоқ суҳбатлашиб турганини, уларга панд-насиҳатлар қилганини, сўнгра улар билан дўст бўлиб ажралишганини кўрган эди. У иезуитнинг Вальховскийга қарата айтган охирги насиҳатомуз сўзини эшитган эди:

— Сизнинг пок номингиз менга кафолатдир.

Тамадди вақтида у кесатиб, ўртоқлари тугул мураббий Илья ҳам эшитадиган қилиб қаттиқ ва дангал деди:

— Сен нима, пок номинг учун қўрқяпсанми?

Вальховский унга маъюс қараб қўйди-ю, ҳеч нима демади. Бу қилиқни у сўнгги вақтларда ўзлаштириб олган эди. Энди Малиновский бу дўстининг насиҳатларини ортиқ тингламай қўйди ва так-таслим Пушкин тарафга оғди.

— Мартин сени авраяпти,— деди Пушкин мийиғида кулиб,— биз бебошлар эса унинг аврашларидан куламиз!

Броглио билан Данзас тасдиқлаб, пиқирлаб кулиб юборишди.

Афтидан, энди унга эс-ҳушларни гижгижлаш ҳузур бермоқда эди. Унга Пилецкийнинг ўзидан вабодан қўрққандай қочишлари нашъа қиларди — бунинг вақтинчалик эканини ҳамма биларди. У бир сафар овсар Мясоедовни, ўзининг эндиги маслакдошини туртиб юборди, бунисн аччиғи чиқиб, муштлашаман, деб осилиб олди. Уни яна бир марта итариб ташлади. Пушчин шу ерда турган эди, у Пушчинни ҳам итариб юборди. Пушчин қип-қизариб кетди-ю, лекин жавоб қилмади, сабаби ё одоб, ё ғурур. Александр Мясоедов билан ўзининг эски дўстига кеккайиб деди:

— Арз қилсангиз, ўзларингиз айбдор бўлиб қоласиз. Мен қутулиб кетишни биламан.

12

Одатда ўз уст-бошига эътибор қилмайдиган ва беҳуда киборликдан нафратланадиган Мартин бошдан-оёқ янги либос кийиб келди, таранг ёқалари яшнаб турар, кўксида зўрға кўзга ташланадиган орденчаси бор эди. Фома амаки уни хўжайиндек кўриб, икки букилиб таъзим қилди. Мартин кун бўйи ювошгина бўлиб юрди, ўсмирлар билан бир текисда узоқ-узоқ суҳбатлашди. Дастлаб у Корфга, Ломоносовга, беозор Есаковга мурожаат қилди, чунки уларнинг мўминлигини биларди, уларни хушомадгўйлар деб, яна ёндан баттарроқ қилиб сўкишлари ўзига аён эди, лекин парвардигор кўпроқ азиятлар тортган, буларга ҳам шуни раво кўрган. Кейин у Вальховский, Илличевский, Пушчинларга юзланди. Уларнинг қатъияти маълумлигини, тақдирланишини таъкидлади, Кюхельбекерни машғулотларидан чалғитмади — заҳматкаш ўтириб олиб Шапеленинг узун поэмасини кўчирмоқда эди.

Пушкин, Малиновский, Броглио ва Данзасларга Мартин мурожаат қилмади, балки худди қаршисида ҳеч нарса йўқдай улар ёнидан равшан нигоҳини олға тикканича ўтиб кетаверди.

Шу дақиқадаёқ Пилецкий министр Разумовский ҳузурига кетаётган экан, Малиновскийни яқинда бўшатиб юборишар экан, Мартинни директор қилиб тайинлашар экан, деган миш-миш тарқалди. Арзандалар камтарин, мамнун эдилар: бесаранжом талабалар шарманда бўлиб қолдилар. Бебошлар дарҳол директор Малиновский ҳузурига ёпирилиб бордилар, ҳамжиҳат бўлиб инспектор Пилецкий устидан арзнома топширдилар.

13

Ўз фаолиятини энг серташвиш нуқтадан бошлаган, ҳамма жойда зоҳир бўлиб, ҳамма нарсага разм солиб юрган Малиновский жуда тез сўнди. Ёркин ибтидо ва ўзининг Сперанский билан суҳбатларини хотирда тутган ҳолда у лицейнинг ибтидоий тарҳини лоақал жиндек бўлса ҳам сақлаб қолишга уринарди.

Энг аввало у ўзи кўзда тутмаган қийинчиликларга: юқори бошлиқлар нафратига дуч келди. Биринчи йилнинг охирида муваффақиятга эришганларни ажратиб кўрсатишни ўйлаб, талабаларнинг номларини зарҳал билан оқ доскага ёзиб тақдирламоқчи бўлди. Оқ доска залга ўрнатилиб, Горчаков ва Вальховскийларнинг номлари ёзиб қўйилди, бошқаларни бу рўйхатни давом эттиришга чақирилди. Бу фойдали нарса эди. Министр Разумовский махсус кўрсатма билан доскани бузиб ташлашни, бевақт мукофотлардан сақланиб туришни буюрди. Министр лицейга тааллуқли барча нарсага зеҳн сола бошлади ва бора-бора профессорларнинг ҳаммаси министрга шахсан ахборот бериш пайига тушиб, назардан қолган директорни четлаб ўтадиган бўлиб қолишди. Сперанскийнинг қулаши ҳаммасини ҳал қилди. Малиновский лицейда сояга ўхшаб юрар ва теваракдагиларнинг барчаси, амакилардан мустасно, унга бир соя деб қарай бошлаган эди. Эконом Золотарёв шу қадар юзсизларча ўғирлик қилардики, талабаларнинг ғулуси чек-чегарасидан чиқиб кетди. Немис тили профессори Гауеншилд шахсий ахборотлар учун министр ҳузурига очиқдан-очиқ қатнаб юрарди. У ҳали-бери муваффақиятга эришгани йўқ, лекин Будри билан Куницындан истисно, аста-секин қарийб ҳамма директорлик ўрнини рўй-рост орзу қилиб қолишди: Кошанскийнинг хизмат бобидаги иззатталаблиги уйғониб, ўзини министрга таништирди; Пилецкий, афтидан, жуда тез вақт ичида директор бўлиш ниятида эди, у кўнглига келган нарсани қиларди.

Лицей балога гирифтор бўлиб турарди: Малиновский талабаларни маълум лавозимларга мўлжаллаб тарбияламоқчи эди-ю, лекин энди бу ҳақда хаёл қилишнинг ҳам ҳожати қолмаган эди. Биргина умид — ҳали саройдаги обрўсини бутқул йўқотмаган қария Самборскийдан эди. Мавриди келгунча лицейни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. У кўнгилга сиғмасди.

Сперанский қулаган, уруш тайёргарлиги кўриларди. Унинг фаолияти бошланмай туриб адо бўлган эди. Лицейдаги машғулотлар давом этар, лекин аввалги мақсад йўқ эди. Директор уйида беркиниб олиб, ўзи илгарилари Россияга ёпишган фалокат сабабларидан бири сифатида зўр бериб таъқиб этган нарсага — ўзининг хуфия дардига — танҳо ва беғалва, лекин тушкун бадмастликка берила бошлади. У энди китоблари камоли саришталикда турган кабинетига кам бош тиқадиган бўлиб қолди; бюрода папка-папка рақамланган қоғозлар берк ётарди. Энди у бўлак нарсада тартибга риоя қиларди: дардининг ўзи расамадли эди. У ноёб аниқлик билан сақандаги винонинг миқдорини белгилар, тегишли миқдорини ичиб юборар, қолганини эса шишага қайтариб қуйиб қўярди. У бутун умри бўйи интилиб келган, ёшлик чоғидан бошлаб матлуб деб билган батартибликни тубанликдан топиб олди.

Унинг ҳаракатларида хуфия бадмастларга хос эҳтиёткорлик ва сусткашлик пайдо бўлди. У вазмин бўлиб қолдики, авваллар бундай эмасди. Профессорлардан фақат иккитаси — Куницин ва Будри илгаригидек уникига келиб туришарди. Куницин ёш, зийрак, жўшқин эди, умидлари ҳали тўлиб-тошиб ётарди. Директор ундан уяларди. Ёш профессорни тингларкан, энди унинг кўп гапларига қулоқ қоқмай қўшилаверар, ваҳоланки, илгарилари кўп нарсалар юзасидан тортишиб қоларди. Ўзининг ёшлиги эсига тушарди. Будри директордан норози бўлиб, тез-тез қошларини чимирарди, ҳатто бир марта: заифлик ёвузликдан қолишадиган қусур эмас, ундан кўра хавфлироқ, деб шартта юзига айтди. Малиновский унинг суҳбатини яхши кўрарди. У энди ҳамиша бирдек риоя қилолмай қолган эзгулик садоси эди. Лекин жонсараклигини йўқотиб, тинчиб қолган пайти, афтидан, сўнаётган пайти у талабаларининг ишончини қозонди. Ўғли Иван кўпинча Вальховскийни бошлаб келиб қолардики, Вальховский ўз одамларига айланиб, бамисоли иккинчи ўғил бўлиб қолди. Гарангроқ, ғалатироқ бўлган Кюхельбекер, беозор, заҳматкаш Матюшкин ҳам келиб туришарди; Пушчин ғарчи бебош бўлса-да, тийрак идрок эгаси эди. Лекин гоҳи маҳаллар Царское Село ўзининг ҳайкалларию рассомлар қўли безалган табиати билан директорнинг жонларига тегиб кетарди. Олисларда, Донда, Изюмдан етти чақирим нарида унинг ер-мулки, хотинининг сепи — Каменка бор эди. Муҳим ишлар билан банд бўлиб юриб, у ерда қарийб бўлмаган эди. Асли битта кулба, битта ҳужрача, полизу Каменкадаги икки-уч терак унга етиб ортарди: ўзи деҳқончилик билан андармон бўлар, нодон ва қашшоқ қўшниларига маърифат тарқатарди. Лекин бу янги орзусининг ушалиши ўзининг янги армони эканини биларди. Қишлоқ илгарилари, Самборскийнинг қўлига тушмасдан аввал оч-яланғоч бўлган, ундан ҳам бурун безори деҳқонларни ўша ёқларга бадарға қилишган. Лекин барибир гоҳи маҳаллар уларга маърифат тарқатиш Царское Селодаги ўсмирларга тарбия беришдан кўра савоброқдай туюлиб кетарди; ялпи руҳ вужудга келмаганди; ўзи ўлгудек ёмон кўрадиган министр билан муносабатлари борган сари уқубатли бўлиб бормоқда эди. Бунинг устига, жиноятчига маърифат бериш жасорати унга меҳнатсеварлик уйидан таниш эди.

Сургун этилган Сперанскийнинг валинеъмати, директорнинг қайнотаси қария Самборский уни зиёрат қилиб турарди. Унинг ақли расо, илгаригидек эди; муқтадир шогирдларининг ғазабга йўлиқиб сургун қилиниши ҳам унинг сарой қошидаги мавқеини нуқсонга ратмади. Қария ҳалиям фойдали қишлоқ фаолияти тўғрисида сўз юритар ва Малиновскийга ўзи Англиядан сўратиб олган қишлоқ плугини Каменкасида синаб кўришни маслаҳат берар эди. Омочнинг ҳимоячиси, Москва бош қўмондони, матбуотда инглиз плуги-

га қарши чиқаётган Растопчин қариянинг жуда қаҳрини келтирарди. Сперанский емирилгач, қишлоқ фаолияти, унинг фикрича, фойдаси бор киши учун бирдан-бир илинж эди. Бошқа ҳамма нарса Павел замонидагидек омонат ва беқарор бўлиб қолди.

Бир куни ўз дўстиникидаги баҳайбат инглиз креслосига чўкиб ўтириб, қариянинг кўзи илиниб қолган эди. Шунда уни диққат билан тинглаб ўтирган Малиновский аста турди, жавондан оҳиста бир шишани олди, озроқ вино қуйиб, уни аниқ ўлчаб кўрди ва уйқудаги мўйсафидга кўз қирини ташлаб, бир энтикди-да, стаканни тагигача сипқарди. Қария ҳеч нимани сезмади, уйғониб кетмади.

Директор ўзининг шу кўйга тушиб қолганидан бирдан қўрқиб кетди. Уйқудаги ўзининг дардидан бехабар мўйсафидга у пушаймон бўлиб қараб қўйди. Унинг бутун ўтмиш пок ҳаёти ва истиқболдаги қаҳрамонлиги Сперанскийни жувонмарг этган полиция фармонидаги биргина имзо билан бекор қилинган эди. Ҳаммаси илгаригидек қолди. Рус кишиси қадр-қимматсиз. Дастлаб шунчалар умидвор қилган подшо рус подшоларининг ҳақни ҳам, ноҳақни ҳам бирдай чопиб ва осиб, Сибирга сургун қилиб ўрганган иродасини ўзидан соқит қилишни истамасди — россияликлар бошига тушган катта кўргулик давом этмоқда эди: халқ бадмастлик балосидан нобуд бўлмоқда эди. Бир кунмас-бир кун роса ичиб олиб, халқ исён кўтаради-да, қуллик кишанларини парчалаб ташлайди! Ҳаммасини нарса илгаригича, эски хўрликлар устига янгилари қўшилмоқда. Депутатларнинг чақиришидан дарак ҳам йўқ — у болаларни бекордан-бекорга тарбиялаб ётибди.

Уруш, қақшатқич уруш яқинлашиб келмоқда. Саккиз йил муқадам у абадий тинчлик проектини ёзган эди.

Самборский уйғониб кетди.

— Бонапарт тулпорини эгарлаяпти,— унга қизарган кўзларини тикиб, шошмасдан деди Малиновский. — Онаизорлари ва хотинларидан жудоликда Россия ўғлонлари зор йиғлаб қолар, юз минглаб рекрутлар-а! Илоё бандаликни дариғ тутма!

У тиз чўкди-да, қўлларини силтаб йиғлаб юборди. Ундаги бор инглизча одатлар бирдан йўқ бўлди.

14

Узини қўйиб юборди-ю, у покдомонликни яна ҳам севиб қолди. Лекин саройда, министрлик биноларида, Петербург кўчаларида бунинг иложи йўқ эди чоғи. Покдомонлик қишлоқча ва хусусий фазилат эди, уни мана энди тушуниб олди. Эҳтиростлардан худо асрасин, неки беғалва бўлса, ўша нарса — эзгу. У янги шеъриятни

ўқишга уриниб кўрди-ю, зардаси қайнаб, отиб ташлади — унинг турган-битгани эҳтирос эди. У киборлар оламини ёмон кўрарди: Россия хотин-қизлари ўзларининг босиқ, салобатли уст-бошларини унутиб қўйишди, ҳайкаллардан намуна олиб кийина бошлашди, бўйиннинг ялангочлигини қўйингу, энди кўйлаклар шу қадар юпқа бўлиб кетдики, барча аъзолар борича кўриниб туради. Шамол турса бас — ҳаёдан асар қолмайди. Кибор эркакларнинг ўзлари ҳозир ялангоч ҳисобида: қисқа энсиз думлик кафтан, бутун тан лозим ичида, кўкракларида бежамадор бурма ҳошияли — чўлбақага ёки тўғрироғи, илонбалиққа ўхшайди. Битта шунақа калтадум «шоир» си. Жуда ҳавойи одам; шамол фрагининг «дум»ларини учириб турарди. Аёлларга илоҳага илтижо қилгандек ёлворишади. Қўшни хонада унинг шўрлик хотини ётарди. Қандай гумроҳлик! Аёлларнинг гўдаклардан бир туки ўзгамас: айбни қилиб, кечқурун тавба деб туришаверади. У Державининг фалсафий, ортиқча назокат, урф бўлган оҳ-воҳлару ўша ишқий аҳмоқгарчиликлардан фориғ қасидаларини яхши кўрарди.

Кўзойнагини тақиб олиб, уларни тез-тез ўқиб турарди. Ҳамма ёқни эҳтирос босиб ётибди: ёнгинасида, саройда эри тарк этган, бевафо императорича, хиёнаткор император, бир лицейнинг ўзида — қанчадан-қанча эҳтирос. Ака-ука Пилецкийлар кун-тун унинг бошини ейиш қасдида юришибди. Кошанский аламидан ичиб туради. Бор-йўқ дуруст одам — атиги иккита холос: Куницин билан Маратнинг укаси.

Унга иезуитнинг министр ҳузурига бориб, чақиб келгани маълум бўлиб қолди. У бўзариб, бармоқларини қисирлатиб қўйди-ю, ҳеч нима демади.

Пилецкий уни зиёрат қилиб келди. Директор Пилецкийдан қўрқарди, унинг нурсиз табассуми, ёниқ нигоҳи, чайир ҳаракатлари ваҳмини қўзғатарди, у довдираб қоларди. Уз-ўзи, танҳоликда чиқарган қарорларида саботли ва мағрур бўлса-да, иезуит қаршисида бўшашиб кетаверар ва беихтиёр равишда унга кўп изн бериб қўйганини билмай қоларди. Мартин ўзини директорнинг кабинетида ҳеч тортинмасдан бемалол ва ҳатто бирмунча кибр билан тутарди; у атрофга ҳадемай шу ўринни эгаллайдиган одам назари билан кўз ташларди.

Пилецкий кескин чоралар кўришни талаб этарди. Талабалар хатарли қилиқлар чиқаришяпти. Агар расволари даф қилинмаса, ҳаммага юқиш хавфи бор. Ахлоқсизлик — очиқ-ойдин. Данзас — расво. Броглио — телба, Пушкин — бадахлоқ. Шу уч талабанинг ҳайдалиши кўп наф келтирган бўларди.

Малиновский нима гаплар ўтганини сўради. Ўтган гаплар чатоқ эди. Бири залда, ўйинга қўшилмаган беозор Есаков тўпига

қўл теккизгани учуноқ: «Башарангни пачақлаб ташлайман!»—деб бақирган.

— Бу қўполлик, — деди Малиновский ва афтини буриштириб қўйди, — хўш, яна нима?

— Яна, — деди инспектор, — Гауеншилднинг синфида, Малиновскийдан истисно, дарсни ҳамма билган.

— Менга дарҳол хабар қилсангиз бўларди, — деди қовоғини солиб Малиновский. У ҳам, Пилецкий ҳам ғаразли эдилар.

Пилецкий ўзини босиб олди. Унинг овози пасайиб, ҳаракатлари тавозелироқ бўлиб қолди: директор қаршилик қилмоқда эди. У ўз баҳоларини хийла юмшатди: Броглио — бебош, Данзас билан Дельвиглар — ялқов. Уларнинг шўхликлари, умуман, ахлоққа тўғри келмайди. Пушкин ҳаммани масхаралаш дардига мубтало, лекин зеҳни ўткир, сўзамол, ора-сира кўнгилчанлик ҳам қилиб қолади.

— Хўш, уларни нимаси учун ҳайдамоқ керак, — деб сўради директор, — ундан кўра ақлини жойига келтириб қўйса дуруст эмасми?

Пилецкий олдинги иккитасини ҳайдаш учун жон куйдирмасди, ваҳоланки, Броглио билан Данзас тўполончилигидан ташқари, фанларни ўзлаштириш борасида ҳам оқсар эдилар, курсларни ўзлаштиришмайди, улардан умид кам. Пушкинни бўлса, зудлик билан ҳайдамоқ керак. У қаршилик қилаётир, ўчакишиб ҳам қолди.

— Профессорларнинг ҳаммаси ҳақида ҳажвий шеърлар тўқилмоқда, бу қабиҳ нарсаларнинг тўқилишида Пушкиннинг муҳим роли бор.

— Бир ўзи эмас, — деди хўрсиниб директор.

Улар жим қолдилар. Сўнгра иезуит директорга алланечук афсус билан кўз ташлаб қўйди-да, истар-истамас, аста деди:

— Пушкин шаккоклиги учун рўйхатлардан ўчирилмоғи шарт.

Малиновскийнинг бирдан ранги оқариб кетди. Мартин осойишта бир гашт билан директорга боқарди.

Пилецкий,— худди ўшандай оҳисталик билан,— шеър ёзиш дардига йўлиққан бу ўсмир ўн саккизинчи асрнинг жамики даҳрий ва беҳаё шеърларини ёд билишини ва буларни эсидан чиқартиришнинг иложи йўқлигини айтди. Ҳатто қанақанги жар ёқасига келиб қолгани бу зийрак, ўзбилармон, ўлгудек тажанг расиданинг ўзига ҳам аён эмас. Гап-сўзларнинг сира таъсири бўлмаётир, зеро, пайқашича, ҳаддан ошиш, шу жумладан, мутлақо шармсизлик ва шаккокликдан завқ олади ва шу боисдан, у — бедаво. Буларнинг ҳаммаси, хусусан, шаккоклиги юқумлидир; талаба Дельвиг ҳам шубҳали, лекин ялқовлиги учун бирмунча чеклаб туради.

Малиновскийнинг ранги тобора баттарроқ ўчарди. У энди иезуитнинг ҳақлигига шубҳа қилмасди. Пилецкий мураббийларнинг

талабалар ҳақидаги қайдларини келтирган эди. У тартибга киргазиб қўйиш учун бўлган ҳаракатлари сўнгги кунларда катта ғавго қўзғатганидан директорни огоҳ этиб қўйди; ошиғич чоралар кўриш даркорлигини таъкидлаб, қайдларни қолдирди-да, чиқиб кетди.

Директор мураббий Ильяшнинг қайдларини диққат билан ўқиб чиқди, имлога хилоф хатоларнинг кўплигига ҳайрон қолди, худди машқ қилгандек баъзиларининг тагига бенхтиёр чизиб қўйди-да, ўйга толди. Балконга қараган деразага кўз ташлаб, Чириков сийракланиб қолган боғ бўйлаб талабаларни сайрга олиб кетаётганини кўрди. Ҳаммаси ҳар хил, юришлари ҳар хил, ўз ўй-фикрлари, гап-сўзлари билан банд бўлиб кетишяпти. Пилецкий гумроҳ деб ҳисоблаган Пушкин кичкина, ажбиргина экан. У чиққан онла ахлоқсизлиги ва аллақандай мазахга мойиллиги билан донг чиқаргани рост. У — шод, афтидан, эркин ҳаво уларга хуш таъсир қилиб, хурсандчиликка мойил этаётир. Директор Царское Село ҳавосини доимо шифобахш деб ўйлаб келади. Бирдан Пушкин кулиб юборди-ю, ёнида кетаётган Пушчинга бир нимани ишора қилди. Директор Пушкин кўрсатаётган тарафга разм солиб, ҳеч нимани кўрмади. Унинг табассуми боғараз, нигоҳи очиқ эди. Директор Малиновский мийиғида кулиб қўйди. Кюхельбекер дикиллаб, бошини силкитиб, қўлларини шалвиратиб борарди.

— Уни қара-ю,— деди директор таажжуб билан, гўё уни биринчи марта кўраётгандай бўлиб. У талабаларга ўрдак очиб қўйган товуқдай хавотир билан қараб турарди.

У Мартиннинг укаси қилган қайдларни жавонга — бўш шиша турган жойга қулфлаб қўйди.

15

Пушкин ва бошқалар унинг ҳузурига кутилмаганда кириб келиб, куйиб-пишиб инспекторнинг ишдан четлаштирилишини талаб қила бошлаганларида, Малиновский уларнинг арзларини мамнуниятдан холи бўлмаган бир алфозда тинглагандек туюлди. У депутатлар орасида келган ўз ўғлига қараб турарди: Иван улғайиб қолибди. У отаси қошида худди бошқалар қатори ўзини ҳеч бир яқин тутмасдан турарди. Малиновскийга бу нарса хуш ёқарди.

У шошмай, ишдан четлаштириш худди тайинлаш каби министрнинг иши, ҳаргиз талабаларники эмас, деб уқдирди, кейин мийғида кулиб қўйди-да, бирдан совуққонлик билан: бу очиқ-ойдин ўзбошимчаликдан бошқа ҳеч нима эмас, бунинг учун министр мақтамас, деб қўшимча қилди. Шу важдан эса улар ўз бошлиқлари измидан чиқмасликлари, синфларига қайтиб бориб, таҳсил билан машғул бўлишлари лозим. Қолган нарсаларда уларнинг эс-хушига

умид боғлайди ва уларнинг ўзбошимча бўлиб кетишига ҳам, инспекторнинг четлаштирилиши тўғрисидаги гапларига ҳам йўл бермайди, чунки булар амалга ошмайдиган ишлардир.

— Боринглар, — деди у ўйчан, — аҳил бўлинглар.

Шунда унинг юзига кулги ёйилди-да, ушбу русча байтни айтдики, унинг кимга тегишли экани нотайин эди:

Базмга боргунча, мақтанма.
Базмдан қайтганда, мақтан, ҳа!

Малиновский эски қўшиқ ва мақолларни севарди, лекин бу байт инспекторга қарши бош кўтарган лицейчиларга тегишлимиди ёки инспекторнинг ўзигамиди, буниси ҳеч кимга аён эмасди.

Шу кундан эътиборан директорнинг нотавонлиги барҳам топди. У яна эрталабдан лицейга ташриф буюра бошлади: аввалгидек ҳамма тугмалари қадалган бўлар, Англиядан ўрганиб келганича қоматини адл тутиб юрар эди. Ўзининг нотоблиги асносида у бамисоли оғир бемордай қуруқшаб, сарғайиб кетган эди.

16

Ҳаммаси илгаригидек эди. Малиновский ҳам, Пилецкий ҳам ҳеч қандай чора-тадбир кўрмасди. Министрни зиёрат қилиб келгач, кейингиси талабалар орасида кам кўринадиган бўлиб қолди.

Ҳар оқшом тўполончилар энди бирга бўлиб олардилар.

Лицейда махфий ижод оқибати бўлмиш қўшиқлар, лапарлар куйлана бошланди.

Ниҳоят, мураббий Гауеншилднинг синфида лекциядан сўнг бир иншони ифшо этиш насиб қилди — бу нарса Дельвигда эди: у ўзини одатдагидек сипо тутиб, иншони мураббийдан яшириб ҳам ўтирмади.

Дельвигнинг кўз остига олинганига кўп бўлган эди; унинг сиполиги шум бўлиб, ҳаргиз яхшилик аломати эмас эди. Унинг сукунати меъёридан ортиқ бўлиб, калакага ўхшарди. У дарсларни бутунлай тайёрламасди, лекин бирор нарсани такрорлаш ёки ўрганишга шайлигини изҳор этиб байрам кунлари профессорлар ҳузурига бажонидил ташриф буюрар, рағбатга сазовор бўларди-ю, бекор юраверарди.

Бироқ мураббий иншони қўлга киритишнинг уддасидан чиқолмади: лекциядан сўнг уни Дельвигдан талаб қилган эди, дангал рад жавобини олди, юз-хотирга бормай, иншога чанг солишга уринганда эса, четдан туртки еганини ҳис қилди.

Мартиннинг укаси кўзлари чақнаб, бурунлари жийирилиб, нафаси бўғилиб, қутуриб ҳамла қилган кўйи бостириб келиб:

— Бизнинг қоғозларимизни олишга нима ҳаддингиз бор?— деб бақирган Пушкин мени тепди, деб таъкидларди.

Мураббий ўзини анқовликка солди-ю, сўради:

— Нама-э?

Лекин бу гапнинг одатдаги таъсири бўлмади. Шунда у фақат текширишга олаётганини, кейин қайтариб беришини айтишга мажбур бўлиб қолди. Лекин Пушкин унга қараб бақириб берди:

— Демак, қутидан хатларимизни ҳам олаверар экансиз-да?

Мураббийни жуда ҳайрон қилган нарса шу бўлдики, мудом ювош, эс-ҳушли, ҳар жиҳатдан бинойидек бўлиб келган Вальховскийнинг журъатсизларни бўшашмасликка, даъволарини бемалол айтаверишга очиқдан-очиқ ундаб турарди. Унинг юзида ясама лоқайдлик акси бор эди-ю, лекин феълидаги қатъият дарз кетган эди, албатта.

У секингина, аммо дона-дона қилиб деди:

— Дадил бўлинглар, бўш келманглар.

Талаба Кюхельбекернинг хулқи ажабтовур бўлди. Ҳафта бўйи талабалар ҳажвиялар тўқиш учун оқшомлари тўпланиб юришганда Кюхельбекер ўзини ўта боодоб тутди: у ҳажвий лицей адабиётини ёқтирмасди, чунки унинг аксар қисми тўппа-тўғри ўзига тегишли бўларди ва шу боисдан бу ижодда ҳеч иштирок қилмасди. Устигадаги, гарчи маломат қилинган бўлса-да, лекин хуш ниятли, узундан-узоқ поэмасини улкан ғайрат билан кўчириб чиққан эди. Ранглиги сабаб ўлароқ у ғивир-шивир гапларга айтарли қатнашмас, лекция пайтларида эса, ўзининг одатий ўйчанлигига ғарқ бўлиб кетарди. Ҳафтанинг охирига бориб мураббийнинг хатти-ҳаракатларидаги бирмунча тараддудни пайқади. Хусусан, инспектор Мартин Степановичнинг унинг мактубларини ўқиб туриши тўғрисидаги гап Кюхельбекернинг жонини чиқариб юборди. Мартиннинг укаси Кюхельбекернинг оғзидан хунук сўз чиққанини ўз қулоги билан эшитди.

Иншонинг мусодараси куни у хотиржам ва тинч эди. Ногаҳон Пушкиннинг сўкиниши ва Илья Степанович атрофида тўпланиб олган бир талай талабаларнинг гангур-гунгур гапларини эшитиб қолиб, Кюхельбекер қўлларини силкитганича мураббий томон талпиниб, ўзини энг тиқилинч жойга урди, сўнг бақира бошлади. «Даф бўлсин!»— деб ҳайқириб, мураббий Илья Степановичнинг ўзинимми ошиғич четлаштирилишини талаб қила бошлади, кейин эса ўтиб кетаётган Корф билан Ломоносовларга ўгирилиб, умумий ташаббусда қатнашмаётганлари учун уларни номардлар деб ҳақорат қилди.

У бунга қаноат қилмасдан, орқароқда тиқилиб турган журъатсизроқларни худди уларни гувернёрнинг ўзи билан уриштириб юбормоқчидай қўли билан итариб-итариб қўярди. Унинг юзи мутлақо қаҳрли бўлиб, жон-жаҳди билан:

— Ён берма!— деб бақирарди.

Ишқилиб Пушкин сингари унинг қўлидан хунук ишлар келар экан. Ильяни ҳаммадан ҳам кўра Кюхельбекернинг ана шу қўққис хулқи чўчитиб юборди. Ўзини ҳар томондан қисилган ҳолда кўриб, у иншони — ўзининг армонини — қўлга киритишга уринмай қўйди-ю, бирдан Мясоедов ва Дельвиг орасига шўнғиди. Ўгирилдилару, уни ортиқ кўролмадилар. Аммо-лекин улардан икки қадам нарида пинагини бузмай, қилт этмай, нурсиз илжайиб иезуит, роҳиб, диллар қавмининг бошчиси — инспектор Мартин Пилецкий турарди.

17

У қўлни орқага қилиб турарди; чўчиб, ҳамма орқага тисарилганда илжайиб қўйди. У жим эди, булар ҳам индашмасди. Улар коридордаги деразанинг таккинасида тик туришарди. Қуёш чарақларди; каттакон деразадан кўркам Царское Селонинг икки ёнига дарахт экилган йўли кўзга ташланарди. Шу дақиқаларда бу йўлда зоғ ҳам учмасди. Атроф ҳеч ким безовта қилмайдиган чўлу биёбон бўлиб туюларди.

Уларнинг Мартинни кўрарга кўзи йўқ — ҳеч нарсадан тап тортмас эдилар. Лекин унинг сиполиги, паришон табассуми —талабаларга ғалати туюлди. Улар бу йўғон кекирдакли бўйининнинг нечоғлик ориқлигини, Пилецкийнинг шоҳи рўмолчаси нечоғлик авайлаб ҳимарилганини илк бор пайқадилар. У пайт пойлаб қараб қўйди-ю, булар ҳам сал дадил тортдилар.

Мясоедов нохос қаттиқ ғўлдиради:

— Менинг отамни брамарбас деб ҳақорат қилишингизга мен розимасман.

Мартин унга худди ҳайвон ёки ҳашоратга қараётгандек қизиқиб назар ташлади. Шу совуқ ноинсонийдай кўринган қараш ҳамма ишни ҳал қилди-қўйди. Улар бу совуқликдан юрак олдириб қўйишгани учун қўрс муомалага ўтдилар. Бебошларга қўшилиб олган ландовур Корсаков:

— Сизнинг дастингиздан Иконников бўшаб кетди, сизнинг дастингиздан уни ҳайдаб юборишди, — деб бақирди-да, йиғлаб юборди.

Малиновский шошилмай, атрофга маъюс жовдираганича сокинлик билан гапириб, аввало ота-оналарига тил теккизмаслигини.

иннайкейин уларнинг хатларини ўқимаслигини, қолаверса Иконниковни лицейга қайтаришларини илтимос қилишларини айтди.

Пилецкий ҳамон кутарди.

Шунда талабалар орасида энг вазмин бўлмиш Дельвиг: агар бу гапга рози бўлмасангиз, ҳаммамиз лицейни дарҳол тарк этамиз, деди.

У бўлса ҳалиям индамас, ҳамон ўша қизиқиш билан итоатсиз талабаларга, бу тартибсиз олағовурга қараб турарди. Ўзини аллақачон шоир деб гумон қилаётган безори — унинг сертугидаги тугма осилиб турарди; ялқов талаба Дельвиг; директорнинг ўғли — беўхшов давангир шу ерда эди. Унинг отаси билан кўп мулоқотда бўлишининг барча оқибатлари манаман деб турибди, ваҳоланки у умумий қоидадан истисно этилиши ва ота-онаси билан бошқалардан кўпроқ кўришиб туриши мумкин эмас эди.

Иезуит бирдан илжайиб қўйди. Улар тундлик билан жавоб кутишарди. Пушкин қовоғидан қор ёғилиб, унга бўри боласидай хўмрайиб қараб турарди. Унинг кўзлари чақнаб турар, ранги сезиларли даражада оқариб кетган эди. Талаба Кюхельбекернинг узун-узун қўллари солиниб турарди.

Мартин ўйга чўмиб, индамай туриб қолди. У талабаларнинг ўзига эмас, балки уларнинг оёқларига, лицейнинг тош томига бегона, олис назар билан қararди. Балким тарбиячилик фаолияти ўзига аянч туюлиб, кўзига ўзга соҳа, ўзга оломон: орасида кўпгина башанг аёллари бўлган, зир титраб унинг пойида юзтубан ётган қавм кўринib кетгандир.

Пилецкий илжайиб қўйди:

— Лицейда қолаверинглар, жаноблар, — деди у қўққис ва дарвоза сари юриб кетди.

Улар Мартиннинг зинапоядан тушишига қулоқ солиб, индашмас ва нима бўларкин, деб кутишарди.

Улар шу зайлда нима рўй берганини ҳайрат ичида англамай, анқайиб, энди роҳиб нима қиларкин, деб аста ғаплашган кўйи узоқ туриб қолдилар. Кейин деразадан қарадилар: йўлдан судралиб извош кетиб борарди. Унда Мартин ўтирар, ёнида бир боғлам китоби бор эди. Шак-шубҳага ўрин йўқ: роҳиб жўнаб кетаётганди; у лицейни тарк этган эди.

Пушкин бирдан худди Ганнибалларга ўхшаб тишларини ярақлатиб, секин кулиб юборди. Бу унинг биринчи ғалабаси эди.

Шу замон у кутубхонадаги ўзининг севимли холи жойига бориб олди. У деразадан мўралаб кўрди: йўл бўм-бўш, Мартиндан ном-нишон қолмаган эди. Пинагини бузмай, у жавонни очди-да, «Ёш Анахарсиснинг саёҳатлари»ни олди, дераза тагига ўрнашиб ўтирди ва тирноқларини ғажий-ғажий, худди ўша Мартин бўлиб қўйган саҳифасидан бошлаб ўқий бошлади.

Яна узоқ вақтгача лицейчилар булар ҳаммаси Мартининг найранги, иезуит бирдан қайтиб келиб қолади, деб ўйлаб юрдилар. Баҳс бойлашдилар. Корф, Ломоносов ва Юдинлар унинг бундай бехос қилиғидан ажабланишарди. Лекин у чиндан ҳам бошлиқларру ўқувчиларнинг бирортаси билан хайрлашмай, бир соя ёки шарпа сингари ғойиб бўлган эди. Ҳамманинг хотирасида кенг йўл, бир боғлам китобини олиб, ҳеч нарса кўрмаётган кўзларини олға тикиб, букчайиб ўтирган иезуит, имиллаб йироқлашаётган извош қолган эди.

18

Илк бор у дўстлар орттирди. Илгари уни Француз деб аташарди, чунки ҳеч ким, ҳатто Горчаков ҳам французчалаб у сингари ёза олмас ва гапира билмасди. Горчаков баъзида ўзининг ҳамтовоқларига ган орасида Пушкин французчалаб эмас, парижчалаб гапиради, деб қоларди ва фақат бир мартагина: «У ердаги хиёбонларда ҳамма шунақа гапиради», деб ҳеч бир ғаразсиз қўшиб қўйди. Яна уни Маймун ҳам деб аташарди. Бу номни унга лақаб қўйишга уста бўлган Миша Яковлев берган эди. Миша Яковлевнинг ўзи Масхарабоз деб аталарди. Унинг ёқимли овози бор эди; улар Корсаков билан лицей черковида хониш қилишарди, муншн Паисий: агарда у авжга шошилмай, бир маромн билан чиқса, келажаги порлоқ бўлади, дерди. Унинг музикага алоҳида лаёқати ва майли бор эди. Янги романсларни бирпасда илиб оларди, лекин унда чинакам талант одамларни тасвир этиш санъатида мавжуд эди; башарти шундай санъат мавжуд бўлганда эди, момақалдироқ пайти чақмоқ чақнаётганини жуда ўхшатиб ифодалай билгани учун Петербургда анчадан бери бир гвардиячи донг чиқариб юрганига қарамай, у пайти билан биринчи бўларди.

Миша Яковлев юриш-туришидан ва билинар-билинмас одатларидан одамнинг моҳиятини фаҳмлаб оларди. Дарсларда бир хиллари гап-сўзлар билан банд, бошқа бировлари ҳажвий расмлар ва бўлак нарсалар чизиш билан машғуллигида, у ўртоқларига, профессорларга, мураббийларга, расм учун чизги танлаб, нусхага тикилган рассомдай қилт этмасдан ола қараб ўтирарди.

Пушкин тўғрисида у Пушкин маймунга эмас, маймун Пушкинга ўхшайди, деб айтди. У Пушкинни худди шундай қилиб: синф хонасида бир ўзи сакраб юргани, патларни ғажиётгани ва кафедрадаги профессорни қўққис, хаёл аралаш кўриб қолганини тасвирлаб ҳам берди. Бир йўла қўл қовуштириб, уни тундлик билан томоша қилиб турган профессор — Кошанскийни акс эттирарди.

Айниқса Пушкиннинг қўққис, қисқа, узуқ-юлуқ ва шу қадар

қувончли кулгисини жуда боплардики, унга қўшилиб ҳамма кулларди.

Энди Пилецкий ҳайдалгач, Яковлев уни Арслон деб атай бошлади: балким аччиғланганда рафтори майинлашиб, қадамлари чўзилиб кетиши боисидандир.

Пушкининг хушомадгўйлари ҳам чиқиб қолди. Илгарилари уни куйиниб қоралайдиган, тулки истара, жиккак, муғамбир ва хайрихоҳ кичкина Комовский энди камоли эътибор кўрсатар, ўз дафтарларини нася қилиб турарди, бонси, Пушкининг дафтарлари батартиб эмас эди. У фақат Дельвигни яхши кўрарди. Дельвиг танлаб, ҳар жиҳатдан қадимги Диогенни такрорлар эди; дарсларда у тингламасдан, лекин гап ҳам сотмасдан ўқитувчини томоша қилиб ўтираверарди. У нималарни ўйларди? Унинг нигоҳи хира, лекин бирдан қув бўлиб кетарди; нағмалари жуда серҳашам эди. Дельвиг ҳазин қўшиқлар ёзарди, улар қарийб ҳар вақт хушнавоз бўларди. Уларни ҳузур қилиб ўқиб берар, лекин, чамаси на ўз қўшиқларига, на бўлак бирор нарсага аҳамият берарди.

Малиновский девқомат, мулоҳазали ва кулағон эди. Яковлев — қизиқчи. Кюхельбекер — олим афанди ва мажнун. Поэзияда унн ҳамманинг маломатига учраган Шапелен жазб этарди. Матюшкининг кўнгли юмшоқ эди. Пушчин араэлашиб юрнб, бирдан қўл чўзиб қолди, Александр ҳам уни қучоқлаб олди. Қолганлардан у нарироқ юрарди. Вальховский ўзига қаттиқ тақиқлар солган спартан: у сабр-бардошли бўлиб, ўзини вазминликка машқат билан ўргатган эди; у билан жанжаллашганларида ранги ўчиб кетарди-ю, лекин овозини кўтармасди. Александр ундан ҳайиқиб турарди. Вальховский ор-номусли эди; Горчаков мағрур ва қувноқ, ҳар жиҳатдан унинг акси эди. Корсаков билан Ломоносов унга тақлид қилиш дардида эдилар. Оқсоч «швед» Стевен, овсар Мясоедов, малла Тирков-Тирковиус, ишбилармон Костенский, камсухан сариқ Гревениц ва кўпгина бошқалари уни сира қизиқтирмас, улар билан бир-икки оғиз гаплашгани даргумон эди. Уларнинг Александр учун мавжудлиги йўқ, ҳаммалари ҳам буни жуда яхши фаҳмлаб юрардилар.

ОЛТИНЧИ БОБ

1

Иван Иванович Дмитриевдан салом келтирган Сергей Львович яна Карамзин билан бирмунча яқинлашиб олди.

Замон кун сайин ташвишли бўлиб бормоқда эди. Ёппа қарғишлар остида Сперанский қулади, ҳалокатининг шиддати ва осонлигининг ўзи билан бирмунча даҳшат қўзғатиб қулади. Москва чоллари қисман нафратдан, қисман кўпдан бери бекор юрган кишиларга хос шавқдан нега хоин илгарироқ ҳукм этилмай, фақат эндигина сургун қилинади, деб очиқчасига заҳрини сочардилар. Ҳамма Николай Михайлович Карамзин муҳим лавозим олади, деб пойларди. Сергей Львович мамнуният аралаш ўзи зор бўлиб кутган ғанимат фурсат келганини кўриб турарди: Николай Михайлович давлат арбоби сифатида ўзига ихлосманд кишиларни фаромуш этмас. Сперанскийнинг ҳалокатидан бир ой ўтгач, қария Шишков аскарга олиш тўғрисидаги манифестни ёзишга мутасадди этилди ҳамда давлат котиби қилиб қўйилди. Ўша нафосат тарафдорлари ёввойи ва эскича деб юрган кимсалар қаддини тутиб олдилар. Сергей Львовичнинг мартабаси масаласи яна ора йўлда қолди. Устига-устак, замон шу қадар кескин ўзгариб кетдики, Сергей Львович ҳам, Василий Львович ҳам тез орада ўз мавқеларининг омонат бўлиб қолганини сездилар. Москванинг бош қўмондони қилиб граф Ростопчин тайин этилди. Шундан сўнг кўп ўтмай мартинчилар фитнаси фош этилди. Бир томондан қараганда мартинчилар деб кўпдан бери Сперанский ва унинг дўстларини атаб келардилар; бошқа томондан қараганда, мартинчилар дегани — москвалик масонлар, Карамзиннинг ёшликдаги ўртоқлари эди. Бундан ташқари мартинчилар ва якобинчилар эркин одамлар эдилар.

Ҳолбуки бир пайт Сергей Львовичга қўққис мартинчи деб тўғридан-тўғри бутун хорижий нарсаларга суяниб қолган кишиларни айтишадигандай кўринган эди. Ҳеч нимага ақли етмай, у хавотирга тушиб қолди-ю, акаси Василий Львовичникига қатнай бошлади. Шу кунларда ака-укалар яна яқинлашиб қолдилар. Лекин Василий Львовичнинг аҳволи ҳам оғир бўлиб, таянч ахтариб қолган эди. Уни даҳрий деб бадном қилган Шишков энди шоншуҳрат ва обрўнинг чўққисида. У Шишковга муносиб зарба берган бўлди, дўстларининг бирига йўллаган мактубида уни судга ҳам чорлади. «Ёришгандир менинг шуурим,— деб ёзди у Бобо даъволарига жавобан,— Сена қирғоқларида васф айладим мен суюкли Ватаним». Кези келганда ўзининг руслигидан ғурурланадиган асл рус кишиси эканини Сен-Пьер, Делиль, Фонтан каби оғайнилари тасдиқлай олишини таъкидлади.

Лекин, ҳар қалай, шоҳидлар Парижда, Шишков бўлса Петербургда, эндиликда давлат котиби эди.

Василий Львович тақдирга тан бериб қўя қолди.

У ўз шуҳратининг асоси деб билган барча важ-карсонлар: кимсан Дмитриевнинг шеърларига ноил бўлган Париж саёҳати,

дилбар m-me Рекамье билан дўстлик, Наполеоннинг шахсан ўзи билан — айтишга осонми!— мулоқот, ниҳоят, нозик таъби, фикрларининг бирмунча эркинлиги, енгил поэзияси — ҳамма-ҳаммаси нафақат қизиқарсиз, балки шубҳали ҳам бўлиб қолди. У гап келиб қолганда «Қалтис қўшни»нинг куйчиси сифатида ўзига кўрсатилаётган иззат-икромдан ҳам совуққонлик билан тониб юборди ва ҳатто бу поэма марҳум Барков қаламига мансубмикан, деган тахминини айтди. Оғзи очилиб қолган суҳбатдош: Барков ярим аср илгари ўлиб кетган, «Қалтис қўшни»да эса Шишков ҳажв қилинади, деган эди, Василий Львовичнинг ғаши келиб:

— Асло Шишков эмас, Шаховский,— деб эътироз билдирди, лекин, ҳар қалай, ўз фикрида қолди.

Гап келганда биринчи консул бўлиб турган Наполеон билан танишиши ҳақидаги гапни ҳам аҳмоқона чўпчак деб рад этишга одатланди, гарчанд илгари буни ҳикоя қилиб юришни яхши кўрарди.

— Мен у билан танишиб ўтирардим-а,— дерди ошкора нафрат билан.

У аввал шинавандаликка майл қўйгани тўғрисида ҳам оғиз очмасликни зарур деб топди ва бир куни дворянлар мажлисида қайсидир ошнаси унга француз пазандачилигининг билимдони сифатида мурожаат қилганида, бақириб берди. У ҳеч қандай франц уз таомини хушламаслигини, қора буғдой шавласини баридан афзал кўришини қатъий қилиб айтди. Аслида бу рост гап эди-ю, лекин Василий Львович уни бўйнига олиши учун уруш яқинлашиб қолиши шарт эди. Василий Львович энди уззукун шаҳар кезар ва энг инобатли хабарларни «ковлаб» топарди. У сира бошланиб келаётган урушнинг фаҳмига етмасди. Мишмишлар унга малол келарди. Дарвоқе, у иштиёқ билан янги сурилишлар ҳақида гап сотар, уйида овоз чиқариб уруш маълумотномаларини ўқир, мартинчилар ҳақида эса ақлбозликка доим қарши бўлиб келганман, мантиқ бир нарса, ғафлат тамоман бошқа нарса деб таъкидларди. У ҳамма ерда ҳозиру нозир, бардам эди, французларни сўкарди, лекин бир куни уйига эсанкираб қайтиб келди, Аннушкага ғалати қараб, ўлгудек сиқилиб кетганини эътироф этди.

— Нега энди ўша лаънатилар уйида ўтиролмай қолди?— деди у французлар тўғрисида, шунда раҳмдил Аннушка йиғлаб юборди.

Унинг бирдан гув этиб аланга олган довруғи худди ўшандай баногоҳ бир йўла ўчди, узилиб қолди. У инқирозга юз тутди.

Ака-укалар энди Карамзинникига кўп қатнайдиган бўлиб қолдилар, лекин гоҳи маҳаллар ўзларини малол олишаётганларини сезгандай бўлардилар.

2

Дарҳақиқат, Карамзинга эски дўстларининг малоли тушаётган эди. Қўрқинчли замонлар келмоқда, у ўз мухлисларининг, нафосат дўстларининг ҳовлиқишига бирмунча ваҳима ва таажжуб билан қарар эди. Улар кули учун кул сочиб, яқинлашиб келаётган воқеаларнинг маъноси ва аҳамиятини сира идрок этмасдилар шекилли. Карамзин анчадан бери уларга зеҳн солмоқда эди. Улар назарида икир-чикир ботқоғига узил-кесил ботиб қолгандай эди; ўзини беш йилгина бурун ром қилган нарсалар энди ғижиниширар, аввал нафосатли кўринган нарсалар эриш туюлиб, ўшандаги таъсирчанлиги болаликка ўхшаб кўринарди. Сергей Львовичнинг ҳар бир назокатли қилигида, Василий Львович комрон шеърларини ўқиганда у ҳар гал безовта бўлар, эски маслак тарафдорларининг истеҳзосини англаб оларди.

Василий Львович ўз созини виқорли бир куйга мосламоқчи бўлиб уринар, бу аксар ҳолларда кулгили чиқарди: у енгилтак, ҳовлиқмалар пешвоси деб ном чиқарган, тан олинган эди. Унинг ъутиқод ва ахлоқнинг муҳим масалаларидаги енгилтаклиги ҳам одамнинг ғашини келтирарди. У андишасиз, даҳрий бўлиши ҳам мумкин — ким билади дейсиз, Шишков ҳақ бўлса бордир. Энди дворянликнинг ашаддий душмани, тарихчининг шахсий душмани попвачча Сперанский қувғин этилгач — ҳамма Карамзиннинг обрўли лавозимга кўтарилишига мунтазир эди. Ака-ука Пушкинлар ҳам Николай Михайловични бориб қутлаб келишди ва аксига олиб ўзларининг умумий адабий ғаними — Шишков муҳим мартабага ноил бўлиши арафасида боришларига сал қолди.

Шу тариқа андак алам туйғуси Карамзин кўнглини хижил қилмоқда эди: у ғалабаларни қўлга киритар, меваларидан эса ўзгалар баҳраманд бўлишаверарди. Москва бош қўмондони қилиб янги тайинланган Ростопчин бир замонлар унинг ошнаси эди, лекин нафақат Сперанский тарафдорлари, балки Карамзин дўстлари деб ҳам гумон этилаётган мартинчилар фитнасининг фош қилиниши тўғрисидаги мишмишлар тарихчини нотайин бир аҳволга солиб қўйган эди. Ҳамма нарса ўзгариб бормоқда, тарих табаддулларининг солномачиси эса бир чеккада турарди.

У ўзи хотиржамлик билан олишиб келган ва ҳозирда давлат лавозимларини эгаллаб олган эскича адабий маслак тарафдорлари ўзи устидан чақувлар ёзишаётганини, бунинг барча асарларини, ўзи Сейчасёки биринчи консул бўлишга даъвогар деб уқтиришаётганини,— ҳайҳотки, ўзи ҳам Сперанскийга қарата шу гапларни айтган ёки кўнглидан кечирган эди,— даҳрий Вольтер ва Руссога мухлис деб, уни гумдон қилиш керак, деб таъкидлашаётганини яхши биларди. Рост, ҳозирча уни тинч қўйиб туришибди. Лекин, масалан, ҳамма Василий Львовичдан ўзини нариоқ олади ган ва уни қабул қилмайдиган бўлиб қолди.

Ораларида мудом ака-ука Пушкинлар бўлмиш ўзининг ишонувчан ва насиҳатталаб дўстларидан қутулиш йўлини Карамзин билмасди. Улар айниқса ишонувчан бўлиб, ҳаммадан кўпроқ безиллаб юришарди. Шу билан бир қаторда иккала ака-укага бирдай хос бўлган бир жиҳат уни танг қолдириб келарди: безиллаб турганлари ва барча ҳодисаларга нисбатан таъсирчан ва ҳуркак ёки айтишларича, сенсибил бўлганлари ҳолда, Пушкинлар икки дақиқа ўтгач вазиятга,— у нечоғлик машъум ёки улуғвор бўлмасин,— кўникиб кетаверардилар, шу ернинг ўзида бирор латифани эсга олишлари ёки оғиз кўпиртириб икки машҳур раққоса, ориқ ва семизининг қиёсий фазилатлари борасида баҳс бошлаб юборишлари мумкин эди. Икки ака-уканинг бу ҳаётбоплиги феълатворлар баёнчиси учун бир муаммо бўлиб келарди.

Воқеалар бошланган замон Сергей Львовичга ғайрат кириб, ҳарбий хавф-хатарлардан андак завқ ола бошлади. У энди барча уруш маълумотномаларини барала ўқир, товушини фақат ўзини кўрсатганлар фамилияларида пасайтирар ва бир вақтлар Мольер мутолаасини бўлиб қўйишганда аччиғлангани каби эшикни ғичиллатиб халақит бераётган Палашкадан дарғазаб бўларди.

У энди уззукун Москва бўйлаб елиб-югурар ва нохосдан бақириб, «ичимдагини топ» бўлиб қолган Надежда Осиповнанинг капалагини учирарди:

— Аблаҳ чекиняпти!

Ишқилиб, Сергей Львович кимни назарда тутаётгани: Наполеонними ёки кўплар қатори ўзи ҳам чекиниш тактикаси учун айблаб юрган Барклайними — Надежда Осиповна учун қоронғи эди.

Бир куни у уйга ҳансираб чопиб келди ва Никита билан оқсоч қизга шубҳаланиб, ола қараб қўйди-да, уларни чиқариб юборди; кейин Надежда Осиповнага қараб бери кел, деб имо қилди; лофу имо-ишорага тоқат қилолмайдиган Надежда Осиповна яқинроқ келди.

— На Никишкага, на Аришкага ишонч йўқ, rien, de rien[1],— маънодор қилиб деди унга Сергей Львович,— қароллар — энг биринчи золимларимиз.

Бу муҳим янгилик эди: барча қароллардан душманлардан эҳтиёт бўлгандек сақланмоқ лозим эди. Ўзи боягина қизлар бўлмасида сал ноҳақ зулм ўтказгани Надежда Осиповнанинг эсига тушиб, ранги оқариниқиради. Сўнгра Сергей Львович хона бўй-

[1] Мутлақо, ҳеч қандай (*француз.*).

лаб зир югурганича унга ўзининг ҳаракат режасини баён этди. Душманлар қаёққа қараб силжиши номаълум — Петербурггами ёки Москвагами; башарти Петербург тарафга бўлса, кутмоқ керак; мабодо Москва тарафга бўлса, зудлик билан кучни йиғиштирмоқ керак. Бироқ бирам уй ивирсиб ётардики, токчаларни бирам қалин чанг босиб кетган эдики, Надежда Осиповнанинг ҳар турли майда-чуйда нарсалари — шишачалари, қутичалари шу қадар кўп эдики, қисталанг заруратсиз, ҳар эҳтимолга қарши йиғиштиринишнинг иложи йўқлиги дарров аён бўла қолди. Надежда Осиповна ўзининг катта кўзгусидан ажралгиси келмай туриб олди. Сергей Львович фикридан қайтди: ҳеч нимани олиб кетишмайди, хавф-хатар бўлиб қолса; бутун мол-мулкни ўша золимлар қарамоғига ташлаб кетишаверади. У юпаниб қолди, бу ёғи анча беғалвароқ ва осонроқ эди.

— Болаларни жўнатиб юбориш керак,— болалар эсига тушиб кетиб бирдан жон-жаҳди билан шивирлади у.

— Қаёққа?— худди ўшандай шивирлаб сўради Надежда Осиповна. Аён бўлдики: болаларни жўнатгудай жой йўқ. Сергей Львовичнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Оҳ, қайдам, жонгинам,— деди у,— ҳамма боласини жўнатяпти. Балким Михайловскоегадир? У ерга зоғ учиб етмайди.

— Мен Лёвушкадан ажралмайман,— бўғилиб деди Надежда Осиповна.

— Олиньканинг ёлғиз ўзини жўнатишнинг ҳожати йўқ, ташвиши ҳам ўта кўп эди.

Сергей Львович бирдан бу оворагарчиликлардан толиқиб кетди. Қалтис пайтдаги оила, мана шу тараддудлар, жўнашлардан сергавғороқ ва сертўполонроқ ҳеч нима йўқ оламда.

— Таваккал қилиб кута турамиз, дўстим,— кўнгли хийла жойига тушиб деди у Надежда Осиповнага,— ажаб эмас улар Петербургга қараб кетиб қолишса. Мен бугун Николай Михайловичникида бўлишни ваъда қилганман, ҳаммасини билиб келаман. Лекин тавалло қиламан: ўша анқов Аришка, ўша Никишканинг олдида бир оғиз ортиқча гап бўлмасин. Никишка мени ғулғулага соляпти. Унинг сўнгги ҳафта ичидаги важоҳати ғирт мужмал. Уларни уйдан чиқармаслик керак. Улар кўча-кўйларда ўша наҳсларнинг ҳаммаси билан, toute cetfe canaille пачакилашиб юриб, айниб келишади. Шу даражага етибдики, Ростопчиннинг ўзи,— деди ва у бармоғини кўтариб қўйди,— tous ces Nikichka, Palachka[1]га йўл-йўриқ бериш учун эълонлар тузмоқда!

— Никита, уст-бошни келтир!

У Карамзинникига жўнаб кетди.

[1] Ўша Никишка, Палашкаларнинг ҳаммаси *(франц.)*.

Бордию душман Петербургга қараб юрса, нима бўлиши тўғрисида улар гап очмасдилар. Петербург олис. Сашкани улар бу гал эсга олмадилар. У ерда Александр Иванович Тургенев бор, ё тавба! Охир-оқибат у саройда, саройнинг ўзида-я ва тақдирни фақат сарой аҳли билан баҳам кўриши мумкин; дарвоқе, у ёлғиз ҳам эмас, бир қанча тенг-тўшлари, тарбиячилари, ўша Iycёens, мураббийлари, амакилари билан бирга.

3

Уларни доимгидек кунига уч маҳал сайрга олиб чиқардилар. Лицей очилиши куни кечқурун улар яхмалак ўйнаган қор ҳали эриб тугагани йўқ. Чаққон Наташа — кекса мегери Волконскаянинг оқсочи йўлда уларга тез-тез йўлиқиб турарди: у доимгидек кўзларини ердан узмай ўтиб кетарди. У қора кўзли, кулча юзли эди. Улар уришиб қолишган пайтлар ҳам бўлиб турарди; Будри, қаттиққўл қария лекцияларида шўхлик қилган талабларини ўзининг ёнига тикка турғазиб қўяр эди. Қўполлик қилишгани ва математикани билмаганлари учун чойсиз қолдиришар ёки қора столга ўтқазишар, ёки бир-икки соат эски уст-бошини кийдиришарди.

Ярим йилдирки, улар лицейда — қор эса ҳали ҳам эриб бўлганича йўқ. Лекин ота уйи бир умрга тарк этилган эди: улар саройда истиқомат қилишар ва ҳамма гапдан ота-оналаридан кўра тезроқ ва аниқроқ хабар топишар, уларнинг билишича, энг аввало, муҳим табаддуллар аломати бўлмиш ўша хавотирни илгарироқ ҳис қилардилар.

Бир куни кечаси Александр туёқларнинг жарангдор тарақатуруқини эшитиб қолди. Бу танҳо тарақ-туруқ қўққис келиб, учиб ўтиб кетди-да, сўнди. Балким фельдъегерь от солиб ўтиб кетгандир. Фалакнинг гардиши билан улар ўз даргоҳларига қайтиб бориб қолганлари тақдирда, кўпларини ота-оналари танимаган бўларди: қонуншунос Корф уқдирган ота ҳукми аста-секин зил кетганди.

4

Улар Будрининг лекциясида ўтириб, карнайнинг олисдан келган суст садоларини эшитиб қолишганда март ойи эди; аввал бунинг нималигини тушунмадилар. Лекин Будри бирдан ўйга толиб қолди. Парик кийган кўйи, ҳурпайганича, у талабаларга қарамасдан, ўжар, юпқа лабларини хомуш қимтиб ўтирар ва қулоқ соларди. Шу пайтда Яковлев унга «Кичкина Грандиссон»дан парча ўқиб бермоқда эди; лицейга киргунча француз тилини билма-

ганларни Будри ёд олишга мажбур этарди. Яковлев аллақачон ўқиб бўлган, Будри эса ҳамон жим ўтирар ва тингларди. Ниҳоят, у ҳушига келди, Яковлевга бош ирғаб қўйиб ва «Грандиссон» ҳақидами ёки бўлак бир нима тўғридами:

— Хуллас, буниси тамом,— деди.

Эртаси куни сайр маҳали улар Чириковнинг эътирозига қулоқ солмай катта йўлга бурилдилар.

Бутун катта йўл бўйлаб, то кўз қамрай олгунча, қўшинлар — оғир кавалерия сурилиб борарди. На уст-бошлар, на отларнинг юриши — ҳеч нима Александр бир қур Петербургда ўтказилган кўрикда кўрган ўша суст ҳаракатни эслатмасди. Отлар тойилиб-тойилиб борарди. Ялтироқ киверлар йўқ — солдатларнинг бари фуражка, шинель, иссиқ қулоқчин кийган. Эгарлар ёнидаги мис қозончалар даранглаб қўярди. Қаҳратон совуқ, изғирин эди.

— Полкка алоҳида эҳтиром билан қарашади,— деди таниш кавалеристлари бўлган Чириков,— ҳаммалари шинелда. Ие, мана бу шинелсизлари — жарима олганлари.

— Нима учун уларга жарима солишган?— деб сўради Вальховский.

— Нимага бўларди. Ана, чапдан иккинчисининг эгари қийшайиб қолибди. Биринчи мазгилдаёқ шинелини ечиб олишади.

Офицерлар ўзларига сал-пал извошчи сиёқини бериб турадиган иссиқ оберрок кийиб олишган эди. Олдинда музика чалиб-ю, эскадрон юриб кетди.

Эскадрон изидан бир неча экипаж кўнгил узолмай судралиб борарди — ўғилларини кузатаётган бир неча онаизорнинг сира қолгилари йўқ эди. Улар қоронғи бурчусларда бирдай силжиб бораётган отлар билан на ўғиллари, на эрларига ўхшамаган, оберрок ва колет кийиб олган кишиларнинг юмалоқ елкалари кўриниб турган олдинги сафга тикила-тикила толиқиб, ён-верига аланглаб ўтиришарди: лекин ҳалиям на қайтишга, на тўхташга ботинолмай, эскадрон кетидан бормоқда эдилар.

Энди ҳар куни сайр қила туриб, аскарларни кузатадиган бўлишди. Аскарларнинг Гатчино ва Лугага, кейин — Порховга, ва ниҳоят, Опочкага кетаётганини билиб олишди; Александр онасининг ер-мулки Михайловское Опочкага яқин жойдалигини билар-ди. Горчаковнинг тоғаси Пешуровнинг мулклари ҳам ўша атрофда эди.

Уруш ҳали эълон қилинмаган, қўшинлар эса ҳар куни Царское Селодан ўтгани ўтган эди. Кўп ўтмай уларнинг туси ўзгарди — гвардия ўтиб бўлди, энди казак полклари ўтарди. Мумлама мўйловлари диккайган, серсоқол казаклар эгарларга баъзи бировларнинг креслода ўтиришидан кўра маҳкамроқ ва жипсроқ ўрнашиб, мардона бир бепарволик билан ўтиришарди. Улар шавқсиз бир қўшиқни ҳуштагу ҳай-ҳуй аралаш куйлашарди. Уларнинг юзлари ҳаракатсиз, лицейчиларга қарамасдилар ҳам. Илғор казаклардан иккитаси уларни пайқади. Ўша лоқайдликларни сақлаганлари ҳолда улар кўз уриштирдилар-да, бир юлқинишда эгарлардан ажралдилару, алмашиниб олишди, энди ҳар бири шеригининг отида худди аввалгидай бамайлихотир, гўё шу эгарда ўтириб келаётгандай қилт этмай кетавердилар, юзлари тунд ва сўниқ эди. Фақат ўнг томондагиси кўзини қисиб олган: казак кулмоқда эди.

Калинич улар кетидан ҳамма нарсани фаромуш этиб, қоққан қозиқдай турарди.

Калинич қайрилиб қараганда талабалар уни танимадилар: унинг чеҳрасида аллақандай мамнуният ва мисли сиз ифтихор барқ урар, кўзи қисилган эди.

— Қўлида милтиғу, тишига ўқ тишлаган,— деди у ва бояги илғор казакка ўхшаб кўз қисиб қўйди,— оббо менинг бебошларим-эй, полапонгиналарим-эй.

Малиновский ўзи ҳам казаклигини айтди — қишлоғи Изюм яқинида эмиш. Калинич унга қойил қолиб, афтидан, ишонқирамай узоқ тикилиб турди-ю, кейин кулиб юборди:

— Казакнинг ўзи. Кавалерча руҳ. Казакларнинг ҳаммаси ёпасига атаман.

Шу тариқа Малиновский казак бўлиб қолди. У сайрдан сўнг бирпасда аллақандай бошқача тусга кирди; чапаничасига — қўлларини белга тираб юра бошлади ва ўзича бу чиниққан асл казакка хос деб ўйлаб, тез-тез кўз қисарди. У казаклар ўтгани ҳақида отаси директор Малиновскийга сўзлаб берди-да, янаям кўнгли яйраб кетди. Ўғлига берилган казак деган эркин лақаб директорга манзур бўлди. Эски казаклик эрки, қувлигининг ўзи, гоҳида бебошвоқ, ўтакетган чапаннилиги,— деди у ўғлига,— асл хислатлардир. Бошланаётган урушда у рус қўшинларининг ғаним учун номаълум фазилатларига умид боғларди. Ўғли ҳамиша забардаст, муғамбир эди. Энди эса чапаниликни севиб қолди. Матвей амаки эски казаклардан бўлиб, фақат қийшайиб қолганидан кейин статс хизматига кирган эди. Малиновский энди у билан узоқ-узоқ суҳбатлар қурадиган бўлиб қолди ва кўп ўтмай ўткир казакча мақоллардан роса ўрганиб олди.

Гауеншилддан немисча гап-сўзларни бутунлай билмаслиги учун жиддий огоҳнома олгани ва мураббий томонидан қора дафтарга қайд этилгани учун у кўз қисиб қўйди-да:

— Казак деган бошига кулфат тушганда йиғламайди,— деди.

Эконом уларни ёмон боқарди. Малиновский столга ўтираркан, энди:

— Ҳовучимиздан ичамиз, кафтимиздан тамшанамиз,— дерди.

Буларнинг ҳаммаси билан у Калиничнинг жуда кўнглини кў-

тараради. Казаклар ўтиб кетгандан кейин Калинич сиқиладиган бўлиб қолди. Ақл бовар қилмайдиган гап — навбатчилигида у хуштак чалиб, аллақандай қўшиқларни минғиллашга одатланди. Гувернёр ё профессорлардан битта-яримтаси тасодифан кириб қолгудай бўлса, у оғзига толқон солгандай жим ўтирарди-ю, лекин ўзи кўнглига яқин оладиган лицейчилардан асло тортинмб ўтирмасди. Бир марта Александр Калиничнинг ҳасратли хиргойисини эшитиб қолди:

Оҳ, қора буғдой оқ гуллари
Тўкилар яшнаб,
Казак севарди қизғинани
Кетмакда ташлаб.

Овози дўриллаган эди, лекин у сукунатни бузишни истамай, жуда секин хиргойи қиларди.

Уч кун кўнгилли лашкарлар ўтди. Кўнгиллилар ҳозирда қурумсоқ эконом ўзларига бераётган нонга ўхшаб бўзранг кийимларда эди. Улар гвардияга ўхшамас, хомуш, чанг эдилар, қилиқ ва юришлари гвардияга хос эмас: дўлвори мужиклар-да.

Улар атрофга қарамай, яним соат, бир соат давомида ўтишаверар, ранглари бўздай эди, гурсиллаган қадамлари остида замин бўғиқ нола қилиб оҳ чекарди. Улар лапанглаб юриб боришар, юзлари ҳам ҳарбийча эмас, мужикча эди. Улар қуйлардилар. Ашулалари узун, ҳазин эди. Амакиси билан ўзини Петербургга олиб келган ямшикнинг қўшиғи Александрнинг ёдида эди; унинг қўшиғи чўзиқ, сокин, салмоқли, извошнинг дўқир-дўқирига мос бўлиб-бўлиб айтилаётган танбалликка монанд, охири йўқ йўл қўшиғи эди. Буниси — ҳарбийча, янгроқ, бўғиқ ва ашуладан кўра кўпроқ нола-афгонга ўхшарди.

— Қаҳатчилик келди,— талабаларни бир амаллаб сафга тизиш пайида ғўлдирарди Калинич,— полапонгиналарим, бедаво бешарим.

Бир куни отлиқ кўнгиллилар ўтиб борарди; ёшгина кўнгилли офицер йўлнинг нақ чеккасидан отини қуюндек учириб ўтди, оз бўлмаса уларни босиб кетаёвди, қиличини ҳўл шохларга сирмар, шохлар шапиллаб юзларига урилар, шунда у кўзларини юмиб олиб кулардн. Отини буриб, у лицейчилар ёнига келди-да, Куницин қаерда туради, деб сўради. Унинг хочи орқасига яшил новда тиқиб қўйилган, юзидан ёш билан сув оқарди. У оппоқ тишлари билан яшил япроқни чайнаб турар ва афтидан ширакайф эди. Чеҳраси мутлақо маъсум эди. У жилмаярди.

Энди тартиб сақлашнинг ҳожати қолмаганига, ҳойнаҳой, фаҳми етиб турган ва: «Бора қолинглар, полапонлар, бора қолинглар,

бебошлар, фақат ҳушёр бўлинг, қўлга тушиб қолманг тағин, илтимос», деб қўл силтаб қўя қолган Калиничнинг ўтинчларига парво қилмай, ҳозир Куницин яшаётган уйни кўрсатгани кетишди.

Кўнгилли киши отдан тушди, ҳамма ичкарига кирди.

У Куницинни қучоқлаб олди. Бу геттингенчи Каверин эди. Беш минутдан кейин у ҳаммани таниб олган ва нуқул номларни чалкаштириб, ўзига айтилаётган гапларга зеҳн солмасдан, лицейчилар билан гурунглашарди. Пушкин унга ёқиб қолди. У Александрни қучоқлаб олди.

— Пушкин, сен ёқимтойсан, азизим, юр мен билан жанг қилгани? Хоҳламасанг, қолавер!

Пушчинга у:

— Сен семиз экансан, азизим, от минишга ярамайсан, артиллерияга олишларини сўра,— дерди.

Умуман, у ҳаммани ўзи сингари урушга отланган, деб ўйларди чоғи. Куницин унга кулимсираб қараб турарди, у бўлса кўнгли бўшлардан эмас эди.

— Сенда, Саша, вино йўқ экан,— деди Каверин,— менга лоақал сув берсанг-чи. Филистёрсан-да!

У шошмасдан катта кўзани бўшатди-да, Пушкинга бош иргади.

— Пушчин, тайёрмисан?

У Куницинни қучоқлади-да:

— Юр, эринма: сен — ялқовсан, ярамассан, филистёрсан,— деди.

Кейин Пушкинни қучоқлади:

— Юр, Саша!

У Куницинни Саша деб атарди ва иттифоқо Пушкиннинг номини тўғри айтиб қўйди.

Улар ўзларининг хоналарига қайтиб кирганда, ҳар бири ўзининг тўнғич оғасини урушга кузатгандай бўлиб кетди. Тунда бирдан Пушкиннинг унга етиб олгиси келиб кетди — йўлга кўз ташлай-ташлай, қаердан от топсам экан, деб бош қотира бошлади. Кейин истар-истамас уйқуга кетди.

5

Гвардиячиларни ботфортларда кузатиб турдилар. Кўнгилларни улар энди кулранг уст-бошларда қарши олардилар. Пантолонлар ўрнига уларга бўзранг шимлар беришди, кейин эса қизил ёқалик кўк ёрти ҳарбий сертукларни ҳам тортиб олишди-да, бўзранг, юпунгина, чўлтоқ сертукчалар тарқатишди. Уларнинг сиёқи ўзгариб кетди: сайрларда улар ўзларини таниёлмай қолардилар. Бир сафар Волконская кампирга дуч келиб қолдилар. Кампир

Наташанинг қўлига оғир таяниб, ҳарсиллаб, аста юриб борарди. Унинг бурни бўзариб кетган эди. Наташа талабаларга кўзи тушгач, мастона кўзларини ҳар доимгидек ерга қадаб олди. У кулча юзли, қоракўз, кўкракдор, сарвқомат бўлиб, кампир билан одимлаши мифологиядаги бир сабоқни — Психея, Прозерпина етаклаган Дўндиқчани эслатиб турарди. Кампир доимгидек уларни ўтказиб юборгани тўхтади. Наташа кўзларини ерга тикиб турар, лекин, афтидан, ҳаммасини туппа-тузук кўриб турарди.

— Наташка, бугун ибодат куни, деб нега менга айтмадинг?— деб ғўлдираган овоз билан сўради кампир. — Қара, хонишчиларни бошлаб кетишяпти.

Улар бу гапни эшитдилар. Бир-бирларига назар солиб, ўзларининг уст-боши кичик ёшдаги, бевосита хизматда бўлмаган сарой хонишчиларининг формасидан сира фарқ қилмаслигига қаноат ҳосил этдилар. Ўша хонишчиларга бўзранг, юпунгина сертукчалар кийгизиб, кўпинча лицей ёнидан сарой ибодатхонасига олиб ўтгувчи эдилар. Горчаковнинг, қолаверса, бошқа ҳамманинг иззат-нафси қаттиқ лат еди. Улар Волконская кампирни ўлгудек ёмон кўриб қолдилар.

Улар энди эркатойлар, талабалар, студентлар эмас, ҳаттоки ўз-ўзларини «ҳужраларида» хаёл қилишни яхши кўришган *дарвиш, роҳиблар* ҳам эмасди: шунчаки сарой қошидаги хонишчилар бўлиб қолгандилар.

Кўнгиллилар билан учрашув уларга тасалли берди: энди ҳамма бўзранг кийинган эди; бу поход формаси эди. Уруш — шу эди. Уларни боқишларининг мазаси қочди. Илгарилари талабалар ёвғон қарам шўрва билан боқиб, суюқ чой улашган экономни бутун лицей бўйлаб ахтариб юришар, у бўлса беркинарди. Энди у беркинмас, балки, аксинча, бажонидил пайдо бўларди. Шўрванинг турган-битгани сув-ку, дейишганда, қўлларини ёйиб қўяр ва нуфуз билан:

— Фармойиш,— derди.

Унинг малла бакенбардлари таралган бўларди.

Ҳар нарсада қарийб походча қурумсоқликка риоя қилинарди. Лицейнинг очилиш маросими Малиновский осуда маскан деб тилга олган Царское Село ҳам ўзгариб кетгандай эди гўё; илгарилари улар бу ердаги ҳамма нарсанинг: Турк дўкони, Кагул мармари ва Чесмен устуни, ёзувли Орлов дарвозаси уруш ва ғалабаларнинг ваҳшатли хотирасига тўлиқ эканини пайқамасдилар. Сарой бўшаб ҳувиллаб ётарди. Мудом кимсасиз шийпонлар энди ташландиқ, сунъий харобалар — чинакам кўринарди. Грек айвончасини тиклаб турган тошлар ўша — турклардан ташиб кетилган ҳақиқий тошлар бўлиб чиқди. Дафна, Хлоя, Филисалар — кўпдан бери шеърларда тилга олиниб турарди; нурғоний Державингина

қизларни Параша ва Наталья деб хонаки тарзда, ўз номлари билан атарди. Эндиликда грекча ва римча номлар ҳарбий шарафга айланиб қолди: Багратион Эпаминонд бўлди; Кульнев-Деций; Раевский ва Коновницинлар — қадим Спарта ҳамкорлари.

Қўшинларга мурожаатномада Неман французлар учун яна бир Стикс — фақат бир маротаба кечиб ўтилажак ер ости жаҳаннам дарёси бўлиб қолади, деб айтилган эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

1

Уруш 22 июндан 23 июнга ўтар кечаси бошланди: Наполеон тўрт юз минг чоғли аскар билан Ковна яқинида Неманни кечиб ўтди. Қўшинлар Россияга қадам қўймоқда эдилар. Қўшинларнинг ярми француз, ярми немис, Наполеоннинг асир ва ўлпончиларидан эди. Пруслар, саксонлар, баварлар, вюртембержликлар, баденликлар, гессенликлар, вестфалликлар, мекленбуржликлар ёпирилиб келмоқда эди. Австрияликлар, поляклар, испанлар, итальянлар келмоқда эди. Голландияликлар, Рейн соҳилларидан бельгияликлар, пьемонтликлар, швейцарлар, генуяликлар, тосканлар, бременликлар, гамбургликлар келмоқда эди. Улар уловига қисқа-қисқа тин бериб, куну тун от солиб келмоқда эдилар. Уларнинг келишига йўл очиқ эди; Наполеоннинг бошига ҳали ҳеч бунақа уруш тушмаган эди: тарк этилган қишлоқлар, аҳолисиз ва ем-хашаксиз бўм-бўш шаҳарлар, сохта ғалабалар саркарданинг ёмон қаҳрини келтирди, чунки у аслида одатдаги урушни — душман билан ошкора курашиб, довруқли ғалабалар қозониб, пировардида ҳал қилувчи жангга кириб, пойтахтни ишғол қилишни ҳамда ўзининг иродаси бўйича қабул қилинадиган тезпишар сулҳни кутган эди. Москва чоллари ҳам овозали жанглар йўқлигидан даргазаб эдилар.

Душман катта куч билан Петербурггами, Москвагами йўналиб, шиддат билан бостириб келарди. Камоли ғафлат ҳукм сурарди.

2

Директор Малиновский Куницин билан кабинетига кириб, унинчидан қулфлаб олди. Шамлар ёқилган, чорбоғга қараган деразалар очиқ эди. Чор-атроф жимжит, яшил япроқлар тароватли, шам алангаси енгил шабададан эгилиб-букилар — ҳаммаси осойишта эамондагидек. Рўбарўда — лицей: ҳамма уйқуда.

— Аҳволим танг,— деди директор бармоқларини қисирлата туриб,— шундай бир тунда, ана шундай гўзалликлар оғушида бўлсагу, аҳволимизнинг оғирлиги тўғрисида бош қотириб ўтирсак-а.

Малиновский ғамгин эди, унинг ожизлигидан афсусланиб, муттасил тушкунлигидан жаҳли чиқиб юрган Куницин ҳам нохушлик билан арзи ҳол кутар ва эътироз қилишга чоғланарди. Шундай бир пайтда руҳан бўшашиб ўтиришни жиноятга тенг деса бўларди. Малиновский тушкунликка берилдими — бўлди, лицейнинг лицейлик снёги қолмайди. Пилецкий даврида бўлганидек, шундай ҳолларда доим бўлганидек, буни яна ҳамма — талабалардан тортиб то хизматчиларгача дарров илғаб олади; душманларни: Гауеншилдни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Куницин лицейни, бу заиф, боши балодан чиқмай қолган билим даргоҳини тарк этишга қарор қилди; дарвоқе, у урушга жангчи бўлиб кетиш ниятида эди; у ўз вазифаларини, талабалардан баъзиларини — ўзларидан ҳам кўра қизиқувчанликларини, уларнинг такомил сари тадрижан ўзгариб боришларини севишга улгурди, ҳатто бинонинг ўзига ҳам ўрганиб қолди. Бир вақтлар Пилецкий қўлига тушиб қолганидек, лицейнинг Гауеншилд қўлига тушиб қолишини у ҳаргиз истамасди. Лекин теваракдагилар ялпи талвасага тушиб қолган эдики, бу тез орада бошқаларга юқиши мумкин эди. Заҳил юзлар, кўзлардаги саросима, фикрлар чалкашлигини — неки кўрқув ва даҳшатни фош этиб турса — ҳаммасини у жуда ёмон кўрарди. Куницин заковатга, унинг қонуниятларига ишонар, кўрқув эса тафаккур хорижидаги соф ҳайвоний бир нарса эди. Ўзи астойдил ҳозирлик кўрган, эндиликда иложсиз бўлиб қолган истиқбол унинг учун яна равшанлашди. У энди урушга шайланмоқда эди. Ватан, унга муҳаббат, гражданлик бурчи — ўзи лицейчиларга салобат билан уқдирган тушунчаларнинг барчаси энди эҳтиросларга айланиб қолди-ку, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан уларга бўйсунди.

— Бало-қазодай босди-ку,— деди Малиновский ва ранги оқариб кетди,— ҳаммаси ёпирилди, эшитишимча, энди бетўхтов келишаётган эмиш. Агар шу туришда кетса, бир ойдан кейин бу ердан кўчишимизга тўғри келади; Ревелга. Буни ҳеч ким билмайди, билмаслиги ҳам шарт. Сизнинг тадорик кўриб қўймоғингиз лозим.

У бутун лицейни Ревелга олиб кетишга майли йўқлигини айтди; баъзи бировлар хоҳламайди, худога шукур. Гауеншилд, масалан, Петербургдан узоқлашиши мумкин эмас; қайтага яхши. Профессорлардан анчаси бормаслигини кўнгли сезиб турибди. Ушанда Куницин бир неча профессорни ёллайди, энг асосий илинж эса унинг ўзидан. Умуман, илк қадамлариданоқ бахти очилмаган бу билим юртини унинг қўлига — ёлғиз унинг қўлига

топширади. Сўзларига қараганда, Малиновскийнинг ўзи жўнамоқчи эмас, деган маъно келиб чиқарди.

— Мен бормайман,— тасдиқлади Малиновский,— истамайман, қариб қолдим, тинкам қуриди.

— Сизсиз улар қувғинда изндан чиқиб кетади, мен бўлсам уларни эплаёлмайман.

Малиновский бир оз хонани айланиб юрди.

— Акангиздан хабар-пабар борми, Тургеневнинг ниятлари қалай?— деб сўради у.

Куницининг акаси походга чиққанига ва дараги бўлмай кетганига бир ойча бўлган эди; Николай Тургенев, қишдаёқ Москвага келиб қолган бу геттингенчи энди Петербургда истиқомат қиларди ва ҳасратда эди: у дам ваҳимага тушар, дам яна умид боғлаб қолар, ўзини қаерга қўярини билмас эди. Куницин у билан ҳар куни кўришиб турарди. У қуллик, қўполлик, бадмастлик асоратидаги кимсалар, юқори табақа жаҳолати, жазирама ёз билан алмашинган қаттиқ қиш дастидан ватандаги турмуш чорасиз бўлиб қолаётгани, лекин қутулиб кетишнинг йўли йўқлигини айтиб зорланарди. Сўнгги пайтларда Тургенев жуда тетикланиб қолган, Витгенштейннинг ҳаракатлари унга илинж берган эди.

Малиновский мийиғида кулиб қўйди.

— Ревелгами ёки Абогами, қаёқ насиб қилса, амакиларимизнинг ҳаммаси сиз билан кетишади,— деди Малиновский.— Бизнинг асрандиларимиз бу ердаги тирикчилигини ўшалар билан бирга бошлаган, ўшалар билан давом эттираверишади. Сергей Гавриловичга,— деди у Чириковни назарда тутиб,— хизматчиларга нисбатан ким қўпол муомалада бўлса, хулқ-атвор журналига қайд этилсин, деб тайинлаб қўйдим. Тунов куни Данзас Матвейни сўкиб, экономни қувлаб юрган эди — таъзири берилсин. Мен бу нарсага ниҳоятда эътибор қилинишини сўрайман. Манманлик, жиззакилик, хушомадгўйлик билан пасткашлик — ҳаммаси тарбия, турмуш ва қулларга нисбатан муомаладан. Ғазабнинг тайёргина қурбонлари эса бунга кўникиб кетишган. Тобе хорижийга ҳеч қачон ўзникига айтган гапни айтишга журъат қилмайдилар, чунки ўзники — қулдир. Оғаси ёки юртдоши эса — котиб. Шу тариқа ҳамма ерда рус қадр-қиммати оёқ ости бўляпти. Мен сизга бу гапларни, бу нарсаларни сиз кўрмаганингиз ёки билмаганингиз важҳидан айтаётганим йўқ, аксинча; лекин тез орада менга ўхшаб бу нарсаларни амалда тузатишингизга тўғри келиб қолади.

Жамики ожизликка чалингани ҳолда, директор бу гал қатъий гапирмоқда эди.

— Сиз ёнғинларни кўрмаганмисиз-а,— сўради у Куницидан,— ҳарбийсини, шамол ёйиб кетаверадиган ёнғинни? Шаҳарларни

куйдириб кул қиладиганини? Мен бўлсам, кўрганман. Яп-яйдоқ дала-ю, қурум босган мўрилар — ана уй, ана онла, ана қариндошуруғ. Ҳалиям Россия мўрилари қаққайиб турибди-да! Шу нораси-даларни қувғинликда, ўзингиз айтганингиздек, уйлари тўғрисида-ги хаёлларидан маҳрум қилиб қўймаслик учун уларнинг барча эр-макларини — журналларини, қўшиқларини, ҳатто лапарларию, бе-корчи нарсаларини ҳам паноҳингизга олишингиз керак бўлади, чунки гўдак боши билан уйидан ажралиб қолишлари инсофдан эмас.

Куницин уни илк бор бунақа кайфиятда кўрмоқда эди.

— Мен уларга қўлим бўшаганда қараб юрганман, — деди Ма-линовский, — уйлари бепанд, энди эса, буниси ҳам вайрон бўлиб турибди.

Улар деразалари қорайиб турган, мабодо милтираб, сарғиш нур таратиб турган чироқчаси бўлмаса, шу соатда кимсасиздек кўри-надиган лицейга қараб қолдилар.

Бирдан Куницин қатъий қилиб:

— Сизсиз кетиб бўлмайди, ўзингизнинг эса, қоладиган жойин-гиз йўқ, — деди.

— Аввалги қувватим қолмаган, кучларим бекор кетди,— деди директор астагина, — менинг ўзимга тасалли даркор. Қонталаш яраларининг ҳаммаси — давлат мулкига хиёнат, порахўрлик — бир-йўла очилди-қўйди — бамисоли ёв қароргоҳидагидек. Бор-йўқ сув-дек оқиб, хомталаш бўлиб кетяпти. Смолянин деган танишим ме-га ёзиб юборибди: барон Аш, губернатор, аравалаб олаётганмиш. Икки тарафлама уруш қилиш кимнинг қўлидан келади? Давлатпа-ноҳ бунга қодир эмас. Мулозимлар ур-сури, фаҳш уни гангитиб қўйган.

Тун қоп-қора, гўё директор чорбоғи ортида — шу ернинг ўзида дарров чўлу биёбон бошланаётгандай. У бармоқларини қисирлат-ди-да, Куницинга илтижо билан мўлтираб қараб қўйди.

— Ҳамма бало шундаки, рекрутлардан чўчишмоқда, — деди у қўлларини ёйиб,— россияликнинг қадр-қимматига ишонгилари йўқ. унинг энг муҳим рағбати — қўрқув деб ўйлашмоқда.

Оқариб кетган Куницин жим эди, директор ҳам бирдан тўхтаб қолди.

— Мен, — деди у аллақандай қаҳр билан, — нафақат Витгейн-штейнга, унинг ажойиб генераллиги рост, балки деҳқонга ҳам, са-вакка, унинг ғайрати ва шижоатига ҳам ишонаман. Биз-ку, ўшал руҳдан хабардормиз, ҳамма нарсани хароб этадиган хушомад-гўйликнинг ўзи ҳам уни йўқ қилолмаган. Бундан душман бека-бар.

У нафасини ростлаб олди.

— Ҳар нарса бўлиши мумкин, — деди у овозини пасайтириб,— лекин россиялик ўз қадр-қимматини тан олдиради ва пировард-оқибат унга душманлар ҳам, ўзимизникилар ҳам ишонишади. Акс ҳолда, ҳаётдан безор бўлар эдим. Ишонишади-ю, қуллик пўстлоқ-дай арчилиб тушиб кетади, бекор қилинади. Сиз ўшанда уч йил ичида рус элини таниёлмай қоласиз. Менинг ишим аслида дирек-торлик, профессорлик эмас, деҳқончилик, мануфактура.

У мийиғида кулиб қўйди.

— Рост, душман Смоленск остонасида тургандан кейин, булар-нинг ҳаммаси нуқул кулгили орзу-армон. Лекин умидни узиш — ҳаёт билан видолашиш ҳам демакдир. Мен орият қилганимдан, мулоҳазамнинг бор кучини сақлаб турибман. Разумовскийга бир бало бўлган: унинг кўчириш тўғрисидаги фармойиши бемаврид, ишқилиб овоза бўлиб кетмасайди, деб қўрқаман. У жонимдан тўй-дириб ҳам юборди.

Улар ажралдилар.

— Ҳозир узил-кесил жавоб беринг демайман, — деди у Куни-цинга, — лекин сиздан шу нораспдаларни ҳозирча тарк этмасли-гингизни ва оз-оздан менинг ўрнимни босишга ўрганиб туришин-гизни илтимос қиламан. Муҳими, гишт қолипдан кўчганини тала-балар хаёлига ҳам келтирмасин, шунинг ҳаракатида бўлайлик.

Қизил қалам тутган Калинич залдаги михчалар билан қоқиб қўйилган харитада қўшинлар ҳаракатини хаттотларча, секин ва аниқ белгилаб қўйди — йўғон қизил чизиқ тезлик билан юқорига сурилиб кетди; у харита олдида узоқ туриб қолди.

Вазндор, камҳаракат, юзи ифодасиз Калинич ҳар куни қўшин-лар ҳаракатини бу харитага қайд қилиб турарди-ю, лекин шу гал унинг кўринишидан лол бўлиб қолган эди. У диққат билан тики-либ қайтадан кўздан кечириб чиқди. Пушчин, Малиновский, Пуш-кинлар яқин келишди.

У шивирлаб, шаҳарларнинг номларини ўқир экан, ҳушини йи-ғиб:

— Пичоқ билан тилганми дейсан, — деди.

Улар Калинич тортган қизил чизиқ олдида туришар ва чурқ этишмасди. Малиновский унга ҳам, бунга ҳам кўз ташлади-да, аста:

— Энди Аристрах синфларига, — деди.

Қучоқлашиб, сўз қотмай, улар шўхликларни эсдан чиқариб, салмоқланиб, шошмасдан Кошанский синфига қараб судралиб кет-дилар. Малиновский сукут сақлашга ҳаммадан уста, унинг сукути асл казакча эди. Улар бир-бирларини тушунишарди.

Эртасига харитани йиғиштириб олдилар.

Москвадан Петербурггача бўлган йўлни Александр бир умрга эслаб қолди; ёмғирлардан ранги ўчиб, ёғоч устунлари чатнаб, кўпчиб кетган пастак станция иморатлари, том раҳи остида ҳурпайиб олган чумчуқлар; кўзга тик қарашдан қочадиган назоратчи чол, йўл куйи —эзма қўшиқни ғингшийдиган извошчи, бир меъёрда жиғирлаб турган қўнғироқчалар; ғилдираклари ғичиллаб, қорамой исини тарқатиб турган муқобил карвонлар; энди ўша йўллардан бегона отлиқ қўшинлар елиб борар, станция уйлари беишкал қуюндек бостириб келаётган ёв томонидан ишғол этилган. Ўзи амакиси Василий Львович билан ўтганидан, балким сира фарқ қилмайдиган ўша йўлдан бегона суворилар бегона отларни чоптириб кетаётгани тўғрисидаги фикр кўнгилни ҳира қилиб турарди. Улар энди географияни ана шу ҳаракатга қараб билиб олмоқда эдилар. Россияда улар энди номларини тааж̀жуб билан ҳарбий маълумотномаларда ўқиётган шаҳар, қишлоқлар тўлиб-тошиб ётибди экан. Душман Смоленск канорасига келиб қолган эди.

4

Лицей журналистлари энди ҳадеб Ростопчинга тақлид қилиб бири қўйиб, бири ёзарди. Миша Яковлев насрининг қаҳрамони Суворов даврида капитан бўлиб хизмат қилган, эндиликда қуйи шаҳар помешчиги Сила Силович Усердов эди. Суворовнинг шартшурт гап-сўзлари энди дид қонуни бўлиб қолган эди. Миша Яковлев зўр бериб Ростопчинга тақлид қиларди. «Французлар, — деб ёзарди у, — дахлсиз нарсаларни оёқ ости қилишяпти; нуқул бошни қотириб, тиржайишади-ю, тутуриқдан эса ҳеч дарак йўқ, тўнғиллаб сафсата сотишади, яна қад кериб туришларини айтмайсизми: лочин дейсан. Таёқ билан ҳаммасини бопласанг!»

Александр ўқиб чиқди-ю, ҳеч нима демади. Бу ердаги ҳеч нарса душман шиддатини, махфий ва шитоб ҳаракатларни, бир хилларнинг қулаши-ю, бошқаларнинг кўтарилишларини, жудоликни, ажални, душман энди бостириб кираётган шаҳар ва қишлоқлар ёнғинини эслатмасди. Қочириқлар беўхшов, ўткир ҳам эмас, кўча тили эзма чолнинг гапларисимон ланж ва муболағали эди. Миша Яковлев аразлаб қолди: Пушкин ўз дидига бино қўймоқда эди. У ўша заҳотиёқ Пушкинни манман қилиб тасвирлашга тушди. У чин рассом сифатида, аввало Пушкинни мушоҳада қилишни севарди. Бу унинг энг оғир нумерларидан бири эди. Жиккак, шошқалоқ ва хиромон бўлиш осон эмас. Бу нумер алоҳида илҳомни талаб этарди; Пушкинни тасвирлаб беришдан олдин у стуллар оша узоқ сакрар, бош чайқар, бурун жийирарди. У Пушкинни бошқаларга ўхшатиб ўтирган жойида машқсиз ҳам тасвирлай олмасди. Бу нумер авжни, илҳомни талаб этарди. Александрга унинг ўйини нашъа қиларди. Масхарабоз уни мутлақо тушунарди. Гоҳида унинг кескин ҳаракатларида ўзини эмас, отасини, Сергей Львовични таниб қоларди. Фақат Миша Яковлев унинг хўмрайиб, аллақандай фаромушхотирликда, «чала жиннидай» ижод қилишини ёқтирмас, тушунмасди ҳам. Унинг ўзи ҳам шоир бўлиб, ижод осонлигини яхши биларди. У ижод қилаётганда, ҳуштак чалиб, хиргойи қилиб ўтирар, сатр ҳам сатр кетидан қуйилиб келаверарди.

Вальховскийнинг қаҳрамони ўзи тимсол олишга уринадиган Суворов бўлиб, у қоқ нон ер, ҳар кеч каравотидан тўшакни олиб ташлаб, қуруқ тахталарда ётарди. У матонатли бўлиб, ўз олдига фақат дўсти Малиновскийгагина ошкор этадиган мақсадлар қўяр, уларга эришар, шўхликларни қатъий қораларди.

Корчаков қаҳрамони император эди: у ҳар нарсада унга таассуб қилишга интиларди — кўзгу олдида сочларини тароққа ўраб қўнғироқ қилар, талтайиб юрар ва кўз қисарди. Лицейнинг очилиш куни унинг ёдида қолган эди.

5

Малиновскийнинг қаҳрамони Дон казакларининг ҳозирги атамани Платов эди. Платов кимда-ким Наполеоннинг ўлигини ё тиригини келтириб берса, ўшанга қизимни эллик минг червонлик сепи билан бераман, деб эълон қилган эди. Платов тўғрисида, унинг ажабтовур соддалиги ва мардлиги тўғрисида директор Малиновский ўғлига сўзлаб берган эди.

Кюхлянинг қаҳрамони бош қўмондон Барклай эди. Унинг бунга қариндошлик томони бор эди. Кюхельбекер унинг портретини михча билан ўз хонасидаги конторкага қоқиб олди; яланг пешона, яланг бет, шавқсиз кўзлар — қаҳрамоннинг бичими шундай эди. Бир кўзли Кутузовнинг бурни бургут тумшуғига ўхшар эди, ўзи ҳам ҳаво жангида кўзини чўқилаб кетишган қари бақувват қушни эслатарди. Багратионда — жангчи кишининг босиқ, оташин кўзлари бор эди. Платовнинг бўйни йўғон, юзи очиқ эди. Фақат Барклайдагина қаҳрамонга хос фарқли аломатлар йўқ эди.

Кюхельбекердан Барклайни сўраганларида, у мақтаб кетарди:

— Барваста киши, — дерди.

Буниси кам эди. Кюхельбекернинг ўзи дароз эди. Илличевский ҳам.

— У ҳеч ким билан гаплашмайди, — деб ҳикоя қиларди Кюхельбекер,— менинг бошимни силаб қўйди, холос, ҳеч нима демади. Дарров кетиб қолди. Атиги шу.

Мудом жим юрадиган, энди бўлса, душман олдига тушиб, тинмай чекинаётган бош қўмондон ўзига нисбатан хайрихоҳлик қўз-

ғатмасди. Мясоедов бир куни отасидан эшитиб олиб, бош қўмондон фамилиясини «Болтай, да и только» деб атаётганларини маълум қилди. Лекин Александр энди Кюхлядан унинг камганлигини билиб олган эди.

— У доим жим юради, — деди Кюхельбекер хижолат бўлиб.

6

Наполеоннинг амакиси Василий Львовичнинг кабинетида осилиқ портрети: боғдаги бутларники сингари пуч кўзлар, табассумдан асар йўқлиги, бичимларнинг ниҳоятда тўғрилиги, мундирининг соддалиги Александрнинг эсида турарди. Ушанда бу чеҳра содда ва гўзал бўлиб кўринган эди.

Энди унинг хотирасига келаётган юз лоқайд ва совуқ — мурданинг башараси эди. Куницин ижтимоий битимни писанд қилмаган мустабид жувонмарг бўлади, инсонлар ва халқлар ҳаётида қандай сос деган гап бор, деб айтди. Суллани шукуҳли қотил деб юрадиган Кайданов Наполеонни ҳамма нарсага бепарво ва совуқ қонхўр, деб атади. Олам унинг қотилликларидан чарчаб кетган эди.

Бонапарт тўғрисида Будридан сўрадилар ва атрофида тўпланиб жиддият билан жавоб кута бошладилар.

Кекса француз уларга тунд қараб қўйди-да, жавоб беришга шошилмагандек туюлди. Унинг чеҳрасида аллақандай нуфузли ғусса бўлиб, кичик нурсиз кўзлари нимюмуқ эди. Кейин у калта, чўлтоқ бармоғини кафедрага уриб қўйди-да, хириллоқ овоз билан:

— У жазосини олади. Унинг галабаси учун бирорта кифояли ва онгли баҳона йўқ, ваҳоланки, мағлубиятига сабаб бўладиган омиллар етарли, эроо, у эркнинг ҳам вориси, ҳам қотилидир,—деб тўнғиллади.

Кейин гўё у ҳақда гапиришни ҳам, ўйлашни ҳам истамаётгандай, чол уларга қаҳр билан ўшқириб берди:

— Жой-жойингизга ўтиринг. Сизлар «Диалоглар»ни ташлаб қўйдингизлар, «Кичкина Грандиссон»ни ҳам ўрганмаяпсиз. Кўп-роқ машқ қилишингиз зарур, акс ҳолда ҳатто француз тилида ҳам минбаъд тенгликка эришолмайсиз. Синтаксис ва даврлар! Бунга сизнинг тишингиз ўтмайди — ҳалиям орфографияни ўқишингиз керак. Биз бугун Жан-Батист Руссонинг поэмасини мутолаа қиламиз, токи хотираларингиз бирмунча тозалансин. Менга диққат билан қулоқ солингизлар. Броглио меҳнатни ёмон кўради, шунинг учун ҳам қолоқ. Палапартишлик! Данзас ялқов! Дельвигнинг ниятлари холис, лекин у сўзларни билмайди! Горчаков — биринчи ўқувчи, лекин кўп ивирсийди! Корсаковнинг кўп нарса биламан, деб кўнгли тўқ. Манманлик! Пушкин буткул хотирасига ишониб, тамоман ўқимай қўйди. Беғамлик!

7

Иссиққа чидаб бўлмас эди. Уларни сайрга олиб чиқадиган, одатда камгап Калинич гулдор дока билан юзининг терини арта туриб, бирдан тўнғиллаб қўйди:

— Қиш — парпаша; аёз — машмаша; роса адабимизни беради-да!

Ҳамма кулиб юборди. Малиновский Калиничга деди:

— Қиш қаёқда дейсиз!

Лекин баҳайбат, юзи беҳаракат Калинич мийиғида кулиб қўйди-да, эътироз билдирди:

— Ёз қанча иссиқ бўлса, қиш шунча совуқ келади.

Бу қадим аломат, улар бошдан кечирмаган илм эди; улар жим бўлиб қолдилар.

8

Ҳамма ёқни миш-миш босиб кетган эди. Уч бавар полки қўлга тушганмиш, немис ва испанлар исён кўтарганмиш; Наполеоннинг ўзи отини миниб, Францияга қочиб кетганмиш, дейишарди. Ҳал қилувчи жанглар яқинлашиб келмоқда эди. Генерал Раевскийнинг сўзлари оғизга тушиб кетган эди: «Ёвдан ўзни пана қилишнинг энг яхши йўли уни тор-мор келтиришдир».

Июлда бир хабар лицейчиларни ҳайрон қилиб қўйди. «Северная почта» қўлма-қўл эди. Багратион армияси Барклай армияси билан қўшилибди. Бунга Багратион илгорига қўмондонлик қилувчи Раевский кўмак берган эди. Ўн биринчи июль куни Багратион унга ёвни тўхташ учун маршал Даву армиясига атака қилишни буюрди, бусиз армиялар қўшилолмасдилар. Ганимнинг олтмиш мингига қарши Раевскийда ўн минг нафар солдат бор эди. Жанг сув ҳавзаси атрофида борарди. Сўнгги атака пайтида Смоленск полки найзаларини шайлаган кўйи тўғон сари отишмасиз ёв ўти остида борди, лекин тўғонга етганда, кучли душман колоннасига тўқнаш келди. Раевский ялпи бесаранжомлик пайтида икки ўғлини Армияга ўзи билан бирга олиб кетган: тўнғичи Александр ўн олтига кирган, кенжаси Николай ҳали ўн бирга тўлмаган эди. Раевский уларни ўз полкларидан бирига ёзиб қўйган эди. Атака пайтида Раевский ўғиллари билан колонна бошида борди. Кенжасини етаклаб олган эди. Атакаларнинг бирида яловбардорни ўлдириб қўйишди, байроқ ерда — жасад ёнида ётарди. Тўнғич Александр байроқни кўтариб олди. Қўшинлар ҳамла қилиб, душманни улоқтириб ташладилар. Багратион ниятига етди: шу тобдан эътиборан икки армиянинг Смоленск остида қўшилишига душман тўғаноқ бўлолмасди.

Ўғилларини не сабабдан жангга олиб кирганини ўғиллар били-

шадими-йўқми, деган ота саволига кенжаси: бирга жон бериш учун, деб жавоб берди.

9

Смоленск ташлаб кетилди. Бош қўмондоннинг ўзи унга ўт қўйиб юборган — у шаҳар уюм-уюм харобалардан иборат бўлиб қолган, дейишарди. Ёнғин бир кеча-кундуздан ортиқ давом этди, унинг даҳшатли манзарасини французларнинг ўзлари ҳам Везувий портлашига қиёс қилишарди. Аҳоли ўрмонларга қочиб кетди; шаҳарда кампирлару беморлар қолишди. Вязьма бир-икки чеккасидан туташтирилган ҳолда ёнмоқда эди.

Смоленск деҳқонлари ўрмонларда беркиниб кун кўришарди; душман уларни топиб олиб, озиқ-овқат дардида бор-будини талаб кетарди. Ўрмонларда яшириниб юрган помешчикларга душман уларнинг қочишма ва уруш шароитидан зил кетган деҳқонлар устидан ҳуқуқларини қайтариб берар ва ун, ароқ, дон, чорва, арпа ва пичан етказиб бериб туришса, кафандўзлардан ҳарбий муҳофаза ва нусрат этишни ваъда қиларди. Ем-хашак йўқ эди; урушдан ҳам даҳшатлироқ мараз тарқалиб кетди. 17 август куни Смоленск, унинг кетидан Вязьма ёниб битди. Худди ўша қисмат яқин келажакда Москвага ҳам таҳдид солиб турарди. Душмандан чекинаётган ва жангни қабул қилмаётган Барклайни тушуниб бўлмас, у даҳшатли эди.

10

Царское Селода истиқомат қилгувчи Бакунина деган семиз, керик хоним ўғлидан тез-тез хабар олиб турарди. Унинг кўзлари тийрак, ўйноқи эди. Бакунина ўғлини хуфия шўхликларда гумон қилиб юрарди; лицейни Пилецкий бошқарган вақтларда у иезуит билан кўп шивирлашиб қоларди; унинг синчковлигининг чек-чегараси йўқ эди. Учрашувлардан бирида у ўғлига Барклай — хоин, бу инобатли маълумот ҳамда уни яқинда алмаштиришади, деб кетди.

Ҳамма ҳаяжонга тушди. Кюхля ранги ўчиб, умумфикрга қаршилик қилиб турди, лекин ишонч ҳосил этган, девордаги Барклай портретини шартта юлқиб олди-ю, уни майда-майда қилиб йиртиб, тепкилаб ташлади. Кейин алам билан тепкиланган парчаларга кўз ташлади-да, уларни йиғиштириб олиб, жавончага солиб қўйди.

Шу кунларда лицейда Барклайнинг қулаши тўғрисида шивир-шивир гап юрар, Пушкин индамас, қулоқ соларди. Ногаҳон маъзум қизиқсонлиги туфайли ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ундаги бир жислат: эҳтиётсорлик намоён бўлиб қолди. У, афтидан, энди

иш-куши лашкарбошини «Болтай, да и только» деб аташ бўлиб қолган Мясоедовни маъқулламасди. У қаҳрли Кюхельбекернинг ўзининг собиқ пайғамбарини қатлга арзийди, дейишларини жим тингларди. Смоленск остида Платов казаклари француз корпусини чекинишга мажбур қилишибди — французлар талафот кўришибди, чекинишга ҳам изоҳ йўқдай эди. Лекин у энди энг ювошлар ҳам қилаётганларидек, сардорни сўкмас, ҳатто уларнинг сўкинишини ҳам ижирганиб эшитарди, чоғи. Душманнинг, афтидан, ҳеч нима тўсолмайдиган ва тўхтатолмайдиган сурилиши, профессорларнинг тунд афтлари, Малиновскийнинг доим рангпар юзи ва энди ҳамма кўчаларда чўкиб қолган алоҳида сукунат, улар ҳадемай тарк этажак даргоҳ сукунати — бутун атроф ўзгариб кетди.

Лицейда энди худди марҳум бор уйдаги каби товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб, оҳиста юриларди. Одатда қулоқни қоматга келтириб йўталадиган, бурун қоқадиган, куладиган математика профессори Карцов — бамисоли оғзига толқон солиб олгандай; уларга Кайданов ўқийдиган географиянинг туйқусдан оёғи осмондан келиб кетди: мамлакатнинг қоқ ўртасида душман турарди.

Бир қанча талаба — Корф, Корсаков ва Комовскийлар —шу қадар қайғура бошладиларки, уйларига жавоб сўрадилар, мураббийлар уларни бир неча бор юпатишди ҳам. Улар оналарини сочларини оқартиб, олинган мактубларни кўз ёшлари билан ювишарди. Данғиллаётганларга қараб мийиғида кулаётганини Калинич кўриб қолди. Бебошларнинг қай биридир Корсаковни қўрқоқ деб ҳақорат қилди. Пушкин гувернёрлар учун кутилмаган тарзда бир ҳафта мобайнида ўзининг ёмон феълини ҳеч нима билан билдирмади. Йиғлаётганларнинг кўриниши унинг бошини қотириб қўйган: у ювошиб қолди, аллақандай қизиқсиниб қараб, ҳеч нима демай юрди. Шу кунларда у Дельвигдан ажралмади.

У Дельвигни севарди. Дельвигнинг беғамлиги ва танбаллигида қандайдир довюраклик, қўрслик бўлиб, Чириков ҳам уни ёвқур, дерди. Ҳеч кимга осилмагани, ҳеч кимга ёпишмаганига қарамасдан, Дельвигнинг ўқиши ёмон, ўз-ўзининг ялқовлиги, афтидан, унга роҳат бағишларди; унинг хотираси паст эди.

— Мен ҳали «Кичкина Грандиссон»ни, диалогларни ҳам ўргатишга улгураман, — дерди у, — бутун кун ҳали олдинда.

Унинг ялқовлиги режалик эди.

Кечга бориб, у:

— Вақтнинг имиллаганини!— дерди. — Ҳали оқшом бор. Мен вақтни зое кетказиб, кеч киргунча диалогларни ўрганиб ўтирмайман.

Кечқурун у:

— Будри келмайди, — дерди. — Буниси тайин. Диалоглар тура туради.

У ҳеч қачон ҳеч кимнинг жиғига тегмасди, лекин Калинич у ҳақда:

— Эрмакчи ва тегажоқ, — дерди.

Кунлардан бир кун зерикарли Карцов синфидан кейин Корсаков кўзларида ёш билан уйига кетгиси келаётганини эътироф қилди: уруш чўзилиб кетиши мумкин — хонадонидан айрилиб қолишдан қўрқади.

Дельвиг унга мужмал кўз тикиб ва сал ғилмайиб туриб:

— Бу қўрқинчли эмас. Мен бир марта отамни ҳам, онамни ҳам йўқотганман, жангда асир тушишимга сал қолган, кейин эса ҳаммасини яна топиб олганман, — деди.

Унга ҳамма анқайиб қаради. У ҳазиллашмаётган эди. Корсаков кўз ёшларини артди-да, оғзи очилиб қолди. Пушкин таажжубда эди.

Шунда Дельвиг мовий кўзларини ҳар тарафга аланглатиб, секин ва бепарво ҳикоя қилиб берди: 1807 йил юриши вақтида у онаси билан отаси карвонида бўлган экан. Она, ўз фикрича, жароҳатлардан асрагувчи туморни отага бериб юборишни хаёлдан чиқарганини эслаб қолганда, қош қорая бошлаган экан.

У афсус-надомат қила бошлабди ва ўғлини деншик паноҳида қолдириб, ёлғиз ўзи оқсоч қиз ва фельдфебель билан эрини ахтариб топгани жўнаб кетибди. Дельвигнинг кўзи илиниб қолибди. Уйқуда унга бутун атроф гумбурлаётгандай, отлар кишнаётгандай, ўзи эса кемада сузиб кетаётгандайми, аравада елиб кетаётгандайми бўлибди.

Лекин бу нарсалар бир қур унинг тушига кирган бўлгани учун у уйғонишни лозим кўрмабди ва ҳар гал гумбирлай бошлаганда, бошини дағал похол болишга буркаб олаверибди. Фақат бир марта уйғониб кетибди-ю, лекин деншик унга: «Ухлайверинг, жаноб олийлари», дебди, у ҳам яна ухлаб қолибди. У эрталаб ўрмонда арава тагида уйғонибди. Деншик қўли қонаб, ёнида ётган экан. Аён бўлишича, тунда душман карвонининг бир қисмини босиб олибди, лекин деншик кичкина Дельвигни ташлаб қўймаслик, узоққа кетиб қолмаслик тўғрисидаги дастурни хотирлаб, қолган-қутган бир-иккита арава билан яқин ўрмонга етиб олишдан дуруст чора тополмабди ва ўша ерда уйқудаги Дельвигни олиб, у билан арава тагига писиб олибди ва шу зайл жанг ўтишини кутибди.

— Бутун жанг бўйи ухлабсанми?— сўради ундан анграйиб қолган Вальховский.

— Ухлабман, — қўлларини ёйиб жавоб берди Дельвиг.

Ростдан ҳам Дельвигнинг уйқуси бағоят қаттиқ эди. Саҳарлари Фома амакининг: «Жаноблар, турсинлар! Ё парвардигор!»— деган аянч нолалари уни аранг уйғотарди. У лекцияларда ҳам ухлаб қолган пайтлар бўлиб тураради, лекин шунга қарамасдан у

профессорнинг охирги сўзларини ҳар қалай маъносига етмаган ҳолда аниқ такрорлаб бера оларди. Ўз саргузаштини у салмоқлаб, сира эзмаланмасдан ҳикоя қиларди. Танг қолиб, ҳамма жим эди. Вальховский Дельвигдан ўша юришнинг бошқа тафсилотларини ҳам сўзлаб беришини сўради. Дельвиг ўз деншиги, унинг чаққонлиги, уддабуронлиги, мардлиги, бадмастлиги, «Уруш — қуриш эмас», «Минг жонингни жабборга ур — шолғомга ҳам ёлчимайсан» каби севимли мақоллар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Корсаков ва бошқаларнинг журъатсизлиги хийла аригандай бўлди. Ҳамма Дельвигнинг ғаройиб саргузаштлари тўғрисида фикр юритганча тарқалди. Пушкин унга етиб олди. У секингина деди:

— Ҳаммаси уйдирма.

— Йўқ, ўлай агар,— деди Дельвиг,— онт ичаман, худо урсин агар.

Кечқурун ётар пайти Александр Дельвигга қарашиб юрадиган Матвей амакининг коридорда ўзининг ҳам, Фоманинг ҳам жини суймайдиган экономга жавраётганини эшитиб қолди:

— Минг жонингни жабборга ур — шолғомга ҳам ёлчимайсан.

У кулиб юборди. Ошнасининг гаплари ёлғон эмас. У шунчаки шоир эди — энг вазмин ва хуш йўриғдаги.

11

Директор Малиновский оқшомлари уларни ўзиникига тобора кўпроқ таклиф қиладиган бўлди. У ҳаммани эмас, танлаб чорларди. Бошқалардан кўпроқ уникида Вальховский, Пушчин, Матюшкинлар бўлишарди. Булар унинг арзандалари эдилар.

Вальховский кичкина, тор кўкракли, адолатли эди. Унинг овози паст эди. Баъзида у дарслар, тамадди ва уйқуга кўнгилсиз бир бурч, деб қарарди. У ўзини ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган совуққонлик билан фидо қилишга тайёр эди. Лицейда уни қаноатли, дейишарди. Пилецкий ҳайдалганда у ўртоқларининг ўз ҳаракатсизлиги тўғрисидаги таъналарига қадим стоиклар сингари дош берди — у тартиб тарафдори эди. Директор унинг сиймосида иккинчи ўғил топиб олди. Пушчин мулоҳазали, ҳар нарсани синовдан ўтказадиган, ҳеч нимани инобатга олмайдиган хилидан эди. Унинг ақли расо, ўзи шўхтабиат, лекин эвида эди. Матюшкин камтар, қунтли, саёҳатпараст эди. Туркия ва Англияда истиқомат қилган директор энди ўзи яна бориш умидидан кечган давлатни эслашни яхши кўрарди. Матюшкиннинг диққат-эътибори унга манзур эди. Кюхельбекер тажанг бемулоҳаза, дўлортабиат, поэзияда ғализ тилли, ғайри ишларга мойил эди; дарвоқе, у оққўнгил ва ниҳоятда адолатпарвар эди. Ўғли Иваннинг кўмакчи бўлиб ёнига кириб қоладиган афти бор эди. Ҳаммасини директор люцей муқитидан сай-

лаб олган, деса бўларди. Улар Малиновскийникида оқшомлари йиғилардилар. Хотини ўлим тўшагида ётарди — кўнгилчан қизи Анна ёшларни чой, нон билан, баъзида, қоқ нон билан меҳмон қиларди. Вальховский ўзини қароргоҳда деб хаёл қиларди; у энди тирикчиликнинг соддалиги ва фақирлигидан алоҳида нашъа топарди. Улар қисмат эркалари, бахт қидирувчилар, кенг олам ишқибозлари эмас эдилар. Директор Горчаковнинг истеъдодларига унсиз тан берар, уларни бажонидил муболаға қилар, лекин унинг даврасида ўзини олиб қочгандай эди.

— Ёрқин салоҳиятлари билан у суҳбатларга зор эмас,— дерди у.

Унинг даврасидан тўполончилар: Броглио, Данзас сўзсиз маҳрум этилган эдилар. Улар ўта тадбиркор, тез, беҳаловат эдилар.

— Броглио мавриди билан ўзгаришига умид бор. Лекин унга вақт керак, — дерди у, — кўп вақт.

Шоирлардан Илличевский муқаллаф бўлиб турарди. Унинг тиришқоқлиги, покиза диди, андишали ва камтарлиги директорга маъқул эди.

— Ўз кучини тугал билади, даъволари кўп эмас, — дерди у.

Дельвиг ва Пушкинни четлатмасди, улар билан лицейда доим жон деб суҳбатлашарди, лекин калакалардан чўчиб, одатда ўзиникига таклиф қилмасди. Пушкин бир шайтон сингари доно, ҳамма нарсани энг кулгили жиҳатидан уқадигандай туюларди. Буниси директор учун тамоман янгилик эди. Афтидан, Пушкинга поэзия зўр таъсир кўрсатарди; бир марта Батюшков шеърларини ўқиётганда, ранги оқариб кетганини у кўрган эди. Аммо-лекин уни бамисоли калака жини чалгандай эди. Яковлевни директор тузукроқ тушунарди: у музикага мойил, хиргойи қилар, ҳуштак чалиб турар, қофияларга тез, енгил хотирага эга, ҳазилкаш, аммо шеър ўқиганда оқариб-бўзармасди ҳам.

Энди лицейда журъатсизлик тарқалган, Дельвиг билан Пушкин бўлса, ўзларини бинойидек тутишарди.

Смоленск олиниши ҳафтасида Барклайни дангал хоин деб атаган ғийбатчи Бакунина зиёратининг эртасига Дельвиг ва Пушкин Вальховский билан бирга директорникида ўтиришарди.

Ёниқ шамлар, хаста она ўрнини босиб, стол атрофида бекалик қилаётган ёш қизчаси, унинг ғариб дастурхони теварагидаги талабалар директорга инглиз коллежини эслатиб турар ва шу соатда душман рус қишлоқларига қирон келтириб, отларни ҳол-жонига қўймай қамчилаб, катта йўллардан чоптириб келаётганига ақл бовар қилмасди.

— Бизда ҳозир халойиқ янги хабарлар олиш иштиёқига тушиб, довруқли жанглар йўқлигидан ғазабланяпти, ошиғич ғалабаларни талаб қиляпти. Лекин жангчи ва граждан кишининг кимлиги сабр-

тўзим билан аён бўлади. Булар ҳарбий ўйинлар эмас, бутун халқ оёққа турди, ахир.

Малиновский Дельвигга юзланиб, уни ўз гўдаклик саргузаштларини гапириб беришга мажбур қилди. Дельвиг буни кутмаган эди. Пинагини бузмай, илгари олиб қолган баъзи тафсилотларини қўшиб ва ҳатто у-бу жойини ўзгартириб, у ўз ҳикоясини такрор айтиб берди. Масалан, энди у арава тагида ёлғиз ўзим ҳушимга келдим, деб айтди ва қандай қўрққанларини бемалол тавсифлаб берди. Латтага ўралган қонталаш қўлида бир бурда нон, бир сиқим туз кўтариб деншик кейинроқ келганмиш. Очқаганини сезиб, деншик атрофдаги қишлоққа нонга кетган ва дайди ўқдан жароҳатланиб келган эмиш. Шу зайл арава тагида ётиб, улар нонушта қилиб олишган эмиш.

— Хўш, ўша деншикнинг номи нимайди, феъл-атвори қандай эди?— деб жилмайиб ва афтидан, ҳикояга қизиқиб сўради директор.

— Унинг номи Иван эди, — дарров жавоб берди Дельвиг ва ўйланиб қолди. Унинг кўзлари қоронғилашиб кетди.

— У нуқул ашула айтарди,— деди-да, бидирлаб шивирлай кетди:

Ҳозиргина мактуб олдим бир қиздан,
Ўқисам, тирқираб ёш чиқди кўздан.
Тенгсиз гўзалгинам ёзади такрор:
«Кела қол, отахон, мен жуд-да бемор».

Александр қараб қолди: худди шу қўшиқни Дельвиг кечагина оққа кўчириб, кўрсатган эди. Энди у дами ичига тушиб, ёлғон гапириб қўйганига ўзи лол бўлиб ўтирарди.

— Иван ўлган, — деди у секин, — гошпиталда.

Унинг оғзи қийшайиб кетди: Иванга раҳми келиб кетган эди.

Қайтиб келгач, Дельвиг отасининг аслаҳа-анжомини бўр билан ишқалаганда, Иван ҳар сафар: «Қорлар-ку, оппоқ эмас», деб ашула айтганларини Александрга сўзлаб берди.

— Хўш, яна нимани?— деб сўради Пушкин унга ҳарислик билан тикилиб.

— Яна у казаклар тўғрисида айтарди,— деди Дельвиг:

Оппоқ гуллар қорабуғдойдан
Тўкилгансимон,
Қизгинани севарди казак —
Тарк этар ҳайрон.

Буни у ўлими олдидан ҳам айтган эди.

Улар қўл ушлашиб олдилар-да, шу туришда Дельвиг — опаси-

ни, Пушкин — Аринани, айни пайтда ҳар иккови бирга —Иванни хотирлаб бир оз айланиб юрдилар.

12

Душман Москва сари силжиб келарди; қаҳру ғазаб ва даҳшат оммавий тус олди. Барклай алмаштирилди. Ҳамма учун севикли Кутузов бош қўмондон қилиб тайинланди.

Ўн кундан сўнг Бородино ғалабаси тўғрисида ҳарбий маълумотнома ўқилди.

Ҳали ҳеч кимда унга ишонишга журъат йўқ эди. Рангпар, ҳамма тугмаси қадалган сертукли Малиновский кафедрага чиқиб олди-да, ҳарбий маълумотномани ўқиб бергач, хирилдоқ овоз билан уларни ғалаба ила табриклади. У гўё бирор гап қўшмоқчидай, кафедрада бир оз туриб қолди, ҳуши учиб, талабаларга тикилганича, рангсиз лабларини қимирлатиб турди-да, тушиб кетди. Кечқурун у ҳузурига мураббий Чириковни чақиртириб, душман устидан қозонилган ғалабани нишонламоқ керак, деб айтди. Талабалар зор бўлиб кутилган ғалаба қувончини ҳис қилмоқлари лозим. У лицейда бирорта пьеса қўйилса, сиз ўзингиз бу ишга бош-қош бўлсангиз, деб таклиф қилди. Чириков бундай пьеса йўқ, деб эътироз билдирди. Малиновский Чириковнинг гапини бетакаллуфона, шартта бўлди-да, бирмунча зарда билан пьесани талабалар икки кунда ёзиб ташлашлари мумкин, спектакль эса тахт бўлиши зарур, деди. Чириков талабаларга ижод этиш умуман ман этилган, улар ўзлари ҳам анчадан буён бу тақиқнинг бекор қилинишини ўтиниб юришибди, деб эътироз билдирди. Малиновский талабаларнинг Чириков орқали айтилган илтимосини баҳона қилиб арзнома ёзди, бу арзномада уларнинг ижод қилишига монесиз изн берилишини сўради.

— Пайсалга солмай, иш бошлашингизни сўрайман, — деди у Чириковга.— Бу тақиқ маънога молик эмас, у билан ҳисоблашишнинг ҳожати ҳам йўқ.

У тез-тез нафас олар, эътирозга тоби йўқ, қўллари қалтираб турарди.

Чириков итоат қилди. У ўзининг «Шимол қаҳрамони» деган поэмасини тақдим қилмоқчи бўлди, лекин бу ниятидан тезда қайтди — икки кунда улгуриб бўлмасди, бундай пьесани ўйнагудек одам ҳам йўқ эди. Будри бир марта талабалар учун илгари пьесалар ёзиб юрганман, деб эди. Ростданам Будрида: «L'Abbé de l'Epée»[1] деган дурустгина, шоёнгина пьеса топилди, унинг қаҳрамони гунглар тарбиячиси бўлмиш машҳур аббат эди. Бош роль гунгники бўлиб, ҳис-туйғулар сўз билан эмас, имо-ишора билан ифода этиларди. Бу пьеса бир ўтиришда ўрганилар, гунгни эса, Яковлев ўйнаган бўларди. Дўсти Чириковни йўқлаб келиб турадиган шўрпешона Иконников ўз ижодига мансуб «Соддадил помешчик» деган пьесасини келтириб берди-ю, у яроқли деб топилди. Унда соддадил помешчик жаноб Добров ўз укасини ва хизматкорини ноҳақ жазодан қутқаради. Саховат тантана қилади. Қатнашувчилар қуйидагилар эди: помешчик жаноб Добров, унинг кўнгилчан, лекин гумроҳ укаси Альберт, унтер-офицер ва яна маслаҳатчи деб ҳам аталгувчи комиссар. Роллар тарқатилди. Жонсараклиги ва равшан овози шу ролга энг мувофиқ келадиган Пушчин Альберт Добров бўлди. Бўй-бастига кўра Илличевский унтер, имо-ишора устаси бўлган Яковлев эса, комиссар қилинди. Тунд, рангпар, кўзлари сўник директор йўл-йўриқ бериб юрарди. Чириков қандайдир жон-жаҳд билан спектаклга бел боғлади, декорацияларни қирқиб, безай бошлади. Матвей амаки баҳайбат калит билан лицей очилгандан буён берк турган тантанали зал эшигини очди. Креслолар терилди, пардалар қоқилди. Лицей жонланиб кетди, амакилар зина бўйлаб дам пастга, дам юқорига зир югуришарди.

Куницин байрам ташвишларида иштирок этмасди. У ранг-рўйи бир ҳол бўлиб юрарди; кечага ҳам қадам ранжида қилмади.

[1] «Ҳарбий аббат» *(франц.)*.

13

Кеча охирлаб қолган эди. Иссиқлаб кетиб, деразаларни очиб юборган эдилар. «Ғир» этган шабада йўқ эди. Аёллар ҳарир кўйлакларда эди. Ярим йилдирки, французлар билан уруш борар, лекин модалар ҳали алмашиб улгурмаган — ҳамон ўша француз модалари: ленталар билан боғланган кулранг неаполитан шляпалари, Марсель шоҳи кўйлаклари, гулдор Лион кўйлаклари, тўр-тўр корсажлар эди. Наполеоннинг опа-сингиллари ўтган йили тушган муҳаббат ва йил фасллари кадрили мода қонунини белгилаб берган бўлиб, у ўша пайтдан бери ўзгармай келарди.

Креслоларда тирсак суяклари билиниб турган, бужмайиб қолган, яланг кифтларига упа сепган, элик сурилган юзларига ҳол қўйиб олган нотаниш кампирлар ўтиришарди. Улар саҳнага қарамай, лицейчиларни кўздан кечирардилар. Бирдан лорнет занжирчасида осилиб қоларди: кампирлар қаттиқ-қаттиқ гап ташлай бошлардилар. Улар ўз даргоҳларига тантиқлик орқасидан келтириб қўйилган талабаларга илтифотсиз назар ташлардилар. Буларда на назокат, на тарбия, на эътиборга лойиқ виқор бор — қовушмаган, бесўнақай талабалар. Бу тантиқликларга ҳамма кўникиб кетган бўлиб, улар тезда барҳам топишини, бу талабалар ҳеч кимнинг эсида турмаслигини ҳам билишарди. Уруш вақти, уларни узоқроқ бирор

ёққа элтиб қўйишади-да, кейин унутиб юборишади. Горчаковни чақириб олиб, у билан бир оз гаплашдилар. Граф Толстой Василий Львовични танирди, Александрга кўзи тушиб, унга бош ирғаб қўйди. Александр ўзининг тортинчоқлигини енголмай турарди: бу онаси ҳамиша хуфия ҳасад билан, аллақандай қувонч билан гапирадиган ўша кибор оламнинг ўзгинаси эди. Онасининг тимқора кўзлари пориллаб кетар, юзига қизил югурарди; у бўғиқ кулиб-кулиб қўярди. Ўша кулгиси унинг эсида эди. Антрактда Толстой уни таништира бошлади.

Толстойнинг ҳазин юзи, пўрсилдоқ лаблари бор эди. У Александрга ҳузур аралаш қараб турарди: Александр унга Пушкинларнинг ҳаммаси сингари мароқли бўлиб кўринарди. Юзининг ранги кулга ўхшайдиган бир кампир Александрга алланечук диққат билан тикилиб қолди. У ажалдай қари эди. Александр таништирилганда, қўпол оёқ олиб, изза бўлиб қолди.

— Буларнинг ҳаммаси шунақа қўпол,— деди кампир.

Икки хоним унга разм солиб чиқди: бирининг қизи ҳали қизалоқ эди; бу қизни у сайрда икки марта учратган эди; у жажжи, нозикниҳол эди. Лицейдан сал нарироқда яшагувчи Кочубейлар эди булар. У билан гаплашган бўлдилар, амакиси Василий Львовични сўраб қўйдилар, лекин сўзларини эшитар-эшитмас хаёлдан чиқардилар.

У залдан қочиб чиқиб, бир кунжакка биқиниб олди-да, ўша ердан лобар қизга қарай бошлади. У бирдан Руссо вақтидагидек бегонасираб қолди. Фома амаки ўтаётиб, унга тегиб кетаёзди.

Меҳмонлар тарқала бошлашган пайт у югуриб пастга тушди-да, кутиб турди: қиз ёнгинасидан юриб ўтди-ю, назарида уни ахтараётгандай бўлиб кетди. У бировни қидириб, атрофга аланглади; дарҳақиқат, қиз Александрни қидираётган эди, у ҳам, буни ҳамма кўриши мумкинлигини билган ҳолда, қизнинг қўлидан ушлади. Ҳеч ким кўрмади, қизча эса, у билан жажжи бошини силкитиб хўшлашди.

Кечаси у ухламади: хайрлашув, ўзининг сира кечириб бўлмайдиган журъатсизлиги уйқу бермас эди. У далонга чиқди, даҳлизда ухлаб ётган оғзи очиқ Калиничнинг ёнидан ўтиб кетди. У яширинмай, ўтиб кетаверди, ҳеч нимадан ҳайиқмади, Калиничга тегиб ҳам кетаёзди. Калинич уйғонмади. У зинапоядан пастга тушди, ҳеч ким уни тўхтатмади. Муздек пол унинг оёқларини куйдирарди. У ҳеч бўлмаса, қизнинг изларини ахтарарди: секин юриб, ҳамма зиналарни босиб ўтди-да, кўча эшигигача борди. Зоғ учмас эди. У вилдай эшикни итарган эди, очилиб кетди — тўс-тўполонда беркитишни эсдан чиқаришган экан.

У фонуснинг сариқ нурига тикилганича, алам қилиб эшик тагида туриб қолди. Унинг миясига қочиш фикри келди. У қиз билан

хайрлашишни, уни бағрига босишни, отга миниб қочиб кетишни истарди. Йўлда у Каверинни топиб олган бўларди.

Бу қизнинг номи ҳам Наталья эди.

14

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, директор Малиновский томонидан шунча қунт-сабот билан ўйлаб топилган спектакль тугаган эди. Шод-хуррамлик пайдо бўлмади. Куницининг ранги ўчган, норози эди. Бу ғалабани кибор спектакль билан нишонлашнинг кераги йўқ эди, на сарой кишилари, на бегоналар зиқликдан бўлак ҳеч нима олиб келишмади. Қандай бадбахт фикр! У меҳнат таътили сўрагани директорникига бемаҳал кирди: акаси Бородино яқинида кўкрагидан қаттиқ яраланган эди. У акасининг дийдорини, балким сўнгги марта кўриб қолмоқчи эди ва эртага жўнаб кетаётганди. У эшикни тақиллатди, ҳеч ким жавоб қилмади. У бош тиқиб кўрди.

Эгнига чопон ташлаб олган Малиновский етти букилиб, бошини қўллари билан чангаллаб, столда ўтирарди. У бош кўтарди-да, Куницинга хира назарини солди. Юзларидан тирқираб ёш оқар, у буни пайқамас, артиб ташламасди.

— Қанчаси жон берди,— деди у хириллаб.— Энди кимга иши тушганини бутун дунё кўриб турибди. Халқингга шон-шуҳратни ёр қил!

15

Ногаҳон ва нораво байрамдан кейин лицейда ҳамма нарса ларзага келди. Тез орада директор Малиновский министр Разумовскийдан қаттиқ ҳайфсан олди. Разумовский шу кунларда аёвсиз ҳасрат ва ғурбатда эди. У ҳамиша Наполеон билан баслашиш — телбалик, деган фикрда бўлиб келган эди. У шу кунларда ўзининг ажойиб боғбони Стевендан хабар олган эди (бу боғбоннинг ўғли Разумовский тавсиясига кўра, лицейда ўқир эди); Наполеон қўшинларидан бўлмиш вюртембергликлар Горенкига бостириб кириб, уни шипшийдам қилиб талаб кетишибди. Шу иш даҳрий французлар эмас, айни вюртембергликлар қўлидан келгани боғбонни хуноб қилмоқда эди. Нима бўлганда ҳам Горенкидаги ҳамма нарса пачоқ, вайрон ва хароб этилган; фақатгина боғбон таклиф қилган мўмай пул фотиҳларни боғни ташлаб чиқиб кетишга мажбур этибди. Бемаврид спектакль хабарини олгач, Разумовский аламини ўшандан олди. Бундан кейин бегона шахслар ҳозирлигида ҳар қандай пьесанинг талабалар томонидан ижро этилиши қатъиян ман қилинарди. Директорга — бир ғўр ўсмирга ўхшатиб — 30 августда лицейда ўтказилган кечанинг ноўринлиги учун танбеҳ берилди. Ҳаттоки бу

парса бегона томошабинларсиз кечган тақдирда ҳам бўш соатларда ижод қилиш ва театрал пьесаларни намойиш этишга ижозат тўғрисидаги губернёр Чириков орқали айтилган талабаларнинг илтимоси рад этиларди.

Директор Малиновский ошкора, ҳеч кимдан сирлиги қолмаган ғазабга йўлиққан эди. Дарҳол Гауеншилд министрни зиёрат қилиб келди ва ваколат бўлмаганда ҳам унга катта ваъдалар берилганни ҳамма учун аён бўлиб қолди. У лицейда тантана қилиб, ширинмия чайнаб юрар ва тавфиқлилиги учун яхши кўрадиган талабаси — Корф билан кўп гаплашарди. Бир марта доимгидек чўрт кесиб ва «тутун қайтариб» туриб, улардан актёр чиқиши даргумонлигини айтди. Уларнинг актёрлигини бир оз кулги ҳам қилди. Сўнгра қўлларини чўнтакка солиб, фракининг этакларини қаппайтириб, аста минғирлаганича, зални бир айланиб чиқди. Уни бу қадар хуш кайфиятда камдан-кам кўрардилар.

16

Кюхельбекер онасидан хат олди: бўшатилган, тушунмовчилик ва ҳасад хиёнатига дучор бўлган Барклай мутелик билан янги бош қўмондонга итоат қилган, унинг қўлига хизматга кирган ва улуғ фидойилик билан нафсониятини қурбон қилган ва бу билан ўз ватанини севадиган эр кишининг тимсолини кўрсатган, Бородинода бўлса, ўз ажалини ахтариб, оддий солдат сингари ўзини энг хатарли жойларга, ўққа урган, лекин уни топмаган. Одамларни илгари — бош қўмондонлик даврида аяганидек, Бородино остида ҳам уларнинг омон қолиши учун қўлидан келганини қилган. У жангсиз чекинганида ҳақмиди, ноҳақмиди — келажак кўрсатади, лекин унинг қалби покдир; маъноси ва аҳамиятини идрок этмаган ҳолда, эр кишиларнинг ҳарбий ниятлари ва фармойишларини қоралаш ўсмирларнинг иши эмас. «Хиёнат» деган сўз уларнинг дилларини хиралаштирмаслиги керак, улар олий бошлиқлар ва тарих ҳукмини кутмоқлари лозим.

Кюхля дарҳол буларнинг ҳаммасини Пушчин, Пушкин ва Вальховскийларга ўқиб берди. Вальховский илгари лашкарбошини қоралашда қизғин иштирок қилган эди. У қаҳрамон деб Суворовни эъзозлар ҳамда найза ва ўқ-ёй, қайноқ эскича жанглар, ошиғич ҳаракатлар тарафдори эди. Лекин Барклайнинг хатти-ҳаракати унинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини кескин ўзгартириб юборган эди. Уйқу олдидан тинка қуригунча бадантарбия машқларини бажарар экан, суворовчи ўзини адолатли бўлишга ўргатарди. Пушчин лашкарбошини оқлашга мутлақо рози эди. Пушкин индамасди; маломатга қолган, бахти очилмаган саркарда Бородино остида ажал қидириб юрса-я. Бирдан у лабларини тишлаб қолди,

вардаси қайнаб, бир нима деб ғўлдиради, саросимага тушди-да, қочиб кетди. У ҳамиша жуда кўнгли бузилиб кетган кезларда шундай қилар эди.

17

Куз илиқ очиқ, сершабада келди. Лицей чорбоғида барглар уюлиб ётар, боғ парваришига мутасадди бўлган Матвей амаки супуриб тўплаб қўйган уюмларни оралаб дайдиб юриш унга хуфия қувонч бахш этарди. Камоли сукунат ҳукм сурар, на қилт этган шабададан, на ёмғирдан дарак бор эди. Улар қаҳратон совуқ бўлишини каромат қилган Калинични изза қилишар, Калинич ҳам қўлларини ёйиб кўя қоларди.

— Мен кузни айтибманми,— дерди у ўжарлик билан гапида туриб,— аёзни, демак, қишни гапирганман.

Хазон тўкилиб ётарди; онда-сонда ҳаккам-дуккам сариқ барглар илиқ шабадада тебраниб турарди.

Калинич Яковлевни эман тагига чақириб олди-да, асло тўкилгиси келмаётган сийрак сариқ эман япроқларига ишора қилди. Яковлев ҳеч гапга тушунмай турарди.

— Япроқ тоза тўкилмаяпти,— савлат билан деди Калинич,— демак, қиш қаттиқ келади.

Ўзининг аломатларидан унинг кўнгли тўқ ва у бу ҳақда ортиқ эзмаланиб ўтиришни истамас эди. Ростдан ҳам эртасига шамол эсиб, довул турди, боғдаги дарахтлар таъзим қилиб, инграб қолди.

Шундай бир кунда Москвани қўшинлар тарк этиб, душман ишғол қилди.

18

Улар Москванинг қиронини келтираётган ёнғинлар ҳақида эшитишди: у ҳамма тарафдан ёнмоқда эди. Ўт солянкада. Яуза кўприги ёнида ва шаҳарнинг қарама-қарши томонида туташибди. Ҳаш-паш дегунча ҳамма ёқ ёппасига ёнғин бўлиб кетди. Москва боғлари ҳам оловдан омон қолмади: дарахтлар куйиб, кўмирга айланди.

Москва аслзодаларининг шоҳона қасрлари ёнар, меҳмонхона кулга айланган. Тарбия уйи ёниб битган, Москва дарёси орқасида ҳамон аланга ўрларди; шу кунларда қаттиқ шамол эсмоқда эди.

Куницин орқали шаҳардан — Тургеневдан ота-онаси ҳақида хабар келди; улар амакиси ва аммаси қатори соғ-саломат, Нижний-Новгородда эканлар. Отаси — бардам, ҳademай Александр ундан батафсил мактуб ҳам олади.

Эртасига Малиновский тунда навбатчилик қилган Чириковдан талабаларнинг хулқ-атворини сўради. Чириков тунги навбатчиликда баъзиларнинг тўлғаниб, ухлолмай, уҳ тортиб, босинқираб чиқишганини, уларни гапга тутмоқчи бўлганида, ўзларини ухлаганга солиб, индамай, муғамбирлик қилишганини айтди. Туннинг иккинчи ярмида Чириков ухлаган эди, шу боисдан ҳам бу ёғини гапириб ўтирмади. Кимлар ухламай, безовта бўлиб чиқади, деган саволга жавоб бера туриб, Чириков аввало Пушчин ва Пушкин номини зикр этди.

У ростдан ҳам ухламай чиққан эди. У ҳарбий маълумотномалардан душман Москва бошига даҳшатли қирғин солганини билди-ю, лекин дастлаб буни кўз олдига келтиролмади.

Харитонийдаги маскан ортиқ мавжуд эмасди; у энди ажойиб бўлиб туюлиб кетди. У ерда печка ёнида титилиб кетган гиламча ётарди. Лекин *ҳамма нарса* ёқилган ва вайрон қилинган, у сайр этган кўчаларнинг ўзи энди мавжуд эмасди. Москва ёки унинг аксар қисми алангага бурканган эди.

У таниш йўлдан — хиёбондан юриб кетди-ю, лекин бутун чор атрофда тутаб ётган харобаларни сира тасаввурига келтиролмади. *Боғлар кўмир бўлиб қолган*, деди Куницин. У қоронғида даҳлиздаги соатнинг бир маромдаги юришини эшитиб ётиб, бирдан сесканиб кетди. У ҳеч нимадан қўрқмасликка одатланиб кетган бўлиб, Корсаков сингари йиғламасди. Волгага қочиб кетган ота-онасини ҳам, ҳатто Аринани ҳам ўйламади-ю, фақат Москвани, ўзи туғилиб-ўсган, вақти келиб, ўзи қайтиши лозим бўлган култепани ўйларди; энди борар жойи қолмади. У сўққабош бўлиб қолган ва кўзларини катта-катта очиб ётган ҳолда, ўзини ҳар тарафдан чулғаб олган зулматга тикиларди. У таниш уйларни бир-бир хотирлар ва уларнинг мавжудлигидан гумонсирарди. Ҳатто сўраб-билгудек одам йўқ. Царское Село бу маҳалда ҳувиллаб ётарди. У астагина деворни қоқди ва дарров унга суст тақиллаш билан жавоб қилдилар: Пушчин ухламаётган экан. У сал таскин топди. Москванинг нест-нобуд бўлиб кетиши мумкин эмас, нима илож қилиб бўлса ҳам уни яна бир бор кўришга қарор қилди. Бу ҳақда Пушчинга айтган эди, Пушчин уни маъқуллади. Қочиш, йўл, Москва, душман, қасос уни васвасага соларди. Пушчин яна бир марта тақиллатди-да, унга хайрли тун тилади.

Уларни уйғотишга келган Фома амаки дераза панжарасидан мўралади-да, тақиллатиб ўтирмади: ҳар иккиси — жингалак сочлиси ҳам, семизи ҳам бедор эди. У фақат доимгидек:

— Ё парвардигор,— деди-да, нари кетди.

Директор Малиновский Александрни кўришни ихтиёр этди. Ундан уйидан хат-хабар олганига кўп бўлган-бўлмаганини сўради-да, бирдан гапини секин ўнглаб:

— Ота-онангиздан,— деб қўйди.

Уй ортиқ мавжуд эмасди.

Малиновский унга диққат билан қараб қўйди.

— Энди тезда тугайди ҳаммаси,— деди у хотиржам.— Ҳамма ҳалиям Москвани французлар ёқмоқда, деб ўйлаб юрибди. Хато қилишади. Французлар ақлини еган эмас. Москвани россиялик ёқмоқда. Жонидан тўйғазишган, қутуртиришган, жароҳатлашган, хўрлашган, у ҳам ўзининг буду шудини ёқиб ётибди, ўзи оловда нобуд бўлади, лекин меҳмонлар ҳам омон қолишмайди.

Александр оғзини очиб қараб турарди. Бу мутлақо янгилик бўлиб, унга Александрнинг ҳали фаҳми етмас эди. Малиновский ҳар қачонгидан хотиржам эди, ғалати кулимсирарди.

— Игорнинг ўлими ва Ольганинг қасос олгани ёдингиздами?— деб сўради у Александрдан.— Иван Кузьмич сизларга ҳали фақат қадимий тарихни ўқитаётир, йилнинг охирига бориб, Ольга тўғрисида ҳам тушунтириб берса керак, зеро, у ўрта асрларга мансубдир. Сиз ҳеч бўлмаганда, Глинканинг баёнини ўқиб чиқсангиз бўларди. Игорнинг ажалига айбдор древлян элчиларига атаб, Ольга ҳаммомни роса иситибди-да, меҳмонлардан: «Қалайсизлар?»— деб сўрабди. Меҳмонлар бўлса: «Игор ўлганидан ҳам баттармиз», деб жавоб қилишибди. Кейин древлянлар ҳузурига борибди, Кростенда бол-шароблар пиширишни буюрибди, Игорнинг ўлими учун эса, улардан енгил ўлпон олибди: ҳар ҳовлининг чумчуқ ва каптаридан учтадан. Бундай арзон қутулиб кетишганига древлянлар хурсанд ҳам бўлишибди. Ольга бўлса, қушларга тутатилган олтингугуртли пилик боғлаб қўйибди-да, уларни қўйиб юборибди: қушлар ўз уйларига, инларига қайтиб учиб бориб, Кростенни ёқиб юборишибди. Шунақа гаплар бўлган.

Хуллас, «тўйдан олдин ноғора чалма». Боринг, эрикмай юринг, мен сиздан кўп мамнунман.

Сўнгги гап директор оғзидан ўзи учун ҳам кутилмаган, одатга хилоф равишда чиқиб кетди, ваҳоланки, умумий арзларга кўра нуқул ўзининг кучли хотирасига ишониб, сира дарс тайёрламай қўйгани учун Пушкинга жиддий танбеҳ бермоғи керак эди. У Александрни елкасидан қучиб қўйди.

19

Сергей Львович ҳам Василий Львовичга ўхшаб, бутун жамоа билан биргаликда Нижний-Новгородга қочиб кетган эди. Василий Львовичнинг аҳволи жуда ночор — айни ўша, Москвада бўлган пайти қўлида сариқ чақаям йўқ эди, бунинг устига ҳеч нимасини олиб кетишга улгуролмаган эди. Бирон кимса ёрдам қўлини чўз-

мади. У оддий аравада борарди. Бутун умри мобайнида йиғилиб қолган нарсаларининг ҳаммаси, хотира ва қадр-қиммати жиҳатидан бебаҳо бўлган нарсаларининг ҳаммаси душман домида қолиб кетган эди. Ўша, бриганлик чоғларида ошна-оғайнилари билан москвалик қўшмачиларникига қатнаб юрган абжир аравасини эсларди — арава омборхонада қолиб кетган, эҳтимол, ўғрилаб ҳам кетишгандир; яқиндагина сал янгилатилган извошини — бағритош Цирцея фусунларини олиб юрган извошини эсларди; худо билади, у ҳозир қаерда! Ўзи дўстларидек кўриб, жондош бўлиб кетган жиҳозлар, мўйқалам соҳиби Давид бир вақтлар Василий Львовичга табассум қилган Рекамье тасвирини солган ўша узун юмшоқ курсига ўхшаб, унинг ватандошларига насиб қилган бўлса, эҳтимол. Ёшги бир жойга бориб қолган, бу нарсаларнинг ҳаммасига одатланиб кетган эдики, энди у қай йўсинда янги рўзғор орттиришни хаёлига ҳам келтиролмасди. Бунинг устига, пул ҳам йўқ эди.

Бутун Москвага маълум, қимматбаҳо китобларга лиқ тўла кутубхонаси ҳам қолиб кетди. Қизиқ, негадир унга извошдан кўра Василий Львовичнинг камроқ ичи ачиди даставвал. Кутубхонаси улкан, ноёб, зиён ўта катта бўлиб, буни ҳадеб эслайвериш қийин эди. Фақат кейингина Аретиннинг ўз ҳолича ягона суратли нусхасини эслаб, қўл силтади-ю, қотиб қолди. Василий Львовични айниқса доғда қолдирган нарса ўзининг юпунгина ёмғирпўшда йўлга чиққани, бутун гардероби — ўз этидек бўлиб кетган пўстин ва бўлак усти бошларининг эса нобуд бўлгани эди.

Шу билан бирга унинг кўнглида буларнинг ҳаммаси бир илож билан ўрнига келиб қолар, деган ботиний бир илинж бор — бу нарсаларнинг ҳаммаси йўқ бўлиб кетавериши мумкин эмасди! Бу ҳақда у ҳеч кимга оғиз очмас эди. У Аннушкага севимли нарсаларнинг йўқлигидан — ҳар бирини алоҳида айтиб зорланарди: дам трубка, дам чопон камлик қилиб турарди.

— Бу трубкани мендан князь Шаликов сўраган эди, бермаган эдим.

Ёки:

— О! Золимлар қанчалаб мол орттиришади-я! Мана, менинг чопоним ҳам йўқ.

У ўз зиён-заҳматларини москвалик қочоқлар аҳлига гапиришдан ўзини тийиб юрарди; уларни ҳеч гап билан енгиб бўлмайдиган эди; улар орасида ҳатто фалокатлар мусобақаси вужудга келди. Даставвал улар ғоят дуруст уйлар ажратилган Бибиков ёки Архаровларникида йиғилиб, ким ҳаммадан кўп мол-мулкини йўқотгани хусусида гап талашишарди. Василий Львович биринчи оқшомдаёқ ҳўрсиниб, ўзининг бор мулки нобуд бўлганини айтди, лекин совуқ қарши олинди. Бу ерда уникидан кўпроқ мулкини бой берган одамлар бор эди.

— Хўш, ўзи нималар йўқолибди,— аразгўйлик билан деди кекса Архаров.

Қимматбаҳо кутубхона тўғрисидаги гапни эшитиб, у ўйчанлик билан:

— Кутубхона нима бўпти? Дўкондан янгисини сотиб олса бўлади. Менинг паркетларим нобуд бўлди,— деди.

Шу пайтдан бошлаб Василий Львович кўрган зарарларини фақатгина Нижний-Новгород хонимларига гапирадиган бўлди. Улар ҳамдардлик билдиришарди. Уларнинг шевасининг ўзи Василий Львовичга ниҳоятда мароқли ва назокатли бўлиб кўринарди: улар ҳамма сўзнинг «о» товушини чўзиб гапирардилар. Тез орада у гўзал Елиза Саламонова кетидан элакишиб қолди. Қуйи шаҳар нозанинлари Москваникига қараганда қўполроқ, тўпорироқ, лекин бу нарса ўзининг янгилиги билан Василий Львовичнинг завқини келтирарди.

У тахта уйда яшар, куз совуқ келган, у бўлса, пўстинсиз юрарди. Лекин бора-бора эски, бир вақт узилишган ошна-оғайнигарчиликлар тиклана бошлади: Нижний-Новгородда амакиваччаси — яна бир Пушкин, Алексей Михайлович пайдо бўлиб қолди. Амакиваччаси янада иссиқирт ва заҳар бўлиб кетган, Василий Львовичга менсимай муомала қилар, уни чўлпиллатиб ўта узоқ ўпар ва ҳоказо. Ҳамманинг кўзича, уй ичининг,— шу сўзга айниқса урғу бериб ва афтидан, Аннушкани назарда тутиб,— саломатлигини суриштирарди.

Василий Львович энди уни ҳар жойда фамилиядош дейдиган ва қариндошлигидан қатъиян бош тортадиган бўлиб қолди. Фамилиядош бетўхтов тамаки чекиб, эрталабдан то кечгача карта ўйнар, йўталар, бақириб-чақирарди. Бир куни у латофатли Елизаникига кетаётган Василий Львовични ўзи иккинчи кеча-кундуз қимор ўйнаётган қайсидир бир уйнинг деразасидан чақириб қолди:

— Mon cousin! Сен трубкамни топдингми?

Бу андишасизликдан Василий Львович данг қотиб қолди. У елка қисиб қўйиб, сўз қотмасдан ўтиб кетаверди. Трубкаси, рост, унга Алексей Михайлович томонидан кўп йил бурун ҳадя қилинган, лекин айни таваллуд кунида ҳадя қилинган эди. Дарвоқе, у бутун мол-мулк билан бирга нобуд бўлди. Тез вақтда амакиваччалар хусумати қуйи шаҳар аҳлини қизиқтириб қолди: Карамзин уларнинг икковини кўриб, ўтган йиллардаги сингари жилмайиб қўярди. У хўрсина-хўрсина аллақандай роҳат билан:

— Ер юзидаги бор нарса ўзгаряпти, ёлғиз Пушкинлар ўша-ўша,— дерди.

Ҳолбуки, жамоа ўз аҳволига кўникиб, саёқ тирикчиликдан маза ҳам топадиган бўлиб қолган эди; кўнгилхушликлар: базм, маскарадлар бошланиб кетди. Елиза Саламоновага тамоман маф-

тун бўлиб қолган Василий Львович шоир сифатида чиқишга қарор қилди. У Нижний-Новгород аҳлига қарата ватанпарварлик руҳидаги жуда дилкушо нома ёзди, унда Москва ёнғинига мотам тутиларди. Бу ерда муболғали хитоблар ва саркардаларнинг қадим Рим қаҳрамонларига қиёслар йўқ, калом софлиги, покизалиги ва бирмунча арзгўйлик бор эди; ҳар тўртликдан кейин:

Волга соҳилларин ўғлонлари, сиз —
Бизнинг бошимизга паноҳ бўлингиз,—

мисралари такрорланиб келарди.

Шеъри яхши чиқди. Ҳамма қатори Москвадан қочган музика ишқибози москвалик профессор Фишер унга куй басталади. Тўртлигини якка овоз, нақоратини эса хор ижро этарди. Губернатор Крюковникидаги базмда Василий Львовичнинг романси қизғин олқишларга сабаб бўлди. Шу тобгача бепарво Елизани куйчининг шуҳрати ҳайрон қилиб қўйди. Кечанинг таърифи Петербургга кетди. Василий Львович ҳам роҳат-фароғатда эди. Кўча-кўйларда қуйи шаҳар хонимлари кўзлари билан юпун усти бошда ўтиб кетаётган шоирни имлаб, бир-бирларини тирсакларидан хиёл туртиб қўярдилар. Василий Львович жилмаяр ва совуққонлик билан ўтиб кетаверарди.

Ҳадемай у ўз фамилиядошининг балойи ҳасадига йўлиқди. Алексей Михайловичнинг зуғуми ошиб кетди ва Василий Львовичнинг бандлари-ю, унинг нақорати менга дераза тагида садақа сўраб, ўзини мазах қилаётган болаларни сўкиб юрган тиланчини эслатади, дея бошлади. Фамилиядош шеърдаги душманларга қарши қаратилган ўткир, лекин шоён тўртликларни ўқирди-да, улар ҳақида бўлмағур гапларни айтарди. Василий Львович неча бор туҳматни писанд қилмади ва ўзини ҳеч гап эшитмаганга солди. Ҳолбуки, ҳатто Николай Михайлович Карамзин ҳам шилқимнинг гапларига мийиғида кулиб қўйди, дейишарди. Василий Львович бу ҳақда Аннушкага:

— Уйда ҳам маломатдан бошинг чиқмайди,— деди.

Аннушка дарров Василий Львович учун пўстин ҳаракатига тушиб кетди. Ҳадемай қаердандир бир савдогар чакмонини топиб келди, лекин Василий Львович зарда билан ундан қатъиян бош тортди. Аннушка қуйи шаҳар тикувчиси билан бирга кўп уннаб, уни қайта тикди. Василий Львович пўстинни елкасига илди-да, ўзини кўзгуга солиб кўриб, Велизарийни ўзи Парнж саҳнасида томоша қилган тахлитда эслади. Пўстинни шундай ўраб-чирмаб олдики, у ўзининг разм кўринишини тамом йўқотди. У қўл силтаб қўя қолди. Совуқ тушиб келаётган эди. Чўнтагида эса ҳемири ҳам йўқ. Уни айниқса ғаш қилган нарса фамилиядошининг ҳамманикида

манзират қилинаётгани тугул шу вақт асносида саккиз мингча пул ютиб олгани ҳам эди.

Дарвоқе, тез орада унинг ҳасрат чекишга вақти бўлмай қолди. Бир зиёфатда у адабий баҳсга аралашиб қолди. Француз адабиёти тўғрисида гап очилган эди. Обрўли, лекин феъли ғалати бўлган Иван Матвеевич Муравьёв-Апостол унга қарши гап қилди. Ростопчин ўзини мартинчи сифатида яксон қилиб ташлашидан чўчиб, Василий Львович Москвадалигидаёқ гапни эви билан гапиришга аҳд қилиб қўйган эди. Лекин бу ерлар Москва ва Ростопчиндан йироқ эдики, Василий Львович салгина тараддудланиб турди-ю, баҳсга аралашди. Унинг учун Муравьевнинг «Беседа»га дахлдорлиги, Шишков қўлида разряд директори бўлгани сир эмас — бу катта гап эди. Лекин Нижний-Новгород, бу қочоқларнинг хушмулозамат республикаси мансабларни аралаш-қуралаш қилиб, фикр эркини қайтариб берган эди. Василий Львович Вольтерни стилист сифатида ҳар вақт Никондан устун қўяжагини, нафосат бемантиқ бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Грессе шоирдир, Шихматов-чи — йўқ.

Баҳс бошланиб кетди. Бутун жамоа Василий Львовичнинг баҳси ва ҳовлиқмалигига тааҗжубда қолди. Ўзини яна умумий синчковлик муҳитида кўриб, у худди жарга ташланаётган одам сингари кўзини чирт юмиб, Грессенинг икки саҳифасини ёд ўқиб берди, кейин эса, ҳарбий иш бир нарса, поэтик дид — бўлак нарса, деб анча қатъият билан изоҳ берди. Уйга қайтгач, Аннушкани уйғотди-да, унга ҳар нарсага шай бўлиб туришни буюрди. Аннушка унинг тунд сиёқига назар ташлаб, секингина йиғлаб юборди. Василий Львович ўзи Велизарий ридоси деб атагувчи пўстинининг юпунлигиданми, қўрқувданми — дағ-дағ титрарди. Аннушка уни иситиб, ухлатиб қўйди.

Эртасига у уйида ўтириб, эрталабданоқ учта таклиф олди: кечага, маскарадга ва Бибиковникидаги спектаклга. Василий Львовичнинг кўнгли кўтарилиб, қўрқувидан ном-нишон қолмади. Шундан бошлаб, у жуда модага кириб, ҳамманикига муқаллаф бўла бошлади, зиёфат, базм, маскарадлар эса пайдарпай бўлиб турарди, хуллас, ҳасрат чекишга вақт қолмади. У ҳарбий маълумотномаларни ўқиб чиқишга аранг улгурарди.

У Волга пазандачилигининг ўзидан манзур жиҳатлар топди.

Иван Иванович Дмитриев унга бир қур айтган налим жигари-ю, стерлядь қайнатмаси унинг қалбидан Париж мателотасини тамоман сиқиб чиқарди. Кўнгли жойига тушиб, яна ўзига нисбатан хуш бир ишонч туйғусини касб этди. Ҳа, у энди Волга Ока билан қўшилиб, бутун Русни ун ва балиқ билан таъмин этадиган диёрда хору зор эди. Пешонада бор экан! Начора! У ҳам бир вақтлар зиёфатлар берган — яна қанақаларини! У ҳам Петрополга донғи кетган маҳ-

лиқоларни мадҳ этган! У ҳам қимматбаҳо извошларда, учқур қўша отларда юриб, олифтагарчилик қилган. У ҳам бошқалар қатори дивон ва паркетларга эга бўлган, лекин уларни, на ўзининг кенкетаҳари[1], на бронзасини пеш қилмаган ҳам. Унинг исрофгарчиликлари-чи, ёраб! Бу ерда эса, гап бошқача. Бу ерда у бир қочоқ бўлиб хўрланиб юрибди. Лекин шундаям бошқалардек эмас. У баъзи бировларнинг қўлига саккиз минглаб пул солиб қўяётган ғиштин туздан ҳазар қилади — хусусан ўйин ҳалол бўлмаган тақдирда. Тахта уй бир сўмлик каравот, иккита курси, пату қоғоз — мана, унинг бор бисоти. Пирон айниқса яхши кўрган хилдаги хушфеъл оқсоч унинг оромини ўйлаб, жони ҳалак. У — шоир, қоғоз қоралайди. Фамилиядошлари унинг шуҳратини истифода қилиб, қариндошлик даъво қилиб юришади. Машҳур ёзувчилар ўша масхарабозларнинг гапларига кулимсираб қўйишади. Начора! У жим. Сабр-тўзим ва покиза дид, қашшоқлик ва тоза виждон — унинг шоирнинг топган-тутгани шу. Енгил аравасидан, янги извошдан, жиҳозлардан ва қимматбаҳо кутубхонасидан бенасиб этганидай, бу бисотидан ғаним уни маҳрум қила олмайди.

Дилбар Елизага ва бир-иккита бошқа нозанинларга, ҳар қалай, Пирон оқсочини истисно этган ҳолда, у шу ёки қарийб шу гапларни айтарди. Елиза ўзи москвалик нозанинларда кўрган қилиқни қилиб, унга қўлини нуқиб қўярди. Василий Львович яна, гарчи қарироқ бўлса-да, лекин жангларда — адабий жангларда шай бригган, шоир, енгилтак эди.

20

Сергей Львовичнинг аҳволи бўлакча эди.

Биринчи галда хотинининг кўйлакларини асраб қолишга мажбур бўлган Сергей Львович ўзининг энг яхши кийимларини кийиб, батист рўмолчасини қўлида тутган кўйи, йўл-йўлакай битта жавонни юкларига қўшиб олганди-да, бир эвини қилиб ёллагани мужикнинг елкасига ўз пўстинини ташлаб қўйган ва шу аҳволда Москвадан Надежда Осиповна билан мужик аравасидан қочган эди. Хотини кўйлакларини солиб қўйган тугунни у қаҳр билан нари — кунжакка тиқиб юборди-да, кейин дўқир-дўқир баҳонасида тугунга ўтириб олди. Надежда Осиповнанинг ўзи бундай қилмади, чунки кўйлакларини ғижим қилиб қўйишдан қўрқарди. У ҳийла извошиб қолди. Гвардиячи Боде: дунёда иккита соҳибжамол бор — бири сизу бири Наполеоннинг рафиқаси Жозефина, деган йили машҳур Виже-Лебрень чизиб берган портретини ўзи билан бирга Москвани ёқар, у бўлса, мужик аравасида чайқалиб борарди. Лёвушка билан Олинька олдинда, Арина бўлса оёқларини солинтириб, ён томонда ўтирарди. Никита нарса пойлаб, Москвада қолган эди.

Эндигина Москвадан йироқлашган эдилар, Арина кутилмаганда итоатсизлик қилди, буни Сергей Львович исёндан ўзгача атай олмасди. Арина илгарироқ ҳам бетайин ёққа жўнамоқчи бўлишаётганини кўнгли сезган ҳамоно қовоқ уюб, афтини буруштириб, кечқурунлари шишачасидан хуфия «отиб» юрарди, бундан Надежда Осиповна яхши хабардор, лекин сир бой бермасди; баъзан ундан ҳайиқарди.

Жўнаш арафасида Арина Никита билан ғижиллашиб қолган эди.

— Петербургга жўнаш керак!— деди у секингина.— Бўлмасам қаёққалигининг тайини йўқ.

— Хўш, Арина Родионовна, Петербургда сизга кимнинг кўзи учиб турибди?— қошларини чимириб, совуққина сўради Никита.

— Кимларга ташлашяпти ўзи?! Барвақт сағир қилишяпти,— Никита Козловга парво қилмасдан деди Арина ва пишиллаб: — Кўз кўрмаса, меҳр қочади,—деб қўшиб қўйди.

— Эл қатори-да,— деди Никита.

— Хўш, у-чи, қаёққа бош уради, эй безбет одам,— деб гап билан узиб олди Арина.

— Қоронғи чакалакзорга ташлаб кетгандек бўламиз,— деди-да, бурнини тортиб қўйди.

— Хўш, нима қипти,— ҳурпайиб олди Никита,— илож қанча? Хўш, унинг орқасидан балки сиз борарсиз? Бўлмаган гап.

— Мен-да,— деди Арина.

Дарвоқе, у мутелик билан тараддуд кўрди, лекин йигирма чақиримча босиб ўтгач, кўзларини артиб, ҳатто астагина йиғлай бошлади, қўйиб берилса, уввос тортгудай эди.

Надежда Осиповнанинг ўзи ҳам дод соладиган бир аҳволда эди, у рўмолчасини тишлар, хотин кишининг йиғисига тоқат қилолмайдиган Сергей Львович эса, аравада илонбалиқдай ғимирларди. Биринчи бекатдаёқ Арина ғойиб бўлди. Пайқаб қолиб, қарашса — бўғчасига қоқ нон тугиб олганича пилдираб кетяпти. Унга етиб, тутиб келдилар. Сергей Львович гангиб қолди.

— Қочиш исён дегани шу бўлади,— дерди у астагина Надежда Осиповнага.

— Сен қаёққа отландинг?— босиқлик билан сўради ундан Надежда Осиповна.

— Петербургга,—жавоб қилди Арина,—Александр Сергеевичдан хабар олгани, ёлғиз ўзи у ерда йўқолиб-нетиб қолмасайди.

— Ақлингиз борми ўзи, Ирина?— деб ўзини эплаёлмай сўради ундан лол қолган Сергей Львович.

Ўзи ҳам пайқамай, уни сизлаб ва Ирина деб гапира бошлаган эди.

Арина хўрсиниб қўйди, аравага ўтириб олди-да, ҳаммалари жўнашди.

Йўлга ўрганиб қолиб, Сергей Львовичнинг қўққис кўнгли яйраб кетди, Москвадаги тирикчилик унинг жонига тегиб кетган эди. Ялпи ур-сур, ғафлат, табаддулларнинг тўла имкониятлари ва машъум вазият шарофати билан хотини назарида ўзи касб этган бирмунча обрў унга маъқул тушган эди. У, синган қадаҳни кўриб ранги қув ўчадиган одам, энди бор-будидан айрилгач, таажжуб ҳис қилди, атиги шу. Йўлдаги учрашувлар унга эрмак эди: москваликлар дуч келган уловга миниб қочиб кетмоқда эдилар. Аравалар чуваланиб борарди.

Нижний-Новгородда мушкул аҳволга тушиб қолди: ижарага олган тахта уйлари ифлос бўлиб, бу унинг нафсониятига тегар эди.

— C'est une[1] молхона, mon ande[2],— дерди у Надежда Осиповнага. У ўзининг энг яхши уст-бошида, хотини кечки либосда бўлишларига қарамай, қайноқ сув қуйиб, деворларда изғиб юрган тахтаканаларни қирардилар.

Дарвоқе, у Москвадаги каби уйдан дом-дараксиз кетиб қоладиган пайтлари ҳам бўлар эди. У Волга соҳилларида, Ока қуйиладиган жойларда айланиб юрар, москавалик танишлари билан учрашар, қуйи шаҳар аҳли билан танишарди.

Обрўси ёмон эмас эди, мустақил мавқега молик киши эди. Ўғли Царское Селода, лицейда, нақ саройнинг ўзида жойлашган яримдарбор билим муассасасида эди. Унга ўғли тез-тез хат ёзади. Энди Царское Село жуда гавжум: иккала императрича, дарбор — ўша ерда. Худо билади, албатта, золим Петербургга қараб йўл оладими-йўқми, ўшанда шаксиз даставвал Царское Селога киради; лекин ота-онанинг биргина тасаллиси — болалари тўғрисида Иван Ивановичнинг шахсан ўзи жон куйдириши, унга ота ўрнида оталик қилиши эди. Саройда, Дмитриев паноҳида ўсмир ўз давлатпаноҳининг қисматига шерик бўлади. Que la volonté de Dieu soit faite![3]

Хуллас, у қуйи шаҳар оламининг диққатини жалб қилгувчи уч Пушкиннинг — шоирларнингми, қиморбозларнингми — бири эди. Бироқ ака-укалар ўртасига тўсатдан ажаб совуқчилик тушиб қолди. Бир вақтлар у укасига шеър бағишлаган, уни Сергей Львович зътиқод рамзи сифатида ёд билар эди:

---

[1] Бу *(франц.)*.
[2] Фаришгам *(франц.)*.
[3] Илоё худонинг айтгани келсин! *(франц.)*

Оиламизда бизнинг
Севги эди барқарор.
Болалардек ўйнардик,
Қалблар эди бегубор.
Хафа бўлма карамли,
Эй таъсирчан, дўстгинам.
Нуқул ҳижрон бўлмагай,
Чекмагаймиз дард-алам.

Энди қочоқ ака-укалар бирга-ю, лекин меҳр-муҳаббатларидан асар қолмаган эди. Бу камлик қилгандай, Василий Львович аввалбошданоқ ҳеч вақосининг йўқлиги, уйининг торлиги баҳонасида синглиси Анна Львовнани унга оширишга ҳаракат қилди. Сергей Львовичнинг жаҳли чиқиб кетди: унда ҳам ҳеч нима йўқ, уйи эса бешбаттар. Дарвоқе, хонимлар кўз уриштириб олиб, Сергей Львовичга ҳамма бало Анна Львовнанинг Аннушка билан бир бошпанада бўлиши ножонзлигида, деб шама қилиб қўйдилар. Анна Львовна энди улар билан бирга эди. Совуқчиликка сабаб бўлган иккинчи жиҳат азалги рақобат эди. Сергей Львович болалигидан бери ўзини доимо шоир деб ҳис қилиб келар эди. Унинг французча шеърлари мутлақо яхши, акасиникидан ўлса ўлиги ортиқ ҳам эди. Бир вақтлар акаси иккисининг ёшлигини эслаб, ўзини у билан бир қаторга қўйишдан ор қилмасди:

Коппот ижодкорига
Гимн айтдик лирада.

— Табаррук поэзия!— хитоб қиларди Василий Львович.

Биз навқирон йилларданоқ
Шуғулландик сен билан;
Сен бердинг бизга ҳузур!..

Энди Сергей Львович янги шароитда, ўзини янгича, ёшаргандай ҳис қилиб, яна эски илҳоми қўзиди, кўпдан буён у бу кўйга тушмаган эди. Нижний-Новгород хонимлари аввал уни ҳам шоир деб ўйлаб, акаси билан чалкаштириб юришди. У Елиза билан биринчи бўлиб танишди ва у ўз альбомига бир-икки сатр қоралаб беришни сўраганида, у йўқ демади. Французча лўнда ва енгил шеърда уни мусофир ташналигини қондиргувчи жилғага қиёс этди.

Василий Львович ҳам қисқа бир бадиҳа тўқиб, Елизанинг амри билан альбомга ёзиб беришга мажбур бўлганда, укасининг қўшничилигидан ҳайратга тушди, оғриниб, тундлашиб қолди. Ишқилиб, давраларда зоҳир бўлганда, ака-укалар ўзларини бегоналардай тутардилар... Сергей Львович бир бехосият дақиқада амакиваччаси билан карта ўйнашни хаёл қилиб, унга ютқазиб қўйди. Синглиси

Анна Львовна унга қарз бериб турди, гап орасида жияни Царское Селода пулларини қандай харж қилаётганига қизиқди. Сашка ҳали ёш, тез ва ғўр, бирор арзимаган нарсага ҳаммасини совуриб бўлгандир балки.

Сергей Львович совуққина қилиб, Сашка ҳеч нимани совуролмайди, чунки Василий оға у пулларни ўз ёнида олиб қолишни эп кўрибди, деб жавоб берди.

Анна Львовна индамади, лекин шу тобдан эътиборан қуйи шаҳарликларнинг ҳаммасига шубҳа билан қарайдиган ва саҳифалари орасига пул қўйилган «Гўзал тонфанинг тонг мажмуаси»ни болиши остига яширадиган бўлди.

Тез орада Сергей Львович Александрнинг юз сўми тақдиридан ўзининг воқифлигини сездирмаган ҳолда, кейин қайтариб бермай, шу йўсин акаси билан узилишиб кетиш ниятида Василий Львовичдан юз сўм сўради. Василий Львович қўлларини силтаб қўйди-ю, узил-кесил рад этди: биринчидан, пуллари фамилиядошининг чўнтагига ўтиб қолмасин, укаси бошини балонинг оғзига тиқмасин, деб минбаъд қарз бермайди, иккинчидан эса, қўлида пул йўқ.

Бир вақтлар Сергей Львович Карамзинининг шеърларини севарди:

Мартаба, нафосат ҳамда муҳаббат
Жам бўлган садоқат эгум мукофот.

Қаёқда дейсиз! Бурч тўғрисида, пулни қайтармаётган акасининг меҳру оқибати ҳақида, энди ярашмай қолган муҳаббат тўғрисида сўз-пўз йўқ, лекин шу сатрлар муаллифи Карамзинининг ўзи ҳам мулоқотларда уни эътиборига аранг ноил этмоқда эди.

Тез вақт ичида аввал ҳамманикида дурустгина манзират қилинаётган Сергей Львович ўзини ҳеч назарга илмаётганларига ишонч ҳосил этиб, ваҳимага тушди, бу ўзи билан акасининг, акаси билан амакиваччасининг жанжали оқибат эдиким, амакиваччасининг аччиқ тилидан Сергей Львович ўтдан қўрққандек юрак олдириб қўйган эди. Эҳтиётсизлик қилиб, ўзини дастлаб шоир деб танитиб қўйиб, у энди ўзини шарманда бўлгандек сезди. Унга бир товламачига қарагандай қарардилар. Елизаю дугоналари уни муқаллаф этмай қўйдилар.

Бир куни у уйга шомларда қайтди. Надежда Осиповна ясантусан қилиб, упалар суриб, юзига хол чекиб, очиқ либос кийиб, қўлида Виже-Лебрень чизган расмини ушлаб ўтирарди. Уларни бу кун ҳеч ким таклиф қилмади. Унинг сўлғин юзларидан ёш оқарди. Сергей Львович титраб кетди ва ўзининг Москвага зинҳор қадам изи қилмаслигини ҳис этди: буни аҳолиси ҳақирона ўтинганда ҳам ўша қадрига ета билмаган шаҳарга минбаъд қайтмайди. У мансабдор эмас, лекин мустақил одам, ёт одамнинг нарсасига кўз тикмайди, ҳеч кимдан қарздор ҳам эмас. Уруш ҳаммага баробар таҳдид солиб турибди, унинг тақдири акаси тақдиридан, Карамзин тақдиридан ва бошқаларникидан ҳеч кам эмас. Қисмат қаршисида уларнинг ҳаммаси энди қочоқдирлар. Бунинг устига, унинг фарзандлари тақдири ҳал — Александр Царское Селода, саройда, сарой омон қолса, Сашка ҳам омон қолади. У — кўз ўнгида. Маломатларга чек қўядиган пайт келди. Дунёнинг нариги чеккасига кетса ҳамки, Москвадан нари бўлса бас. Москва энди мавжуд эмас, — лекин у ҳолда, — Нижний-Новгороддан ҳам жўнаш керак!

21

Бирдан куз тушиб қолди: шамол увларди, ҳўл қор буталарга чаплашар, улар сайрга чиққан кезлар юзларига уриларди. Чор атрофдаги хилват боғлар ҳувиллаб турар, осмон қоп-қора эди; Катта Каприз мозор тепалиги сингари узоқда қорайиб турарди; оқиш бобо гранити устидаги кемаларнинг тумшуқлари қаққайиб турарди. Ой қонли, ол рангда чиқмоқда эди. У буларнинг ҳаммаси номланилган Парнининг китобини топиб олди. Боғлар Морвен ўрмонлари деб, ғор Фингал ғори деб аталган эди. Буларнинг ҳаммасини бир замонлар бард Оссиан куйлаган эди.

Бир куни, ўша кириш пайти уларга мундир тиккан кўк чакмонли серсоқол унсиз мужик — сарой тикувчиси пайдо бўлиб қолди. У йиғма аршинини тишда тутиб, саволларга жавоб бермасдан, чапдастлик билан ўлчаб олиб, тез-тез ёзиб қўйди. Сўнгра соқолли мужик уларга бир кўз ташлаб, илжайди-да, ҳаммага бирданига жавоб берди:

— Бекорга хавотирланманг, жаноб олийлари. Янги мундирчалар тикмоқчи эмасмиз. Сизларга совуқ кунга, олис йўлга кийса бўладиган пўстинлар тикяпман, хитойча қилиб, қуён мўйнасидан. Юз йил тўзимайди ҳали.

Шак-шубҳа йўқ: улар жўнаб кетаётган эдилар.

Ораларида энг уддабурони бўлган Пушчин дарров нарсаларини саранжомлаб, ҳатто йиғиштирина бошлади. Корф йиғлаб олди.

Москва ёқиб юборилган. Харитоний тор кўчаси ортиқ мавжуд эмас. Царское Село ортиқ «равон боғлар» эмас, саҳролар, ўрмонлар бўлиб қолган эди; дарбадар турмуш бошланаётган эди балким. Ўртоқлари-ку, энди уй-уйларига тарқалиб кетсалар керак. Унинг уйи бутунлай йўқ, амакиси ҳам, отаси ҳам, ким билсин, қаёқда, Нижний-Новгородда, қароллар бўлса, безиб, хилват ўрмонларда саргардон бўлиб дайдиб юришгандир. У танҳо ўзи қолган, сўққа

қабош эди. У қўрқувга тушмасликка қарор қилди, тишларини қисиб, аллақандай қувонч билан ҳар нарсага шай бўлиб турди. Бу ерда биргина — Волконскаянинг оқсочи Наташагагина ичи ачирди шекилли. Александр ҳанузгача унинг чироғига қараб, ўрнидан турарди.

Сайр пайти яхлаб ётган, бир сербутоқ шохчани топиб олди-да, тартибсизлик қилиб, у билан музлаган новдаларни уриб тушира бошлади. У бу жойлар билан видошламоқда эди. Эртасига улар лицейнинг олдигинасида оқсоч Наташани учратиб қолишди ва у қизга икки оғиз гапини шипшиб қолишнинг уддасидан чиқди.

Кечқурун у ариқ томонга писиб ўтди. Ҳамма хона-хонасига тарқалиб бўлган эди. Корсаковнинг хонаси ёнидан ўта туриб, оҳиста таралаётган садоларни эшитди: ашула муаллими Корсаковдаги талантни ифшо қилган ҳамда унга уйидан гитара келтириб берилган эди. Ётар олдидан у гитарасини эҳтиётлик билан чертиб кўрмоқда эди: қаттиқроқ товуш гувернёр диққатини тортган бўларди. Чириков ё навбатчилик хонасида ивирсиб юрган, ё ухлагани кетган бўлса керак. Умуман, ҳаёт тарзи афтидан дарз кетган, яқин орада уларнинг бўлак жойга кўчиб ўтиши кутилар, тартиб-қоидалар ҳам ўз-ўзидан чиппакка чиқиб қолган эди.

У арк бўйлаб юриб ўтди, хира деразадан мўралади, у ер кўз ўтмайдиган зимистон, йўлдаги фонуслар милт-милт ёнар, гоҳида ғир этиб шамол туриб, ойналар қасирлаб кетарди. Арк совуқ, унга ўт ёқмай қўйишганига анча бўлган эди.

Эшик берк эмас экан; ён хонада яшайдиган Чириковга шу эшикдан фойдаланиб туриш ҳуқуқи берилган эди. Сўнгги пайтларда у «Шимол қаҳрамони» деган поэмасини ижод қилиш билан овора, паришонхотир бўлиб қолган: бир-икки сафардан бери эшикни қулфлаш эсидан чиқмоқда эди.

У эшикни қия очди-да, бош тиқиб кўрди. Юз йиллик зилдай эшик ғичиллаб кетди-ю, қотиб қолди. Шу зайл бирмунча вақт турди. Шу қадар совуқ эдики, ич-ичдан жунжика бошлади. Наташанинг келмаслигига шубҳа қилмасди; у Фома амакининг лицейда аллакимга, балки экономга жавраганини ва хўрсиниб: «Ё парвардигор», деб қўйганини эшитиб турди. Кейин яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. У Наташага фақат «аркда, кечқурун», деганини эслади, қиз ҳам балким аллақачон шу ердадир ва ҳеч кимни топмагандир. Кейин у Фома амаки эшикни нариги томондан беркитиб қўйса-я, деган хаёлга бориб қолди — илгарилари эшикни беркитгувчи эдилар. У қимир этмасдан турар, бурчакда эса сичқонлар ғимирлаб қолишди. Шамол ойнани чертиб-чертиб қўярди. Худди шу ерда, ёнгинада Пушчин, Кюхельбекер, Корсаков, Горчаковлар ухлаётганига, ўзи ҳам ухлаётган бўлиши кераклигига ақл бовар қилмасди.

Эшик қия очилди. У ўзига ишонмади, юраги ўйнаб кетди. Наташанинг юзи кўринди. У оғзини очиб, атрофга кўз югуртирди, қўрқаётганлиги сезилиб турарди. Уни кўриб қолиб, Наташа «вой», деб юборди ва гарчи йигит билан учрашгани келаётган бўлса-да, чиндан қўрқиб кетди шекилли. Кейин тараддуд билан бир қадам босди, кўзларини ерга тикиб олди-да, энтикиб, пешбанди тўрларини ҳимара бошлади. У қизни қучоқлаб олди; қиз қимир этмай, қўлларини солинтириб турар ва фақат:

— Оҳ, барин, нақ ўлдиришади-да,— деб қўйди.

У сира ҳам сайрларда кўринганидек эмас: юзлари ялпоқроқ, оқроқ, омироқ, ўзи йирикроқ эди; қизнинг овозини у ҳеч қачон эшитмаган эди. Қизни қучоқлаб олди-да, бирдан уни ҳеч қаерга, ҳаргиз қўйиб юбормаслигини ҳис қилди. Унинг қўллари шалвираб қолди. Қизнинг, у ўзи бугунгина кураш тушган ўртоқлари: Броглио ва Малиновскийларнинг вазнига сираям ўхшамайдиган оғирлигини сезди.

Энг бурчакда, яқин орада сичқонлар ғимирлаб қолди. Бирдан қиз унинг кўксига шундай босдики, юраги эшитилиб кетди ва нафаси қайтиб:

— Оҳ, барин, баринжон, айланай! Уришиб беришади-ку! Қўйсангиз-чи, шундай қилиш мумкинми ахир?—деди.

Афтидан, ўпишишни билмасдан, Наташа лабларини унинг кўзларига босди, қизнинг юраги ҳаприқиб урарди; у Александрни итариб ташлади-да, йигит кутмаган бир куч билан юлқиниб чиқиб, ўзини шунчалик шиддат билан эшикка қараб урдики, фақат оқсоч қизлар эплайди буни. У қизнинг орқасидан югурди, лекин учиб кетгандек ғойиб бўлган эди. Пайпасланиб юриб, у муздек деворли даҳлиздан ўтиб, қандайдир эшиккача етиб олди ва ўйланиб-нетиб ўтирмай, ўша ёққа кирди. Унинг боши лов-лов ёнар, юраги ёмон урарди; қандайдир хонани кесиб ўтди-да, зинани оёғи билан пайпаслаб топди. Деворга суяниб, бўйнини чўзиб, ҳар нарсага шай бўлиб турди. Башарти топиб олишса, овсар Гурьевга ўхшаб, лицейдан шармандаларча ҳайдалиб кетишини сира хаёлига келтирмас эди; шу тобда Наташани топиши шарт эди, у бўлса, адашиб ўтирибди.

Бирдан у тишларини ғичирлатиб, қайси тарафгадир интилди ва зинадан чопиб чиқиб, бир лаҳзада аркда пайдо бўлди. Ўзининг ундан бир-икки қадам нарида бўлганини кўриб, ўзи ҳам ҳайрон қолди. У гарангсиб, довдираб қолган эди. У ўртоқлари билан олишар, унга фақат Броглио билан Малиновскийлар бас келарди, у Пушчиндан эпчилроқ, қарийб Данзас билан баробар эди, *тўполончи* эди ва Наташа қўлидан чиқиб кетиб қолгани, ўзининг эса, етиб ололмагани у учун шармандали эди.

У қиз билан видолашишга чоғланган, дастлабки бир-икки сўзни

топиб қўйган эди: «Дўстим Наташа», «чирогим Наташа», «худо билади, дийдор кўришиш насиб қиладими-йўқми», «Аргусинг ухлаяптими?» ва ҳоказо, лекин қучоқлаганда, бирдан гунг бўлиб қолди, у қочиб кетганда эса, етиб ололмади. У Наташа бир зумда қаёққа йўқолиши мумкин эди, деб англашга уриниб, ўз деразаси олдига борди — унинг бирорта дарчаси бўлиши керакдир. Наташанинг чироғи кўринмас, ҳаммаёқ хира ва жонсиз эди. У ерда бурни гезарган, ранги кулга ўхшайдиган Волконская кампир ухларди (унга қолса, Аргус деб атаган бўларди уни) ва қандайдир нариоқда гўзал, вазидор ва чаққон Натажа ухларди. Яқингинасида Прозерпина билан Жонона ухлаётган деразага хўмрайиб қараб қўйди.

Эртага улар жўнаб кетадилар.

Чириков ҳали ухлагани йўқ эди, қалин кигиз шиппагини кийиб, коридорда тентираб юрарди; у бир йўталиб юқоридан — унинг эшиги панжарасидан мўралаб қўйди. Тун қоп-қоронғи, шам хира ёнарди, у ҳеч нимани кўрмади ва Пушкин Александр ухлаяпти, деб ўйлаб, нари кетди.

22

Директор Малиновский томонидан таъсис этилган тантана ёки ҳатто жўнгина ярмаклар министрнинг аллақандай қаҳрини қўзғатаётгани, қаттиқ ҳайфсанлар беришга мажбур қилаётгани сабабли лицей очилган кунининг бир йиллиги нишонланмаётган эди. Шу орада йўлга отланишлари маълум бўлди. Уларни, илгари айтилганидек, Ревелга эмас, балки Або деган фин шаҳрига олиб кетишар экан; профессорлар улар билан бирга боришмас экан. Ўша ердаги университет профессорлари — немислар уларни назорат қилишади ва таълим беришади. Гауеншилд ғоят мамнун эди.

— Буни Геттинген деса бўлади,— деди у.

Малиновский Гауеншилд хурсанд бўлганини фаҳмлади. Бир куни у қаёққадир ғойиб бўлди-да, бир пачоққина, кўса киши билан қайтиб келди. Бу казак кекса Самборский талабаларга ҳамроҳ бўлаётганини ва Абода уларни ўз паноҳига олмоқчи эканини қатъий махфият остида айтди. У кўп саёҳат қилган, мусофирликда кўп яшаган ва янги, сўнгги сафарга бажонидил розилик берган эди. Малиновский эса вақтинча Царское Селода қолади; чўкаётган кемани капитан энг охирида тарк этади, деди Матюшкин.

19 октябрь ўтиб кетди. Горчаков эрталабдан чўлоқланишга бошлади ва сал тамшаниб:

— Бир йил бўлди. Шу ердалигимизга бир йил-а! Биз — чоллармиз. О, менинг эски бодим!— деб юрди.

Бир йил муқаддам шу қадар суронли кечган 19 октябрь куни билинмай ўтди. Эртасига саҳардан ҳамма нарса ўз изига тушиб кетди. Қайноқ пиёва ичдилар: уруш вақти баҳонасида уларга чой ўрнига пиёва бераётган қурумсоқ эконом, наздларида, бундан нисофсизларча битиб кетмоқда эди. Бу пиёва уларни сарой қошидаги хонишчилар билан буткул тенглаштириб қўяётгани учун улар жуда норози эдилар.

Чойдан кейин ҳеч ким уларга тараддуд кўриш кераклигини айтмади, бу янги пайсал кўпларнинг қош-қовоғини туширib юборди: қарийб ҳамманинг фикру зикри жўнашда эди, Царское Село билан улар хайрлашиб бўлишган эди.

Тарих ўқитувчиси Кайданов ҳеч кимга маъқул эмас эди. Унинг салмоқдор ва бақалоқ турқ-тароватида манзур бўладиган ҳеч нима йўқ эди. У лапанглаб юрар ва ҳар нарсада лицейгача ўзи муаллимлик қилган Переяслав семинарияси асоратини сақлаб қолган эди. У айёр, кўзлари шум эди. У ўзининг семинариядаги одатларини яширишга мажбур этаётган, толиқтириб юбораётган талабаларга нисбатан кўнглида кин сақламоқда эди. У қасддanми, ҳар қалай, бу одатларини сақлаб келмоқда эди. У ўзининг лекцияларини китоблардан чўзиб ва қироат қилиб ўқир, гоҳида ўзи ўзига семинария ректорига ўхшаб кетгандек бўларди; Миша Яковлев у мунший Паисийга ўхшайди, дерди. Хуфия ялқовлик ва лоқайдлик унга кун бермасди. У муғамбир ва қўпол, жону дили — писмиқлик эди. Лекин уни тинглардилар. Овозининг нуфузли лоқайдлиги, кутилмаган муқояcалари бунга сабаб бўлса, ажаб эмас.

Бу кун у Фабий Кунктатор тўғрисида лекция ўқиди. Диктатор қилиб сайланган Фабий Аннибални, ўша даҳшатли душманни муттасил ҳаракатлар билан тинкасини қуритишга, у билан ҳал қилувчи жангга кирмасликка азм қилди. Карфаген лашкарбошиси уни жангга киришга ундаб, ўзининг бор ҳарбий санъатини ишга солган эди; лекин Фабий ўз ватандошларининг аразларини, ноҳақ шубҳаларини, арз ва истеҳзоларини юз-хотир қилмай, режасини ўзгартирмади. «Кунктатор» лақаби ўша пайтлар унга кесатиб берилган: у сусткаш эди.

Ва эски семинариячи изоҳ берди:

— Cunctator — сусткаш. Ушбу лақабни эслаб қўйишингизни сўрайман, зеро у келгусида асқатиб қолади.

Кайданов сузук кўзларини лицейчиларга узоқ-узоқ ва ошкора гашт билан тикиб қоларди.

Уни ҳамма тингларди. Сусткашлик қилиб жангга кирмаётган саркардадан ҳамма кулаётганини улар жуда яхши билар эдилар. Ҳатто Мясоедовнинг боши қотиб қолган эди. Рўй-рост битта-

яримтасига отмоқчи бўлиб қоғоз соққа ясаган Данзас ўша туришида — қўлида соққаси билан тиниглаб қолган эди. Кайданов Данзаснинг қилмишини узоқ кутди, Данзасга ўзининг донмги гапини айтмоқчи ҳам бўлиб турди:

— Данзас-жаноб, ҳайвон-жаноб... Лекин ниятига етмади.

Сенат Минуцийни тадбиркор Кунктаторга ҳамдам қилиб сайлаган. Минуций омилкор лашкарбоши, Кунктаторнинг улуғ ғаразгўйи эди.

Янги лашкарбоши душман билан жангга киришга жазм қилди. Аннибал уни тоқатсизланиб кутарди: у Минуцийни ҳамма томондан дабдурустдан қуршаб олди. Ушбу ҳал қилувчи дақиқада аразлаб юрган Фабий Минуцийга нажот берди ва ўзининг улкан саховатини намоён этди: ўзининг бутун ранжу аламларини унутиб, ватан манфаатини оламдаги жамики нарсадан устун қўйиб, тоғ чўққиларидан Аннибалга қараб отилди, уни тор-мор келтирди, Минуцийга сўз қотмасдан, ўз қароргоҳига қайтиб кетди.

Шунда волидасининг Бородин остидаги Барклай тўғрисидаги мактубини Пушчин, Пушкин ва Вальховскийларга ўқиб берган Кюхельбекер типирчилаб қолди. Унинг чеҳрасида даҳшат ва ҳайрат акс этиб турарди.

Қайданов у томонга ҳузур қилиб қараб қўйди.

Фабийни ватандошларининг шубҳа-гумонлари, қаҳру ғазабидан ҳеч нима муҳофаза қилолмасди. Ватандошларининг талабига кўра, янги тайинланган Варрон Канн канорасида Аннибал билан жангга киришга қарор қилди ва румоликлар маглубиятга учрадилар. Жануб иблиси аллақачон ғалаба гаштини сурмоқда эди.

Диққат-эътибордан, энг тап тормас бебошлар юзи хижолатдек кўринганидан роҳатланиб, Кайданов имиллаб қолди. У бурнини қоқди, шошмади. Пушкиннинг, ушбу худо урган эрмакчининг юзи эътиборни кўрсатиб турар, кўзлари чақнаб кетган эди. У дарров Пушчинга бир луқма ташлади. Кайданов қовоғини уюб олди. У бармоқлари билан столни уриб қўйди-да, бетоқатни огоҳ этди:

— Секинроқ, Пушкин-жаноб, жим, Пушкин-жаноб!

Кайданов уни, Горчаковни, Вальховский ҳайвон демасди. Кейин муаллим ўрнидан турди, қад ростлади. Унинг қорни ёмон туртиб чиққан эди. У Данзаснинг — ўша ҳайвоннинг ҳиссиз бир диққат билан бақрайганича, ўзининг суратини чиза бошлаганини пайқади-ю, танбеҳ бермади.

— Халқ характери,— деди у,— қалтис шароитларда аён бўлади; зеро, румоликлар ушбу вақтда улуғ халқ номига ҳақли равишда сазовор бўлдилар. Ялпи парокандалик ва даҳшат ичида Румо ўн тўққизинчи аср ҳозирда бизнинг ватанда қуриб турган томошани намойиш қилди: ҳар бир румолик ўз молк-мулкини ва жонини ватан йўлида фидо этишни таклиф этиб турди, ор-номус ва қасос

туйғуси уларни ўт олдириб юборди. Карфагенликларнинг сулҳ тузишга майли бўлган, лекин румоликлар бу ҳақда эшитишни ҳам истамаганлар. Карфаген саркардаси улкан заковати билан улуғ хатога йўл қўйган: у Кампанияга кирган ҳамда совуқ фаслини Капуяда кечиришга жазм қилган. Тез орада Маркелл шавкатли Спицион билан бирга ўша машъум фотиҳни Италияни тарк этишга мажбур қилган...

Шу ерда илжайиб қўйиб ва қаҳрамонга ўхшаб, қўлларини қовуштириб олиб, Кайданов Пушкинга, найранг ва фаросат бобидаги шайтонваччага, Данзас-ҳайвонга қараб қўйди,— ҳаммани лақиллатган Кунктатор худди унинг ўзидек, ҳиссиз алфозда салмоқлаб:

— Энди эса, ушбу лекция тугагач, залга ҳарбий маълумотномаларнинг бадиққат мутолаасига ўтинглар: шул лицей асосининг йиллигида, кеча, шул октябрнинг ўн тўққизида Наполеон Буонапарт Москвадан чиқиб кетди,— деди.

Улар ҳеч қаерга жўнамадилар.

САККИЗИНЧИ БОБ

Рус қўшинлари қўлига тегмасин учун Наполеон армияси ўқдорилик яшик ва тўпларни портлатиб, замбаракларни тупроққа кўмиб, уларни барча йўллар бўйи сочиб, қочмоқда эди. Тўрт юз мингнинг қирқ минги қолган эди. Кавалерия яёв қочарди, чунки отлар биринчи галда нобуд бўлган эди.

Солдатлар яхлаб қолган милтиқларини ерга ташлардилар. Гвардия увадаларда судралиб борарди; гренадёрлар аёлларнинг жулдурвоқи пахталикларида, ҳар турли рангдаги юбкаларда, чипта, тери ва қопларга ўраниб, каловланиб боришарди. Бошлар ўлган, ўртоқлардан ечиб олинган мундирларга буркалган, совуқдан шишиб кетган, ушик олган оёқлар мовутга ўралган, эски тивит шляпалар билан чирмалган эди. Улар йўлларда тентираб боришар, совуқ қотишар ва нобуд бўлишарди. Рус қўшинлари яксон қилган армияни совуқ қириб битирмоқда эди. Қорайиб кетган рус қишлоқлари олов ёқмас, уларни паншахалар билан қарши оларди. Бу яна бир уруш — деҳқонлар уруши эди. Рус совуқлари таърифини ҳам ма билар, лекин у тушмасдан илгари енгишни умид қилишганди. Москванинг кузи илиқ эди. Саркарда Москва Фонтенеблодан кўра илиқроқ экан, рус қишини гапирган сайёҳлар бекор айтибди, дердилар. Рус қишлоқлари ҳақида камроқ воқиф эдилар, камроқ гапирардилар.

Бу гапларни лицейчиларга Кунницин гапириб берар ва унинг кўзлари порлаб кетарди. Икки-уч ойдан кейин қуллик бекор этилишига у шак-шубҳа қилмасди.

ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

1

Кошанский уларга ҳарбий маълумотнома ўқиб берди: Париж рус қўшинлари томонидан ишғол этилибди. Бугун куни бўйи Петербургдан Царское Село билан Павловскка суворилар қатнаб юришди. Баҳор ҳали келганича йўқ, лекин кунлар узайиб, кеч қоронғи тушадиган бўлиб қолди.

Ҳаммаси ўзгариб кетди — енгилмасдай туюлиб келган душман қочди, бутун жаҳон тақдири ҳал қилинмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам дафъатан ёшига нисбатан улғайиброқ қолди. Борлиқнинг паккаси яқингинада, шу ерда, қўл остида бўлиб чиқди.

Йироқда, гауптвахтада шом бонгини урмоқда эдилар. У аркда дераза тагида турарди. У диққат қилиб жонли ва ғариб бу одатий садоларни астойдил тингларди. Китобни, Лагарпнинг «Лицей» деган жилдини аллақачон тушириб бўлди.

У Корсаков ҳужрасига ўтди. Энди Миша Яковлев унинг шеърларига куй басталар, Корсаков эса гитара жўрлигида куйларди. Миша Яковлев ажойиб созанда, Корсаков эса, хонанда чиқиб қолишди. Болалик ур-йиқитлари барҳам топди. Болалик нохос ўтиб кетиб қолди ва ҳаммада истеъдод бинога келди. Миша Яковлев шу даражада кулгили муқаллид эдики, пайти билан машҳур актёр бўладиган афти бор эди.

Ҳатто Данзасда ҳам талант ифшо бўлди: ҳуснихат. У Корсаковни доғда қолдириб қўйди. Мудом бемаъни қилиқларга шай, сиёқидан гўл ва тўпори бўлган Данзас шу даражада текис, реза ва гўзал ҳуснихат билан ёзардики, Калинич у ёзган варақларга узоқ тикилиб қоларди ва жилмайиб:

— Баракалла!— дерди.

«Лицей донишманди» деган журнални энди якка ўзи кўчирар ва журнални ҳеч қачон ўқиймайдиган ўша Калинич уни диққат билан варақлаб чиқар ва:

— Босмадан қолишмайди,— деб фикр билдирарди.

Бир куни у Мясоедовнинг расмини эшакнусха қилиб чизди, назмчилик дардига мубтало Кюхельбекерни тасвир қилди, ана шунда Данзаснинг рассомлиги ҳаммага аён бўлди. У энди кўп расм чизарди. Ўзини-ўзи айиқсифат қилиб тасвирлар, гоят ўхшатарди.

Лицейнинг ўз рассомлари, матбаачилари, шоирлари бор эди.

Горчаков ва Вальховскийларнинг рақобати ҳамманинг диққатини банд қилиб қўйган эди. Горчаковнинг хотираси ғайриодатий эди. У китобларга Калинич сингари, гўё уларнинг мазмунига қизиқмагандай бўлиб қарарди-ю, ҳаммасини эслаб қолаверарди:

уларни бир текис овозда гўёки кўринмас варақлардан уқаётгандай бетарво бир алфозда баён этаверарди; у француз тилини яхши билар эди. У тиришқоқ, лекин ўзини ялқов қилиб кўрсатишни ёқтирарди, доимо ҳеч нимага улгуролмадим, деб нолиб юрарди.

— Эски бодим жонимни сугуриб олди, бир сатр ҳам ўқиёлмадим.

Саволларга тўғри ва муфассал қилиб, жуда бемалол жавоб берардики, бир хил профессорлар уни даҳо деб, бошқалари енгилтак деб ҳисоблашар, лекин умуман, билимларини инобатга олмасдилар. У биринчи эди. Вальховский ҳамма нарсага спартандек пешона тери ва қунти билан етишар, омадсизликдан хижолат бўлмас, бутун-бутун тунларни дарсликлардан бош кўтармасдан ўтказар эди. Таҳсил унинг учун ҳавас эди. Кўплари унда беозор, лекин хатарли иззатталаблик борлигини пайқардилар. У ҳам биринчи эди. Горчаков рангпар иззатталаб билан учрашганда илжаяр, лекин бунисн пинагини бузмасди. Толе эркаси билан шўрлик қайсар баҳси ҳаммани қизиқтириб қўйган эди. Александр билан учрашган кезлар Горчаков уни бошқалардан фарқлаётганини билдирадиган бўлиб қолди. Александр унинг табассумига ҳеч дош беролмасди; улар ошна бўлиб қолдилар. Дельвигни Александр яхши кўрарди; кўришганда, улар ўпишардилар. У шеърларини ёлғиз ўшанга ўқиб беришни ёқтирарди. Дўстининг оч ранг кўзлари ифодасидан у шеърлари қандайлигини билиб турарди. Сўнгра Дельвиг ёмғирдан чиққандай бир силкиниб оларди-да, Кошанскийга тақлид қилиб:

— Салоҳият сезиляпти,— дерди.

Горчаков Александр неки ёзса, ҳаммасини тўзим билан кўчириб оларди. Калакалардан қўрқиши сабабли Александрни ёмон кўргувчи кўҳлик Модинька Корф ҳам ундан тимсол олиб, шундай қила бошлади.

Унга қўққисдан шуҳрат насиб этган эди.

Журнал номи «Лицей донишманди» бўлгани учун лицей донишмандлари деб аталгувчи журналистлар чинакам журналистларга ғойибдан тақлид қилиб, ундан шеър тиланиб юришарди. Корсаков унинг Миша Яковлев куйга солиб берган «Хиёнатлар» деган қўшиғини айтарди.

Бир куни ёзаётган шеъри қуюлиб кела қолмади; у биринчи бандни ёзди, сўзларни чиза бошлади, кейин ҳаммасини чизиб ташлади, сабри тугаб, аччиғи чиқиб кетди-да, куриб кетгур парчаларни ғижимлаб, бурчакка ташлаб қўйди. Бу залда бўлган гап эди. Олося Илличевский, шоир, варақни текислаб, ғижимини ёзди-да, шеърни ниҳоясига етказди.

Кошанский ундан ўзи танлаб бирорта шеър ўқиб беришини илтимос қилди. У аллақачонлар, сўз бисотини титкилаб кўриб,

каттиққўл мунаққидии Аристарх ва Зоил деб атаб олган эди. У Зоилга шеър ўқиб беришни ёмон кўрарди. Ҳар қалай, ўша «Хиёнатлар» деган шеърини ўқиб берди. У Корсаковнинг хонишни қулоғида турган кўйи ўқир, Кошанский эса унга таажжуб билан қараб турарди. Пушкин чўзиброқ, мантиқан ҳеч нимани изоҳламасдан, цензураларда овозини баландлатиб ва пастлатиб ўқирди. Дарвоқе, ушбу қисқа, ўйноқи, ўйинчи, сирасини айтганда, тургунбитгани қофиядан иборат бўлган сатрларни, Аристарх наздида, бўлак тарзда ўқиш ҳам мушкул эди. Шеър аёл хиёнатларини талқин қилар ва кўпроқ ишқий қўшиқ ёки мода бўлган рақс — вальснинг бир йўриги эди. На Державининг нуфузи ва соддадиллиги, на интиҳоси Карамзин бўлмиш нафосат бор — қуруқ шавқ, такаллуфсизлик, холос; ҳамма мана шундай хиргойи қилиб увлай бошлади, энди назмчиларнинг уруғи кўпайиб кетди. Мода бўлган рақс — вальс каби бундай шеърлар ҳамманинг қўлидан келаверарди. Улардаги жонлилик ўринсиз эди. Аёл хиёнатларини бу ўсмир қайдан билиши мумкин?

Кошанский унга қизиқсиниб қарарди. Ҳаммаси бировлардан қарз олинган эҳтиросларни. У такрор ўқиб беришни сўради. Қўлини пешонага тираб, салқи кўзларини юмиб ва лабларини чўччайтириб, Аристарх ўсмир шеърини тингларди. У шеър ўқиб беришни Илличевский ва ҳатто Яковлевдан сўраган тарзда сўради, токи онгини оширгудай, нафи теккудай танбеҳлар берса. Лекин у оғиз очмади. Кўзларини қисиб, ўқувчисига қаради ва илк бор унинг афти ангорига кўзи тушди: кўзлари тийрак, жавдироқ, юзи ғоятда оқил ва қув эди ҳам шекилли. У уч стопалик ямб вазнини таламаслик керак эди, чунки у извошчи силласини қуритган отларнинг қўнғироқчаларидек дириллайди, демоқчи эди, (бу қиёсни илгаридан тайёрлаб қўйган эди), лекин айтмай кўя қолди. Таранг ёқасини тўғрилаб қўйиб, у ўсмирга яна бир кўз ташлади, Александрга бу нигоҳ ғамгиндек туюлиб кетди. Аристарх бўзариб, шумшайиб қолгандай эди. Шу индамаганича, у бирдан оғир хўрсиниб қўйди, оёқларини судраб, залдан имиллаб юриб кетди. У ҳушёр ва хомуш эди. Бу шоирларнинг у тан олмаётган ва ўз-ўзича шаҳвоний эҳтиросий-мусиқий-ҳавойи деб атаб олган янги мактаби эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ашула ёзарди, буларнинг шеърлари билан таққослаганда, бошқаларники қўпол ва дағал кўриниб қолганини тан олмасдан иложи йўқ эди. Мусиқачилар уларнинг қўшиқларини дарҳол куйга солишарди, бошқа бировлари айтиб юришарди, шундан кейин шуҳрат ҳам кела қоларди: бу нарсаларнинг тагига у ҳеч етолмасди. Батюшков уни боши берк кўчага тиқиб қўйган эди, оммага бир-иккита асло беилдат бўлмаган шеърларни ташлаб қўйиб, шов-шув, таажжуб уйғотса-да, сўнгра бир йил, икки йил ғойиб бўлса, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир деганлари шу экан. Уларда дид бор эди — бу сўз Аристархни қонига ташна қилиб юборарди. У ўша сирли дидни аввал шундай ташбеҳ қилди: шеърлардаги дид мусиқадаги эслаб қолиш деган гап. Буни у ҳатто ёзиб ҳам қўйди; бир куни у гитара ишқибози овсар Калиничнинг Чириковга эслаб қолишнинг биринчи босқичи — бошқаларнинг сохтагарчилигини эшита билиш, иккинчиси эса, ўз-ўзининг сохтагарчилигига йўл қўймасликдирки, буниси, бировларни танқид қилишдан кўра мушкулроғи, деган гапини эшитиб қолган эди. Мунаққидларнинг ҳам уруғи кўпайиб қолди. Лақманинг танқидчиларга қилган ўша ҳамласи нимаси биландир унга алам қилди-ю, у ўзининг таъбирини чизиб ташлади. Бу — шеърларни биноларга муқояса этиб, кўп талқин қилинаётган аллақандай янгича мутаносиблик ва равонлик эди.

О, қалб хотираси! Сен қудратлисан
Ақл-идрок ғамгин хотирасидан.

Батюшковнинг бу сатрлари уни лол қолдирарди; уларнинг грамматик маъноси шунчаки мавҳум эди: бу ерда ким кимдан зўрроқ? Қалбми, хотирами, идрокми? Ҳолбуки, улар аёлларга ажабтовур таъсир кўрсатарди. Дид дегани шу бўлса керакдир, шуҳрат ҳам — шу. Ўша энг янги шалоқ юришлар қабилидаги уч стопалик ямблар-чи? Улардан бир дунёсини ясаб ташласа бўлади, улар ҳамиша манзур. Батюшковда қаторасига одатдаги иккита ўрнига уч сатр қофияланган шеърлар бор. Нега энди тўрттаси эмас? Сафсата бу. Ҳолбуки, ўша шоир кучли сатрларни ҳам яратишга қодир.

Поэзияга ишқи тушган, салоҳияти ҳам кўзга ташланиб қолган Пушкинга шу сатрларнинг таъсири нимадалигини тушунтириб қўйишга уринарди, лекин эплаёлмасди. Пушкин қулоқ солмасди, балким бунга унинг ўзининг ҳам фаросати етиб тургандир. Бу ўсмирнинг ногаҳон шуҳрати таҳқирли ва номуносиб эди.

Аёллар чинакам парвоналар сингари мода бўлган назмчилар ўтига ўзини уришаверади, ёш болалар-ку, деб ҳам ўтиришмайди. Бакунина ундан Пушкин ва Илличевскийларни суриштириб қолди. Бу тирмизаклар аллақачон ожиза тоифасининг эътиборини истифода қилмоқдалар. Граф Толстой бир учрашувда лицейчилар тўқиган романсни эшитгим бор, деб қолди. Кошанский унинг шаънига хуфиёна кичикроқ ода ҳозирлаб юрган бир хонимнинг дарди бирор оилавий байрамни кутиш эди, токи «шоирлар» мушаллаф бўлса, ундан лицейдаги шеър битувчиларни сўрайди. Бу нарсаларга чидаб бўлмасди.

Шуҳрат қатъий хат қоидаларининг ҳадисини олган, тажриба орттирганларга насиб қилмасди, у бевафо жононадай б

дуч келган болани пойлаб ётарди. Буниси етмагандек, у худди шоирлик унвонини кимга тақдим қилсам, деб ахтараётгандай эди. Хўш, ўз фикр-ўйларини шеърларда равон ва ихчам акс эттиргувчи Илличевскийнинг Пушкиндан қаери кам? Лекин тасодифни қаранг: бошқа бир ўсмир куйга солибди, учинчиси айтибди-ю, «Хиёнатлар» муаллифи олдинги сафга чиқиб олибди. Ҳолбуки, унинг хатти-ҳаракати такаббурона, осмони фалакдан туриб ҳукм чиқаради, Гаврило Державиндан кулиб юради, яна ҳаммаси ўша дид касофатига, худди ўша диднн биров амалнинг дастаги қилиб унинг қўлига тутқазиб қўйгандек. У ўша ўсмир тўқиган қандайдир ҳажвий йўриғдаги дўзахий поэманинг дарагини эшитди, лекин у ўзини бу фикр билан машғул бўлмасликка мажбур қилди: шов-шув кўтарилган, ўсмирни, балким лицейдан ҳайдаб юборишган, лицейнинг ўзига эса шубҳа сояси тушган бўларди. Шоир ва адиб сифатида унга бу муносиб эмас эди.

Департамент директори Мартинов ундан, Кошанскийдан ўсмирни суриштирди — жиддий шеърнависликка лаёқатлими-йўқми, деди. У, турган гап, елка қисиш билан жавоб қилди. Директор, ҳар қалай, ўзи ҳам ҳовлиқмаликни маъқулламасди. Лекин, қарабсизки, у ҳам мода таъсирига берилиб кетяпти. Таажжуб билан Кошанский янги шеърнинг шу енгиллиги, шалоқлиги, ҳавойилиги, механик ҳаракатчанлиги, одамшавандалиги, вайсақилиги ўзига ҳам таъсирини ўтказа бошлаганини сезиб турарди. Янги шеър ўзига ёқарди, бундан қаҳри келарди.

У тоби қочиб ётган чоғи, умрининг саноқли кунлари қолган директор ҳузурига равона бўлди. Ўз-ўзига эътироф қилишга журъати етмай юрган хуфия иззатталаблиги уни кемирмоқда: директорликдан илинжи бор эди.

2

Директор Малиновский касаллигини бўйнига олмасди. Париж забт этилган, янги давр бошланмоқда эди. У лицейда байрам ташкил қилмоқчи эди.

У эгнига формалик сертугини кийди-да, ташқарига чиқди. Уз уйидан то лицейгача бўлган қисқа масофани, Царское Село тор кўчасини у бир вақтлардаги мутолаа қийинчиликлари каби, қадам-бақадам енгиб ўтди. Зинапояда мунтазир бўлиб турган Леонтий амаки директорни залгача кузатиб қўйди. Рангпар, орик директор кўзлари ўт бўлиб ёниб, ҳарсиллаб, бутун бинони шарпадек айланиб чиқди, лицейчилар уни кўришлари билан тумтарақай бўлиб кетдилар. У совуқ экан, деди-да, печларни дурустроқ ёқишга фармойиш берди. Уни безгак хуружига олмоқда эди. Сўнгра, у ремонт ҳақидаги арзномага имзо чекди.

Ўзига ҳадеб танбеҳ бераётган министрдан тортган кўп карралик хўрликларидан кейин, хўжалик ташвишларини афзал кўриб қолган эди. Арзномага қўл қўйгач, толиқиб қолди ва уни уйига кузатиб қўйдилар. У бўлса, ўзи кўп умид боғлаб юрган байрам, тантана борасида йўл-йўриқлар кўрсатишга келган эди. У бутун лицей ҳаётига янги ибтидо солмоқчи, бўлажак байрамда талабаларга, устозларга ва меҳмонларга қарата катта нутқ сўзлашга ҳозирланган эди. У ғалаба хусусида нутқ сўзламоқчи эди. Энди бу ҳақда ҳамма гапириб қолган, лекин у ўзгача йўсинда гапирмоқчи эди.

«Душманлар росняликнинг бош омили — қўрқув, деб ўйлайди, — демоқчи эди у, — лекин унинг мардонавор ишлари бунинг аксини исбот этиб турибди». Кейин кибрли ва майда гап Европа томонидан саркашлик билан инкор этилиб келинаётган рус кишисининг қадр-қиммати хусусида, истиқболда ҳозир рус қўшинлари ҳарб майдонида исботлаб туришганидек, ҳар бир талаба ўз соҳасида бу нарсани тасдиқламоғи шартлиги ҳақида гапиради. Энди рус халқи шон-шуҳрат қозонганидан сўнг, қулликнинг бекор этилишига шак-шубҳа қилмасди. Залдан ўтиб борар экан, у лицейчиларнинг ўзига аллақандай даҳшат билан қараб турганларини пайқаб қолди ва байрам тадорикларининг қайси бирини олдин бошламоқчи бўлаётганини хаёлдан чиқариб қўйди.

Уйга қайтиб келгач, у дарҳол ишларини тартибга келтириш билан машғул бўлди. Янги давр, ҳамма нарса камоли сариштa пайти келиши керак эди. Лицей очилишида сўзлаган нутқи эсида турибди, у бу нутқидан хижолатда эди. У вақтлар ҳамма нарса ҳақирлик ва даҳшат домида эди. Эндиликда ғалаба рус халқига янгича мавқе бахш этган эди. Михайло Михайловичнинг машъум раёсати фақат ибтидо эди, ҳademай янги давр бошланади — Россия Генерал Штатлари ташкил этилади. Бу нарса башарти амалга ошмаса, у бу пуч фаолиятни тарк этади. Ўзи кўпдан бери тараддудланиб юрганидек, Уфа даштларига бадар кетади, у ерда анча жиддийроқ, бошқа бир ишнинг бошини тутади. Лицей байрами кўп нарсани аён қилади. Уни имтиҳонларга қўшиб юбормоқ лозим, токи йиғилганлар талабаларнинг ютуқларини кўриб қўйишсин. Бу муваффақиятлардан ўзи ҳам бирмунча гумонсираб турар, лекин бир нарсага: лицей руҳига унинг имони комил эди.

Саранжом-саришталикка ўчлик қонида бор эди. У ўн йил давомида давлатнинг батартиблиги тўғрисида орзу қилиб келди, депутатларнинг икки палатаси, ялпи руҳ, гражданлар тарбияси тўғрисидаги кенг кўламли лойиҳани, абадий тинчлик лойиҳасини ёзди, ўзи умр бўйи фикр юритган барча муҳим моддаларни алифбе тартибида жойлаштирди. У гўё бир ёққа жўнаб кетаётган кишидай столга ўтириб олиб, буларнинг ҳаммасини тартибга сола бошлади. Барча лойиҳаларни, ёзувларни, турк ва яҳудий китоб-

ларидан олинган кўчирмаларни чилвир билан боғлаб қўйди. Унинг қўли қалтираб кетди. «Россияликнинг қадр-қиммати хусусида»ни узоқ, қайта ўқиб ўтирди. Ҳақирлик ва қароллик руҳини тубдан емириш деҳқонларни озод этишдан бошланмоғи даркор, зеро, ҳаммасига сабаб қулликдир. Ҳатто хорижий хизматкорга нисбатан ҳам, унинг пайқашича, рус хизматкоридан кўра бошқачароқ муомала қилинади. Боиси шуки, рус хизматкори қулдир.

Гражданлар тарбияси Россияда мавжуд бўлмаган ялпи руҳни вужудга келтирмоғи зарур эди. Шу ерда у дармони қуриб, лойиҳа устида узоқ ўтириб қолди. Ўғли Иван лицейда, қизи Маша холасиникида, ҳеч ким халал бермасди. «Алфавит»га кўз ташлаб, у тартибдан баҳра олди: «афеизм»дан «язвительность» деган сўзларгача бўлган инсон хусусиятлари таъриф этилган, варақнинг орқа томонида эса, эзгу хусусиятларни такомиллаштириш, ёмон хусусиятларни камайтириш тадбирлари берилган эди. У бош чайқаб қўйди. Шахсий лойиҳалари уни жуда чалғитиб юборган эди. Тобора безовталиги ошиб, лицей ишларига киришди. У аллақачонлар талабаларга лаёқатлари кўрсаткичи билан алфавитли табель тузиб чиқмоқчи бўлиб юрарди. Балким ўша табель байрамда асқатиб қолармикан? Фамилияларини зикр этмасдан, баъзи гапларни эълон қилсамикан?

Броглиони очиққўнгил, ғоят қайсар, ғазаби қўзийдиган даражада таъсирчан ва оқибатли деб, Дельвигни эса, манфаатли нарсаларда бўшанг, шўхликда бетийиқ, эрмакчи, нокамтар ва соддадил, деб ёзиб қўйди-да, ўзи ташвишга тушиб қолди. Бу хусусиятларда ажаб зиддиятлар пайдо бўлган, табелни саранжомлаб чиқишнинг ҳозир сира имкони йўқ эди. Уч йил муқаддам одамларнинг янги тоифасини яратишга умидвор эди. Ким билсин? Ҳақирлик ҳеч кимда йўқ шекилли. У бирдан «характерлар» деган нарсани чизиб ташлади-да, фақат «лаёқатлар»ни қолдирди-да, енгил тортиб, хўрсиниб қўйди.

Горчаковнинг фавқулодда муваффақиятлари бор, хотираси тез, Вальховскийнинг лаёқати ҳар томонлама, Пушчиннинг муваффақиятлари пухта, ўзи эҳтиёткор, Корф — гўдак сингари камтар, ниҳоятда тиришқоқ, изланувчан, Данзаснинг расм чизишдан ташқари ҳеч қандай қобилияти йўқ шекилли. Ўғли ҳақида эса ўз қўли билан ноёб кўнгилчанлиги ва эҳтиётсизлиги бор, деб ёзиб қўйилган эди Кюхельбекер — nota bene белгиси остида: жўшқин ҳиссиётли, ориятли, сўзшуносликда қонмас заҳматкаш, Пушкин — худди ўша белги остида: диди совуқ, заковати мукаммал, истеҳзога мойил, сўзшуносликка хилватталаб, шуҳратга эса хуфия ишқи бор, деб кўрсатилганди. Пилецкийнинг зиёратидан кейинги кунларда ёзиб қўйилган «совуқ» билан «истеҳзога мойил»ни кўргач, директорнинг эсига шаккоклик тушиб кетди. Ҳаяжонланиб

кетиб, кабинетини айланиб чиқди-да, мураббийларга ва талабаларга атаб иккита нутқ ёзишга ўтирди. У биринчи галда тарбиянинг қарийб бошида рўй берган муҳим табаддуллар жуда кўп синовларни бошга солганини, лекин жўяли раҳбарлик остида кор қилганини кўрсатмоқчи эди: майда-чуйда ҳаваслардан чалғитиб, давлат ва ҳарбий ишларнинг муҳим мазмунини таъкидлаб, улар улғайгувчиларни истиқбол соҳаларига тайёрлаб келдилар. Қолган гапларини: дарборнинг эзгуликка совуқлигини у Куницинга бевосита, шахсан айтишга қарор қилди. Талабалар орасида ҳақирлик кузатилмаяпти. Нутқда буни эҳтиёткорлик билан тилга олса бўлади. Бутун байрам мутасаддилигини Куницин зиммасига юклашга, у билан биргаликда муқаллаф кишиларнинг рўйхатини тузиб чиқишни кўнглига тугиб қўйди. Уни эски, қачонлар унут бўлиб кетган ҳаловат туйғуси қамраб олди. Боши лов-лов ёнарди, кўзлари тиниб кетганди, лекин у патни сиёҳдонга ботиришни ҳам унутиб, нуқул ёзарди, пат ғичиллар, ўзи оғир-оғир нафас оларди. Ниҳоят, имзо чекди, нуқта қўйди, варақка қум сепди-ю, шалвираб қолди.

У кеч ҳушига келди, ўғли Иван билан Вальховскийни чақириб келишни буюрди, арзимаган бир гапни айтган бўлиб, уларга юраги эзилиб қаради.

Келиб қолган Куницинга: эндиликда урушнинг хайрли якунида депутатлар чақириғига киришилади, таассуфки, лицей жўжалари ҳали бунга тайёр эмас, дарвоқе, у пайтгача улғайиб ҳам қолишар, деб айтди. Халқ сазоси худо сазосидир. У Куницидан умумхалқ байрами учун барча зарур тадорикларни кўриб қўйишни сўради. Куницин директорнинг яна маъшум дарди қўзғади, деб ўйлаб, хўмрайиб олди. Малиновский бир хўрсиниб, деразага қараб қўйди: аллақачон март ойи бўлган эди.

Унинг нафас олиши тобора оғирлашар, фикрлари чалкашар, Куницинга машаққат билан тутила-тутила ўғли Иван, қизи, уларнинг Вальховский билан дўстлиги ҳақида гапирар эди.

— У менга тутинган ўғилдай бўлиб қолди.

Бошқа гаплардан қатъий назар, наздида, Михайло Михайловичнинг режаси рўёбга чиқмоқда: талабаларнинг ўз оиласидан ташқарида тарбияланаётгани янгича одамшавандаликка қўл келади, бу уларни мустаҳкам меҳр билан бойлайди. Фақат меъёридан ошиб кетилмаса бўлгани: Пушкин ҳажв борасида, қуюшқондан чиқиб кетади, Яковлев ҳам қолишмайди — уларни ўйлаб хавотирланаман.

Сукут сақлаб туриб, у душманлари: қаттиқ қаршилик кўрсатадиган Разумовский ва Аракчеев ҳақида, Россия Генерал Штатлари тўғрисида гап очди. У ҳаяжонланиб, ўзини билмай қолди. Куницин бемор хонасидан ҳаммани четлатишга кўрсатма берди.

Бемор узоқ алаҳлади, нотаниш, афтидан, турк тилида кўп гапирди ва ҳушига келгач, қатъият билан анжомлар жўнатиб бўлинганини, ўзи ҳам Уфа губерниясига жўнаб кетаётганини, шу топдан эътиборан ўша ерда деҳқончилик ва аҳолининг илм-маърифат билан шуғулланажагини айтиб, Куницындан бошқирд оқсоқолини суриштирди. Энди кўклам пайти, йўл ҳали-замон очилиб қолади, ҳамма нарса тахт. Куницындан лицейда қолишни, ўзи жўнаб кетганидан сўнг, уни паноҳига олишни илтижо қиларди. Ҳасрат уни қийнаб ташлаган, у ориқ қўлларини букар ва йиғларди.

Бирдан у Куницинга ўтли нигоҳини қадаб, қўлларини кўксига босиб туриб, афтидан, уни бўлак одам деган гумон қилиб:

— Зоти олийлари, мен мутасадди этилмиш тарбиявий муассасада энг асосий нарса мавжуд — унда ҳақирлик руҳи йўқ,— деди.

Кўп ўтмай Самборский етиб келди. Қариянинг боши селкиллаб турар, уни қўлтиқлаб олиб келишмоқда эди. Эшик тагида у одатий саволини берди:

— Ҳуши жойидами?

У бирдан қад тиклаб, дадил қадамлар билан ўсал кимса томон ўтди. Кечки пайт директор кабинети ёнида, Гауеншилддан бошқа деярли ҳамма профессорлар йиғилишди.

3

Ҳамма ёқ одатдагидан кўра сокинроқ эди. Улар аҳён-аҳёнда деразадан директор уйи тарафга кўз ташлаб қўярдилар. Кеч соат олтида Чириков уларни сафга тизди-да, барча атиги бир неча кун бурун директор ўзлари билан суҳбатлашган ўша хонага қараб равона бўлди. Уй олдида драгунлар отряди турарди. Директор мундирда ётарди. Унинг чеҳраси камоли осойишталикни ифодалаб турар, дўнг пешонаси текис тортиб қолган эди. Кошанский, Куницин, Карцов ва кичкина Будрилар тобутни кўтариб чиқиб, енгил аравага қўйдилар.

Олдинда драгунлар, улар кетидан мотамзада лицей швейцари, тобут олдида хонишчилар борардилар. Икки нафар ассистент директорнинг ягона орденини болишда кўтариб, амакилар отни етаклаган ҳолда, тобутни ушлаб бордилар.

Лицейчилар директорни то заставагача кузатиб қўйдилар. Улар шу ерда видолашдилар. Депутат бўлиб беш киши: ўғли Иван, Вальховский, Пушчин, Матюшкин, Кюхельбекерлар — орқабуғгача кузатиб кетдилар.

4

Улар залда, даҳлизларда, аркда айланиб юришар, ҳужраларига кириб кетишарди. Александр билан Дельвиг энди ҳолимиз не кечади, Кошанскийни директорликка тайинлашармикан, деб гаплашиб юришарди. Иккалови ҳам тайинлашмайди, деган тўхтамга келдилар, чунки улар бундай бўлишини истамас эдилар. Имиққина даҳлизда оҳиста айланиб юриб, улар деворларга, гумбазсимон шифтларга, боягина Матвей амаки ёқиб кетган шамларга илк бор янгича назар билан қарадилар: улар ўз уйларида эдилар.

Бу даргоҳ ортиқ иезуит писиб юрадиган монастирь эмас, министр Разумовский орзу қилган ўйинчоқ «академия» эмас, бу — соҳиби вафот этган хонадон эди.

Александр билан Дельвиг қўл ушлашиб, ҳувиллаб қолган директор деразаларига термилардилар. Бу йил ҳамма нарса қўрқинчли даражадаги бир ўнғайлик билан ўзгариб келди. Бу зинапоял, ҳамма нарсаси эскича, одатий шу уй — унинг жонажон уйи, иккинчи ватани эди, бу ерда деворини Пушчин тақиллатиши мумкин бўлган ўз ҳужраси бор эди.

Вальховский, Кюхельбекер, Матюшкинлар бурчакда юрак-юракдан қайғураётган Казак ёнидан кетмасдан ўтирардилар.

Директор ўзининг вазмин одимлари билан шу даҳлиздан кечагина ўтгандай туюларди. Ташвишманд, бамаъни директор мангу яшашга бел боғлагандай, гаплари пишиқ, машғулотлари пухта эди. У адолатли ва қаттиққўл эди. Бир марта ўғлига танбеҳ бераётганини ва унга Малиновский деб мурожаат этганини Александр эшитиб қолган эди. Бир плебейдек у лицей республикасида тенгликка риоя қиларди. Бутун кибор нарсалар унинг учун ёт эди. Шўхликлар унга маъқул эмас эди. У икки марта Александрнинг таъзирини берган, иккала сафар ҳам риоя қилмаган эди. Фақат ўшанда — уруш вақтида бир марта унга очилиб, дилдан жилмайган ва елкасидан қучиб қўйган эди. Мана энди ҳадемай очофат судхўрлар, тезпишар ворисларга ўхшаб, Кошанский ёки Гауеншилд банд қилажак директор уйи ҳувиллаб ётар, аввалги файзи йўқ эди.

5

Лицейдаги ҳамма нарса бирдан ўзгариб кетди. Малиновскийнинг вафотидан сўнг иззатталаблик дардига мубтало бўлган профессорларнинг бари лицей ишларини идора этиш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш пайига тушиб, министр қабулини галма-гал пойлаб қолдилар. Фақат Будри билан Куницин унинг ёнига қатнамасдилар. Министр хўмрайиб, ўз тирноқлари

жилоси билан овора бўлиб ўтирар ва уларни бош ирғаш ёки ҳа-то суст қўл ишораси билан жўнатаверарди. Министрнинг боши қотиб қолган: Малиновскийни алмаштириш учун аввал неча марталаб баҳона қидирган, мана энди, қазо қилганидан кейин, унинг ўрнига қўйгудек одам йўқ эди. Лицей ўзи нима, нима бўлмоғи керак? Ҳаммаси мавҳум: лицей фозил боғбонлар мевалариниг янги навларини етиштириб бериши лозим бўлган оранжерея, парваришхона қабилидаги бир ҳавас эди. Царское Селонинг тақдири қил устида турган пайтда уни алмаштириб бўлмайди, чунки у ҳамма нарсани муҳофаза қилиши, болалар билан андармон бўлиши керак эди. Аммо энди Париж истило қилинганда, бир томондан, ўша ерда турган давлатпаноҳни овора қилиш жоиз эмас, бошқа томондан эса, лицей нима бўлиши — уни қайси даражага кўтариш маълум эмас эди. Аслида унинг европача руҳдаги муассаса бўлиб қоладиган афти бор эди, лекин бошқа жиҳатдан қараганда, Европани сира эслатмайдиган Аракчеевнинг мавқеи тобора зўрайиб бораверди.

Министрга пўримлиги билан ёқиб қолгани сабабли директор ўрнида ишлаб турувчи қилиб қўйилган Кошанский ўзининг директор этиб тайинланмаганидан норози эди. Бундан ташқари, раёсатда яна Куницин ҳамда яқиндагина иш бошлаган нозир Фролов ҳам кенгашиши шарт эди. Бу эса, Кошанскийнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Адабиётда унинг ҳурматини жойига қўйишса ҳам ёзганларини босишмайди, энди хизматда ҳам шу аҳвол: директор эмасу директорликни бажарувчи, жин урсин, бу нима бало дегани. У залдан мағрур юриб ўтиб кетди, таъзимларга илтифот билан жавоб қилди, лекин бир ҳафтадан кейин аччиғидан ича бошлади.

Куницин уни аянчли аҳволда кўрди.

— Хизматларингни қадрлайман,—унга хира кўзларини тикиб хириллади Кошанский,— тенг бошқарувчи деб сени тан оламан, лекин ўшал Фролов дегани қанақа фигура бўлибди? Ҳатто уни фигура ҳам эмас, фй-гу-ра дейман!

Бу гап ўз маъносига молик эди, зеро, Фролов собиқ ҳарбий киши бўлиб, *фигура* сўзини ўзига хос тарзда талаффуз қилар, кўп ишлатарди.

Шу тариқа лицей бедиректор қолди-ю, ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Унда янги *фигура* пайдо бўлди-ю, ҳамманинг ўй-хаёлини банд қилиб қўйди: Фролов. У ҳарбий усти бошини ечар-ечмас, лицейда синфлар ва ахлоқ нозири сифатида ўзини кўрсатди, кўкрак кериб кириб келди, ҳаш-паш дегунча, афтидан, эски таниши Леонтий Кемерский амакини тузлаб кетди: у лицей қусурларига пишанг берар эмиш.

Кўзларини олайтириб, у ҳадеб:

— Бу нама? Бу нама?— деб такрорлаганича, унинг устига бостириб кела бошлади.

Кошанский Леонтийнинг ёнини олмаганида, Фролов уни ҳайдаб юборган бўларди. Аммо-лекин унинг талабига кўра дарров янги амаки: ёшгина, ҳали бола деса ҳам бўлаверадиган, кўзлари оқиш ва бежо; қўллари баҳайбат, дўхти совуқ Сазонов Константин олинди, Фролов қошида у шу қадар қоматини ростлаб турардики, бунниси ўтиб кета туриб, аста:

— Вольно!— деб қўярди.

У шитоблик билан ҳарбий тартиб-қоидаларни жорий қилди: эрталаб Сазонов Константин қўнғироқчани зўр бериб уч карра чалар, сўнгра полковникнинг ўзи пайдо бўларди (у артиллерияда подполковник бўлган, лекин Сазонов ва бошқа амакиларининг ҳаммаси уни полковник деб аташарди), талабаларни уч қатор қилиб сафга терар ва:

— Худо ёр бўлсин!— дея буйруқ берганича, саф ва қаторни қатъий назорат қилган ҳолда, ибодатга олиб кетарди.

Умуман, у дарров фаоллик кўрсатди. Пиёва бекор қилиниб, чой ва юмшоқ кулчалар пайдо бўлди. Пешинликка — нордон квас.

— Армия ва корпусларда ёппасига шундай қилинади,—деб хириллади у экономга, бу ҳам гап қайтаришга журъат этмади.

Илгарилари улар ўз хоналарига бемалол кириб-чиқиб, у ерда хоҳлаган ишини қилиб юришарди, Фролов у ерга фақат ўзи томонидан, ўз имзоси билан берадиган билетлар билан киритадиган бўлди.

У ҳарбийларча — қоп-қора чамбарагулчин қилиб имзо қўяр эди. Ҳарбий хизматни ҳар нарсадан аъло кўрар, кадетларни тимсол қилиб кўрсатарди.

— Сафда туришни бизнинг корпусда кўринг!—дер эди у.— Бу ерда — номи бор, холос.

У лицей эркинликларидан афсусланар ва нафратланарди.

Газета ва реляцияларни Сазонов унга мутолаа учун келтириб берар, улардаги ҳамма ортиқча нарсани полковник қайчи билан қирқиб ташларди.

— Муҳаммад ортиқчасини қирқ, деб бежиз айтмаган,—хирилларди у. У Муҳаммад ва қуръонга бемалол суянарди.

Таълимнинг кибор йўналишига ён бериб, у кези келганда, талабалар билан гаплашиб турарди. Фролов Руссони яхши кўрарди. Ҳар қалай, у Кюхельбекерга:

— Унинг Эмилияси таърифдан ташқари. Ўша Эмилияни корпусимизда ёд билишарди,— деган эди.

У Эмилни Эмилия дер, қаҳрамон қиз деб ўйлар эди.

Амакиларга нисбатан Фролов қаттиққўл эди. Улар, назарида, интизомни йўқотишган эди. Матвейлардан бирини у ҳайдаб юбор-

ди, Александрга энди Сазонов Константин қарашиб турарди. Кўзлари оқиш, қўллари узун-узун бўлган бу ўспирин мудом ўйга толиб юрарди. Баъзан болаларча илжайиб қўярди. У, одатда, саҳарлари уйқусираб юрарди.

— Константин — ишончли одам,— дерди Фролов,— жуда бино қўйгудай эмасу ишончли.

Фролов чавандозликни орзу қиларди.

— Суворилар сафи-я!— дерди у ўйчан.— Манеж олис эмас, ҳайронман, нега уни урф қилиб бўлмас экан: виқор ва қоматни фақат чавандозлик беради.

У тез орада чавандозлик машқини уюштирди. Улар манежда юрадиган бўлдилар. Александр, Вальховский, Броглиолардан у мамнун эди:

— Эгарга эгилишади, отдан ҳуркишмайди, от ҳам уларни тушунади. Горчаков тўғрисида у хиёл нафрат билан фикр билдириб:

— Миниши дурусту, лекин хотинчалиш. Узангига оёғининг учини қўяди, — дерди.

Зўр машаққат билан шапшар топиб келган Кюхля унинг зардасини қайнатиб юборарди:

— От ундан қўрқадими, у отданми — буни пайғамбар ажрим қилиб беради.

6

Энди Пушти далага чиқишганда, Чириковнинг гапини улар қулоққа олмай қўйган эдилар.

Чунонам шиддат ва қўрслик билан курашиб кетардиларки, Чириков бутунлай қўл силтаб, шийпонга кириб, хаёлини қамраб олган поэмасини қоғозга қоралаб ўтирарди. Лекин шовқин келмас: улар пишиллашар, йиқилишар, тўлғанишар, илондек эшилишар, то бironталари тиззасини тантана билан қулаган рақиби кўксига тирамагунча, бўлган-турганлари шу эди. Умумий тўс-тўполон ўшанда бошланарди. Александр дуч келган рақиб билан кураш тушаверар, лекин кўпинча омади келмасди. Броглио бақувват, қўллари метиндай эди. Бир куни у Александрга кураш тушишни таклиф қилиб қолди. Бу ҳам бош тортмади-ю, лекин бирпасда исканжага тушиб, қўлини қимирлатолмай қолди, мағлуб бўлди. Унинг рангида ранг қолмади, ёмон жаҳли чиқди, лекин Броглио билан ортиқ беллашмади. У хижолатда: Броглиодан, Малиновскийдан, Данзасдан бўйи паст эди, ўшаларга унинг ҳаваси келарди.

Комовский янаям кичкина эди. Бир куни Комовский Броглио билан кураш тушди. Улар майсада тўпчиқдай юмаланишарди. Бутун гап ўнг қўлни бўшатишда қолган — ўша қўл билан рақибнинг гирибонидан тутиб, қўлини нари суриш, кучоғини нохос кериб ташлаб, сакраб оёққа туриб олиш мумкин эди. Увоққина — нимжон Комовский кучли қўлларда илонбалиқдай бураларди ва полвон Сильвер Комовскийни тўсатдан қўлдан чиқариб юборди-да, бошқалар кўз очиб-юмгунча, унисн буни миниб олди.

Александр:

— Қандингни ур!— деб қичқириб юборди.

Шу лаҳзада Александр кичкина, жиккак, қув Комовскийни яхши кўриб кетди, ваҳоланки, бу пайтгача уни ҳеч ким менсимаган, юзининг ўзида икки юз хил нумер кўрсатадиган Яковлев бирон марта бўлсин тасвирламаган эди.

Аммо-лекин Александр қиличбозликни яхши кўрарди. Сим ниқоблар, рапиралар, оғир қўлқоплар бор ерда Броглио унга бас келолмай ҳам қоларди. У бақувват, барваста, елкадор, тепса-тебранмас эди. Вальвиль, мўйлови бўялган кекса француз, Александрга қойил эди.

— Вотр кор труа![1]

— Аванс![2]

— Ан кар[3].

Рапиралар эгилар, жаранглар, шақирлар, пошналар дукурларди. Ҳамлани кутиб ўтиришга Александрнинг тоқати етмас, Вальвиль эса, уни тўхтатиб қоларди.

Броглио енгиларди.

— Азроилнинг ҳам бўйи паст бўлган, жаноблар,—дерди кўнгли тўлган Вальвиль,—бу ерда бўй ҳеч гап эмас. Нега Пушкин яхши қиличбозлик қилади?— деб сўрарди у.— Ҳеч ким билмайдими? Унда мен тушунтириб бераман: у чинакамига расмана муборизадагидек олишади. Бир куни етмиш тўққизинчи йил чорланганимда...

Фролов Вальвилнинг машғулотларига келиб турарди. Илҳомланиб кетиб, у секингина:

— У ёққамас! Унга!— деб хирилларди.

У иттифоқо Пушкинга хайрихоҳ бўлиб қолди.

— Серғайрат, чапдаст, ажбир ва чаққон,— дерди Александр ҳақида у ҳурмат билан.

Пушкиннинг шоирлигини, яна энг ҳажвий йўриғдалигини эшитиб, у тундланиб қолди, кейин эса сал тетикланиб, салобат билан:

— Лицейдан ташқарида кулса кулаверсин. Державин ёвқур, муштумзўр ўтган, министр бўлмаганда борми, генерал бўларди, албатта. Ўзи эса ҳажвий нарсалар ёзиб юрган. Энди эшитишимча, ис-

---

[1] Учинчисини ҳимоя қилинг *(Франц.)*

[2] Бир қадам олға! *(Франц.)*

[3] Тўртинчига! *(франц.)*.

теъфода эмиш, хизматга ортиқ лаёқати ҳам қолмаган бўлса керак. Пушкин эса жуда эпчил: ҳамласи зўр. Унинг ҳамласида шайтонча шиддат, тасаввур бор, деди.

Айни ўша тасаввур Александрни рақсда орқага тортар эди. Кюхельбекер рақс борасида энг уқувсиз саналарди. Рақсни Гюар деган семиз чол ўргатар, улардан ҳаракат учун керакли виқор тополмай ҳайрон бўлар эди. Кюхельбекер тактни сақлаёлмас, қўлларини силтар, командага бўйсунмай, дам чапга, дам ўнгга қараб, узоқ тебранар эди ва ҳоказо. У тиришқоқ эди-ю, лекин бундан аҳвол осонлашмас: ўртоқларининг кулгисини қистатар, фигураларни бузиб юборарди. Гюар Кюхельбекернинг рақслардан озод этилишини илтимос қилиб юрарди.

— Гунгларни ашула айтишдан озод қилиш шарт, — дерди у,— рақсда ҳам гунглар бўлади. Кюхельбекер — ўшанақа гунг.

Лекин Кюхельбекердан куладиган Александрнинг ҳам ундан ўтадиган жойи йўқ эди, дўстининг сакрашларини томоша қиламан, деб, у шундай овора бўлиб қолардики, чолнинг командаси қулоғига кирмай, олдинга чиқиб кетиб қоларди.

7

Ўзи қўзғатган қизиқиш Фроловга нашъа қиларди. Лицейда навбатчилик пайти, у уззукун пага-пага тутун чиқариб, ўзининг узун чилимини чеккани чеккан эди.

Сазонов, чақмоқ!—деб бақирарди у.

Сазоновдан садо чиқмагач, у:

— Ҳой сен, фигура!— деб бақирарди.

Муҳим жиҳат, полковник ҳам, унинг югурдаги Сазонов амаки ҳам кечалари дом-дараксиз йўқолиб кетишар, эрталаблари эса, ҳамиша қўнғироқ олдидан пайдо бўлишарди. Баъзан эрталаб полковник хўмрайиб, бўғилиб, хириллаб юрар, баъзида эса, хушмуомала бўлиб қоларди. Полковникнинг сири тез орада аён бўлди: бир куни у интизомни йўқотган Матвей амакига таъзир бераётганда, бармоғини нимчасининг орқасига тиқиб қолди-ю, бирдан мой босган карталар тўкилиб кетди. Полковник қиморбоз эди. Гезариб, у Сазоновга карталарни йиғиштириб олишни буюрди, уларни чўнтакка солди-да, шартта бурилиб, ғойиб бўлди. Сазонов ҳамиша ҳушёр, лекин нигоҳи ҳиссиз эди. У камдан-кам очиларди. Бир куни унинг ҳаракатлари айниқса суст, кўзлари хомуш кўринди, у берилган савол эшитмай, Александр қошида узоқ туриб қолди. Александр унинг қўллари қалтираётганини пайқади. Александрнинг ҳайратини кўриб, у ўзига хос маъсумлик билан илжайиб қўйди.

Фролов ўзининг армияча хирқирашлари, қуръон ва Эмилияни бот-бот тилга олиб туришлари билан Александрни завқлантириб

юборарди. Пушкиннинг қалтис эрмакчилигини хотирлаб, Фролов унинг муҳим ўянларига: қадалмаган тугмаларига, кўп рўмолча йўқотишларига, бемаҳал сайрлари ва ҳоказоларга бепарво қарарди. Дарвоқе, бақироқнинг ўзи аслида кўнгилчан эди. Вальховский билан у ҳарбий мавзуда суҳбат қуриб турарди:

— Илмларингиз ичида сизларга ёлғиз математика асқатади — нишон олганда керак бўлади. Менинг ўзим илгари математик бўлганман.

У талабаларнинг дунёвий таълимини муваққат деб ҳисоблаши очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ким гўлроқ бўлса, ўшаларни: Мясоедовни, Тирковни, Костенскийни баъзан атрофига тўплаб олиб, уларга Наполеон ҳақида ҳикоя қилиб қоларди:

— Хуллас-калом, тақсир, хабар келди: авангард кўриняпти. Мен команда бердим, хўш, нима бўлди денг? Ўзимизникилар бўлиб чиқди. Чатоқ! Ачинарли ҳол, лекин қуръон айтмоқчи, тирик жон нохос хато қилиб қўйиши мумкин.

Уни ёмон кўрадиган Чириков, Фролов Наполеоннинг дарагини эшитгану Смоленск канорасидаги Лонки деган мулкидан жуфтакни ростлаб қолган, деб ғийбат қиларди.

Фролов артиллериячи эди, лицейда ногаҳон пайдо бўлишининг боиси ҳам шу: у генерал Аракчеевга ёқиб қолгани учун лицейга мураббий қилиб қўйилган эди.

8

Ҳамиша жиддий, ташвишманд, қовоғи солиқ Малиновский ўзи ҳақида боқий хотира қолдириб ғойиб бўлди — Вальховский, Малиновский, Пушчинлар сағир бўлиб қолишди. Нуфузли пўрим Кошанский жазаваси тутиб юрарди. Унга бир ой, икки ой кўз тутдилар, бир куни эса, унинг ўрнига семиз, имиллаган, ҳеч унга ўхшамаган бир киши — Галич келди.

Унинг биринчи лекциясини сабрсизлик билан кутдилар. Улар Кошанскийнинг шубҳали қарашларига, сукунатга илҳақликда кафедрани бармоғи билан тақиллатишларига, маккор саволларига, увлашию вишиллашига — шеър ўқишига ўрганиб кетишган эди. Улар ҳамма нарсага тайёр эдилар.

Янги профессор креслога оҳиста ва бемалол ўтириб олди, кўзойнагидан уларга бешубҳа қараб қўйди-да, шошмасдан Кошанскийнинг дарслигини очиб кўрди. Кошанский мудом курсдан қолиб кетмаслик, программага мослашиш дардида ҳалак эди. Янги профессор дарсликка кўз ташлади, тингловчиларга парво қилмасдан узоқ қараб қолди, кейин бирдан мийиғида кулиб, дарсликни ёпди. Уни четга суриб қўйди-да, ортиқ дарслик тўғрисида гап очмади.

Ҳамон ўшандай шошмасдан, у, бирорталарингиз манави китобни ўқиб берингизлар, тасодифан олиб келибман, деди. Бу Коцебунинг драмаси эди. Яковлев биринчи саҳнасини ўқиб берди. Профессор уни тўхтатди-да, ҳамон аввалгидай шошилмай:

— Бу саҳнанинг нимаси чатоқ?— деб сўради.

Фаҳмладиларки: у хушфеъл, эринчоқ, тезпишар муваффақиятларини-ю, директорлик ўрнини кўзламайди, бунинг устига улардан кўп нарса кутмайди ҳам. Коцебу ҳақида баҳс бошланиб кетди.

Александр янги профессорга таажжуб билан қараб ўтирарди: бу кишида дид бор эди.

Кейин эса, профессор титилган бир китобни очди, улар ҳам таниидилар: бу уларга Кошанский ўқиб юрган Корнелий Непот эди. Кошанский ундаги ҳар жумлага қойил бўлар, шу боисдан таржима қилишга улгуролмасди.

— Чолни бир титкилайлик-а, — деди янги профессор.

Уни шу илк учрашувданоқ севиб қолдилар.

9

Фроловнинг терговлари унинг ўз майл ва одатларига зид эди; талабалар унинг армияча қилиқлари-ю, бирмунча хархашасига ванд беришни одат қилиб олдилар ва энди уларга ҳеч ким халал бермасди. Улар мулоқот чоғида ота-оналари билан айланиб юришар, учрашувлар ҳам асл қамоқча бўлган Мартин давридагидек эмас эди.

Сергей Львович билан Надежда Осиповна Москвага қайтишмади — Варшавадан жой чиқиб қолди-ю, Сергей Львович ўша ерга отланди. Саёҳат ҳам, ўзининг қадрига ета билмаган пойтахтдан нарилик ҳам, соҳибжамол аёлларга кон Варшаванинг ўзи ҳам — ҳаммаси Сергей Львовични янги лавозимда қаноатлантирарди. У хуш фикрлар билан ўзини-ўзи овутарди: гарчанд мартабаси ошмаган бўлса-да, лекин нима деганда, йироқ ўлкага тайинланишнинг обрўси бўлмаса ҳам жозибаси бор эди. Дарвоқе, тупканинг тагига жўнаб кетишга у ҳеч ошиқмас ва йўл харажати учун олган пулларини кайфу сафога сарфлаб юрарди.

У ўғлига хийла кам ёзадиган бўлиб қолди. Хуллас, Александрдан хабар олгани ҳеч ким қатнамасди. Улар энди бемаҳалда яширинча боғда айланиб юришарди. Қандолатхонага хуфиёна киришарди, Горчаков ҳам беғамлик билан:

— Қандай сарбаст яшаяпмиз-а!— дерди.

Улар иноқлашиб кетишди. Горчаков ҳамма нарсани бемалол гапира билар, ҳамма гапни дарров уқар ва сира ҳайрон бўлмасди. Горчаков ҳаддан ортиқ шуҳратпараст эди, шуҳратнинг исини олса, лаққа тушаверарди. Ҳамма профессорлар, ҳатто тунд Кайданов

унинг ёрқин истиқболига ишонишар, бундан кўнгиллари тўқ эди. У энди Пушкин шеърларини бажонидил тинглар ва ҳар замонда анчагина жўяли маслаҳат ҳам бериб қўярди.

Маълум шеър кимларга маъқул бўлиши ва не сабабдан муваффақият қозонишини у бехато биларди. Ғоят шукуҳли Горчаков ҳар кимга ҳам риоя қилавермас, умуман, лоқайд эди, шунинг учун у кўрсатаётган илтифотлар шоирга хуш ёқарди.

Вақт кўп: фанларни деярли ўқимай қўйишган эди. Олдинда оммавий имтиҳон турарди. Марҳум Малиновский тантанали имтиҳон ўтказишни ният қилган эди. Ҳозирда ёппа парокандалик пайтида бўлажак имтиҳон лицей эҳтиросларини тийишга қодир бирдан-бир жилов ва сиёсат эди.

— Акс ҳолда уларнинг камоли парокандалигидан чўчимоқ керак, — дерди Кайданов, — илмлар тура турар.

10

Унинг роҳиб ҳақидаги дўзахий поэмаси битиб қолаёзган эди. Бу энг иблисона, ҳажвиёна йўриғдаги, роҳибни васвасага соладиган шайтонларнинг ўйинлари, роҳибнинг кўзини ўйнатадиган оқ юбка, шайтонни миниб кетаётган роҳиб тасвирланган достон эди. У бир варақ қоғозга кампирона танғиб қўйилган маймунсифат калани: Вольтерни чизарди. Унинг «Бокира»сига муносиб эди бу. Орлеан ҳур қизини иффатидан абадулабад маҳрум қилган шеърлари довруқли, бақироқ Ферней чоли, отасининг махфий жавонларидаги Барковнинг қудратли, шалоқ садолари ёдига келарди. Ўзига қолса, сатрлар орасига Барков билан Вильон расмларини жон деб чизиб қўйган бўларди-ю, бироқ, бу харобот жувонмаргларининг портретларини билмас эди. У Барковни муштумлари гурзидай келадиган барзанги деб тасаввур қиларди.

Василий Львовичнинг тимсоли уни сеҳрлаб қўйган: у амакисининг хохолашини, чин иблисона вишиллаши-ю, чийиллашларини хотирларди. Ҳа, у ўзи ҳам хуфия шуҳрат учун, зимдан ўқишлари учун туғилган, унинг поэмаларини ҳам махфий жавонларда сақлаяжак. Қалтис, мужмал шуҳрат ҳавасини келтирарди.

Ўзига тўла эрк берса бўларди: поэмаси ҳеч қачон нашр юзини кўрмайди, бунга у амин эди. Дмитриев хонадонида осиғлиқ расмлар: сўник табассумлар, ғилай шаҳвоний кўзлар, чала нур, чала соя. қора зулмат ичидаги оқ юбкалар унинг эсида эди. Ҳатто Парни таржимасида ҳам тиниқлашмаган. Оссианнинг хира поэмалари: ғорлар, яшинлар, оқиш тўлқинлар унга манзур эди.

Жуковский янги йўриғдаги, мисли йўқ поэмаси: «Рус жангчилари ўртасидаги куйчи»си билан ўзининг ва ўн иккинчи аср ғалабаларининг донғини ёйиб юборди. У кескинлиги билан Державин

назмларини тасвирийлиги билан — балладани, музикаси, сўзи билан — модага кирган қўшиқни эслатарди. Унинг оҳанглари ғайриихтиёрий равишда эсда қоларди, бирдан ҳамма шу мақомда шеър битишга бошлади. Батюшков, амакиси Василий Львович изидан бориб, қария Шишков билан унинг «Беседа»сини, Жуковскийнинг машҳур «Куйчи»сини такрорлайдиган шеърлар билан кулги қилиб чиқди. Унинг поэмаси «Варягоросслар ўртасидаги куйчи» деб ҳазиломуз номланган эди. Бу нафақат Шишковнинг сариқ уйи, балки хушоҳанг поэма устидан ҳам енгил истеҳзо деган гап эди.

Машҳур поэманинг дастлабки тўрт сатри ўқилса кифоя:

Ҳарб майдони ичра сукут ҳукмрон,
Гулханлар ёнадир чодирлар аро.
Дўстлар, ой боқади бунда нурафшон,
Бунда кулиб турар гумбази само,—

шу замон қофиялар ўзи қуйилиб келаверарди. Бамисоли янги сеҳржоду эди бу.

Куйчи ўз шеърларининг мусиқасига дош беролмади. У худди ўша мақомда «Кремлдаги куйчи»ни, кейин гўзал жиянининг тўйига атаб «Тула балладаси»ни ёзди:

Тула харобасида сукунат,
Аллақачон ёнар сголда шамлар...

Уларнинг лицейида Гауеншилд ҳақидаги қўшиқ тарқала бошлади:

Лицейнинг залида сукут ҳукмрон —
Орамизда қизиқ ҳолат, ажабо,—
Дўстлар, даврамизга суқилар шайтон
Ширинмия бордир тишлари аро.

Ҳатто Кошанский ҳам жазаваси тутиб, бу «ёпишқоқ» сатрларни минғирлаб юрарди. Ҳеч кимга маълум бўлмаган шоирлар ўша мақомда ҳали Жуковский сано этиб улгурмаган қаҳрамонларни шу мақомда мадҳ этиб, «Куйчилар»нинг сон мингтасини қалаштириб ётардилар. Янгича мусиқий поэзиянинг гулдурос тантанаси мана шундай бўлди.

Бу шеърлар миясига ўрнашиб қолган, айниқса бошланғич икки сатри унга азоб берарди. Жуковскийнинг овозали ва покиза шуҳрати шу икки сатру, «Варягоросслар куйчиси» шарофати билан ҳаддан ташқари шов-шув бўлгандай, бирмунча кулгилидай кўриниб қолди.

Аллақандай ҳадиклар кечалари унга уйқу бермасди, чаккаларига қон уриларди, муболағали, қўрс, тийиқсиз шеърлар унинг тушларига кириб чиқарди. Ўзининг «Куйчиси»ни у бир ҳафтада ёзиб ташлади. Унинг куйчиси муштлари метиндек, мушакдор, зўр, дароз, барзанги эди. Қовоқхонага айлантирилган монастирь остин-устин бўлган эди. Бу поэмадаги севгию муштлашувлар расмана отўйин бўлиб кетганди. Ҳеч кимсага, ҳатто оқ сочли нозирага шафқат йўқ эди. У энди тамом осий шоир эди. Жуковскийнинг бокира асари,— мабодо у мана шу қабиҳ қудратга молик шеърлардан кейин ўқилган тақдирда, — даҳшатли бўлиб туюлган бўларди. Ўз поэмасини у ҳеч кимга ўқиб бермади, тўшак тагига яшириб қўйди-да, вақт-вақти билан юраги ўйнаб юрди: йўқолиб-нетиб қолмадими, деб.

Касал бўлиб қолди. Уни шеър жазаваси билан аралаш безгак тутарди. У девори шипшийдам лицей лазаретида ётар, лицей табиби Пешель уни даволарди. Табиб Пешель ҳазиллашиб юриб, таваккалига шифоларди. Беморнинг афт-ангорини кўрганда унинг юзи хиралашиб кетарди. Унга ташвишли бир алфозда узоқ тикилиб қолар ва омонат дорихонанинг ҳеч кимга зиён етказолмайдиган дориларидан: ширинмия, лавр ва гилос томизғи дориларидан тез-тез ёзиб берарди. Баланд овоз билан: «Лаббай» деб, кейин ҳаммасини хаёлдан чиқариб юборадиган Сазонов амакига у барала буйруқлар берарди. Табиб Пешелнинг ўзига яраша юмуш ва ташвишлари бор: кечқурунлари у измасига гул тақиб извош аравада минг такаллуф билан Петербургга ғизиллаб қоларди. Табибнинг Вакх ва Венера фидойиси экани ва у Петербургга шаддод жононлар қошига учишини ҳамма билар эди.

Лазаретга Александр билан бирга Сазонов амаки ҳам жойлаштирилган бўлиб, у касалга қарарди. Амаки беморни парвариш қилиб, дардни кузатиб борсин, деб уларнинг ўрин-тўшакларини ёнма-ён қўйиб бердилар.

Александр алаҳлаганда дўзахий поэмаси ҳақида гапирар, уни қидириб, кўрпаларни пайпасларди. Аҳён-аҳёнда кўзини очарди: Сазонов амаки лабларига кружка тутганда кўкракларига сув тўкилиб кетарди. Сазоновнинг башараси тарашадай кўринар, оғзи нимочиқ эди; у тўзим билан кружкани беморнинг тишлари орасига тиқар, тўкилаётган сувга парво қилмасди. У ўз хаёллари билан банд эди.

11

Варшава сафари баҳонасида йўллари тушиб, айни шу куни Надежда Осиповна билан Сергей Львович Петербургга келган эдилар.

Александр алаҳлаб ётар, аҳволи ёмон эди. Бир марта кўзини

очиб, ўз боши узра волидаси чеҳрасини кўрди, булар ҳаммаси хаёл деган ўйда яна кўзини юмиб олди. Надежда Осиповна унинг тепасида қариган, сарғайган ҳолда, эскирган модадаги кўйлакда ўтирарди. Унинг сўлғин юзларидан ёш оқарди. У биринчи бор туш кўрмай, шубҳага берилмай, алаҳламай, қаттиқ уйқуга кетди-ю, эрта билан соппа-соғ уйғонди. Ҳали Сазонов амаки қаттиқ хуррак отганича, оғзини очиб ухлаб ётарди.

Бу гал Сергей Львович Александр билан янгича муомалада бўлди: унга Жуковский муваффақияти тўғрисида ҳикоя қилиб берди, Василий Львович амакиси жияни ижод этган парсаларини ўзига жўнатиб туришини илтимос қилганини айтди. Жуковский обрўманд ва иззат-ҳурматда, Батюшков билан амакиси ҳам машҳур, лекин унчалик эмас.

— Боиси, дўстим, ҳасадгўйликлари кучли, — деди у салобат билан.— Ҳалиям, хайриятки, Жуковский оғир-босиқ; улар эса ҳовлиқма.

Отаси унга бирмунча ҳурмат билан боқди, ҳатто ўз ниятларини айтди, умри бино бўлиб бундай қилмаган эди. Москвадаги Харитоний тор кўчаси йўқ — жингиртоб бўлган.

— Жиҳозлар-чи, эсингдами, дўстим, камин ёнида креслолар бор эди-ку? Энди ҳаммаси кулу хок. Биз бошпанасиз, дарбадар, ёнғинда қолган одамлармиз, сўзнинг том маъносида des vagabonds[1]-миз. Мен қип-яланғоч ва гадойман. Дадил бўл, дўстим. Ҳозир ҳар кимники ўзига бўлиб қолди, ёлғиз худо ҳамма учун. Варшавада фаолият майдони кенг. Энди ўша ёққа, ўша ёққа! Онанг тезда орқамдан етиб борарди. Сарф-харажат кўп.

Надежда Осиповна унинг енгидан тортди.

Ота-онаси Александр билан тезгина хайр-маъзур қилишди: улар доимгидек шошмоқда эдилар. Надежда Осиповна Сашкага таажжуб билан термилиб ўтирарди: устки лабида мўйлов сабза уриб қолибди. Уч йил бурун лицейга жўнаётганида, гарчи одамови бўлса-да, у ҳар қалай ёш бола эди. Энди эса, ўғлига бегонасираб, алланечук тортинқираб қарарди. Бу бола ҳадемай ўша гвардиячиларнинг ҳаммасига ўхшаб дўриллоқ овоз билан гапира бошлайди. Ёшлик сувдек оқди-кетди-я! Мана энди у кампир. У ўғлини пешонасидан ўпиб қўйди-да, қуруқ кўзларини муаттар рўмолча билан артаётган, узоқ қучоқлашиш, оҳ-воҳларни яхши кўрадиган Сергей Львовични шоширди.

Александр дарддан ҳам, дўзахий поэмалардан ҳам секин ариди. Лазарет деразасидан дарахт учлари кўриниб турарди. У яширинча Батюшковнинг шеърларини ўқирди:

[1] Дайдилар (*франц.*).

Дўстгинам, мен кўрдим денгиз даҳшатин,
Осмон ҳалокати жазосини ҳам...
Мен кўрдим рангпар онанизорларин...
Айрилишда кўрдим уларни...

Москва ҳақидаги бу шеър, бу такрор тушуниб бўлмайдиган бир йўсинда унинг кўнглини бузиб юборарди, ўзи нима сабабдан бошини болишга босганича узоқ ётишининг ҳеч тагига ета олмасди; кўзларига ёш келарди — негалигини билмасди, зеро, бу шеърлар асло таъсирли эмасди.

Бу куйиб кул бўлган Москванинг Батюшков дастлаб кўрган анча-мунча аниқ манзараси эди.

Уни дўстлари зиёрат қилиб туришарди: Дельвиг келди ва унинг пешонасидан ўпиб қўйди.

Дельвигнинг бир ҳаваси бор эди: *хотиралар*. Улар қайдан бинога келади — худога аён. Ҳамиша у ўзи ҳикоя қилаётган воқеалар шоҳиди бўлиб чиқаверарди. Боя сайр қилганида, у бир ногиронни учратган эди, энди Александрга шу тўғрида гапириб берди. У жангда яраланибди, госпиталда узоқ ётибди, олисдан келибди. Дельвигга Курск канорасида бир марта далада тунаб қолганини ҳикоя қилибди. Курск булбуллари хонишини Дельвиг ҳартугул ўзи ҳам эшитганига шак-шубҳа қолдирмайдиган тавсифлари билан сўзлаб берди.

Дельвиг оғзаки шоир эди. Пировардида дўндириб ташлаган гапларига унинг ўзи ҳам ишониб кетарди. Ундан: «Қандай ухладинг?»— деб сўраса, бас, Дельвиг дарров кўрган тушларини гапириб кетарди. Туш шу ернинг ўзида тўқиб ташланарди. У вайсақи эмас. Унинг жони дили печка ёнида, бурчакда ёнбошлаб, бошқаларнинг гапларини тинглаш, ҳар замон-ҳар замонда луқма солиб турииш эди. Шу зайл у ҳамжиҳат ижод этилаётган бандларга бутун-бутун сатрларни қистириб турарди. Александрнинг шеърларини тинглашни яхши кўрар, фаросати эса жойида эди; бутун ортиқча жойларини кўрсатиб берарди. Ўзи қўшиқлар ёзиб, буларни болалигимда эшитганман, деб уқтирарди. Ҳаммасидан ҳам у *тановулни* яхши кўрарди чоғи. Шеърлар унга худди ўшанча лаззат бағишларди шекилли. У ҳеч ким билан гаплашмай, Леонтий амакиникида шошилмасдан мороженое ер, кўзларида шеър ўқиганидаги каби маъно бўларди.

Кошанский дарслари бўйича у биринчи эди ва лотинча шеърларни маза қилиб ўқирди; кўзлари туманлашиб кетарди. Борди-ю, лобиров ундан таржима қилиб беришни сўраб қолгудай бўлса, ё лотинча сўзларни билмай, ё шеърларни жозибасидан маҳрум этишни истамай, ҳар қалай, эвини қилиб, қутулиб кетарди. Ўзини қизиқтирган китобни у ҳеч қачон охиригача ўқимас, уни тугатмаганидан,

қаҳрамонларга ўзи тақдир танлаб бериши мумкинлигидан роҳатланиб юрарди. Қоғозга, ғоз патига, уларнинг ғичиллашига ҳуши йўқ: меҳнатни таъби кўтармасди. У қоронғи бурчакдан туриб Александрнинг шеър ёзишини соатлаб кузатар, дўстининг тишини қисиб ёзганларини, чизиб ташлашини, атрофга абгор назар ташлаб, иниҳоят, патни алам билан отиб юборишини кўриб ҳайратланар ва ичдан қувонар эди.

У табассум билан хўшлашди: Александрни пешонасидан ўпиб қўйди ва ҳозиргина топган уйдирма гапларини Юдинга ҳикоя қилгани жўнади. Юдин унга тегажаклик қиларди. Дельвиг бўлса, шубҳали саволларга ҳазилкашни мулзам қиладиган, гапдонни роҳатлантирадиган бир хотиржамлик билан жавоб берарди. Дельвигнинг вақти доим ғанимат эди.

Ундан Горчаков ҳам хабар олди. У кибор олам янгиликларидан сўзлаб берди: Толстой ҳадемай спектакль беради шекилли, лицейчиларни ҳам таклиф қилмоқчи. Яқинда унинг ёнига меҳмон бўлиб опаси Елена келармиш. Елена — гўзал, яқинда турмушга чиқади, лекин чунонам ялқовки, умри бино бўлиб бирор варақ қоғозни ёзиб тўлғазмаган бўлса керак. У опаси тўғрисида бажонидил ҳикоя қиларди. Опаси нафақат ялқов, балки серқилиқ ҳам. Пешуров тоғанинг ҳозирги вақт учун камёб бир одати бўлиб, у тамаки ҳидлар экан. Нима бўпти денг? Елена ҳам тамакига ружу қўйибди. Унинг адабини беribдилар, лекин қайлиқ эмасми, шу боисдан унга жазо кор қилмаётганмиш. Қалай? Янги шеърлардан йўқми?

Ҳали рангпар, хаста Александр Горчаковни тинглаб ўтирди-ю, бирдан ранги баттар оқариб кетди: ҳужрасида, рост, яширин жойда-ку, лекин барибир, иккала поэмаси ҳам қолиб кетгани эсига тушганди. У ошнасидан иккала поэмани ҳам олиб қўйишини илтимос қилди.

Горчаков бир амаллаб кечқурун унинг ёнига кирди. Сазанов амаки кечаси ким қаёққа ғойиб бўлган, Александр ҳам палатада ёлғиз ётган эди. Иккала поэма — Горчаков қўлида. Ўқиб чиқибди. Поэмалар даҳшатли, ҳалокатли, касофати биргина Пушкиннинг бошини емайди. «Барков сояси»даги талай сўзларни у ҳатто тушунмади ҳам. Бундай поэмани шу ерда, сарой биносида, императорнинг бурни тагида топиб олишса борми, Пушкинни солдатликка бериб юборишади.

Александр изза бўлиб: «Наинки, иккала поэма ҳам шундай бўлса?»— деб сўради. «Барков сояси»ни унинг ўзи ҳам ўта эркин деб ҳисоблайди, лекин «Роҳиб»ни эса тугаллаб, жило бергач, нашрга бериш ниятида-ку. Шу зайл ўзининг пинҳона истагини: 1. 14. 16 деган махфий имзо остида ўз поэмасини босмадан чиққан ҳолда кўриш умидида эканини Горчаковга баногоҳ очиб қўйди.

Горчаков бош чайқади. Ошнасининг мулоҳазасизлигига у ҳайрон. Иккала поэма ҳам мудҳиш. У пинҳона нашъа билан ошнасининг авзойини кузатиб турарди: таассурот кўнгилдагидек бўлди. У яна қайта таъкидлади: уни балки солдатликка беришмаганда ҳам олис монастирга бадарға қилишган бўларди. Унинг нуроний нозиралар ва роҳиблар шаънига қилган нағмалари жиноятқоронадир. Уни монастирга даф қилган бўлардилар, у ўша ерда тоштахталарда ётарди. Лицейни эса, тарқатиб юборишарди, ёпиб қўйишарди, ҳамма унинг номига лаънат ўқирди. Горчаков авжига чиқди. Александрнинг жинояти улкан, у даҳшатли чоҳ ёқасида турибди. Горчаков уни сўнгги марта сақлаб қолаётир, ортиқ қўлидан келмайди.

У иккала поэмани ҳам пайсалга солмай, куйдириб юборишни маслаҳат беради: амаки ўт ёқиб кетган замон қўлёзмаларни печга тиқсин-қўйсин.

Александр ўйлаб-нетиб ўтирмасдан рози бўлди. Унинг кўз олдидан Горчаков шивирлаб бўрттириб кўрсатган манзаралар, ярим зулмат танҳолик кечди. Роҳибларни кулги қилгани учун (уларни кўрарга кўзи йўқ, баттар бўлишсин), аёлларга тил теккизгани учун ҳам эмас, салгина «ёпишқоқ», лекин гўзал бўлган шеърлар устидан кулгани учун у ўзини жиноятчи деб ҳис қилди. Мужмал поэмаларини эслашнинг ўзиёқ уқубатли эди. Горчаков ҳақ: уни бадарға қилишган бўларди. У иккинчи Вильон бўлар, номи Барковники сингари ношоён бўлиб қоларди. Синчковлиги, ҳаваслари, бошвогини йўқотган хаёллари қаёқларга олиб кетиб қолибди-я!

Горчаков мамнун бўлиб, оҳиста йироқлашди; Сазонов ҳали келгани йўқ эди, шунинг учун унга ҳеч кимнинг назари тушмади.

Александр тун бўйи ухламади. Деразалар ортида чуқур зулмат ястаниб ётар, уни сукунат қуршаб олган эди. Зангли шам эриб оқиб ётарди. Эски соат вишиллаб, ярим тунга занг урди. У на қамоқдан, на монастирдан қўрқарди: қочиб кетган бўларди. Лекин теварагидаги сукунат ўта чуқур, дўстлари олис, бутун жаҳонда яккаю ёлғиз эди. У Дельвиг махфий келтириб берган «Адабий суллоҳ, энг мароқли ҳодисалар, тарихий воқеалар ва шеърлар мажмуаси» деган француз китобчасини ўқишга киришди, шу одмигина француз китобчаси унга тасалли берди.

Барвақт уйғонди. Қароли бўлмиш Сазанов ёнида, ўз каравотида ўтирар ва унинг уйғонганини кўрмасдан, кийим-бошини аста тозаларди. Кийимлари лой, ифлос эди, узун-узун бармоқлари билан хас, тивитларини тергани ҳолда, бақрайиб, синчиклаб уларга разм соларди. Кейин ҳамон ўшандек, Александрнинг уйғонганини пайқамасдан, енгларини пайпаслаб чиқди, бунисини ҳам бир ёқли қилиб, гўё тунги саёҳат изларини йўқотмоқчи бўлиб, кафтларини бармоғи билан чизиб, ўз қўлларига тикилиб қараб қолди. Алек-

сандр кўзларини юмди. Сазонов унга бир қараб қўйди-да, товуш чиқармасдан ётиб олди. Бир минутдан сўнг у ухлаб қолди.

12

Эртасига ҳаммаси барҳам топди. Горчаков тароватли, хурсанд бўлиб, қип-қизариб келди ва сўзларини салмоқлаб, ошнаси хотиржам ухлайвериши мумкинлигини айтди. Иккала поэма ҳам ёқиб юборилган. Ўзидан бўлак ҳеч кимнинг хабари йўқ. У қабрдек гунг. Чигал ва яширин ишларнинг ишқибози сифатида Горчаков бундай йўл тутган эди: «Барков сояси» поэмасини ҳақиқатан печга ташлади; бироқ ўзига муҳим сир топширилгани ва ўзи билан Пушкиндан бўлак ҳеч ким билмаган тақдирда, бунинг лаззати қолмаслигини сезиб, куйдиришдан аввал поэмани қатъий махфият остида Миша Яковлевга, лўттибозга кўрсатди. Қизиқчининг «Соя»ни ўқиётган пайтдаги ҳарис назари, ҳайрати, завқи ва даҳшати — унга муқофот бўлди. Яковлевнинг ажаб хотираси бор эди, лекин Горчаков унга қасам ичдирди, шеърларни ҳам, муаллифни ҳам, поэманинг муваффақ эгасини ҳам унутаман, деб айттирди. Бу поэма масаласи шу тариқа ҳал бўлди.

Анча беозорроқ бўлган «Роҳиб»ни эса у қалин қоғозга ўради, ўз узуги билан муҳрлади. Лицейда узук тақишга рухсат йўқ, лекин хола туҳфаси деб уни бюрода сақлаб келмоқда эди. У опасига муҳтал эди. Бу тақиқ поэмани ўзининг махфий ёзувлари тарзида опасига бериб юбормоқчи эди. Опаси пакетни очмасликка, унинг укасининг лицейдан қайтиши ёки вафотигача сақлаб юришга сўз бермоғи лозим эди. Унинг сир-асрорга суяги йўқ эди. Дарвоқе, ҳаммаси пухта ўйлаб чиқилган эди. Башарти сир ифшо бўлиб қолса, хатар у қадар катта эмас: иккинчи поэманинг мазмуни биринчисига қараганда анча инсофлироқ эди. Ўзининг қамоқ, монастирь, лицейнинг келгуси қисмати ҳақидаги ҳикоясининг Пушкинга ўтказган таъсиридан унинг боши осмонда эди. Ошна-оғайни сирини сақлаб юриш фойдадан холи эмас: бу қандайдир нуфуз, ошна устидан қандайдир ҳукмронлик беради. Бу нарса айни муддао.

ЎНИНЧИ БОБ

1

Уйғонди-ю, кулиб юборди: у бахтиёр ва масрур эди. Офтобрўя госпиталнинг кун нури ўйнаётган деворлари, биринчи қават шарофати бўлмиш, тагида дам-бадам оёқ товушлари эшитилиб турадиган дераза — ҳаммаси унга ажойиб бўлиб кўринарди. Атир

сепилган, измасида гул билан шаҳарга Бахус ва Венерага жон фидо қилгани кетган табиб Пешель; кечадан бери аллақаёққа думалаб кетган чоракталигини қидириш билан овора Сазонов амаки — ҳаммаси аломат эди.

Сазонов амаки бесаранжом эди.

— Чоракталик...— дерди у,— бутун иш хабата бўлди.

Тунги қўрқувлар ортиқ мавжуд эмасди; Горчаков, жиноятқорона поэманинг ёқилиши, янги балладаларнинг энг хунук руҳидаги шу бугунги кечанинг ҳаммаси уни жилмайишга мажбур қилди. У шу заҳоти янги, енгил ва ҳеч бир ғарази йўқ шеърни хаёлида пухталаб қўйди, унда Жуковский билан хайр-маъзур қилди; куйчи ўз қаҳрамонларига кўрик қилганидек, ҳар қайсисига байт бағишлаганидек — у ҳам шу зайл ўз дўст-ёронларини кўрикдан ўтказмоқда эди. Уларнинг рўйхатини ҳам тузиб қўйди: шоирлар — танбал Дельвиг, хуштавозе Илличевский, шукуҳли такасалтанг Горчаков, Броглио, азалги дўсти Пушчин, эрмакчи Яковлев, ёвқур казак Малиновский, унинг «Хиёнатлар»и хонандаси Корсаков ва пировардида, Вильгельм. У шипшийдам хонадаги базмни, лицей базмини хаёл этар ва икки байти аллақачон тахт ҳам эди. Улар кўнглидан машъум, осий, тийиқсиз сатирани тамом сиқиб чиқардилар; уларни ҳеч қачон ёзмаган.

Кечга бориб Пушчин билан Кюхельбекер уни йўқлаб келишди.

Лицей эркинликлари давом этар, Фролов ҳам бу билан муроса қилиб қолган эди. У қўл силтади: муассаса ҳарбий эмас, дунёвий, ош йигитлар нима мақсадни кўзлаётганининг тайини ҳам йўқ. Кўпларининг фазилатлари яхши: Пушкин қиличбозликда чакки эмас, Вальховский сафга боп, Матюшкин интизомли. Улардан, Фролов наздида, мавриди билан маъни чиқиши мумкин. Горчаков сафга ярамайди, туғма статс, шалбер, шенапан, лекин Қуръондай доно. У фақат Кюхельбекер тўғрисида ёмон фикрда эди.

— Тавба,— дерди у хириллаб,— жўн қадамлаб юришга ҳам епи йўқ-ку. Ишлар пачава!

Эркинликлардан истифода қилиб, дўстлар энди уни госпиталда бешкал зиёрат қилиб турардилар.

Пушчин ҳануз ўша-ўша, биринчи марта имтиҳонда кўришгандай эди. Қаттиққўл, лекин Пушчинга нисбатан кўнгли бўшлик қиладиган Будри бир вақтлар уни Жанно деб атаган эди. Жанно ҳўппасеминз, қизил юз, кулранг кўз, нашъу намолар учун яратилган, қайғу-ғам, мушкул аҳвол, ўта қалтис нарсалардан безор эпаншанг эди. Андиша, кулги, аския унинг учун ҳар нарсадан аъло эди. Кошанский маҳмадонагарчилик қила туриб, унинг назарини сезган заҳоти жимиб қоларди. Жаннога кўзи тушса, Горчаков оқсоқланишдан тўхтарди. Бора-бора жанжалларда унга мурожаат

қиладиган бўлиб қолишди. У жон деб уларни ажрим қилиб қўярди.

Кўпинча уйқу олдидан у тўсиқ орқали Александр билан нимтовушда гурунглашиб қоларди: дўстининг қўққис аччиқ-тирсиқлари, ноўрин тортинчоқлиги, фавқулодда ғазаблари уни ҳайрон қилиб қўярди. Александр унинг қарорларига ҳар вақт бўйин эгар, аммо таъналарига жавоб қилмасди.

Александр Кюхельбекер билан ҳам дўст эди. У дўстининг телбаликлари ва жазаваларига бирмунча сабот билан дош берарди; кечки пайт ўлгудек уришиб-талашиб қолиб, эрталаб яна апоқ-чапоқ бўлиб кетар эдилар.

Кюхельбекер калака ва таъқибларга ўз қўлини оловда куйдирган Муций Сцеволанинг матонати билан бардош берарди. Ундан Корф ҳайиқар, бунақа одам бўлар-бўлмасга дастурхон устида пичоқ билан чавақлаб, вилка билан илма-тешик қилиб юбориши мумкин, деб юрарди.Кюхля билардики, «Мома қурбони» деган махфий тўплам дўстлари томонидан ўзи ҳақида ёзилган, лекин унинг шоир зоти ўзи доим шўрпешона бўлади, деган ишончи тобора ортиб борар, шундан тасалли топарди. Унда бахти келишмаган шоирларининг рўйхати бўларди: Камоэнс ва Костров очидан ўлишган. Қувғин этилган, муҳтожликда вафот қилган Жан-Батист Руссо у сажда қиладиган шоир эди. Руссо одамларини мўйсафид Будри севарди, Руссонинг машҳур «Иқбол сари» деган одасини у кўзларини сузиб, бақириб-чақириб ўқиб берарди. Будри Кюхельбекернинг онаси билан дўстлиги туфайли унга васийлик қиларди. Уларнинг иккалови ҳам машҳур Жан-Батистнинг мусибатларига сабабчи бўлган Вольтерни, эрмакчини ёмон кўрардилар. Александр бир вақтлар Арина солиб қўйган, роҳиб Пилецкий мусодара қилган Жан-Батистнинг тақиқ эпиграммалари томини ими-жимида топиб келди-да, уларни Вильгельмга кўрсатди. Шоирнинг эси огиб қолди: ўша ўзи сажда қилиб юрган жафокаш Жан-Батистнинг эпиграммалари ёмон бетамиз экан. Умуман, Кюхля билан Александрнинг қўлига тушган шоирларнинг ҳаммаси бамисоли иккига тақсимланиб қолишарди. Улар, масалан, Буалони ўзаро бўлишиб олдилар. Александр кутубхонадан, Чириковдан биринчи томини олди, худди ўша пайт Кюхля иккинчи томини қўлга киритди. Биринчиси сатира билан «Поэтик маҳорат», иккинчисида Лонгинингнинг «Юксаклик хусусида» деган трактати бор эди. Кюхля Лонгинга шогирд тушди: завқ-шавқ ҳақидаги, юксак шеърда қусурлар, заиф ва қабиҳ жиҳатлар зарур, бир текисдаги такомил даркор эмас, зеро, серҳаяжон руҳият ўзининг тубан ҳолида юксакликни англаб олади, деб уқтирилган боблар кўчириб чиқилди. Пушчин, энди Кюхля ўз шеърларидаги тубанликларни олиб қоляпти холос, деб юрарди. Шу йўсин Вильгельм Шишков бобонинг «славянороссс»лари борасидаги калакаларни эшита-эшита ўзи «славяноросс» бўлиб кетди. Ўша Василий Львович амаки тупук сочиб, хор қилган Шихматов князчани — у даҳо деб исбот этар, уни ҳам алламдийдалар рўйхатига тиркаб қўйган эди.

Шихматовнинг «Улуғ Пётр» деган поэмаси узун, бақироқ ва ғояларнинг қўққис туташлигига тўла, лекин уни ўзининг «Шимол қаҳрамони» деган асари ўша руҳда бўлган Чириков ҳам эъзозларди. Кюхля уни кўчириб чиқди (бу озмунча меҳнат эмас) ва орзумандаларга бажонидил ўқиб бериб юрди. Дўстларининг қўлида Шихматовнинг поэмасини кўрган замон Дельвиг билан Александр шошилинч нари кетардилар.

Батюшковнинг эпиграммасини ҳамма кўчириб оларди:

Атай қол қанақа десанг номини
Ярим ёввойи ўз достонингни:
Дароз Пётр, Улкан Пётр,
Фақат уни Улуғ Пётр
Деб атама зинҳор.

Поэмаси Шихматовникидан қолишмайдиган Чириков эътироз билдирарди: Кюхля жамики эпиграммаларга аччиқ қилиб юрарди.

Кеча Горчаковдан «Пушкинга бир бало бўлади», деган гапни эшитиб қолиб, у оралари бузуқлигига қарамасдан, Пушкинни ҳар қачонгидан ортиқроқ севишини ҳис қилди, «Мома қурбони»ни кечирди ва Пушчин билан бирга ташриф буюрди. Улар қучоқлашдилар.

Кюхля ҳар жойда қалин дафтарини ўзи билан олиб юрар: унинг машҳур луғати эди бу Кюхля назарида ҳикматли кўринган фикрларнинг ҳаммасини алифбо тартиби бўйича, сабр-тўзим билан ёзиб юрарди. Дастлаб, Александр бошқалар билан бирга доимгидек кулиб-кулиб юрди кейин тийилди, у ёғига эса, ўзи ҳам Кюхляга атаб у-бу нарсаларни танлаб қўядиган бўлди ва пировардида Кюхлянинг луғати унинг севимли мутолааси бўлиб қолди. Заҳматкаш Жан-Жакни, Салюстийни, Шиллерни, Бернарден де Сен-Пьерни, швейцариялик шаккок Вейссни кўчириб олар ва бора-бора шаккоклик уни жазб қила бошлади. Вейсснинг киборлар ҳақидаги, Руссонинг — эзгулик тўғрисидаги, Шиллернинг — ҳуррият тўғрисидаги фикрлари кўчириб олинди. Дарвоқе, у ҳеч нимани назардан четда қолдирмасди: Д ҳарфига генерал Дорохов нинг биографиясини, «дўстлик» сўзига эса — икки фикрни: Бэкон билан Василий Львовичникини жойлаштириб қўйган эди. Бэкон дўстликсиз ҳаёт дўзахдир, деб, Василий Львович бўлса: «Кимдаким дўстлик орзусида экан, шунинг ўзи билан у дўст тутишга лойиқдир», деб ёзган эди.

— Мен бисотимни топилган жойидан тераверaман,— деб Мольерни такрорлаб юрорди Кюхля.

Вальховский уни адолатга ўргатарди.

Ҳозир ҳам у ўз луғатини, шеърлар дафтарини кўтариб келган эди. Кюхля ўз шеърларини ўқишни яхши кўрарди. У авж нуқталарда, хитоб қиладиган ўринларда чинқирар даражага етиб, жуда зўриқиб ўқир, овози шу замон тушиб кетар; нафаси етмай қоларди.

Кюхельбекер энди немисчадан гекзаметрда грек гимнларини таржима қилмоқда эди. Гётенинг университетдош ўртоғи бўлмиш Кюхельбекернинг отаси болалакдан унга нуфузли поэзияга муҳаббатни сингдириб қўйган эди. Гекзаметр хусусида ҳали-бери рус поэзиясида қўлласа бўладими-йўқми, деб энди баҳс қўзғалиб келмоқда эди. Шишков ҳамтовоқлари: мумкин, деб таъкидларди. Кюхля шу ноёб ўлчовни танлади. У «Апполон гимни»ни олиб келган эди; Кюхлянинг шеърлари умуман оғир эди. У хийла узун шу гимнни ўқиб берди. Пушчин на унинг шеърларига, на унинг ўқишига тоқат қилолмасди, лекин ориятга тегишдан ҳадиксираб, бунга дангал айтмасди. Бироқ у ўзини тийиб туролмади: кўзларини юмиб, ўзини ухлаганга солиб олди. Кюхля иккинчи саҳифага ўтгач, Пушчиннинг нафаси узилиб-узилиб чиқа бошлади. Охирига бориб у сигил хуррак тортиб қўйди, қизиқиб кетган Кюхельбекер буни эшитмади, шунисига ҳам шукур. Шеърхонлик тугади. Александр бахтиёр эди ва дўстликсиз ҳаёт дўзахдир, деган Бэконнинг фикрига жон деб қўшилди. Унинг миясига Кюхля ҳақида янги байт келиб қолди: у базми жамшид қураётган ёр-биродарлар, студентлар тезроқ ухлаб қолиш ниятида Вильгелмдан шеър ўқиб беришни илтимос қилишлари тўғрисида эди.

Улар бир-бирларини танқид қилардилар. Лекин Кюхля деярли ҳеч қачон гапга кирмас, то хириллаб қолгунча тортишар, ўзининг ҳар шеърини ҳимоя қиларди, тилга хилоф хатоларини тузатарди, холос. Александр аксинча Кюхля, Жанно, Дельвигларнинг фикрларига кўп қўшиларди, лекин, ажабки, қарийб ҳеч қачон улар айтган жойларни тузатмасди.

Бугун баҳсга унинг майли йўқ эди. Дўсти уни лицейда эшакка хос дейиладиган тоқати ва ўжарлиги билан қўрқитарди. Илличевский камтарин эди. Яковлев беғам, Дельвиг ўзини ясама лоқайдликка ўргатиб юрарди. Кюхлянинг ўрнида бошқаси бўлганда, шеър ҳақидаги хаёлнинг ўзини аллақачон ташлаган бўларди. Кюхля поэтик фаолиятга Геркулеснинг қаҳрамонликка шайлангани қабилида ҳозирланмоқда эди.

Ҳолбуки, Малиновскийнинг вафотидан сўнг уларнинг ҳар бири ўз истиқболи ҳақида ўй суриб қолган эди. Корпусларда ҳарбийларни тайёрлашади, университетларда — олимларни. Лицей

мақсадларининг тайини йўқ эди. Илгари бу ҳақда улар ўйланиб кўрмаган эди. Уларнинг ҳеч бирининг ота мулкидан илинжи йўқ эди. Кюхельбекернинг онаси илму амал қилиб кунини кўрарди. У музикани ташлашга мажбур бўлди, машҳур музикачи бўлиш, скрипка чалишни ўрганиш орзусида юриб эди, скрипкани топиб, уйига қайтариб юбордилар, муаллимга эса пул етмасди. Вильгельм мудом қарзга ботиб юрарди, ўғли Чириков ёки Корфдан олган қарзини узиши учун икки ёки уч сўм юборганда, онаси ҳар гал унинг аҳволида қарз орттиришнинг нечоғлик ҳалокатли эканини писанда қилиб қоларди. Кюхля ўз луғатига, Василий Львовичнинг дўстлик ҳақидаги таъбири тепасида шундай деб ёзиб қўйган эди:

Қарзлар. Катта қарз орттирмасликнинг энг боп чораси ўзни майда қарзлардан тиймоқдир. Тартибсизликни юмалатган сари катталашгувчи қор уюми билан қиёслайдилар.— Вейсс.

Амалда аҳвол шу эди: у ярим сўмдан қарз олар, йил охирига бориб эса, уйига уч сўм қарз бўлдим, деб хат ёзарди.

Горчаков ишга енгилроқ ёндошарди: қарзларни эсидан чиқариб юборарди. Александрнинг пул олиш борасидаги умидлари беманд эди.

Фақат Вальховский билан Матюшкинларгина ўз келажакларини билишарди: Вальховский ҳарбий киши, Матюшкин — денгизчи бўлмоқчи эди.

Кўнглида комендантнинг ёшгина қизи Вельога ошиқ бўлиб қолган Кюхля эр бўлиш тараддудида бўлиб, бу ҳақда ҳатто уйига ҳам ёзиб юборди. Волидаси жавоб хатида уйланиш ҳақидаги гапни дарҳол бас қилишини талаб этди, унинг ҳали ёшлигини, фақат лицейни тугатиб, бирон мартабага минганидан кейингина никоҳ тўғрисида ўйлаши мумкин бўлишини таъкидлади, шундан кейин Кюхля шоир бўлса, пайти билан унга бу мустаҳкам мартаба бериши борасида пухта фикрга келди.

Уни қизиқтириб қолган шоирларнинг шум қисмати ўзига ҳарғиз монелик қилмасди. Шу зайл, у бир томондан, ягона барқарор ва устивор фаолият бўлмиш шоирликка тадорик кўрар, бошқа томондан эса, азбаройи шуни деб таққир ва хўрликларга тайёр эди, гўё ўзини ўтга ташлаётганга ўхшарди.

Ҳамма қатори Кюхлядан кулгани ҳолда, Александр ўзи ҳам беихтиёр ўйланадиган бўлиб қолди. Унинг дўсти шеърларни эўрма-зўраки, жонини жабборга бериб, қайсарлик билан ёзар, Александр ҳам унинг шоирларнинг шўрпешоналиги тўғрисидаги гапсўзлари замирида чек-чегараси йўқ иззатталабликни фаҳмлаб турарди. Олий ва улуғ нарсаларга ихлос унинг маслаги эди; унинг луғатидаги В ҳарфи бошдан-оёқ олий ва улуғ нарсаларга оид мақолаларга тўлиб кетган эди. Бундай мақолаларни у ҳар қаердан

ахтарар, шу йўл билан ўзини дўстларининг калакаларидан пана қиларди. Лонгин унинг дуои тўплами эди. У Пиндар одаларини ва Камоэнс поэмасини кўчириб юрар, Лебреннинг Лиссабон зилзиласига ёзилган одасини, Оссианга назираларини топиб, кўчириб олди. Малиновский унга турк поэзияси тарихини берган эди, шоир Музик унинг арзандаси бўлиб қолди. Шарқ поэзияси ўзининг кучли ва дабдабали, лекин нотекис каломи билан уни жалб этарди. Астасекин Дельвиг ва Александр учун у жонли маълумотномага айланиб қолди.

Бир куни у Александрга Лонгинда бир жумла борлигини, уни ўз луғатига №3 белгиси остида кўчириб олганини, бу гап улуғ шоирларнинг бахти қаро деган эътиқодига зидлигини эътироф этди: «Асл ва чин улуғ деб ҳамиша ва ҳаммага манзур нарсани саноқ мумкин». Александр ҳам худди Кюхлядек лол бўлиб қолди. Ажаб гап: ўзининг ғаройиб ғафлатлари, кескин фикрлар Кюхельбекерга ёқар, уларга жон-жаҳди билан тармашарди, қандайдир қувонч билан шеърларида бошига тушажак фалокатларни каромат қилгани кўйи, ўзи учун кўнгилсиз ҳақиқатни тан олишдан қўрқмасди. Александр дўстининг машъум ғурурини англаёлмай ҳайрон эди; ўзига қолса, у шеърларини аёл қўллари варақлашини, кўзлари туманлашишини истарди. Кюхля чин шоирлар доим тушунилмай қолади, деб ўйларди: унга қолса, ўзини ҳамма, каттаю кичик тушунишини истарди. Шуҳрат тўғрисида гап кетганда, Василий Львович амакиси билан отаси сухандон бўлиб кетишар, Куницин ўйлаб ўйига етолмай қоларди.

«Аполлон гимни» тугади.

Александр унсиз эди. Пушчин гўё уйқудан энди кўзини очгандай бир сесканиб олиб, керишмоқда эди. Кюхельбекер бирдан унга ёмон тикилиб қолди. У Пушчиннинг хатти-ҳаракатларига гумонсираб зеҳн соларди. Жанно Пушчин соғлом, Кюхельбекернинг фикрича, чучук мантиқ мухлиси, бонмо, ширинликлар ишқибози эди ва ҳоказо. Эрмакчилардан биттаси. Нега у керишяпти? Бир сафаргига ўхшаб, шеърхонлик пайти яна жўрттага ухлаган бўлмасин тағин?

Ғазаби қўзиб келаётганини сезиб, Кюхельбекер тишларини ғичирлатган бўлди-ю, лекин ҳаммаси босилди: Пушкин янги ҳеч гап йўқми, деб ундан луғатни сўраб қолди. Дўстларининг луғатга қизиқиши шўрлик шоирга хуш ёқарди: Кюхля «Гимн»даги бир иборани нашр пайти тузатаман, деди. Уни босиб чиқаришларига шак-шубҳа қилмасди. У луғатни очди.

Янги ёзувлар қуйидагилар эди: лоқайдлик, қуллик, фаҳш, ўсимлик; куч-қувват, гражданлик эрки ва эҳтиролар. Пушчин ҳушёр тортди. Энг кучли эҳтиролар инсон танининг тузилишига вобаста эди: масалан, қонни туғёнга келтирадиган, ақлни қочирадиган ишқ-муҳаббат; ёким фаолиятнинг барча мурватларини бўшаштириб юборадиган ялқовлик.

Ундагувчи олтита бош сабабгина эҳтирос қўзғатиши, улуғ табаддулларнинг аксар қисмини юзага чиқариши мумкин: муҳаббат, қўрқув, баттоллик, хасислик ва мутаассиблик.

Александр астойдил тингларди; ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ Наташани қоронғи далонларда ахтарганн, адашиб қолаёзгани эсига тушиб кетди: ялқовликни эҳтирос деб таъбирлаган фикрни Дельвигга кўрсатиш керак.

Кюхля бисотини топилган жойдан тўпларди: нозанин Нинон Ленкло, унинг фикрича, муҳаббатнинг нималигини ҳаммадан ўтказиб синаган. Ёши бир жойга борган чоғида у эндигина коллеждан чиққан Вольтерни учратиб қолган ҳамда уни кўп нарсаларга ўргатган. Боя у Александр хонасидан Вольтернинг томини олган ва унинг ичидан Нинонинг фалсафасини топиб қолган эди: «Муҳаббат йўлида барча довонлардан ошиб ўтганда, энг мушкули қолади — довон-повон деган гап бўлмайди».

— Тушунмадим,— деди бирдан Жанно. У Кюхельбекерга кўзлари чаноғидан чиққудай қараб турарди.

Кюхля мамнуният билан такрорлади:

— Муҳаббат довонларни тақозо этади,— деди у,— акс ҳолда совиш бошланади.

— Қаёқдан биласан?— деб сўради қути ўчиб кетган Пушчин.

— Вейссдан,— жавоб қилди Кюхельбекер.

Уларнинг ўй-хаёли ажойибот бўлиб қолди. Ўша бир қанча жазманлари бўлган, муҳаббатда бевафо ва беқарор, дўстликда устивор, Мольер меҳмони бўлиб, ўз «Тартюф»ини ҳикоя қилиб берган ўн еттинчи аср дилбари даҳшатли нарсалардан хабардор экан. Ишқу муҳаббатда ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган гаплар ўтар экан. Кюхельбекер лоқайдлик ҳақида ўқиб берди. У боягина, Жан-Жак фикрини ёзиб олган эди: «Файласуфона лоқайдлик мустабид ҳукумат қўлидаги мамлакат осойишталигига ўхшашдир: у ажал осойишталигидан ўзга нарса эмас, у урушнинг ўзидан ҳам ҳалокатлироқдир».

Лоқайдлик ҳақидаги моддага ҳар учови буткул қўшилди. Пушчин эҳтиролардан шубҳаланарди: муҳим табаддулларни нуқул эҳтиролар илгари суради, дейиш тўғримн? Унинг фикрича, ҳаммасини тафаккур ҳаракатлантиради.

Кюхля бирмунча устунлик алфозида кулимсираб турарди.

— Бироқ поэзия-чи,— деди у,— эҳтиролар, телбаликлар завқшавқдан вужудга келади, тафаккурдан эмас. Ҳамма шу фикрда, Батте ҳам, Лонгин ҳам.

— Йўқ, тафаккурдан,— деди Александр кескин.

Эҳтирос борасида Кюхля ўқиб берган нарсаларнинг ҳаммаси уни қизиқтириб қолган, у касалхона каравотида оёқ чалиштириб, лабларини тишлаб ўтириб олган эди.

Севиш ва совиш, хасислик, баттоллик — у чўчийдиган эҳтирос эди. Завқ-эҳтирос эмас, лекин шеър ёзаётган пайтларидаги руҳияси — бу завқ эмас эди шекилли. Фаромушлик, ногаҳон бадфеъллик, бутун гапнинг тўғрилигини исботлайдиган қофиялар, оний идрок қувончи, норозилик, нима бўлса бордирки, лекин завқ эмас.

Кюхля луғатини очиб олиб, баҳслаша кетди. Александр бўш эътироз қилар, бошқалар ҳам ўзининг келгуси тақдири ҳақида қувонч билан ўйлаб, тилини тийиброқ турарди.

Дўстлар аллақачон кетиб бўлишган, эртасига унинг дарсга бориши кутилар, табиб Пешель дори кор қилгани, шифо топганини айтган эди.

Муҳаббатда субутсиз, дўстликда субутли нозанин унга яқин келажакдаги беқарор қувончларни башорат қиларди. Бу эҳтирос бошқа ҳаммасидан кучлироқ эди. Кюхлянинг поэтик қайсарлиги унинг қаршисида ип эшолмай қоларди. Дўстини шеърларга бўлган машъум ҳавасидан айнитиб юборгиси келиб кетди. Вильгельм ғафлатда юрибди. Унинг шеърлари кулгини қистатади, аслида у дурустроқ қисматга арзийди.

Энди унинг касалхонадаги столчасида дори-дармонлар ўрнига Буалонинг томи билан Парнининг икки китобчаси ётарди.

2

У энди боғда кўп кезар, арғувон хиёбони ичкарилариға кирар, бу жойларни севиб қолган; бу ерда ҳеч ким унга эътибор қилмасди.

Кюхельбекерга нома ёзиб тугатилди. У дўсти назарида иккинчи сатирадаги Буало каби назмчилик ҳунарини қораларди. Кюхля шеърлардан на давлат, на обрў, на шуҳрат кутмаслиги лозим. Узининг буаломуз номасини дўстидан бир неча кун яшириб юрди. Кюхлянинг ғаройиб ғафлатлари сабабчилари — Шишков бобо ва унинг «Беседа»сига номада кўп тил теккизилган эди. Дельвиг қойил қолди. Ниҳоят, Александр номани қаҳрамонига ўқиб берди. Кюхлянинг кутишганидек қаҳри келмади, гарчанд номада унинг шеърлари ҳақида ҳурмат билан гапирилмас эди.

У ҳам энди қўлда луғати билан боғда сайр қилар, аллақандай китобларни титкиларди. Жавоб тез орада тайёр бўлди. Кюхля хаёлида шўхликлари ҳаммага маълум, Александр шунчалар яхши кўрган ўша Пирон ўзига мансублиги билан янада кучлироқ деб гумон қиларди ўзини. Кюхлянинг П. га жавоби қуйидагича эди:

«Шоир. Ночор аҳволда қолган назмчиларнинг мардлиги ё беманилиги уларни Музага қарата худди Агриппинанинг ўғлига

подшоҳлик насиб қилиши, лекин ўзи унинг қўлидан ўлиб кетишини каромат қилишган пайтда гаплари йўриғида сўзлашга мажбур этади:

«Moriar, modo regnet»—«Ўлсам майлига, у подшоҳлик қилса бас».

Пирон. Пирон бир нажиб жанобнинг уйига мезбон бошқа бир аслзодага ҳамроҳлик қилмоқ учун эшик очган пайти кирмоқчи бўлиб турган экан. Меҳмон мулозамат юзасидан Пиронни ўтказмоқчи бўлиб тўхтаб қолибди. «Тўхтаманг, тақсир,— деган экан соҳиб,— бу жаноб шоирнинг ўзгинаси-ку».— «Кимлигимни энди билишади,— деб жавоб берган экан Пирон,— энди рутбамга кўра олдин мен ўтаман».

Кюхля назмчиларнинг ҳатто қашшоқларини ҳам ёлғиз подшоҳларга қиёслашга рози, аврашларга учмасди. Фикрлар тафовутига қарамасдан дўстлик давом этарди.

3

У энди жуда барвақт, ўзи учун мавҳум қувонч билан, ўзи ҳам бонсини билмаган ҳолда масъуд бўлиб уйғонарди. Саҳарлари унга аёл фусунлари намоён бўлмоқда эди.

Уззукун у тоқатсизланиб, ажойиботлар учратиш пайида боғда кезиб юрарди. Оҳу кўз Наташа энди йўлиқмай қўйган эди. Волконская кампирга бўлак оқсоч қиз эргашиб юрарди. Фома амаки Наташа ўзини сақлаёлмади, шунга ҳайдалиб кетди, дегандай эди. Унинг юраги қисилиб кетди-да, кечқурун амакидан Наташа қаёққа ғойиб бўлди, деб сўради. Фома унга диққат билан қараб, терсайиб олди-ю, елка қисиб қўйди:

— Бизга ҳеч нарса маълум эмас.

Горчаков ёнига у бажонидил ялқов деб ўпкалаб юрган опаси Елена келди. Унга Горчаков Александрнинг ҳаммага ёқиб қолган «Хиёнатлар» деган шеърини кўрсатди. Александр соҳибжамол ўз шеърларини ўқиб чиққанини кўриб турди. У ўз варақларига айни шу бармоқлар тегишини, айни шу дудоқлар табассум қилишини, шу кўзлар хумор боқишини истарди. Аёллар шарафи Кюхля кибридан лазизроқ ва даҳшатлироқ эди. У уялиб қочиб кетди. Соҳибжамолдан ўзининг хижолатпазлиги қасдини олиш учун нашрга аталмаган нома ёзди: қиз мўъжазгина олтин қутичадан тамаки ҳидлайди. У сочилиб кетган тамаки тегиши мумкин бўлган фусунларни санаб чиққан эди.

Ўртоқлари унинг номасини ўқиб кўрдилар.

Кюхля исён кўтарди.

— Тамаки бурунга тегади,— деб тантана қилиб бақирарди у,— бурун ичи эса ҳаром. Вассалом. Бўлмағур шеър.

4

Энди бахт ҳамма ёқни тутиб кетгандай эди. Сарой ҳам, боғлар ҳам янги тусда кўрина бошлади. Булар энди Куницининг биёбон ўрмонлари эмас эди. Рус қўшинлари Парижда эди, ҳамма шуҳрат қўмсарди, боғда у тез-тез Галич билан учрашиб қоларди. Галич Петербургдан келиб, ўз чодирини эконом яшаётган жой яқинига тикларди. Шу боисдан боғда у ўзини уйидагидек ҳис қиларди. У лицей профессорларига ўхшамасди. Уларнинг лицейида иезуитлар, якобинчилар бўлган, буларнинг таълими ва хулқ-атвори учун жавоб берган, бир хиллари улардан роҳибларни, бошқа хилларни пок зийнатли кишиларни етиштиришни ният қилган. Галич ҳеч нимани истамас, у вақтинча Кошанскийнинг ўрнини босиб турарди. Лицей ишлари уни айтарли қизиқтирмас, уларга у профессор сифатида эмас, бир таниш сингари муомала қиларди. Улар китоблар бўйича тайёрлангандан кўра, кўпроқ шеърият ва санъат тўғрисида гаплашардилар. Куницининг кўзларида хавотир бўлар, бу — пинҳона эҳтиросларнинг изларидир. Галич ҳаммага ўзининг йирик, равшан, хирароқ кўзлари билан ғуссасиз боқарди. Кошанский қуруқ ва заҳар Аристарх, Галич эса нашъу намолар пайғамбари, Эпикурнинг устози Аристипп эди. Унга ҳамма нарса роҳат бахш этаверарди. Кошанский поэзиядаги бош нарса — ҳис-туйғулар, у шуларни тасвирлайди, холос, деб ўқитган эди. Кюхля луғатига шоирларнинг хуррам ва басирлиги тўғрисидаги гапларни кўчириб юрарди.

Галич поэзиядаги бош нарса — ҳақиқат деб айтарди.

Улар сайр қилишар, боғу роғлар, ҳайкаллар, сарой Галични завқлантириб юборарди. У асли орловлик, мунший ўғли, ўз юртини хотирда сақлаб, Геттингенда таҳсил кўрган. Франция, Австрия, Англияни кезиб чиққан, француз, немис, инглиз, испан ва итальян тиллари, адабиётларини биларди. Боғларга орловлик сифатида, ҳайкалларга европалик сифатида қойил қолар эди.

Арғувонлар куртаклаб қолган, эман барг ёзмоқда эди. Орёл чоллари бунақа вақтда чўртанбалиқ сероб бўлади, дейишгани ҳали унинг эсида эди. Оққушлар кун бўйи кўлда сузиб юришар, сув оққуш патларини оқизиб кетарди. Ҳайкаллар қуёш нурида ёшариб кўринарди.

— Бу ердаги боғнинг кўрки,— деди у,— қаровсизлигида: дарахтлар панасидаги ғира-шира жуда кетворган. Версалдагиси бошқа — у ерда боғларни Эквалид қурган, дейсиз.

Саройга қараб-қараб, уни Людовик XIV асрига қиёсларди. Қопламалар, пирамонлар, ҳайкаллар — бир вақтлар ҳаммаси чўғдай зарҳал билан қопланган эди; Екатерина қопламаларни яшилга бўяб ташлашни буюрган, лекин эски шукуҳнинг излари, қадимий

ҳашаматнинг қолдиқлари қуёш нурида ҳали жилва қилиб турибди. Ғалабалардан кейин ҳордиқ чиқарган Пётр, балким иккиси ҳам тенг севадиган эндиги арғувон йўлкаси ўрнида, ўрмонда кезгандир. Галич Кагуль мармари олдида тўхтаб қолар, кўзойнагини қўндириб, молдаван ғалабалари хотираларини шошмасдан ўқирди. У Делилнинг тасвири нарсани тўсиб қўйгувчи тавсифий поэмаларига қаттиқ ҳужум қиларди. Борлиқ гултожи — инсон, поэзиянинг бош омили — ҳақиқат эди. У элегияларни севар ва Александрнинг «Хиёнатлар»ига дилдан қувонарди, лекин шеърни ўта жадал деб ҳисобларди. Унинг юраги салмоқли, ўзи вазминлаша бошлаган, элегияларда ҳам сусткашлик ва салобатни ёқтирарди. Бу Кошанский овозини ҳурмат юзасидан пасайтириб ўқийдиган, Кюхля куйчиларнинг улкан шуҳрати сирини ифшо этиш ниятида ҳарислик билан кўчириб юрадиган Мильтон, Камоэнс поэмаларининг салобати эмас эди. Бу ҳазиллик, хотиралар, кечги сайрлар салобати эди.

Сайрда юриб, улар бир-бирларига халал бермасдан, баъзан узоқ-узоқ жим қолардилар, Александр ҳам Аристиппнинг алп рафторига мослашиб, қадамини вазминлаштирарди.

Бир кун кечқурун сукут сақлаб тургач, Галич унга поэзия учун тарихдан ҳам боп нарсани билмаслигини, Царское Село жойлари ва унга боғлиқ хотиралар элегияларда қўл келиши мумкинлигини гапириб қолди. Боғ, ҳайкаллар, кўприклар шу ерларда шведлар устидан қозонилган ғалабалардан кейин ҳордиқ чиқарган Пётрдан тортиб то Екатеринагача — жамики рус ғалабалари хотираларини жо этган. Эндиликда бу эски хотиралар янгиларини қўзғайди — ўн иккинчи йилни, коинот фотиҳининг Москвадаги ҳалокатини. Кейин эса, Галич риоя қилиб ўтирмасдан, «Хиёнатлар» дуруст, лекин жиддий элегиялар яхшироқ», деди унга бамайлихотир. Яқинда, кузда бўлса керак, имтиҳонлар, унда шеърхонлик қилинади: базм ҳам бўлади, энди ҳаммага байрам учун баҳона топилмай турибди, энди у ҳам байрам шарафига элегия ёзса. Шеърхонлик, анжуман бўлади.

— Ўзингизни жиддий турда синаб кўрадиган пайтингиз келди.

Овозини пасайтириб, у бўлак ҳеч кимга оғиз очмаслигини сўради: Разумовский Державинни чорламоқчи.

У ўз фикри ва таклифидан ғоят мамнун бўлиб, бир икки-марта соддалик қилиб, ўзини-ўзи мақташга тушиб кетди.

— Ҳамиша энг яқин, қўл остида турган нарсаларни ўйламоқ керак, энг мушкули — шу.

Улар ажралишгандан кейин, Галич унга яна етиб олди.

— Айтаман, деб, хаёлимдан кўтарилибди, агар сиз назар солиб, шу боғни бутунича қамрамоқчи, кейин эса, энг улуғ нарсаларни сархилламоқчи бўлсангиз, уни ҳар хил нуқтаи назардан, ҳар

хил шароитда мушоҳада этинг, токи бир ҳайкал бошқасига ўхшамасин. Бунинг энг қулай палласи — шом пайти. Кечки пайт сайр қилинг, ўшанда бутун йирик чизиқлари бўртиб равшанлашишини кўрасиз. Ишқилиб, сизни қочоқ деб қидириб қолишмаса бўлгани. Оқшом — фикрларнинг имтиёзли оқими пайти, саҳар — текшириш пайти.

Файласуфнинг кўзлари, гўё у аломат тажрибани кузатиб тургандай, чақнаб кетганди.

— Поэзиянинг интизоми шунақа.

Ҳамиша ҳақиқат ва тасаввур хусусида гап кетганда, хушфеъл ва хушвақт бўладиган Галичнинг ишончи устивор эди.

Александр усиз ҳам кечқурунлари зимдан ва унча узоқлашмасдан сайр қилиб турарди. Фролов буткул қиморга шўнғигани сабабли интизомга энди ғоят кам эътибор қиларди. Константин Сазонов амаки аввалгидай кечалари ғойиб бўлар, ҳеч ким буни пайқамасди ҳам. Фролов интизоми ўрнига Александр энди бошқасини — Галич интизомини, «поэзия интизоми»ни билиб олган эди.

Етти хуфтонда қоидаларга хилоф равишда Фроловдан ҳам қўрқмасдан, у боғни кезиб чиқди. Нимқоронғиликда Оссиан соялари мисол ғалаба ҳайкаллари турарди. Равон боғлар йўқ — худди Петр даврidагидек хомуш ўрмонлар қоронғилашиб турарди.

5

Дельвиг иқрор бўлди: у «Вестник Европы»га нашр учун шеър юборибди. Дельвигнинг шеъри «Париж истилосига» деб номланган, ўзи эса Руской тахаллуси билан имзо қўйган эди. Министрнинг бир маҳалги ижодга, ундан ҳам баттар, нашрга солган қатағони ҳеч ким томонидан бекор қилинмаган эди. Жиддий поэзия энди ҳаммани жалб қилиб қолган эди. Дельвиг энди, Державин тараф бўлиб тоғдек турар ва ҳеч ким ғалабаларни ўша кишичалик мадҳ этолмаган деб юрарди. У Державин шаънига тегадиган гапларни ҳам маъқулламай қўйди. Ғалабаларни қофияли, қисқа ва жадал сатрлар билан сано этмоқ меҳробда рақс қилишдай гап. Кўҳна Пиндар ва энг янги рус Пиндари, Державин ҳозирдан эътиборан унинг янги нуфузли устозлари эди. У ўзининг «Париж истилосига» одасини қария Державинга маълум бўлиб қолар, деган пинҳона илинж билан ёзган эди. Унда Дельвиг Державинга бекофия мурожаат этарди:

Россия Пиндари, Державин!
Менга завқ бер парвози баланд!
Бергил, мангу шуҳратланурман,

Ҳамда менинг бу янгроқ созим
Ҳамма ерда олинажак тан!

Александр ўйга толиб қолди. Ўзи ҳали Москвада, ота-она бағридалигидаёқ, амакиси ҳам, отаси ҳам гап орасида Державиннинг нуфузи ва қўполлигини кулги қилиб юрардилар. Унинг тилан Дақёнусни кўрган. Шижоати эса қўполликка монанд эди. Ҳаммаси рост, шеърлари татарча, Василий Львович амакиси ҳақ эди шекилли — лекин Державиннинг *шуҳрати* тамоман бошқа гап. Царское Селодаги жами ҳайкаллар: пушти ва кўк тошлар, сунъий қоялар, сувдан қаққайиб чиқиб турган устунлар — ўша кишининг шеърларини эслатиб тургандай эди гўё. У Малиновскийни хотирлади. Директор ҳеч қачон унинг шеърлари хусусида гап очмасди, уларни балким маъқул кўрмаган ёки бошқалардан фарқлашни истамагандир. Назмчиларнинг серғалвалиги киборларга хос дард эди, буларни у ёқтирмасди. Лекин бир сафар у рус *суханварлиги* ҳақида гапириб қолган ва Державинни эсга олган эди. У бирдан очилиб, жилмайиб қўйган эди.

— Гаврило Романич,— деган эди у шошмасдан, меҳр билан товушларни чўзиб, шоирнинг *оддий номининг ўзидан баҳра олиб* Александр ҳам назмчиларни — ўша, амакиси ҳам, Карамзин ҳам кулги қилишадиган журналларда беобрў этилаётган чолни шунчалик севиш мумкинлигига ҳайрон қолган эди.

Энди, яқин орада унут бўлган шуҳратни эслагандай, кекса шоирни ҳамма эсга олиб қолган эди. У шу бугунгина севимли Державин монументи ёнидан ўтган, бу боғлар довруғи ҳақида хаёл сурib қолган эди: бу шуҳрат Карамзинники эмас, Батюшковники эмас, амакисиники эмас, бу шуҳрат залварли, овозли, кўҳна — Державинники эди.

Дельвигнинг беқофия тароналари унга ёқмади. Улар иккиланиб энг катта ва энг обрўли журнал бўлмиш «Вестник Европы»га Александр ҳам бирор нарса юбориши лозим, деб қарор қилдилар. Улар Кюхляга аталган номани, «Назмчи дўстга нома»ни танладилар. Александр Калинич маъқуллаб, оммавий ёки бошқачасига, расмий ҳуснихат деб атайдиган жимжимасиз, босмасиз, ортиқча парвозсиз ҳуснихат билан кўчириб чиқди. У Александр НКШП деб имзо қўйди. Уни журналга жўнатиб юборди. «Вестник Европы»га ҳозир Карамзиннинг мухлиси, ёшларнинг ғамхўри Измайлов редактор эди. Дельвиг мени босишмайди, Александрни эса босиб чиқаришлари шарт, деб ҳисоблар, лекин ўзларининг шеърларини олганда, уларни журналистлар ўқиши, танқид қилиши ва ҳоказолар хаёли уни шод этарди.

У ҳам, Александр ҳам — иккаласи ҳам секингина кулишарди. Иккаласи ҳам шодон ва безовта эди.

6

Лицей эндиликда республика бўлиб қолган, бу республикада бетартиблик ҳукм сурарди. Патрицийларнинг (улар профессорларни шундай аташарди) муросасизликлари, министр қошидаги хусуматлари ва фисқу фасодлари тинмасди, бир-бирлари устидан ташиб юрган гаплари, ғайрирасмий чақиқларини-ку, ҳисоблаб бўлмас эди. Фақат мўйсафид Будри билан Куницин, яна нолицей оламининг ҳур граждани бўлмиш Галич бу фитналарда иштирок қилишмасди. Директор йўқ, Кошанский хаста, доктор Пешель ясан-тусан қилиб, лазаретини қулфлаб қўйиб, шаҳарга нозанинларни ром этгани чопқиллаб кетарди. Фролов энди пешинликка муқаллаф қиларди. Галич ва бошқалар ҳам шундай қила бошладилар. Галич қўнадиган эконом хонасида жам бўлиб, улар лимонад тўла қадаҳларини ўзлари бир овоздан ўз республикаларига президент қилиб сайлашган соҳиблари саломатлиги учун кўтаришар, ройиш киши бўлгани учун, у ҳам салобат билан ушбу унвонни қабул этаверарди. Олдинда турган оммавий имтиҳонлар важҳидан улар ҳеч қандай дарс ўтмай қўйган эдилар.

Ҳатто умумий эрк қонуниятига тобе Кюхельбекер ҳам немис қандолатхонасида ими-жимида ширинлик тотаётган пайтда пайқаб қолинган эди.

Улар Царское Село аҳли кўзига тушиб қолдилар.

7

Граф Варфоломей Толстой театрпараст ва меценат эди. У виолончель чалар, ҳаваскор эди. У чалишнинг асосий фазилати камончанинг зарбида деб биларди. Графнинг шахсий театри бўлиб, у ерда ўзи директор, ҳоким, режиссёр, барин, султон эди. Унинг одамлари, оркестри туппа-тузук эди, энди оқшомлари боғда чалларди.

Тез орада лицейчилар ундан таклифнома олдилар. Граф «Бир соатлик халифа» деган операни қўймоқда эди. Александр шу тобгача театр нималигини фақат отасининг ҳикояларидан, унинг юзидаги алоҳида ифодадан, яна аммаси Анна Львовна кўзини ерга тикиб қолишидан ҳамда актирисаларни гапирганда, амакиси Василий Львовичнинг ҳар тарафга тупук сачратишидан биларди. Аммаси Анна Львовна театрни қатъий қораларди, актёр хотинларни гапирганда, ларзага келарди. Шунинг ўзи кифоя: театрни у ҳали бирор марта кўрмасдан туриб севарди.

Толстойнинг театри чоғроқ бўлса ҳам шоҳона эди. Эрмитажга тақлид қилиб, жойлар амфитеатр, ярим доира тарзида қурилган эди. Пардаси оғир, жимжимадор, зар каштали эди. Йўлакларда

уқали фрак кийган, ранг-баранг ёқали капельдинерлар: қароллар туришарди. Созандалар елкаларига эшма эполетлар тақилган махсус усти бош кийиб олишган эди. Толстой театри учун ҳеч нарсани аямасди ва унинг асосий ғами ўзининг ҳамма нарсаси катта театрлардагидек бўлиши эди. Графнинг ложаси саҳнанинг олдигинасида эди; у лицейчиларни ўзига яқинроққа ўтқазиб олди. Толстой уларга валинеъматлик қиларди; устига-устак, унинг театрига хонимлар ораламасдилар, бўш жой кўп эди.

Барча лицей шоирлари, Горчаков («Бир соатлик ҳалифа» операси унинг тоғаси томонидан ёзилган эди), гитарачи ва хонанда Корсаков муқаллаф эди. Граф Варфоломей Толстой ҳаваскор ва шинаванда бўлиб, лицейчилар орасида мухлислар етишиб келаётганини кўнгли сезиб турарди. У ҳаммадан яхши билардики, театрда энг кераги томошабинларнинг мухлислиги: кулги, ногаҳон қарсак, ҳатто ҳуштакнинг ҳам сукунатдан ўлса ўлиги ортиқ. Биттаяримтаси кечикиб қолиб, капельдинер билан айтишса, нимқоронғида қўшниларнинг оёқларини босиб кетгудай бўлса, соҳиб сифатида кўнгли яйраб кетарди.

Театр дегани шу эди. Қора чироқлар тутаб, мой жазиллаб ётарди. Соҳиб олдида ложада варақли очиқ китоб ётар, қўлида қалам эди. У қарсак чалиб қўйгач, созандалар бошлаб юбордилар. Дарпарда шувиллаб тепага кўтарилди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

Театр тунни, Бағдод кўчаларидан бирини акс эттирарди: уй пешайвонли; қизил ва яшил чироқлар милтиллаб турарди. Декорациялар қароллар томонидан чизилган эди. Толстой театрдаги ҳамма нарса хусусийлигини пеш қилиб, четдан ҳеч нима олмадик, ҳеч кимни таклиф қилмадик, деб мақтаниб юрарди; ҳатто пардаларни ҳам чўрилар тиккан экан. Куёв Ҳасан шиша мунчоқ жиғали салла ўраб, саҳнада турарди. Роксана чиқиб келди-ю, у аммаси Анна Львовна актёр хотинларни гапирганда, қовоғини уйиб, секин туфлаб қўйишининг боисини тушунди. У ҳатто беихтиёр кўзларини юмиб олди. У кўкракдор, оппоқ, йирик маъсум кўзли, кифтларининг бичимига, оппоқ рухсорига, кучли нафасига ярашмаган кўркам чалвар кийиб, саҳнада ғарибона йўрғалар ва илтижо билан ўзи томон қўл чўзиб турган куёв болага зарра парво қилмасдан, аллақандай қўрқув ичра, ҳадеб граф ложасига аланглади.

Толстой дарров китобчасига бир нима деб ёзиб қўйди. У эгнига зар ҳилоллар тикилган калта чойшаб ташлаб олган, ёнида аёвсиз бўянган, қотмагина энага Фотима борарди. Роксана тўхтади ва бошини қуйи солиб, қўлларини қаёққа қўйишни билмай, ночор овоз билан истар-истамас куйлай бошлади. У уялаётгандай қўлларини кўксига қовуштириб олди. Сўнгра, роли эсига тушиб кетиб ўнг қўлини пастга туширди, чап қўлини белига тирамоқчи бўлган эди, сирғалиб кетди, яна иккала қўлини ҳам кўксига қо-

вуштириб олди. Ҳасанга қарамасдан, унинг ёнидан тегай-тегай деб ўтиб кетди, бошини эгиб, кўзларини атрофга жаланглатиб, ҳеч бир ифодасиз, нимжон овоз билан куйлай бошлади:

Ғулу солур юракка ҳамон,
Ҳамон этур кўнгилни вайрон,
Қачон сева бошласанг, шу тоб
Эҳтиролар ичра туюлар,
Ошиққандай ҳамма балолар
Ноёб ҳисни этмоққа хароб.

Александр бирдан, ўзи ҳам кутмаган ҳолда, чапак чалиб юборди. Унинг хонишининг мазаси йўқ эди, саҳнада ўзини тута билмасди, кўкраги ярим яланғочлигидан хижолатга тушиб, таинг аҳволда эди, лекин унинг эпсизлигиёқ таъсирли эди. У гўзал эди.

Кимдир танбеҳ берди. Толстойга жон кирди-ю, қаламини тўқиллатди. Қиз унга қараб қўйди, кейин писиб келаётган нотаниш кишига кўзи тушиб, кўчада, уй остонасида турган креслога йиқилди, лекин йиқилиш олдидан, афтидан, ўзи жуда қадрлайдиган чойшабни йиғиштириб олди.

Толстой китобига ниманидир ёзди.

Зарбоф чопонли, саллали халифа барвақт келиб, шоша-пиша: «Қандай гўзал овозлар!»— деганда, у ҳали ашуласини тугатиб бўлмаган эди. Ҳалифа безиллаб, ҳовлиқиб юрар, пишиллаб нафас оларди. Зални ҳиринг-ҳиринг кулги оралаб ўтди, Толстой эса гезариб, капельдинерга бир нима деди. Капельдинер ғойиб бўлди.

Биринчи парда тугади. Лицейчилар қарсак чалиб, актёрлар чиқмоқда эди. Роксана таъзим қилиб, эгилиб турарди. У фақат эндигина ўз ролини, актрисалик ролини уддалаётган эди. Унинг таъзимлари тез, муте, юзи ташвишли кўринар, нафаси узуқ-узуқ эди.

Александр қарсак чалиб:

— Офарин! Яша!— деб бақириб-чақирарди.

Қиз унга ҳам таъзим қилиб қўйди.

Унинг номи Наталья эди, ўзи Толстойнинг биринчи актрисаси, илгарилари эса канизи эди.

Толстой лицейчиларга саҳнага ўтишни таклиф қилди. У ўзининг бор-йўғи катта театрларни эслатиб туришини истарди.

Театр шоҳона, саҳнаси эса паст ва тор эди; актёрларнинг пардозхоналари от охурларига ўхшарди. Толстой норози ва тунд эди. Халифа серҳашам чопон кийиб, деворга биқиниб турарди. Толстой чарсиллатиб унинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Мен сенга қандай чиқишни кўрсатиб қўяман,— деди у,— сен халифасан, туришингнинг эса ҳеч тутурияи йўқ.

У Натальяга бармоқ ўқталиб эди, қиз кўзларини ерга тикиб қолди.

8

Толстой ўз театри деб хонавайрон бўлар, қўйган пьесалари эса, уч-тўрт сафардан ортиққа чидаш бермасди; бир пьеса меъдасига теккач, дарҳол янгисини қўйиш пайига тушиб кетарди. Уч ой ичида у учта пьеса қўйди. Александр ҳам бирор томошани канда қилмасди. У соҳиби воксгал деб атагувчи театрнинг мижози бўлиб қолди, опера, балетларнинг ҳаммасини: «Тунис подшоси»ни, «Ҳарамхона ўғирлиги»ни, «Султон асоратини», «Севилья сартарошн»ини кўриб чиқди. У Толстой театрининг бутун сир-асрор ва фисқу фасодларидан воқиф эди, кеч кирди дегунча, саҳна орқасида ҳозиру нозир бўларди. Наталья соҳибининг бош қаҳрамони, канизи, раққосаси, хонандаси ва надимаси эди. У мудом иши бошидан ошиб, титраб-қақшаб юрарди. Наталья Александрга ўрганиб қолди ва унинг олдида грим қилаверадиган бўлди. Қиз унинг келишларини ёқтиришини эътироф этди: у ёнида бўлса, кўнгли тинч. Бу гапларни у шивирлаб, султоним эшитмаяптими, деб жавдираб гапирди. Унинг чеҳраси мудом таранг: у гоҳ ролни эслаётган, гоҳ ўз соҳиби олдида муғамбирлик қилаётган бўларди. Уйинга унинг сира майли йўқ эди.

Бир куни «Султон асорати»нинг иккинчи кўринишидан кейин антракт чўзилиб кетди. Александр саҳна орқасига ўтиб, Натальянии кўз ёш тўкаётган ҳолда топди: уни боя адашиб кетгани учун калтаклашибди.

Кўзларидан тирқираб ёш оқар, у бўлса, кўзларини қизартириб қўймаслик учун ёшини артмас, бўёқлар чапланиб кетмаслиги учун эса, бошини эгиб олган эди. У Александрнинг пинжига суқилиб, пиқиллаб қўйди. Беш минутдан сўнг, у султоннинг севикли асираси Земольбани тасвирлаб рақс қилар, оппоқ доминолик араблар билан гир айланарди, ҳарамхонанинг асл соҳиби эса, ўзининг ҳисоб-китоб дафтари қабилидаги даҳшатли китоби билан ложада ўтирарди. Унинг табассумсиз рухсорида қўрқув бор, энг мушкули, қачон жилмайиш кераклигини эсда сақлаб қолиш эди. Бу гал у адашмади.

Анчадан бери унга нисбатан Толстойнинг муомаласи хийла совуқроқ бўлиб қолди, у валинеъматлигини дариг тута бошлади. Александрнинг кўнгли айрилиқни сезиб турарди: театр боқий эмасди. Толстой ўзининг воксгали учун қуюшқондан ташқари харажат қилар, энди Наталья устидан қатъий назорат таъсис этилган эди. Александр бир нома ёзди, уни ҳамма ўқиди. Эпиграфини нақ қиролнинг маҳбубасига ёзишдан тоймаган француз шоиридан

олди. Унинг билишича, шоирларнинг ўз эркинликлари ва ҳуқуқлари бор эди. Бу Натальянинг султонига даъво эди. Толстойнинг боладан қаҳри келиб юрарди. Наталья бир қул, лекин унинг фусунлари соҳибини ром этарди. Бу нарса ўз назарида ҳам нечоғлиқ кулгили туюлмасин, у рашк қилмоқда эди. Айни пайтда унинг кўнгли ҳам кўтарилган эди. Энди актрисаларига шоирлар мадригал ёзадиган бўлишибди. Унинг воксгали тобора кўп шов-шув қўзғаб борарди.

У ўзининг воксгалига серқатнов бўлиб қолган ўта ёш шоирнинг таъзирини бериб қўйишга, ўзини ёши кичик одамга муносиб тарзда тутишни ўргатиб қўйишга жазм қилган ҳам бўлди. Александр Натальяга ҳаддан ташқари жўшқин қарсак чалиб юборганда, Толстой уни жеркиб ташлади. Лекин шу ерда кутилмаган кўнгилҳоллик бўлиб қолди: Толстойнинг хаёлидан ҳам чиқиб кетган томошабинлар дафъатан ғўр ўспириннинг ёнини олди:

— Офарин!— деган бақириқ-чақириқлар эшитилди.

Кайфи тушиб кетган Толстой шамчироқларни ўчиришни, томошабинларни эса даф қилишни буюрмоқчи бўлиб туриб, бирдан фикридан айниди. Нима деганда ҳам, бу — унинг, ўз-ўзининг хусусий актрисаси эди. У антрактда Александрни саҳна орқасида учратиб қолиб, қўнғироқни дарҳол чалишни буюриш ва барала ҳаммага эшиттириб, кеч қолганларни залга қўймасликни тайинлаш билан чекланиб қўя қолди.

— Тўс-тўполон етар,— деди у.

Александр кулиб юбордики, бу одобдан саналмасди, лекин саҳнадан дарров чиқиб кетди.

Лицейга қайтиб келгач, Кюхлянинг ҳужрасига борди-да, уни луғатдан Пирон ҳақидаги жойни ўқиб беришга мажбур қилди.

— «Бу жаноб шоирдан ўзга нарса эмас»,—деб ўқиб берди Кюхля уйқусираган овоз билан.—«Кимлигимни энди билишади,— жавоб берди Пирон,— рутбамга кўра олдин мен ўтаман».

Александр Кюхляни ўпиб олди.

— Бу одам менинг кимлигимни билмаяпти,— деди у севиниб.

Кюхля унга янги кўчирмани ўқиб беришни таклиф қилди — эзгулик тўғрисида, лекин Александр қочиб кетди.

«Вестник Европы»нинг китобчаси ҳаяллаб келганда, Александр ўзини бепарво кўрсатди. У лабини тишлаб олди, журнални варақлаётган Корсаков билан Горчаковга оқариб-бўзариб қараб турди. У таажжуб, хитобларни кутганди — қаёқда дейсиз. Улар журнални варақлаб бўлишди, Горчаков ундан: кўргинг йўқми, деб сўради; журналлар зерикарли бўлиб кетибди. У ўзини лоқайдликка солган кўйи китобни варақлаб кўрди, унинг юраги гупиллаб урарди. Кўзларига ишонмасдан шоирларнинг имзоларига, шеърларнинг номларига қараб турарди: у ерда ўзидан ном-нишон йўқ эди.

У лабини тишлаб қолди, яна бир марта варақлаб чиқди: ҳеч нима йўқ. Унинг шеъри гумдон бўлган, мавжуд бўлмай қолган эди. У китобни улоқтириб ташлади-да, тирноқ ғажиб, ўзини кунжакка урди. Ижод қиляпти, деган ўйда унинг ёнига йўламасдилар. У ижод қилмаётган: ҳасрат чекаётган эди. Шеърнависнинг тақдири ҳақида гапирганда, Кюхля рости билан ҳам ҳақ эди шекилли. Шеърларининг бу журналда йўқлиги уни таҳқир қилмоқда эди; уларни ҳеч ким назарга илмаган, улар устидан редакторлар дилхушлик қилишаётган бўлишса ажаб эмас. У журнални ёмон кўриб қолди; муқоваси дўппайган, қоғози расво, зерикарли журнал. Дельвигнинг шеърларини ҳам босишмаган эди. Бироқ Дельвиг хафа бўлмас, балки аксинча қувноқ эди.

У журналнинг ярамас китобчасини Александрнинг қўлига тутқазди.

Майда ҳарфлар билан номернинг энг охирларидаги бир жойида ношир эълони босилган: «Вестник Европы»га юборилган «Назмчи дўстга» номли пьеса ижодкоридан, барча бўлак ижодкорлар қатори, бизга ўз номини маълум қилишини сўраймиз, зеро, муаллифлари ўз ном ва адресини бизга ошкор этмайдиган асарларни босмасликни ўзимизга қонун қилиб олганмиз. Лекин журъат қилиб, ишонтирамизки, биз ноширлик ҳуқуқимизни ёмон маънода истифода қилмаймиз, муаллиф оммадан яширишни ихтиёр қилган экан, номи, сирини фош этмаймиз».

Улар дарҳол жавоб ёзиб юбордилар-да, кута бошладилар. Редакторнинг ном ва адресларини ҳеч кимга хабар қилмаслик тўғрисидаги ваъдаси Дельвигга далда берди: министрнинг ижодни ман қилгани ҳали фаромуш бўлмаган ва нашрни хаёл этишнинг иложи йўқ эди. Дельвиг тўла ном билан имзо қўйиш мумкин эмаслигидан афсусланарди. Александр дадилроқ эди; наздида, унинг НКШП деган исму шарифини фаҳмлаб олиш ҳеч гап эмасди.

«Вестник Европы»нинг ҳар номерини улар энди ўзларича бамайлихотир, имиллаб, менсимагандай бўлиб варақладилар. Ниҳоят, ўн иккинчи номерида Дельвигнинг шеъри пайдо бўлди. Номер қўлма-қўл бўлиб кетди. Александр лабларини тишлаб ўтирарди: уни унутиб қўйишибди. У ўз қонунлари бўлган, бир-бирларига оқибати йўқ аллақандай номаълум мамлакатга тушиб қолгандай эди гўё.

Энди журналлар унинг учун илгаригидек эмас, энди ўзи иштирокчи бўлиб қолган эди. У бирдан ичиб-ичиб, даврадан чиқиб қолган Кошанскийни тушуна бошлади: журналларнинг феъл ва қоидалари ҳар кимни ҳам ақлдан оздириб қўйган бўларди.

Бу пайсаллар иззат-нафсига тегди, бирдан шеърларни, «Вестник Европы»ни оғзига олмай қўйди. Дельвиг гарчи қўл етарли бўлса-да, бу бенасиб бахтдан масъуд эди. Рост, шеър тагидаги *Руской* деган имзо унинг номи эмасди. Александр НКШП деган имзо эса

анча тиниқроқ ва яхшироқ эди, лекин Александрнинг номасини ҳануз босмасдилар, ваҳоланки, у журналда чиққан эълонни ваъда деб қабул қилиши мумкин эди. У қўлини силтаб қўйди-да, бутунлай театрга берилиб кетди.

10

У бемаҳалда Пушти даладан қайтмоқда, кечки тамаддига кечикиб қолмаслик учун қарийб югуриб келмоқда эди. У таниш йўлни таниёлмасди; бутун атроф: ҳовузчаларнинг ярим доира чуқурчалари ҳам, теран само ҳам ўзгача эди; ҳаммаси янгидай бўлиб қолган эди.

У арафа куни кечқурун Наталья билан шу бугун Пушти далада, шийпонда учрашишни шартлашган, лекин у ерга кетаётганда ҳам унинг келишига ишонмаган эди. Қиз зўрға кўзни шамғалат қилиб чиқиб олган; султони ва ўзига тиркалган соқчилари уни энди таъқиб қилмоқда эдилар. Аввалига қиз ҳар қандай шовқин, ҳар қандай шарпадан қўрқаверди; бу баринми деб. Александр аёл фусунларига ҳали энди биринчи марта ошиқлигидан уятда эди. У отасининг жавонидаги учирма гаплардан аллақачон ҳаммасини билиб олган, Овидийнинг «Севги илми»ни икки бор ўқиб чиққан, гарчи содиқ ўқувчи сифатида унга амал қилишга ҳаракат этса ҳам, лекин ҳаммаси хаёлидан чиқиб кетди: бўсадан аёллар юзи жонсизланишидан у бехабар эди. Овидий бу ҳақда ҳеч нима демаган эди. Кейин эса, у узлуксиз нашъу намоларни, муболагали фусунларни кутган эди. Лекин буниси на «Булбул»га, на Пиронга, на Барковга, на отасининг жавонидаги ва амакисининг токчаларидаги нарсалардан биронтасига ўхшамасди, балки ҳалокатга ўхшаб кетарди.

Парнининг ўз Элеонорасига айтган гаплари унинг ёдида, лекин гап-сўзлар ҳам бошқача бўлди: қизнинг вақти зиқ эди. Наталья қочиб кетди; у репетицияга ошиқарди, бу бўлса лицейга қайтиб келди. У кечки тамаддига кетишаётган Вальховский, Корсаков ва Мясоедовларга дуч келди. Улар Александрга қараб қўйдилар, нимадир дедилар ва ҳаммалари бирга овқатланган кетдилар. У тажжубда: дўстлари ҳеч нимани пайқамасдилар. Кечки тамадди доимгидек эди. Унинг боши айланар, ўртоқлари ёнидан ҳеч нари кетгиси келмас, Пушчин, Малиновский, Дельвиг, Горчаковлар билан айланиб юрар экан, лаби лабига тегмай жаврарди. Ҳамма нарса унга одатдагидан яхшироқ бўлиб туюларди. Ҳатто Кюхля ҳам гўзал кўринарди. Александр уларни ҳеч нимадан бехабарликлари учун ўзидаги ўзгаришни пайқамаганлари учун севарди. Ҳолбуки, эски ҳаёт барҳам топган эди. Улар бўлса, ўша-ўша, илгаригидек. У тинимсиз гапирар, ҳикоя қилар, куларди. Ўзи илгари хаёлига

келтирмаган аҳиллик, қардошлик — ҳаммаси аввалгидек давом этмоқда эди. Ҳамма ҳужра-ҳужрасига тарқалиб кетди, тартибга ҳеч путур етмади.

Сазонов амаки унга ўрин солиб бериб, чиқиб кетди.

У хонасини бир айланиб чиқди-да, деразадан осилиб кўрди. У фрейлиналар флигелининг томи оша қараб, ҳеч нимани кўрмади: Толстойнинг воксгали ўша ёқда эди. Ҳали бугунгина у қизни хушламасди: у билан, тақдири билан, бугунги спектакль билан овора эмас эди; унга фақат Натальянинг итоаткорлиги манзур эди. Энди эса шу соатда унинг саҳнада пайдо бўлишини хаёл қилар, у билан бирга кетавермаганига афсусланарди. Қарсак чалиб, унга муваффақият тилади. Кейин у гердайиб, ложада ўтирган Толстойни, саҳнага қараётган, ўз танбеҳларини йўғон дафтарига қайд этиб қўяётган ҳолда кўз олдида гавдалантирди-да, хохолаб кулиб юборди.

— Нимага куляпсан?— тўсиқ орқасидан уйқусираган товуш билан сўради Пушчин.

— Мольернинг лақмаси эсимга тушиб кетди,— деди Александр.

Тўсиқ орқасидан ҳеч нима эшитилмас, лекин у Пушчиннинг елка қисиб қўйганини пайқади ва яна кулиб юборди. Ниҳоят, Пушчин ҳам сабабини ўзи билмасаям, кулиб юборди. Дераза очиқ турарди.

Эртасига лекциялардан сўнг Кюхля унга луғатини кўрсатди: у омади келиб Бернарден де Сен-Пьердан топиш насиб қилган бахт тўғрисидаги фикрни ўқиб бермоқчи эди.

Александр Кюхлянинг луғатини олди-да, уни очди.

«Ишқ тарихи: тамойиллик, оворагарчиликлар, ҳийла-найранглар, совиш, ҳазар, жанжаллар, нафрат, унутилиш».

У яна қандайдир бемаъни гапларни ўқиди; Вейссдан:

«Шунга интилмоқ керакки, токим ҳамма нарса, ҳатто ит ва мушуклар ҳам дилимизни хуш қилсинлар».

Афтидан, Кюхля муҳаббат бобида ҳеч балони тушунмасди.

Ва пировардида Стери:

«Бизнинг энг жонли айшларимиз қарийб уқубатли ларзалар билан барҳам топади».

Кечагина унинг Кюхля сингари бу гапларга ақли етмасди. Иккаласига бу фикрнинг ғалатилиги ёқиб қолган эди. Энди эса, у лол бўлиб турарди, буни ёлғиз у бошидан кечирмабди, лекин қандай қилиб уни гапириш, мушоҳада қилиш, ёзиш мумкин?

Шомда де Будри Кюхляга атаб шаҳардан «Вестник Европы»нинг ўн учинчи номерини келтириб берди. Китобни биринчи Дельвиг қўлга киритиб, уни чақириб қолди. Унинг ранги оқариб кетган, ўзи куларди. У Александрга очиқ китобчани ниқтаб кўрсатди. Тўқизинчи бетда босилган эди: «Назмчи дўстга».

Александр ўз шеърига қараб қўйди-ю, ранги ўчиб, қочиб кетди. Бугун Толстойнинг воксалида «Америкаликлар» деган опера қўйилмоқда, Наталья қўпол америкаликнинг қаллиғини ўйнамоқда эди. У кечикиб қолишдан қўрқарди.

11

Лицейга уч солдати билан полиция поручиги ташриф буюрди. У Фроловга честь берди-да, унга нимадир деб, секингина шипшиди. Фролов орқага сапчиб, оғзини очиб қолди. Кейин эшиклар ёпиқ турди, Матвей амаки эса, ранги ўчиб, далондан юриб ўтди; улар дераза томон отилдилар-да, полиция солдатлари қилич ялангочлаб, қўллари қайрилган новча одамни олиб кетишаётганини кўриб қолдилар. У шумшайиб борарди, лекин уларнинг овозларини эшитиб, бошини орқага ташлади-да, баланд овоз билан:

— Афв этинглар, ёронлар!— деб бақирди.

Соқчи солдат шамширини унинг орқасига ниқтаб қўйди, ўнга бурилиб, ўтиб кетишди. Қўллари қайрилган киши Александрга қарашиб, лазаретда ҳам у билан бирга тунаб юрган амаки — Сазонов Константин эди.

Бир ҳафтадан кейин маълум бўлдики, Сазонов тунги йўқолишлари пайти йўлтўсарлик ва қотиллик билан шуғулланар экан. У жами тўққиз кишини чавақлаган. У тунов куни лазаретда беҳуда қидирган чоракталик ҳам худди ўша кечанинг ўзида ярим сўмга ёллаган извошчидан олинган эди; Сазонов пул тўламаслик учун бу извошчини талаб кетган эди. Чоракталикни жасаднинг чўнтагидан топиб келган эди.

Сазонов шеър тинглашни яхши кўрар, бир марта Дельвиг билан баҳслашган ҳам эди. Лекин у Александр бурун романлар бўйича тасаввур қилиб юрган қароқчиларга ўхшамасди. Оқ сариқдан келган, тўпори ва шумшук эди. Мабодо Александрда пул-мул бўлганда эди, ноинсоф уни сўйиб қўярди, албатта. Улар ёнма-ён ётишарди, атрофларида эса ҳеч ким йўқ эди. Сазонов ўзига пиёладан чой ичирганлари эсига тушиб кетиб, тун бўйи мижжа қоқмай чиқди.

12

Ҳаммасида ўзгариш сезиларди. Ҳаммасининг овози бузила бошлаган, эндигина сабза ураётган мўйловини ифтихор билан қиртишлаб туришарди; лекин дўстлик ўша-ўшалигича қолди. У билан Дельвиг ва Кюхельбекер — шоирлар дўст эдилар; Илличевский ҳамон ўзининг ўша масалларини эзмаланиб, жило бериб ёзиб юрар, Александрнинг у билан гаплашадиган гапи йўқ эди. Яна Пушчин билан Малиновский ҳам унинг дўстлари эдилар. Вальховский тийнатли бўлиб, уни қатъий қораларди. У ўзининг тутинган отаси директор Малиновский хотирасини эъзозлар ва умри бўйи ахлоқ софлигига риоя қилишга қасам ичиб қўйган эди. У Кюхельбекерга ахлоқнинг таназзулга юз тутаётганидан нолир, Василий Фёдорович яна бир оз яшаб турганда, энг енгилтакларни ҳам одам қилиб қўйган бўларди, Пушкин ҳам саёқ бўлиб кетмасди, дерди. Кюхельбекер унга мутлақо итоат қилар, лекин дўстини у ўзи жиловлай билмаган эҳтиросларини ҳурмати, қисман оқларди.

Александр энди боғда йўқолиб кетадиган бўлиб қолди. Куз палласи бўлиб, у арғувон йўлкаларида санқиб юрарди. Дўстлар хуфия висолларни гумон қилишарди. «У ўзбошимча бўлиб, яхши йўлдан тойилиб кетди», дерди унинг хусусида бошини тебратиб Вальховский, Кюхля ҳам бу гапни алам билан тинглаб турарди.

Александрнинг театр ҳаваслари Фроловга панд бериб келар, лекин сипо авлиёларнинг ҳукмига дучор бўларди. Эс-ҳушлилар ўзларини ундан тортиб юришарди, унга ичлари ачиб қарашарди, у бўлса, бунга кулиб қўя қоларди.

Бир куни Будри Александрга қараб, ёшлик йилларида оғаси, ҳаким донишманд киши қай тариқа уни фаҳш йўлидан сақлаб қолмоқчи бўлганлигини ҳикоя қилиб берди. Айни ўша пайтлари оғаси Венера қурбонлари ҳақида ёзиб юрган экан. У азоб-уқубатларни тушунтириб, қонталаш яраларни, ҳуши ва ҳаракатидан жудо бўлган чалажон саёқларни кўрсатиб қўйган экан.

Александр уни қизиқсиниб тингларди. Будри жуда жонли қилиб сўзлар, тили ўткир, овози хирқироқ эди; Париж гошпиталлари — даҳшат. Унинг Наталья билан шартли учрашувларига, қизнинг фусунларига ҳамда ўша Стерннинг маълумотларига кўра, доим, негадир, қарийб уқубатли ларзалар билан охирлайдиган ўша қувончга буларнинг ҳаммасининг зарра алоқаси йўқ эди. Лекин бу висоллар энди барҳам топган; театрга қулф осилган эди. У Наталья билан учрашмасди, дўстлари янглишмоқда; у ёзяпти.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

1

У пиллапоясидан ўзининг баҳайбат диванига оҳиста чиқди-да, оёқларини йиғиштириб, диваннинг устига қарийб йиқилиб тушди. Қўйнида ухлаётган кучукча уйғонмади. Қиш қуёшининг тонги ялтираган гиламларда сариқ, пушти ва кўк рангларда товланарди; деразаларга қиров ғуборлари тушган; нариги ёғи бутун ҳовли бўлаб қор. Диваннинг усти эса, имиққина эди. У тамшаниб, бир оз мизғиб олди. Қалпоғи бошидан тушиб кетди-ю, буни пайқамади ҳам; боши худди бильярд соққасидай тақир, сариқ эди. Ҳар-ҳар

жойида майин тук чиқиб турарди. Диван унинг салтанати: ёзган жамики нарсасини у шу ерда сақлар, шу ернинг ўзида ухларди ҳам. У диванга бир фикр ва ният билан тирмашиб чиқди: чап томондаги, боя ўзининг аспид тахтасини унутиб қолдирган жавончада унинг Разумовскийга ваъда этилган «Атабалибо» деган трагедиясининг рўйхати ётарди. Аспид тахтасини у ҳаргиз эсдан чиқармаган, ташлаб кетишидан мақсади ҳам шу эди. У ним билан унга кўз олайтириб қўйди. Бирдан грифелни олса-ю, шеър қуйилиб келаверса; шундай бўларди-ку, ахир; умри бўйи шундай бўларди. У кўзларини юмиб, грифелни олди, қорга, момиқ Фонтанкага назар солди, бир сўзни ёзиб, ўчириб ташлади: бошқасини ёзиб, ўчирди. Тахтани жавончага солиб қўйди. Кучукча Тайка унинг қўйнида тинч ўтирар, қалбига ҳарорат бераради. Унинг номи Горностайка, эркалатиб, қисқартириб айтганда эса: Тайка.

То отларни қўшгунларигача, кийинишдан аввал у трагедиядаги икки сатрни тузатиб қўйса тузук эди. Тўсатдан уларни тузатгиси ва бу билан киройи нусхани бузгиси келмай қолди. Икки ўртада уни бериб юборишга ҳам кўзи қиймай қолди. Бу нусхани бермасликка қарор қилди. Ўзининг сўнгги асарини у энг яхшиси деб ҳисоблар; император Перуанекий ҳалокати, кун тутилиши кўнгилдагидек чиққан эди. Бутун умри бўйи у неки яратган бўлса, ҳаммаси, кўплаб одалари «Атабалибо» билан қиёслаганда, тутуриқсиз, нуч нарсалар эди, ёдида бўлса, бунча заҳматларга арзимасди.

Гоҳи маҳаллар, назарида, энди ижод қила бошлаётгандай бўлиб кетарди. Бугунги сафар юрагига сал ғулғула солиб турарди. Ҳаётида унинг кўп саёҳат қилишига тўғри келган: Волга бўйлаб юрган, Оренбург саҳроларигача, Петрозаводскқача, Могилёвгача, Калугагача от солган. Лекин шу Царское Селога саёҳат унга ҳаммасидан малол келиб турарди: сенаторлик мундирини, лентани кийиш; оёқларини пиймага, қўлларини қўлқопга тиқиш, пўстинга кириб ёқа тақиш, қорларда елиш, кун тартибини бузиш. Лекин бошқа илож йўқ; ҳамма унинг пойқадамига, далдаларига мунтазир, ҳали аллақачон йўлига нигорон бўлиб, кўз тикиб ўтиришгандир, келяптими деб. Хизматда бўлган кезлари у ҳеч қачон ташрифларини дариғ тутмас, барвақт боришга, кўпроқ ўтиришга, эҳтиром солишга ҳаракат қилар ҳамда енгил-елпи ва палапартиш одамларнинг, уйда ўтириб олиб, ҳамма нарсани биладиган ҳашаматпараст ва бадастур кимсаларнинг омадига мудом қаҳри келарди.

Губерния гимназиясидаги имтиҳонларга доим оралаб турарди. Лицейни писанд қилмаслик мумкин эмас: бу тезпишар муассасанинг ғавғоси кўп эди. Директори бўлган Малиновский унга яхши таниш эди-ю, фавқулодда қазо қилиб қолди; энди у ерда директор ким — хабари йўқ. Улимлар кўпдан бери уни хафа қилмай қўйган, лекин қаттиқ ғашига тегарди. Қасддан қилгандай тенг-тўшларининг ҳаммаси, уларнинг кетидан ёшроқлари ҳам бир-бир ўлиб кетишди, ҳар хил ишлар бошланишга бошланарди-ю, охирламас эди. Бу замон аросатига ўрганиб қолди, лекин янгилик бош нарсалиги, ўзининг эса истеъфодалигига у рози эмас эди. Ўша имтиҳонларда шоир Жуковскийни учратиб қолишга тоби йўқ эди; мактубларда ғоят хуштавозелиги, шеърий хушзабонлиги билан ром қилиб қўйди у: ўзининг альманахига шеър сўради, авраб ундирди, кейин эса унинг ҳамма етакчи шеърларини ўзининг китобчасида босиб чиқарди. Энди асл нашрларни сотиб олишга ҳеч кимда рағбат йўқ, ҳамма Жуковскийнинг мажмуасини харид қилади, у эса жон койитмасдан, уйида ўтириб олтин бошоқларни чўқилаб ётибди. Унинг ўн иккинчи йилга ёзилган қўшиғи мужмал: ҳаммаси романс йўлида, қаҳрамонларни вальсга солиб қўйган. Дарвоқе, таланти бор.

Умри бўйи одамлар унга дардисар бўлиб келишган, ёшлар энди унинг иззат-ҳурматини жойига қўйишади шекилли, амалда эса бари риёкор. Талай болалар ҳам кулги қилади, чоғи. Ҳаёт ўзи шунақа. У диваннинг икки ёнини ташкил этган жавончалардаги ўз асарларидан ташқари, энди одамлар ғамини ҳам ейдиган бўлиб қолган эди. Унинг бир соат бўш вақти йўқ эди: атиги яхши расм гравюралари камлик қилиб турган ўз асарлари ташвишлари — хонумонинг кетади, рўзғор, Званка, меросхўрлар ташвиши.

Унинг фарзандлари йўқ, пешонасининг шўри эди бу. У Державин фамилиясининг узилиб қолишини минбаъд истамасди: кичик жиянини танлаб олди, уни фамилиясига ўтказиб олиш хусусида олий изн сўрашга бел боғлади-ю, лекин жияни гўё ўзини номуносиб ҳис қилган бўлиб, бош тортди. У чекинмади: бир қариндоши ва юртдоши, отлиқ гвардиячи полковник бўларди — ўшани жиянига уйлантириб, ўз фамилиясини инъом қилишнинг эвини топган эди — жияни бош тортди. Аёл зотига бас келиш мушкул гап. Ўз фамилиясини бир қозонлик дурустгина одамга таклиф қилиб кўрди — яна муваффақиятсизлик. Бир пайт уникига ёш, абжиргина, оқилгина, яхши қаробатли Блудов қатнаб юрди. Фамилиясини ўшанга бермоқчи эди, ўзи Милена деб барҳаёт этган хотини Дарья Алексеевна Блудовни уйга сиғдирмади.

Кексалик серташвиш ва серқайғу эди. У зинҳор ва минбаъд рози эмас эди; биринчидан, аёлларни унутишга, иккинчидан, ажалга ёки бошқача қилиб айтганда, нест-нобуд бўлиб кетишга рози эмас эди. Бундан икки йилгина бурун ҳам Милена билан аразлашиб юрарди: у аёл томирларини қон қизартиришига юрак ўйноғисиз қараб туролмасди. У соҳибжамоллар учун ҳар нарсага тайёр эди. Улар олий ҳақ-ҳуқуқларга молик эдилар. Аёллар унга узоқ термилиб қолишган чоғларда, унинг яна хаёли қочиб қолар, агар мабодо соҳибжамол арфа ёки тихогромда Бах ёки Крамерни чалиб қолса борми, шу замон дераза тагидаги столда турган ас-

пид тахтасига ёза бошларди. Ҳамма уни тарк этар, у эса, парвосига келтирмасди; фақат соҳибжамолни олиб қоларди: жимгина ўтирса-ю, кетиб қолмаса бас. Ёшгина жиянлари уйидаги бор-йўқ юпанчи эди. Номи ўчиб, шамолга совурилиши тўғрисидаги фикр унинг учун уқубатли эди. Шу боисдан одамлар ичида бўлишни, разм солишни, улар билан ўзини таққослашни яхши кўрарди. У васиятномасида ўз мол-мулкига оид дастурларни бериб бўлган, лекин умрида ҳеч нарса бирйўла қуюлиб келмагани сингари, буни ҳам қайта ва қайта, кўп карра тузатган эди.

Яна унга шеърлари ҳеч бир ном-нишонсиз барҳам топиши ҳақидаги фикр ҳам азоб берарди. Уларни ажал барбод қилиши керак. У энди салобатли трагедиялар ёзарди. Шеърлар ёшлигида сал бўлмаса ўзини жувонмарг қилиб қўяёзган карталардек гап бўлиб қолган, ҳозир хотини арзимаган ютқизиқларга яраша пул бериб турар, у ҳам ютқизаверарди. У на мулкини, на шуҳратини сарфлаб тугатолмасди.

Диван бузилиб кетади, ён жавончалардаги қўлёзма ва нусхалари-ю, пастки ғаладондаги бўғча варақ-варақ бўлиб сочилиб битади. Лекин меросхўрлар ҳаёт экан, лоақал бирор нарса омон қолар, хўш, улар ҳам кўз юмгандан кейин-чи? Асарларининг нусхалари тугул, ўз шеърларини ҳам, ўз даҳосини ҳам битта-яримтасига топшириб қўйиши зарур эди. Жуковскийдан аччиқланиб қолганининг боиси ҳам шу — Жуковский унга ворис бўлгудай эди. Уни ёш йигитлар зиёрат қилиб туришар, ўз асарларини келтиришар, ўқиб беришарди, бир хил пайтларда унда йилт этиб умид учқуни пайдо бўлар, лекин бирпасда сўна қоларди: энди кўп таржима қилишарди (чолларбоп машғулот, ўз асарларини ёзишга юраклари йўқ) ва ҳаммаси унинг давридагидан хашакироқ, бачканароқ, ҳовлиқма эди. Биттасини танлаб, эсдан чиқариб юборди, бошқасини танлаб, уни ҳам эсдан чиқариб юборди. У ўз илинжи билан етук шоирга ёпишиб олишдан андиша қиларди. Етук шоирларнинг ҳаммаси аксаран ўзларининг нимага қодирлигини кўрсатиб бўлишган, улардан боқийлик умиди йўқ эди, меросхўрлар унинг фамилиясини қабул этмаганидек, буларнинг шуҳратини қабул қилмас, ҳатто бунинг маънисига ҳам етмас эди.

У сабрсизлик билан ўз кўнглидагини ахтарар, астойдил қулоқ солар, умид боғларди.

Разумовский бугунги таклифномага программа ҳам илова қилиб юборган эди. Янги муассасадаги имтиҳонлар кенг кўламли: ўсмирлар кичик курсдан юқорисига кўчмоқда эдилар. Тўрт кун муқаддам биринчи имтиҳон бўлиб ўтди. Бормади: ақоид, мантиқ, жуғрофия, тарих, немис тили ва ахлоқшуносликнинг қизиғи йўқ, чунки улар ҳамма жойда бир қолипда эди; лотин тили, француз тили, унинг ўзи ҳам билмайдиган физика ва математика бўйича

ўтказиладиган иккинчи имтиҳонга ҳам бормади, садқайи сар. Лекин охирига россия тили қўйилган, яна бунинг устига, талабалар зиёратчилар томонидан ҳам саволга тутилиши мумкинлиги алоҳида қайд этилган эди. У бу ҳуқуқдан истифода қилиш ниятида эди. Программага у ўз фикрларини ёзиб қўйди. Лекин, ҳар қалай, ундан мамнун бўлди: калом турлари, нутқ фасоҳати, сўнгги ва тўртинчи банди: ўз асарларини ўқиш.

Қоқилиб-суқилиб ўз шеърларини ўқиб бераётган ўспиринларнинг журъатсиз, хўроз қичқириғига монанд овозларини у яхши кўрарди. Унинг ўзи ҳам бир маҳаллар сўзидан адашиб, бақириб-чақириб юрган. Шу боисдан олдинги ҳаммасига кечиккач, охиргисига отланмоқда эди. У яна талабаларнинг мўйқалам, ҳуснихат, қиличбозлик ва рақс бобидаги тажрибалари ҳам намойиш этилажак, энг охиригача қоламан, деб қарор қилиб қўйди.

Кондратий-кучер доим отларни ёмон эзилиб эгарларди. Умри бўйи ҳавас қилгани нуқрадек пушти, саман тулпорларга етишолмади, энди кулранг қўш отда юрибди.

У яна мизғиб олди. Рафиқаси кириб, уни чақирди:

— Ганюшка, Ганюшка, жўнай қол, вақт бўлди!

Ундан иссиқ олмахон мўйнаси қопланган шлафорини ечиб олдилар, бунга ичи ачиб турди. Унга чий бахмал этикларни таранг тортиб кийгизиб қўйдилар. Сенаторлик мундири билан лента кийгиздилар, у тик тураверди. Камердинер Кондратий яланг бошига ҳурпак оқ парикни қўндириб қўйди; у чайқалиб кетди. Кейин пўстинга ўраб-чирмаб, ёқа қўйиб, етаклаб пастга туширдилар. Аравага ўтқазиб, ҳар томонидан қимтиб, Царское Селога олиб кетдилар.

2

Сергей Львович Варшава ҳақида гапиришни ёмон кўрарди. Энди оиласи билан Фонтанкада, худди Державин яшайдиган жойда истиқомат қиларди. Дарвоқе, унчалик эмас: Фонтанканинг энг охирида, Коломнада. Москвада, Немис кўчасида бўлганидай, бу ерда Петербургда ҳам у мастеровойлардан ёлчиган эди: ён-ва-ридагиларнинг ҳаммаси мастеровойлар, етим-есир, йўқсиллар. Сергей Львович азбаройи ҳаваси, Петербургда камчил бўлиб кетган боғи деб, шу ерда туриб қолдим, дерди. У хароб бўлиб қолган эди. Ҳамма бало иззаталаблигида: мартаба кетидан қувмаганда, ҳозирги афсус-надоматларнинг ҳам ҳожати бўлмасди. У ёр-дўстларидан айрилгач, энди фарзандларига бино қўя бошлади. Буни қарангки, Ольга хушрўй бўлиб кетди. Уни Александр билан кўриштиргани олиб борганда, бунга қаноат ҳосил қилди. Илгарилари буни, қизининг ўзини ҳам пайқамаган экан. Лекин Александр

қувониб кетди, ҳайратда қолди, ўртоқлари — Горчаков ва унга нотаниш бошқалари, бу ёшлари тушмагур — Ольгага ўша ўзи ҳам бир замон қизларга қараб юрган назар билан суқланиб термулишарди. Сергей Львович ҳам Ольганинг очилиб кетганини кўрди.

У ҳамма нарсага бегона назар билан қарарди. Сашка «Вестник Европы»да шеър босиб чиқарибди. Сергей Львович ҳеч бундай қилолмаган. У мамнун бўлиб, «Вестник Европы» китобчасини кўрсатиб юрар, лицей тартиб-қоидаларининг торлигидан зорланарди.

— Пушкин деб имзо қўйиш ўрнига, бечора Сашкани қаранг, тахаллус билан, анаграмма, шарада, ребус билан қўл қўйишга мажбур бўлибди.

Сашканинг асарига кўз югуртириб чиқиб, йўргалаб кабинетига кириб кетди ва дарҳол бир варақ қоғоз устига энгашди: у кўчкўчларда йўқотиб қўйган ўзининг бир эски элегиячасини эсламоқчи эди. Умуман, унинг кутубхонаси ҳам, жавони ҳам камбағаллашиб кетган, кўчиб юриб, у бор-будидан ажралган эди.

Лекин шу орада Василий Львовичдан хитобларга тўла мактуб келди: Сашканинг номаси, унинг наздида, порлоқ дебоча эмиш. Сергей Львович номани қайта ўқиб чиқди-да, ишонч ҳосил қилди: порлоқлиги рост, редакция томонидан рағбат маъносида босиб чиқарилган жўн нома эмас, дебоча бўлса ҳам, ажаб эмас.

У бошқа ота-оналарнинг ҳаммаси қатори имтиҳонларга таклифнома олди. Виждонсиз извошчи билан савдолашиб ўтирмасдан, уни йигирма бешталикка ёллади-да, ароқ пули ҳам ваъда қилиб, жўнаб кетди. Имтиҳонга нуфузли зотлар муқаллаф бўлган, извошчи билан пул талашиб ўтиришни бу гал Сергей Львович ўзи учун ор деб биларди.

3

Кондратий извош пештахтасидан сакраб тушиб, унинг қўлтиғидан олиб, кўмаклашди. Йўл дўқир-дўқири уни сал лоҳас қилиб қўйган эди. У Кондратийга кутишни буюрди-да, ўзи оёғининг чиғилини ёзиш учун бир оз айлангани кетди. У таниш йўлдан беихтиёр юриб кетди ва саройга етгач, лол бўлиб қолди. У кўп тамшанарди.

У мармар зинапоя тагида тўхтади. Улкан Геркулес билан Флора киравершда туришарди. Улар қорга кўмилиб ётишарди.

— Оббо, уни ҳам босибди-ку,— деб ғўлдираб қўйди у Флора ҳақида.

Кейин юраги дов бермайгина, зиналардан юриб чиқди-да, яна жавраниб қўйди.

Қош қорая бошлаган, чироқлар ғира-шира эди. Бирдан Флоранинг устидаги қорни қоқиб ташлагиси келиб қолди. Ҳассасини узатиб, уни маъбуданинг дуркун биқинларидан сидириб юбормоқчи бўлди. Минг интилса ҳам, ҳатто синчалоғига етолмади, қор ҳам қотиб қолган эди; қор қатламига ҳассасини дўқиллатиб бир-икки урди-ю, тўхтади, кейин сурилиб, зиналардан йўлкага тушди ва кўзларини пана қилиб, колоннадага қаради. Қор босган тераклар орасидан у ҳеч нимани кўрмади. Лекин кўнглидаги азалий кучли ҳасадни қайта ҳис қилди. У ерда саф тортиб ҳаммаси бир пускадаги бронза бутлар, Рим ва грек донишмандлари турарди. Ломоносов ҳам уларга қўшни бўлиб қолибди. Ана ўшандан кейин, Ломоносовни ҳам ўша ерда кўриб қолганидан кейин, икки ойгача кечалари уйқусининг мазаси бўлмади — мени тасвирлаган бут ҳам шу ерда турса, деган орзу уни ўртаб юборди. Гап шунга бориб тақалар, деган илинжда у ҳайкалтарош Рашетга ўзи ва Пленирани буюртма қилди. У мўмий пул бадалига ясаб берди. Лекин колоннадага чиқиш насиб қилмади ва унинг ғўдайган бути Дарья Алексеевна диванининг ёнида турибди, Пленира санамини эса, иккинчи рафиқаси диванга беркитиб қўйди. Вафот этса, унинг бутининг ҳам қисмати шу.

Ғайирлиги келди-да, бирдан ҳафсаласи совиди; атроф шу даражада лоқайд эди. Колоннададаги ҳайкалларнинг ҳаммаси бутун қолмагандир ҳам. Унинг ҳам ҳоли шу кечарди: ғўласига бир қараб қўйиб, зинадан тепиб юборишардики, калласи билан зина санаганича, пастга қараб думалаб кетарди. Мана шу, ҳозир ўзи турган зинада у бир вақтлар зор йиғлаган: котиб туфайли бир кўнгилхиралик бўлган эди; ҳаммаси изига тушиб кетди, лекин неме машаққатлар эвазига!

Энди эса бунинг ҳеч аҳамияти йўқ.

У бирдан имтиҳонларни ва ўзига маҳталликларини унутиб қўйди. Ўзини ҳамиша чўчитган, энди ҳар тарафдан бостириб келаётган вақт билан беллашувда, ҳеч бўлмаганда, шу боғдаги бирор нарсани тортиб олгиси келиб кетди. Унинг на монументларга, на шийпонларга, на ҳалиям чала ётган Хитой қишлоғи томонга қарагиси, эсдаликларга берилгиси келмасди. Бу боғни у худди ўз уйидай биларди. Ҳув анов ерда жудаям дарғазаб бўлиб кетаётган Безбородкони учратганди; манов ёқда Орлов сайр қилишни яхши кўрарди. Тоғдан қулаб тушаётган извошни шартта тўхтатганман, деб мақтаниб юрарди — у ҳаёт деб тушунган нарсаларнинг ҳаммаси ўтди-кетди. Энди осиёча рутубатлар, зебу зийнатлар қолмади, шипшийдам, ақл бандаси — Александр асри бу. Ғалабалар ҳам энди ўзгача, уларни ўзи бир вақтлар Суворовни тушунганидек идрок этмасди. Унинг «Французлар қувилишига лиро-эпик гимни» тафтсиз чиқди, Жуковскийнинг «Куйчи»си ёнида уни ҳеч ким назар-писанд қилмади. У доим вақт ва ажал хусусида, борлиқнинг беқарорлиги хусусида ёзиб келган, лекин ёз-

ганлари гоят қисқа муддатда, ҳақиқатда амалга ошишини ҳеч кутмаган эди. Оёқлари бундай бўлмаганда, ҳозир ўзи Пленира билан бир маҳаллар қайиқда сайр қилган кўлга бориб келган ва яхлаб ётган кўлни ҳассаси билан уриб кўрган бўларди.

У лицей сари юриб кетди; энди фрейлиналар флигелининг аҳолиси янги эди.

У жуда чарчаб кетди ва Царское Селога келиб, бекор, мутлақо бекор қилганини тушунди. Дарвоқе, директор Малиновский ранжиб қолган бўларди.

Эшикдан кириб, ўзининг сувсар пўстинини ечиб, швейцар қўлига ташлагач, унга ўйчан тикилиб қолди ва гумонсирай бошлади: директор Малиновский ростдан тирикми? Аллақачон зинадан бир қанча мундирлик одамлар шошиб-пишиб унинг истиқболига югуриб тушмоқда эдилар; уни авайлаб қўлтигидан суяб олдилар. У аччиқланиб, қўлини тортиб олди. Сал ўралашиб турди-ю, кейин ҳафсала билан зинадан чиқди. Директорнинг вафот этгани залда эсига тушди.

Уни креслога ўтқазиб қўйдилар. Сўнгра бошини қимирлатиб, атрофга кўз ташлади-да, ёшариб кетди: кўплаб ёшларнинг кўзлари унга бир мўъжизага тикилгандек тикилиб қолган эди. Унинг кўзи илиниб қолди, лекин ҳамма гапни гўё бир парда орқасидан, ҳаммасига унча эътибор қилмасдан, яққол эшитиб ўтирди. Шеърхонликни эълон қилдилар. У қиличбозлик ва рақсларга қолмайман, зиёфатидан эса тотиб кўраман, деб хаёлидан ўтказди.

Дафъатан унинг номини тилга олдилар, шеърларини ўқий бошладилар. У креслода ўгирилиб, бошини тебратиб тингларди. Унинг кўп йиллар мобайнида айтилавериб сийқаси чиқиб кетган эски шеърлари ўқилмоқда эди. Лекин у ҳамма нарсани унутадиган бўлиб қолгани учун ўз шеърлари худди бошқа бировникидек эшитилиб, кўнглини бузиб юборди.

Сўнгра, жарангдор овоз эшитилди. У тикилиб қараб қолди. Овоз жарангдор, бўлиниб-бўлиниб янграйдиган, ширали эди, гўё шамол учириб бирор қушчани бу ёқларга келтириб ташлагандай. У хавотир бўлиб, лорнетини қидирганича, пайпасланиб қолди. Лорнет йўқ эди. Қўққисдан ўша овоз, бўлак ҳеч кимга эмас, ёлғиз унга қарата:

— Царское Село хотиралари,— деди.

У салқи, ғўраша, солдатча лаблари билан бу сўзларни унсиз, сассиз такрорлаганича, қалтираб кетди. У талабага синчиклаб разм солар, назарида, талаба ҳам унга қараб турарди. Кўзлари унга панд бера бошлаганига анча бўлган, лекин ҳар қалай, уни бамисоли туман ичида кўриб турарди: талабанинг кўзлари тийрак, оташин эди. Бошқа ҳеч ким шеърларни бу тарзда кескин, аммо туроқларда секинлаб ўқимасди. Фақат созандалар шундай

чаларди. Бах музикасини тинглаётгандай, ҳеч кимни юз-хотир қилмай, ҳаммани хаёлдан соқит қилиб, чайир мўйсафид кўрсаткич бармоғини бир маромда ўйнатиб, вазнни билинар-билинмас қайд эта бошлади. У ҳали эслагудек ҳеч нимаси йўқ, лекин шу боғда унинг учун ҳамма нарсани: ғалабаларнинг эскиларини ҳам, янгиларини ҳам ёд этган бу жўжахўрознинг хотираларини тинглаб ўтирарди.

Ўқувчи шеърида унинг номини зикр этди. У фаромушхотирлик билан аспид тахтасига чўзилди-ю, қўли ҳавода муаллақ осилиб қолди. У ўз уйида эмас, оммавий кенгашда эди. Аспид тахтаси йўқ, аммо, афтидан, унинг ортиқ кераги ҳам қолмаган эди. У ёзиб қўймоқчи эди.

Ғуссали тун пардасин осмиш...
Шу эмасми шимол жаннати,
Шоҳ қишлови, соз Боғи Эрам?

Александр тугатганда, фақат баъзилари унга қарарди, кўпчиликнинг кўзи Державинда эди.

Қоқсуяк, мункиллаб қолган чол тобора қад ростлар ва энди бошини орқага ташлаб, тик турарди; унинг чеҳрасида бемаъно кекса завқ барқ урар, бундай ҳол шу ерда ўтирганлардан фақат мўйсафид Салтиковнинг эсида эди. Унинг ажиндор дағал юзидан ёш оқарди. Бирдан у кутилмаган бир енгиллик билан креслоларни суриб қўйди ва ўқувчини қучоқлаб олмоқ учун югуриб ўртага чиқди.

У ҳеч кимни тополмади, Александр қочиб кетган эди.

Ва ҳамон тетик туриб, у одатда шу соатда ўзини дақиқа сайин элитгувчи мудроққа чўкмасдан, жонланди-ю, Разумовский билан гаплаша кетди.

Разумовскийнинг ҳеч нимага фаҳми етмасди. У Пушкинни насрда шакллантириш нияти борлигини айтди.

— Шоирлигича қолдиринг,— деди унга Державин ва бетакаллуф қўл силтаб қўйди.

Ўзини дадил тутган кўйи, фақат бошини қаттиқ қимирлатиб, зиёфатда узоқ ўтирди. Сўнг табиблар гапларини қулоғига қуйиб олиб, дастурхондаги энг хушхўр таомларни тортиб оладиган рафиқаси йўқлигидан фойдаланиб, бу гал иштиёқ билан кўп овқат еди; винодан бир қултум ичди. Сергей Львовичнинг бидирбидир гапларига қулоқ солди, ҳатто унга жавоб ҳам қилди; Царское Селодан кета туриб, арава болишларига мудроқ аралаш ағанади ва камердинернинг адаши — кучер Кондратийга эшиттириб:

— Елдек уч!— деб ғўлдиради.

Учинчи ҚИСМ

ЕШЛИК

1

Фома амаки жаноб Карамзин ва бошқалар кутиб туришганини айтганда унинг юраги орзиқиб зинадан ўқдай учиб тушиб кетди, амакининг ўтакаси ёрилиб: «Ё парвардигор»,— деб ёқасига туфлаб қўйди.

У жаноб Пушкининнинг хатти-ҳаракатларига, авзонга ва ўн тўртинчи номердаги келди-кетдиларга сира кўникомасди.

Уни кутубхонада кутиб туришганди. Ота-оналарни шунчаки умумий залга киритардилар.

Бир ойдирки Карамзин Петербургда турар ва ҳамма ёқни у ҳақдаги мишмишлар босиб кетган эди: у подшо ҳузурига кириб ўзининг «Тарих» китобини нашр қилдириш тўғрисида гаплашгани келганмиш. Семиз Бакунина эса, подшо уни қучоқ очиб қабул қилди ва ҳаммаси ҳал бўлди, деб гап тарқатиб юрарди; дарвоқе, бошқа сафар Бакунина ўғли билан унинг ўртоқларига, ҳали ҳеч нима ҳал бўлгани йўқ ва ҳатто ҳеч нарса маълум ҳам эмас, дебди. Умуман, Бакунина Карамзин тўғрисида ортиқ гапиришни хоҳламабди.

Фақат кечагина Куницин келиб Карамзиннинг муваффақияти ҳақида сўзлаб берди: ҳамма қўлма-қўл қилаётганмиш, сарой нашрга розилик беришга мажбур бўлганмиш. Унинг шарафига берилган қандайдир зиёфат ҳақида гап юрарди. Энди бўлса у иттифоқо Царское Селода, Лицейда пайдо бўлиб қолди.

У ёлғиз эмас: қўлларини орқага қилиб далоннинг қоқ ўртасида Василий Львович амаки ва яна шалвираган, новча, елкалари туртиб чиққан ва кўзойнак таққан учинчи бир киши турар, Александрнинг уни биринчи бор кўриб турипи бўлса ҳам дарров фаҳмлади: бу — Вяземский. Василий Львович ҳар доимги қилиғини қилиб, Александрга қарамасдан ва дўстлари томонга ғилмайиб туриб, Вяземскийни қучоқлаб қўйди.

Вяземский хўмрайиб кузатиб туриб, Александр билан кўз уриштириб олди.

— Қани, бўлинг, зоти олийлари,— деди у Василий Львовичга ўз вазифасини эслатиб, — қани, Арзамас оқсоқоли!

Амаки имиллаб тураверди.

— Мана!— деди унга Вяземский.

— Унутганим йўқ, зоти олийлари,— деди амаки чапанича қилиб. Вяземскийнинг юмшоқ маллатоб сочлари ҳурпайиб, энсасидаги бир тутам кокили диккайиб турарди. У ҳар дақиқа жангга ташланишга шай хўрозни эслатарди.

Шунда улар кулиб юбордилар, Карамзин эса бош чайқаб қўйди.

Амакини ҳеч ким ҳеч қачон зоти олийлари демаган, у бундай эмас эди ҳам, Вяземскийни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Бу телбатескари гаплар янгилик бўлиб, ўзига хос эшитиларди. Булар Арзамас шўхликлари эди. Александрнинг дами ичига тушиб кетди. Ҳаммаси унинг учун янгилик эди.

Амаки чўнтагидан бир парча латта олди, экспромт ўқиш олдидаги доимги қилиғини қилиб йўталиб, камзулини тўғрилаб қўйди.

Йўқ, булар асло шеърлар эмас эди. Амаки ҳар сўзида адашиб, туфук сачратиб ҳафсала билан черков-славян хатиними, бирор муншининг ирво қоғозиними ўқимоқда эди:

— Қаҳратон, Қирқар ойининг ўн иккинчи кунида Липецк тошқинининг иккинчи ёзида Кампир уйида «Арзамас»нинг йиғини бўлди. Зоти олийлари: Яшинқайтарғич, Ойдин ва Мана ҳозир бўлдилар. Қизил қалпоқ ва ғоз пати ила «Муколама» телбаликларига қарши шайланганлари ҳолда...— хўш, у ёғини, Шаховской ҳақидаги гапларни ўзинг ўқирсан — Чигирткани арзамасчи деб тан олдилар. Зоти олийларидан Чу...»

— Хуллас, сен арзамасчисан,— гапнинг пўскалласини айтди амаки.— Бу Чигиртка дегани сен бўласан, дўстим. Зоти олийлари деганимиз эса бу — шундай унвон: «Арзамас» даҳоларини «зоти олийлари» деймиз.

«Арзамас» шовқин солмоқда эди. Шаховской бир комедия тўқиб, унда шўрн қуриган ғариб бир Гунафшазода образини яратган бўлди, кейин Жуковскийнинг шеърларини куйи қилди. Комедия «Липецк сувлари» деб аталар ва жуда қувноқ эди, суронли муваффақият қозонди, лекин нафосатнинг барча дўстлари Шаховскойга қарши кек сақлаб қўйдилар. Эпиграммалар унинг бошига дўлдек ёғила бошлади. Унинг ўзини Масхарабоз, комедиясини эса Липецк тошқини деб аташди. Ақлини еб қўйган «Муколама»га атаб Шаховскойдек кучли ва заҳар иттифоқчиси бўлган ўша ғализ тилли муншиларга қарши черков-славян услубида узундан-узоқ маза-матрасиз акафистлар ёзилмоқда эди. Василий Львович амаки куйиб-пишиб икки пойтахт орасида қатнаб юрарди.

Бора-бора бу бир-бирини мазах қилишларнинг ўзи мақбул бўлиб қолди; ҳаммага бу «муколама»га қарши гўё хуфия тил бириктириш мақбул тушган эди.

Кунларнинг бирида Арзамас шаҳрига йўли тушган Блудов бекат уйчасида зерикиб ўтириб, Шаховскойни ҳам, бутун ҳодисани ҳам «Муколама» услубида тасвирлашни хаёл қилибди. Унинг ажабтовур асарининг номи «Бир иҳота ичидаги шарпа» деб аталарди. Шу зайл Шаховской ва «Муколама» билан олишаётганларнинг ҳаммаси арзамасчилар, Арзамаснинг номаълум аҳли бўлиб қолдилар. «Арзамас» деб аталган жамият таъсис бўлди, Арзамас ғози эса унинг эмблемаси бўлиб қолди. Арзамас ўзининг семиз ғозлари билан машҳур эди.

Жуковскийнинг ўзи ҳамма ишда фаол иштирок қиларди. Улар дам бир-бирларининг хонадонларида, дам энг нобоп жойларда йиғиладиган бўлиб қолишди, икки ва уч кишилашиб извош ва партерларда ўтиришлар ҳам мажлис деб аталарди. Улар худди «Муколама»даги қари амалдорлардай савлат тўкиб, бурунларини кўтаришарди. Ҳадеб бир-бирларини «зоти олийлари» деяверишарди. Кечқурунлари эса қизил қалпоқларда кенгашардилар. «Муколама» уларни французчадан қилган ҳар бир таржималари учун якобинчи деб атарди. Узундан-узоқ ва ғоят мароқли протоколлар ёзиларди. Доимгидек котиб ҳам бинога келди — кимсан, Жуковскийнинг ўзи. Протоколлар муншилар услубида ёзиларди. Ойларнинг номларининг ўзи қайта номланиб, славянчасига бошқатдан тўқиб олинган эди. Календарь ўзгариб кетди. Энди улар январни — Кўкимтир, феврални Қаҳратон ва Қирқар, мартни — Лайлакқор, апрелни — Қайинхафа дер эдилар. Ўз-ўзларининг ном ва фамилиялари уларга зерикарли туюлиб қолди. Улар Жуковскийнинг балладаларини олдилар-да, ўзларини ўшанинг қаҳрамонлари ва дуч келганки нарсага қараб атай бошладилар: шеърларда тилга олинган Рейн, қора қарға, тутаётган печ — ҳаммаси асқатиб қолди.

Карамзин Александр Пушкинга, шу тобдан эътиборан Чигирткага диққат билан қараб турарди. У бу ёшдаги йигитчаларни ҳурмат қилар ва қадрларди. Бу ёшда қаттиқ қувонган йигитчаларнинг қаҳ-қаҳ уриб кулишдан олдин лаблари пирпираб турарди. Айтганча бу йигитчанинг табассуми маъюс эди.

Вяземский қонун моддасини уқтираётган уезд котибига ўхшаб бармоғини кўтариб бир текстни ўқиди:

Ярқ этиб ёндию жинчироқ,
Куй бошлади маҳзун чирилдоқ —
Дарак бериб ярим кечадан.

«Ярқ этиб» деган сўзни у алоҳида ифода билан арзамасча қилиб ўқиди.

— Биздагиларнинг ҳаммасининг номи шунақа, дўстим,— деди Василий Львович шошиб.— Мана, Вяземскийнинг оти Асмодей, Батюшковники — Ахилл, бу ном бўйига қараб берилган: сен кўришгансан-ку у билан,— у кичкина... Менга ҳам от қўйиб қўйишган: Мана.

Александр қайта сўради. Амакисининг номи ҳеч нимага ўхшамасди.

— Мана,— такрорлади амаки нохушлик билан,— мана шу-да.

— Мана шу-да эмас. Мана,— тузатди Вяземский.

— Мен ҳам айтяпман-ку: Мана деб,— деди амакиси норози бўлиб. Албатта бу лақабларнинг ҳаммаси — Ахилл ҳам, Чигиртка ҳам кулгили эди, лекин Мана ҳеч нарсага мувофиқ эмасди.

— Ўша Жуковскийда шундай шеърлар бор, дўстим,— тўсатдан кўнгли шом бўлиб изоҳ берди амакиси:— Мана яна битта гўзал қиз... мана кимдир тақиллатди аста қулфни... ва ҳоказо... Хуллас, барибир эмасми? Мана бўлса, Мана-да.

У ўзининг номидан ошкора норози эди.

— Дашков — Чу, мен бўлсам Манаман,— деди у кейин кўнгли бир оз кўтарилиб.

— Тургенев бўлса — Иккита Баҳайбат Қўл, мана шунақа гаплар.

Амакиси ўзининг номи билан ҳаддан ташқари овора бўлиб қолган эди.

Вяземский Александрга энди беҳазил деди:

— «Муколама» бир отхона, агар аъзолари отхонадан ташқарига чиқиб қолишса, ё жуфт-жуфт, ё тўртта-тўртта бўлиб олишади. Нега энди фақат аҳмоқлар бирга бўлиши мумкин? Мана, биз ҳам оға-иниларча орамиздан қил ўтмасдан қўлни-қўлга бериб даврон сурамиз. Сиз лицейни қачон тугатасиз? Биз пайшанба кунлари тўпланиб турамиз.

Кейин у жиддият билан, Жуковскийнинг янги балладасини ва унга Блудовнинг ёзган танқидини ўқидингизми, деб сўради, шунда унинг энсасидаги кокили ҳам туриб кетди. Жуда ажойиб танқид, деб қўйди яна.

Карамзин Александрдан Царское Село, хусусан Хитой Қишлоғи зах эмасми деб сўради, негаки у ёзликка бутун оиласи билан шу ерга кўчиб келмоқчи. Бунисини ҳали ҳеч ким эшитмаган эди, у фақат кечагина узил-кесил шу фикрга келган эди, энди эса улар Москвага кетишда йўл-йўлакай ўша уйни кўздан кечиргани тўхтаган эдилар.

Эшикдан шошқалоқ Ломоносов бош тиқиб қолди-ю, амакисининг илҳоми келиб қолиб, «Хавфли қўшни»ни ёзган, Ломоносов билан Пушчин эса бунинг беихтиёр шоҳидлари бўлган олтин кун-

ларни хотирлаб, уни Карамзин билан Вяземскийга таништирди.

Карамзин унга ҳам бизникида меҳмон бўлинг, деб қўйди.

Бўсағада уларни ҳансираб қолган директор қаршилади. У дока билан юзидаги терни артиб турар ва бу ерга иложи борича зудлик билан етиб келганини изоҳларди. Қани энди ёшликдаги оёқлари бўлса! Унинг кўнгилхушлиги меъёридан ортиқ эди. Шунга кўра, зумда ҳаммаси ўзгариб кетди. Вяземский қовоқлари остидан Александрга кўз ташлаб қўйди: Александрнинг кўз қарашлари хомуш, бурун катаклари жийирилган эди. Директор хомсемиз, рангпар, кети кенг, кўзлари мовий, ҳадеб юқорига қараверар эди. Унинг юзида самовий соддадиллик акс этиб турар, бутун хатти-ҳаракатлари ялтоқлик ва шилқимликдан иборат эди. Шундай меҳмонлардан унинг боши осмонда эмиш ва ҳоказо.

Ҳазил-мутойибалар дарҳол узилди. «Арзамас»дан асар ҳам қолмади. Карамзин ҳам шошилиб қолди. У директордан Пушкин ва Ломоносовга Хитой қишлоғини бирга кўриб келиш учун жавоб беришни сўради. Хитой қишлоғи лицейдан икки қадамлик йўл эди.

Улар шу уйчалар ёнига боришди. Уй шу қадар совуқ ва хувиллаган эдики, бу ерда ҳеч қандай жонзотни ҳеч қачон тасаввур қилиш ҳам мумкин эмасдай туюларди. Ўзи шу ёзни ўтказишга маҳкум этилган Хитой қишлоғига тарихчи ғалати ҳис-туйғулар билан қараб турарди. Карамзин тарихчиликка ўтиб кетди!— деган эди Петруша Вяземский, лекин роҳиблар бундай башанг, бундай совуқ шийпонларда яшамаганлар. Василий Львович бош қотирарди:

— Бу ердан, дўстларим, ошхонагача, мабодо ошхона ҳу анави чодир бўлса, узоқлик қилади: ҳамма нарса совуб қолади.

У бу уйчаларни ҳарбийчасига чодир деб атарди.

Бирдан мудҳиш бир нусха уларнинг йўлини тўсди: даҳшатли йўғонликдаги кекса генерал ҳарсиллаб Хитой қишлоғига киравериш да ғўдайиб туриб олган эди. Александр уни таниди. Царское Селонинг коменданти Захаржевский меҳмонларни қутлагани келибди. Дарвоқе, у қутламади.

Генерал ўзини таништиргач, Хитой қишлоғи бесариштa, кўрикни қўя туришни сўрайман, деб минғирлади.

Гўё ундан бу уйларни тортиб олишаётгандай ва гўё уйлар унга тегишлидай, генералнинг ранги оқариб кетган, кўзлари чақнар эди.

— Эшикларни очишга фармойиш беринг,— хотиржам деди Карамзин, унинг ҳам ранги оқариб.— Биз шу ерда кутиб турамиз.

Генерал депсиниб тургач, чекинишга мажбур бўлиб қолган саркардалар сингари хириллаган бўғиқ товуш билан, эшиклар очилсин, деб буйруқ берди.

У йироқлашди.

Уларнинг кўз ўнгида могор босган деворлар намоён бўлди. Василий Львович, дарвоқе ёзда бу ерлар яхши бўлиб кетади деди. Александр Карамзинга, кейин Вяземскийга қараб қўйди. Ҳаммаси равшан: бегоналарни ўлгудек ёмон кўрадиган ва Царское Селонинг барча гўшаларини лицейчиларнинг оёқ ости қилишидан эҳтиётлагувчи сарой малайлари улуғ инсон эҳтиромидан таниришга тушиб қолган эдилар. У лабини тишлаб олди, бурнини жийириб астагина пирқиллаб кулиб қўйди. Вяземский қовоқ уюб, кўзойнаги оша унга кўз ташлади.

— Ярқ этди чигиртка чириллаб,— деди Карамзин, уларга кўз югуртиб ва жилмайиб қўйди.

Қаҳрамон-комендант унинг қўшиғи қаршисида чекинган эди.

Кейин Пушкин билан Вяземский ота-оналарча, лицейчасига қўл ушлашиб олдилар-да, янги мулкларнинг барча гўшаларини кўздан кечирган кетдилар. Василий Львович уларга эргашди ва гоят жўяли хўжалик мулоҳазаларини айтиб борди. У ертўла бой жой топди.

— Саратонда, дўстларим, вино ачиб қолишини яхши кўради. Бунинг маъносига етмоқ керак.

Карамзин умри бино бўлиб вино ичмаган эди.

Ҳар қалай Вяземский Александрга чинакам адабий жанг кетаётганини айтиб улгурди: «Муколама» бақувват. Шишков академиянинг барча ишлари юзасидан Аракчеев ҳузурига кирянги экан; Николай Михайловични душманлари Петербургда сал бўлмаса еб қўяй дейишди, дидли кишилар уни бекорга қўлларида кўтариб юришган экан; Шутовскойнинг комедияси зўр муваффақиятқозонади ва Жуковскийдан ҳамма кулади. Анчайин кишиларга ҳужум қилишмаган-да ўзиям. Дид, заковат, «Арзамас!»

У Александрга тантанали «Арзамас» қўшиғига ўхшаш бир нарса юборар экан: «Шутовскойнинг никоҳи», деган.

2

У энди фақат шу қисқа муддатли учрашувлар, ташрифлар оламида яшар эди.

Ўтган ёзда лицейга ўралашиб кириб қолган, истеъфодаги поручик Батюшков Пушкинни сўратиб топган ва ўша учрашув ҳали ҳам Пушкиннинг эсидан чиқмаган эди. Истеъфодаги поручик — Фома айтгандай, пак-пакана, кўримсизгина одам эди. У паст товуш билан Пушкинга шеърий номаси учун ташаккур билдиргани кирганини айтди. Унинг эгнидаги усти боши ғарибгина эди: бўзранг ҳарбийча камзул, қулоқчин. Унинг тўқ кулранг кўзлари Александрга маъюс ва паришон жавдирар, бир кўрган

ялқов, донишманд ва ўйнаш тутувчи шоир деб ўйламас, ҳолбуки Александр энг кўп ёқтирган шеърларидан Батюшковни шундай одам деб биларди. У худди ана шу ялқовга шеърий нома ёзиб босиб чиқарган эди:

Эй асов файласуф ва шоир,
Парнасдаги бахтиёр ялқов.

Шоир энди журналларда тобора кам кўринадиган бўлиб қолган эди. Александр номада унга шу гапни ёзган эди:

Наҳот сен ҳам, навқирон юрак,
Видолашдинг Феб билан дарров?

Энди у бу қилмишидан пушаймон бўлиб қолди: ўйчан, паришонхотир Батюшков гўё шу ерларда, Царское Селода адашиб қолгандай эди ва у энди уйигача қандай қилиб етиб олади, дея боши қотарди. Москва ёнғини тўғрисидаги шеър Александрнинг ёдига тушиб кетди.

Кўмиру кул, уюм харсанглар
Ва аянчлар юпун тўдаси
Ташланарди кўзимга яксар.

У паст овоз билан сарой қурилмаси ва қуриб битказилган флигелнинг ўлчовларидаги қусурлар тўғрисида гапирди. Кейин дабдурустдан Александрдан сўраб қолди: нега номада уни Россия Парниси деб атади?

У бир вақтлар бу нарсаларнинг ҳаммасини ёзиб юрган, лекин энди ҳеч қачон бундай қилмайди.

Александр имтиҳонда Державин қошида ўқиган «Царское Село хотиралари» унинг наздида Пушкин шеърларининг энг сараси эди. Нега у шу муҳим ишларнинг ҳаммаси, қаҳрамонликлар тўғрисида поэма ёзишга уриниб кўрмайди? Номалардан анчамунчаси ёзиб ташланди-ку, ахир.

Йўқ, на эпикурчига, на хаёлпарастга ўхшар эди у.

Александр сал нафси койиб унга жавоб бердики, у поэма ёзмоқда, лекин ҳазилнамо, эртакнамо, энг эзма йўриғда: Бова тўғрисида. Бова — бу қаҳрамон, эртакда эса яна маккор қирол ва ҳатто унинг эсипаст отасининг шарпаси ҳам қатнашади.

Батюшков паст овоз билан шундай эртак унинг ўзининг ҳам кўнглидан кечганини айтди ва бирдан Александрдан:

— Бовани менга бериб қўя қолинг,— деб илтимос қилди. У жилмайиб қўйди ва дарров ўзининг ўша ялқовлик ва башанг до-

нишмандлар тўғрисидаги эски шеърларига ўхшаб қолди. Кейин у маъюсланиб қолди, Александрнинг қўлини сиқиб, кичкина, қотмагина ва тикқомат бўлиб, орқасига қарамай жўнаб қолди.

Александр кейин лицей даҳлизларида, далонларида ўзини қўярга жой тополмай узоқ тентираб юрди. Сўнгра бошини силтаб ташлади-да, ҳушини йиғиб олди.

Дельвиг ундан Батюшковнинг у билан нималарни гаплашганини сўраган эди, Пушкин унга сўзлаб беришни истамади. Дельвиг кейинроқ, гап орасида нома Батюшковга маъқул бўлибдими, деб сўради. Лекин Пушкин:

— Suum cuique — ҳар кимники ўзига,— деб жавоб берди.

У бу ҳақда ортиқ ўйлашни истамасди.

Кечқурун у йил мобайнида ёзган нарсаларининг ҳаммасини ўқишга киришди. Кўп сатрлар унга бирдан ортиқчадай туюлиб кетди ва уларни чизиб ташлади.

Кейин Жуковский унга ўзининг шеърлар китобини тақдим қилди. Жуковский бўйчан, сочлари пешанасига тушиб турар, кулағон ва сухандон эди. Батюшков одамларни эмас, фақат бинолару, уларнинг ҳажмларини пайқагандай эди; Жуковский ён-верига разм солиб дарҳол директорни гапириб, мушукка ўхшар экан, деди. Дарҳақиқат, у мушукка, қорни тўқлигидан пусиб юрадиган ювош мушукка ўхшар эди.

Энди Карамзин, Вяземский ва амакиси Василий Львович Москвага кета туриб йўли тушиб, уникида қўнган эдилар. Карамзин ёзликка Царское Селога келмоқчи — улуғ тарихчи подшо маслаҳатчиси бўлармиш, деган мишмишлар аллақачон уларнинг қулоғига етган эди. Мана илму маърифат иши қандай осон ва енгил кўчиб, не даражага етган!

Арзамасчи амаки энди, афтидан, шон-шуҳратнинг чўққисида эди — у энг қари арзамасчи бўлиб, унинг «Муколама» ва диддан бенасиб нокаслар билан қилган жанглари ҳамманинг эсида турган бўлиши керак. Александр уларни ёзда Карамзинга истиқомат қилишни таклиф этишган Хитой қишлоғига кузатар экан, ўзида йўқ шод эди. Рост, уйчаларни қачонлардир сарой аҳллари эрмакка қурдиришган, лекин ишни охирига етказмай қўйишган, шунинг учун ҳам улар зах эди ва инсон бошпанасидан кўра кўпроқ кимсасиз шийпончаларга ўхшарди. Карамзин хўмрайиб уларни кўздан кечирарди. Уйчалар тор, шифтлари паст эди; у битта кенгроқ уйни ўз оиласига деб, бошқа, далон билан туташини кабинетга деб, учинчисини ошхона ва одамларга, деб танлаб қўйди. Александрнинг назарида у хўрсингандай бўлди. Атрофидаги кишилар Карамзинга шерик, аммо Карамзин ўз атрофидаги кишиларга янада кўпроқ керак, деб Александрга айтишса борми, у таажжубланган бўларди.

28—1141

Карамзин хавотирда ва маъюс эди. У бегона кўз улуғ ёнғин изларини пайқамай ҳам қолиши, мумкин даражада тез қайта барпо бўлган Москвадан, ўзини ардоқлагувчи Москвадан Петербургга келган эди. Умрининг йирик ва муҳим ўн икки йиллик заҳмати охирлаб қолган эди. «Россия давлатининг тарихи» қарийб бутун ёзиб бўлинган — саккиз том эди. Уларни нашр этмоқ лозим, бунинг учун эса давлатпаноҳнинг ижозати ва пул даркор эди. У фасиҳ ва қўлидан келганча оташин қилиб сўз боши ёзди. У Петербургга юраги безиллаб отланди. Мустабид томонидан қуюшқондан ортиқ эъзозлангувчи сингил Екатерина Павловна — мактубга жавобни раво кўрмади.

Бирдан ҳеч нима ҳал бўлмай қолса-я. У юрагини ҳовучлаб тасодифларга, хўрликларга бардош беришга шай турди. Ҳақиқат у кутганидан ҳам ошиб тушди. У Петербургда олти ҳафтани, уқубатли эллик кунни хуноб бўлиб ўтказди — мустабид шоҳ ҳеч нима билан уни қабул қилишга майли борлигини ифшо этмади. Петербургдаги паришонхотирликлар уни безор қилиб юборди, у ориқлаб кетди. Фақат арзамасчилар, ёш, ақлли йигитлар учрашувларда унинг дилига ором берардилар. Улар шундай улуғ эрни писанд қилмай, у билан ўйнашаётган кишилардан дарғазаб бўлишар, ҳатто кимдир буни мушук-сичқон ўйинига қиёслаган ва Карамзин буни ҳазин қаноат билан қабул қиларди. Ҳолбуки, унинг сажда қилишига тўғри келиб қолган эди. У — буни тилга олиш ҳам кулгили — ўзининг энг йирик адабий ғанимларининкида — «Муколама»нинг тунд қарияларининкида меҳмон бўлди ва хайрихоҳлик топмади. Бош уриб гофмейстер ва обер-гофмейстерининкига борди, қабулни ўтинди, жавоб совуқ бўлди.

Ниҳоят, у Аракчеевнинг, давлатпаноҳнинг дўсти ва арзандасининг ҳузурига таъзимга боришга ҳам рози бўлиб кетди, лекин ўзини зўрлаёлмади, пайсалга солиб қолди. Аракчеевнинг дўсти бўлмиш бир генералнинг ҳикоя қилишича, давлатпаноҳ «Тарих»нинг нашрига кетажак олтмиш мингнинг дарагини эшитиб гўёки, бу — қандай бемаънигарчилик! Шундай маблағни мен берармишманми?— деганмиш! Ниҳоят, манфур шахс — котиб Пукалов билан бир дастурхонда ўтирди. Пукаловнинг хотини Аракчеевнинг ўйнаши эди. Ниҳоят, юрак ҳовучлаб ва дод солишдан бери бўлиб Аракчеевникига таъзимга равона бўлди — ва тез орада подшо томонидан қабул қилинди. Сўз бошини ўқиб бермоқчи бўлди, икки марта бошлади-ю, эплаёлмади. «Тарих»нинг нашрига олтмиш минг бериб юборилди ва агар хоҳиши бўлса, Царское Селода истиқомат қилиб туришига изн берилди.

Дили вайрон, хор бўлиб, ўзини разил одам, деб санар аҳволда у бошпана танлаш борасидаги ижозатни бажо келтирганн Царское Селога келиб қолди ва Василий Львович билан лицейга ёшликни

бир ёд этгани кирди. У Александрга ҳавас билан боқарди. Ун етти ёш! Бу ёшда ҳамма нарса нақадар майин ва ғўр бўлади! Бу паллада киши таъзим қилиб бел букишни эп кўрмайди! Тушларни, шеърларни, истиқболни айтмайсизми!

У ўзининг амакиси, ҳозирдан эътиборан Мана бўлмиш Василий Львовичга ҳаммадан ҳам кўпроқ керак.

Амакиси Василий Львовичнинг кайфияти ҳамманикидан ҳам паст эди. У ҳар нарсада меъёрни яхши кўрар эди. Ҳолбуки, унинг арзамасчи сифатидаги номи нима деганда ҳам ёшига номуносиб эди. У Александрнинг олдига зид ҳиссиётлар билан келаётган эди. Извошда у дўстларига уни гапириб узоқ мақтанган эди.

— Унинг сўнгги эпиграммаларн мағзи жиҳатидан бошқа кўп нарсаларидан яхши, — деди у Вяземскийга мужмал қилиб. Мазахларга ўта мойил Вяземский Пушкинлар доим эпиграммалар ёзиб келганларнин бир минут ҳам хаёлдан чиқармаслиги керак эди. Жиян балоғатга етмоқда — ҳар жиҳатдан шогирд ва издош. Бир нарса амакини нохуш қилиб турарди: Александр «Арзамас»га гўё қабул этилиб бўлгандай, ҳеч қандай маросимсиз озми-кўпми одоб допрасида Чигиртка деб ном олган эди. Ҳолбуки ўшандай маросимларни Василий Львович таассуфсиз эслаёлмасди. Иш Уваровнинг уйида бўлган эди. Аввал ҳаммаси ўткир руҳда бориб, кўпроқ театрни эслатиб турди. Унга аллақандай чиғаноқли узун қўйлак кийгизишди, бошига кенг соябонли шляпани қўндириб, қўлига ҳасса ушлатиб қўйишди.

У қаландар бўлган эди. Василий Львович бу «қаландар»лик либосининг кийгазилишини жоиз деб топди! «Ярим қеча тонги»! Тасаввуфчилар! Нокаслар! Пародия эди бу. Унинг кўзларини боғлаб қўйишди, буниси ҳам майли баҳарнав. Кейин уни қандайдир ертўлага етаклаб кетишди. Буниси унга маъқул бўлмади. У ёғи ундан бешбаттар. Уни пўстинга ўраб ташлашди ва буни Шаховскойнинг «танланган пўстинлари» ва аллақандай «пўстинда терлатиш» бўлади, деб ишонтиришди. У димиқиб бўғилиб қолаёзди. Булари етмагандай қандайдир черковча хитоблари ҳам бор эди.

— Сабр қил, Василий Львович, сабр қил!

Агар бундан маъни чиқишига кўзи етса, у тоқат қилишга ҳамиша тайёр эди. Бунда эса маъни йўқ эди. Дарвоқе, буларнинг ҳаммасининг ўзи «Муколама»нинг бемаънилигини акс эттирмоғи лозим эди. Кейин уни аллақандай қўриқчига ўқ узишга мажбур қилдилар, қўриқчи эса ўзи унга қаратиб, иттифоқо отиб юборса бўладими. Баъзи бировлари кейинчалик унга, бу қарсилдоқ эди, деб йишди. Лекин ўшанда у йиқилиб тушди — албатта бехосликдан, қўрққанидан эмас. Кейин уни аллақандай тоғорада чўмилтиришди-ки, бунинг сира кулгили жойи йўқ, балки саломатлик учун зарари бор эди, кейин «Муколама» тилидан «Арзамас»— бу ўғрихона,

қароқчи ва алвастилар макони, деб эълон қилдилар. Василий Львович бунинг ростлигига қарийб қаноат ҳосил қилар аҳволда эди.

Кейин гўё кўнглини олмоқчи бўлиб жўрабоши қилиб сайлаб қўйишди. Лекин Чигиртка — Александр сайлангунча Мана ёки жўнроқ қилиб айтганда, амаки бу силла қуритадиган маросимларга ақалли ҳамма гирифтор қилинади, деб юрган эди. Чигирткани ғойибона сайлаб қўя қолишди-ку! Мана сенга маросим!

Ҳа, бу нарса гарчи обрўли бўлса ҳам, лекин ғалати ёшларга хос қилиқлар эди. Василий Львовичнинг ёшига номуносиб эди, масхарабозликни эслатиб турарди.

Энди Василий Львович ўзининг «Арзамас»га қабул қилинишида Карамзин, албатта, бехабар — балким, хабардордир, деб ва Карамзиннинг Александрга қандайдир қизиқиш билан қараб турганини кўриб, ич-ичидан тантана қилмоқда эди. Боладан маъни чиқади; унинг «Хатарли қўшни»сию ўша нокаслар билан жангларининг ҳаммасидан нима деганда ҳам ҳар қалай меъёрдан ортиқ, суронли «Арзамас» бинога келди, яна бола ҳам унинг тарбияси самарасидир. Мана шуни хотирдан чиқариш ярамайди.

3

Уникига меҳмонга келишарди, уникида Батюшков, Вяземский-лар бўлишди, хонаси эса ҳамон ўша: № 14 — жавон, стол, темир каравот, эшик устидаги панжара. Ўз шеърларида бу хонани кулба деб, ўзини — дарвиш деб, бошқа бир шеърида инвалид деб атади: сув солинган графинни у сопол кўза деб атади. Энди у донишманд йигит бўлиб, ялқовлик, ҳар жиҳатдан ялқовликка ўхшаш ажал тўғрисида, енгил, ҳарир рўйжоли қиз ҳақида ёзарди. Илгарилари шошқалоқ соя — Наташа намоён бўлиб юрган рўпарадаги дераза-ни у ўзиникидан ҳам яхши биларди. У ўша дераза ҳақида шеър ёзди. Дераза ошиқ-маъшуқларни ҳижрон ўтига ташлар ёки аксинча, иболи қўл билан пинҳона очилар — деразадан ой боқарди. У деразага қарайвериб кўзларида кўз қолмади: қаршида қари алвастилар яшагувчи иморат бор, рўйжоли қиз эса йўқ: Наташани алақачонлар қаёққадир ҳайдаб юборишган эди. Дўст-ёронлари унинг тобутига ёзиб қўярдилар:

Бунда мудрар ёш бир донишманд,
Аполлон ва меҳр фарзанди.

У пат ғажир, чизиб ташлар, лицейни кезиб юрар, гоҳо тунлари ялқовлик ҳақида шеър ёзиб қўйиш учун сапчиб ўрнидан туриб кетар эди...

Ҳар саҳар ғоз патлари қолдиқларини териб олар экан, Фома таажжубланарди:

— Яна ғозлар учиб келибди-да.

Донишманд бирдай енгиллик билан, қарийб лоқайдлик билан кун кечирар, сафо қилар ва ўларди: у оддий най ёки сивизға чаларди, бу борада Александр Кюхля билан гап талашиб ҳам қолган эди: сивизға нима? Роса баҳслашиб бўлиб, улар таажжуб билан ўзларидан ҳеч кими сивизғанинг кўриниши қанақалигини тузукроқ тасаввур қилмаслигини пайқаб қолдилар. Кюхля уни оддий чўпон қамишсурнайи, деб ҳисоблашдан бош тортди.

Донишманд севарди; унинг ишқ-муҳаббати ва орзиқишлари осон уйқудан ҳеч фарқ қилмайдиган ўлим билан барҳам топарди. Бир куни ёшгина, таранг кийинган, жуда сарвқомат Бакунина акасиникига келганида, у қизни залда учратиб қолди-ю, унга ошиқ бўлиб қолганини тушунди.

Оқсоч қиз Наташани қувлаб юрган ёки ўткир товуш билан Наталья (унисини у ҳеч қачон Наташа деб атамасди) куйлаган опера томоша қилган пайтларидаги ҳисларига асло ўхшамасди бу. Бу жуда кучли, лекин ғойибона севиш эди. Оқсоч Наташани у шеърларида шундоққина Наташа деб, Натальяни Наталья деб атаган эди. Бакунинани эса, Парнининг соҳибжамол маъшуқасини Элеонора дейишгандек, у Эвелина деб атади. Эвелинага фақат элегиялар ёзмоқ мумкин эди.

Уни — ҳатто ўзини бўлмаса ҳам ақалли дарахтлар орасида лип этган кўйлагининг бир чеккасини кўриб туриш эҳтиёжи унга одат бўлиб қолди. Бир қур уни қора кўйлакда кўрди, у лицей ёнидан биров билан гаплашиб ўтиб кетаётган экан. У уч минут — то у мўлишга бурилиб кетмагунча масъуд бўлиб турди. Қора кўйлак унга жуда ярашган эди. Панасида ўша қиз кўриниш берган дарахтларга термилганича тун бўйи алламаҳалгача ётмади. У остонада — қора либосда чўнқайиб ўтирган ажал тўғрисида шеър ёзди. Уни ўқиб чиқиб бу ҳасратдан ўзи ҳам чўчиб тушди — бунинг хаёлий ҳасрат ва хаёлий ажаллигини у биларди — бундан шеърлар янаям мунгли бўлиб кетган эди. Агар ўзининг қиз билан сўзлашишга эмас, фақат дийдорни кўришга зорлигини ифшо қилиб қолганда борми, у таажжубланган бўларди. Хўш, қизга нимә деган бўларди? Вақт ўтгани сайин учрашув тобора иложсиз ва кераксиз бўлиб бораверди. Кечалари у ўртаниб чиқар, оҳ чекарди.

Бир куни у бир хўрсиниб тўхтаб қолди. Девор ортидан худди шундай нолани эшитиб қолди. Пушчин ухламаётган эди.

Александр унга гап очиб қолди. Жанно истамайгина, мана, икки ҳафтадирки, ошиқ бўлиб юрганини, унинг уйқусига шу нарса монелик қилаётганини айтди. Икки минутдан сўнг ҳайрат билан унинг

ҳам худди ўша Эвелинага, яъни Екатеринага, Бакунинага ишқи тушиб қолганини билиб олди.

Ажаб гап, унинг жаҳли чиқди, рашк қилишни хаёлига ҳам келтирмади. У қизиқсиниб Бакунинанинг кам кўриниш бераётганидан зорланаётган Жаннонинг гапларини тинглади. Эртасига Пушчин қип-қизариб унга бир варақни тутқазиб қўйди-да, ўқиб чиқишини талаб этди. Александр қоғозни ўқиб чиқди. Бу нома бўлиб, шеърий жиҳатдан анча енгил ёзилган эди. Номада бу шеърлар амр билан — соҳибжамол амри билан илк бор ёзилгани айтилган эди. Шеърлар Кюхляники эмас эди албатта! Кюхля дўстлик ва кузак бўронлари тўғрисида ёзарди; энди шеърларда ўзини чол, мўйсафид, Нестор деб атайдиган бўлиб қолган Дельвигники ҳам эмас эди. Пушчин бу бўйи бир чақирим келадиган найнов Илличевскийники, деб таъкидларди. Шеърнинг биринчи сатри, яъни бу амр билан ёзилган, деган жойи Пушчинни ғаш қиларди, чунки демак улар учрашган бўларди-да?

Александр унга ҳузур қилиб қараб қўйди. Учалови ҳам бир қизни, яна бунинг устига баб-баравар севиб қолишибди. Бу таажжуб гап эди. Илличевскийга у ҳеч нима демади, лекин у мунгли бўлиб даҳлизда тентираб юрганда уни узоқ-узоқ кузатадиган бўлди.

Кейин бир куни ҳар учаласи: Пушчин, Илличевский ва у юзма-юз тўқнашиб қолишди. Илличевский анграйиб, то ўзининг фош бўлганига қаноат ҳосил қилгунча огзи очилиб уларга узоқ қараб турди.

Кейин Пушчин билан Пушкиннинг хандон ташлаб узоқ кулганларига унинг таъби хира бўлиб кетди.

Александр Бакунинани кўрганда аввалгидек бахтиёр эди, уни пойлаб юрарди, лекин оҳ-воҳлар тобора камая бошлади. У энди осойишта, текис ухлар, то эрталабгача уйғонмасди. Бир куни чинакамига унинг кўнгли бузилиб кетди; у қиз билан кўришмай қолаверди; кўришишни у энди истамас ва ҳатто уни кўриб қолишдан қўрқарди ҳам; илгари севмаган бўлса ҳам ажаб эмас. У қизга аталган шеърларни олиб қўйди ва қизни мумкин қадар камроқ ўйлашга ҳаракат қилди.

4

Ўзининг шеърлари амакисиникидан яхшироқлигини у биларди — Василий Львович шеърларни жуда қийналиб ёзарди; бўсағада чўнқайган ажал иборасини Батюшков ҳам жон-жон деб ишлатган бўларди. Хаёлдаги зилол сувли сопол кўза — баланд столда турган оддий графин, дераза, қиз; тарки дунё қилган ялқов

йигит — ёш донишмандниинг ишқ-муҳаббати ва ўлими тушлар, орзулардан иборат эди. У энди ортиқ қўлида балалайка ушлаган инвалид ёки роҳиб эмас эди. У донишманд эди.

Катталарнинг ҳаммаси шундай ҳаёт орзусида эди. Бу донишманд ва танбал йигит Горчаковга ҳам ёқарди. Горчаков энди қизил тилининг учини чиқариб олиб, унинг шеърларининг ҳаммасини астойдил кўчираверарди. Унинг кўзлари хиёл туманлашарди; Горчаковга бу шеърлар нашъа қилаётгандай туюларди. Аполлон суйган бу донишманд — меъёрида шўх, меъёрида совуқ, ҳавойи; қуйиб қўйгандек Горчаковнинг ўзидек туюларди унга. Александр ўз шеърларини Горчаков мақтаб-мақтаб кўчиришини ёқтирмасди.

Янги директор бир куни унга тасодифан қўлига тушиб қолган шеърлар варағини узатди: бу унинг шеърлари эди.

Директор бу шеърларни маъқуллади. У Александрга оз-моз хаёлга берилган қиёфада, оз-моз маъюс бир алфозда шерик сиёқида жилмайиб қўйди, унинг оч мовий кўзлари сузилиб, катта оғзи иршайиб кетди.

Директор бундай ҳодисани узоқ кутган эди, бир тўртликни, кейин бошқасини анча дуруст қилиб ўқиб берди. У лицей шоирнинг шеърларини хотирига тугиб қўйди.

Пушкин бирдан тишларини ғижирлатиб юборди-ю, бурилиб ундан нари кетди. Директор унинг кетишига қаради: катта оғзи юмилди, сузик кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди. У қўлини орқасига қилди-да, шошмай ўз кабинетига ўтиб кетди.

Йўқ, у донишманд эмас, танбал ҳам эмас.

Карамзин, амакиси, Вяземский жўнаб кетгач, у оқшом бўйи ғалати қатъият билан, ўзини унутиб, бурун жийириб, тентираб юрди, Данзас ҳам қўлида қалам билан нафас ютиб, унга разм солиб, тез-тез суратини тушираверди, лекин сира эплаёлмади, бошлаган расмини битказмай ташлаб қўйди. Миша Яковлев келиб қолди-ю, у унга тушунтира кетди: у Пушкиннинг расмини шеър тўқиётган маймун қилиб чизмоқчи эди — бўлмади: Вольтер чиқиб қолди, ўхшашлик ҳеч йўқ. Лекин Пушкин маймун билан арслоннинг дурагайи бўлгани сабабли, у кейин уни сакрашга шай арслон суратида чизмоқчи бўлди: ўхшашлик бўлди, ҳаммаси яхши борди, лекин, таассуфки, ростакам арслон чиқиб қолди.

Ғалати паришонхотирлиги, қўққисдан ва қисқа кулиши, бежо кўзлари билан у чиндан ҳам бамисоли сакрашга шайланиб юргандай эди. Уни «Арзамас» кутмоқда эди. У харислик билан ўша амакиси, «Арзамас» жўрабошиси ўзига сўз беражак онни фаҳмлаб юрарди. Ўзининг нималар дейишини у ҳали билмас, лекин нима жавоб қилишларини кўнгли сезиб турарди.

Шу кеча у юраги қаттиқ уриб уйғониб кетди — ўзини ночор

аҳволда ҳис қилмоқда эди; Карамзин билан Вяземский ундан нимадир кутяпти. Ҳамма ёқда қаттиқ кураш бораётган эди: дидга қарши, поэзияга қарши, нафосатга қарши, заковатга қарши, Карамзин ва Жуковскийга қарши кураш бораётган эди. Аллақандай тиллари ваҳшиёна, қилиқлари эртаклардаги боболарга хос чоллар, мирзолар, муншилар «Муколама»да ғимирлаб, фисқу фасод қўзиб ётишарди.

Улардан ҳеч кимини у танимасди. Бу ибодатхонадан чиққан энг даҳшатли шахс Шаховской ўз пьесасида Жуковскийни кулги қилган эди. «Муколама» уни лавр гулчамбари билан шарафлади. Дашков унга атаб «Шутовской никоҳи» деган кантата ёзди. Вяземский ўша кантатани унга юборди. Александр уни бутунича кўчириб олди. Бу Шутовской ўзининг «Муколама»даги ўртоқлари, фамилияси «Ш» билан бошланувчи Шишков ва Шихматовга қараганда сал бошқачароқ йўриғдаги одам эди. У ҳозиржавоб эди ва Вяземский ўша Жуковскийни кулги қилган қуриб кетгур пиеса кулгили, томошабинлар орасида катта муваффақият қозонди, дерди. Лекин бундан унинг ўзига баттар ёмон бўлади! Уни олижаноб Озеровнинг ўлимининг сабабчиси, чунки театрга директорлиги пайтида пиесасини қабул қилмаган, қирқиб ташлаган эди, энди Озеров телба бўлиб ўлди, деб айблашмоқда. Бу қасос олишни тақозо қилгувчи жиноят эди. Душманлар энди Жуковскийнинг элегияларидан, Карамзиннинг назокатидан, Василий Львович амакининг енгилтаклигидан кулишмоқда эди. Оқсоқоллар соғлом маъни устидан кулишмоқда. Александр уларнинг алмисоқдан қолган поэмаларини, уларнинг шаккоклик руҳидаги мадҳияларини, уларнинг ўзлари ода деб атайдиган бақироқ варягча шеърларини ўқимаган ва ўқимоқчи ҳам эмас эди. У муншиларнинг, ваҳшийларнинг, черков славянизмининг меросий душмани эди. Уруш! Уни эҳтиросларини, қалби билан қамоқда сақлаб ўтириш ҳатто ўша рус каломининг муфлисларини дафн қилишдек беозор кўнгилхушликка ҳам йўлатмаслик инсофдан эмас! (мухлисларни муфлислар деб атаб олган эдилар). Орденли юлдузу лентали марҳум Академияни ҳам.

Уруш!

Бу ерда, Царское Селода унинг «Арзамас» кенгашларида қатнашишга, таърифи кетган Арзамас ғозини тановул қилишга вақти йўқ эди. Аммо лекин бир марта у сарой ёнидан бақалоқ комендант билан бирга ўтиб кетаётган уст-боши оддийгина генералнинг қия соясини кўрган эди.

Генералнинг бурни гўштдор, штаб мирзосига хос лаблари салқи, очиқ эди; у тўхтаб қолди-да, пинғиллаган мунши товуши билан комендантга бир нима деди. Комендантнинг қаддини чўзиб зирillаб қолганидан Александр бу кишининг Аракчеев эканини фаҳм-

лади. Хира кўзлари билан чор атрофга кўз югуртириб, афтидан, на ҳайкалларни, на колонналарни, на эски шонларга бурканган бу жойларнинг ҳаммасини пайқамасдан, генерал қўлларини орқага қилиб, кўкрак кериб саройга ўтиб кетди.

Александрнинг қўлида пат бор, у патни ғажиганича ўзи танимайдиган гўзал маъшуқага шеър ёзмоқда эди. У ҳам атрофга кўз ташлади: пинғиллаган генерал ва комендант бу боғни даҳшатли жўнлик ҳукмига солиб кетган, чор-атрофда на аёллар, на шеърлар бор эди. У шеър ёзилган қоғозни чўнтагига яшириб қўйди.

Уруш!

У бурун жийириб, энди — рус каломи муфлисларининг Муколамаси ҳақида, ваҳшийлар ҳақида, пинғиллаган муншилар ҳақида, занг босган варягча шеърларнинг ғичиллаши ҳақида ёзарди. У улардан ҳеч бирини танимасди, на нуроний Шишков бобони, на роҳиб Шихматовни кўрмаганди, лекин, назарида, уларни кўргандай, танигандай бўлиб турарди.

Лицей ёнида хуфия кезиб юрадиганлар — ўшалар. Энди у номларнинг фарқига бормас — эскича ҳамма нарса ҳаёт учун тўғаноқ бўлиб қолган эди. Шишков даҳо даражасига кўтариб қўйган Сумароков пакана ва ҳасадгўй, Шутовской золим эди.

Кутилмаганда унга Галич ёрдам қилиб қолди. Семиз, хушфеъл, Мехрнинг ёки жўн қилиб айтганда, ялқовликнинг пайғамбари Галич бидъатлардан йироқ эди. У уларга сатира ҳақида лекция ўқиб берди.

Сатира — шахсий (пасквиль), хусусий ва умумий бўлар экан. Пасквиль айрим шахсларнинг ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларининг юқумли тарзини ифшо қилар экан ва ўша жамоатчилик ахлоқига тегаётган касофати бошқа воситалар билан даф қилинишининг иложи бўлмаган телба ва ахлоқсизларни жазолагани ҳолда, умумий бахт-саодат йўлида уларнинг даргумон ор-номусини қурбон қилаверар экан... Шахсий сатира ўзбошимча бўлиб телбаликларга ҳам, ғалати қилиқларга ҳам, жисмонийларини ҳам истисно қилмаган ҳолда қусурларга ҳам фарқ қилмасдан бирдай қарайверар ҳамда ватан ва замон оригиналларини севар экан.

Чеҳрасида қотиб қолган табассуми билан, дами чиқмай Александр ёзмасдан ўтирар, семиз донишманднинг гапларини тингларди.

Йўқ, поэзия фақатгина бу шикоятларда, элегия деб аталган шу музикада, шу Эвелина деб атаб қўйган қизга бўлган муҳаббатдагина эмас, сарой биқинида ўша роҳиб ва оқ сочли нозиралар кулги қилингувчи номсиз сатирада ҳам бор — шеърият умумий, хусусий ва шахсий сатирада ҳам мавжуд. У душманлар билан бақамти кева қилишга ташна эди. Амакисини якобинчилар қалпоғида қабул қилганлари бежиз эмас. Уруш!

5

Пушкин, Пушчин, Ломоносовни Бакунинлар базмига таклиф қилишди. Пушкин кун бўйи ҳаяжонда юрди: бу унинг кибор оламга қиладиган илк чиқиши эди. Уни Эвелина кутарди. Дарвоқе, у Екатерина Бакунина билан қай йўсин учрашишини билмасди.

Ломоносов Фома амакидан мундирининг тугмаларини бўр билан ишқалаб тозалаб беришини сўраган ва энди у ярақлаб турган тугмаларини мароқ билан томоша қилиб турарди. Жанно калта келиб қолган панталонларини чўзиб, узайтиришга уриниб кўрганда, бу ниятидан қайтди.

Улар базмга равона бўлдилар. Пушкин хомуш ва эпсиз эди. У бу учрашувдан қувонч олиш ёки бирор нимага етишиш дардида.

Лекин Бакунинларнинг деразалари ёруғ, липиллаб аёл соялари кўриниб турарди; у энтикиб кулиб юборди, Жаннони қўлидан ушлади-да, бугун рақс тушажагини айтди.

Иккинчи ошиқ Жанно ҳам шу тараддудда эди.

Юзлаб шамлар порлаб турар, хорлардаги скрипкачилар скрипкаларини созладилар.

Рангпар, елкалари қуйи тушган, ёноқларига нотекис қизил югурган Бакунина уларни ҳадикли бир табассум билан қарши олди. Балким у бунчалик гўзал ҳам эмасдир. У онасига ўхшар экан, буни у илк бор пайқади. Она бир-бирларига ажаб даражада ўхшаш рангпар, ёшгина йигитчалар қуршовида эди. Булар Пушчин тоқат қилолмайдиган даракчилар — аёл ишқибози эдилар. Кекса Бакунина уларни қаноти остига олган эди. Уларнинг ёнига елкаларига ментик ташлаган икки гусар — Соломирский билан Чаадаев келди. Улар донг чиқарган олифталар эди, уларнинг олифтагарчилиги ва бир-бири билан рақобати аллақачон оғизга тушган, Царское Селонинг бутун аҳлини қизиқтириб қўйган эди. Улар бир-бирлари билан қарийб гаплашмасдан, бир-бирларига қарийб қарамасдан, аёлларнинг катта-катта кўзларини ўйнатиб, базмларда биргалашиб пайдо бўлишни яхши кўрардилар. Елпиғичлар қимирлаб турар, нозанинлар ўзаро гап ташлашарди.

Эвелинанинг дугоналари пичирлаб кулиб юборишди-ю, иккала гусар ҳам худди команда берилгандай ўшалар сари одимлаб кетишди.

Рақслар бошланди. Бакунина Соломирский билан рақс тушди-ю, базм қизиб кетди.

Қаердаки Чаадаев бўлса, ўша ерда энг аввало Соломирский ва фақат кейингина бошқалар бўларди. Бакунина буни яхши биларди. Энди эса яна унинг тез орада мартабага миниши ҳақида ҳам гап тарқалиб қолди. Чаадаев мазуркага туша бошлади. Доимгидек, аёллар лол қолдилар — у рақсга яраша қиқ даражада гўзал эмасди, жўшқин эмасди. У беқиёс, дупурламасдан рақс қиларди. Эвелина қўққис Чаадаев ҳайкалга ўхшайди, деб юборди. Шунда бу гапга ҳамма қўшилди.

Унинг рақс қилиши тез ҳам эмас, секин ҳам эмас, жилмайганда эса табассуми аёлларнинг осуда мукофоти бўларди. Улар ҳам жилмаярдилар. Пушкин унга сеҳрлангандай қараб қолган эди.

Икковлон қайтдилар. Чаадаев эҳтиётлик билан одим ташлаб борар, ҳеч кимга, ҳеч нимага тегиб кетгани ҳам йўқ, бирор марта қўлини силтаб ҳам юбормади. Унинг мундиридан озодароғи бўлмасди. Ундан сарвқоматроғи йўқ эди. Казармаларга яқинлашганда Пушкин буларнинг ҳаммаси Чаадаевча донолик эканлигини ҳис қилди. Тасодифларга бўйсуниш йўқ эди.

6

Пушкин директор учун ҳар нарсада ўз манфаатига хилоф равишда иш тутадиган ёш йигитнинг энг мушкул, тушуниб бўлмас тимсоли эди.

Бу ғаройиб ва зиддиятли муассасани қўлга олар экан, директор энг аввало унинг мақсадларини аниқлаб олишга ва ҳаммани қолипга солишга ҳаракат қилди. У лекин фақат бир восита: хушфеъллик билан бўйсундиришга бел боғлади.

Директор Егор Антонович Энгельгардт ҳамма нарсада тўғриликка интиларди. Катта, лекин хокисор Лифлянд шаҳрида тарбия топиб, аввал-бошданоқ давлат хизматига тушиб қолиб, воқеаларнинг яққол маъносини титкилаб ўтирмасликни, лекин ўзининг ва ўзгаларнинг ҳар қадамига пухталик билан ёндошишни қоида қилиб олди. Беқарор хатти-ҳаракатли император Павел уни Мальта ташкилотининг котиби қилиб қўйган эди. Императорга бу ташкилотнинг даркорлигининг маънисига у қадар етмагани ҳолда Егор Антонович ишни қоидаларни пухта ўрганишдан бошлади ҳамда ўрнатилган қоидани тутилмасдан айтиб бера оладиган бўлди. Бу императорда кучли таассурот қолдирди. Александр Павлович, валиаҳд, қоидаларни пухта билмас эди: Энгельгардт ўз ихтиёри билан эримдан унга репетитор бўлиб қолди ва кези келганда уни қутқариб юрди. Шу зайл унга педагогиканинг энг теран: инсонни мушкул аҳволларга чап беришга ўргатиш, уни тартибга одатлантириш мақсадлари очилди.

1812 йилда у Педагогика институтининг директори бўлиб қолди. У фозил, кўнгилчан, сабр-қаноатли эди. У энг яхши қадимий ва янги файласуфларнинг асарларидан танлаб-танлаб у ер-бу ерини

ўқир, мудом энг мавҳум ва ҳатто кераксизларидан ҳам манфаат қатраларини топа биларди. У ҳатто энди яна расм бўлиб келаётган эркин фикрли файласуфларни ҳам ўқиб чиқишга ва бирор фойда чиқаришга қарши эмас эди. Егор Антонович ижтимоий муҳитнинг табаддулига ўрганиб, янги расм-русмларни илғаб олишга одатланиб кетган эди. Фалсафий ва ахлоқий, хаёлий бебошликка у бемалол йўл қўярди.

Шу фозиллигига қарамасдан уни граф Аракчеев яхши кўрарди. Ҳеч қандай тасодифни назардан четда қолдирмасликка одатлангани ҳолда Егор Антонович Царское Селодан, саройнинг париғоғидан ўзига чорбоғ сотиб олди. Император билан ҳар замондаги аҳамиятсиз, лекин шуниси билан янада дилкушо учрашувлар тез вақт ичида эътиборни унга қаратиб қўйди.

Бир куни Егор Антонович граф Аракчеев ҳузурига чақирилдида, унинг лицей директорлиги эълон қилинди. Аракчеев императорнинг ёшликдаги барча гуноҳларини яшириб-суваб кетишга ўрганиб қолган эди. Аракчеев кабинетининг ўзида Егор Антонович томонидан лицей борасида хат ёзилди. Лицей мутлақо бетартиб, талабалари бебошвоқ. Муассасанинг ўзининг тутуруғи йўқ. Хат оқилона ва нуфузли эди: хатда директорнинг ҳар қандай майда-чуйда ва тарқоқ қарамликдан фориғ этилиши талаб қилинганди, негаки «директор муассасада оила отасидек бўлиши ва шунга муносиб тарзда идора қилмоғи лозимдир».

Бу айни кўнгилдаги гап эди.

Аракчеев ҳатто такрорлаб қўйди:

— Ота, оила отаси.

Егор Антонович ҳам бошини эгиб ўз фикрига ўзи секингина қўшилди:

— Оила отаси.

Секин-аста, ими-жимида директор разм солиб, қалбларга йўл топа бошлади. Фақат кичик, бўлажак курслар, таъбир жоиз бўлса, унинг қалб фарзандлари бўлишига фаҳми етгани ҳолда у катта курсларнинг лицейда бир ярим йил бўлишини ва ҳар қандай, ҳатто арзимас яхши ўзгариш ҳам савоб иш бўлишини қатъий тушуниб олди.

У бора-бора уларнинг таъбирини, майлларини, майда қусурларини ўрганиб олди. Катта қусурлар изчиллик билан курашмоқ лозим бўлган гуноҳлар эди; катта гуноҳларга эса ҳар қалай кўз юмишга тўғри келиб қолган эди. Уни бир жиҳат ҳайрон қилиб қўйди: талабаларнинг гоҳида яширин, гоҳида эса оташин ва ошкор, биринчи директор Малиновский ва унинг ошнаси Куницинлар ҳар йўл билан пишанг берган иззатталаблигига қарамасдан, уларнинг ўзларининг улуғ ишлар учун яратилгани борасидаги шаксиз ишончларига қарамасдан, уларни қандай мартабалар кутиши ва

умуман лицейни тугатгач, уларнинг қандай ишлар билан машғул бўлишининг мутлақо тайини йўқ эди.

Энг аввало у бу оташин ва кўп жиҳатдан хатарли бўлган биринчи директорнинг йўналишини силлиқлаш билан машғул бўлди ва ўша директорнинг ўзини эсдан чиқариб юборишлари учун ҳам ҳаракат қила бошлади. Сўнгра у бетайин ва шу боисдаан хатарли онглар оқимини жўнроқ ва камтаринроқ иззатталаблик йўлига бурриб юбора бошлади. У Корф билан кўп суҳбатлашар ва унинг фаросатига тасанно айтарди. Ватанга хизмат эмас, мартаба — мана йигитларнинг бахтини таъмин этадиган ягона нарса. Горчаков, Ломоносов, Корсаковлар ўзларининг муомалалари, тавозелари, майллари бўйича дипломатик хизматга лаёқатли эдилар. Ёшлигида унинг ўзи мартабасини дипломатик курьерликдан бошлагани эсига тушди, у билан бирга дипломатик конвертларни елимлашга ўтирди. Бу елимлаш у қадар осон иш эмас, зеро дипломатик қоғозлар учун конвертлар қайчисиз қилингувчи эди. У уларга шошилинч хат ёзишни, журнал тутишни топширар ва пакетларнинг ҳар хил шакли нималигини тушунишга уларни мажбур этди. Унинг учун бу нарсаларни эслаш, улар учун эса хизматга қадам қўйишдан илгари бу икир-чикирларни билиб қўйиш кўнгилли эди.

Ёшлар билан ўтирар экан у соддадиллик билан қирол ва дипломатлар ҳақидаги барча ҳодиса ва латифаларни эсга оларди. У Аахен конгрессида бўлган ҳамда қиролларнинг ҳаммасини кўрган экан. Горчаков уни харислик билан тингларди. Шу тариқа у ўша тойғанчиқ ва ёрқин соҳада уларни эпчилликка ва турмуш тажрибаларига ўргата бошлади.

Бошқалари яна ҳам соддароқ: булар Вальховский, Матюшкинлар эди. Булар фақат англашилмовчилик туфайли ҳарбий эмас, статс муассасасига тушиб қолган эдилар. Энгельгардт ўзининг илк хотираларига кўра сафдан ва ҳарбий нарсалардан қўрқарди, шунинг учун уларни лицейда жорий этишни истамасди. Унда ҳамма ишга Аракчеев бош суқа бошлаган бўларди. Йўқ, масала анча нозикроқ эди. Ҳарбий кишиларни етиштириб бериш осон, лекин министрларни — мушкул.

У қулоғига чалинган Сперанский режаларидан буткул воз кечмаган, лекин ҳамма нарсани камтаринлик ва амалиёт ўзанига солмоқ ниятида эди. Лўндаси — у талабаларига иқбол тиларди. Ўша иқбол нурининг шуъласи эса унга, директорга, яъни отага ҳам тушган бўлурди.

Талабаларнинг учинчи тоифаси ҳаммасидан оғир ва хавфли эдилар: Пушкин, Дельвиг, Кюхельбекер — шоирлар. Кюхельбекер ўта даражада содда, телба-тескари ишларига қарамасдан оққўнгил ва беғараз эди. Лекин Дельвиг совуқ, эрмакчи.

Пушкин бўлса...

Имтиҳонда дарров ва қийналмай Державин илтифотини қозонган ва бундай ҳуқуқларга арзимай туриб Карамзин ва бошқаларнинг хайрихоҳликларини истифода қилувчи бу талабанинг бахти қай тарзда ташкил бўлиши мумкинлиги борасида Егор Антоновичнинг алоҳида ниятлари бор эди. Вақт-соатигача эса уни изга солиб туриши лозим бўлади.

Биринчидан, Егор Антонович поэзияни астойдил тан олар, лекин шеъриятни маълумот воситаси, эрмак, аёлларга манзур нарса, ниҳоят дилкушо бекорчи машғулот, деб биларди. Лекин эҳтирос сифатида у тан олмасди. Бу ғоз патлари қолдиқлари, патни ғажиётган ўша Пушкиннинг бу бежо, ўткир ва ғазабнок қарашлари, бу ваҳшиёна табассум — буларнинг ҳаммаси эҳтирос эди. У унинг таъсирчанлик торларини чертмоқчи бўлиб юрган эди, лекин бир куни залда Пушкиннинг бир беозор ва ҳазин назмчи чолнинг тантанали сўзидан қўполларча қаҳқаҳ уриб кулганини эшитиб, ларзага келди. У тушунди: Пушкин мағрур ва бағритош экан. Раҳмдил эмас экан. Эрта танишлар, ўша ёзувчиларнинг ҳаммасининг рағбатлари уни ҳовлиқтириб, кибрлантириб юборибди. Ваҳоланки, гапнинг очиғини айтганда, унинг шеърлари ҳам совуқ, шеър деган нарса эса энг биринчи галда илиқ бўлиши шарт.

Кўнглининг тубида Егор Антонович Карамзин билан жон деб яқинлашгиси келганини тан олгиси келмай турарди; Карамзин бўлса Пушкинни йўқлаб келарди. Лекин Егор Антонович Пушкин билан унинг шеърлари хусусида гап очиб қолган кезлар ўзининг хушомад гапларига жавоб тариқасида олган унинг сукутидан, совуқ муносабатидан, мақтовларга бефарқлигидан, ҳатто улардан аллақачук безорлигидан қўрқиб кетарди.

Егор Антонович хотинбоз ҳам, риёкор ҳам эмас эди. Динни у асло бирдан-бир вақт ўтказиш воситаси деб ҳисобламас эди. Лекин черковга мансуб нарсаларнинг ҳаммаси устидан ҳар хил калакаларни у суд ва тергов исини келтириб турган қабиҳ жиноят деб ҳисобларди. Ўзининг Мальта ташкилотига доир дастлабки ишларини эслаб, у мартабага эришишда, барқарор ва муносиб ҳаёт йўлини танлашда диннинг жумлаи икир-чикирлари қандай аҳамиятга эга эканлигини у тугал идрок этарди. Лекин унинг қулоғига Пушкиннинг аллақандай роҳиб, роҳибалар ҳақидаги жиноятқор деса дегудай қандайдир шеърлари мишмишлари етиб келди. У мунофиқ эмас эди, буни билишни ҳам истамасди. Бу йигитнинг қалбига фақат биргина йўл — аёллар орқали кириш мумкин эди.

Егор Антонович кўпни кўрган киши эди ва аёл зотининг биргина табассуми, оғзидан чиқиб кетган биргина каломи муҳим ишларда қандай салмоққа эга бўлишини, гоҳида биринчи ўринларга суриб чиқариб қўйишини жуда яхши биларди. Унинг ўзи ҳам ҳали унча қари эмас, қирчиллама қирқ ёшида эди. Ҳали бирмунча чақ-

қон рақс қилиб турарди. Рост, унинг йигирма ёшидаги сиёқини тасаввур қилиш қийин, аммо-лекин олтмиш ёшида қандай бўлишини кўз олдига келтиришнинг иложи йўқ эди. У мутлақо талабаларнинг аёллар даврасида ороланиб сал муомалали бўлишлари тарафдори эди. Пушкиндаги ўзига нисбатан бу совуқ муносабат, бу чўрткесарлик ва қўрслик қаёқдан пайдо бўлганлигини у жуда яхши фаҳмлаб турарди. У гусарлар казармасига серқатнов эди, ҳаммасига сабаб шу эди. Бироқ у зиёратларга чек қўйиш директорнинг қўлидан келмасди. У ўзиникида базмлар жорий этиб, уларга бир томондан, ўз хонадонига таниш ва яқин бўлган хонимларни, бошқа томондан эса, лицей талабаларини чорлаб туришга аҳд қилди. Ажаб эмас, бу нарса Пушкинни ҳам директор билан яқинлаштириб қўйса. Ундан ҳам ўтадиган каллакесарлар хонимлар даврасида chevaliers servants u cavaliers galants[1] нпакдай майин йигитлар бўлиб қолишларини кўрган ҳоллари бўлган.

7

Уз уйида директор эски соҳибнинг барча изларини қатъиян қириб ташлади. Ҳамма ёқ гул эди, рассом деворларни гул-гул қилиб безаб берди. Пушкин бўлмаганда базм кўнгилдагидек ўтган бўларди.

Рақслар пайтидаги хатти-ҳаракатларига чидаб бўлмасди. Аввало у хунук рақс қиларди; буниси ҳам майли — Горчаковдан бошқа уларнинг ҳаммаси ёмон рақс қилаётган, бу одамнинг кулгисини қистатарди, холос. Лекин Егор Антоновичнинг хонадонига унинг узоқ қариндоши Мария Смит келган эди. Бу ёш хонимнинг бахти қора: у бева эди. Қарабсизки, Пушкин ўзини ёш беванинг қисматидан бўлса кошки, йўқ, унинг қадди-қоматидан таъсирланганга сола бошлади.

У рақслар чоғида унга ёпишар, энтикарди. Егор Антонович хотинининг қариндоши бўлмиш жуда боодоб, асл номи Шарон Лероз бўлган беванинг ҳам енгилтак ўспиринниинг эҳтиросидан таъсирланаётганини пайқаб ҳайратланди: ёш хонимнинг юзлари ловиллаб кетган эди. Қўли билан сустгина бир имо қилиб дирижор музикани тўхтатиб қўйди. Пушкинга оид яна бир ташаббус у кўзлаган самарани бермади. Қайтага бу самара жанжалли бўлиб чиқди. Директор уйидаги гавжум ёш хоним ва йигитларнинг қарийб кибор давраси бу ўспирин томонидан шустер — клуб[2] дарасигача тубанлаштириб юборилди. Директорнинг ҳаваси келган: у Бакунинлар базмини эшитиб улгурган ва ўзича кеча олдидан кўнгли чўкиб турган эди. Ҳар қалай, дил қаърида у бир кўз-кўз

[1] Ройиш рицарлар ва назокатли кавалерлар (франц.).
[2] Этикдўзлар клуби (*нем.* Schuster klub дан).

қилиб қўймоқчи бўлган эди — ахир, ниҳоят, Мариянинг Бакунинадан қаери кам! У базмнинг камтарин маликаси бўлади! У кеча олдидан шундай ўйлаган эди. Мана энди ҳаммасининг оқибати нима бўлди. Директор баттарроқ нарсалардан чўчирди: ўспирин билан Мария қаёққадир гумдон бўлиб кетишди ҳамда у н и н г ў з и уларни ўз боғидан ахтариб юришга мажбур бўлиб қолди. Уларни у топди. Пушкин ортиқ таклиф қилинмайди, лекин шу ернинг ўзида яқин орада эртага ё нариги ҳафтага учрашув тайинламади, деб қим кафолат беради?

8

Йигирма тўртинчи майда Карамзинлар келишди. Бутунлай кўчиб келишди. Подшонинг илтифотли бир оғиз омонат сўзи билан тарихшунос севимли Москвасини тарк этиб келди. У подшодан бу сўзни беш йилдан бери кутган эди. У тарихшунос, подшонинг бўлажак маслаҳатчиси, лекин уйининг унга ноқулай ва захини ажратиб беришган эди. Хитой қишлоғи, х и т о й л а р д и д и г а м у н о с и б қ и ш л о қ ч а Қиттай Ноз яқинида, хандақ орқасида, учли деразалари, том ва деворларидаги ҳашаматли тасвирлари билан чала ётарди. Тўртта уй чинни печь ва каминлар билан жиҳозланган, деворлари тахта чиннидан урилган, қолганлари эса чала қолган, унут бўлган ҳамда уларда кўршапалаклар уялаб кетган эди.

Уйчалар муъжаз, негаки саройга ишга келган бўйдоқ йигитлар учун мўлжалланган эди. Хитой кулбаларини сўлим чорбоғлар ўраб турарди. Уларнинг бирини Карамзин ўзига кабинет қилди, бошқасига хотини бола-чақаси билан кўчиб кирди, учинчиси эса ошхона бўлиб, хизматкорларга ажратилди. Ёзувчи ўзининг чиройли уйларига хуфия алам билан боқарди. У уйчаларнинг ўйинчоқ иморатга ўхшашлигини, уларнинг ноқулайлигини ва уларни томоша қилиш кўнгилни очса ҳам уларда кун ўтказиш оғирлигини ўз-ўзига эътироф этишидан қўрқарди. Бу ҳақда у ҳеч кимга оғиз очмади. Уларга атаб уйчаларни овора бўлиб тайёрлаган Тургенев ранжиб қолган бўларди. Катерина Андреевнага эса у ўзини ҳамиша тамомила кўнгли тўқ қилиб кўрсатарди. Унинг бутун умри бўйи чеккан заҳматлари тақдирланган эди. У энди подшонинг маслаҳатчиси. Лекин шуниси ҳам борки, башарти у Аракчеевни зиёрат қилмаганида, шу-шу подшо томонидан қабул қилинмаганича қолиб кетарди — бир умрга. Уни зиёрат қилгач эса эртасига қабул қилинди. Дарвоқе, подшо энди унинг уйлари атрофида сайр қилишни яхши кўриб қолди ва бир марта унинг рафиқасига ўзи терган гуллардан тақдим қилди. Хуфия алам шу ерда ҳам Карамзинни тинч қўймади. У тарихшунос, подшо маслаҳатчиси эди, подшо уни зиёрат қилиб турарди. Бироқ бирор марта — бир марта ҳам у билан суҳбат қилмади. Ўз рафиқасига гул тутаётган подшонинг оқ юзидаги фусункор ифодани кўриб, унинг ранги ўчиб кетди. Унинг хотини гўзал эди. Лекин «Россия давлати тарихи»ни нашр қилмоқ зарур эди, шунинг учун ҳам бутун ҳаёти асносида қилиб келганидек, у тақдирга тан беришга ва сабр қилишга оқилона қарор қилди.

Эрталабдан у ўзининг алоҳида уйчасида йирик ва равшан ҳуснихат билан битилган қўлёзмаларни кўздан кечирар ва нечанчи бор камчиликларини тузатар эди. Соат учда у қора йўл-йўл костюмини кияр, унга кулранг арғумоқни келтириб беришарди. У отминиб борар, хизматкор эса унинг олдига тушиб кетарди. Йўлйўлакай хизматкорга у қўзиқоринни ишора қилиб кўрсатиб борар, хизматкор эса уни узиб олаверарди.

Бу сайр эди.

Император ҳали-бери йўлиққанича йўқ — балким охиригача дуч келмас — бундан Карамзин қарийб хурсанд ҳам эди.

Пешинлик, кейин кечки чой.

Энди асарлар тугагандан кейин унинг ҳаёти бирам эркин, бекорчи эди, уни сарой қошида бирам ардоқлардилар, унинг учун жумбоқлигича қолиб келаётган давлатпаноҳ уни бирам кам эсга оларди.

Эндиги тураржойининг сунъийлигига, ўз мавқеининг сунъийлигига у қадимий матонатли киши сингари табассум билан дош бермоқда эди. Шунинг учун ҳам унинг асл ҳаётидан бехабар Пушкиннинг тез, бемалол ва бешарпа қадамларини эшитганда, у варақлаётган журналини шартта ёпиб қўярди. Шу боисдан ҳам унинг Катерина Андреевнага қарашларини — унсиз ва илтижоли, маъносини кексайиб бораётган тарихшуносга тушунарли бўлган нигоҳини узр этиб келмоқда эди.

9

Бу ажойиб осойишталикни, кулранг кўзларнинг бу диққатэътиборини Пушкин илк бор кўриб турибди эди. У билан бирга келган Ломоносов уни таниёлмай қолган эди. У Пушкиннинг камгаплигига ўрганиб кетган, одамовилигини билар ва энди бу тунд ва одамови шоир олдида бир ўзини кўрсатиб қўйишга чоғланган эди. Ломоносовнинг тили бурро, ҳазил-ҳузулга суяги йўқ эди.

Лекин Пушкин уни оғиз очирмай қўйди. У ўзгариб кетди. У ўзини-ўзи деб илк бор ҳис қилаётгандай, илк бор ўз-ўзини топиб олгандай эди. Уч минутдан сўнг у ниятига етди: у Катерина Андреевнанинг жаранглаган хандасини эшитди ва Карамзиннинг юзида тааҳжуб аломатини кўрди. Карамзин бундай кулгини эшитмаганига кўп замонлар бўлган эди.

Эртасига у наридан-бери овқатланиб бемаврид Карамзинларникига югурди. Тарихшуноснинг сайр қиладиган соати эди. Кате-

рина Андреевна ўз уйчасида чамбаракда кашта тикиб ўтирарди, уни кўриб ҳайрон қолди, қўрқиб кетди. «Бу ҳувиллаган уйча ёнидан бу ерда ҳамма ўтади, деразадан мўралашлари ҳеч гап эмас»,— изоҳ берди у норози бўлиб.

Кейин у Александрни ипак чувишга мажбур қилди, Александр чўккалаб, аллақандай ғалати ҳафсала билан Катерина Андреевнанинг узун-узун бармоқларини кузатар, бу бармоқлар унинг қўлидан ипакни хотиржамгина бўшатиб олар эди. Кейин у, сизни қидириб қолишади ва нону сувга ўтказиб қўйишади, сиз директорингиздан қочиб юрмаслигингиз керак, деб Александрни ҳайдади. У ғамга ботиб қайтди: Катерина Андреевна уни оддий мактаб боласидан ортиқ кўрмаётган эди.

У ўзи шунчалар ўрганиб кетган, улар ҳам унга ўрганиб қолишган гусарлар казармаси йўлини хаёлдан чиқариб юборди: унинг тақдири ҳал бўлган эди. У ҳар куни Хитой қишлоғига қатнайди энди.

Хўш, ёш бева-чи? Лила-чи?

Лекин бунинг Хитой Қишлоғига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Бу ерда ўшани ҳатто кўнгилга келтириш жиноят бўларди. Бека бор жойда у қатъиян бўлак ҳеч кимни ўйламасди. У бўлса уни мактаб боласидан ортиқ кўрмаётган эди.

10

У талаба, бунинг устига, директорнинг наздида, тап тортмас хилидан эди.

Ҳар оқшом директор энди балкондан эҳтиёткорона кўз ташларди. У шошиб-пишиб кетаётган Пушкинни икки марта кўриб қолди. Бу бошқа биров бўлганда у уни чақирган, озми-кўпми самимий суҳбат бошланиб кетган бўларди. Катталарнинг бемаҳал сайрларини узиб қўйишга Егор Антонович чорасиз, унинг қўлидан келгуси да кичикларнинг бундай қилиқларига йўл қўймаслик келарди. Унинг қовоғи солиқ: Пушкин гусарлар казармаларига кетаётир, деб ўйлаган эди. Унинг ўша ерда, талабалар ёнида топадиган тарбияси самараларини тасаввур қилмоқ мумкин! Энди — директор бунинг тагига етди — ўша саргузаштлар узил-кесил барҳам топиб-хавотирланиб Царское Село боғларида танҳо ўзи сайр қила бошқа гап. Ҳар қалай, директор ёш бева шу ердами, деб беихтиёр орқага ўгирилиб қararди. Кўпинча ғижиниб унинг йўқлигини ифшо қиларди. Шунда у мутлақо кутилмаган кор-ҳол рўй беришидан хавотирланиб Царское Село боғларида танҳо ўзи сайр қила бошларди; у ёш бевага ишонмай қолди: у фақат келган куни, ўшанда ҳам фақат азоб юзасидан эрини эслаб кўз ёши қилган, аслида эса у ҳам ёш, кулағон эди.

Еш бева эрикарди — Егор Антонович унинг кўнглини ёзолмасди. Ёш талабанинг афти хунук, лекин бева биринчи оқшомдаёқ уни фарқлаб олди — балким айни эрикаётгани боисидан шундай бўлгандир. Шунинг учун ҳам рақс пайтида унинг нафас олиши тезлашиб, юзининг қизили ҳам ўта жонли бўлганки, директор буни дарров пайқади ва Пушкинни кўнглига тугиб қўйди.

Бакунина — Эвелина эди. Бунисини у бирпасда Лила деб атаб олди. Номнинг ўзи бўсадай жарангларди.

Директор боғда бирор кор-ҳолга, балким ўпишишга йўлиқиб қолишдан қўрққанида ҳақ эди. Уларнинг шартлашилган висол онлари бўларди. Бева ночор, муте ва ташна, гуноҳкорона бўсалари узоқ-узоқ бўларди. У илк бор аёл устидан ҳукмронлик қилишнинг таъмини билди. Аёл унга изму ихтиёрини мутлақ топшириб қўйган эди. Ҳа, у мактаб бола эди; балким аёлнинг ёш бева эканлиги унга жуда-жуда хуш ёқар. Бу висоллар пайтида ўйнашлардан қасос олгани нариги совуқ дунёдан рашкчи эрнинг шарпаси келиб, унинг кўзига кўрингандай бўларди. Дарвоқе, унинг кўзига на фақат марҳум эр, балки бошқа соя ҳам кўринарди: директорнинг сезгиси бехато, у энди Царское Село боғларида ошиқ-маъшуқларни пойлаб айланиб юрарди.

11

Дарвоқе, Энгельгардтнинг бўлак мақсади, зора императорни учратиб қолсам деган бўлак илинжи ҳам бор эди. Бирор тасодифий учрашув рўй берса, император аҳамиятсиз бир бош лиқиллатиб қўйса бас, унинг ва лицейнинг ҳаловати узоқ йилларга қарор топади. Сайр қила туриб директор истиқболини ўйларди. У ўз талабаларига бахт-саодат тилар, бахтни эса саройдан лицейдаги талабаларига, улар билан бирга эса унинг ўзига — уларнинг падарларига ҳам енгил сабо келтириши мумкин эди. Бегона шахсларга осон бўлиб туюлувчи директорнинг муваффақиятлари унинг кўп машаққатлари эвазига қўлга кирарди.

Дўстлик ва шу билан бирга фарзандлари ҳамда шогирдларининг иқболидан умидворлик ўсиб бормоқда эди. У билан энди енгил рақс тушувчи ва енгил ўйловчи «дипломатлар»— Горчаков, Ломоносов, Корсаковлар иноқ эди, Малиновский ва Кюхлянинг жанжалини ажрим қилиш пайтида адолатли иш кўргани, хайрихоҳлик кўрсатгани туфайли Пушчин билан ҳам дўстлашиб қолди.

Фақат аввалги директорнинг маслакдоши саботли Вальховский унинг навозишларини гарчи тавозе билан бўлса-да, лекин ҳар қалай совуқ қарши оларди. Вальховский ҳаддан ташқари, муболағали даражада тавфиқли ва ҳалол эди. Сал эви билан-да, яхши йигит!

Яна шуниси ҳам қизиққи, les extrémites se touchent — бир-бирига терс одамларнинг уруғи бир бўларкан: уни энг номусли Вальковский билан энг беномус Пушкинлар хуш кўрмасдилар.

У аллақачон иккаласининг ҳам келажагини муайян қилиб қўйди: Вальховский ўзининг тўғрисўзлиги ва жўшқин табиати билан албатта ҳарбий соҳадан кетади — раҳбарлик лавозимлари унинг учун оғирлик қилади: майли, худо ёрлақасин! Ҳозирча у ҳақда бундан ортиғини ўйлашнинг кераги йўқ, ялт этиб бахти очилади, деб умид қилиб бўлмайди.

Лекин Пушкин — бошқа масала эди.

Директор кибру ҳавоси, бағритошлиги учун унга зулм қилар, уни ёмон кўрарди, келгусида дурустроқ муваффақиятга эришишини хоҳламас, лекин у — унга мураббий. Лицейдан бахтли-қутли дипломатлар чиқиши мумкин бўлганидай, ким билади дейсиз, бахтли-қутли шоирлар ҳам чиқиб қолса ажаб эмас. Сарой яқин, буни унутмаслик керак. Боғда жўшқин ёш бевани,— минг афсуски, ҳаддан ташқари ёш бевани,— тутиш ниятида олазарак бўлиб юраркан, директор саройнинг яқинлигидан ҳам қўрқар, ҳам қувонарди.

12

Энди Пушкин ҳар куни эрталаб уйғонганда, бугун кечқурун Карамзинникида юмалоқ стол атрофида ўтиришим, бу соҳибжамолнинг дийдорини кўришим, босиқ французча гапларини эшитишим шарт, деб ўйлар эди. Бу нозанининг нутқи — чучук тил ва ғўлдираган овоз билан гапирувчи онасининг ҳамда у билган барча аёлларнинг нутқига асло ўхшамас эди. Шу хонадонда, шу стол теварагида, у бор жойда ҳамма нарса осойишта, тайин бўларди. Аччиқ ҳаёт кечиргани туфайли оғизлари буришиб кетган Карамзининг, бу улуғ инсоннинг камгап ва сокин саволлари, улар жойлашган музейсифат уйнинг сукунати, бу ерга ўзларининг уйчаларидан чопиб келиб турадиган болаларнинг камдан-кам шўхликлари ва энг муҳими бу гўзал аёлнинг, фақат ўшанинг кулранг оқила кўзлари ўзи бир олам эди. Усиз бу хона нима бўлиб қолишини Александр тасаввур қилолмасди. Шу икки ҳафта ичида у гусарлар казармасига бормай қўйди — лицейда вақт зиқ эди! Карамзинларникига бораверишқандайдир ноқулай бўлса-да, буни у тақиқлаб қўйган бўлса-да, Александр Карамзин йўғида уларникига бораверарди, негаки эр-хотинни бирга кўришни ёқтирмасди. Хитой Қишлоғи лицейдан икки қадамгина нарида эди. Бир марта уй соҳибаси йўқлигида бориб қолди. Ёз ёғин-сочинли ва тўниқ келган эди. Александр Карамзинни ёлғиз топди. Пледга ўралиб у хизматкори ёқиб берган камин ёнида ўтирарди. У подшо маслаҳатчиси эмас, шунчаки ўзининг совуқ чиройли уйча — кабинети ичида танҳо қолган кекса адиб эди.

Унинг ўзи ҳам совуқ ёки ҳовурдан тушган эди. Бу ердаги ҳаловатни ҳеч нима бузмас, бузмаслиги шарт эди: Вяземский, Карамзин ўзини тарихчиликка бағишлаб юборди, деганди, ҳа, бу —

улуғ бағишлов эди. Унинг маслаҳатларига амал қилса бутун мамлакат, бутун бесаранжом тарих, гарчанд унчалик овунарли бўлмаса-да, ягона иложи бор тартибда умидбахш осойишталикка келган бўларди, шунингдек, унинг бутун ҳаёти ҳам ошкора ҳаловат топиб бормоқда эди. Ҳа, Россияда хотиржамликни қарор топтириши аҳоли устидан крепостной ҳуқуқнинг доно системаси асосига қурилган эди. Жамики нарсани тутиб турган шу табиий қонунга қарши баҳс қилиб ўтириш ақлдан эмас, фойдасиз ҳам эди. Унинг ҳаётидаги барча мавжуд нарсалар билан гоҳида нохуш бўлса ҳам майли, муроса қилишга асосланган эди. У шаксиз ва устивор мўл-кўлчилик учун ҳамма нарса билан муроса қилаверарди. У орият санчиқларига ва гоҳида ўз атрофида ҳис қилиб қоладиган бирмунча бўшлиққа қарамасдан — муроса қилиш кераклигига ишонарди.

Унинг бахти ҳаяллаб очилмоқда эди. Подшо қўққис унинг «Тарих»ини нашр қилишга рухсат бериб юборди. Илгари у Аракчеевни зиёрат қилганидан кейин подшо уни дарҳол қабул қилгани сингари ҳозир ҳам подшо Катерина Андреевнага гул териб берганининг эртасига нашрга рухсат берганини ҳам индамай қабул қилди. Лекин шубҳалар уни ўртаб ташлаган эди. Майли! Лекин энди энг ёмони бошланди: уни нимагадир ҳарбий босмахонада нашр қилишарминш. «Россия давлати тарихи»дан кўра кўпроқ фармонлар учун боп бу босмахона бошлиғи — генерал Захаржевский эди. Генерал бугун ундан ўзининг бутун асарини цензурага қўйишни талаб қилиб, қўлёзмасини қайтариб берди. Бироқ давлат тарихшуносига цензура не даркор! Подшодан бўлак ҳеч ким текширишга ҳақли эмас-ку! Унинг Царское Селодаги мавқеини кўролмай қолган пасткаш генерал ўзининг чекланган ҳокимиятини ўйлаб ғафлатда кекайиб юрибди, чоғи. Балким ғафлатда ҳам эмасдир? Унинг ичидан қиринди ўтаётган эди! Унинг бирдан Пушкинга, ана шу Чигиртгага арз қилгиси келиб кетди, бундан аранг ўзини тийди. У, масалан, биладирки, аёллар кетидан кўзлари ёниб, элакишиб юрадиган аломат Пушкиннинг жияни бўлмиш бу йигитча ҳам лицейда бир жойда ўтиролмай эҳтиросли шеърлар битса-да, ҳар қалай тезда қуйилиб қолади. Карамзин ҳали ҳам ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор бериб юрарди: ўша ҳар ёқда ҳеч бир системасиз, плансиз ўқув юртлар қуриб ташлаётган Сперанскийнинг фаолияти нақадар сершитоб ва бемулоҳаза бўлаётир! Келажак учун экилаётган бу уруғлар қандай ҳосил бераркин!

Бироқ сарой ташвишларидан ортмаётган фаолиятсиз бу оламда мулоқоти кишига ором берувчи арзамасчилар бор, тафти, сафсатаси, шошқалоқлиги доимий кулги ва баҳсларга сабаб бўладиган лицейчилар бор. Кишига қувонч бахш этувчи бирдан-бир кишилар ана шулар! Карамзин Пушкиндан бирор нима ўқиб беришини сўраб, қулоқ солиб турди. Пушкин чўнтагидан қоғоз чиқариб, бирдан

изза бўлиб уни яна чўнтагига яшириб қўйди. Карамзин елкасини қисиб, паст товуш билан ундан ўқийверишини илтимос қилди. У ўзининг паст товуш билан қилган илтимосларини ерда қолдирмасликларини биларди. Саросимада Пушкин ўқий бошлади ва бора-бора овози куч олди.

Кейинроқ лицей шоирининг, Чигиртканинг ўқишини тинглаб ўтириб, бу шеърни Пушкин бу ерга, унинг уйига, Катерина Андреевнага ўқиб бергани олиб келганини фаҳмлаб қолди.

Оҳиста судралиб ўтар кунларим...
...Майли ўлсам, фақат ишқ аро ўлай!..

Охирги сатрини у қандай ўқиди-я!

Буларни у кимга ёзган?

Шеър, ҳар қалай, ажойиб эди. Шунинг учун Карамзин кулимсираб, шоирга ҳеч нима демасдан, фақат бош иргаб қўйди-ю, унга дўстона жавоб бериб юборди.

Ҳа! Царское Селода мабодо шу йигитчалар бўлмаганда ўзи яккаланиб қолган бўлишини ич-ичида эътироф қилишдан у қўрқарди. Куни кеча у ўзининг табаррук асарига сўз боши ёзиб тугатди ва ўқиб бергудай одам бўлмади. Тургеневнинг ташвишлари бошидан ошиб ётарди, анчадан бери қорасини кўрсатмас эди. Нима бўлди-ю, бир куни у ўзиникида дипломат Ломоносов билан шоир Пушкин ўтирганда ўртага чўккан бир лаҳзалик сукутдан фойдаланиб, сўз боши ёзилган қоғоз яқин экан, ёшларга — биринчиларга ўз сўз бошиси, ўз «ишонч»ини ўқиб берди. Ўқиётиб, биринчи жумласиданоқ тузатишлар даркорлигини кўрди, буни илгари пайқамаган эди. «Христианлар учун таврот нима бўлса, халқ учун тарих ҳам — шу», деб ўқий бошлади у ва тингловчиларга кўз ташлаб тўхтаб қолди. О, ўспиринларнинг доно кўзлари! Юксак ва мужмал маънога молик жамики сўзлар бу ерда, Царское Селода асл мазмунини касб этарди. «Таврот», «христианлар»— ёраб, ахир ҳозир яқингинада саройда ўтириб балким таврот ҳақида ҳам, христианлар ҳақида ҳам гап сотаётган Голицининг оғзидан чиқиши мумкин бўлган гап-ку, бу. У обрў талашиб ўтирмасдан, шу ернинг ўзида, ёшлар олдида тузатиб қўйди: «Тарих халқларнинг муқаддас китобидир». У ўқирди-ю, Пушкинга қараб-қараб қўярди. «Биз барчамиз — Европада ҳам, Ҳиндистонда ҳам, Мексикада ҳам, Абиссинияда ҳам граждалармиз: ҳар биримизнинг шахсиятимиз Ватан билан узвий боғлиқдир: уни севамиз, зеро ўзимизни севамиз. Майли, юнонлар, румоликлар тасаввурни ром этаверсинлар: улар инсон зоти оиласига мансубдирлар, бизларга ҳам ўзларининг хосиятлари ва қусурлари, шонлари ва фалокатлари билан бегона маслар. Лекин рус номи биз учун алоҳида жозибага моликдир:

менинг қалбим Фемистокл ёки Сципиондан кўра Пожарский учун қаттиқроқ уради».

«...Билиб қўймоқ даркор, азалдан исёнкор эҳтиослар граждалик жамиятини безовта қилиб келганини...»

Пушкин жимгина ўтирар, фақат кўзлари бир вақтлар онасида, тарихшунос аллақачон неча бор эслаган «соҳибжамол дурагай»да бўлганидек парпираб кетар, сўнар, сўзлар эди. Сукунат шундай эдики, гўё улар нафас олмаётандай. Ҳа, унинг чинакам тингловчиси шу эди, ўзининг қуш қафаси, чиройли хитойча кулбасида у шуни деб ўтирмоқда эди. Ўқиб тугатгач, яна бир марта биринчи саҳифасини эсга олмоқчи бўлганда, Пушкин уни тез ўқиб берди — ёддан. Ўша хор бўлиб зоти олий қабулини кутишига тўғри келган, хотинидан ўз дардини, бўшлиқни, кексаликни пинҳон тутишга тўғри келган, жилмайиб туришига тўғри келган бутун вақт асносида биринчи бор қариётган ёзувчи ўзини бахтиёр ҳис этди.

У ўрнидан турди ҳамда Пушкиннинг ёнидан унинг қўлига тегиб ўтиб кетди. Эшик орқасида у кўз ёшларини артиб олди.

У ёш боши оғиб уникига кириб қолган шу шоирга изоҳлар билан солиштириш учун тиззасида ётган варақни ўқиб берди; бу — беқайғу олтин замон ҳақида, халқ Қуёш деб от қўйиб олган Владимирнинг тўйлари ҳақида, Владимирнинг уч юз дошқозонида бол қайнатишга буюрганлари, боярлар билан Василевода саккиз кун базм қурганлари ҳамда бол зўрлик қилиб уларнинг учиб қолганлари ҳақида ҳикоя қилувчи боблар эди. «Ўша вақтдан буён,— ўқиди у Пушкинга қараб,— ўшал князь ҳар ҳафта гридницада боярларни, гридняларни, юзбошиларни, ўнбошиларни, обрўли ёки хокисор кишиларни сийлаб турган».

Пушкин паришонлик билан хонага кўз югуртириб қўярди, шунда бирдан унинг қалам билан қоғоз ахтараётгани аён бўлди. Столдаги қоғоз-қаламни кўриб, у дарров қўлга олди-да, қаламни ғажишга тутинди (расво одат), гридница дегани нима, гридня нима, деб шартта сўради ва гридница дегани сарой даҳлизи қабилидаги нарса, гридня эса князь қуролбардори деган жавобни олгач, секин ёзиб қўйди ва лабларини тишлай бошлади (Сергей Львович унга хўп тарбия берибди!). Карамзин мароқ қиларди, ҳар қалай шу саволлардан кейин текстга изоҳлар киритди, негаки китобни ўқиётганда ҳар кимда ҳам сўраш имкони бўлавермайди.

— Эскича йўриғда, ҳазилнамо, шоён ва ихчам қилиб бир достонча ёзиб қўя қолинг.

Лекин Пушкин унга қарамас, Карамзиннинг маслаҳатига эса бурнини буриштириб олди. Пушкиннинг терслиги ажабтовур эди — Сергей Львовичнинг ўзгинаси. Балким достонча деган сўз унга маъқул бўлмагандир? Лекин унинг ўзи ҳам достончалар ёзиб юрган-ку, масалан, «Илья Муромец»ни ёзганда буни номуносиб иш,

деб санаш хаёлига ҳам келмаган. Ҳазилнамолик, шоёнлик, нафосат — мана бу турдан талаб этилган нарса, кейин булар асло арзимаган гаплар эмас. Кўзлари бежо Пушкин уни ортиқ тингламасди ва қаламини ғажирдики, пировардида Карамзин астагина қўл узатиб, ундан қаламни тортиб олиб қўйди. Йўқ, у ранжимади шекилли, шунчаки унинг хаёллари тарқаб турган экан. Ниҳоят, у билан гаплашишнинг иложи бўлди. Йўқ, бу Сергей Львович эмас — бу фикр тарқоқлиги баъзи пайтлари унинг онасида — la belle créoleда бўлиб турарди; у истараси билан ҳам онасини эслатарди. Шунда Карамзин шоирдан янгироқ, яп-янги бирор нима ўқиб беришини сўради. Пушкин қоғозини олди.

13

Бу йил уларни дарслардан кўра кўпроқ сайрлар бирлаштириб турди. Ҳеч ким сукут талаб қилмасди; интизом деган нарса узил-кесил унут бўлиб кетган, профессорлар лицейчилар қатори ўзларига ҳам баробар таҳдид солиб турган имтиҳонлар ғамини ердилар, холос. Қора стол ёнида энди фақат баъзан саводсиз ва айни чоқда қўпол Мясоедов ҳам ўтирарди. Куницин анча босиқ тортиб, букчайиб қолди. У қаттиққўл бўлиб кетди, агар Корф мавзунинг бирор жойини ташлаб кетгудай бўлса, лоқайдлик билан унинг лекция дафтарини суриштирар ва хатоларини тузатар эди. Пушкинга у ҳеч қачон дафтар бўйича савол бермас, Пушкин ҳам деярли ҳеч қачон ёзиб ўтирмас эди. Лекин у тингларди — профессорлардан ёлғиз шу кишини тингларди: афтидан, икковлари бир-бирларини мутлақо тушунардилар. Корф уларнинг иштиёқини сезиб, аста муштларини қисарди.

Фақат бир мартагина талабаларга ижтимоий битим нималигини тушунтираётганда Куницин бир пайтлардагидек куйиниб кетди.

— Мустабидлар уни бекор қилмоқдалар,— деди у,— олий ҳокимият халқники бўлгани сабабли эса, битим икки тарафлама узил-кесил бузилади.

Куницин бирдан жимиб қолди, юзларига қизил югурди. Кюхля патини ғичиллатиб ёзар, патдан ҳар тарафга сиёҳ сачрарди.

Кейин Куницин бир оз ҳовурдан тушиб, астагина бу гапларнинг ҳаммаси узоқ мозий қабилаларига оидлигини ёзиб қўйишларини илтимос қилди.

Кюхля патни қўйиб қўйди.

Энди уларнинг сайр қилиб юришларига бирмунча чек қўйилди: дарбор Царское Селода эди. Шовқин солиш мумкин эмас, юрганда саф тортиб, одоб сақлаб юриш керак эди: император ҳатто юқори табақа кишиларининг ҳам равон сафларини яхши кўрар ва бесаранжом одимларни кўрганда жони чиқиб кетарди.

Бир йўла унсиз тил бириктириб Пушкин, Дельвиг ва Кюхлялар сафли сайрда қатнашмасдилар: қўлни қўлга бериб улар ҳаммадан кейинда боришар ва Гораций, Руссо ҳақида, Парни, Шишков бобо, Шихматов ва Шиллер ҳақида, аёллар бевафолиги ҳақида баҳслашардилар.

Энди, уларнинг асарлари босилиб турган бир даврда одамлар ёппасига бутун янги нарсаларни ўқир эди — ҳатта Кюхляга онаси ўн беш сўм юбориб ва лицейга ўғлини йўқлаб боришдан воз кечиб, ўғлининг ёрдамида Москва орқали «Амфион» деган эскича журналга ёзилди. Ломоносов ҳатто ўзига махсус китоб жавони қурдириб олди, унда икки юз-уч юз китоб бор эди. Будри лицейга Кюхля учун —«Вексфильд руҳонийси» деган бир китоб келтириб берди, бу китоб устида Кюхля кўз ёшларини селдай оқизарди, Будри Кюхляга келтириб берган яна бир китоб — Грессени дарров Пушкин ўқийверіб, ийиғини чиқариб юборган эди.

Кюхля ашаддий баҳсчи эди, Дельвиг қарийб ҳеч вақт унинг фикрига қўшилмасди. Пушкин баҳслардан ҳузур қиларди. Ҳар қайсиси ўз айтганида қоларди. Фикрларнинг акслиги ажабтовур эди. Чунончи бир куни Кюхля Горацийни ўзига бино қўйган зодагон олифта, Кошанский қабилидаги ҳарфхўр деган эди, учаласи ҳам анграйиб тўхтаб қолишди. Бошқа сафар шундай воқеа юз берди: Кюхля ёнида Гомернинг юнонча нусхасини олиб юрар ва қироат билан ўқишга уринарди; Пушкин Кюхляга эътироз билдириб, Гомерни эзма деб юборди; шунда Кюхлянинг даҳшатга тушганини кўриб Дельвиг иккови ичларида роса қувонишди. Энди Пушкин арзамасчи эди, у Кюхлянинг Шихматов — Рифматов шаънига ва унинг Пётр ҳақидаги хонишларига айтадиган мадҳу саноларини бетоқат бўлиб эшитарди.

Нимаям бўлди-ю, енгил-елпи шеърларни ёқтирадиган ва ҳар жойдан уларни кўчириб юрадиган Горчаков унга уч фамилия ҳар мақомга солиб кулги қилинган француз революцияси давринінг бир шеърини кўрсатиб қолди:

Vit-on jamais rien de si sot
Que Merlin, Basire et Chabot?
A t' - on jamais rien vu de pire
Que Chabot, Merlin et Basire?
Et vit-on rien de plus coquin
Que Chabot, Basire et Merlin[1]

---

[1] Дунёда бормикин бironта аҳмоқ
Мерлину Базиру Шабодан зўрроқ?
Дунёда бормикин, айтинг-чи, паққос,
Шабою Мерлину Базирдай ифлос?
Дунёда бормикин, бering-чи жавоб,
Шабою Базиру Мерлиндай қаллоб? *(Франц.)*.

Бир соатдан кейин Пушкин Кюхляга Ш ҳарфидаги уч князь кудди ўша тартибда кулги қилинган шеърни ўқиб берди.

Шишков, Шихматов, Шаховской.

Шихматов, Шаховской, Шишков,

«Муколама» аъзоларининг номларининг ўзи эпиграмма учун яратилгандай бўлиб, шеърга яхши тушарди. Кюхля бу шеърни ким ёзди, деб кўп суриштириб юрди, бу сатрлар, ҳар нечук, эпиграммаларнинг ҳаммаси сингари шеър деган номга нолойиқ, деб топди.

Энди, Куницининг узоқ мозий қабилалари ҳақидаги лекцияларидан кейин улар узоқ жим қолдилар. Улар сайр қилиб юрган кезларида тарихга ўрганган эдилар. Улар беш йил давомида ҳар куни кўлдаги Чесмен рострал колоннаси атрофида юришар, Кагул обелиски уларнинг ҳаммаси учун алоҳида маънога молик бўлиб кетган эди. Бу Дельвиг учун антик ўтмишнинг яққол ўзи эди, у ўз шеърларида бу қадимийликни куйлаган эди. Совуқ Кагул чўянининг ёнидан ўтаркан у доим унга қўл тегизиб кўрар, чўяннинг совуқлигига ҳайрон бўларди.

Валиаҳд Наполеон устидан қозонилган ғалабадан кейин шу саройга қайтиб келди ва ундан ҳамма муъжиза кутмоқда эди. Энди ҳар ҳафта дам император, дам малика келиб, уч-тўрт кунлаб туриб қолишарди. Шунчаки, навбатдаги икки Европа конгресси орасида шоҳнинг бўш вақти бор эди. Лицейдагилар ҳеч кимни ва ҳеч нимани кўзга илмай доим қаёққадир интиқиб юрадиган сарой хонимларининг ўзгача, омонат ва шошқин рафторига ўрганиб кетишган эди.

Сўнгра улар бир-икки марта кўкрагини чиқариб, майда салмоқли одимлар билан йўлкадан дўмбоқ, оқ сариқдан келган ўша кишининг кетаётганини кўрдилар. Улар унинг Баболовога кетаётганини, у ерда, саройда комендантнинг ёшгина қизи билан яна учрашувни тайин этилганини билардилар. Горчаков бу ҳақида оғзини тўлғазиб ҳикоя қиларди. Қаёқдандир у валиаҳд тўғрисидаги мутлақо ҳамма гапни — у қачон туриши борми, қачон ибодат қилиши борми, ким билан тамадди қилиши, навбатчи офицер билан қанча гаплашгани борми — ҳаммасини биларди. Буни у сиёсий янгиликлар деб ҳисоблар ва фақат мумтозларга маълум қиларди. У валиаҳд томонидан Аракчеев билан биргаликда полклар учун ўйлаб топилган янги уст-бошлардан ҳам хабардор эди. Бир куни у Пушкинга подшо Карамзиндан хабар оляпти, лекин унга академиклик ўрнини бермай турибди, бегоналар назарида уни қуюшқондан ортиқ кўтариб қўймаслик учун, зеро академиклик лавозимини аллақачон бошқа одам эгаллагани учун тарихини ҳам босмаяпти, деб сўзлаб берди. Карамзин хатога йўл қўйибди. Шошилмоқ зарур эди.

Сарой доимгидай жимжит, ҳамма дераза пардалари сал туширириб қўйилган эди. У ерда кимлар туради? Ярим худоми, Наполеоннинг фаттоҳими? Ярим кечалик валиаҳдми? Ёки Аракчеевнинг дўсти — биқинлари сўлқилдоқ Голицинами? Бош дарвоза олдидаги посбонлар мисоли ҳайкалдай қотиб туришарди.

Тез орада уларнинг лицейдан кетишлари маълум бўлиб қолди, граф Разумовский 1817 йил июнда уларнинг битириш вақтини уч ойга тезлатишга фармойиш берибди. «Токи бу ердан бизларнинг қорамиз ҳам ўчсин учун», деб қўйди казакчасига Малиновский. Улар, бизни ким сиғдирмаяпти, деб бош қотира бошладилар. Горчаков кутилмаган нозиклик билан, бу директорнинг иши, деб гумон қилиб қолди.

— Мўътабар ва сертавозе директор бизни тезроқ даф қилишпайида, — деди у, — чунки агар биз яхши битириб кетсак, битирувчиларнинг обрўси унга юқмайди.

Бироқ бу гапни Матюшкин қаҳр билан қарши олди: директордан кўнгли тўқ Пушчин ҳам эътироз билдириб турди-да, бирдан қисқа қилиб:

— Подшо сиғдирмаяпти, — деди.

— Нима учун?— деган саволга Жанно журъатсизгина, аммо тагдор қилиб жавоб қилди:

— Жуда шовқин қиляпмиз. Алланималарга кўз тикяпмиз.

14

У машҳур ёзувчининг хотини эди. Ўзларининг ҳозирги мавқеининг сал кам сарой бепандлиги билан боғлиқ бирмунча ноқулайликларини истисно қилганда, унинг турмуши буткул осойишта эди. Қишда у саройда кўрина бошлайди. Ҳадемай унинг эрининг машҳур кўп йиллик асарларини босмадан чиқаришади. Биринчи ректураси бугун-эрта келиб қолиши керак, эри шуни интизор бўлиб кутмоқда, ҳар вақтдаги ва ҳар нарсадаги диққат-эътибор, меҳр-оқибат билан корректура тузатишларига кўмаклашади. У билишича, ана шу хусусняти эрига хуш ёқади. Энди улар ҳар куни шу хитойча кулбада, гуллар ичида, шу стол атрофида, шу иш устида бирга ўтиришади, табақларни босмахонага тайёрлашади, изоҳлар билан солиштиришади. Гуллар кўп, ҳаддан ташқари кўп эди — уларни ҳар куни саройдан юбориб туришарди. Эрининг «Тарихи» нашрининг кутилган рухсати не сабабдан келиб қолганини у жуда яхши билиб турарди. Эри бунга унчалик тушунмади, шекилли. На чора, уқув билан яна бир бора дахлсиз бўлишга тўғри келади, у ўзининг рафтори, кўзлари, товушидаги аллақандай кучни билиб турар, ўзига неча бора гард юқтирмасликка эришган эди. Бу ерда, Царское Селода одам сиқилар эди. Аммо кечқурунлари лицейчилар келишар, уларнинг кулги ва баҳсларини у яхши кўрарди. Пушкин одамови, жиккак, шошқалоқ йигитча бўлса-да, у

яқинлашганда бирам ювош тортиб, кўзлари бирам сўниб кетардики, ҳар гал унга жилва қилиб, у-бу деб далда беришга тўғри келарди. Вой худойим-эй, у қараб турган бўлса, ўша «Муколама» ҳақида — эрининг кулгили душманлари ҳақида унинг оғзидан бирам мароқли фарслар ёғилардики! Пушкиннинг ёши ўн еттида, умуман лицейчиларнинг ҳаммаси нақадар ёшлигини хаёлга келтирсанг, гоҳида даҳшатга тушасан. Унинг ёши эса — ўттиз олтида.

У тинч ва бахтиёр эди.

Мана энди у бахтсиз бўлиб ўтирибди.

Бу хотиржамлик унга нақадар қимматга тушаётганини ҳеч ким билмасди. Мана, неча сафардан бери, у ўзини идора қилолмай қолар, шўрлик ўгай қизи билан ғижиллашар, йиғлар, рўмолчасини тишлаб эрталабдан шу ўзи яшаётган оранжереядан, парваришхонадан кетишга, заковатли эридан, болаларидан нари бўлишга, ёлғиз қолишга интилар, бундай ҳол кўпдан бери бўлмаган эди. Баъзида бутун ҳаёти ўнгидан келмагандай кўриниб кетарди. Болалигидан бери шу аҳвол. У аммаси Оболенскаяникида, қари қизникида ўсган эди. Байрамлари уни катта даргоҳга, Вяземскийларникига олиб боришарди, шунда у ўзининг бошини силаётган қари князнинг гўштдор юзини ўпарди. У шу киши отаси эканлигини биларди, ўртада аллақандай нажотсиз бебахтлик борлигини кўнгли сезиб турарди. Унинг фамилияси асло Вяземская эмас, балки Коливанова эди. У князнинг қизи эмасди. У, бу қанақа фамилия, деб узоқ сўроқлаб юрди. Аммаси унга бу у туғилган Ревель шаҳридан, деб уқтирди (Ревель — русчасига Коливан деб аталарди), шундан у ҳам Коливанова бўлиб кетган. Бир куни саройда аммаси унга оппоқ бир гўзал аёлни кўрсатди-да, унинг онаси ўшалигини айтди. Унинг онаси билан танишлиги шу бўлди, холос. У бир муаллиманинг пичирлаб, бу насл-насабсиз қиз, табиат фарзанди, ғайриқонуний равишда туғилган қизалоқлардан, деганини эшитиб қолган эди. Рўмолча тишлашни у ана ўшанда ўрганган эди. Фамилияси ўзиники сингари хокисор бўлмиш Струков деган бир қашшоқ армия поручигини севиб қолганда у йигирма икки ёшда эди. Лекин у ш у н д а й севиб қолдики, уни тезда турмушга чиқариб юборишди. Қари князь унга шоҳона катта сеп берди, у бадавлат қайлиқ бўлди. Уни турмушга яхшилаб, доно, нозик ва машҳур одамга, отасининг дўстига бердилар, у киши тул бўлиб, ундан ўн тўрт ёш катта эди. У бирдан қуйилиб, машҳур эрга вафодор хотин, унинг болаларига меҳрибон она, унинг қизига раҳмдил ўгай она бўлди.

Йўқ, у раҳмдил ўгай она эмас эди. Ўзи отасиз, онасиз ўсгани ва унинг ўрнини бошқалар — укалари ва сингиллари — мана, анави маллатоб ақлли ва кулағон Пётр Вяземский олгани каби, энди ҳам у шундай банд жойга тушди. Бу ерда унинг ўрнини биринчи хотини Лизанька эгаллаган, уйда унинг портрети осилганча қол-

ган, унинг ўгай қизи Сонюшканинг ўрин-тўшаги устида осиғлиқ турарди, Катерина Андреевна эрининг аҳён-аҳёндаги алоҳида хўрсинишини билар: у ўшани қўмсаётган бўларди. У хотиржам ва ҳали гўзал эди. Дарвоқе, у гарчи сарвқомат бўлса-да, ҳар қалай тўлиша бошлаган эди. Хиромон рафтор, диққат-эътиборли, равшан кулранг кўзлар, баланд сийна-ю, шу бошланиб келаётган оғирлик. Ҳали юзига ажин тушмаган эди. Унинг турмуши яхши кечарди. У ҳар куни эри билан газеталар ўқирди. Бир марта у қалъани тоғликларнинг кучли отрядидан якка-ёлғиз мудофаа қилган ва оғир яраланган поручик Струковнинг телбаларча жасорати ҳақида ўқиб қолди. Газетада полковник даражасига кўтарилган ўша армия поручиги сингари кўримсиз ва олисдаги қаҳрамонлар ҳақида мақола бор эди. У эрига чет эл хабарларининг ҳаммасини ўқиб берди-да, шундан кейин тоби қочиб ётиб қолди.

Петр Вяземский ундан оловдан қўрққандай ҳайиқарди. Ўзининг яқин дўстларига ёмон, бадфеъл деб юрарди. Катерина Андреевна ўгай қизига бегоналар ачинишаётганини пайқай бошлади. Дарҳақиқат, унинг таъна-дашномлари даҳшатли, буни у биларди. Соняга унинг ўзининг ҳам раҳми келар — у ўгай қизининг ҳаётини заҳарлаётган эди.

Катерина Андреевнанинг ҳаёти бекаму кўст: унинг ўгай қизи, етти ёшли қизчаси, икки жўжабирдай ўғли бор эди. У эрталабдан эри билан бирга корректура ўқирди. Ҳар қалай, эри ўзининг кулранг тулпорида сайрга кетганида у кўксини тўлдириб, тўйиб нафас оларди. Пушкин Катерина Андреевнани қўрқитиб юборгани учун асло хафа эмас эди. Пушкин серкулги, одамови ўсмир эди, майдароқ қўй кўзларининг қараши бирам ғалати эдики, аччиқланмаслик учун у кула бошларди.

Ҳар қалай, Пушкиннинг қарашлари унга нашъа қилар — бу ёвқур ўсмир учун унинг ўттиз олти ёши гўё бир пул эди. Бу нигоҳ унга императорнинг доимги нурсиз хумор боқишидан кўра манзурроқ эди. Императорнинг ўша нигоҳидан унинг кўнглига келган биринчи гап бу ердан шу тобда жўнаб кетиш бўларди. Лекин эри, лекин унинг асарлари, лекин нашр, лекин болалар... у бу ерда қолишга қолди-ю, лекин бўш келмасликка қасд қилди.

Маликага ўзини таништириши керак бўлиб, унга аллақачон Петербургдан кўйлак олиб келишганда у қўққис бетоб бўлиб, тун бўйи йиғлаб чиқди. Эртасига император унинг саломатлигини суриштириб одам юборди. Гуллар келтирдилар. Кейин уни эри биролан сарой базмига чорлашди, улар пойгакда қимтиниб туришганда император дарбор аҳлини хижолатга қўйиб жойидан турди-да, ўз ўрнини унга таклиф қилди. Унга, Вяземскийнинг ҳароми қизига. Ўзи ҳақида нималар деб шивирлаётганларини, ўзини нечоғлик ёмон кўришларини у биларди. Царское Село коменданти Захаржевский

уни учратганда нафратдан бўзариб кетарди. Эрининг асари босилажак ҳарбий босмахонага эса ўша мудирлик қиларди. У бўш келмасликка аҳд қилди.

Қизиғи шундаки, у ўзининг иттифоқчиси борлигини сезиб қолди. О, эри эмас албатта: унинг кўнглида ҳеч гап йўқ, у ҳатто бу хавф-хатарларни тасаввур қилар аҳволда эмас эди. Шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳаммаси ҳақида, тарихнинг қора кирдикорлари, унинг қурбонлари ҳақида шунча кўп ёзган, яқиндагина Иоанн Грозний тўғрисидаги бобни тугатган одам бўлса-да, подшо уни мукаллаф этмаётганидан андуҳга ботган эди. Шунда эри подшони тушунмаётганини англаб етди. У бўлса аёл сифатида уни дарров тушунди: муғамбирлик ва қаҳр, аёл ожизлиги ва эркак ғазаби нималигини тушунди.

Бир куни улар нонушта қилиб ўтирардилар. Эри куни кеча саройда император билан мулоқот бўлажагидан хабар топган эди. Энди хизматкор император ҳузуридан одам келди, деб ахборот берди. Карамзин лентaларини тақиб олган эди, лекин иттифоқ лентаси қайрилиб қолди. У кўзгу олдида уни тузата бошлади. Пушкин ҳам шу ерда эди. Шунда эрининг талабага алланечук кўз қирини ташлаб қўйгани Катерина Андреевнани ҳайрон қолдирди. Бу унга таниш киноялы табассум эди, адиб бу ленталару, аннен нишондорлари-ю, таништиришлар ва ҳоказолардан кулар эди. Пушкин унга кўз қирини ташлаб қўйиш билан жавоб қилди-ю, иккала адиб бир-бирларини тушуниб бирдан кулиб юборишди. Катерина Андреевна қувончдан қизариб кетди: эри — машҳур зот, тарихшунос шу талаба билан теппа-тенгдай кўз уриштиргани унга негадир ёқиб тушди.

Дарвоқе, камер-лакей тарихшуносни сўрагани келмаган, у саройдан унинг рафиқасига бир сават гул келтирган экан.

Карамзин совуққина қилиб ташаккур айтишни буюрди-ю, ортиқ ҳеч нима демади. Балким, бу ҳақорат ҳам эмасдир. Лекин, ҳар қалай, қарийб тайин бўлган ташриф бекорга чиққан эди.

Пушкиннинг бирдан ранги оқариб кетди ва лом-мим демасдан наридан-бери хушлашиб қочиб қолди. У кетгач, Карамзин унинг ортидан ёқимсиз қараб, бош чайқаб қўйди.

Катерина Андреевна хонадаги гул тез сўлиб қолади, деб гулдонни нарироққа, эшик тагига қўйиб қўйишни буюрди-ю, рўмолчасини тишлай бошлади.

15

Лицейда сир-асрорлар кўпайиб қолди. Энди Пушкин Пушчиндан ниманидир ошкора яширар, Жаннонинг эса кўзи ўткир эди. Ниҳоят, ҳаммаси ойдинлашди. Жанно Александрнинг махфий уч-

рашувлари борлигини билиб олди. Шу кунларда у Пушкинни таниёлмай қолган эди. Бакунинага бўлган умумий муҳаббат уларнинг ўртасига нифоқ сололмаган эди — Пушкин хурсанд, Миша Яковлевнинг ҳазилларидан, Данзаснинг совуққон найрангларидан кулар, фақат у пат ғажий бошлаганда, бир нуқтага тикилиб қолганда ва одамовилиги бошланганда Жанно шеър туғилаётганини пайқаб, уни ўз ҳолига ташлаб кетарди. Бунга у одатланиб қолган эди. Энди бўлса аҳвол бошқача: Пушкин паришон бўлиб қолди, уни таниб бўлмайди. Бир куни боғ яқинида уни ёш бева билан бирга кўриб қолдию Жанно қувониб кетди, ҳаммасининг сабаби топилган: Пушкин яна ошиқ бўлиб қолган эди. Пушкиннинг буни бутунлай яширмагани — гусарга ўхшаб бу муҳаббат ҳақида, ўша ёш бева ҳақида, бемалол гапиравергани уни озгина ҳайратга солди.

Ёш бева, афтидан, узоқ давом этадиган ғуссанинг ҳамда директор айтмоқчи, дўсти расво бўлиб кетишининг сабабчиси бўлолмасди. Жанно шу фикрга қўшилишга мажбур эди.

Илгари, гусарларникида бот-бот бўлиб турган кезларида, у қувноқроқ бўларди. Энди у фақат Карамзинларникига қатнар, ҳамма нарсани ташлаб қўйган эди.

Аммо энди Пушчин ҳам дўстидан сир беркитадиган бўлиб қолган эди. Александр худди команда берилгандай Жанно, Вальховский, Кюхля қарийб бир вақтда лицейдан гумдон бўлиб қолаётганини бир неча бор пайқаган эди. Бир куни Дельвиг ҳам кетиб қолди. Уни синчковлик қийнар: уларнинг, балким, унга билдирмаётган умумий сир-пирлари бордир?

Дарвоқе, тез орада Кюхлядан бу сирни билиб олди. Кюхля чидамли, лекин сирни узоқ тутолмасди. Аён бўлдики: Александр гусарларникига борганидек, улар ҳам гвардиячилар билан танишиб қолишибди — Царское Селода ёш гвардиячилар истиқомат қилмоқда экан. Илмсиз одамнинг молдан фарқи йўқлигига уларнинг фаҳми етиб қолди, дерди Кюхля. Улар бу ерда артель бўлиб яшашади, уларнинг каттаси — Бурцов. Кюхля рўйирост уни донишманд деб ҳисоблашини айтди. Бурцовни Александр эслади: гусарларникида бўлганида уни кўрган эди. Бурцов қуруқроқ, назокатли, қарийб нуқул Чаадаев билан гаплашган ҳамда гусарча қўшиқлар бошланганда дарров кетиб қолган эди. У штаб одами эди. Гусарлар штабчиларни хуш кўрмасдилар. У кетгандан кейин кимдир у ҳақда қуруқ экан, деб қўйган эди.

Кюхля қатъий махфият остида Бурцовнинг Куницинниинг дўстилиги, Куницин чой устида унга сиёсий системалар ҳамда Адам Смит ҳақида лекциялар ўқишини айтиб берди. Александр гвардиячининг қарийб лицейчи бўлиб кетганига ажабланди. Бу янгилик эди.

Кюхля овозини пасайтириб унга ҳеч кимда ортиқ шак-шубҳа қолмаганини айтди: Аракчеев билан Голицин ижтимоий битимни бузишган; ижтимоий битимга хиёнат қилишган; қуллик шу тобгача бекор қилинмай келяпти, ўн иккинчи йилда ғалаба қилган бўлсак ҳам шу аҳвол. Бир йил кутишди, икки йил — энди эса башарти йил охирига бориб бекор қилишмаса — демак, қандайдир фирибгарлик рўй берган. Дарвоқе, инсоният муттасил такомиллашиб бормоқда. Бундан ҳамма нарса далолат бериб турибди. Бироқ оқсуяклар ҳокимиятни талаб, ўз ниятларига хизмат қилдирмоқдалар — ҳамма бало шундан ва бу Бурцов томонидан мутлақо аниқ исбот этилган. Вальховский ҳам тасдиқлаб бериши мумкин. Тушкунликка берилиш ва лоқайд бўлиш ярамайди; ҳ о з и р ч а муҳими шу; акс ҳолда бир гуруҳ, яъни саройдагилар томонидан одамлар ютиб юборилади. Киборча муваффақиятлар — сғудир... Кюхля яна кўп гапларни гапирди.

Ҳ о з и р ч а деб у қандай гапирди-я!

Александр жим эди. Гап бу ёқда экан-да!

Унинг дўстлари ҳамма нарсалардан ундан кўпроқ воқиф эканлар. У шунча вақтни зое кетказибди! У эўрға турар ва кўзларидан ёш сачраб кетишидан қўрқарди... Бу қанақаси бўлди? Улар уни ҳали вояга етмаган, деб ёки уни ҳали ёш бола, деб ёки хароб бўлган, худо урган бебош ҳисоблаб, ундан сир яшириб юришибди. Ундай бўлса, билиб қўйишсин, арзамасчиларнинг қалпоғи бекорга қизил эмас! Амакисини қизил қалпоқда қабул қилганлари бежиз эмас! Якобинчилар қалпоғи бу. Унинг бу лицейда ғўдайиб юришига салкам бир йил қолди — кейин у биринчи куниёқ қизил қалпоқни бошига қўндириб олади. У арзамасчи! Кейин эса унинг Чаадаеви бор, унинг бир жимжилоғининг ўзида, бу билағон дўстлар — педантларнинг ҳаммасидан кўра билим кўпроқ. Лекин Дельвигни нима худо урди, Дельвигга нима бўлди? Пушкиндан сир сақлаб юрса-я! У ўзига ҳам иқрор бўлмасдан йиғламоқда эди. Шу бугуноқ кечқурун гусарларникида бўлади. У билан холи гаплашмоқчи бўлиб юрган Чаадаев билан келишиб оладиган пайт келди. Кўнглига келганди-я: дарбор аҳлининг сукути — хиёнатдан бошқа нарса эмас! Валиаҳднинг сайр қилиб юришлари ҳам — хиёнат! Аллама-ҳаллар тузилган ижтимоий битимга эмас,— айтганча, уни ким тузганининг тайини ҳам йўқ,— балки ўша ўн иккинчи йилдаги унсиз битимга хиёнат! У бир сўз ҳам қотмасдан Кюхляни ёлғиз қолдириб кетди-да, ташқарига чиқди. Ярим соатдан кейин директор Энгельгардт уйига кетади, кечқурун эса Пушкин гусарларникига боради. Вой-бў, оқшом қачон тушади-ю! Эсизгина, у қанча вақтни бой берибди-я! У эртагаёқ, шу бугуноқ Чаадаев билан орани очиқ қилади. Нега энди шу тобда эмас?

Шу зайл у директорга дуч келиб қолди.

Директор уни чақирғани кетаётган эди. Юзида нашъали табассум, боши орқага ташланган. У мамнун эди. Сокин товуш билан қошларини кўтариб у Александрга бугунлик барча машғулот ва лекцияларни қўйиб (гўё Пушкин лекциялар билан машғулдек) дарҳол Карамзинларникига бориши лозимлигини айтди: Нелединский-Мелецкий келибди ва пайсалга солиб бўлмайдиган махсус иш юзасидан у билан гаплашмоқчи эмиш.

16

Хитой уйчасида байрам дастурхони тузалган эди. Тўрида меҳмон ўтирарди, Александрни унинг ёнига ўтқаздилар. Меҳмон хушсурат эди. Паст бўйли, суякдор, фируза кўзли, лента тақилган оқ кокилли чол экан. Ҳамма ўн олти йил муқаддам кокил қўярди. Сал калтароқ, ширали майин овоз билан кекса аъён ёш йигитни қутлади. Унинг камзул таранг тортиб турган қорни роҳатдан селкиллаб кетар: у овқат емоқда эди. Еб-ичиб ўтириб у яйраб кетган Катерина Андреевна билан баҳслашарди: кекса Нелединский унга ота томондан узоқ қариндош бўларди. Ундан ёшлигида ҳам бегонасирамаган, машҳур жазманларидан эди.

— Фаришта бека,— дерди аъён,— шу шафтолилар ўз шарбати билан нақадар гўзал. Буни қарангки, уларнинг шарбати мисоли тутун, мисоли туман, ҳолбуки нокнинг шираси қуёшдай шаффоф.

Карамзин кулимсирарди, у ўттиз йил илгари ҳам катталарнинг олдида шундай ўтирган бўлса эҳтимол.

— Йигитча,— деди Александрга аъён,— шу ерда, шу хонадонда мевалардан баҳра олишни ўрганинг. Дид, уқув ҳамма жойда ҳам бўлавермайди. Кеча бир генералникида зиёфатда бўлдик. Менга сопол кўвачада мен яхши кўрадиган қора буғдой шавла узатишди. Эътироф қиламан, кўнглим бузилиб кетди. Чўртанбалиқ ҳам узатишди, бу ҳам менинг жони дилим. Қорин шўрва, қўзиқоринли гоз — э, минг раҳмат. Лекин кейин... Кейин... оҳ! Тузланган нок, тузланган қовун, тузланган шафтоли келтиришса бўладими! Бу табиатни ҳаром қилиш эмасми, ахир? Шундай меваларни бодринг ёки карамга тенг қилиб, хўрлаш-ку бу!

Унинг фируза кўзлари йилтиллаб кетган, оқ атлас қорни қимирлаб турарди.

Чоли тушмагур баднафс экан.

Пешинликдан кейин Катерина Андреевна халал беришни истамасдан уларни холи қолдирди. Диванга ўтирдилар. Юрий Александрович, бироқ мақсадга кўчишга шошмасди. У фируза кўзларини Пушкинга тикиб ўтирар ва Карамзин тавсия қилган ёш шоирнинг бирмунча бадқовоқ ва ҳуркаклигини баҳолаб улгур-

ди, бир марта эса унинг лаблари ёки кўзларининг аллақаерида йилт этган қув табассумни кўриб қолди-ю, унга сал хушомад қилиш ва Павловский ҳавосидан нафас олдириш керак, деб кўнглига тугиб қўйди. У эски дарборнинг бош ташаббусчиси, арбоби, бош сарой шоири эди.

Улар хонимларсиз ўтиришар, шунинг учун у дарров аёллардан гап очди.

— Ўтган ҳафта бизга,— деб иккаласига юзланиб ҳикоясини бошлади у,— бир нағмакаш пайдо бўлган, деб айтиб қолишди. Унинг бир бияси бор экан, ҳамма нарсага тушунаркан, ҳамма воларга ҳар хил имо-ишоралар билан жавоб қилар экан. Ғайрирасмий спектакль тайёрланганлиги маликага хабар қилинди. Нағмакаш ўз бияси билан меҳмонхонага олиб кирилди, томоша бошланиб кетди. Бия ростдан ҳам ақллимиди ёки нағмакаш шуммиди — лекин ҳаммаси жуда яхши бораради. Томошанинг ўртасида актриса — бия бирдан табиатга тан бериб қолса бўладими. Тасаввур қиляпсизми? Болакай бияга тутгани шляпа топиб келиш учун чопиб кетди, отнинг нағмакаш эгаси эса, ҳеч довдирамасдан бир сакраб ҳаммасини мушти билан орқасига қайта тиқа кетди. Ҳаммадан хонимлар хахолашар, менинг эса лавлагим чиқиб кетди. Бола қўлида шляпа билан атрофда зир югуриб юрибди-ю, нағмакаш бия эгаси эса қўрқа-писа таъзим қила-қила тисланиб чиқиб кетмоқчи бўларди. Катинька Нелидова лорнетини у ёққа, бу ёққа тўғрилади-ю, ҳеч нимани кўрмади. «Юшинька, нимадан кулишяпти, ўзи нима гап?»— деб ҳол-жонимга қўймас эди. Мен жавоб бериман: «Табиий ҳодиса, онахоним, бошқа ҳеч нарса йўқ».

Меҳмон маза қилиб тароватли лаблари билан кулимсираб қўйди. Карамзин аённинг соддадиллигига лол бўлиб, сал эсанкиради-ю, ниҳоят, очилиб кулиб юборди.

Бу эски аср Шольеси шоир, қўшиқчи, аскиячи унинг елкасидан хижолатпазлик юкини олиб ташлаётган эди.

Александр бу одам сиймосида эски аср овозини биринчи марта эшитиб туриши эди.

— Энди эса, дўстим,— худди ўша очиққўнгиллиги билан Александрга мурожаат этди чол,— уйқу олдидан мен бир оз богда нафас оламан. Мени кузатиб қўйишга тобингиз қалай?

Богда у ҳассачасига суяниб, бир скамейкага омонатгина ўтирди, энди тамоман бўлак товуш билан Александрнинг кўзларига тик қараб, шошмасдан, аста, бетабассум, эътироз кутмасдан унга қуйидаги гапларни айтди.

Олтинчи июнда Павловскда байрам бўлиши бу ерда ҳам гап бўлгандир. Саройда олти мингта шам ёқилади, беш юзта аёл бўлади, маскарад ташкил этилади, Батюшков ёзаётган томошалар кўрсатилади. Императорнинг ва икки маликанинг сардори ҳозир

бўлади. Сайил улуғ княгинянинг эри шаҳзода Оранский шарафига бериладитир. Улар жўнаб кетяптилар. Байрамни тайёрлаш Мелецкийга топширилган. Бутун сарой атрофида фуқароларнинг гулханлари, рақслари, қўшиқлари бўлади. Кечки тамадди пайтида хор лапарлар куйлаб туради, сўзларини ёзиш унинг ўзига — Мелецкийга топширилган. Шаҳзода назокатли, камтар, оқил ва таъсирчан. У Веллингтон ёнида урушган, Наполеонни савалаган, жароҳатланган. Шаҳзодага атаб шеър ёзмоқ уят эмас. У, Мелецкий, жон деб ёзарди, буни шараф деб ҳам билган бўларди, лекин ёш шоир кўриб турибди: у мункиллаб қолган, қўри-эҳтироси, ёшлиги йўқ.

Чол худди қари чумчуқдай ҳурпайиб ўтирарди, бирдан унинг кокили қалтираб кетди. Карамзин шеър ёзишга уни, Пушкинни тавсия қилибди. Мелецкий, ўзи ҳам қушни парвозидан кўриб турибди. Унга шаҳзода ҳақида шеърлар керак. Лекин шаҳзода бир баҳона, холос. У Бурбонлар нилуфари учун солишган — энди тинчлик ҳақида, яна бош кўтариб, охири абадулабад қулаган Наполеон ҳақида куйламоқ керак.

— Гаврило Романович ҳаёт бўлганда эди, у киши мени бундай таклиф учун ўпиб олган бўларди,— деди чол.

Бу аллақандай сарой ҳодисасидан муҳим ишга кўчиш тезлиги, бу эскича, нуфузли, кутилмаган оҳанглар, бу Державиннинг номи — ҳамма-ҳаммаси бамисоли Александр бир вақтлар Москвада амакисидан эшитган эски дарбор ҳикоялари эди.

— Николай Михайлович Карамзиннинг кафолати ва менинг қари кўзларимнинг панд бериши мумкин эмас,— деди кекса аъён. — Сиз янги пат, бир варақ қоғоз оласиз ва то мен бир оз мизғиб олгунимча шеърлар ёзиб ташлайсиз. Муҳим ишларнинг ҳаммаси бир соатда қилинади, ундан ортиқ эмас. Мен уларни олиб кетаман — мен шундай дедим, шундай бўлади ҳам ёки менинг ҳеч балога ақлим етмайди.

17

У на Чаадаевни, на Раевскийни топди, уйда Каверин ёлғиз экан.

Каверин уни кўриб бағоят қувониб кетди.

— Азизим, сени деб мен гаров бойлашдим ва пойқадамингдан хонавайрон бўлдим. Мен сени лицейдан Петербургга қочган, сени йўлларда қидириб юришибди, деб юрибман. Молоствов эса сенинг кимнингдир кетидан элакишиб юрганингни, гўё кимдир сени ўрмонда кўрганини, сен ишқ туфайли ёввойилашиб қолганингни айтди. Энди эманзорни кесиб келинглар, деб ёзишга ўтираман, Молоствовга гаров пулини тўлашим керак, сенга бўлса

дарахтзордан мева териб юборишларини тайинлайман. Ҳозир Молоствов келиб қолади, навбатчиликдан кейин у уйқуни уряпти. Қани, жигар, менга қара-чи.

У секин ҳуштак чалиб қўйди.

— Сен чинданам чатоқсан. Мана мен сенга ҳавас қиламан. Сен ишқ йўлидаги жафокашсан, кўзларингнинг ўзи билан ҳар қанақа жононни ўртаб юборасан, бирортаси дош беролмайди. Мен бўлсам горчишник қўяман, сирка ичаман, қийналаманку, лекин икки юзим қип-қизил. Ҳеч ким ишонмайди. Сен мени уйдан тасодифан топдинг — мени безгак ёмон қақшатяпти, эртага эса учқур отни чоптириб Павловскка боришим керак. Командировка қилиндим. Левашовнинг табласи шаҳзода Оранскийни қутлайди.

Левашовни, полк командирини ҳеч ким ёқтирмасди. Эскадрон Софияда запасдаги тошсаройда турарди, табла ёнидаги тош иморатда эса командир истиқомат қилар, гусарлар бу уйни айни замонда табла деб аташар, барча фармойишлар табладан чиқарди.

Каверин сарой тўполонларидан, энди уларни безор қилиб юбораётган сарой соқчиликларидан, командирнинг ялтоқлигидан, шаҳзода Оранскийдан дарғазаб ва чиндан ҳам бетоб эди шекилли. У яхдек шампанскийни стаканлаб ичар, бу — безгакдан қутқармаса ҳам лоақал француз касалига кор қилиши керак дерди, шаҳзода Оранскийнинг қаллиғи — валиаҳднинг синглисини — Орлеан ҳур қизи, деб атар, хаёлида гапни қотиргандай лотинчалаб, шаҳзода ахийри жўнаб кетади, дерди.

— Deinde post currens — яъни, курка хўроз почта аравасида саёҳат қилади,— деб изоҳ берди у.

Кавериннинг лотинча гаплари бутун Петербургда машҳур эди. У лотинча тил билан даҳа бошлиқларини қўрқитиб юрарди. Deinde лотинчада: сўнгра дегани, лекин французчада dinqe: курка дегани эди; post лотинчада: кейин дегани, французчада эса почта дегани эди; фақат currens: югурувчи дегани, ҳаммаси биргаликда эса: курка хўроз почта аравасида саёҳат қилиб юрибди, дегани эди.

У Пушкинга қараб ўтирар ва тобора баттарроқ аччиғи чиқарди.

— Истайсанми, нозанинингни ўғирлашингга ёрдамлашаман? Мен шаҳзода Оранскийнинг соқчиларига, Орлеан ҳур қизининг канизларига рапорт ташиб юрай деб Наполеон билан жанг қилибманми? Қадрдоним, сен билмайсан: пулни олганим замон ҳисоб-китоб қиламан-да, таблага бориб, Левашовга абшид ёзаман. Биз аҳмоқларга чойни қаймоқ билан ичиш йўл бўлсин!

У столдан бир қоғозни, балким фармонни олди-да, ўзининг каноп толадан қилинган трубкасини тутатди.

Александр карахт бўлиб ўтирар, лабларини тишларди. Каве-

рин унинг шеърларини ҳам шаҳзода Оранскийга рапорт, деб атаган бўлар экан. Қари аъёнга уни қўлма-кўл қилиб топшириб юборган улуғ Карамзиндан у қарийб нафратланарди. Унинг юраги гупилларди.

«Болам, қиз деб йиғлайсан,
Уял-е!»— дер менга у.

— Сенга буни мен айтдим.

Каверин уни гапга солмоқда эди.

У ҳар доим Пушкиннинг юзига қараб, унинг кўнглидаги гапларни усталик билан билиб оларди.

— Қовоғинг мунча солиқ? Истайсанми, мен сенинг хўмрайишингни тасвирлаб бераман.

У Пушкиннинг хўмрайишини тасвирлаб берди: унинг оғиз-бурни қийшиқ-майшиқ бўлиб кетди. У кўзларини ола-кула қилиб ўйната бошлади.

Александр бирдан кулиб юборди.

— Жуда ўхшади.

— Э хайрият-э!— деди Каверин.

— Менга шеърларингдан ўқиб бер, дўстим,— илтимос қилди у.— Фақат элегия эмас, бугун феълим айниб турибди.

Каверин эпиграмма сўраётган эди. Эпиграммаларни ҳеч ким унингчалик тинглаёлмасди. Александрнинг ўзи уларни атай унга ўқиб бериш учун ёзарди.

У бош тортган эди, Каверин сўзида қаттиқ туриб олди.

Александр эсида борини ўқиб берди:

«Мазангиз йўқроқми, а амакижон?
Хавотирга тушдим! Уч кундан буён,
Ишонинг, тунларни ўтказдим бедор».—
«Эшитдим, эшитдим: ўйновдим қимор».

Каверин кўзларини юмиб олди, оппоқ тишларини очиб, қўли билан юрагини чангаллади. Шу асно у бир минутча ўтириб қолди-да, фақат кейин кулиб юборди.

— Оббо дўстим-э, бу мен тўғримда-ку,— деди ингичка овоз билан.

У Александрни қучоқлаб олди.

— Ақллигинам, бу менинг амаким билан бўлажак суҳбатимку. Ахир чинданам амаким бетобдир, сен буни қаёқдан билдинг?

Александр кўзлари қинидан чиқиб, унга қараб турарди.

Кавериннинг амакиси ҳақида у ҳеч нима билмасди. Ўзи аслида Кавериннинг яхши одати бор эди: у барча эпиграммаларни

дарров ҳаётга тадбиқ қиларди. Александр унга ўқиган чоғларида доимо эпиграмма тушунилганини, уни ёзиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқлигини, уни дарров таниб олишларини сезиб турарди.

У шаҳзода Оранский тўғрисида эпиграмма ёзмаганига афсус еб қолди ва хўрсиниб қўйди.

— Нозанин сеники, ёрдам берганим бўлсин,— деб унга ваъда берди Каверин,— сал қовоғингни оч.

Доломан ва ментик кийган Молоствов, Сабуровлар аллақандай бир сайилдан шпорларини зўр бериб жаранглатиб қайтиб келишди.

— Памфамир,— деди Каверин Молоствовга,— сен ютдинг: Пушкин қочмабди, ҳаммаси рост. Ёлғиз ўзи одамлардан бекиниб юрган экан. Муҳаббат дардига йўлиқибди. Ўйинга ўз саманимни тикаман, эманзоримни қайтариб ютиб оламан.

Ўртада карталар пайдо бўлди.

— Пушкин, сенинг бугун картадан омадинг келиши керак. Енимда ўтир. Сен очсан. Эманзор ўзимизга қолади. Ҳа, эшитганман, банк ўйнаганман.

Совуққон қиморбоз Сабуров омадни пойлаб зеҳн солиб турарди. Ютаётган бўлишса у ҳам бир чеккадан пул тикар, суқилиб кириб оларди. Каверин бунга тоқат қилолмасди.

Кавериннинг қўли баланд келди, Молоствовнинг қовоғи тушиб кетди.

Сабуров тикди. Каверин бир минутдан кейин ҳаммасини ютқазиб қўйди. Ўйин бошланиб кетди. Молоствов ранги ўчиб, қовоғи солиниб, лоқайд, лекин жон-жаҳди билан ўйнарди. Унинг юзи мижиқ, чўтир, кўзлари хира, шишинқираган эди.

У нимадандир аччиқланган ёки қўрққан эди.

Кавериннинг зардаси қайнаб кетди.

— Памфамир, сенинг тақдирингни ҳал қиляпман,— деди у,— саманни гаровга қўйиб, қарзга уч минг тикаман ва сенинг бутун жабдуғингни ким ошди қилиб сотиб юбораман. Сен омадлисан. Ўйин тугаяпти.

Молоствов янги ментикда, янги чакчирларда, бошдан-оёқ башанг эди: Александрнинг бурун катаклари керилган, карталарни кузатарди.

— Хўпп!— деди Каверин. Таппонлик икки тушган эди.

Каверин ютқазди ва хафа бўлиб кетди.

— Тақдиринг бир ёқли бўлди,— деди у Александрга.— Нозанин мойил бўлди. Сенга картада бошқа омад келмайди.

У пиширлаб ўз дориси — муздек шампанскийни ичар, лекин маст бўлмасди. Нафасини ростлаб олиб, у ўзининг доим хафа пайтлари айтадиган севимли ҳазин қўшиғини куйлай бошлади. Қўшиқ ҳаддан ташқари мунгли эди:

Мен даврада ўтирсам ҳам
Ҳеч кимсани кўрмайман.
Малла қизни кўраману
Ўшани ҳам севмайман.

Александр уни аллақачон Кавериндан ўрганиб олган эди. Доим иши юришмаганда шу қўшиқни айтарди.

— Йўқ, малла қизни эмас,— деди бирдан Молоствов.— Буни сен ўйлаб топгансан. «Аталани кўраману», дейиш керак. Биз корпусдалигимизда ун ошига атаб шундай қўшиқ тўқигандик. «Малла қизни кўраману», десанг қўшиққа унчалик ёпишмайди.

У шубҳачи эди. Айтишларича, унинг олдига қўноқ бўлиб шаҳардан қатнаб юрган, чинданам малла жононга тегизиб унга тегажаклик қилардилар.

Каверин, унинг фикрича, ўшанга шама қилмоқда эди.

— Йўқ. Малла қизни севмайман,— деди Каверин ва кулиб юборди.

— Яқин орада мен сизлар билан хайр-маъзур қиламан,— деди Молоствов. Ҳамма унга қараб қўйди.

Молоствов аччиқланиб бўзариб кетган, кулмасдан, истар-истамас гапирар эди.

— Қочиб кетяпман.

— Қаёққа? Навбатчилигинг ўтгунча сабр қилиб тур,— деди Сабуров.

Улар ҳазил қилаётган эдилар.

Каверин трубкасини тутатарди.

Ҳеч ким кулмасди.

Молоствов паст овоз билан хириллаб деди:

— Сизлар менга кун бермайсизлар. Сизларнинг сўлим жойларингдан даф бўляпман. Ўтиб кетяпман.

Кейин у шарт қўл силтаб қўйиб, секин-секин гапира бошлади. У навбатчилик қилаётган гауптвахта деразаси подшо кабинетига қараган экан.

Одатда деразаларда парда бўлар, лекин энди уни кўтариб қўйишган экан. Дераза ёп-ёруғ экан. Молоствов Полициянинг кабинетдан чиқиб кетганини кўриб турибди. Подшо стол ёнида ўтириб ўқиётган экан. Бирдан дераза ёнига келиб, у қарай бошлабди.

Молоствов дер эди:

— Бир нуқтага қараб турарди, чеҳрасида илтифот ёки табассум деган нарсадан асар ҳам йўқ. Қараганча узоқ қараб турди, қимир этмади. Кейин стол ёнига борди-да, муштларини тираб, авалига секин-аста, кейин тобора баландлашган овоз билан: «Диёнатли... Александр Павловични...» деб гап бошлади ва роса гапни сўқди, хуллас — ҳаммаси тамом бўлди. Шундан

бўшатиб берган бўлса-да — минг тасаннокн!— бу ҳеч қандай муваффақият қозонмаган эди.

Бу аёлни кўрмаганда эса у саволларга жавоб бермай қўяр, Дельвиг, Кюхляларни эшитмасди; у ўз пешонасига битган бу қисматдан чўчир: умрининг охиригача жим юришдан, ҳеч қачон унинг номини тилга олишнинг иложи йўқлигидан юраги орзиқиб кетарди. Ҳеч кимга, ҳатто Пушчинга ҳам унинг номини айтмасди! Ҳеч ким пайқаб қолмасин, деб ҳатто ўз-ўзидан ҳам ҳадиксираб юрарди.

У қумга N.N. деган вензелни чизиб ўтирарди. Бу — энди ўшанинг вензели энди. У Лила билан учрашиб юрар, ўзининг қўққис қилиқлари, қўполлиги, очлиги, бўғиқ дўриллаган кулгиси, ҳеч ким кулмайдиган бир пайтдаги оҳиста қиқир-қиқирлари билан уни ваҳимага соларди. Маълумотга чанқоқлик уни тортиб кетмоқда эди. Тунда ётоғига қайтаётиб, тупроқда унинг энсизгина изини кўргиси келар, эндиликда умр бўйи ўзи N.N. деб аташга мажбур бўлган бу аёлнинг изларини ўпмоқчи бўларди.

19

Император одамни таҳқирлаб, қабул қилишни тўхтатган, гапларини охирига етказмас, фақат ўз гулхонасидан бир нарса демоқчи бўлгандай гулдаста юбортириб турар эди. Кеча камер-мулозим қадам ранжида қилди. Мулоқот содир бўлди, гарчи мулоқот пайтида ҳали ҳеч гап айтилмаган ва суҳбат тутуриқсиз ўтган бўлса-да, ҳар қалай, император уни чақиртирган ва озгина раҳм-шафқат кўрсатган эди. Карамзин кутган нарса бошланаётган эди, лекин ҳамон ҳозиргарлик борар, ҳар гал у подшонинг беписандлигига дуч келар эди. У подшо маслаҳатчилигига даъват этилди. Ва келаси учрашувдаёқ у содда ва аниқ қилиб айтади: Карамзин эмас, подшо ёшликни унутадиган пайт келди, энди давлатни идора қилмоқ керак. Ҳа, якка ҳукмронлик. Ҳа, қуллик. Ҳа, қуллик. Конгрессларни қўя туриш керак. Давлат олдида турган иккита масала бор: бу — ярамас маслаҳатчи масаласи ва гвардия масаласи. Ва гарчанд подшо ўзининг — лаблари ва кўзлари тагидаги табассуми билан, бурушган оппоқ манглайи билан, бўғиқ овози билан арзимаган илтифот кўрсатиб, уни Хитой қишлоғида яшаб туришга таклиф қилган бўлса-да, у подшонинг маслаҳатчиси эди. Бунга шак-шубҳа йўқ эди.

Энди Карамзин бекор кетган вақтини қопласа бўлгани, фақат... у ёш йигитларни бажонидил қабул қилди. Бири — раққос, бошқаси... бошқаси унинг таъбини хира қилиб юрибди. Садқайи сар, ўша лицейнинг ёш такасалтанглари. Катерина Андреевна бу йигитчага керагидан ортиқ аҳамият бериб юборибди — Карамзиндан эса куляпти, айни чоқда бу мақтанчоқларни яхши кўряпти. Ҳолбуки,

у ҳали ғўр ва хом,— шеърларида асоссиз мунг ва бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ, кесатиқлари бирам тез, «Арзамас»га бирам ихлосманд. Ўзига сажда қилгувчи арзамасчиларни Николай Михайлович севарди, булар Петербургда дўст тутинса арзийдиган ягона одамлар эди, лекин у шоёнликни талаб қиларди.

Катерина Андреевнанинг укаси ўктам Пьер Вяземский — туғма журналист. Лекин ортиқча қизиққонлиги нимаси? У Блудов билан «Арзамас»нинг ишларини қай йўсин ҳаддидан оширмай шоён тусга солиш ва ахири зарур нарса — дид билан шуғулланиш тўғрисида гаплашиб кўрди. Ҳазиллар жонз ва шоён бўлган бўлсада, дилкушо эди, лекин бу ўйин тобора ғовлаб бормоқда, бунинг охири нима бўлишининг тайини йўқ. Бундан асло ўзи ва Жуковскийнинг муҳофазасини эмас, гусарликнинг, бебошликнинг, ишратбозликнинг таъми келиб турибди. Ёшлар ҳазиллашганда ҳақдир. Лекин кулгили ва кўнгилли нарсани муҳим иш билан қўшиб юборса бўларди. Блудов хушчақчақ бир журнал нашр этишга даъват этмоқда, майли, лекин хушчақчақликда ҳам юксак дид бўлсин.

У Чаадаевни ёқтирарди. Чаадаев ҳақида турли-туман яхши-ёмон гаплар тарқалганди: Авдотья Голицина уни ажойиб раққос дейди, Пушкин бўлса сирли қиёфага кириб олади-да, ҳеч нима демайди. Улар тўполон қилиб юришибди — ёшлик бу. Бугун Пушкин Чаадаев билан келишга ижозат сўради, у қувонч аралаш рухсат бериб юборди. Бу ёшлар унинг сабоқларига муҳтож, лекин ўзи ҳам ўша ёш йигитларга суяниб қолган. Уларнинг гаплари асло пуч эмас, Чаадаевни Васильчиков қадрлайди, энди унинг шукуҳли мартабасининг белгилари пайдо бўлди, ярқ этиб кўриниб қолди.

Э-ҳа! Ушалмаганича қолиб кетган ўша шукуҳли мартабаларнинг, эшилмаганича қолиб кетган лавр гулчамбарларнинг — қанчадан-қанчасини кўрган, қанчадан-қанчаларини кузатиб қолган! Ажабо! Чаадаевни чоллар иззат қилишади, нимаси учундир аёллар унга раҳм қилишади. Авдотья Голицина у ҳақда кўнгли бузилиб гапиради ва математикани гапиришдан олдин унинг бир иборасини айтиб маъюдор қараш қилиб қўйди. O Eudoxie! Математика ва ҳусн! Чаадаев эса — гусар ва донишманд! Мўъжизалар, янги замон. Ёш йигитларнинг кибру ҳавосини у қораларди: у ҳеч нимага асосланмаган эди. Улар ўзларини ҳамманинг — афтидан, унинг ҳам ҳаками деб ҳисоблайдилар, чоғи. Не сабабдан унинг ўнг қоши кўтарилган? Наинки такаббурликдан бўлса? Eudoxie уни донишманд дерди. У худди ҳукмдордек одамга совуқ қарайди.

Дарҳақиқат, рюмкадек хипча, кўркам, қўнғироқ сочли ва қув бурунли бу гусарга қараб ўтириб, Карамзин бу йигитнинг салмоғини ҳис қилди: ақли жойида, ўзини эркин ҳис қилади, бўлар-бўлмасга қимирлайвермайди ва гапларида эса бачканалик йўқ.

Пушкин унга сажда қилади: гусар Карамзинда қандай таассурот қолдирганини билмоқчи бўлгандай, унга жавдираб қараб ўтирибди. Одамнинг кулгиси қистайди, ёш-да. Ҳақиқатан ҳам унда яхши таассурот қолдирди.

Чаадаевнинг тишланган лўппи лабларида табаассум бўлса ҳам катта очилган кўзларида табассум йўқ эди. У Карамзинга қараб ўтирарди. Карамзин ғаш бўлиб, бу кўзлар ҳамма нарсани: у ташлаб юборишга истиҳола қилаётган подшо гулдастасининг қуриб қолган бандларини ҳам, икки столчадаги корректураларни ҳам, иккинчиси Катерина Андреевнаники эканлигини пайқаганини ҳам сезди. Кейин Чаадаев ҳеч нима демасдан хитойча уйга разм солди ва Николай Михайлович ўз масканининг тасодифийлиги ва Пётр Андреевичнинг анчагина жон куйдирганига қарамай нечоғлиқ чатоқлиги, сувоғи кўчаётганини гапиришга мажбур бўлиб қолди. Бугун подшо Захаржевскийга танбеҳ берди. Бу ган рост эди. Лекин Чаадаев ҳайрон бўлмади ва ҳеч нимани суриштирмади. У Царское Селодаги Хитой қишлоғи тўғрисида сўзлаб кетди ва уйнинг қурилиши ҳақидаги ҳамма гапдан унинг хабардорлиги аён бўлди. Энг жўн юмушларга ҳам у хотинлар сингари қизиқарди. Шунинг учун Авдотья уни донишманд деб ҳисоблар экан-да!

Дарҳақиқат, бу кераксиз иморат ва хитой усулидаги ўхшаши йўқ чорбоғ Карамзинларга берилгани тўғрисида гапираркан (зеро, Хитой қишлоғи бошқа ҳеч нимага ярамасди ҳам), Чаадаев ўзгариб кетди. Бу ердаги уйларнинг ҳаммаси чала ва бепанд деб, у Царское Селодаги барча қурилмаларнинг бошқа иморатларга ўхшамаслиги ва муҳитдан йироқлиги ҳақида гапирди: улардан кузатилган мақсад ўзи шу. Бошини деразадан чиқариб, нақшга қараб қўйди: Камерон суратида тасвирланган аждаҳо Хитойни кам эслатарди. Бу Европадан олинган Осиёга тақлидлар унинг учун мароқли эди.

Карамзин қуруққина қилиб, фақат иқлим туфайли подшонинг таклифини истифода этишга мажбур бўлганини айтди: Петербург — Пётрнинг шукуҳли хатоси. Петербургдан одам боши оққан томонга қочиб кетгиси келади. Лекин у олисда узоқ яшай олмайди, негаки босмахонадан корректура келишини кутмоқда. Хуллас, Москва этагида ёки Волгада яшагандан кўра, Селода яшаган тузукроқ. У Симбирск яқинидаги жойларни гапирди: мўътадил иқлим, хушбўй ҳаво, Волга узра кемалар; у ерда яшайдиган одамнинг умри узоқ бўлади. Муҳожирларнинг қадами у ерларгача ҳам етган бўларди, бу ерда, Невада эса, мол келтириб, мол жўнатадиган савдо шаҳрига асос солиш мумкин бўларди. Шу етиб ортарди. Петербург бўлмасди, аммо-лекин кўз ёшлару жасадлар ҳам бўлмасди.

Катерина Андреевна банд бўлгани учун чиқмади. Чиқса бўлар-

ларди, лекин хоҳламади. У бу йигитларни кўзга кўринмай туриб кўришни ва эшитишни истарди. Чиндан ҳам у эшик орқасидан диққат билан қарар ва эшитарди. Пушкин ҳамиша Катерина Андреевна йўқлигида бўлганидек, бир неча бор бесаранжом айланар, беихтиёр ўгирилиб атрофига қарар ва уни қидирарди. У жилмайиб қўйди. Уни бошқа нарса қийнамоқда эди. У эрининг ҳақиқий улуғворлигига ўрганиб кетганди. Эри доно эди, албатта. Ўзи таниганларнинг ичида у энг улуғ ёзувчи эди. Лекин эрининг бу дахлсизлиги, унга гул ташигувчи унсиз камер-мулозимларнинг лоқайд ва тавозели қарашлари уни қўрқитарди. Шунинг учун ҳам бу суҳбатни чанқоқлик билан тинглар эди.

Катерина Андреевнада, Николай Михайлович ҳамма гапдан хабардор, деган тасаввур ҳосил бўлди: булар ёш, унинг ҳар бир сўзи замирида тоғ-тоғ китоблару қўлёзмалар ётганини улар ҳатто хаёлга ҳам келтиролмайдилар. Лекин уни Чаадаев қўрқитмоқда эди. Мана, у ўтирибди ва бамайлихотир савол беряпти. Унга бу қадар бемалол, сабот билан — яна бунчалар эҳтиром билан савол беришга ким ҳуқуқ берди ва унинг машҳур эрини бунчалар тўзим билан жавоб бериб ўтиришга нима мажбур қиляпти?

У тикилиб қаради.

У машҳур пўримларни танир, гусарларнинг олифтагарчиликларига ўрганиб кетган, ҳеч ким Кавериндан ўтказиб честь бера олмас эди. Катерина Андреевна Каверинниинг ҳар доим жиғали қалпоғини бемалол ва секин қўлига олиб, қўрқмасдан, садоқат билан таъзим қилишларига жилмайиб қўярди.

Бу ерда у ҳали билмаган олифтагарчилик бор эди. Энг аввало, бу ментику қалпоқлар нақадар мукаммал эди! Яна бунинг кулгили жойи ҳам йўқ.

Кавериннинг важоҳати шундайки, бамисоли у шу тобда лядункасини ўзидан юлқиб олиб, одоб юзасидан аёл пойига ташлашга шай. Бу ерда, манави мукаммалликда, сусткашликда, вазминликда у қатъий, шафқатсиз, сокин назокат эътиқодини англаб олмоқда эди. Қизиғи шуки, Царское Селода юрган ҳамма гусарларга уст-боши халал бераётганга ўхшайди — улар шу қадар тез ва шиддатли ҳаракат қиладилар, бунисида эса уст-боши ҳам, гапираётган гаплари ҳам, қилмоқчи бўлган ҳамма ишлари ҳам — бирдай муҳим. Бу вазмин гусар ким ўзи? Пьер Вяземский уни Париж истилоси куни император соқчилари жумласида бўлган, деб ҳикоя қилган эди, кўриниб турибди. Лекин мана, Пьер гапида давом этиб шундай деган эди,— у Кульма ва Лейпциглар остонасида олов ичида бўлган — буниси кўринмаяпти. Бородино остида полк байроғи ёнида подпрапоршчиклик вақтидаёқ кун бўйи тургани — бу ҳозир ҳам кўриниб турибди. Пушкин билан келган гусарнинг эри билан учрашуви одатдан ташқари қизиқтириб қўйган эди.

Пьер билан Тургеневлар не машаққатлар билан яшагудай ҳолга келтирган бу хоналарни кўздан кечириб, Чаадаев Николай Михайловичдан уй зах эмасми, чунки деворлари ёмон урилган эди, деб сўради. Николай Михайлович деворлар тўғрисида унга ҳеч гап айтолмасди, чунки у деворларни пайқамасди. Чаадаев томни ҳам гапирди — том тик қурилган, икки ёни очиқ, ҳарорат беролмайди. Николай Михайлович у бу нарсаларнинг ҳаммасини қаёқдан билишига ҳайрон қолди. Чаадаев, буларни у ўзи полк билан турган Lang-Bilau да, Силезияда эслаб қолган ва умуман ҳам Lang-Bilau уни қандай яшаш кераклигига ўргатиб қўйган, деб жавоб қилди. У ерда у омиларнинг юзларига боққан ва омиларнинг юзлари ҳам, уйлари ҳам умумий бир нарсага моликлигига — лоқайдлиги йўқлигига қаноат ҳосил қилган. Бу ерда эса лоқайдлик ҳукмрон. Бу қулликдандир.

Кейин буларнинг иккаласи — Николай Михайлович ҳам, гусар ҳам жуда мўмин-қобил эдилар. Россия ўз тарихини — Николай Михайловичнинг асарини кутмоқда эди. Пётр ва унинг замонини тавсиф этиш унга тез вақтда насиб қилармикин? Катерина Андреевна, Пётр эрининг «Тарихи»да у қадар муҳим роль ўйнолмаслигини, бу «Тарих»— муҳим сабоқ бўлиши кераклигини, шу боисдан — Иоанн III— энг асосий ҳам энг кўламли бўлишини билади. Ҳа, лекин гусар Европани гапирди: Россия унинг кўз ўнгида Европага айланди. Пушкин кўзларини гусарга қадаб ўтирарди. Николай Михайлович сал ортиқча сўзамол эди. Янги математиклар, деб қўйди у. Албатта, у ҳақ эди. Тарихни геометрик масала сингари ёзиб бўлмайди.

Бироқ Катерина Андреевнанинг кўриниш берар пайти бўлди. У боққа чиқди, ҳамма нарсага унинг Макателемаси истарасини бериб турадиган сирендан узди-да, қайтиб кирди. Гусар қуллик ҳақида гапирар, ўша Катерина Андреевна тоқат қилолмайдиган нуфузли алфозда гапирарди. Ҳамма ерда қуллик — улар тановул қилаётган ноннинг ўзи қуллар томонидан етиштирилган эди. Чаадаев сиполик билан гапирарди. Николай Михайловичнинг эса бу гап кўнглига урганди. У хийла қўпол жавоб қиларди. Аслини олганда, бу гапда муболаға бор. Катерина Андреевна уларга билинтирмай очиқ қўйилган эшикдан мўралаб, лол бўлиб қолди. Гусарнинг ранги, ҳатто лаблари ҳам гезариб кетган эди. У қуллик ҳақида худди бошқа гусарлар бир аёлга уйланишига тўғаноқ бўлган, эртасига ўзлари дуэлда уришажак кимсалар тўғрисида гапиргандай гапирарди. Унинг лаблари гезариб кетган, табассумдан асар ҳам қолмаган эди. Бу қандай эҳтиросдар бўлди? Балким кириб бориб, гапларни бўлиб қўймасмикин? Йўқ, гусар гапида давом этяпти. Қуллик — бу унинг ягона муҳим ғояси эди. У Россиянинг Европадаги жамики давлатлардан юқори турмаслигига

бонс ана шу қулликда деб билар, уни йўқ қилиб ташлашга эса мустабид ҳокимият монелик қилмоқда, дерди у. Қулларнинг фақат даражалари мавжуд — фарқи миқдорда, холос. Шу нарсалар бекор қилингач, Россия тез вақт ичида — биринчи давлат бўлмоғи лозим. Кейин у худди буларни яқин орада кўриш кутилаётгандай, ўз гапларини қатъият билан исботлашга тушиб кетди.

Буниси қуюшқондан ортиқ эди. Николай Михайлович гусарга қараб: «Янги модага кираётган лоф гаплар», деб қўйганида овозида зерикиш оҳанги бор эди. У «қуллик даражаларида» омихталикдан ўзга нарса кўрмаяпти. Қул деган сўз замирида нимани тушунмоқ керак? У қуллар топаётган ризқ-рўзни гапирди. Бу қуллик табиатнинг ўзи чиқарган қонда эмасми, бу ҳақда тортишишнинг иложи йўқ-ку, бу ҳақда гап юритиш — болалик-ку?! Буларнинг ҳаммаси аллақачонлар исбот қилинган, ҳаёт томонидан тасдиқланган. Ҳа, бу қуллик, нон топиш демакдир, бу қулликнинг барча қонун-қоидалари тирикликнинг негизидир ва демакки, дахлсиздир. Уни юмшатиш, ақлли қилиш — бизга қолган иш мана шу. Ҳа, бу қуллик т у р а в е р а д и, ўзбошимчаларни эса болаларга ўхшатиб тийиб қўймоқ керак. Ўтмишнинг ва яқин тарихнинг барча намуналари изсиз ўтиб кетаётгани нақадар ачинарли бир ҳол. Франция буни саҳоват билан исбот қилиб берди.

Якка ҳокимлик — ёки янада тўғрироғи, якка ҳокимиятчилик зарур нарса, буни ҳам вақт исботлаб бўлган, тўғри, кераксиз ва ортиқча кўп нарсалар тўғрисида баҳслашмоқ мумкин, албатта. Лозим бўлса у, Николай Михайлович, охиригача баҳслашади — бундан тарихга — ҳаётларининг негизига фойдами, зарарми — бунинг аҳамияти йўқ. Шунда бирдан Пушкин одобсизларча, худди вангиллагандай қисқача ғалати кулиб юборди ва дарров жимиб қолди. Бу асабларнинг таранглигидан эди, албатта. Николай Михайлович эса столдан Владимир Мономахнинг болаларга қилган қадимий насиҳати ёзилган варақни олди-да, болалар ва аёлларга оид параграфини ўқиди: «Гўдакни уришдан толиқма...» ва ҳоказо. Корректура вараги боягина юборилган ҳамда Малиновскийнинг муҳим тузатишлари бор эди. Бу билан у ўзининг бандлигини билдирмоқчи бўлди. Фақат шуни билдирмоқчи бўлганмиди ё бошқа гап ҳам бормиди, худо билади.

Катерина Андреевна эшикдан қараб қўйди. Чаадаев бемалол кулимсираб ўтирар, Пушкин хурсанд эди. Ундан кўра болалардек аразлашса яхшироқ бўларди. Чаадаевнинг шпорлари жаранглади, Пушкин ўз мураббийи билан — Катерина Андреевна гусарни ўзича шундай деб атарди — ниҳоят, чиқиб кетишди.

Николай Михайлович нозик ва қисқа кулиб қўйди. Унинг очиқ-ойдин ҳафсаласи пир бўлган эди.

хотиржам ишга ва сайрга шай ҳолда кириб келмоқда эди. Эри тааж-жуб билан унга қараб қўйди-да, хатга кўз югуртириб чиқди. У фақат бир лаҳза тараддудланиб қолди ва дарров ўзининг қуруқ юзаки қаҳқаҳаси билан кулиб юборди. Кейин талмовсираб жилмайиб турди. Хатда шошиб-пишиб фақат учрашув жойи ва вақти: соат 6 да, театр олдида, деб ёзилган эди. Ўзи одатда учрашувлар шундай тайинланарди. Унга чўри қиз бериб кетган хат шундай эди. Улар аҳмоқ қоровул томонидан аҳмоқ чўрига янглишиб берилган бу аҳмоқона хатдан керагидан сал узоқроқ кулдилар.

Кейин Николай Михайлович бош қотира бошлади: бу хат кимники? Бирдан кутилмаганда Пушкинники, деди. Кейин у ўзига қайтган бирмунча шўхлиги билан тарихчи сифатида, воқеанинг барча тафсилотларини жуда яққол тиклади: битта-яримта бола ўзининг бирор қизига висол тайинлаб хат ёзгану қоровул бўлса, тузук эшитмай ёки билмай, уни бошқа жойга бериб қўйган. Эрининг тарихий англашилмовчиликлар шарҳларини у бирам кўп эшитган, ўша шарҳларнинг соддалигига бирам кўп ҳайрон қолган эдики, ҳамма гапни у дарров тушунди-қўйди. У ҳақ. Ҳаммаси жой-жойига тушди. Лекин Катерина Андреевна бирдан бош кўтариб хотиржам деди: бу боланинг танобини тортиб қўймоқ керак. Николай Михайлович ҳам: ҳа, боланинг адабини бериш керак, деб тасдиқлади. Кейин хўрсиниб қўйди. Уни бола деб атади, бу ҳол илгарилари бўлмаганди, шунинг учун Катерина Андреевнани сал ҳайрон қолдирди. Улар яна кула-кула тарқалдилар. Бу хатни ҳам, Николай Михайлович бола деб атаган Пушкинни ҳам у эсидан чиқариб юборди. Лекин қўққисдан кечқурун таажжубга тушди: кимга ўзи бу хат? Кимга ёзган? Бу синчковлиги учун унинг ўзи ўзидан жаҳли чиқиб кетди-ю, оғир-оғир нафас ола бошлади.

Катерина Андреевна ҳақоратланган эди, бирдан Пушкиннинг келажагига, унинг шеърларига, хижолатомуз ўтиришларига ишончини йўқотди... Николай Михайловичнинг уни ҳадеб бола-бола деявериши ҳам унга ёқмай қолди. Дарвоқе, унга барибир эди.

Хўш, Карамзин-чи?

Карамзин қариб-чириб бораётган бир пайтда севимли ва абадий иши ҳам битди ва нашр этилди. Энди бу иш мангу яшайди. Аммо иш билан бирга унинг ташвишлари ҳам, кўҳна Россия билан янги Россия тўғрисидаги аччиқ ҳақиқат ҳам учди-кетди. Бу Россия қаердадир — ё шу атрофда, қўл узатса етадиган жойда, саройда, ё бўлмаса Тверда — ўз саволларига жавоб тополмай ёниб адойи тамом бўлмоқда эди. Карамзин биларди: Россия тополмаган жавобни у ҳам тополмади, аммо бу жавобсиз Россияга тинчлик ҳам, бахт-саодат ҳам бўлмайди. Шу тариқа у шу ерда: Царское Селода яшарди: на кўҳна Россия бор эди, на янгиси. Ва охирги нарса: хотинининг ногаҳондаги кечиккан ёшлиги, хавотирли

нафаси, уларнинг беҳаловат ва ҳазил-ҳузулсиз, улар учунгина мавжуд бўлган эски таниш-билишларсиз — шу лицейлик бебошлар, ёқимтой, лекин кишини чарчатиб юборадиган болалар билан биргаликда кечаётган Царское Селодаги бутун турмушлари уни қийнар, у бу ҳақда ўйлашдан қўрқар ва ўйлашни истамас ҳам эди. Ва ниҳоят, энг охиргиси: Чаадаев билан юз берган баҳс, ҳатто баҳс ҳам эмас, ўзининг хотиржам ёвларча мум тишлаб ўтиришни. Душманлари ҳам, дўстлари ҳам борлигига одатланиб кетганди. Бу ерда гап бошқача эди: унинг ёш мухлислари барча душманларидан ҳам баттар, Аракчеевдан ҳам баттар алам ўтказаётган эдилар; Аракчеевнинг ақли табиатан қўпол эди. Карамзин у билан деярли муросага борарди. Чунки бу ҳар қалай якобинчи-попваччанинг илондай тилёғлама мақтовларидан тузукроқ эди. Ё раббий: унинг кимлар билан тил топишишига тўғри келиб қолди-я! Улар ахир дўстлари-ку, лекин шу қадар бегонаки, Россияни булар қаёққа етаклаб кетяпти, деган фикрнинг ўзидан у даҳшатда! Россияни шулар етаклармикан? Манави гўдак, Сергей Львовичнинг бебош ўғли, ҳовлиқма шоир билан анави раққос гусар-а. Етаклармикан-а! Гап қуюшқондан ошиб кетмадими? Давлатпаноҳнинг болалар билан ғирт сохта мулозаматга йўл қўйиши ва буни қадрлаши яхшиликка олиб бормайди. Карамзин буни ҳаммадан кўра яхшироқ билади.

Энди бўлса бирданига ҳаммаси учди-кетди.

Бу аслида гапириб ўтиришга ҳам арзимайдиган майда нарса, ҳангома эди: бола адресни адаштириб юборибди ва аллақандай billet doux[1]ни Катерина Андреевнага бериб қўйибди. Лекин шу майда нарса уни қизиқтириб қолди. Ҳамма гап майда нарсалардан бошланади. Катерина Андреевна қандай изза бўлиб кетди! Болага ниҳоят жойини кўрсатиб қўйишади, унга бунинг нафи тегади. Фақат бир нарса: ўз уйининг ноободлиги уни хижолат қилиб турарди. Албатта, бу ер унинг мулки эмас, Макателема эмас, бу ердаги ҳаёт ҳувиллаган оддийгина шимол ҳаётига ўхшамайди, лекин ҳар қалай бу ерда ҳам кўпроқ тартибга эришилса чакки бўлмасди: чўриликка бу қадар овсар бўлмаган қизни танлаб олиб келишни билиш лозим эди. Куйиб кул бўлаётган, аҳён-аҳёндагина беҳуда ловиллаб куяётган, лекин аслида чўғи сўниб бораётган ҳаётининг охирида аллақандай кулгили икир-чикирлар билан машғул бўлишига тўғри келяпти-я. У ўзи биларди: ҳа, шу ерда, унинг кабинетида, унинг қошида ҳакамлардек ўтиришган ўспиринлар қаршисида ўша гапирган гаплари ниҳоятда кулгили эди. У шу қадар чўзиб, қизишиб гапирганининг боиси унинг анчадан бери ҳеч ким билан гаплашмагани, Тверда бор-будини йўқотгани, уч кундан кейин эса гапириш-

[1] Ишқ мактубини *(франц.)*.

гудай одам ҳам қолмагани әди. Ҳамма иззат қиларди-ю, жим әди. Ажаб, лекин у ўшанда валиаҳд ҳузурида ҳам, энди бўлса ўспиринлар олдида ҳам ҳакамлар қошида тургандай гапирди. Валиаҳд бир пайт унинг гапларини худди Россиянинг на кўҳнаси, на янгиси билан сира иши йўқдай бир алфозда тинглаган әди. Ўспиринлар ёмонроқ чиқишди — унисини ҳам, бунисини ҳам билишарди гўё.

Катерина Андреевнанинг бирдан ўша йигитчага ишончини йўқотгани мароқли ва ҳатто ёқимли ҳол әди.

Ўша шошмашошар, сергап, қарийб гўдакни у шу даражада әркалатиб юбордики, ўзи бебурд бўлиб қолишига сал қолди.

Дунё майдалашиб кетибди. Мана у, янги Россия!

Катерина Андреевна бўлса кулмас, жилмаймас әди. У умри бино бўлиб фақат бир марта — шу йили газетадан поручик Струковнинг қаҳрамонлигини ўқиганда нохос эсга олиб, уни кута бошлагандай энди Пушкинга кўз тикиб ўтирарди. Бироқ унинг ёшлиги ёки шу ёзда зим-зиё тунга термилиб, товушсиз фақат дудоқлари билан ўз-ўзига икки марта айтганидек, ҳаёти тугагани бежиз эмас әди.

Поручикни у бирпасда хаёлидан чиқариб юборди — чиқар, деб әйтди ўзига. Ҳақиқатан ҳам ёшлигининг ўша машъум синоати ҳақидаги фикрнинг ўзи ҳам бутунлай ғойиб бўлди. Сўнг буларнинг бари билан боланинг кулгили қилмишию аҳмоқона billet doux ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Лекин барибир оғир нафас олиб, сочларини турмакларкан, буни ҳам хотирлади.

Пушкин келди. У уларнинг кичкина ва юмалоқ, бегона хитой залида ўтирарди. Майли, ўтира турсин. У вазмин ва сипо бўлиб олди. У диққат билан қулоқ солди. Николай Михайлович ҳам шошмас әди. Пушкин тез-тез юрар, тўхтаб қолар, яна дик этиб туриб кетарди. Ниҳоят, эрининг кирганини эшитди. Унинг Пушкин билан ёлғиз гаплашишига у йўл қўймайди. Унинг совуқ хотиржамлиги ҳаммасини барбод қилиб қўяди. Карамзин хатни Пушкинга узатди.

Катерина Андреевна айни Пушкин ранги ўчиб, хатчасини беихтиёр ушлаб турган дамда кириб борди. Уни кўргач, Александрнинг ранги баттар оқариб кетди. У уларга қарамасди. Николай Михайлович уни суяб, қўлтиғидан тутиб диванга олиб бориб қўйди. У бирдан ювош тортиб, аянч аҳволга тушди. У ўша billet doux ни ҳалиям биринчи лаҳзада қандай қўлига олган бўлса, ҳамон худди шундай ушлаб турар, уни ҳатто чўнтагига ҳам солиб қўймасди. У кулгили әди. Катерина Андреевна буни кутмаган әди. Николай Михайлович тилга кирди: аччиқсиз, надоматсиз, назокатсиз гапирарди. Александр билан оталарча гаплашмоқда, уни масхара қилмоқда әди. Аввалambor, бир зумга хатни қайтариб олди, уни ўқиб чиқиб, яна Пушкиннинг қўлига тутқазди ва гўё ажаблангандай уни

батафсил муҳокама қила бошлади. Хатнинг қисқалиги ажабтовур. Бу биринчиси эмас, деган гумонга борарди киши. Лекин биринчиси бўлмаса, қандай қилиб шу қадар эҳтиётсизлик қилиш, ўз эҳтиросини қадрламаслик мумкин? Шу номсиз, шиддатли хатни олиши лозим бўлган аёл тўғрисида одамлар нима деб ўйлашади? Балким бу хат ҳеч кимга аталмаган ҳамдир, ҳаммаси кўп шеърларнинг ёзилиши қабилидаги эҳтиросларнинг қуруқдан-қуруқ қайнашидир?

Пушкин бепарво бир алфозда тинглаб ўтирарди, бирдан у беихтиёр Катерина Андреевнага қаради.

Пушкин шу даражада довдираб қолган әдики, ҳатто Катерина Андреевна билан саломлашмади ҳам.

Николай Михайлович нақадар ақлли ва доно! Александрни расво қилиб ташлади. У айтдики, Пушкин диванда ўтирганига ҳам шукур қилиши керак, аслида унинг қилмиши бурчакка тургизиб қўйишга ҳам арзийди. Бундай қилмагани учун Пушкин Николай Михайловичдан миннатдор бўлиши керак. Кейин эса тобора қизишиброқ гапира кетди. У алам билан ўзида Пушкин қўзғатаётган ачиниш ҳисси тўғрисида гапирди. У ҳатто бу ерда Пушкиннинг фақат Александр Иванович Тургеневга қизиғи борлигини юзига солди, ҳа, шу кулбада унинг шеърларини янада яхши-роқ ашъорларга умид боғлаб меҳмондўстлик билан қарши олардилар. Қарши олардилар, лекин энди бу ёғига эҳтиёт бўладилар. У, бу можаронинг ҳаммасидаги энг кулгилиси унинг ёши, деб айтди.

Александр оғзини очиб қилт этмай бурчакка тикилиб ўтирарди. Шунда Николай Михайлович унга ўзининг Чаадаев билан бўлган ўша суҳбатини эслатди. Мана у, немисларнинг эркин қишлоғи, ёш олифталар, улар ўзларини Европада хаёл қилиб фаҳшга берилаётирлар. Лицей — бу Пётр ташкил қилган ҳақиқий немис димир Мономахнинг ҳикматли гаплари ажойиб: «Гўдакни урганда, толиқма». Бу ерда поп деб аталмиш шўрлик руҳоний бу таълимотларнинг урвоғини ҳам сабоқ қилиб беролмайди — ундан кулишади. Ўн олти-ўн етти ёшдаги жўшқин селадонни нима қилмоқ керак? Ўз дўстларини юз-хотир қилмайдиган ва шу пайтгача ўз қўлида ўзи учун жуда азиз бўлган ўз манускриптини ушлаб турган Ловласни-чи?

Пушкин ростдан ҳам шу хатни гунг бўлиб қолгандай, бунинг нималигига ақли етмаётгандай ҳалигача бармоқларида тутиб турган эди. Шунда Катерина Андреевна кулиб юборди — бу ҳол чинданам кулгили эди. У ҳушини йиғиб, қоғозчага қараб қўйди-да, уни ғижимлади. Ниҳоят, бошини кўтарди-ю, таажжуб билан Катерина Андреевнага қараб қўйди.

Лекин Катерина Андреевна тобора қаттиқроқ куларди.

Ана шунда Пушкин ўзининг муҳаббати, умиди, барча шеърла-

ри, ҳаёти — Катерина Андреевна ҳақидаги бутун ўйлари, истиқболи — ҳаммаси паймол бўлганини, ҳеч нима йўқлигини, ҳеч нима бўлмаслигини англади. У эса ундан баттарроқ куларди. Шунда Пушкин ўзи учун ҳам мутлақо кутилмаган тарзда бирдан қўлида ғижимланган хати билан нажотсиз, гап-сўзсиз йиғлаб юборди. У болалигида ҳам бундай йиғламаган эди. У йиғлар, кўз ёшлари шашқатор оқмас, дувиллаб тўкиларди. Шунда диванининг ям-яшил чарм дастаси бир дақиқадан кейин худди ёмғир ювиб кетгандай ялтираб кетди.

Николай Михайлович секингина чиқиб кетди. Унинг кутгани ва хоҳлагани асло бу эмас эди. Пушкин ўрнидан турди, ниҳоят, ўша ғижимланиб тўпчиққа айланиб кетган хатни улоқтирди, орқа-олдига қарамасдан, йирик енгил одимлар билан югуриб чиқиб кетди. Унга қиё боқмай кетди. Катерина Андреевна бўлса унга қараб қолган эди, шунда Александр бу нигоҳни кўрса борми, ёш болага ўхшаб бўзламаган, шу ерда қолган бўларди.

Зотан, у бутунлай қочиб кетмагандир-ку.

21

Қаттол, ёвуз эпиграммалар эди булар.

Карамзин уларни жон ҳолатда чангаллаб қолди. У биринчисини ўқиб чиқди. Унда ҳужум қаттиқ бўлса-да, ҳар қалай, мулойимлик бор эди:

«Э, буви, қуруқ гап қулоққа ёқмас,
Аввал тамом қилинг «Илья ботир»ни».

Ҳақиқий деҳқонча гап эди бу: «Э, буви...»си. Ҳақиқатан ҳам Коломна тарафда бозордан қайтаётган куни қари хотинлар худди шундай гаплашардилар. Янги ҳажвий шеърларнинг янги қуёши. Янги Вольтер! Иккинчисини у қайта ўқиб ўтирмади. У ўзининг Чаадаев билан ўтган суҳбатини бузилган, расво этилган, инсофсизларча қайта талқин қилинган ҳолда таниди. Шак-шубҳага ўрин йўқ. Шунда у ўзини қўярга жой тополмай қолди. Хира ташриф-лардан жон сақлаб, шу холи жойда — дўстлар ва душманлар орасида, подшо мулкида яшаб ва... бир бола, Василий Львовичнинг жияни томонидан маломатга дучор бўлиб ўтирса-я. Аллақачон бир лицейчи уни майна қилиб, сотса-я! Катерина Андреевна уларнинг ҳаммасини талтайтириб юборди. Бу ҳақда гапириш ғалати, бироқ хотини ўзини ёшига номуносиб тарзда тутяпти.

Шунда у бу шеърларни Катерина Андреевнага ўқиб бермаслигини фаҳмлади. Унинг ўз ғазабига шерик чиқмаслигидан қўрқмасди — бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди — уни қўрқиб кетади, деб чўчирди. Хотинининг юзидаги бу ифодани — ўша ғусар

билан бўлган суҳбатдан кейин унинг ўта мулойим, ўта меҳрибон назарини у бир қур кўрган. Хотини унинг қўлини ўз қўлларига олди — ва бирдан ўпиб олди. Ҳа, у бир марта «Россия давлати тарихи»нинг биринчи корректурасига имзо чекканда бу қўлни ўпган эди. Эндигиси нечун?

Лекин у хотинига ҳеч нима демади.

Пушкинни бўлса Карамзин деразадан кўриб қолиб, шундоқ чақириб олди-да — бу чоршанба куни кечқурун бўлди — олдига ўша эпиграммаларни қўйди ва зимдан унинг авзойидан роҳатланиб ўтирди. Ранги бирам оқариб кетдики! Умуман, бу гапларнинг ҳаммасида болаликка хос бир нима бор эдики, шуниси уни бу сиқноат билан қисман муросага келтириб турарди. Пушкин, афтидан, ўзини гусар деб хаёл қилган ва Катерина Андреевнага элакишиб қолган, унга хат ёзган, ўзининг бирор шўхлиги билан чалкаштириб юборган — буни лицейда тўппа-тўғри директорига айтиб қўя қолиш лозим эди — ўша Сперанский маконида ўспиринларга берилаётган тарбия шуми!— чалкаштириб қўйиб, эшитгулигини эшитган, ёш боладай йиғлаб юборган — ажабо! Дераза тагида турган диван дастаси сув тўкилгандай ҳўл бўлиб кетди-я — энди бўлса қасд олиш пайига тушиб қолган — мана, оқибати!

Энди йиғламасди, энди ранги ўчса ҳам худди оқариб кетгандай бўлди ва ўшандагидай чурқ этиб оғиз очмади. Лекин Николай Михайлович ўша биринчи галдаги енгил ва риояли истеҳзосиз, балки қуруқ ва дангал қилиб деди: то ҳушини йиғиб, то ватан адабиётини тушунишни ўрганиб — ёки ҳеч бўлмаганда ақалли ўша тарихнинг муҳим воқеалари ва предметларию ўзи орасидаги масофага ўрганиб етмагунча бу ерда қорасини кўрсатмасин. Ўзига ҳам, тарихга ҳам зарур бўлган ўша масофага ўрганиб туриши учун эса — ҳозирча дастлабки пайтларда ақалли ўзи билан шу хитой кулбаси оралиғидаги масофага риоя қила турсин...

22

Бир ҳафтадирки, у Катерина Андреевнанинг дийдорини кўрмади. Йўқ, бир ҳафта эмас, саккиз кун: уларникида чоршанба куни бўлган эди, кейин якшанба куни бирров кириб чиққан, Катерина Андреевнанинг Николай Михайловичга бадбўй босма исини таратиб турган «Тарих» варақларини узатаётганини кўрган эди,— ёё раббий! Ҳа, ўшанда у «Тарих» корректурасини ушлаб турган эди —«Тарих»нинг бошига нималар тушмасин, барибир бу — муқаддас китоб. Пушкин бу китобни нечоғлик билмасин, унинг кулгили томонларини нечоғлик билмасин, барибир зўр. Карамзин ҳам кулгили томонларини билар-ку, ахир. Пушкин барини умрбод унут-

ди, ўз кўз ёшларини унутиб юборди. Акс ҳолда, унутиб юборганида, у яшолмасди, яшамаслиги керак эди. Энди у ўзини идора қилишга уринмоқда — ўша шармандали кундан сўнг кўз ёшларга эрк бермасдан, Чаадаевнинг сийрак, камсўз, салмоқли суҳбатларидан юпанч қидирмоқда эди. Ўша суҳбатдан сўнг у мумкин қадар аниқроқ қилиб бу суҳбатнинг айрим сўзларини ёзиб қўйди. Чаадаевнинг: Карамзиннинг иши улуғ иш, содда тил билан гўзал ёзилган, деган сўзлари ўзининг ҳам фикри эди. Нафосати, соддалиги, ғараздан холилиги шак-шубҳасиз эди. У ёза бошлади, қофиялар ўзи келаверди. Холис Карамзин якка ҳокимликнинг зарурлиги, муқаррарлигини гапирди. Ҳа, қуллик ҳақида индамаслик. Хўш, нима қоляпти ўзи?

Унинг «Тарих»ида берилмай ғаразга
Соддалик, нафосат исботлар бизга
Якка ҳокимликнинг афзаллигини
ва қамчининг гўзаллигини.

Бу ерда хаёлпарастликка ўрин берилмаган эди. Эпиграммалар аниқ, шунинг учун таъсири кучли эди.

Бир ҳафтадирки, Пушкин Катерина Андреевнанинг дийдорини кўрмади. Гусарларникига борди, у ерда Шишковни учратди, тунда у уйғониб кетди ва кун бўйи аниқ бир туш кўрганини, четдан ўз тақдирига кўзи тушганини, сўнг ҳайрон бўлиб қолганини гапириб юрди. Даҳшатга тушди. Даҳшат ичида у энди сўнгги ҳақиқатнинг, ўз-ўзи билан суҳбатлашган чоғидаги ҳақиқатнинг йўқолиши кераклигини ўйлаб қолди. У ҳаммадан — ва энг аввало ўзидан — Катерина Андреевнанинг номини, шу номнинг ўзини гапириб, унинг номини айтиб қўйиш имконининг ўзини қулф-калит қилиб ташламоғи шарт. Бу фикр уни ҳайратга солди. У маҳкум экан. Ҳатто шеърларида ҳам оғиз очолмайди. Хўш, у ёғи-чи? Бу муҳаббатга кун йўқ. Уни унутишнинг иложи ҳам йўқ. Гапириш мумкин эмас. У энди ўз-ўзига ҳам ёлғон сўзлай бошлади. Ва иттифоқо, унинг қўлларидаги кишан ечилгандай бўлди. Бу ҳақда ўйлаш ҳам даҳшат эди. У ўйламасди ҳам. Фақат аниқлик қолди. У одатдагидай шеър ёзарди. Балким бу шеърлар Батюшковга ёққан бўлармиди. Ҳа, Батюшков уни мақтаган бўларди! Садқайи сар!

Шундай қилиб, бир куни — саккизинчи куни — у бахтсизлигини, бахтга етишишнинг иложи йўқлигини яққол кўрди. Шу ҳақда ёзса нима бўларкин?

Кимда-ким ўзича баднафслигини
Қўрқмай тан ололса, бахтиёрдир у.

Баднафслигини. Шундай деб ёзди-ю, анча енгил тортди. У шундай баднафс, ҳаётга ташна, очкўз эди. Бу асло лицейга муҳаббат эмас эди. Бу баднафслик эди, эҳтирос эди. Буни тан олишдан қўрқарди. Ўзича, ўз-ўзига иқрор бўлмасди. Лицей машқлари, қўрқувлари, сир-асрорлари тугади. Уни баднафслик, эҳтирос қамраб олди. У ўз эҳтиросларидан қўрқар эди.

Катерина Андреевна энди ўзини-ўзи тушунолмай қолган эди. Унинг ўз-ўзидан кўнгли тўлмасди, ҳаётини, ёшлигини авлиёга фидо қилганидан норози эди. Эсиз, қани у, ўша ёшлик? У қариди, улуғ эрининг диққат-эътибори ва серҳафсала матонатигина унга ёшлик соатларини инъом қилиб турарди, холос. Катерина Андреевна қариса ҳам ёш эди. Ҳаммаси ҳам майли-я, лекин бугун Авдотьянинг оддий, ифодасиз қарашларини эслади, Авдотьянинг қарашларидан у Пушкинга эътибор бераётганини дарров англади. Пушкин ҳам бирдан тез ва эсанкираб ҳов ўшанда йиғлаган пайтидаги сингари Авдотьяга қараб қўйганини эслади. Болага ачингандек унинг Пушкинга раҳми келиб кетди. Бола тушмагур ажабтовур қизиққон, тўсатдан тийиқсиз эҳтиroслардан қизишиб кетарди. Шунда Катерина Андреевна минбаъд уни Авдотьяга бериб қўймаслигини сезди. Бу-ни тушунгач эса ўзидан жаҳли чиқиб кетди. Пушкин ўзини буткул боодоб тутди ва ҳатто пировардида ҳазиллашмади ҳам, у кўпинча ҳазиллашишни эплай олмас, тез ҳаяжонланиб кетарди. Катерина Андреевна шундан ҳам норози бўлганини пайқади. Энди қилдан қийиқ ахтаргандай ўз камчиликларини қоралай бошлади.

Николай Михайлович ҳар куни отда қўзиқорин тергани кетарди. У эҳтиром билан унинг эгарда ўтиришига қараб қоларди. Эгарда сал бемалолроқ ўтирсайди — ёш йигитдек, гвардиячидек кетяпти, деган бўларди ҳамма. Қаёқда! У доно улуғ киши сингари ўтиб борар, лекин сал қайтиб қолган ва унинг ажойиб ўтириши созу сал-пал кулгили эди. Эри йўғида у гоҳо-гоҳо уйдан чиқиб кетарди. Бу ерда сарой ҳамма нарсани чеклаб қўйган эди. У хитой кулбасидан, гарчи харобгина-ю, лекин сўлим жойдан кетар, ҳайкалларни томоша қилиб юрарди.

Пушкин ўзини шармисор қилган бесабаб қаттиқ йиғисидан кетийин уларникига келишга кўпда журъат этмасди. У шу атрофда, дам у ёқда, дам бу ёқда дайдиб юрарди. Еттинчи кун деганда у диққинафас бўлиб кетди.

Бу ўртада у то Энгельгардт кўрингунча хаёлида биргина, фақат биргина фикр билан тентираб, зўраки эътибор билан Царское Селога ёки чоллар айтгучи Сарское Селога, ҳайкалларга қараб юришга ўзини кўниктирди.

Ва бир куни улар учрашиб қолишди, иттифоқо, билмасдан бирбирларига дуч келиб қолишди. У Катерина Андреевнани кўриб

ҳайратланди. Катерина Андреевна эрининг корректураларига ўрганиб кетган эди, у ҳамма ёғи билан ўша корректураларга ўхшаш ҳайкални кўриб қолган эди. Бу Румянцев-Задунайский хотирасига қўйилган монумент эди. Қавариқ ҳарфли қора лавҳа шонли Кагул жангларига хотира эди. Ҳамма ўша лавҳадаги гаплар худди «Россия давлати тарихи»да хўп ўқиган ва тузатган аниқ тарихий ёдгорликлардагидек эди. У бошдан-оёқ ҳаммасини ўқиб чиқди-да, чўянга суянди. Иссиқ эди, бу ерда эса чўяндан совуқ чиқиб турарди. У унга қўл тегизди, қандайдир номни сийпалаб қўйди. Пушкин уни беҳосдан кўриб қолди ва шпор бўғган тулпор сингари шартта у сари талпинди.

Катерина Андреевна уни кўриб суюниб кетди, ўзи кутганидан сал қаттиқроқ қувонди.

Бирдан Пушкиннинг нафаси бўғилиб, унинг қоматини қучиб, сурилиб пастга туша бошлади ва йиқилиб, лабларини унинг энсиз пойига босди. Катерина Андреевна кўзларини юмиб олди шекилли.

Пушкин ҳеч нима демас, унинг пойида ётар, Катерина Андреевна ҳам унга қай тил билан нима дейишига ҳайрон эди. У ақлини йўқотган эди. Ўрнидан турганда ҳам ҳарсиллаб, ундан айрилмас эди. У Катерина Андреевнани қучоқламади. Қаттиқ яралангандай унинг оёғига гуппа йиқилди.

Пушкин бир эмас, икки эмас, кундузи ва кечқурун Кагул чўяни ёнига кела бошлади. Ва Кагулнинг бутун рўйхатини, ғалаба келтирган жасоратларнинг тафсилотини, Кагул қаҳрамонларининг муфассал рўйхатини ўқиб чиқди. Улар орасида Аннибал Иван Абрамовичнинг номи ҳам бор экан, бунга у қувониб кетди. Эртасига мармар тахтани охиригача ўқиди. Бу кун у ҳеч нимани ўйламади. Кагул чўяни олдидан қайтаётганда эса кулиб юборди. У ўлмади, ақлдан озмади. У шунчаки ғойибдан келган қандайдир бахтга кулмоқда эди. Кейин уйга келгач, тун бўйи тез-тез ёзиб чиқди.

Катерина Андреевна ўзининг улуғ эрига ҳеч нима демади — унинг осойишталиги ҳаддан ташқари азиз эди. Пушкин бўлса — бола, телба. Унинг унга раҳми келарди.

У ўзининг Кагул чўяни ёнидаги аҳволини тезроқ унутишга ҳаракат қилди. У бирдан ўзи Пушкинни Авдотьяга бермайман, деганида — тўғри йўл тутганини неча бора тушунди. Ўзига у қандай қаради-я — дарров бўйин эгди-я! Пушкин жувонмарг бўлиб кетган бўларди. Боя эса пойига қандай йиқилди-я. Худди қаттиқ яралангган каби. Ҳар қалай, у ўлмади-ку. Шунда у қип-қизариб дудоқларини ним очиб кулиб юборди. Кўпдан бери бундай мириқиб кулмаган эди.

Пойига қандай йиқилди-я! Қаттиқ яралганган каби. Ҳар қалай, ўлмади-ку, тирик-ку, шеърлари ҳам тирик, шеърлари шундай қаётбахшки, боя уларни ўқиётганларида Катерина Андреевна гўё

ўзига ёзилган кимнингдир мактубини ўқиб қўйишгандек изза бўлиб кетди. Ўлмади, типпа-тирик!

У қувончдан қизариб кетди.

Пушкин Карамзинни қолдириб кетди, дейишга ҳеч кимнинг ҳадди ҳам сиғмас, ҳақи ҳам йўқ эди. Унинг шеърлари ўшалигича қолармиди, бошқача бўлиб кетмасмиди ахир? Бироқ шеърлари ҳар куни бошқача бўлиб бормоқда-ку!

Бир куни Карамзин ундан достонча қалай кетяпти, тайёрми, деб сўраб қолди.

Биринчи даражали шуҳрат тождори ва энди поэтик ҳаёт тубидаги аччиқ-чучукни тотаётган киши, у шунчаки янги, эндигина бошланган достонни суриштирар, унга ошкора қизиқар, уни билар, шу боисдан унга достонча деб гапираётган эди.

Ҳа, қадам-бақадам сабот билан, қунт билан у Карамзинга эргашиб бормоқда ва Карамзиннинг энг сара шеърлари, достонларига қиёслашга арзийдиган шу ақлли достончасини қийналмай, донишмандларча истеҳзо билан ёзмоқда эди. Ўша нозик истеҳзони у қаҳрамон қиз тимсолида тажассум этди ва уни Зоя деб атади. Ўша Зоя баркамол ақл соҳибаси бўлиши лозим эди. Зоянинг асло қаҳрамон ташаккурига жавобан ўз умрини хазон қилиш,

Раҳмат учун қора жарга қулаш

нияти йўқ эди.

Чала ечилмаларнинг донолиги достонда муғамбирона ва чинакамига дилрабо эди.

Йўқ, зийраклик билан Карамзинга қулоқ солар, унинг изидан борарди. У, мисраларда наср ҳалоллиги қолсин учун поэмадан қофияларни сиқиб чиқарди. Шунда бу ақлли, бу ақллигина эртакни бурилишгача етказиб қўйди-ю, уни ўқишни ва ўйлашни истамай қолди.

У бирдан мисраларни ташлаб кетишга одатланиб қолди. Қофия фикрнинг тўғрилигини исботларди. Кимки, қофиясиз ёзса — тентиравшан тафаккур — муҳаббат эди. Муҳаббат эмас, бахтсизлик унинг пайига тушган эди. Лекин ҳар қалай, ҳар қалай, яшасин илҳом париси! Яшасин тафаккур! У беш куну икки тун давомида янги поэма ёзмоқда эди. Тўла қофия, тўла муҳаббат — ва тафаккур. Рус тарихини эса — унинг учун Карамзинлар яратмоқда эди. Қофия. Муҳаббат ҳам қофия сингари бир нарса. Ярим-ёрти, хаёлий муҳаббат эмас. Ақл истеҳзоси эмас, яшасин илҳом париси ва тафаккур!

Рус тарихи, рус ватани, азал-азалий. Қофия фикрларнинг тўғ-

рилигини кўрсатади. Воқеаларнинг тўғрилигини, ватан, рус тарихи воқеаларининг тўғрилигини кўрсатувчи — муҳаббат ҳам бор... Ҳа, у Карамзинлардан — Катерина Андреевна Карамзинадан сабоқ олмоқда эди. Идоралар патларни қитирлатиб ватан ҳақида аллаималарни ёзаётган бир пайтда Пушкин ватан шаънига бир нималар деб валдирарди. Достонча эмас, достон бошланди. Рус тупроғининг тарихи — Катерина Карамзинанинг ижоди.

Қўққис унинг пойига йиқилганда, Карамзинларникида тўлиқиб йиғлаб юборганда у дафъатан бу дарднинг бир давоси борлигини тушунган ва сезган эди. Шунда ўрнидан туриб, олис йўлдан кетиб бораркан, оғир хаёлга толган ва бирдан кулиб юборган эди.

23

Архимандрит Фотийнинг бугун кайфи чоғ эди. Унга дўзах азобларини тилашмоқда. Қани — пишириб ейишармикин! У одам овчиси эди. Гуноҳ устида қўлга илинтирарди, лаққа туширарди. У шифо беради, у даво топади. У гуноҳни худди ит ўлжани сезгандай илғаб олаверарди. Унинг энди Юрьевецк ибодатхонасини идора қилаётгани бежиз эмас — унга беришган. Гадойга — гадойча ибодатхона.

Кўтарди, улуғлади, зеро, ҳид билиб иш олиб борди.

Кеча айтдилар. Голицин баттол Фотийнинг ғазабига учрабди. Исайя, тантана қил! Голицыннинг гуноҳларини обдан ўрганишибди.

Фотий Аннани кўриб қолди. Орлова — Чесменская. Айтишга осон! Дунёнинг ярми ҳукмида.

У шундан тантана қилмоқда эди.

Анна Орлова — Алексей Орловнинг қизи эди. Алексей Орлов бир соатда бахтга ёлчиган, Петербургдан Екатеринани ғизиллатиб олиб келган, тамадди устида Пётр учинчини заҳарлаган, умр бўйи бола сингари, гўдак сингари эрмакни, муштлашувларни севган одам эди. Алехан деб атардилар уни оға-инилари. Энди улар Анна билан юзкўрмас бўлиб кетган эдилар. Негаки бу ерда у бор! Фотий бор! Қанча бойлик қолди! Юрьевецк ибодатхонаси энди ибодатхона эмас, ихват эмас, мерос жой эмас — давлат. Буларнинг ҳаммаси Фотийнинг шарофатидан! Фотий Аннага пир бўлди, уни гуноҳларидан шахсан ўзи фориғ этди. Ҳатто бир оғиз гап айтмади. Истиғфор ҳам қилмади — юра турсин.

Энди бўлса, Голицинни, шаҳватпараст, доғули хунасани даф қилди. Аннанинг иблисона ҳусн-жамоли борлигини айтмайсизми! Италиядан келтиришган қадимий олтин ҳайкалларнинг ўзи бир хонани тўлатади! Ҳаммаси Фотийнинг ихтиёрида турибди. У эритиб олади. Анна амакилар тикилмасин, деб кўз-қулоқ бўлиб турибди.

Бугун эса Фотий ахийри Царское Селога кўз тикди. Бу ерда гуноҳга кенг ўрин берилган, ҳатто гуноҳ қадрланар экан. Бу учрашувни Анна ташкил қилди. У ерда шундай воқеалар юз бераётган эдики, уларни фақат у, Фотийгина ҳал қилишга мутасадди. Ўлдирилган император Павел тинчлик бермасди. Фотий юксак ўрин учун хазина тайёрлаб қўйди — кўксидаги жароҳатларни янгилади. Ярани куйдирди. Энди Фотий истаган пайтида валинаҳд қошида арвоҳни зоҳир этади — кўксини очиб ташлайди-да, уни қўлга олади. У албатта валинаҳдни забт этади!

У энди тобутда ухларди. Анна тобутни юмшоқ, иссиқ қилиб берган эди. Бугун у барвақт турди. Бугун у тантана қилмоқда эди. Эртага — эртага Юрьевецк ибодатхонаси қўлга киритади — кимни? Нимани? Россияни. Мана, замон! Ўйинга туш!

У индамай қолган Аннани қўлтиқлаб олди ва эндиги доимги қилигини қилиб, графиня Анна Алексеевна Орлова-Чесменская устида у ёқдан-бу ёққа тебрана-тебрана хиргойи қила бошлади, куйлай бошлади.

— Анно! Қиз-о! Анно! Қиз-о!

Ҳамда ингичка овоз билан бўлажак ишлардан завқи жўшиб, қулайроқ бўлиш учун уни қучган ҳолда чайқала-чайқала ҳадеб куйлайверди, хиргойи қилаверди:

— О, Анна! О, қиз-о!

Лекин шу ерда Аннушка — масъуд дамларида Фотий уни шундай деб атарди — пирига бойлик топширишга келганда азбаройи тежамкорлигидан хазинага тилхатлар ва фармойишлар билан қўл тегизадиган Аннушка, шу ерда унинг қўлига бир варақ қоғозни тутқазди.

Шунда Фотий хиргойисини давом эттирган кўйи ҳузур қилиб:

— Қиз-о! Анно!— деб қўйди-ю, ёнига қараб қоғозга кўз ташлади.

У куйлар ва тебранарди. Бу фоний қоғоз эди.

У куйлар ва тебранар, лекин бу қоғозга назм битилганини дарҳол кўрди.

Тақводор-диндор хотин!

Шоирлар Аннага назм тақдим қилишяпти. Э, Аняжон, князлар оламида Сергей Шихматов — ана ўша назм битиб, овуниб юради.

— Анно! Қиз-о!

У Анна қизни қўлчаларидан ушлаб нуқул чайқалганича рақс қиларди, кейин бирдан аниқ-равшан ўқиб қолди:

Тақводор-диндор хотин!
Худога берган руҳин,
Беради аммо танин
Архимандрит Фотийга!

Шунда ўзининг ошкора зикрсифат рақсини тугатишга қурби етмай, ингичка овоз билан у худди ўша зайлда шу қоғоз ҳақида (унинг асли, муаллифи ҳақида) ашула қилди:

— Иблис-о!

Сўнг, ҳамон чайқалган кўйи, ашуласини давом эттираверди ва шу ишни қилган шоир тўғрисида:

— Со-лов-ки-га!— деб фармойиш берди, буйруқни ҳам куйга солиб.

24

Тутди!

Бу жуфтни у тутди — қаерда денг!— ўз хонадонида, ўз-ўзининг уйида — ҳайҳот!— шунчалар хокисор директор уйида тутди-я! Бу ерда у бу жойларнинг, шу лицейчиларнинг қўриқчиси бўлиб яшарди. Ахир у, жон куйдириб ҳамма билан қардошликка эришаётган киши, бу ерга паноҳталаблар мажлисига киргандай келиб қолган киши-ку, ахир ва фақат у, пешона тери билан шу нарсаларга эришди-ку! Нечоғлиқ камтарлик билан жавоб қиларди уларнинг ҳаммасига. Бир куни Корф унинг ўзи қўйган мармар тахта Genio loci[1]— унинг хизматларини эътироф этади, деганда у Корфга ҳайҳайлаб бермабмиди ахир. Genio locіни у император шарафига барпо этган эди — ҳатто у ҳам эмас, лицей! Нима бўлганда ҳам у меҳнатлари билан назарга тушди.

Бахтсизлик доимгидек бегоналар бор жойда изғиб юради! Хуллас, у бу жуфтни тутди. Энг шармсиз бир ҳолатда! Бу ёшлар унга топширилган, у назорат қиляпти, жон койитяпти ва бир нарсани — ишлашга халал бермасликни сўраяпти! Бироқ тажовуз қилаётган, ҳаммани бузиб юбораётган бу Пушкинга нима десайкин! У дарҳол ҳаммасини тартибга солди ва аниқлади. Бева Мария Смит кетадиган бўлди. Нарсалари тахланган. Фомага элтиб қўйиш топширилган. Шу бугуноқ! Ҳозироқ уни элтиб қўйишди! У унинг эрининг хотирасини сақлаб, аниқроғи, эҳтиётлаб юрибди. Гап бунда эмас. Ўша эрни у танимасди! Унинг портретини бу ерга шунчаки бева хотирлаб, сақланиб юрсин, деб осиб қўйганди. Барибир уларни тутиб олди. Садқайи гап бу ҳақда. У ўзи унинг гуноҳини босди-босди қиляпти! Ўзи ҳеч кимга оғиз очмаяпти. Зеро — уят! Бу ҳақда ҳали у билан гаплашади. Тегишли жойда.

Унинг дарров ҳаракат қилгиси келмади. У бир кунга кечиктирди. Бекор қилди. Хуллас, қисқаси, қуйидагилар содир бўлди: директор

[1] Жой маъбудига (лот.).

Энгельгард, genius loci нинг ҳақиқий аъзоси. Пушкинни ёш бева билан тутиб олди. Дарҳол беванинг жўнаб кетиши тўғрисида фармойиш бериб қўйиб, у Пушкиннинг ишини бир кун — бир кунгагина пайсалга солишга қарор қилди. Сўнг лицейча қилиб:

— Ўша, ўшанинг — бу ердан ўшанинг қораси ўчсин!— деб қўйди аста. Дарҳақиқат, қораси ўчарди ҳам. Лекин худди ўша кунн унинг ҳузурига қария Нелединский-Мелецкий келиб ва қари маликадан ёзувли соат келтириб қолса бўладими. У Егор Энгельгардт, бу йигитчани бир кун илгари ҳайдаб юбормаганига ҳам шукур қилиб қолаверди. Ана тақдир! У фақат умумий журналдаги Пушкин тўғрисида қилган ўз ёзувини сақлаб қолди: «Унинг идроки ҳам, қалби ҳам қуруқ.» Пушкиннинг, албатта, оғзи қулоғида, лекин ўзини тийди, сўнг унинг альбомига ҳамма ёзаётган пайтда у ҳам ёзиб қўйди — ҳаммадан қисқа, лекин ўрни — ўчоғида: лицейда нонкўрлар йўқ эди. Пушкин одоб доирасидан чиқмади. Лекин шу билан бирга ҳар доимгидек сал гапни чалғитиб ёзди. Директор ҳақида бир оғиз сўз ҳам йўқ. Директор шу даражада беғаразки, Пушкиннинг багритошлигига чинакамига хафа бўлиб кетди. Ўша совға соатни олганда суюниб кетгани йўқ. Гарчи, шубҳасиз, мамнун бўлса ҳам ғиринг демади. Пушкинга эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак! Унинг овунчоғи бошқалар. Корф у ҳақда деб эди: унинг қалби — бўшлиқ, ҳамма ишларида совуққонлик кўринади. Фақат икки нарсага иштиёқманд: аёлларга ва шеърга.

Энгельгардт кўп нарсадан ғофил қолди.

Император туҳфа юборган — соат беришади, десиннмиди! Кимга? Пушкинга. Ана холос! Бу одам — совуқ ва қуруқ. Вассалом. Кўнгилчан Корф Пушкин тўғрисида нима ўйдалигини айтди. Корф ақлли, ақлини кўп ишга солади ва омади келяпти. Корфнинг Пушкин тўғрисидаги формуласи: совуқ, қуруқ. Сўнг атиги иккита нарсага иштиёқманд: аёлларга ва шеърга. Қалай-а! Корф — лицей билағони. Корф ҳақ. Бева тўғрисида сўз-пўз бўлмайди. У жўнаб кетди.

Бироқ унинг шеърлари қудратли деб ким ҳам хаёлига келтирибди дейсиз! Эрмакчи, аскиячи, худо билади, французларнинг қай биридан таълим олди экан. Вольтер бир замонлар бўлган. Садқайи сар. Лекин у адабиётни биладими? Юзаки билади. Немис адабиётига яқин ҳам йўламаган. У лицейчиларга одамшавандалик ва киборликни юқтирмоқчи эди. Тақдирнинг аччиқ ҳазилини кўринг!

Энди эса — директор яна бу хўрликни ҳам бошидан кечириши керак — у соатни олди. Садқайи сар. Гарчи унга бўлмаса ҳам лицейга манзур-ку. Лекин у соатни эҳтиёт қилолмаяпти. Кеча йўқотиб қўйди. Буни қарангки, у, мўйсафид Энгельгардт, яна бунинг ҳам ғамини ейиши керак.

яна бир марта алам билан. Шунчаки, шунчаки билағонлар, деди у. Йигирма беш йил жабҳа солдати бўлиб юриб кўр, ўшанда ўргаг. Жабҳада юриш осон. Қўл ёнга! Оёққа! Артикул! Ушла!

26

Пушкиннинг дўсти ва мухлиси бинога келиб қолди. Жони ичига сиғмаган, шатир-шутур. Телба-тескари кирасир[1]. У одатда бамисоли тезроқ ўлгиси келган суворидай учарди. Қанчалик тез ўлса, шунча яхшидай. Пушкин елдек учиб кетаётган кирасирни гусарларникида учратиб қолди. Кичкина, хипча кирасир кенг шалварларда — бу тор энгил ўрнига кийилган янги форма эди — ялтироқ, оҳори тўкилмаган епанчада, ёнда ханжари билан елиб борарди. Бир дўкончи: «Тўхта! Пўшт!» деб ҳайқириши билан у таққа тўхтади. Қоққан қозиқдай туриб қолди. Оппоқ, кичкина, келишган байтал ингичка бошини зўр бериб кўтариб, олдинга чўзиб, кўпикка ботиб ҳарсилларди. Кўпик сувлиғидан томиб турарди. Кирасир:

— Байтал олиб қочиб кетди,— деб узр сўраган бўлди.

Сўнг аста-аста, бир-бир қадам ташлаб кетди. Тўхтади.

У эндигина жорий қилинган янги формада эди. Байтални унинг ўзи чоптиргани, бу от чоптиришнинг охири эканлиги аён эди, лекин ҳеч ким бундай дейишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Дарвоқе, дарров у ҳаммага бирпасда элакишиб кетаверарди. Унинг икки марта дуэлга чиққанидан ҳамма хабардор эди. Отдан тушганда эса у Молоствов ё Кавериннинг олдига, аниқроғи, Кавериннинг олдига келган жуда ювош, ҳаддан ташқари кўркам бола бўлиб чиқди. Каверинда иши бор экан. Яна дуэлга чиқмоқчи экан. Уни Юрьев дуэлга чақирибди. Нимага? Арзимаган нарсага. У Пушкинни кўриб ял-ял очилиб кетди. Ўша заҳоти унга томон отилди.

Бу шоир Шишков эди, анчадан бери Пушкин билан дўстлашишни қўмсаб юрган экан.

Александр Ардалионович Шишков ростдан ҳам ўзининг борлигини эслатиб турадиган шошқин элегиялар ёзарди. Сўнгги пайтларда эса эпиграммалар ёза бошлади. У бирам яқиндан тақлид қилардики, Пушкин қовоғини сола бошлади. Лекин бирор гапни яшириш Шишковнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Уларнинг танишувининг ўзи қизғин бўлди, дарров дўст тутиниш ҳам қизғин чиқди. У тамаки чекаркан, тутундан бўғилиб кетар — тутунга тоқат қилолмаса ҳам ёвқур сифатида чекиши шарт, чекмай иложи йўқ эди — у Пушкин билан очиқчасига гаплашди.

Ҳатто ўта очиқча. Пушкин аввалига шошиб қолди.

Шишков машҳур адмиралга — ўша даҳшатли «суҳбат»нинг сарбони бўлган, Карамзинга қарши курашган, илдизшунослик машғулотлари билан Василий Львович амакининг роса ғашига теккан, уни хўп илҳомлантириб турган «пиёда адмирал» Шишковга, чолга жиян бўларди. «Хатарли қўшни» усиз ёзилмаган бўларди. «Хатарли қўшни» айнан унинг ҳамтовоқлари ҳақида ёзилган эди.

[1] Совут кийган отлиқ аскар.

Энди бошқача замон эди. Ун иккинчи йил ўтди-кетди. Одамлар ниманидир кутарди. Ҳамма нарса аввалгича қолиши мумкин эмас эди. Лекин аввалгича қолиб келмоқда эди. Аввалгича серғайрат одамлар бинога келиб қолди. Пиёда адмиралнинг учар жияни бинога келиб қолди. Унга ғамхўрлик қиладиган машҳур амаки уни безор қилиб юборган эди. У ўзининг иккинчи даражали унвонига рози эмас эди. «Амаким иккинчи даражали бўлиши мумкин,— дерди у,— лекин мен бунга рози бўлмайман».

Столдан картани олиб, Александр Ардалионович бошқасини Пушкинга тутқазди. Бугун карта ўйнашга Пушкиннинг тоби йўқ эди. Шишков картани тахт қилиб узатган ҳолда, унга бақрайиб қараб турарди. Шунда Шишков енг қайтармасидан икки суратни олиб, уларни столга ташлади-да, иккинчи Шишков жаранглаган овоз билан:

— Амакини амакига,— деди.

Ҳамманинг дами ичига тушди. Александр иккинчи Шишковга кўзлари чаноғидан чиқиб қараб турарди: Василий Львович амакини адмирал Шишковга қарши қўйиш! Бировлар амакисини ўртага солиб қасам ичганига, бошқалар амакисига лаънат ўқиганига кўп бўлдими. Бугун эса — амакини амакига. Иккала душман ўз хусуматлари билан кулги бўлиб қолишди. Ҳаддан ошиб кетмадими? У картани ташлади, Василий Львович амакининг кулгили экани турган гап эди, лекин бу кулги унга ёқмаётган эди. Кулги аччиқроқ эди. Кулишарди. Иккинчи Шишков пайдо бўлганда — ҳамма нарса ё кулги билан, ё узилган ўқ билан барҳам топиши шарт эди.

Каверин карталарни аралаштирди. Василий Львовични ҳам, адмиралны ҳам.

— Ёвқур,— деди у.

Ёвқур эса аллақачон эпиграмма ўқимоқда эди. Унинг янги формадалиги ва бор-йўқ пулини олиб от чоптириб келгани бежиз эмас эди.

Эпиграмма қисқа эди. У Пушкиннинг ҳамма эпиграммаларини ўқиб чиққани кўриниб турарди. Энди у ўқиган эпиграммани ҳамма Пушкинники дейиши турган гап эди.

Эркинлик истовдингиз, мана, сизга эркинлик:
Тор иштонлар ўрнига кенгроқ иштонлар кийдик.

У сипо ва текис ўқиди.

У кенг иштонлардаги гусарларни томоша қилиб бўлиб, қўлини кўксига босганча Пушкинга қаради-да, ҳеч оғзидан тушмайдиган,

лекин жонига тегиб кетган трубкасини ташлаб, кенг шалвардаги келишган оёқларини шартиллатди-да, елиб кетди.

27

У ҳар куни нуқул бир нарсани — кун бўйи хитой ҳужрасигача етмасдан, баъзида эса ундан ҳам нарироқдаги кичик далонда тентираб юражагини сезиб турарди. Бир куни ўша ерда Катерина Андреевнанинг: «Болажонларим!»— деган овозини эшитиб қотиб қолди, у болалари билан гаплашмоқда эди. Катерина Андреевна французчалаб гапирганда назарида хитой ҳужрасида яна валиаҳд бордай туюлиб кетди ва дами ичига тушиб, бўғилиб, қилт этмай Нелединскийнинг нуфузли майин товушини эшитгандан кейингина ўзига келиб, бирдан ичида кулиб қўйди. Болалар билан, кичкинтой Андрей билан эса у доимо русчалаб гаплашарди. Шу зайл бу ерда бир оз тургач, болаларга — болажонларга худди қўшиқ айтгандай алланимани тушунтирганини эшитди. У Катерина Андреевнанинг грамматик хатоларига нима дейишини билмай қолар, Кошанский эса, тўғриси, бундай нутқдан бало-қазодай қўрқар эди. У бу ерга уч кундан бери келар ва Катерина Андреевнанинг мўъжиза каби бундай нутқини учинчи марта эшитгач, қўққис кўнглига бир гап келди ва овоз чиқариб:

— А-ҳа!— деб юборди.

У тўсатдан Владимир Қизил Офтоб давридан тортиб то ҳозиргача бўлган бутун рус тарихини худди шу ерда, Карамзинларникида, лекин эридан эмас, ундан, Катерина Андреевнадан ўрганганини тушуниб қолди. У ота томондан Вяземская, яъни князь қизи, бошидан-оёғигача князь қизи эди-ю, лекин болаларига оҳангдор қилиб жайдари тил билан болажонларим, деб гапирарди. Ахир шундай, қарийб шундай гапиришни фақат Арина биларди-ку. Тавба! Тавба! Ажабо!

Унинг Катерина Андреевна билан учрашиб қолганини қаранг! Шу ерда, лицей биқинида, икки қадам ерда, шу хитой кулбасида, мисли йўқ Хитой қишлоғида учрашди-я!

Катерина Андреевнага интизорлик уни тобора баттар қийнар, баттар ўртарди.

У чинакамига диққинафас бўлиб кетди; нафас ростлар, худди Малиновский билан уришган пайтларидек пишқирар, таслим бўлмас, буни биров пайқаб қолмаса, деб қўрқарди. Унинг болалари билан суҳбатларининг мусиқийлигини, нигоҳи, кулгисининг шўхлигини қаранг. Пушкиннинг шеърларини эса у ўзига хос тарзда эшитарди. Бир сафар тинглаб ўтирди, бирор сўз айтмади, бир ҳафтадан кейин эса шеърни сатрма-сатр эслади, секин, шошмай, гўё қаноат, ишонч ҳосил қилаётгандай йўсинда айтиб берди. Бу ардоқли эътибордан шу нарса аён бўлдики, унинг учун Пушкиннинг шеърлари азиз, манзур экан. Шунда Пушкин ҳам ўзини ҳурмат қилиб, шеърларини бошқача эътибор билан эшитадиган бўлиб қолди. Бир сатрни Катерина Андреевна бўлакча қилиб ўқиди. Пушкин эслатмоқчи, тузатмоқчи бўлди-ю, тағин шундай қола қолсин, деган фикрга келди. Бунинг бошқа иложи йўқ эди. Ўзининг ихтиёридан ташқари ва албатта, Катерина Андреевнанинг ихтиёридан ҳам ташқари бир умрга ҳал бўлди бу. Узил-кесил. Пешонасига яна нималар ёзилган, у олдиндан кўра олмасди, садқайи сар — бировга оғиз очмайди. Ўз-ўзига оғиз очмайди, ҳаммасини — эҳтиросларни ҳам, армонларни ҳам энг бошидан гумдон қилади. Ҳаммаси ман этилган нарсалар эди. Катерина Андреевнага ва ўзига нақадар оғир бўлишини тушунгиси келмай, у не-не изтироблар оғушида унинг васлига етиш дардида яшарди. Карамзинга, улуғ ёзувчига қарши, Василий Львович амакига қарши, Вяземскийга, Катерина Андреевнанинг таъбири билан айтганда, туғишган укаси Петяга қарши жиноят эди бу. Ота-онасига қарши жиноят эди. У ларзага келиб, бунинг бир умрлик гаплигини хаёлидан ўтказди. Ҳаёти бир йўла ҳал бўлган-қўйган эди. У Карамзинларникига бормас, бунга журъат қилмасди — бу жароҳат устига жароҳат эди, келаси йили у Катерина Андреевнани қайда, қай тариқа кўради? Сўнг бир умр шу аҳвол.

Амакиси Василий Львовичнинг оиласи ҳам бахтсиз ҳаёт кечирар, бундан қутулиш учун Парижга бориб келган эди, бобоси ҳам бахтсиз эди, катта бобоси ҳам, лекин унинг бошига тушган, уни ўқдай тешиб ўтган бу муҳаббат уларнинг ҳеч қайсисининг тушига ҳам кирмаганди. Бу сирли муҳаббат уни азоблар, абадий тўлови йўққа, бир соатга, бир онга ҳам тан бермайдиганга ўхшарди.

Ҳаммаси шундай бошланди.

Александр ҳамма нарсага шай эди — энг бошидан.

Бу жойларнинг даҳоси, Хитой қишлоғининг худоси, Катерина Андреевнанинг донишманди эди. Александр ҳаммасини билар, ҳаммасини кўриб турар, ҳаммасига тан берар, фақат бир нарсага — унинг чол одамни шу қадар севишига кўниколмасди. Катерина Андреевна ўзининг портретларини чизгани қўймасди — ҳусни гап бўлишидан қўрқарди. Карамзин қари эди. Гап эрининг ёзганлари — унинг «Тарихи» Катерина Андреевна учун боқийлигида, бу тарих яратган нарсаларининг ҳаммасидан азизлигида ҳам эмас эди. Йўқ, у эрини, киройи нозик донишмандни, устозни гўзал қизлар уддасидан чиқадиган муҳаббат билан севарди. Александр бунинг тагига етолмасди. Камтаринлик, хокисорлик шу экан-да. Қандай қора мўъжиза бўлди бу! У бу икки бошни — қари эртакчининг муқув бошини ва бу гўзал, мангу ёш бошни ёнма-ён кўрарди. Ўз муҳаббати ҳақида бир сўз ҳам, бир шеър ҳам ёзмади. Оғзидан чиқиб

кетса, бошқаларни мисол қилиб гапиради. Ёлғон сўзлайди. Умрининг охиригача.

Боши шундай бўлган эди.

28

Оғзи маҳкамлаб ташланган винони эслатувчи бу ҳар дақиқалик эҳтирос гоҳ-гоҳ бир оз сўнгандек бўларди. У энтикиб тин олар, уни, ўзини, бутун ҳаётини бошқача йўсинда кўра бошларди. Жароҳатлар, жароҳатларнинг доғи, муҳаббатнинг чуқур жароҳатларидан хотиралар қолар эди.

Ҳа, эҳтирос бир оз сўнгандек бўларди. Эпиграммалар унут бўлди.

Чаадаев шунақа — ҳамма нарсани ечиб берадиган бир фикр, бир муаммо эди. Чаадаев қандай одамлигини у билмас, лекин фаҳмлаб юрарди. Чаадаев борида унга ҳеч нима азоб бермасди.

Муҳаббатнинг ўзи донишманд хонасига йўламасди. Муҳаббат мунгли ё кулгили бўлиб қоларди. Бу ерда ғам-ғусса ортга чекинар, истеҳзонинг иложи қолмасди. Муҳаббат ҳақида ўйлаш касаллик ҳақида ўйлашдай бир гап, муҳаббатнинг ўзи бу ерда ғойиб бўларди.

Муҳаббат бу хонанинг бўсағасидан ҳатламасди. Бу ерда бошқа сир,— бахтга бир йўла восил бўлишнинг аниқ чораси бор эди. Ўз бахтингга эмас,— ҳамманинг, бутун Россиянинг бахтига етишиш воситаси.

Бу ерда, Чаадаевнинг бирам улуғсифат хонасида хотиржамлик келмас, билим, ишонч келарди. Чаадаев ҳар нарсанинг вақт-соатини аниқ биларди. Бахтсизлик, хокисорлик бир йўла, бир кунда тугамоғи керак эди.

Уни ҳеч ким пўрим, олифта демаган бўларди: унинг сиёқи шу даражада пухта ўйлаб чиқилган гусарлик мундири унга қуйиб қўйгандек эди. Йўқ, бу олифтагарчиликдан йироқ, унинг эгнида ортиқча ҳеч нима бўлмасди. Ҳавасларнинг ҳеч қанақаси йўқ эди. Молоствов зўрлаб узук бериб эди. Карта қарзи бадалига.

Чаадаев узукка узоқ тикилиб қолди ва уни столдан чертиб ташлади.

— Румода қулни сотганда,— деди у Пушкиннинг таажжубланганини кўриб,— кишанлар ўрнига бўр билан оёқ атрофига тўпиқдан чизиқ тортиб қўяр эканлар.

Пушкиннинг таажжуби босилмай, баттар ошаётгани учун у жиддий деди:

— Мен узук тақмайман. Узуклар қулликни эслатади.

Бугун Пушкин уни танимай турарди.

У нонни, хизматкор чойга келтирган бурдани, шинавандалар

лафитни шаблидан фарқлаб винони искагандай қилиб ҳидлади. Сўнг ўзининг тиниқ билимдон назари билан шошмасдан, сипо қараб қўйди.

— Бу бизга хизмат қилаётган қуллар,— деди у чиқиб кетаётган хизматкор орқасидан қараб, унинг деншиги йўқ эди, — муҳитимиздаги қуллар шулар эмасми ахир? Нон-чи? Бошқа миришкор қуллар терлаб ковлаган жўякларнинг ўзи-чи,— деди у,— бизнинг ҳаммамизни боқаётганлар шулар эмасми, ахир?

У ташланган узукни оёғи билан туртиб қўйди. Овозини ҳеч баландлатмасдан деди:

— Мана, бизни сеҳрлаб турган ҳалқа, биз ҳаммамиз шунинг домида қолганмиз. Дўстим, биз бу ҳалқани ёриб чиққанимизда, сен на ўзингни, на шеърларингни таниёлмай қоласан. Бу эса яқин вақтда бўлиши керак, сен ўтиб кетаётган вақтни ҳаммадан яхши тушунасан, кириб келаётган вақтни туясан. Бу ердаги энг асосий гап — ҳаммасини ҳал қилиб берадиган онни олдиндан англаб олиш. Дўстим, биз нималарни кутаётган бўлсак, ҳаммаси келади, негаки вақтнинг ўзи шуни деб заҳмат чекяпти. Сен Швейцарияда бўлмагансан. Мен у ерда деҳқонларни кўрганман. Улар бошқача юради. Уларнинг рафторлари ўзгача. Ҳаммасига монелик қилиб турган асосий нарса, қуллик маразидир. Ҳарбий қароргоҳда энди қишлоқ деган нарса қолмади. Нақ валиаҳдгача ҳаммага шу касал юққан. Қандай, дейсанми? Ўз-ўзидан. Қуллик бирдан ўтади-кетади. Худо берган бу касаллик юқумли экан. Қулликнинг нечоғлик юқорида юрганини, ҳамма ёқни идора қилаётганини, ниҳоят, валиаҳд ёнига чиқиб олишини ўзинг ҳам тушунолмай қоласан. Ниҳоят, валиаҳднинг кўзи кўради-ю, қуллик ўтиб кетади, қулайди, гўё ҳеч қачон бўлмагандай.

Пушкин Чаадаевни ҳар доимгидай — бутун вужуди билан тингларди. Кам гапирадиган, янада кам қимирлайдиган, қўл силтамайдиган, жилмаймайдиган Чаадаев худди ана шундай тингланмоғи керак эди. Бирдан Пушкин ўзини орқага ташлади.

— Иш Брутга қараб қолган,— деди у қувониб.

Чаадаев индамай қолди.

— Сен бугун нотинчсан. Дўстим, озодлик нималигини тотиб кўрасан, — деди у сиполик билан. — Бирам шеърлар яратиб кетасанки! Қуллик бирдан йўқ бўлади. Шундай бўлиб туради. Шундай бўлади.

У Пушкиндан тавозе билан Карамзинларни кўрмаганингга кўп бўлдими, деб сўради. Унинг «Тарих»ида у ҳаммадан ҳам товушларнинг ўзини, соддалигини, ғараздан холилигини қадрлайди. Лекин Иван Учинчи, гарчанд ажойиб подшодек кўринса-да, ҳар қалай, уни бекор энг яхши подшо деб ҳисоблаяпти. У Пётрга кам эътибор қилган. Бу ҳақда Пушкиннинг фикри қалай? Ахир жа-

мики байроқлар Россияни ўшанинг даврида зиёрат қилиб қолиши-ди-ку. Алоқалар бошланиб кетди.

Бироқ ўша уйда, Карамзинларникида ўзига хос устунликлар бор, бундан ҳам ошиғи бўлмайди. Бу — ўша уйдаги ажойиб файз, ўша уйдаги муҳитнинг ўзи. Беканинг ҳусни антиқа. Унинг суҳбати равон, билимларга бой. У ҳақиқатга ишонади. Ана шу нарса кишини ҳайратга солади. У гўзал инсон.

— Сизга нима бўлди, дўстим?— деб сўради у хавотирланиб.

Пушкиннинг ранги ўчиб, бирдан қип-қизариб ҳам кетди. У сўз ахтарар, дудуқланар, гапидан адашарди. У бирдан аянч бўлиб қолди. Чаадаев унга диққат билан қараб қўйди. У Пушкинга ишонарди. У ўзини севувчиларни доғда қолдирувчи инсон бўлса ҳам, ҳар қалай, муҳаббат ташвишларини, унинг кутилмаган томонларини яхши тушунарди. Энди ҳаммасини кўриб, қарийб ҳаммасини тушуниб, у диққат-эътибор, хотиржамлик билан Пушкинга ўзи Амлиядан олдирган қора муаттар қаҳвадан бир пиёла қуйиб берди, ишларининг саранжом-саришталиги билан унинг эътиборини чалғитди. Чаадаев ундан ҳеч гап сўрамади. Агар у бўлмаганда, Пушкин ёш боладек йиғлаб юборган бўларди. Унинг ҳаёти қовушмаётган эди. Энди у бирдан таскин топди.

Хайрлаша туриб, Чаадаев уни қучоқлаб қўйди.

29

Тонготар бонгини чалмоқдалар.

Уфқ эндигина ёриша бошлаган эди. Ҳали кун чиққани йўқ. Ҳамма нарса доимгидек, девор орқасида Пушчин ҳали уйғонмаган эди.

Тонготар бонгини чалмоқдалар.

Дастлаб ҳазин, жонли карнай овози, сўнг дарров — сигнал барабанининг ингичка, тиниқ, хушоҳанг садоси янгради.

Тонготар бонгини чалмоқдалар.

Унинг қўлидан у кечаси варақлаб ўтган кўҳна жилд — Данте тушиб кетди.

Бу йил ҳам «ғиз» этиб ўтиб кетди.

Тонготар бонгини чалмоқда эдилар.

Бу сероҳанг ва шошқин аниқлик унинг уйқусини ўчириб юборди — у энди ухламасди; беқарор, хира тушларни тарқатиб юборди. Унинг муҳаббати вақт сингари, ҳарбий одим сингари, марш сингари аниқ эди. Истиқбол сингари равшан эди. Истиқбол ўтмиш томонидан, кечмиш томонидан кўпроқ аниқроқ башорат қилинган эди.

Рус тарихи, Россия тарихи, Катерина Карамзина тарихи унинг ошиғи ва қалбида жо эди.

Тонготар бонгини чалмоқдалар.

Шиддат ва аниқлик билан.

Улар лицейни муддатидан уч ой эрта битирдилар. Деворлар энди уларнинг йўлини тўсмасди. 1817 йил 9 июнда давлатпаноҳ лицейнинг конференц-залига Голицин билан бирга ташриф буюрди, эртасига эса улар лицейни умрбод тарк этдилар.

Тонготар бонгини чалмоқдалар.

Уч йилдан сўнг давлатпаноҳ лицейни саройдан тўсиб қўйиш ҳақида буйруқ юборди. Ошиғич, Европадаги конгрессдан юборди: вақт ғанимат. Тезроқ! Аниқ назокат билан очиқдан-очиқ.

Тонготар бонгини чалмоқдалар. Дельвиг шеърига басталанган лицей марши чалинди.

Тонготар бонгини чалмоқдалар. Қоматлар тиклансин!

Ҳамма ташриф буюрди. Улар хизматга жойлашиб юрардилар. Ҳаммаси бир суратда юрган лицейдан кейин уларнинг ҳаммаси ҳар хил кўрина бошлади. Фақат лицейдан кейингина уларнинг рафтори аниқ кўзга ташлана бошлади. Ҳамманинг рафтори ҳар хил экан. Беқиёси — Кюхельбекерда. Шу туришида қайга бораркин?

Бироқ у ҳам ўз номининг рўпарасига имзо чекди.

Улар ҳеч қандай махфий ва яширин жамиятларда йўқликлари тўғрисида тилхат бердилар. Ҳамма бемалол қўл қўйиб бераверди.

Биринчи бўлиб Пушчин ташриф буюрди. Кейин эса яёв ва отуловда, ўз кишилари ва бегоналар, ҳар хил кишилар келишди.

Ҳамма имзосини берди. Кўнгиллар тўлди. Улар хизматга киришга қарор раётган эдилар. Ҳаёт бошланмоқда эди.

Пушкин тез орада ўз мулки — Михайловскоега кетишга қарор қилди.

Лицей йилликларида юз кўришиб туришади. Ҳамма видолашди. Пушкин Дельвиг билан қучоқлашдилар. Қаёққа? Қачон? Ўсмирлар шу уйда.

Ҳеч бир жамиятда йўқман, деб қўл қўйди-ю, бирдан кулиб юборди. Лицейники-чи? Ахир ҳар йили лицейнинг очилиш куни, 19 октябрда ҳамма лицейчилар учрашиб турамиз, деб аҳд қилдиларку. Жўрабоши қилиб Миша Яковлевни сайладилар. «Ҳайвоноғалар»нинг ҳаммаси зўрларники эди, бу жамият эмас эди. Хўш, «Арзамас»-чи? Унинг қачонлардир арзамасча лақаби ҳам бор эди: Чигиртка — Жуковскийнинг балладасидан топиб, унга шу лақабни қўйгандилар; хўп гап: у худди чигирткадек ҳеч кимга уйқу бермасди. Йўқ, у хизматдан ёлчимайди. Ҳар куни якшанба ва байрам кунларидан ташқари у хизматга қатнармиди? Ҳеч ҳам-да.

Йўқ, улар лицейни битирганлари йўқ. Лекциялар тугади. Царское Село вақти, тонг саҳарлаб уйғонишар, ёпишқоқ шеърла-

ғу пароканда юришлар тугаётган, шуларнинг ҳаммаси тугаётган, лицей эса тугамаган эди. Тугаши мумкин эмас эди.

Онлами? Оила йўқ эди. Отаси хаёлий ҳаёт билан яшарди. Онаси шаддод, бесабаб ловиллаб ва ўчиб юрарди. Арина бор эди.

Арина ва лицей бор. Тугагани йўқ. Вассалом. Ҳаёт шунақа. Ғойибдан ҳеч нима келмасди. Унинг лицейда кими бор эди? Пушчин, Дельвиг бор,— жонажон илҳомдоши, қисматдоши, оғаси Кюхля бор эди. Санаб ўтириш шартмикан? Улар кўпчилик — улар унинг чин қон-қардошлари эдилар.

Уларни боғлаб турган-ку, бошлиқлар эмас, Энгельгардт эмас эди, албатта. Унинг учун ҳалиям ўша Малиновский директор бўлиб келарди. У шунақа эди.

Шу-шу Царское Село ватан, она юрт бўлиб қолди.

Мутафаккир кўпинча шундай дер эди: бироқ бу қардошлик қаёқдан, не сабабдан Царское Село ватан бўлади? Уларнинг бир соатда туриб, бир нарсани тановул қилиб, бир жойда сайр қилиб, бир профессорлардан лекциялар тинглаганлари боисиданми? Шу бир умрлик телбаларча яқинлик шунгами? Мутафаккир бош чайқаб қўярди. У бошини чайқаб қўярди-ю, лекин ноҳақ эди: аввалambor, овқатни ҳаммага ҳам беравермасдилар. Бебошларга буткул бермасдилар. Сўнгра эса — одат тусига кириб кетган турмуш. Тирикчилик одати ўзи шундай. Бирдамлик зарур ва кимки, уни вужудга келтирса, унут бўлмайди. Энгельгардт қанча овора бўлмасин, бирлик яратолмади. Аввал Малиновский эди, кейин кунлар директорсиз ўтди ва фақат инспекторида Энгельгардт директорлик қилди. Хўш, бирликни ким яратди?— деб сўрайди талабчан мутафаккир. Пушкинми? У ҳолда лицейнинг тенг ярми уни унутиб юборди-ку! Яковлевми? Бир ўзида дўконидан тортиб икки юз кишининг гавдасини ифодаловчи Икки Юз Номерлик Яковлевми?

Ҳа. Пушкин ва Миша Яковлев.

Улар ўз ишларининг ҳаммасини эсладилар.

Санаб ўтириш шартмикан? Горчаков бор эди. Нега эслашларини унинг ўзи ҳам билмасди. Кейинчалик бу хотира бутун дунё дипломатлари аро овоза бўлган. Пушкин билан эса у бир марта катта йўлда учрашиб қолган. Уларнинг ер-мулклари яқин эди. Учрашувларида оға-иниларча, лицейчасига қучоқлашганлар. Лицей шунақа эди. Йўқ, директор Энгельгардт уни унчалик тушунмасди. Ҳатто уни бутунлай тушунмасди. Хўш, ким тушунарди?

Миша Яковлев — Икки Юз Номер. Унинг унвони шундай эди — у таниш ва муқобилларни, дўкончи ва Пушкинни, икки юз сиймони ўзида гавдалантирар эди.

Қайда бўлишса ҳам, тақдир уларни қайларга ташласа ҳам, яшасин лицей! Кюхельбекер ўн йил қалъада ўтирди, якка қамоқхонада. Шунда ҳам ҳар йили лицейнинг муқаддас кунини нишонлади. 19 октябрь — лицейнинг биринчи куни.

30

Келаси туниёқ у Авдотьяникида бўлди.

Унинг қадимий рус аёлларига хос ҳусну жамоли бошқача, қадимий рус аёлларига хос соддаликлари ғалати кўринди ва таажжубланди. Ахир у даставвал ўзини-ўзи Авдотья деб атаб олган эди. Уни бундай деб аташ ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўларди. Уни Эвдоксими, кексалар эса — Евдокиями деган бўлардилар, энди эса ҳамма уни Авдотья деб атаб келмоқда эди. Лўли унга кечаси ухлаб ётганингда ўласан, деб айтган эди.

Эртасигаёқ кундузи ҳамма меҳмонларни қайтариб юбордилар.

Кечаси унинг Нева соҳилидаги уйи чароғон бўлиб кетди. Извошлар йиғилди. Кучерлар қўлларида тунги чироқлар Нева бўйидаги уй томон келавердилар. Нева бўйидаги уй олдидаги отларнинг жарангдор тарақ-туруқи эшитиларди. Эрталабгача меҳмон келди, кундузи тарқалишди. Олифталар дарров унга Princesse nocturne — тунги малика деб от қўйишди. У кунни тунга, аммо тонготаргача чўзиладиган тунни кунга айлантириб олди. Ёшлигида биттасини қаттиқ севиб қолган эди: уни Голицин чолга турмушга бериб юбордилар. Қари эр унинг юриш-туришига кам қизиқар, унга халал бермасди. Тунни кунга айлантириб у шу зайл ажалдан ва қисматдан хотиржамлик ва қандайдир жасорат билан қочмоқда эди.

У математика билан машғул бўлди ва бутун бошли китоб босиб чиқарди. Тунги малика ёй ва уринмалар ҳақида гап очиб қолганда буни эшитиб ўтирган Вяземский секингина чўкиниб оларди.

Катерина Андреевна Карамзина билан иноқ эди. У ўзига жуда ярашадиган мовий сарафан кийиб юрарди. Пушкин рус тарихини Карамзинлардан ўрганган эди. Ўзининг паҳлавонлик поэмаси ҳақида ўй сурганда эса, дарҳол қадим рус Авдотьясини кўргиси келиб кетар эди. Усиз у поэмани ёза олмас, негаки уни кўрмай туролмас, ҳаёт тўкис бўлмасди. Катерина Андреевна мудом Голицинанинг қошида эди.

У етти хуфтонда келди.

Эндиликда уни қийнаётган нарса извошчилар эди, лицейдалигида унинг учун бу масала йўқ эди. Доим тихирлик билан пул сонаб берадиган, извошчилар билан талашиб-тортишадиган Сергей Львович доим унинг жиғига тегар эди.

Кечаси, тунги маликаникига кетаётган бир пайтда извошчи билан савдолашиш оғир гап эди.

Чуқур қора Невага у узоқ термилиб қолди.

Уни эгнига катта тўғнағич тақкан[1] швейцар қарши олди: малика қабул қиляптилар.

У кирди. Мана, совутли отлиқлар чиқиб кетишди. Авдотья қабул кунлари ўзининг одатий либосида: сарафанда эди. Оғир зарбоф матодан эди унинг сарафани. Қимматбаҳо тошлар билан безатилган сарафан оғир, унинг машҳур елкаларини беркитиб қўйган эди. У ўз ҳуснидан хижолатда эди.

Ёқимли кумушсимон товуш билан бу янги энгил унинг кўнглига ботмаётганини гапирарди, русчасига отини ҳам айтолмайсан. Театрда ном таратиб, андишани унутиб қўйган Катенин сингари баҳодирларни эслаш қаёқда.

Пушкин хижолатда қимтиниб қолди.

Катенин чинданам шеър ўқишда ва театр борасида жуда зўр бўлиб кетгану фақат шаънига ножўя гап қилардилар: гўё муҳаббат ҳақидаги шеърларни бежиз ёқтирмас эмиш. Ахир Жуковскийга, Карамзинга қарши ошкора исёнда эди-ку у. Авдотья бўлса писанд қилмасди. Ё, раб! Катенин на заковатли Карамзиннинг машғулотига, на келишган Жуковскийнинг саботига ён берарди. Унинг баҳодирлари ёмонми? Яхши-ку! Унинг аччиқ солдатча қўшиғини хиргойи қилишни севиши бежиз эмасди:

Солдат қайтар машғулотдан,
Бошга тушган уқубатдан
Ҳо-риб, шал-па-йиб.

Мана, у ҳам машғулотдан келди — Авдотьянинг қошига. Баҳодирлар бўлади! Шеър бўлади! Эртагаёқ Катенинниинг олдига жўнайди. «Достонча»,— у Карамзиннинг сўзини эслади ва тишларини ғижирлатиб қўйди.

Кумушсимон мусиқий овози билан Авдотья унга, энди эркаклар жуда зўр бўлиб кетишган — қўшиқда ҳам, математикада ҳам, — нуқул ўшалар, деди. Қўшиқда Шереметова Анютка бўларди, аввал чўрихонада эди, кейин князь ётоғида бўлди, охирида эса бутунлай княгиня бўлиб олди — ана қўшиғу мана қўшиқ! Қўшиқмисан қўшиқ! Авдотьянинг математикасини эса Парижда нашр қилишди, фақат тушунишмайди! Уларга йўл бўлсин!

Тўғнағичли швейцар келиб ахборот берди:

— Князь қабул қилишингизни ўтиняптилар.

Авдотья ҳузурига қари эрининг ўзи қадам ранжида қилибди! Авдотья буюрди:

[1] Дворянлар уйида дарвозабонларнинг намойиш кийимига тақиладиган аломат, чўқмор тўғнағич.

— Ухларканлар, де. Ҳозир тун. Эрталаб ташриф буюришингизни сўраяптилар, де.

Швейцар шу гапни князга айнан шундай етказди:

— Ухларканлар. Саҳарда, деяптилар.

Бу заҳарханда мазах эди. Қари князь Авдотьянинг қилиқларидан доим кулиб юрарди ва фақат ўта ночорлик келиш муддатини тонггача чўзишга мажбур қилаётган эди.

Пушкинни эса Авдотья олиб қолди.

У ўзининг қимматбаҳо тошларга тўла оғир мовий сарафанини ечиб ташлади, қадимий жангчилар ўз совутларини шундай ечган бўлсалар эҳтимол. Унинг қадимий русча лаҳжаси равшан, унинг қадим рус кифтлари гўзал, боқий эди. Хонани Авдотьянинг латофати тутиб кетган эди.

— Шамни ўчиринг,— деди у.

31

Эркинлик!

Ёлғиз эркинликни қадрлаган, фақатгина эркинлик деб яшаган эди. Аммо ҳеч қаерда тополмади, ҳеч нимада — на муҳаббатда, на дўстликда, на ёшликда.

Севиб қолди-ю, қароқчилар зиндонда қандай азоб чекишини ҳам тушунди: на бирор рост гапни айта олади, на шеър ёза олади.

Унга қўл тегизишга у ботинолмасди, нуқул ҳеч ким пайқаб қолмасайди, ҳеч ким хаёлига келтирмасайди, ҳеч ким хаёлига келтира олмасайди, деб ҳушёр бўлиб юрарди. У бутун умрга то ажал соатигача маҳкум эди.

Уни ҳур «Арзамас»га Чигиртка қилиб сайлаб қўйдилар.

Эркинлик қаёқда дейсиз, Вяземский Шаховскойни таъқиб этар, Пушкинни қасосга даъват қиларди. У садо берди, Озеровни ўлдирдилар, деб ёзиб берди:

Озеровнинг руҳи сизга: дўстлар! Қасос олинг!— дейди...

У ақлдан озиб ўлган эди. Вяземский уни даҳо дерди. Шаховскойнинг ҳасади деб ўлди.

Карамзинлар яшайдиган хитой ҳужрасида оғир бемор ётгандай оёқ учида юришарди. У нафратланиши, сиғиниши керак эди.

Эркинлик!

Биринчи бўлиб бу сўзни унга Чаадаев айтди.

Пушкин арзамасчи Блудовни сира ёқтирмасди. Ундан ҳам нажиброқ аслзодалар қаҳатмиди. Унинг тагдор ҳазиллари ҳам беўхшов эди, кулгили чиқмасди. Энди у дипломатик сафарга жўнаб кетибди. Нимаям дердик! Пушкин унга оқ йўл тилайди.

Карамзин амалга оширган иш табаррукдир. Чаадаевга офарин. Ҳуррият ва тафаккур!

Уни уйда қурбонлар билан қарши олдилар. Сергей Львович ўғлининг улғайганини ва ҳеч бир жамиятда йўқми, деб тилхат бергани эшитиб, «бизни — Пушкинларни, яъни мени — Сергей Львовични акам Василий Львович тугул ойинг ҳам тушунмаётир», деб арз қилди. Хизматкор Никитани Сергей Львович ўғлининг ихтиёрига топширади. У ҳатто шўхликларни қаттиқ чекламайди. Хуллас, бундай гапнинг кетига бошқа гап уланиб кетаверди.

Сергей Львовичнинг ўзи ҳам бир вақтлар шеър ёзарди. Қолаверса, ҳозир ҳам ёзади. Ўғли ёзяпти. Қутлуғ шеърлар. Унинг ўзи ҳам бир вақтлар ёзарди.

Саёҳатчи Ансело ўтган йили Пушкинларнинг фамилияси поэзиябопдир, деб ёзган. Унинг амакиси Василий Львович қариб қолибди. Александр мерос Михайловскоени бир кўриб келмоқчими? Унинг ўзи ҳам қаршимас. Никитани Александр бутунлай олсин. Унинг ихтиёри шу.

Э-ҳа, ота-боболарининг макони мана шу экан-да!

Шу узунчоқ уйда ўзи ҳақида узоқ хотира қолдириб кетган бобоси яшаган. Агар мабодо эски замон билан уруғ-аймоқчилик жиҳатидан танишилса, Россия давлатининг бутун тарихи ёппасига ёхтирос ва телбаликлар тарихи эди. Шундай бўла қолсин. Уйда Арина бош-қош эди, шунинг учун бу бобомерос уй отасининг Петербургдаги бошпанасидан қулайроқ, тўқроқ, ҳатто чиройлироқ ҳам эди.

Каллайи саҳарлаб у дераза ёнига чопиб борар, у ёғига эса чой ҳаракатида юрган Аринани четлаб кўлга, кўлларга тушиб келар эди.

Кўллар пастда эди. Маленец кўли чиндан ҳам бежирим[1], қайрилган эди. У тепаликдан туриб ўзини сувга ташларди. Уни салт от кутиб турарди. У қўшни Тригорское қўрғонига от чоптириб борар,— бу қўрғонни у ҳимоя қасри деб улуғлар эди,— у ерда, доимгидек, унинг то шу ерга, Михайловскоега келгунча ўтган умри бўйи ҳануз ўша чайир эмандек пишиқ Прасковья Александровна Осипова яшарди. Пушкин уни жуда қизиқтириб қолди. Осипова Пушкиннинг ота-онасини жуда эскидан ва жуда яқиндан танир ва ҳаммалари Пушкиннинг шеърларини талашиб ўқиётганларини кўрганда онасининг ўғлини қадрлашга нечоғлик ноқобил эканини жуда жонли тарзда тушуниб турарди. Ҳа, Осипова Пушкиннинг онасини биларди. Прасковья Александровна ўз қизларининг Пушкин атрофида ўралашишларини ҳаргиз истамасди. Ҳали ёш улар!

[1] Маленец кўлининг номига ишора. Маленец — бежирим, кичкина дегани.

Унинг ишқ-муҳаббат тўғрисида бемалол ёзишларига келганда, буга у тақиқ солмасди.

Қизлари эса Прасковья Александровнанинг ўзи ҳаммадан яхши тушунадиган нарсани яхши тушунмаслиги мумкин.

Бугун кўлдан кема ўтиб кетди. Тўртбурчак, ҳамма ёғи ямоқ, шамолдан шишиб кетган елканлар кўл юзидан оҳиста Петровское томон сузиб борарди. Ўша энди у ёзаётган замонларда ҳам кемалар шу зайл юриб турган бўлса эҳтимол.

Асло эртак эмас эди бу. Тригорское баландда, эски қалъа, эски қаср бўлиб қўққайиб турар, у тинч жойга ўхшамас эди. Бу ерда Иван Тўртинчи — бундан у воқиф эди — поляк қалъасини ер билан яксон қилиб юборган. У бу ерларга лицейни тамомлаган заҳоти келди, негаки бу ерларнинг об-ҳавоси юмшоқ эди. Бу ерларга у ўша лицейдалигида ўйлаб юрган поэмасини ёзгани келди. Бу гап тез тарқалиб кетди. Поэма ёзаётганидан, поэма қарийб тайёрлигидан ва яқин орада уни кутиш кераклигидан ҳамма хабар топди. Нимани кутишарди одамлар?

Лекин айни шу саволга ҳеч ким аниқ жавоб айтолмасди. Аввало шуни айтиш керакки, Пушкинларнинг бирортасидан муҳимроқ бир нимани умид қилиб бўлмас эди.

Рус қадимияти, ҳур ҳаёти! Шулар ҳақида ўй сурганча, у ўзига енгил, узун пат қайрарди. Тригорскоедаги адирлар гўзал, Иван Тўртинчи, ғазаб тожини кийиб шу ерлардан ғанимларни қувган эди. Рус қадимияти мавжуд эди бу ерларда.

Бу беозор шеър, Владимирнинг қадим рус тинчлиги эмас эди асло. Йўқ, бу азалий уруш, рус уруши эди. У бу ерларга ҳали Царское Селонинг ҳеч нимасини унутмасдан туриб келган эди. Йўқ, тинчлик эмас, уруш.

Унинг биринчи поэмаси шундай бўлди. Тинчлик йўқ эди, садқайи сар. Шунда қадимий Русь ва Владимирнинг афсонавий салтанатини ўйларкан у шу кунларда ҳам музаффар ҳаёт кечириб келаётган Русь тўғрисида ўйларди.

Ҳа, Русь шу кунларда ҳам ҳаёт кечириб келмоқда. Владимир бошқарган Русь қариган ва кўҳна эмас эди. У ҳануз ўша-ўша. Унинг изидан ҳануз ўшандек баҳодирлар от солиб борардилар. Улар орасидан у бегоналарни ҳам таниб оларди. Йўғонлиги ва номи билан Шекспирнинг фальстафига ўхшаш — Фарлаф, хўппасемиз сотқин уни қизиқтириб келмоқда.

Йўқ, қадимий Русь тугамаган. Баҳодирларнинг ҳам уруғи қуримаган. Жанг ҳамон ўшани, Людмилани, пари-пайкарни деб кетяпти. Русь ўша, ҳусн ўша.

Қадрдон жойлар ўзгармасди.

Мана, у ҳам шу ерда. Ҳозир Тригорскоега қараб от солади.

32

Иккинчи кунки, у шу ерларда. Уйига қайтган. Аравада келган эди. Бугун кечаси у уйда тунамади. Уни эрини алдаб юрадиган аёллар қизиқтирарди. У бундай аёлларни бир қарашда, нимқарашда билиб оларди. Бугун омади келмади. Бу хиромон рафторга кўзи тушиб, энсиз товонни, солланаётган қоматни шундоқ яқингинасида кўрди-ю у жадал юриб кетди, лекин эшикни берк топди.

Қандай улгурди экан? Бунинг иложи йўқдай эди. Роса енгил эканми! Қойиллатди-ку! Шунда у ёш боладек қандай панд еб қолганига ҳеч ақли етмасдан у ёқдан-бу ёққа айланиб юрган кўйи ҳовлида кута бошлади. Энсиз товон уни ўртамоқда эди. У пишиллаб ва ҳансираб шитоброқ юриб кетди. У ҳеч нимадан тоймасди. Тезда сабр косаси тўлиб кетди. У тирмашиб чиқди-да, тарақлатиб бир урди. У мушти билан тарақлата кетди ва ҳозир эшикнинг турмини бузиб ташлашини фаҳмлади. Ҳаммасини энсиз кичкина товон ҳал қилмоқда эди. Усиз бугунги туннинг иложи йўқ эди. Ўзи қандай бўлди бу? Қаёққа, нега қочиб қолди? Хиёнат! Ҳақорат! Шунда вафосиз аёлдан, шу берк эшикдан жиғибийрон бўлиб, у эшик тагида соат капгиридай юра бошлади. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Шу зайл у бир соат юрди, икки соат. Кейин бўш келмасликка жазм қилди (у ўзини, қонини ҳеч босолмасди), ҳақоратланган, қутурган ҳолида у ўша кичкина энсиз оёқни кўрмай кетолмас эди. Қойиллатди-ку! У энди то кечгача кутишга шай бўлиб хотиржам юрарди. Унинг ҳовлидан ўтмаган бўлиши мумкин эмас.

У бир тутақиб, бир тинчланиб ҳовлида юрарди. Сатанг йўқ. Ҳеч ким йўқ! Ҳеч нарса йўқ! У вафосиз аёлларга, ўзига лаънат ўқиб кеч киргунча юрди.

У унинг номини билиб олди. Ном русча эмас: Лиза Штейнгель экан. Улардан кўпи учиб келарди энди Петербургга. Вафосиз аёллар бир амаллаб бойиш дардида эдилар.

У барча тун асрорларини ёддан билар, вафосиз аёлларнинг бутун ҳийла-найрангларини сув қилиб ичиб юборган эди, аммо бунисини тушунмади. Бу Лаиса қурғур қаёққа гумдон бўлди?

Муҳаббат махфий сокин урушга ўхшарди. Улардан нафратланар, улардан кулар, лекин уларсиз яшамай қўя қоларди.

Муҳаббат ғавғолари, савдолари нима ўзи?

Муҳаббат касалликлар, муқаррар ҳалокат сари етакларди.

Ҳамма учун яратилган бу вафосиз аёллар бир чеккадан муҳаббат касалига йўлиқдилар. Бу кун ҳам кун бўйи ичкари киритилмаган Пушкин қарғаётган номаълум вафосиз аёл уни ичкари қўймади. Негаки, касал эди.

Ишқ-муҳаббат басир, бебошвоқ эди, акс ҳолда у муқаррар мағлубиятга дучор бўлмаган бўларди.

Вафосиз аёллардан кулар, баъзида андак нафратланар, эсга олмасди. У нақадар қаттиқ севиши мумкин эди-ю, умри кимларга сарфланиб кетяпти, деган аламли фикрдан қони қайнаб кетди. Нафрат эса йўқ эди. Кимларки, аёлларни хушламаса, ёшлигидан муҳаббатдан бенасиб бўла туриб, тағин ҳамма ерда энг юқори мансабларда юрган бўлса, у ўшалардан нафратланар, аёвсиз куларди.

33

Ҳар оқшом ҳеч канда қилмасдан у театрга қатнай бошлади. Донғи кетган Семёнова ўйнарди. Машҳур овозини у жон қулоғи билан тингларди.

Ҳар оқшом Семёновани пойлаб қилт этмай ўтирадиган икки кишига у ўрганиб қолди. Бири бу ҳақда оғиз очишга ҳам ҳадди йўқ, Семёнованинг хуфия эри князь Гагарин, иккинчиси маккор ва бир кўзли содиқ лочин Гнедич эди. Семёнова деҳқон қизи эди. У крепостной бўлиб туғилгану маликаларни эса маликадек ўйларди. Пушкин нафақат трагедия томоша қиларди. У қиёси йўқ театр эҳтиросини — жонли трагедияни томоша қилмоқда эди. У Гнедич ҳақидаги, Семёнова ҳақидаги ҳамма гапдан хабардор эди. Икки опа-сингил Семёновалар, Екатерина ва Нимфодора, ўткир синчковлик уйғотар, таажжуб қўзғатар эдилар. Нимфодора, шукуҳли хонанда, нуфузли ва сипо эди. Театрда уни ким кўрса тушуниб турарди: театрда унинг ширали овози, унинг қадди-басти иқбол чўққисидир. Шундай мусиқий овоз соҳибаси бўлиш, шундай куйлаш не бахт!

Екатеринани, унинг опасини эса кўпдан буён бахтсизлик таъқиб этиб келарди. Балким қаҳрамонона трагедиянинг ўзи шундай бўлиши керакдир? Якдил ва бирдам, куч жиҳатидан қақшатқич халқ ҳаракати билан Наполеон тор-мор келтирилган унутилмас кунларда ҳам театрда Озеровнинг «Дмитрий Донской» деган пьесаси қўйилган эди. Ўшанда ёшгина, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Семёнова пьесадаги бош ролни ижро этди. Мисли йўқ оқшом бўлди бу. Халос этилган рус халқи ўзини озод деб ҳис қилиб юборди. Семёновани гулдурос қарсаклар, фарёдлар қарши олди.

Шу биргина оқшомнинг ўзида у улуғ рус артисткаси, халқнинг шаксиз эркаси бўлиб қолди. Олқишларни бутун мамлакат эшитди. Семёнованинг ажиб овози рус ғалабаси садоси бўлиб қолди.

У шундайлигича қолди ҳам.

Лекин шуҳрат бир жойда турмайди, кутмайди.

Екатерина Семёнованинг шуҳрати қисилиб қолди. Майли, Нимфодора ўзининг хонандалик шуҳрати тотидан мириқаверсин. Екатерина Семёнованинг мусиқий овози мисли йўқ ғалаба сари борарди. Унинг шуҳрати ўсиб кетмоқда эди.

Шу вақт французларда Жорж деган артистканинг донғи чиқиб қолди. Унинг ўйини бутун дунёни лол қилиб қўйди. У трагедияни жўн эҳтиросдан, эсда қоладиган тилдан ажратиб олди. Эҳтирос мусиқий бўлиб кетди.

Жорж Петербургга келди. Семёнова уни эшитган эди. Унинг тақдири ҳал бўлди. У мусиқий овози билан ишонтириб ўйнаб кетди. Мусиқий трагедия унинг офати бўлиб қолди. Рус саҳнаси малакаси ва француз саҳнаси қироличаси орасида мисли-сиз мусобақа бошланди. Шунда у ғолиб чиқди. «Дмитрий Донской» муносабати билан чалинган жанговар олқишлар хотираси, халқ кўз ёшлари хотираси ҳали сақланиб келмоқда эди. Екатерина Семёнованинг мусиқий овози жаранглаганда унинг қошида ҳамма бош эгди, якдиллик билан мусиқий трагедияни маъқуллади.

Шу тариқа трагедия учун — боши ва охири қаҳрамоннинг биринчи ва сўнгги нутқи — бош нарсалар бўлиб қолди. Трагедия айрим шеърлар, айрим асосий сўзлар хотираси билан ҳукмронлик қила бошлади. Тилсим сингари, қасам сингари уларни эс-ҳушини йўқотган мухлислар айтиб юрадилар. Трагедиянинг умумий йўналиши, ҳатто айрим нуқталарнинг, тўқнашувларнинг маъноси хаёлдан чиқиб кетарди. У бор, яъни трагедиянинг жони бор эди. Унинг бошидаги, ўртасидаги ва охиридаги имо-ишоралари машҳур бўлиб кетди. Трагедиянинг умумий йўналиши ҳам кўзга чалинмай қолди. Ғолиб актрисанинг мусиқий нутқи борлиқни асир этиб қўйди. Соғлом маъно мағлуб бўлиб бекинди. Лекин трагедия хотираси, шеър ва ишоралар хотираси айни шунга юклатилган эди.

Шу аснода улуғ актрисага мадад келиб қолди.

Шонр Гнедич бўйи жиҳатидан ҳаммадан баланд эди. Бир кўзли лочин. У майда-чуйда шеърият хотираси билан яшамасди. Поэмаларнинг момоси бўлмиш улуғ «Илиада» уни жалб қилди. Гнедич рус шеърини билар, унга ишонарди. Ўша пайтдан эътиборан унинг тақдири ҳал бўлган эди. У кун-бакун «Илиада»ни ўрганиб таржима қилишга киришди. Рус «Илиада»си вужудга келиши шарт. Энг эркин, энг тўлақонли, жамики халқлар шеърларини ўзига жо қилишга, уларни кўрсатиб беришга қодир рус каломи унинг учун кафолат эди. Рус шеърига у ишонарди. Унинг иши кун-бакун, йилма-йил давом этди.

Гнедич улуғ вазифаларни биларди холос. У Гомерсиз поэзиянинг яшаши мумкин эмас, деб қарор қилди. Роҳибу китоб шайдоси меҳнатини қилиб, яъни улкан таржимани адо этиб жилд-жилд ёзиб ташлайверди.

Рус поэзияси сокин бўла оларди — рус Гомери бўлади. Аниқлик унинг эътиқоди эди. У ҳеч нарсани ярим-ёрти қилмасди. Бир кўзли лочин Семёновани кўриб эшитгандан сўнг унинг тақдири

ҳал бўлди. Китоб шайдосию роҳиб муҳаббати! Оламда бундан оғирроқ нима бор? У ўз муҳаббатини зилдай юк қилиб ортиб олган, лекин усиз яшамай қўя қолган бўларди.

Париж Жоржи хабари келиб, унинг Афродитасининг бу мисли-сиз мусобақаси бошланиб кетгандан кейин у муҳаббат йўлидаги хизматчи бўлиб қолди. Репетиция пайтларида у боши маъносида, товуш баландлиги маъносида қўл кўтариб, пастлаш маъносида қўл туширib, тугаллаш маъносида қўл узатиб, саҳна бўйлаб тиззалаб эмаклаб юрарди. Севимли овозни тинглаганда худди Гомер таржимаси вақтидаги сингари ҳушёр ва қаттиқ турарди. Бир кўзли лочин томоша пайтида Семёновани сукут ичида такрорлаб ўтирарди.

Пушкин жон қулоғи билан эшитиб томоша қилар эди. Улуғ актриса ўзи ўйнаётган ҳамма нарсани идрок этадими? Гоҳи маҳаллар у аллақандай туш сеҳрида ижро этаётгандай туюлиб кетарди. Таффус. Эҳтирос, унинг гўзал жонсиз қўлларидан ушлаш, уни силкитиб, ундан трагедия сеҳрини аритиб ташлаш истагида у ўзини саҳна орқасига урарди. Шу вайл улуғ актёрлар ўйинини ўзгартириб турардилар. Саҳнада классик трагедия шу вайл барҳам топди.

Бир марта у чидаб туролмади, унинг пойига йиқилиб, бўғилиб унга бир нималар деди. Бироқ Екатерина унга диққат билан табассумсиз қараб қўйди. Уни тушунмади.

Шунда Пушкин унинг қўлларини ўзиникига олди-да, ўпиб қўйди, биринчи ва охирги марта.

Шуҳрат каби, ҳаёт каби, ифтихор каби уни унутишнинг иложи йўқ эди.

Ҳамма ёқда эҳтирос ҳукм сурарди.

Семёнованинг овози сеҳрлар, мафтун этарди.

Сўзларда маъно эмас, нуфуз ва жон бор эди.

Унга қарсак чалардилар, бирор-бир сўзидан кейин, бирор жавобидан кейин ҳам уни саҳнага чақираверардилар.

Ҳамма ёқда эҳтирос ҳукм сурарди.

У энди Семёнова неники ўйнаса, ўшани томоша қилаверарди. Биринчи қаторда бир кўзли Гнедич, бир кўзли лочин ўтирар ва Пушкин унга беихтиёр қараб қўярди: машҳур овоз талаффузидаги шеърларнинг боши, танаффуси ва охирини эмаклаб ўргатувчи шоирнинг тиззаларида из йўқми.

Ҳамма ёқда эҳтирос, ишқий эҳтирос, гражданлик эҳтироси ҳукм суради.

Парижда қирол вориси герцог Беррийский ўлдирилди.

У театрга, яна қайта, — нечанчи бор?—рус трагедиясини — Екатерина Семеновани кўргани, унинг овозини эшитгани борарди. Бусиз унга эртанги кун йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди; у ўзи учун тун бўйи то эрталабга қадар чорасиз хитоб бўлажак ўша

трагедияни, ҳар оқшом Гнедични театрга етаклагувчи трагедияни эшитгани борарди.

Ажабо — Семёнова чин эҳтирос эди — лекин ишқий эмас, гражданлик эҳтироси.

У уни ҳар дақиқа қарсак чалишга шай ҳолда тингларди. Лекин бугун биринчи пардадан кейин у қўйнидан портрет олди ва қарамасдан саховатли ишора билан қўшнисига узатди. Қўшниси ҳам ўткир нигоҳини олға қадаб ва дарров ўгирилиб, уни қўшнисига тутқазди. Қаторлар қимирлаб қолди. Бу Лувелнинг, герцог қотилининг портрети бўлиб, тепасига кенг қилиб «Подшоларга сабоқ», деб ёзилган эди.

Сўнг у жон-жаҳди билан Семёновага қарсак чала бошлади.

34

Барвақт ёшлигида бузуқ ўйнаш унинг учун жуда жўн, осон иш эди. Машҳур министр бундай эмас эди. Ақл ўргатиб ҳамма нарсага восил бўлиш — мана буни донишмандлик деса бўлади!

Министрнинг биқинлари ҳирсдорлигидан гуппайиб, табассуми тобора ақллироқ, писмиқроқ бўлиб борарди.

У ғоят улуғ ҳокимиятга етишган, чунки эътиқод масалаларига дахлдор бўлиб, унга усталик билан ёндашарди. Фотий унинг душмани, лекин ҳозирча унинг қўрқинчли томони йўқ эди.

У ҳамма нарсада — маърифатда ҳам, динда ҳам тақводорликдан, у тарғиб қиладиган тақводорликдан тобора семириб, шишиб борарди. Ана тақводорлик дегани.

Унинг ҳокимияти аллақачон ғовлаб, тармоқ отиб кетмоқда эди. У ўзидан алоҳида қарздор одамларни қаноти остига олди. Улар нечоғлиқ хашаки бўлса, бу — шу қадар нозик бўларди. Фанлар академияси унинг югурдаклари макони эди. У улар томонидан қувватланар, улар томонидан муҳофаза қилинарди. У ҳеч кимдан қўрқмасди. Таврот жамияти унга нозик эркак, Бантиш Каменскийни берди, Фотий унинг қаршисида шунчаки худо қоровулига ўхшаб кўринарди. Бантиш-Каменский ҳеч кимдан қўрқмасди. Унинг қулоғига аллақандай беандиша болалар ҳақида гап етиб келди. Бир куни эса Махсус идорадаги Фон Фок унга хаттот томонидан бежирим қилиб ёзилган у ҳақдаги шеърий ифвони маълум қилди. Фон Фок немис, Балтика томондан эди, бу илтифотни у нашъа аралаш бажарди. Майли, улуғ мартабали князь ўқиб кўрсин. Голицин ўқиб чиқди-ю, ҳаяжондан биқинларини селкиллатиб олди. У ўшал жиноятчи кимлигини суриштириб келгани одам юборди. Жавоб келди: Пушкин. Пушкинлар кўп, лекин Голициннинг наздида фақат биттаси — Мусин-Пушкин — эътиборга лойиқ эди. У ёғига Голицин ўша ҳали балоғат ёшига етмаган Пушкин эндигина Царское Селодаги лицейни тугатибди, деган маълумотнома олди.

Князь Голицин ифвони яна бир марта ўқиб чиқди. Бу миттигина қилиб шайтонларча ёзилган шеър эди:

Худо ҳаққи, унга тиранг
У ёғи-бу ёғидан.

Хўш, ўша Пушкин кимларга даъват этмоқда? Ялангоёқларнинг номсиз тўдасигами? Кўзингни оч, идора? Кўзингга қара, Фон Фок! Ва пировардида, дангаллиги билан даҳшатга солувчи хотимаси бундай эди:

Кетини ҳам бир бор синанг,
Кўнгли бўш шу ёғидан!

Князь бенхтиёр икки бармоғи билан мундири тугмасига ёпишди ва кўкрагини чиқариб олди. Масалани шартта ҳал қилмаганида Голицин Голицин бўлармиди. Бунақасини қаёққа юбормоқ керак, нима қилиш керак? Шоввоз аскиябозлик қиляпти. Бунақасини ҳал қилиш учун Голициннинг ҳам ҳозиржавоб бўлмоғи даркор. Шоввоз эркин авом услубида ёзибдими? У илжайиб қўйди. Голицин у билан беллашишга қарор қилди. У рози. Майли, Пушкин, мен сенга эркинликни кўрсатиб қўяман. Сен эркинликни яхши кўриб қолибсану мен йўқ дейми — мен сенга эркинликни ўз қўлим билан бераман!

Ғалаён қаерда? Ўшал руҳ қаерда? Эркинлик қаерда?

Эркинлик руҳи Испанияда эди. Ўша ерда авом қонуний ҳукуматга қарши қўзғолди — испанлар ўзларини идора этмоққа ташриф буюрган Австрия қиролига қарши исён кўтаришибди.

Эртасига Пушкиннинг Испанияга бадарға этилаётгани маълум бўлиб қолди.

Князь кафтларини бир-бирига ишқаларди.

Қирол бегона юрт ҳалқига қарши, аниқроғи эса, халқ чет эллик қиролга қарши курашаётган, отишма ва қирғин бораётган мамлакатдан, бундай юртга саёҳатдан омон қайтмайдилар. Билағон омон қайтмайди! Подшоларга сабоқми?— Йўқ! Шоирларга сабоқ!

Эртасига Пушкиннинг ҳузурига студент болалар келишди-да, ҳамма гапни айтиб беришди. Пушкин бу болаларнинг лов-лов ёнаётган юзларини кўрди, ўзига узатилган қўлларни сиқди ва бирдан аста ва шўх, бўғиқ кулиб юборди.

— Испанлар ғалаба қиладилар,— деди у,— мен ҳам тантана қилиб қайтаман. Голицин аҳмоқ бўлиб қолди!

Кетини ҳам бир бор синанг,
Кўнгли бўш шу ёғидан!

келишган. Кунчи амма-холалари уларга кўз-қулоқ бўлиб ҳамроҳлик қилиб юрардилар. Улар кўзга чалинмасликнинг эвини билишарди. Улар халал бермасдилар. Сўнгра парқу тўшаклар кўпаяр, нарсалар қўшилаверарди. Улар зеркиш ва эҳтиётсиз пушаймонларни ташлаб, оилавий бахт овлаб қайтиб кетардилар. Қашшоқлик уларни ҳалокатдан асраб турарди. Ҳар қалай, бир марта Пушкин тунги бошпана илинжида сарсон бўлиб кетаётган эди, бирдан чўнтаги қуруқ чиқиб қолди. Шунда у фақир солдат ҳақидаги «Солдат камбағал одам» деган қўшиқни эслаган, қашшоқликни таг-тугигача тушуниб етган ва минғирлаб қўйган эди:

Пушкин фақир кишидир,
Даромади йўқ ҳеч бир.
Бундай аҳволда қандай
Уйига борсин, ахир?

37

Фёдор Толстойнинг вазминлиги эҳтиросларга лойиқ эди. Ёшлар буни тан олишлари шарт эди. Кимки тан олмас экан, у тез вақт ичида бунга хоҳ-нохоҳ амин бўлиб қоларди. У дуэлларга ҳаргиз интилмасди. Лекин улардан қочмасди ҳам. Унинг дуэллари дастидан юзлаб жон кетган, дейишарди.

У Грибоедовнинг ўз комедиясида уни бундай тилга олганини эшитиб қолибди:

Сургун этилганди Камчаткага, қайтди алеут[1] бўлиб,
Бир умрга қўллари эгри.

Камчатка тўғрисидаги гаплар ҳам, алеутлар тўғрисидаги ишоралар ҳам тўғри эди. Грибоедовни учратиб қолиб, Фёдор Толстой унга, ўз шеърингга таҳрир кирит ва қўли энди картада эгри деб тузатиб ёз, деб айтган эди. Бўлмаса, уни дастурхондаги кумуш қошиқларни ўмаради, деб ўйлашлари мумкин. Унинг бу ҳиссизлиги дуэллардан ҳам ишонтирарли эди.

Фёдор Толстой киборча мужмалликка тоқат қилолмасди. Ҳаммасини тез ва дангал ҳал қиларди. Пушкиннинг номи уни қизиқтирарди. У ҳақда бирам гап-сўзлар кўп.

Пушкиннинг Лавров ҳузурига олиб кетилгани, у ерда то кечгача қолиб кетгани, бу ҳақда ҳар ким ҳар хил гап қилаётгани, у ерда нималар бўлгани ва полицияда унга нима қилишгани номаълумлигини эшитиб, Фёдор Толстой содда ва лўнда қилиб деди:

[1] Шимол элати: Алеут ва Командор оролларининг туб аҳолиси.

— Савалашган.

Олифталарнинг бамисоли кўзи очилиб кетгандай бўлди. Ҳа-я, илгарироқ нега фаҳмлари етмабди.

Бир соатдан кейин ёши ўтган бир хоним бу ҳақда батафсил гап қиларди:

— Хонада биргина стол, бўлак ҳеч нима. Тургудек ҳам жой йўқ. Бирдан, буни қаранг, пол тушиб кетса-ю, у ерда эса қамчи ушлаган одамлар турса-я. Ҳаммаси боплаб ими-жимида қилинган. Бу ишларни ким қандай қилиб бошқаряпти, жазоланаётган одам билмайди ҳам.

Кечга бориб бу гапдан ҳамма хабар топди. Ҳикоя қилишар, маломат қилишар, ғийбат қилишарди. Тобора янги тафсилотлар пайдо бўларди. Шомда кўчадан кетаётиб Пушкин уч таништини учратиб қолди, улар зуд назар ташлаб орқасига тисарилдилар. Ёки унга шундай туюлдими?

Фон Фок Махсус идорадаги қатнов кунини тугатмоқда эди.

Фон Фок ўтган кунидан мамнун эди.

Шундай машҳур бўлса ҳам, буни қарангки, бугун ҳеч ким унинг номини тилга олмаётган эди. Фақат битта гап: Пушкинни полицияда дўппослашганмиш, савалашганмиш. Саваланган шоир ортиқ салмоқли шеърлару юқумли шеърларни ёзмайди. Унинг саваланганлиги ҳамманинг эсида туради. У энди хатарли эмас. Ҳали-бери, албатта, сургун қилинмаган, лекин саваланган. Сургунми? Бу катта масала. Шошмаслик керак. Фон Фок улгуради.

Ҳолбуки сургун шу боисдан пайсалга солинмоқда эдики, бир йўла бир-икки жой, бир-икки тараф чиқиб қолганди.

Бас, етар: гап фақат сургундами?

Йўқ, Фотий Пушкин шеърларининг жазби жиҳатидан касофатли бир жойини: Соловецк ибодатхонасини биларди. У ерда жувонмарг қизлар Пушкиннинг тушига кирмас, жиловини топган бўлардилар. Агар Пушкин ўн йил ўтириб чиқса, сажда қиладиган бўлиб қоларди. Ундан ортиғига эса қурби етмасди. Сўз ўйинларини эса умрбод эсдан чиқарган бўларди.

Аракчеев бақироқ Пушкинни Петропавловск қалъасига жойлаштириш ёки абадий солдатликка бериб юбориш ниятида эди.

Князь Голицин эрк ишқибозини энг муносиб жой сифатида Испанияга жўнатмоқ ниятида эди. Пушкинни бир ёқли қилиш жўн иш бўлса-да, лекин ҳар қалай қарашларда бирдамлик йўқ эди. Энг муҳими эса Пушкин ҳақидаги қоғозларда бирдамлик йўқ эди. Ҳали ўша қоғознинг ўзи ҳам йўқ эди. Нима қилмоқ керак? Нима бўлмоғи керак?

Чаадаев от солиб кетяпти.

Гарчанд унинг пойтахтда иложи борича тезроқ бўлиши шарт эса-да, гарчанд унинг тулпори йўлдаги ҳаммадан ва ҳамма нарсадан учқурроқ эса-да, шиддатли одим билан бир текисда кетяпти.

Чаадаев от солиб кетяпти.

Мабодо от барибир тезда етмаса, мабодо секинроқ елишга тўғри келса, тасодиф тутиб қолмаслиги учун барибир бугун кечгача ҳаммаси ҳал қилинади. У Карамзинни уйидан топади, у билан гаплашади. Кутиш мумкин эмас. Бирорта тасодифий ёки кераксиз ишорага ўрин йўқ. Тулпор текис нафас оляпти. Текис учиб кетяпти. Шу бугуноқ у орқасига елади. Ҳарбий соатлар узлуксиздир. У Карамзинга Пушкинга таҳдид солиб турган хатарни айтади. Қуллик ишқибозларининг шоирни кўрарга кўзлари йўқ. Мустабид ҳукумат басир. Қуллик шафелари бел боғлаганлар. Уларнинг шоирни кўрарга кўзлари йўқ. Вақт ғанимат. Шоирсиз истиқбол йўқ. Диққат!

Чаадаев от солиб кетяпти.

Отнинг иозик бурун катаклари чуқур, текис нафас оляпти. Тулпор йиқилмайди, қоқилмайди.

Шеърсиз мамлакат тилсиздир, халқ хотираси гунгдир. Пушкинни қуллар жувонмарг қилмайдилар.

Чаадаев етиб келди, отдан тушди, ақлли тулпор кўзларига қараб қўйди. От мағрур эди, у инсон нигоҳида жавоб қилди: бошини орқага ташлади.

Пушкин фалокатига, унинг ҳадеганда бошланмаётган сургунига, тобора ғовлаб кетаётган у ҳақдаги миш-миш гапларга кўникиб борардилар. Кўникиб борардилар. Чаадаевнинг келиши ҳаммасини ўзгартириб юборди. Пушкиннинг бошига кулфат тушганни аниқ экан. Қандай кулфат? Вақт тиғиз. Бироқ ҳукмлардан қай бири таҳдид солмасин, бир нарса равшан — гусарлар тилга кирган эди.

Катерина Андреевна анча вақтгача индамади. Чаадаев доимгидек сипо, эътиборли эди. Сўнг у ҳақ эди албатта. Николай Михайлович доимгидек назокатли ва оқил. Катерина Андреевна биларди-ки, асосий суҳбат эртага бўлади. Шунда у бир қарорга келди, доимгидек ҳақ гапни ва фақат ҳақ гапни айтади: Пушкинни сақлаб қолишга фақат бир одам, Николай Михайлович қодир. Унинг давлатпаноҳ ҳузуридаги бир оғиз гапи ҳаммасини ҳал қилиб беради. Чаадаев ҳақ. Бунинг нечоғлиқ қийин ишлигини у биларди. Майли, начора, у яна мугамбирлик қилади, ҳийла қилади. Хотиржам бўлади.

Николай Михайловичнинг давлатпаноҳ билан мулоқоти тез орада бўлади. Бу ҳақда гапириш нақадар оғир! Бироқ Пушкин ҳалок бўлиб кетаверсинми? Албатта, Пушкин телба, унинг эпиграммалари шуниси билан даҳшатлики, улар кулгили. Ва ҳар бир эпиграммасида мана, мен, деб ўзи кўриниб туради, ўзи эшитилиб туради — ана шундан улар кулгили, шуниси билан даҳшатли.

Ҳаммаси шундай бўлди ҳам. Энг муҳими, жўн савол бўлиб чиқди: агар қалъага қамалмаса, агар Испанияга жўнатилмаса, унда Пушкинни кимнинг қўлига ва қаерга юбориш мумкин?

Император бирдан мийиғида кулиб қўйди. У бугун ёвуз ҳодисаларга сабабчи бўлгиси йўқ эди. Карамзиннинг дилбар хотини бор. Карамзин жанубдан гап очиб қолганда у олимга қараб қўққис жавоб қилди:

— Инзовми? Яхши.

Бу ғариб ном жануб ўлкасидаги мустамлакачиларнинг бош нозирига тегишли эди. Бу жануб эди: Екатеринослав. Ундан ташқари бу ташқи ишлар Коллегияси эди — бу ҳатто сургун ҳам эмас. Ишдан ишга ўтказиш эди!

Малика Екатерина номларни эрмак қиларди. Бир пьесасида малика фирибгарни: Калифалкжерстон, деб атаган эди. Бу бир талай қаллобларнинг қатор номлари эди.

Шу тахлит бу ғаройиб номни ҳам малика тўқиган эди.

Улуғ князь Константин Павловичнинг ўғли бўларди. Унга шундай ном қўймоқ лозим эдики, маъноси мужмал қолсин. Унинг номини немисчалаб айтиб кўрди: Константинс. Сўзга — исмга қўшимча тиркалди: ов ва ном чизиб ташланди: Инсов.

Катерина Андреевна эрини безиллаб кутарди. У Пушкин учун ҳам, бирам чигал ташвишлару оворагарчиликларнинг ҳаммаси учун ҳам қўрқарди. Эри олдида у ўзини гуноҳкор ҳис қиларди. Бу оворагарчиликларга у айбдор. Катерина Андреевна ҳатто йиғлаб олди. Шунинг учун ҳам Пушкин ташриф буюрганда у уни сипо ва унсиз кутиб олди. Пушкин ҳозир Николай Михайлович билан гаплашади.

Николай Михайлович унинг истиқболини ҳам, унинг поэмасини ҳам (у ҳалиям уни достонча деб атамоқда эди) гапириб ўтирмади.

У камсуҳан эди ва содда қилиб Пушкинга энди орқа-олдингизга қараб юришингиз шарт, шунга ваъда беринг, деб қўйди. У ваъда қиладими? У ваъда берадими?

Пушкин тиканнинг устида ўтирганга ўхшарди. Бирдан у:

— Ваъда қиламан...— деди.

Катерина Андреевна енгил тортиб энтикиб қўйди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Бирдан Пушкин муте ва аниқ илова қилди:

— Икки йилга.

У икки йилни бўйнига олмоқда эди. Катерина Андреевна ҳам бирдан кулиб юборди. Бирам аниқ! Ақалли икки йил бўлса ҳам

шукур! Пушкин ўша-ўша ўзлигича қолган эди, акс ҳолда ҳеч қизиғи бўлмасди.

Ҳар қалай, у қаёққа бораркин?

Номсиз, нишонсиз, хотирасиз чўлга жўнаб бўлмайди-ку, ахир.

У Қримга кетяпти. Хўш, нима дегани бу? Қрим қандай жой? У бу борада ҳеч нима билмасди.

Дўкондан Николай Михайловичга юбориб туриладиган янги китоблар олдида туриб олиб, у одатий қўллари билан ўша китобларни бирин-кетин варақлай кетди. Ўзи қаерга кетаётганини Пушкин билиши керак.

Бирдан у тўхтаб қолди. Дўкондан Наполеоннинг буйругига биноан Парижда чиқарилган Қора денгиз ва унинг атроф жойлари тасвирларини юборишган эди. Қрим манзаралари Наполеонни жуда қизиқтирган экан шекилли. Китоб янги эмас, лекин шоҳона эди. Катта-катта варақларга рассомлар ажиб жойларнинг жонли тасвирларини туширишган эди. Тик қоядан узун либосдаги қиз елкасида шамшод кўза кўтариб келар эди. Юқоридан уни тоғли йигит кузатиб турарди.

Катерина Андреевна жойнинг номини ўқиди: Эрзерум. У Пушкинга қараб қўйди. Александр диққат билан расмга тикилди-да, бирдан Катерина Андреевнага қараб:

— Буни мен унутмайман, — деб қўйди.

Катерина Андреевна мамнуният билан Пушкиннинг ростданам унутмаслигига ҳамда Пушкин икковининг география билан машғул бўлиши Николай Михайлович билан икковининг тарих билан машғул бўлишига қараганда муҳимроқ эканлигига қаноат ҳосил қилди.

38

Лёвушка, Лев Сергеевич ниҳоят қадам ранжида қилди. Шунда Пушкин ўз мактубларини унга, фақат унга ёзиб туражагини айтди. Улар — дўстлар. У Лёвушкага ўзи ҳақида, ўзининг ҳаёти ҳақида ҳамма гапларни ёзиб туради. Лёвушка эса унга ҳамма қариндош-уруғларнинг ҳол-аҳволини, уларнинг қаерда турганлигини, нима деётганини, нима ўйлаётганини маълум қилиб туради.

Пушкин чиндан ҳам ҳамма гапни укасига ёзиб туриш ниятида эди. Ўзининг мактубларидан ҳаммани воқиф этишнинг бундан тайинроқ чораси йўқ. Сўнг кетаётиб бирдан у Лёвушка билан барибир яқинлашмай қолганига афсус еди — сира вақти етишмас эди. Лев шошқалоқ, поэзиядан сиқилган, акасидай ёзолмас эди. Хуллас, Лев номига ёзилган мактублар орқали ҳамма унинг нималар тўғрисида ижод қилаётганидан бохабар бўлади.

Сўнгги кунларда у ҳамма нарсани йиғиштириб, ҳаммасини жой-жойига солиб бўлди. «Руслан ва Людмила» нашрда эди. Семёновани томоша қилди. Гнедични кўрди, унга: поэма босиляпти, деб айтди, у жўнаб кетяпти, кетиши керак. Шунда унга ҳам, унинг тақдирига ҳам ишонган, театрда учратган кўйи уни томошабин сифатида қадрлаган Гнедич ориқ бўйнини эгди: етим бўлиб чиқаётган поэманинг олам юзини кўришига кўмаклашади. Сўнг иккалови охирги марта Семёновани томоша қила бошладилар.

Янги шеърлар тўпламини тайёрлаб, қалин қўлёзмага, ўзининг эркин ҳуснихатига ҳавас билан қараб қолди. У ўз ишларини тугатмоқда эди. Вақт оз қолганди! Кўклам палласи эди. У ҳамма билан хайрлашмоқчи эди.

Кетишдан бир кун олдин кечаси у Никита Всеволожскийникида бўлди. Унинг сўзларича, ўзгариши зарур бўлган ҳаёт билан икки йилга бўлса-да, гусарларсиз видолашув йўқ эди.

Қоидасини келиштириб видолашмоқ керак эди. Никита Всеволожский ҳар нарсанинг кўламини идрок этадиган одам эди. Пушкин билан ўрнига қўйиб ва баландпарвоз хайр-маъзур қилмоқ керак. Ҳисоб-китобнинг, зиқналикнинг нима ҳожати бор?!

Хуллас, гусарлар оғуши кенг ва маҳкам!

Эрталабга бориб карта ўйини авж олди. Всеволожскийнинг ёш эман сингари зуваласи пишиқ эди.

Никита Всеволожский йирик қиморбоз эди.

— Веньтэнми?— деб сўради у.

Шитоб ўйнадилар, мўмай тикдилар.

— Вэньтень одамни алдаб қўяди, — деди Никита, — штос ўйнини тўғрироқ. Штос ўйнаймиз, маъқулми?

Пулни у юқорига ирғитди, у жаранглаб ерга тушди.

Ниҳоят, у бир йўла бир ҳовуч пул ютиб олди.

— Менга саломатлик тила, қалмиқ, — деди Никита.

Кичкина қалмиқ стол олдида туриб вино қуярди. Тиқини пақиллаб кетди. Қалмиқ қадаҳни кўтарди.

Пушкин тилини тишлаб қолди.

Бор пулини ютқазиб қўйган эди.

У ўзининг янги жилдини — муқовали қўлёзмасини олди: у ҳаммасини нашрга тайёрлаб бўлган эди.

Ниҳоят, ўйиннинг охири кўриниб қолди, қанча қарз бўлгани ҳам анча-мунча ойдинлашди.

— Қанча?— деб сўради у.

— Ҳисоблашиб кетамиз, — деди Никита. — Штос сеники.

Шунда у ўзининг қўлёзма жилдини олди-да, уни столнинг устига ён томони билан турғизиб қўйди.

— Менинг эски қарзларим йўқ. Ҳаммаси бирга. Тикаман.

Никита карта ота бошлади.

— Таппонга қўйма,— деди у Пушкинга,— сенинг мотканг бу эмас.

Пушкин бағоят қизиқиб қолди.

— Хўш, қайси мотка меники?— сўради у Никитадан.—Гиштинлиги эмас-ку, ахир?

— Буни сен билишинг мумкин эмас, — деди Всеволожский.— Балким гиштинлиги ҳамдир. Ўша.

Кулишни Пушкин хаёлига ҳам келтирмасди.

Хурофий ва башанг эди ўша Всеволожский. У ҳамиша шукуҳ билан сўз юритар, гиштни саллотни гиштни валлот деб гапирарди.

— Уйинда валлотни ҳисобга олмайман.

Валлотни ҳисобламасди-ю, лекин унга ҳам ютиб олаверарди.

Саҳарга яқин Никита ҳамма карталарни устма-уст ура бошлади. Пушкин қўлёзмалари жилдини у бирмунча эҳтиром билан четга олиб қўйди.

Пушкин уйига яёв қайтмоқда эди.

Тун ёп-ёруғ эди. Кундан ҳам ёруғ.

Унинг қадам товушлари эшитилиб турарди.

У шляпасини ечди ва эгилиб таъзим қилди.

Кимга? Ҳеч ким кўринмасди.

Петербургга. У жанубга жўнаб кетмоқда эди.

Бу ерда Нева бир маромда, виқор билан оқиб ётарди. Доимгидай. Пётр даврида оққандек, набиралар даврида ҳам оқаверадигандек.

Эртага у жанубга жўнаб кетмоқда эди, номаълум тарафга. У Петербургга фақат инсонга қилинадиган таъзимни бажо келтирди. Бир оз турди, шляпасини ечди. Тикилиб қаради. Ва орқасига бурилди.

39

Генерал Раевскийникида бўлди.

Генерал кекса эмас, қаттиққўл ва эътиборли эди.

У Пушкинга деди:

— Менинг ўғлим сиз билан иноқ. Қизларим ёш. Сиз биз билан кетасиз. Мен Қримга жўнаяпман. Екатеринославда учрашамиз.

Генерал Пушкинни бадарға қилишаётганини биларди. Бунга у поручик ёки капитаннинг омадсизлигига қарагандай қаради.

Генерал нохос қўшиб қўйди:

— Вақт бўлди. Қани.

Сўнг бош иргаб қўйди.

Пушкин ҳам фаҳмлади: генерал халқнинг 1812 йилги Ватан уруши қаҳрамони бўлгани ҳолда оталик ўрнини бир кун ҳам совитмаган ва ўзининг кичик қизларисиз Қримга минбаъд кетолмас эди.

Унинг ўғли Николай гусар эди ва Царское Селода уни кутиб олишга, унинг шеърларини кутишга ўрганиб кетган эди.

Унинг ўзи-чи, Пушкин-чи? У ҳарбий эмас, шундай бўлса ҳам, мана, сургун қилинди ва демакки, ҳимоячиси йўқ. Бекор гап.

Йўқ, у нусратсиз эмас эди. Йўқ, гарчи шоир бўлса-да, у жангчи эди. У лашкарбоши эди. Ямбларнинг пиёда қўшини, хорейларнинг отлиқ қўшини, эпиграммаларнинг казакча ҳужумлари наҳ ажалга йўлиқтириб, нишонни бехато урарди. Шеърлари қанчалик қисқа бўлса, қисқа масофадан отилган ўқ мисол, шунчалик даҳшатли эди. Генерал Раевский, Ватан уруши генерали, у билан содда ва қисқа қилиб гаплашди, унвони кичикроқ ҳарбийлар билан, поручик ёки капитанлар билан бошқа турдаги қурол вакиллари билан гаплашгандай мулоқот қилди.

У Ватан урушини Царское Селодан жилмасдан бошидан кечирди. У урушни биларди. Душманнинг кучини биларди. У қадимий баҳодирлар, жамики рус нарсаларининг душмани — Черномор ҳақидаги биринчи поэмасида — у бошқа замон уруши ҳақида — рус шон-шавкати ва малоҳати — Людмила учун урушда, бирдан келажак уруши бўлиб кўринib қолаётган қадимий урушни ўйлаган — нимжон ва пачоқ Черномор учиб юриб Людмилани шу йўл билан ўғирлаб кетганди.

Унга шундай туюларди: ким билсин, бундай уруш ҳам бўлиб қолса ажаб эмас. Шундай ғалаба ҳам бўлиб қолар. У урушнинг қора кучи — хиёнат ҳақида ўй сурарди. Рогдай ҳақида, семиз Фарлаф ҳақида.

Бир марта Катерина Андреевна унинг Людмилани тирикдек кўриб ўйлашини ва снёқида Людмилага ошиқлигини гапириб қолди. Александр ўшанда Катерина Андреевнанинг пойига йиқилаёзганидан ва ёзаётган пайтида Людмила сиймосида ҳамиша уни кўриб турганини айтиб қўяёзганидан қўрқиб кетган эди.

Шундай ҳол бўлиб турарди: Катерина Андреевна ҳақида ўйларкан, унинг илгарилари қандай бўлганини тасаввур қиларди. Шу важдан Людмилани ёзганда, айёрлик қилмай Катерина Андреевнани тасвирлаган эди.

Ҳаммаси қандай кечиши лозим бўлса, худди шундай юз берди.

У охирги марта Аринани кўрди. У билан кўнгилдагидай хайрлашди. Уни қучоқлади.

— Алвидо, она,— деди у Аринага.

Шунда Арина эсанкираб қолди. У ҳазил эмасми, деб қараб

қўйди. Йўқ, ҳазил эмас экан. Ён-верига аланглаб олди. Ҳеч ким йўқ, худога шукур.

— Нималар деяпсиз, Александр Сергеевич,— деди у довдираб,— онангиз бор-ку.

— Бор,— деди у жиддий.— Сен-да, онам.

Шунда Аринанинг сокин ва сийрак кўз ёшлари томиб кетди. Одатий кўз ёшлар.

У почта уловида жўнаб кетмоқда эди. Кутган кишиларининг ҳаммаси кузатгани келди.

Пушчин келди. Отга, эгар-жабдуқларга қараб қўйди, кўнгли тўлмади.

— Ҳарбий арава эмас, почта араваси,— деди аравакаш.

Малиновский келди. У жўнаш, келиш ва ўзгариш пайтлари ҳамиша керак бўларди. У лицейдалигидаёқ казак номи билан юрар ва бунинг хотираси ҳали ҳамманинг кўнглида эди. Лицей ибтидоси, унинг отаси хотираси, Сперанский хотираси йироқларда қолди. У казак эди, шундайлигича қолди. Пушкин ўз шеърларида уни казак деб атагани сабабли у Пушкинни ҳам, шеърларини ҳам яхши кўрарди.

Пушкин олис хизматга кетаётган эди. Қанчалик олис бўлса, хайр-маъзур ҳам шунчалик қуюқ, Пушкин ҳам шунчалик яқин эди.

— Миндилар ўйноқи отларга,— «Руслан»ни ўз вақтида эсга олиб деди Малиновский.

Шунда ҳамма жилмайиб қўйди — парча келтираётган Малиновский муғамбир эди. Ҳансираб қолган Кюхля кўз қисиб деди:

— Малиновский «Руслан»ни ёддан ўқиб қолибдими? Ана холос!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Ҳа. «Руслан»ни. Ҳали босилмаган бўлса ҳам. «Руслан ва Людмила»! Ана холос!

Унинг шуҳрати Царское Селодан бошланган эди.

Уни бадарға қилишмоқда. Қаёққа? Рус ерларига. У ҳали рус ерларини бутунича кўрмаган, билмаган. Энди кўради, билиб олади. Рус ери шимолий сокин водийлардан бошланмасди, йўқ, жанубдан — эҳтиролар, жиноятлар паккасидан. Эҳтирос қаерда кўпроқ? У эҳтиролар ватанини, эҳтиролар диёрини кўради. Бу не бадарға бўлди? Уни гўё зўрлаб жиноятчиликка ёлламоқчилар. Майлига! У кетмоқда. Қайтиб келармикан? Бирор кимсани топармикан? Еки тарих бурилармикин? Бирам шитоб бу тарих.

Осойишталик. Аравакаш мунтазир.

40

Ватанни бутун кўлами ва қудрати билан асл ҳолида катта йўлларда билиб олмоқда эди. Бас етар, уни ахир шу тариқа ва ўша ерда билиш шартмикан? Аравакаш куйларди.

— Э-ҳа, рус қўшиғи шу экан-да! Вазмин, мунгли, ўйчан. У хасислик билан бир соат тинглади, икки соат, уч соат. Бу ғуссанинг улуғворлиги, улканлиги, вазминлигининг боиси шу экан-да. Йўлларда аравакашлар томонидан айтилар экан-да. Йўл эса олис, интиҳоси йўқ. Қўшиқдан сўнг мудроқ босди. Унинг ҳаёти ҳаловатсиз эмас, шиддат билан бошланмоқда эдики, бу барибир эмас.

Арава қўнғироқчасининг уни ўчгандай бўлди. Аравакаш ғойиб бўлди. Шартлашилган жойда — Екатеринославда у ёлғиз эди. Енида ҳеч ким йўқ эди. У қаддини ростлади, керишди.

Йўл дўқир-дўқиридан оёқлари увишиб қолган эди. Бадарға айнан бадарға эди, сургун эмас эди, ҳеч ким кутиб ҳам олмади, қарши ҳам олмади ва қўнгудай жой ҳам йўқ эди. У бирдан-бир боп жойга, очиқ эшикка бош тиқди.

Қовоқхона экан. Унга лаънат айтиб юборди — паст шифтлар энди унинг учун тобутдай гап эди.

Чўмилишга! Шаҳар тошқин бўлибди. Днепр чўзиқ-чўзиқ гувиллар, кейин ўкирар, ниҳоят тинарди. Қовоқхона қарийб сув остида қолган, сув полни кўмиб борарди. У ҳеч нимани кутиб ўтирмади ва дарҳол пастга, пишқираётган, энтикаётган сувга отилди. Сув янги ҳамлага отилиш учун тин олмоқда эди. Пастдан қайиқчи унга диққат билан шошмасдан қараб қўйди. Ҳартугул борадиган жойнинг тайини йўқлиги, сайр қилиш лозимлигини эшитгач, қайиғига чиқазди.

Қайиқчининг сал қисиқ, бадиққат, шубҳали нигоҳини, унинг камгаплигини Пушкин пайқади. У шошмасдан, фақат охирида зўр бериб ва дарҳол эшакларни тўлқин ихтиёрига ҳавола этиб, бирпас тўхтаб эшарди. Пушкин ундан қўшиқ айтмайсизми, деб сўради. Дарров қайиқчи шошмасдан куйлай кетди. Пушкин тинглаб ўтирди. Қадимий, дуруст қўшиқ эди. Қайиқчи бекорга кўзларини қисиб қарамаган экан. Қўлида милтиқ ушлаган атаман қизни олиб қочиб кетаётган экан. Дафъатан Пушкин қисқа ва бўғиқ кулиб юборди. Ўзини тузатишга мана қаерларга жўнатишибди. Қўшиқ қароқчиларники эди. У Днепр бўйлаб узоқ сайр қилди, кейин эса қайиқчига тўхтаб туришни айтиб, чўмила бошлади.

Унинг бадани узоқ дўқир-дўқирдан қотиб қолган эди. Фақат сузганда, фақат тез-тез сузганда тани ўзига кела борди. Оёқларининг чарчоғи тарқай бошлади. Ниҳоят, қайиқчи кутишдан чарчади. У ўрнидан қўзғалди. Йўқ, у чарчамабди. У Днепр узра янграган кескин наърадан туриб кетибди:

— Иккаласи! Кишанларда! Ушла!

Фақат эрталабга яқин эшкакчи уни қовоқхонага келтириб қўйди. Каторгадан икки банди қочган, сузиб кетиб қолган эди. У

одамларнинг бақириқ-чақириқларини, икки кишининг таъқибини эшитган эди. Унинг бадарғаси шу зайл бошланди.

Кечқурун ўша қовоқхонада уни ўқтин-ўқтин қақшатиб безгак тута бошлади. У алаҳлаб таъқибдан жон қутқарар, чўлу биёбонда муздак сув талаб қилиб, ҳеч нимани кўрмасдан, ҳеч нимани эшитмасдан, фаҳмига етмасдан нафаси бўғила бошлади. Ниҳоят, унинг қўли яхдек совуқ кружкани тутиб олди. Кружкада яхли сув бор, уни эсхонаси чиқиб кетган қизалоқ топиб келган эди.

Шу аҳволда у кимнингдир қандайдир жўн пўстагида — қаёқдан келиб қолдийкин? — ҳамма нарсадан умид узиб ётарди. Унинг қўл-оёқлари йўл дўқир-дўқирини эслаб ётарди. Бирдан лоп этиб ҳаммаси — пихини ёрган қайиқчининг бежо кўзлари ҳам.

— Ушла!— деган наъра ҳам эсига тушди.

Улар икки киши эди. Улар икковлашиб сузиб, бир-бирига занжирбанд ҳолда елкама-елка асоратдан қочган эдилар. Озодлик! Фақат озодлик учун яна бошқа биров билан занжирбанд ҳолда кишанларда сузиш мумкин.

Яна кундуз. Кечқурун уникида ўт ёнмади. Мана, унинг Соловецк ибодатхонаси — Фотий ниятига етди. Мана, чалқанча ётиш. Аракчеев ҳам уни мот қилди.

— Чўпчироқни ёқ!— бирдан кимнингдир совуқ, амрли овози эшитилди.— Нега бу ерда ўт йўқ?

Ҳали ҳеч кимдан умид қилмасдан, ҳеч нимани эсламасдан у тушундики, чироқ ва олов бўлиши шарт. У ҳушига келди.

Унинг қошида генерал Раевский турарди.

Кимгадир уни қоронғида ташлаб кетишни тақиқлаб, кимдандир чўпчироқ талаб қилаётган кекса Раевский унинг катта қадрдонларидан бири эди. У шу заҳоти ўзини паноҳ остида ҳис этди ва биринчи марта чуқур ва текис нафас олди.

Унинг ўғли — Николай Раевский эса — ҳамон ўша-ўша эди: фикридан қайтмас ва фикрини ҳеч қачон сир тутмас эди. Солдатлар ўз юрагини авайлагандай, Пушкин ҳам ўз шеърларини муҳофаза қилишга одатланган эди. У Николай Раевскийга шеърларини рўй-рост ўқиб бераверарди, Николай эса ўта кескин шеър эшитганда бемалол, барала хохолаб юборарди. Пушкин гусарча дангалликни ҳурмат қилишга ўрганган ва гап подшонинг иқболи ҳақида, София Вельо ҳақида кетган бир пайтда Пушкиннинг император билан тўғридан-тўғри ва қизғин гаплашишга бўлган истагини Николай маъқулламаганини ҳали-ҳали ҳеч унутолмас эди.

— Унут, — содда қилиб деган эди гусар.

Энди ўша лаънати қовоқхонадаги беҳушликдан кейин икки қароқчи воқеаси ростдан бўлганмиди ёки бу алаҳлашмиди, билмас эди. Янги поэма унга азоб берарди. Ўша дардида қолган эди. Бирга кишанланган, бирга қочган, озодлик ортидан бирга

сузган икки қароқчи уни тарк этмасди. Унга бир идрок сингари Николай Раевскийнинг равшан қаҳқаҳаси зарур эди. У Раевскийга так-таслим ишониб қолди.

Николай Раевский унга, бу воқеага ишонмайдилар, ишонолмайдилар, деб айтди:

— Ҳақиқатга яқинлик йўқ.

Ҳақиқатга, чиндан ҳам бўлиб ўтган воқеага, турма протоколининг сўзларига — мана, нималарга ишониш мумкин эмас эди. Насрдан ҳам аниқроқ шеърга ишониб бўлмас эди.

Ҳаммаси ҳал бўлди. Улар Кавказ ва Қримга равона бўлдилар.

41

Ҳар куни саҳардан бошлаб дам оёғи, дам қўли, дам сабр-бардоши панд бергувчи кишиларнинг унсиз, совуқ, хунук важоҳатли жонсиз навбати ифлос сув тўла хандақлар олдида тиқилишиб турар, одамлар ниманидир кутишарди.

Ўзларини ҳеч нимага ишонмаганга солган ҳолда улар ҳаммасига ишонардилар. Энг беқарори ёшлик, куч-қувват эди. Ёшлик бирдан қайтиб қолса-чи?

Бундан осони бўлмасди.

Умид йўқми? Ҳечамми? Буларнинг ҳаммаси аён. Лекин ҳеч ким ишонмасди. Бўлмаган гап. Куч-қувват, ёшликми? Ҳаммаси қайтиб қолиши мумкин, ҳаётда ҳаммаси бўлади. Ҳаммаси ўша-ўша, илгаригидай бўлиб чиқди. Сабр қилинг! Бошқача бўлиши мумкин эмас.

У итоат билан илиқ сув тўла зовурга тушарди. Хомуш, совуқ важоҳатли навбат, унсиз, тунд, барвақт турувчи чоллар унинг ортида тўдалашиб турарди. Улар ҳаётни ва дармонни қайтариб беришга қодир тасодифу мўъжиза илинжида келишганди. Кўнгли чопмасдан вазмин табиб ҳамроҳлигида у олтингугурт, аччиқ, қайноқ, совуқ сувларни синаб кўрар, бир куни танҳо ўзи ҳеч нимани ўйламасдан қайта ётиб — туйқусдан кулиб юборганди — сабсиз, баҳонасиз, тўсатдан, шунда ўзи ҳам бунга жилмайиб қўйганди, чунки буни ўзи ҳам кутмаган эди. Қайноқ сувлар кор қилганди. Уларнинг амри билан кулмоқда эди. Генерал Раевскийнинг таниқли табиби сувларни ҳарбийча тарзда ишга соларди. У сира бир хилликка интилмасди. Аввалига у фармойиш берди:

— Олтингугуртли иссиқ сув қабул қилинг. Буни бекорга Горячеводск демайдилар.

Бир ҳафтадан кейин буюрди:

— Бугун ачиган олтингугуртли илиқ сув қабул қилинг.

Кейин, бир ҳафтадан кейин шундай фикр берди:

— Энди темирли сув қабул қилинг. Темирсиз илож йўқ.

Ана ўша темирли сувдан кейин Пушкиннинг кулгиси қистаган

эди.

Генералнинг севимли табиби кўпни кўрган ва даволашни яхши биларди. Аввалambор у касалликни яхши тушуниб бўлмаслигини биларди. Сўнгра сувларни тушуниш ҳам қийинлигини ва ниҳоят, улар ёрдам беришини, шифо беришини биларди. Дарвоқе, унинг ўзининг балким тўғри ҳам бўлган ўз усули ҳам бор эди. У китобларни ковлаштириб юбормасди.

Қайноқ сувлардан — совуқларига. Унинг усули шундай эди. Икки ой мобайнида табибнинг қатъий буйруғига биноан аввал олтингугуртли қайноқ сув, кейин ачиган олтингугуртли илиқ сув, кейин темирли ва ниҳоят, аччиқ сувларда чўмилиб юрди.

Генерал табибини маъқулларди.

— Темирсиз бўлмайди,— дерди у темир сувлар борасида.

Йўқ, Пушкиннинг жўралари энди бошқа эди. У бўлак бисотни топиб олди. У энди турли рангдаги — оқиш, қизғиш, кўкиш ғалати булутлар — асло булутлар эмас, балки қуёш остидаги музли тоғ чўққилари эканини чинакамига билиб олди. Пушкин собор сингари беш бошли Бешту, Машук, Темиртоғ, Тоштоғ, илонга ўхшаган Илонтоғ — ҳаммасини биларди.

У табибнинг барча дастурларини бажо келтириб бўлгач, зилол чашма устида энгашиб бирдан ўзининг афтини кўриб қолганда, ўзини ўзидай ҳис қилди, шунда ўзининг даври келганини тушунди. Николай Раевский ёнида эгарга ўтирар экан, у билан узоқ гаплашди. Николай ота ўғли эди ва генерал уқтирган ҳамма гапларни ёдида тутарди. Уларнинг гаплари бир жойдан чиқди. Раевский Наполеоннинг пуч режаларини эслади. План Кавказ тоғлари чўққилари бўлмиш афсонавий булутларга ўхшарди. Бу план император Павел билан қўққис вужудга келган дўстлик пайтларида юзага келган эди, кейин император билан бирга бу план ҳам ўлди. Бу план — рус Ҳиндистони эди. Энди Пушкин, бу тоғлар фақат мисlсиз гўзаллиги учунгина эмас, форслар билан дўстона савдо-сотиқ ишларини олиб бориш учун ҳам керак, бу тараф ватанимизни форслар билан дўстлаштиради, деб айтмоқда эди.

Улар Николай Раевский билан бирга кетаётган эдилар. Соҳилдаги Кубань соқчилик бекатидан уларни олтмиш нафар казак кузатиб борарди. Шунда Пушкин уларнинг от чопишига, эгарда бемалол ўтиришларига ҳавас билан боқиб, қувончдан қотиб Николай Раевскийга:

— Доим отда! Доим жангга шай, то абад ҳушёрликда бўлайлик!— деди.

42

Уни ошиғич фармон билан бадарға қилиб юбордилар.

Шошқалоқ номард Голициннинг режаси амалга ошмади — у Россиядан даф қилиб эмас, Испанияга — олисроққа эмас, Россия

ичкарисига бадарға этилган эди: жонажон диёр унинг ўнгида намоён бўлди. Олис ўлкаларни у рус киши сифатида билар ва севар эди. Бу ерда эса у жонажон диёр билан кўз кўзга тушиб, бақамти тўқнашди ва кўрдики, энг ажиб, энг мисlсиз, ҳамма бехабари — ўша, жонажон ўлка, жонажон диёр экан.

Унинг бадарғасига шоир киши эмас, ҳарбий ишни оиладан, қариндош-уруғчиликдан ва демакки — истиқболдан айирмайдиган улуғ ўн иккинчи йил генерали раҳбарлик қилгани унинг учун чинакам бахт бўлди. У бу йил ўзи босиб ўтган ҳамма жойнинг тарихи хусусида кўп ўй сурди, соқов жойлар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, уларнинг тили аниқ эди. У аниқ нутқ сари бадарға этилган эди. Худди математика сингари шеър аниқ эди. Лекин бу ерда ҳали битта лаънати ишкал бор эди: ишонмасдилар. Шеър нечоғлик аниқ бўлса, у ҳикоя қилаётган нарсалар нечоғлик аниқ ва ҳаққоний бўлса, у билардики, ишонмайдилар. Ақл бовар қилмайди — дейишади. Бутун жонажон диёр инобатга олинмасди. Исбот қилиб ўтириш ортиқча эди. Полиция протоколининг аниқлиги қутқармасди. Итоат қилмоқ лозим эди. Шунда у итоат қилди. Бундан ҳам эўр томони шуки, бу қонундан фойдаланиб қолиш керак эди, истаган нарсангни истаганча, ўлимнинг олдида хоҳлаганинг сингари бемалол, қўрқмасдан, астойдил ёзаверишинг мумкин эди. Хуллас, унинг учун цензура мавжуд эмас эди. Полиция цензураси уни эмас, у полиция цензурасини билар ва синар эди, бу цензура уни пойтахтдан қувиб чиқарган эди, бошқа даҳшатли цензура эса — ўз қалбининг ва азиз дўстларининг цензураси эди. У элегияни шундай бир тарзда ёза бошладики, гўё улар унинг охирги шеърлари, охирги сўзлари бўлгандай.

Умр имкон борича ва илож борича ўтиб борарди. Николай Раевский чинакам, ҳақиқий ўртоқ эди. У гусар бўлиб, поэзияни тушунарди — уни шоширмасди.

Улар Қримдан ўтмоқда эдилар, жонажон диёрнинг муҳим ва тақиқланган жойидан. Сершовқин ва серташвиш Керчдан Феодосия деган кибрли ном олган жой, яъни Кафага келишди. Кафада сершовқин ва кўзга яққол чалинадиган оқшом чўкмоқда эди. Қоронғилик ва илиқлик салмоқли ва кўз илғарли эди. Қрим соҳилларини ёқалаб Юрзуфга йўл олдилар, бу ерда уларга генерал Раевский ва унинг кичик қизлари кўз тутаётган эди. Тунда «Русалка» деб шарафлангувчи енгил ва тезқанот фрегатда у элегиясини ёзди.

Тун бу ерларда салмоқли, кўз илғарли бўлиб чўкарди.

У Қрим соҳилларини кўриб турарди. Тераклар, узумзорлар, басавлат дафналар, оламда танҳо келишган сарвлар уларни кузатиб қоларди.

Соҳиллар яқингинадан ўтиб борарди — шунда у Наполеон-

нинг Қрим ҳақидаги нашрини, унга Катерина Андреевнанинг қандай қараганини, ўзи билан бирга қараганини, негадир ўша ерларда Катерина Андреевнани учратиб қоларман, деган фикрни кўнглидан аритолмаганини, ҳатто аритишни истамаганини эслади.

У ҳаммасини хотирга олди, ғира-шира олисдан эсламади, балки шунчаки, Катерина Андреевнани шу ерда, шу фрегат каютасида, қирғоқда улар билан бирга тенг сурилиб бораётган дафна ва сарвлар яқинида кўрди. У ўшанда унинг пойига йиқилмоқчи бўлганини ва ўша туйғу ўзи билан умрбод қолганини ёд этди. Энди, кечаси, йирик-йирик юлдузлар остида ўша шарпадан қутулишга қурби етмай, унинг қошида шу ерда ҳам тиз чўкди. Ҳа, у бу шарпани кўриб туришга умрбод маҳкум эди.

Катерина Андреевнанинг номини ҳеч ким безовта қилмайди; йиллар ўтиб, унинг телбаларча муҳаббатини суриштирадилар ва Катерина Андреевнанинг ундан икки баробар катта бўлганини аниқ билгач, қўл силтаб қўядилар, чунки одамлар хусусан бу аёллар масаласида — ёш масаласида шафқат нималигини билмайдилар. Ҳусними? Лекин бу борада Катерина Андреевнанинг ўзи мададга келади — унинг қалбининг камтарлиги кўп вақтлардан буён тушунилмай келмоқда. Унинг портретлари йўқ.

Унинг бадарғаси шу зайл бошланди.

У телбалик бўлиб ҳисобланган ана шу муҳаббатга маҳкум эди.

У биладики — худога шукур!— ҳеч ким унга тил теккизмайди. Худога шукур! Гарчанд телбаларча, болаларча, кулгили муваффақиятсизлик сари бораётган унинг биринчи жазаваси, бирдан болаларча кўз ёшларини дувиллатиб оқизиб юборган жазаваси бемаъни кишиларнинг эсида қолажак, оддий ёш болаларга хос ўша қилиғининг бу яраларга, теран ишқ жароҳатларига нима дахли бор.

Буларнинг ҳаммаси Катерина Андреевна эди.

Оқила кўзларга унинг шеърлари манзур эди. Уларни у биларди, севарди.

Уларни тушунарди, уларнинг бутун йўналишини, ушалмаган, кейинчалик унут бўлган ниятларини биларди. Унинг дуэлларидан, болалик, деб куларди.

У ана шу элегияни ўзи гапириши лозим бўлган сўнгги гап сифатида ёзмоқда эди.

Бошқа ҳеч гапни у айтмайди.

Ўзга ҳеч ким ҳақида, ўзга ҳеч нима ҳақида.

Бу сўнгги элегия эканлиги унинг ҳар сўзини ҳақиқатга айлантирарди. Элегия жоду эди. У бор ҳақиқатни дадил ёзаверса бўларди, Катерина Андреевнанинг осойишталиги қатъий эди. Ҳар қалай у Лёвушкага элегияни имзосиз бостириб чиқариш учун хат ёзиб юборади! Поэзияда, жанг майдонидаги сингари, ном даркор эмас.

У биларди: қачонки, Катерина Андреевна ҳақида ёзса, ҳамиша тун зулмати, шу тобдаги сингари тўниқ денгиз шоҳид бўлади. Унинг бу бедаво, соядай бирга юрадиган муҳаббати бир жароҳатни эслатарди. Ўз табиатини яхши кўрадиган кекса Раевский бу жароҳатни ҳаммадан кўра яхшироқ биларди. Табиб Пушкинни бутунлай шифолайман, деб Раевскийни юпатмас эди. Об-ҳавога қараб жароҳат зирқирай бошлашини у яхши биларди.

Қани, бош кўтарилсин, нафас ростлансин! Ҳаёт шеър сингари оқмоқда.

Муҳаббатнинг ўтмиш жароҳатларини
Ҳеч нарса даволай олмади бироқ.

Унинг жанубга бадарға қилингани бежиз эмас эди. Шимолда эмас, шу ерда, айни шу ерда лицей куртак очганди. У бадарға қилинган жойлардан анча-мунча жануброқда, ҳали лицейга кирмасдан бурун, кичкинтойлигида бу ерларда дипломат бўлиб, бош рус комиссари бўлиб, рус манфаатларини ҳимоя қилиб Малиновский хизмат ўтаган эди. У шу ерда, қувғин ва сургун этилганларни кузатиб юриб, шу ўлкада, қулликнинг емирилиши ҳақидаги рисоласини ёзган, ёзишга жазм қилган эди.

Мана энди, у, Пушкин шу ерларда, айни шу ерларда одамларни бирга кишанланган ҳолда шиддатли бир тезлик билан олға сузишга мажбур этадиган озодликка ташналигининг шоҳиди бўлиш учун бу ёқларга бадарға қилинди!

Яшасин лицей!

Шу ерда у вақт ўзидан дариғ тутган ложсиз муҳаббат ҳақида элегия ёзмоқда эди. Қарғиш теккан каби, унинг номини тилга олишга журъат этмай, навқирон ёшида у тақиқланган, ушалиши мумкин бўлмаган нарсалар хотирасидан сархуш ҳолда сузиб бормоқда эди.

57163

ф. 2

Центральная библиотека г. Чирчик

Qayta inventarizatsiya
o'tkazildi
26.04.2017 yil. CHIIK

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм. Болалик 3
Иккинчи қисм. Лицей. 177
Учинчи қисм. Ёшлик. 426

На узбекском языке
Юрий Николаевич Тинянов
ПУШКИН
Перевод с издания издательства «Художественная литература»
Ленинград, 1974
Редакторлар: *М. Аъзамов ва М. Қўшмоков*
Рассом *З. Трасинова*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *Р. Содиқбекова*

ИБ № 332

Босмахонага берилди 16. 03. 78 й. Босишга рухсат этилди 17.10.78. Формати 60x84¹/₁₆. Босма л. 33,5. Шартли босма л. 31,15. Нашр. л. 34,87. Тиражи 30000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 218—74

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида 1- қогозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1978 йил. Заказ № 1141. Баҳоси 2 с. 50 т.